

# МАҢНАВИЯТ ЮЛДУЗЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМЛИ ШАРҚШУНОСЛИК  
ИНСТИТУТИ

# МАЪНАВИЯТ ЮЛДУЗЛАРИ

(Марказий осиёлик машҳур сиймолар,  
алломалар, адиблар)

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ МЕРОСИ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ -- 2001

**Маънавият юлдузлари:** (Марказий Осиёлик машхур сиймалар, алломалар, адиллар)// Тупловчи ва масъул мұхаррир: М. М. Хайруллаев/.—Тулдирилган қайта нашр.— Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 2001.— 408 б.

Садрлархада: ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номли шарқшунослиқ институти.

Шарқ мамлакатлари... Шарқ фалсафаси... Шарқ мўъжизаси... Жаҳон цивилизациясининг бугунги тараққиётига тамал тошини кўйган буюк Шарқ юзлаб, минглаб даҳоларни етиштиргани ҳеч кимга сир эмас. Бу даҳоларнинг кўпчилиги ҳақида тўлиқ ёки қисман маълумотта замир. Лекин яна бир қанча буюк мутафаккир ва донишмандларимиз борки, улар тўғрисида ҳатто тасаввурга ҳам эга эмасмиз. Ушбу китоб худди шу йўналишга хизмат қилиб, бугунгача ўқувчилар нигоҳдан деярли пинҳон ётган, IX асрдан XX аср бошигача Марказий Осиёда яшаб ижод этган кўплаб аждодларимиз — машхур шоирлар, фалакшунослар, риёзиётчилар, мұхаддислар ҳаёти ҳақида қисқача маълумот бериб, уларнинг қиёфасини намоён этиши билан маданият ва илм-фан оламига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Китоб олий ўқув юртлари талабаларига ва маданий меросимизга қизиқ-қенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ББК 63.3(5У)+72.3

### Тулдирилган қайта нашр

Тупловчи, нашрга тайёрловчи ва масъул мұхаррир — ЎзР ФА академиги  
М. М. ХАЙРУЛЛАЕВ


Тақризчилар: ЎзРФА академиги А. МУҲАММАДЖНОНОВ,  
фалсафа фанлари доктори О. ФАЙЗУЛЛАЕВ,  
тарих фанлари номзоди О. ЖАЛИЛОВ,  
филология фанлари доктори Э. КАРИМОВ

Китоб Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат  
кумитасининг моддий ёрдами билан тайёрланди.

M 4702620100-261 — 2001  
M361(04)-2001

ISBN 5-86484-072-6

© Абдулла Қодирий номидаги халқ  
мероси нашриёти, 2001 йил



29034112

## МУҚАДДИМА

Ўзбекистоннинг мустақиликка эришуви миллий маданиятимиз тарихини ўрганишга, у ҳақида холисона фикр билдиришга катта имкониятлар яратди, осори-атиқа ёдгорликларимизни асраш, миллий қадриятларимизни тиклаш, қадимий бой тарихимизни бир ёқламали ёритиш, чегаралаш, маълум жараён ва илм-фан арбобларининг фаолияти ва хизматини инкор этишдек нотуғри ғоялар ва усуллардан тозалашга, ҳур фикрлиликка шароит туғдирди.

Маданий меросимизни, ўтмиш қадриятларимизни кенг ва ҳар томонлами ўрганиш Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг маърузаларида бир неча бор таъкидланганидек, ҳозирги миллий маънавиятимизнинг чуқур тарихий илдизларини, шаклланиш босқичлари ва хусусиятларини очиб бериш учун зарурдир. Бу эса, уз наебатида, миллий онг, миллий ғурур, тарихимиз, ўтмиш авлодлар хизматига ҳурмат-эътиборни, ҳалқ меҳнатига, ватанга севги туйғусини шакллантириш, янги жамиятимизнинг тұғыр ривожини, келажагини оқилона белгилаш, юксак демократик давлат қуриш учун хизмат қилади.

«Маънавият юлдузлари» китоби IX асрдан XX асрнинг бошигача бүлгап даврда Марказий Осиёда яшаб изход этгандын энг иирик мутафаккирлар, шоир-ёзувчилар, донишманд-олимлар, арбоблар ҳақида қисқача маълумотларни ўз ичига олади. Бу маълумотлар кенг үқуевчилар оммасига мүлжалланган мақолалар шаклида баён этилғандыр.

Китоб 1995—1997 ишлар давомида нашр этилған уч китоб «Буюк сиймолар, алломалар» тұпламаларининг кенг үқуевчилар оммасининг истекларини назарга олған ҳолда тұзатиш ва құшимчалар билан яхлит бир китоб шаклига көлтирилиб, нашрга тайёрлашнинг натижасидир.

1999 йилда нашр этилған ушбу китоб кенг омма томонидан жуда яхши қабул қелиниб, құлма-құл булиб кетди. У маданиятимиз, маънавиятимиз тарихи бүйіча құлланма манбаи сиғатида ҳам үқув юртларida фойдаланып келинмоқда. Китобға бүлгап катта әхтиёж ва тақлифларни инобаттаға олиб, «Маънавият юлдузлари» китоби янги материаллар, маданиятимиз тарихида машхұр, лекин кам ўрганилған сиймолар ҳақидағы маълумотлар, мақолалар билан бойитилиб, қайта на-

шрга тайёрланди. Китобдаги булимлар шарқшунос, тарихчи, фаялласуф, адабиётшунос, тилшунос олимлар иштирокида ёзилиб, ташкилий, тақриз, мұхқокама ва бошқа ишлар эса Ўзбекистон Республикаси ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтыда бажарылған. Биз китобни яратышда иштирок этгандар барча мутахассис олимларимизга, моддий ва маънавий жиҳатдан яқиндан ёрдам курсатган Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қумитаси ва унинг ходимларига ўз миннатдорчилигимизни билдириб, бизнинг ҳаракатларимизни құллаб-қувватлаганлайлари учун мамнун эканлигимизни алоҳида таъкидолаб үтамиз.

М. М. ХАЙРУЛЛАЕВ,  
академик

# МАРКАЗИЙ ОСИЁДА IX—XX АСР БОШИДА МАДАНИЯТ РИВОЖИ ТАРИХИДАН

## 1. МАРКАЗИЙ ОСИЁДА IX—XII АСРЛАРДА ИЛК МАДАНИЙ ЎЙГОНИШ

Марказий Осиё халқлари узоқ тарихга эгадир. Эрамиздан аввалги I мингинчи йилларда бу ўлкада, юонон манбаларидан кўрсатилишича, скиф(сак)лар деб номланган халқлар истиқомат қўлган. Лекин аҳоли ўзи яшаган жойнинг номига қараб турлича аталгани ҳам адибиётларда келтирилади. Масалан, Амударёнинг қуйисида яшаганлар — хоразмликлар, Зарафшон водийсида яшаганлар — сұғллар, Муртоб дарёси водийсида яшаганлар — маргіанлар, Фарғона водийсида яшаганлар — парканлар каби номлар билан маълум бўлган.

Марказий Осиёнинг шу водийларида эрадан аввалги VIII—VII асрларда бошлангич маданият марказлари вужудга келган. Шу даврларда энг йирик динлардан — Зардустийлик шаклланган. Тахминан шу даврлардан бошлаб Марказий Осиёда шаҳарлар ва шаҳар маданияти ҳам ташкил топа борди. Эрамиздан аввалги V—IV асрларга келиб бу ўлкалар Эрон давлати томонидан босиб олинган. IV асрларда эса Марказий Осиё Александр Македонский (Искандар Зулкарнайн) томонидан босиб олингач, бу ерда юонон ва ерли халқларнинг қоришган давлатлари вужудга келди. Ерли маданиятга юонон маданияти, афсоналари маълум даражада таъсир курсатди ва аксинча, халқларимиз ҳёти, афсоналари ҳақидаги маълумотлар қадимги юонон муаллифларининг асарларига кириб борди. Масалан, Климент Александрский, Ксенофонт, Страбон, Птоломей, Геродот асарларida қадимги халқларимиздаги турли маданий-маънавий қадриятлар, халқ қаҳрамонлари: Тумарис, Спаретри, Зарина, Широқ ҳақидаги маълумот ва афсоналар келтирилади.

Бу даврда Марказий Осиёда кенг тарқала бошлаган Зардустийлик фақат соф дингина булиб қолмасдан, уз даври маънавиятининг энг муҳим йўналишини ташкил қилди, уша даврдаги халқларнинг маданияти, маънавияти, урф-одати, ахлоқи каби масалаларни узида акс эттириди ва уларга таъсир ҳам курсатди.

Зардустийликнинг асосий қоидалари Хоразмда яратилган «Авесто»да уз ифодасини топган. Зардустийлик дастлаб меҳнаткаш халқ-

нинг ахлоқий қоидаларини ўзида ифодалаган булса, кейинроқ руҳонилар қулида сиёсат юргизишнинг асосий куролига айланиб қолди. Бу даврга келиб Хоразмдаги ерли халқларнинг давлатчилиги шакллана бошлаган.

Эрамиздан аввалги I мингинчи йиллар ҳамда эрамизининг I-II асрларида Мони асослаган манихейлик ҳаракати ва таълимоти вужудга келди. Бу таълимот ҳукмрон руҳоний зодагонлар таълимотидан фарқли улароқ, муҳим маънавий қадриятлар — бошланғич адолат, эркинлик, меҳнатга интилиш кабиларни тарғиб қилди.

V-VI асрларга келиб ҳукмрон руҳонийларга, зардуштийликка қарши қаратилган Маздак бошлаб берган маздакизм таълимоти шаклланди. Бу таълимот деҳқонларни, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этиб, тенглик, адолат ўрнатишга хизмат қилди. Маздакнинг ўзи эса, 529 йили жазоланди. VI-VII асрларда шимолда Турк ҳоқонлиги вужудга келиб, у Эрондаги сосонийлар билан узоқ кураш олиб борди ва Марказий Осиё халқларини ўзига қаратди. Қадимги туркий тил кенг тарқала бошлади.

Қадимги давр маданияти, маънавияти, жумладан, ахлоқ, маърифат, таълим-тарбия ҳақидаги фикрлар халқ оғзаки адабиётида, фольклорда, турли халқ анъяналарида ҳам ўз аксини топиб келган. Гуруғли, Алпомиш, Рустам ҳақидаги достонларда халқимизнинг қадимги урф одатлари, рухияти, хулқ-одобларининг ифодасини учратишимиз мумкин. Бундай маълумотлар қадимги суғд, манихей, хоразм, туркий ёзувлар намуналарида сақланиб қолган манбаларда ҳам учрайди.

Бу даврда Марказий Осиё қадимги Суғд, Хоразм, Фарғона, Усрушана, Чагониён каби үлкалардан иборат булиб, Farb билан Шарқ мамлакатларини боғловчи «Ипак Йули» марказида жойлашган ва маданий жиҳатдан анча ривожланган минтақани ташкил этар эди.

Исломнинг вужудга келиши билан боғлиқ ҳолда янги шаклланган араб давлати — Халифат номини олди. VII асрда Марказий Осиё ҳам араблар томонидан (Кутайба ибн Муслим бошчилигига) босиб олинниб, халифатга бўйсундирилди. Араблар ўзлари билан янги дин — Исломни олиб келдилар, босиб олинган халқлар орасида турли йўллар билан бу динни тарқата бошладилар. VIII асрнинг охирларида Атлантика океанидан Тянь-Шангача, Кавказдан Ҳинд океанига-ча булган улкан ҳудудда, турли тилда гаплашувчи халқларни ўз ичи-га олган Араб империяси вужудга келди. Албатта, Марказий Осиёни араблар томонидан босиб олинниши осонлик билан булмади. Улар босқинчилик сиёсатини юритиш билан бирга қадимги маданият, динлар, ёзувлар, билимдонларга қарши ҳам кескин курашни авж олдирилар. Ислом орқали бу ерларда араб тили ва араб ёзуви ҳам тарқалди. Қадимги ёзувлар: хоразм, суғд, турк ёзувлари йуқотилиб, уларнинг ҳимоячилари жазоланди.

Араб босқинчиларига қарши Абу Муслим, Муқанна, Ҳамза ал-Хориж, Рафи ибн Лайслар бошчилигида қатор халқ қўзғолонлари булиб утди. Бу қўзғолонлар айрим ҳолларда диний тус олди. Айниқса, Муқанна бошлиқ «Оқ кийимлилар» қўзғолони мустақиллик учун олиб борилган узоқ йиллик ҳаракат сифатида халқ онгига чуқур из қолдирди. VII аср охирига келиб Марказий Осиёда араб халифалигининг ҳукмронлиги ва ислом дини үрнатилиб, у мустамлакага айлантирилди.

Ислом дини үрнатилган Осиёнинг жуда катта ҳудуди кейинчалик мусулмон Шарқи номини олди. Халифалик кучсизланиб, фақат Яқин Шарқ доираси билан чегараланиб қолса-да, исломнинг бошқа халқлар орасида тарқалиши давом этди.

VIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ислом ичидаги шиалар, хорижитлар, мутаъзилийлар, жабарийлар каби турли оқимлар вужудга келди. XI асрларда ислом ва бошқа таълимотлар таъсирида тасаввуф шаклланди ва мусулмон Шарқига тарқалди. Араблар Амударё ва Сирдарё уртасидаги бой водийни Мовароуннаҳр деб атайди бошладилар.

VIII аср охири IX аср бошида халифаликнинг маркази Бағдодда илм-фан ривожланди, қадимги юон олимлари Платон (Афлотун), Аристотель (Арасту), Сократ (Суқрот), Гиппократ (Буқрот), Гален (Жолинус), Евклид (Иқлидус) кабиларнинг асарлари араб тилига таржима этилди. Христиан ва ислом олимлари ўртасида ҳамкорлик ишлари авж олди. Халифа Хорун ар-Рашид вафот этгач (809 йил), унинг ўғиллари Амин, сўнг ал-Маъмун халифа вазифасини бажарди. Маъмун илм-фан, маданиятга қизиккан одам булиб, унга қадар халифаликнинг Мовароуннаҳр ва Хурросон бўйича вакили сифатида Марвда (харобалари ҳозирги Мари яқинида) ҳокимлик қиласар эди. Отасининг ўлимидан сўнг акаси Амин билан кураш олиб бориб, 813 йили халифаликни кўлга киритади. Лекин 819 йилга қадар Марвда туради. Шу йиллар ичидаги Марв халифалик маркази мавқеига эга бўлади. Маъмун халифа сифатида Бағдодга кучгач (819 й.), у ерда илмий Марказ ташкил этиб, унга барча мусулмон үлкалари, жумладан, Мовароуннаҳрдан ҳам олиму фозилларни туплади.

Манбаларда Маъмун Марвдалик вақтида туркий аскарлардан ташқари Мовароуннаҳр, Хурросон шаҳарларидан ёш истеъодли олим-фозилларни танлаб ўз саройига жалб этганлиги, уларни ўзи билан Бағдоддага олиб кетганлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Бу олим-фозиллар орасида Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фаргоний, Абу Мансур, Марвазий, Жавҳарий, Сағоний, Марварудий кабилар булгани ва улар Бағдодда шаклланган илм Марказида улкан илмий тадқиқотларни амалга оширгани, шу илмий Марказнинг шуҳратини кутаришга, ўз даври маданияти ривожига буюк ҳисса қушганликлари маълумдир. Улар, хусусан, астрономия, астролябия, астрономик

асбоблар яратиш, шунингдек, математика ва унинг алгебра, геометрия каби соҳаларида жаҳоншумул ишларни амалга ошириб машҳур булганликлари, ном қозонганликлари ҳақида ҳам тарих гувоҳлик берили. Бу илмий Марказ тарихда «Байт ул-хикма» (Донишманлар уйи) номи билан машҳур бўлиб, унинг фаолиятида йирик ютуқларни кулга киритишида Марказий осиёлик йирик олимлар олдинги сафда гуриб, изчил иш олиб бордилар.

Марказий Осиёда араб халифалигининг таъсири сусайиб, ерли феодаллар, ҳусусан Тоҳирийлар ҳамда Сомонийларнинг нуфузи кучая борди. IX асрнинг охирига келиб Марказий Осиё мустақилликка эришиди ва бу ерда араблар таъсиридан кутулган биринчи давлат — Сомонийлар ҳукмронлиги шаклланди. Сунг бу ҳудудда Хоразмшоҳлар, Фазнавийлар, Салжуқийлар, Қораҳонийлар давлатлари фаоллик курсатди. Бухоро, Самарқанд, Марв, Кӯҳна Урганч, Хива каби шаҳарлар ўз даврининг маданият марказлари сифатида маълум бўлди. Бу ерларда савдо-сотиқ, ҳунармандчилик, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ҳамда маданий алоқалар, билим учоқлари ривож топди. Бундай иқти-садий-маданий марказлар улкан мусулмон Шарқининг турли ўлкаларини, Фарб ва Шарқ, Шимол ва Жануб мамлакатларини боғлаб турувчи қадимги «Ипак ўюли» анъаналарини давом эттирган ҳолда, алоқа учоқлари сифатида машҳур бўлди. Мовароуннаҳр феодал давлатлари бошқа мусулмон ўлкалар билан яқиндан алоқа ўрнатдилар, ерли олимлар ўзга мамлакатларга бориб илм олиш, ҳамкаслари билан яқиндан мулоқот қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Бу даврда Марказий Осиёдан Хоразмий ва Фарғоний, Исмоил Бухорий ва Термизий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Исмоил Журжоний, Марғиноний, Замахшарий, Маҳмуд Кошғарий каби улкан олимлар етишиб чиқди. Улар ижодлари, асарлари билан ўз халқларини дунёга машҳур қилдилар.

Адабиёт соҳасида ҳам Марказий Осиё дунё маданиятидаги ўчмас из қолдирган номлар билан машҳур бўлди. Рудакий, Дақиқий, Юсуф Ҳос Ҳожиб кабилар шулар жумласидандир. Бадиий адабиётда форс, турк ва араб тилларида ижод қилиниб, манбаларда жуда күп шоирлар ҳақида маълумотлар сақлангандир. Бу даврда яшаб ижод этган Абу Мансур ас-Саолибий (961—1038) Бухоро ва Хоразмда яшаб, араб тилида ижод этган қатор шоирлар ҳақида маълумотлар келтиради. Марказий Осиёда илм-фан, маданият ривожида X аср охири — XI аср бошида фаолият курсатган Хоразмдаги шоҳ Маъмун бошчилигидаги илмий жамоа — марказ муҳим роль уйнади.

Ерли феодал давлатларининг ўзаро урушларига қарамай меъморчилик, қурилиш ишлари, ҳунармандчилик, ободончилик, маданий алоқалар ҳам тез суръатлар билан авж олди. Маданиятнинг турли соҳаларидаги бундай юксалиш авваламбор араб мустамлакачилигидан кутулиш, ерли мустақил феодал давлатларнинг вужудга келиши, бой маданий анъаналарнинг тикланиши натижаси эди. Шу билан бирга

Марказий Осиёнинг жуда катта миңтақадаги мусулмон Шарқи давлатлари билан дин ва тил асосида маданий алоқаларининг кучайиши ҳам бу маданий юксалишда муҳим сабаб бўлиб хизмат қилди.

XI асрлардан бошлаб Марказий Осиёда ҳам тасаввуф кенг тарқала бошлади. Ҳусусан, Юсуф Ҳамадоний (1048—1140) Бухорода тасаввуф таълимотини ургатиш ва тарғиб этишга киришди. Биринчилардан бўлиб унинг қулида Ҳожа Аҳмад Яссавий (вафоти 1166 йил) таълим олди, тасаввуф сирларини урганди ва Туркистонга бориб, у ерда тасаввуфни тарғиб қилди. Унинг таълимоти Яссавия номини олди.

Ҳамадоний таълимоти асосида Абдухолиқ Фиждувонийнинг «Хожагон» тариқати вужудга келади. Сунг шу тариқат Баҳоуддин Нақшбанд (XIV аср) даврида кенг ёйилиб, Нақшбандия йуналишини ташкил этади.

XII асрда Хоразмда ҳам тасаввуф кенг ёйила бориб, Нажмиддин Кубро (1146—1221) бошчилигида тасаввуфнинг Кубравия оқими шаклланиб, Марказий Осиё ва бошқа Шарқ мамлакатларида кенг ёйилди.

Тасаввуф таълимотлари бошқа мусулмон мамлакатларида булганидек, Марказий Осиё ҳалқлари маданияти ва маънавиятининг сўнити ривожига катта таъсир курсатди.

Қадимги араб ва форс тилидаги манбаларда бу даврда яшаб ижод этган жуда күп олиму фузалолар, қомусий билим эгалари, бадий суз усталари ҳақида маълумотлар келтирилган. Масихий, Ҳабаш ал-Ҳосиб, Байҳақий, Исҳоқ ал-Бухорий, Дақиқий, Ас-Сухайлий ал-Хоразмий, Абдулла Хоразмий Абу-л-Фадл, Ал-Хоразмий ал-Адольи, Аҳмад ал-Ахсикотий, Саолибий ал-Музаффар ал-Найсабурий, Рашидиддин ал-Ватвот, Закария ал-Форобий кабилар шулар жумласидандир. Бу алломаларнинг ҳаммаси ҳақида ҳикоя этиш имкони йўқ, нимагаки, уларнинг кўпчилигининг ҳаёти ва ижоди ҳали ўрганилмаган ва улар ҳақида кам маълумотга эгамиз.

Жуда күп манбаларда VIII—XIII асрларда хунармандчилик, савдо-сотиқ, савдо йўллари, деҳқончилик, қурилиш ишларининг авж олганлиги, шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Шош, Бискент, Ахсикат, Фарғона, Куба, Марғинон, Ўш, Ўзканд, Усрушона, Ҳавоканд, Ҳожанд, Женд, Урганч, Ҳива, Марв, Термиз каби қатор ривож топган шаҳарлар, улардаги меъморий ёдгорликлар, бозорлар, ободончилик ҳақида муҳим маълумотлар келтириллади. Марказий Осиёда араб, форс ва туркий тиллар кенг тарқалганлиги, аҳоли уртасида, айниқса, туркий ва форсий тилдан кенг фойдаланилганлиги ҳақида ҳам ноёб маълумотлар серобдир.

Араб тили Марказий Осиёни ислом дини, араб дунёси, бу тилда яратилган маданий-маънавий бойликлар, қилинган таржималар ёрдамида қадимги ислом илмий-маданий бойликларидан баҳраманд булишга олиб келган булса, форс тили қадимги ва ўрта асрдаги Эрон

маданиятини, шеъриятини чукур үрганиш, маданий алоқаларни ривожлантириш имконини берди.

Кенг тарқалган туркий тил Ўрта Шарқ ва шимолдаги, Шарқий Туркистандаги барча туркий тилли қабилалар билан тарихий алоқада булишга олиб келди. Күп тиллилек бу давр ривожланган маданиятининг муҳим хусусияти ва муҳим сабабларидан бири ҳамdir.

IX—XII асрлар давомида Мовароуннахр бутун мусулмон оламида илмий-маданий жиҳатдан энг ривож топган улка сифатида машхур булиб, бу ерда қадимиј анъаналар билан араб, форс, қисман ҳинд ҳамда қадимги юонон илмий-маданий анъаналари қоришуви асосида исломий, фалсафий ва табиий илмлар — астрономия, математика, тиббиёт, кимё, доришунослик, жуғрофия қабилар ривож топди. Бу ерда машхур ҳалисшунослик ва ислом фикршунослик мактаблари шаклланиб, тарихшуносликда ҳам муҳим асарлар вужудга келди.

Бу давр маънавиятининг муҳим томонларидан бири шундаки, олим, донишманд, шоирларнинг кўпчилиги қомусий билимларга эга булиб, илмлар бир-бираидан ажралмасдан, узвий боғлиқ ҳолда мавжудлиги характерли эди. Шунинг учун ҳам ал-Форобий, ибн Сино, ал-Беруний, аз-Замахшарий, И smoil Журжонийлар жуда күп соҳаларда ижод этиб, учмас из қолдирдилар. Шу билан бирга математика, астрономия, тиббиёт, мантиқ, тилшунослик, тарих қаби илмлар, маданият, маънавиятнинг ривожида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этганини, ислом динининг назарий масалалари билан бирга ахлоқий томонлари ҳам кенг ривож топганини кўрамиз.

IX асрда маҳсус ислом илмлари шаклланди. Бу даврда айрим муаллифлар келтирган илмлар таснифида дунёвий (анъанавий) илмлар билан бирга араб (ислом) илмлари ҳам қайд этилади. Биринчисига юоннлардан утган фалсафа, математика, физика ва бошқа қатор илмлар киритилган бўлса, ислом илмлари сифатида қалом, ҳадис, фикр қаби илмлар санаб ўтилади. Мовароуннахр бу даврда фақат дунёвий илмларнигина эмас, балки ислом илмларининг ҳам ривожланиши марказига айланган эди. И smoil ал-Бухорий, ат-Термизий, Мотуридий, Марғиноний, Косоний қаби алломалар бу соҳада машхур бўлдилар. Умуман, бу даврда ислом мусулмон Шарқида нафақат дин сифатида, балки яхлит маданият, маънавиятнинг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга булди. У маданиятнинг бошқа соҳалари: илм-фан, санъат, ахлоқ, сиёсат қабиларнинг ривожига ҳам ижобий таъсир курсатди. Мусулмон Шарқи, шунингдек, Марказий Осиё уйғониши даври маданияти юқорида курсатилган ўзига хос хусусиятларни ифодаладики, бу хусусиятлар бу ерда маданият, маънавиятнинг сўнгги ривожини белгилашда улкан роль ўйнади.

Ўша давр муаррихлари, сайёҳлари Қифтий, ибн Усайба, ибн Халақон, Ёкут Ҳамавий, Арузий Самарқандий, Саолибий, Байҳақий ва бошқалар Марказий Осиё шаҳарларидаги маданий ҳаёт, олим,

шоир, адиб, турли маданий арбобларни тасвирловчи араб тилида турли асарлар ёзиб қолдирғанлар.

IX—XII асрларда Марказий Осиёда тарқалган ва ривожланган тасаввуф таълимотлари, оқымлари ҳам жамият маънавий ҳаётининг ривожи учун хизмат этиб, унинг үзига хослигини белгилашда муҳим аҳамият касб этди.

Маълумки, Фарб адабиётларида Оврупо мамлакатларида кескин маданий юксалишга олиб келган XV—XVII асрларни Ренессанс — Уйғониш даври номи билан юритадилар. Бироқ кўпчилик муаллифлар Шарқда шундай жараён бўлғанлигидан куз юмадилар. Ҳолбуки, IX—XII асрларда Марказий Осиёда Оврӯподан бир неча аср илгари маданий юксалиш юз берганлигини ҳеч ким инкор эта олмайди. У Оврӯподагидек янги сиёсий-иктисодий жараён, яъни буржуза муносабатларининг вужудга келиши билан боғлиқ булмаган бўлса-да, маданият тарихида сўнмас из қолдирди ва Оврӯпо Ренессансининг вужудга келишига катта таъсир кўрсатди.

Шунинг учун биз IX—XII асрлардаги Марказий Осиё маданий юксалишини Уйғониш даври, аниқроғи, илк Уйғониш даври деб аташга ҳам тўла асосимиз бор. Бу илк Уйғониш даври маданияти сиёсий-иктисодий жиҳатдан Оврӯпо мамлакатларидан фарқли улароқ мустақилликка эришиш ва бу минтақада мустақил давлатларининг вужудга келиш жараёни билан узвий боғлиқдир.

Бу давр маданий юксалиши ҳақида гап борар экан, маънавиятга, Уйғониш даври маданиятига хос куйидаги характеристерли томонларни қайд этиб утиш мумкин:

- коинотнинг вужудга келиши, босқичлари, оламнинг тузилиши, модда ва руҳнинг хусусиятлари каби умумий илмий-фалсафий масалаларга қизиқиш, илм-фан, маърифат, маънавиятта интилиш ижтимоий ривожланишнинг муҳим мезонига айланиши;

- инсонни коинотни Яратгучининг энг олий маҳсули деб баҳолаш. Аввало илм, инсон ахли тафаккурини улуғлаш, унга ишонч билдириш, тарғиб-ташвиқ этиш, уларни Яратгучининг энг улуғ ва юқсан ижоди деб баҳолаш, маърифат тарқатиш, жамият, жамоани яхшиликка элтиш инсоннинг муҳим вазифаси деб билиш;

- ахлоқ, одоб, муомалани инсон тарбиясининг асосий мақсадларидан деб билиш. Инсоннинг адолат, юксалиш, маънавиятга ингилишига йўл очиш, имконият яратиш. Ақлда, ахлоқда, маънавиятда етук булиш, комил инсонни яратиш, инсонпарварлик, ватанга, одамларга хизмат қилиш, инсонлар орасидаги дустлик, узаро ёрдам, кўмаклашувга чақириш бу давр маданиятининг етакчи жиҳатларидандир;

- комил инсон ривожланган давлатчиликда шакланади. Бундай давлатчилик эса ақл ва илмга, узаро келишув, бирликка эга бўлиш натижасида амалга оширилади. Мустаҳкам давлатчилик турли илм-фан тармоқларининг ривожини таъминлайди;

— мустақам давлатчилик фозил жамоани вужудга келтира олади — бу давлат, жамоага раҳбарлик, ҳокимлик қилаётган шахснинг маърифатли, илмли, ахлоқли бўлиши, жамоани келишиб бошқара олишига боғлиқдир. Маърифатли шоҳ, жамоа яратиш, давлатчиликни мустаҳкамлаш бу давр ижтимоий таълимотларининг муҳим хислатидир.

Марказий Осиёда илк Уйғониш даври ҳақида суз боргандা, қуйидаги омилларни алоҳида кўрсатмоқ зарур: а) IX—XII асрларда араб халифалигидан кутилиб, ерли мустақил давлатларнинг вужудга келгани; б) Ягона дин — ислом туфайли катта ҳудуд — Яқин ва Урта Шарқдаги турли ҳалқлар, мамлакатлар уртасидаги алоқаларнинг ривож топиши, маданият, маънавиятда маълум умумийлик вужудга кела боргани; в) Олдинги «Ипак йўли» аҳамиятининг ошуви, мамлакатлараро савдо-сотиқнинг, ҳунармандчиликнинг кўпайгани, шаҳарларнинг ривожи; г) Жаҳон маданияти аввал эришган ютуқлар, хусусан, қадимги юнон, ҳинд, эрон маданияти, илм-фани ютуқлари инкор этилмай, аксинча, ворислик давом қилгани, ундан кенг фойдаланилгани.

XII асрнинг бошида Марказий Осиё ҳалқлари Чингизхон бошлиқ мӯғуллар босқинига учради. Бу босқин катта ҳудудни узига бўйсундирган Хоразмшоҳлар давлатига қарши шиддатли жанглар билан бошланди, деярли икки йил давомида Мовароуннаҳр ҳам босиб олинди, кўп шаҳарлар, маданий ёлгорликлар вайрон этилди. Олиму фозиллар ўлдирилди, бошқа мамлакатларга қувғин бўлди, илм-фан, маданият кескин тушкунликка юз тутди. Лекин илк Уйғониш, IX—XII асрлардаги маданий юксалиш Марказий Осиёнинг сунгги маънавий ривожида учмас из қолди.

XII аср бошида Марказий Осиё яна уз мустақиллигини йуқотди, у мӯғуллар томонидан босиб олинди. Шунинг учун илк Уйғониш даври дейишимизга сабаб, бундай жараён — маданий юксалиш Марказий Осиёда XIV—XV асрларда мӯғул мустамлакачилигидан қутублиб, Амир Темур ва Темурийларнинг мустақил давлати барпо этилиши билан боғлиқ ҳолда ва яна бир бор юз берганини кўрамиз.

## 2. XIV АСР ОХИРИ – XV АСРЛАРДА МОВАРОУННАҲР ВА ХУРОСОНДА СУНГГИ МАДАНИЙ УЙҒОНИШ

(Темур ва Темурийлар даври)

Жадид маданиятини Мусо Хоразмий, Исмоил Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Замахшарий каби номлар билан безаган Марказий Осиёнинг IX—XII асрлардаги маданияти — Уйғониш даври кескин рўй берган тарихий воқеалар туфайли бирдан узилиб қолди.

XIII асрнинг бошида Хоразмшоҳлар давлати Чингизхон қушинларининг даҳшатли ва аёвсиз ҳужумига учради. Бу ҳужум 1219 йилда Хоразмшоҳларнинг шимолий чегарасидаги Утрор қалъасини забт этишдан бошланди ва 1220—21 йилларда Хоразмшоҳлар маркази Куҳна Урганч душман қулига утди. Хоразмшоҳ қушинлари яхши қуролланган бўлишига қарамай, ички низолар ва келишмовчиликларнинг кучайганлиги, кўшиннинг шаҳарлар ҳимояси учун бўлиб юборилганлиги, бирликнинг йўқлиги Чингизхон ҳужумига бардош бера олмай тезда барбод бўлишига олиб келди. Шаҳарлар, маданий марказлар вайрон этилди, аҳоли қирғинга учради. Үлка тулигича муғуллар мустамлакасига айланди. Марказий Осиёни турли туманларга бўлиб юборган муғул хонлари ўртасидаги ўзаро низолар ва курашлар ҳам авж олди — булар ҳаммаси мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволига салбий таъсир курсатди, маданият учоқлари сунди. Жуда кўп маданий бойликлар, илм масканлари, мадраса ва кутубхоналар йўқ қилинди, санъат ва илм-фан вакиллари: олимлар, шоир ва ёзувчилар, мунахжимлар, меъмор ва мусаввирлар ўлдирилди, тасодифан омон қолганлари эса Шимолий Ҳиндистон, Фарбий Эрон ва Ҳуресоннинг турли вилоятларига қочиб, жон сақлаб қолдилар.

Шундай шароитда муғуллар ва маҳаллий амалдорларнинг узбoshimchалиги ва жабр-зулмнинг кучайиб бориши ҳалқ оммасининг кутарилишига олиб келди. Бу ҳалқ қузғолонларининг энг йириги — 1337 йилда Сабзавор шаҳрида бошланиб, қарийб 45 йил давом этган сарбадорлар чиқишилир.

Ҳалқ оммасининг ажнабий истилочилар ҳамда маҳаллий эзувчиларга қарши аёвсиз кураши, Марказий Осиёда мӯгуллар ҳукмронлигини анча заифлаштириди ва уларга қарши кескин кураш кучайиши учун қулай замин яратиб берди. Шундай шароитда Амир Темур (1336—1405) майдонга чиқди ва ижтимоий жараёнда тезда кўзга ташланди ҳамда мамлакат ҳаётида жуда катта роль уйнади.

Амир Темур тарқоқ ва узоқ урушлардан хонавайрон булган Мовароуннаҳр ва Ҳуресон ерларини муғуллар мустамлакасидан озод этиб, ягона, мустақил ва мустаҳкам давлатга бирлаштириди. Унинг маркази этиб Самарқанд шахри танланди.

Амир Темур давлати ўз даврида Овропо ва Осиёдаги энг йирик, мустаҳкам ва ривожланган давлат сифатида танилди.

Темур вафотидан сунг ҳам XVI аср бошига қадар унинг авлодлари мамлакатга ҳукмронлик қилдилар. Темурийлар даврида марказий давлат иккига — Мовароуннаҳр ва Ҳуресонга ажратилиб идора этилди. Самарқанд ва Ҳирот бу икки давлатнинг маркази булиб хизмат қилди. Айниқса, Темурийлардан узоқ вақт ҳукмронлик қилган Шоҳруҳ. Улугбек. Ҳусайн Бойқаро даврларида маданият гуллаб-яшнади.

Мусулмон Шарқи, айниқса, Марказий Осиёнинг маданияти тарихида Темур ва Темурийлар ҳукмронлик даври – XIV асрнинг иккинчи ярмидан XVI асрнинг бошларигача бўлган давр сўнгги умумий тарихий ривожланишга жуда катта таъсир кўрсатган ёрқин, сермазмун, самарали давр ҳисобланади.

Бу даврда узбек тили адабий тил сифатида узил-кесил шаклланди ва Марказий Осиёнинг сунгти маданий ривожига катта таъсир кўрсатди.

Бу юксалиш биринчи навбатда Амир Темур номи ва фаолияти билан узвий боғлиқ бўлса, унинг ўғиллари, набира ва бошқа авлодлари у бошлаб берган ижтимоий-маданий ҳаётдаги йуналишларни давом эттиришга, Темурийлар салтанатининг анъаналарини сақлаб қолишга ҳаракат қылдилар.

Марказий Осиёдаги IX–XII асрлардаги илм-фан, маданиятнинг гуркираб яшнаши Марказий Осиё халқлари тарихида илк Уйғониш даврини ташкил этган бўлса, XIV аср охири ва XV аср мўғуллар мустамлакачилигидан кутулиб, мустақил давлатнинг шаклланиши ва ривожи асосида маданиятда яна кутарилиш ва кескин ривож рўй берди. Бу даврни маданиятдаги кескин равища бўлинниб қолган Уйғониш даврининг якуни – сўнгти Уйғониш даври деб аташ мумкин. Бу кутарилиш аввалги маданий ютуқларга, уларни янада юксалтириш ва замона маънавий талаблари асосида янгилаш натижасида вужудга келди. Бу даврда араб тили дин ва қисман фан тили бўлиб қолса-да, асосан илм ва бадиий адабиёт, санъат тили сифатида туркӣ ва форсий тилларнинг мавқеи кучайиб, асосий уринга чиқди. Давлат ишлари ҳам шу тилларда олиб борилди.

Темур ва Темурийлар даври деярли бир ярим аср Осиё, айниқса, Марказий Осиё тарихида ниҳоятда кўп, серқирра, ранг-баранг маданий-маънавий бойликларни яратгани, халқ талантлари учун имконият яратса олганлиги, туркӣ халқлар маданияти тарихида тамоман янги, узоқ асрларга озуқа берган қатламлар, янги саҳифалар вужудга келтиргани билан машҳурdir.

Темур мамлакатнинг иқтисодий кудратини оширишга ҳаракат қильди. У ишғол қўлган хорижий мамлакатлардаги илм аҳлини ўз паноҳига олди. Мовароуннаҳр ва Хуросон шаҳарларининг ободончилиги учун жон куйдирди. Рус олимни А. Ю. Якубовский Темурнинг бу соҳадаги ишлари ҳақида ёзган эди: «У яхши ҳисоб-китоблик ҳужайин эди. У Мовароуннаҳрга нафақат турли-туман бойликларни, балки ҳунарманд, мусаввир, меъмор ва олимларни ҳам олиб келди. Тўғри, Мовароуннаҳрнинг узи мутахассис ва олимларга бой эди. Лекин фан ва маданият арбоблари, ҳунармандлар қанча кўп бўлса, ҳунармандчилик, маданият, илм-фан ҳам шунча тез ривожланади».

XIV асрнинг охирига келиб Самарқанд Шарқнинг энг гузал, обод шаҳарларидан бирига айланди. Бу ерда улкан бинолар, кенг хиёбон-

лар қуришга катта эътибор берилди. XV аср бошида Мовароуннахрга келган испан сайди Руи Ганзалес де Клавихонинг маълумотига қаранганд, Самарқанднинг бойлиги фақат озиқ-овқатнинг муллиги билан эмас, балки, шойи матолари, атласи, мўйнадан қилинган кинимлари, турли мамлакатлардан келтирилган сон-саноқсиз моллари, бозор ва майдонлари, кўчаларининг кенг ва кўркамлиги билан кузга ташланади.

Айниқса, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида мамлакатда ҳар хил қурилиш иншоотлари барпо қилиниб, ирригация шаҳобчалари тузатилиб, Муғон чўли ўзлаштирилди. Хуросонда ва бошқа жойларда каналлар ўтказилди, кўприклар қурилди, йўллар таъмирланди. Турли хил ҳунармандчилик — ип газлама, шойи ва жундан туқилган матоларни ишлаб чиқариш, кийим-кечак тикиш кенг йўлга куйилди. Олача, духоба, кимхоб ва бошқа матоларни тўқидиган, уларга безак берадиган махсус усталар пайдо булди. Бу даврда шахтадан тайёрланган матоларга, хусусан, дағал матолар ва полотноларга бўлган талаб кучли эди. Заргарлик, кулолчилик ҳунарлари кенг ривожланди.

XIV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Мовароуннахр ва Хуросонда ички ва ташқи савдо равнақ топа бошлади. Самарқанд қадимдан Шарқнинг савдо маркази бўлиб, бу ердан бошқа мамлакатларни боғловчи «Ипак йули» ўтар эди. Айниқса, Ҳиндистон, Хитой, Россия, араб мамлакатлари билан савдо алоқаларининг ўрнатилиши Темур давлатининг иқтисодий кудратини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Амир Темур савдонинг ривожига, карвон йўлларини яхшилаш, уларни турли талон-тарожлардан ҳимоя қилиш, четдан келтириладиган молларга солинадиган солиқларни тартибга солиш, савдогарларга имкониятлар туддириш ишларига катта эътибор берган эди. Буларнинг барчаси ишлаб чиқаришнинг ривожига катта таъсир кўрсатди ва модлий бойликларнинг кўпайиб боришига олиб келди. Бу ҳақда Темур «Гузуклар» да шундай деган эди: «...Агар касбу ҳунар ва маърифат иҳларидан бўлса, бундайларга салтанат корхоналаридан юмуш берилсин. Булардан бошқа билагида кучи бор фақир мискинлар эса ўз ахволи ва касбу корига қараб иш тутсиналар. ...Сармояси қулидан кетиб қолган савдогарларга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиш учун хазирадан етарли миқдорда олтин берилсин. Деҳқонлар ва раиятдан қайси бирининг деҳқончилик қилишга курби етмай қолган бўлса, унга экинтикин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин. Агар фуқародан бирининг уй-иморати бузилиб, тузатишга курби етмаса, унга ёрдам берилсин» («Темур тузуклари», Тошкент, 1991, 66—67- бетлар).

XIV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб қурилиш ва ободончилик ишлари тез тараққий эта бошлади. Ҳусусан, Самарқандда Бибихоним, Кўксарой масжиди, Шоҳизинда мақбараси, Кеш (Шахрисабз) шахрида Оқсарой, Самарқанд атрофида Боги Шамол, Боги Дилкушо,

Боги нав, Боги Чинор каби боғлар, Амударё ва Сирдарёга кўприклар, карвон саройлари, работглар қурдирилди, кўплаб мадраса ва хонақоҳлар, ҳаммомлар барпо қилинди.

Улугбек даврида Самарқандда 1417—1420 йилларда улкан мадраса, шу йилларда Бухорода, 1432—1433 йилларда Фиждувонда мадрасалар барпо қилинди. Булардан ташқари, Улугбек Темур даврида қурила бошлаган Бибихоним масжиди, Гури Амир мақбарасини қуриб битказди. Лекин бу даврдаги энг нодир меъморчилик санъати намунаси — Улугбекнинг фалакиёт расадхонасиdir.

Шоҳруҳ ва Ҳусайн Бойқаро даврида Ҳиротда ва Ҳурсоннинг бошқа шаҳарларида ҳам катта қурилишлар рўй берди. Ҳусусан, Ҳиротда «Дорушшифо» шифохонаси, Курбон Шайх, Ферузшоҳ, Чақмоқ Шоҳ, Алайҳ Қўкалдош мадрасалари, «Боги байт ул-имом», «Боги ҳамса оройи» каби боғлар бунёд этилди. Тарихчи Ҳондамирнинг ёзишича, Ҳусайн Бойқаро даврида Ҳурсонда 40 га яқин иншоотлар вужудга келган.

Марказий Осиёда маданиятнинг ривожланишида қўшни мамлакатлар билан маданий алоқалар муҳим роль ўйнади. Айниқса, Марказий Осиё Эрон билан қадимдан мустаҳкам алоқа ўрнаттан бўлиб, XIV—XV асрларда бу икки мамлакат ўртасида иқтисодий, маданий алоқалар ҳам кучая бошлади. Бу даврда Хитой билан ҳам алоқа кучайди. 1420 йили Шоҳруҳ машхур рассом Фиёсиддин Нақдош бошчилигига Хитойга элчилар юборди. Улар Хитой халқининг урф-одати, турмуштарзи, маданий ҳаёти, давлатни бошқариш услуги билан танишиб қайтдилар. Шунингдек, Шоҳруҳ даврида Ҳиндистон билан ҳам алоқа яхшиланиб, 1442 йилда у томонга элчилар юборилди.

Темурийлар даврида маданият янги босқичга кутарилиб, Марказий Осиёда қадимги юонон ва ҳинд олимларининг фалакиёт, риёзини, тиббиёт, кимё ва бошқа фан соҳаларидағи тадқиқотлари кенг арқалди. Илк ўрта асрларда юонон олимларининг рисолалари араб тилига таржима қилиниб, уларга кўплаб шарҳлар битилган эди. Шунинг учун қадимги юононларнинг араб тилига таржима қилинган асарлари, ҳусусан, Арасту, Афлотун, Птолемей ва бошқаларнинг табиий-илмий ва фалсафий асарлари XIV—XV асрларда ҳам Марказий Осиё олимлари учун янгилик эмас эди.

XIV—XV асрларда маънавий-маданий ривожланиш ислом диний қарашларининг мустаҳкамланиб бориши билан узвий боғлиқ бўлиб, ҳукмрон мафкура сифатида мадрасаю масжидларда кенг ўқитилиб, ўрганилиб, қонун-коида, одат, анъаналар эса шариат асосида олиб борилар эди. «Темур тузуклари»да дин арбоблари, шайх, сайдид, уламолар фаолиятига алоҳида ўрин ажратилиб, уларнинг давлат ишларидаги иштироки маҳсус ва бир неча бор қайд этилиб ўтилади. Лекин бу даврда шу билан бирга халқ орасида, айниқса, зиёлилар, ақлий меҳнат билан шугулланувчи илм-фан, санъат, маданият ходим-

лари ўргасида ўз даврида ислом қоидаларини замона талаблари, ижтимоий юксалиш заруратлари асосида талқин этишга интилиш натижасида юзага келган тасаввуф таълимоти кенг тарқалади.

Марказий Осиёда XI асрдан бошлаб ёйила бошлаган тасаввуф таълимоти бу даврга келиб Мовароуннахр ва Хурсонда тасаввуфнинг яссавия, кубравия, қодирия ва айниқса, нақшбандия тариқати маънавий ҳаётда катта роль йўнайди.

Нақшбандия тариқати Юсуф Ҳамадоний, Фиждувоний ва XIV асрга келиб Баҳоуддин Нақшбанд номи билан узвий боғлиқ булиб, бу таълимот XV асрда назарий ва амалий жиҳатдан янада ривож ғолиб, у сарой аҳли, куп ҳолларда темурийзодалар фаолиятига ҳам таъсир курсатди.

Амир Темурнинг ўзи ҳам мутасаввуф олимларга катта ҳурмат билан муносабатда булиб, тасаввуфнинг нақшбандия сулуки тарғиботчи паридан Саййид Мир Кулолни (Шамсуддин Фохурий, вафоти 1371 йил) узига пир деб билган. Шунингдек, турли ўлкалардаги йирик мутасаввуфларга ҳам ҳурмат кўрсатган. Унинг ҳамадония тариқатига асос солган йирик мутасаввуф Саййид Ҳамадоний билан учрашиб сұхбатда булғанлиги, 1398 йилда Туркистоннинг Ясси шаҳрида йирик мутасаввуф Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат этганлиги, уни таъмирлатиб, устига олий бино қуришни буюргани тарихий манбаларда курсатиб ўтилган.

«Тузуклар»да: «...машойихлар, суфийлар худони таниган ориф-шардир. Уларнинг хизмагларида булиб, сұхбатлар қурдим ва охират фойдаларини олдим. Улардан тангри таолонинг сұzlарини эшитиб қароматлар қурдим», — деб ёзади Амир Темур.

XIV—XV асрларда Марказий Осиёда кенг тарқалаётган тасаввуф таълимотининг Суфи, Порсо, Чархий, Ҳожа Аҳрор, Маҳдуми Аъзам каби йирик вакиулари нақшбандия тариқатига оид қатор рисолалар яратиш билан бирга, жамиятнинг маънавий покланиши ва ривожлантиши иулида фаол хизмат қилдилар, таниқли арбоблар билан мuloқотда булиб, уларга таъсир ўтказдилар. Бу жиҳатдан, айниқса, Ҳожа Аҳрор фаолияти мухим аҳамият касб этиди. Навоий, Жомий, Қосимий, Лутфий, Бобур каби шоирлар тасаввуфни тарғиб қилдилар.

Бу даврда Самарқанд, Ҳирот ва бошқа шаҳарларда мусавирилик, нақшошлиқ сањъатининг меҳир усталари пайдо бўлди. Ҳусусан, «Шарқ Рағиэли» деб танилган Камолиддин Беҳзод уз ижоди билан бутун Шарқдагина эмас, балки Оврупода ҳам машҳур бўлди. Ҳаттотлик ва муқовасозлик санъати ҳам тараққий этиб, бу соҳада янги услублар пайдо бўлди. Масалан, Мир Али Табризий ҳаттотликнинг настаълик услубини ихтиро қилди. Бу услуб кейинчалик бутун Ўзбек ва Ўрта Шарқ мамлакатларига кенг ёйилди.



«Рафиқий» тахаллусини олган Мир Али Мажнун ибн Камолиддин Маҳмуд, самарқандлик хаттот Хожа Абдулқодир Руянда, «Хаттотлар султони» номини олган Султон Али Машҳадий ва бошқа хаттотлар ижодини ҳам алоҳида қайд этиш лозим. Устод Шайх Фоний Найи, Мавлоно Қосим Раббоний, Ҳусайн Удий, Хожа Юсуф Андижоний, Шоҳқули Фижжакий, Дарвиш Аҳмад Қонуний, Устод Шодий каби мусиқашунослар ҳам шу даврда яшаб ижод этгандар. Улуғбек, Навоий, Жомий, Биноий каби буюк мутафаккирлар ҳам мусиқа соҳасида маълум ишларни амалга оширганлар.

XIV—XV асрларда фанларнинг кўп соҳалари: тиббиёт, риёзиёт, ҳандаса, жуғрофия, фалакиёт, тарих, мантиқ, адабиёт, фалсафа, ахлоқшунослик ва бошқа фанлар тараққий этди. Адабиёт ва адабиёт-шунослик юксалиб, шеърият — назм соҳасида ижод қиливчи машҳур шоирлар етишиб чиқди. Йирик шоирлар Давлатшоҳ Самарқандий, Саккокий, Бисотий Самарқандий, Жавҳарий, Хожа Суғдий Самарқандий, Мирзабек, Восифий, Ниёзийлар Самарқандда, Исмоил Бухорий, Ҳофиз Ҳоразмий, Яқиний, Ҳилолий, Гадой, Атоий, Суҳайлий, Ҳусайн Али Туфайлий, Биноий, Сайфий Бухорий, Мулло кабилар Мовароуннаҳр ва Ҳурросоннинг турли шаҳарларида яшаб, ижод этиб, бир қанча шеърий ва насрый асарлар яратдилар.

XV асрда ўзбек тили ва адабиёти, шеърияти, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий тимсолида ўзининг юқори чўққисига кутарилди. Навоий ўзбек адабий тилининг фазилатларини ҳар томонлама очиб, асослаб берди. Жомий ва Навоийдан ташқари, тил муаммолари билан шуғулланган Хожа Жалолиддин Фазлуллоҳ Абу-л-Лайсий, Абул-л-Қосим ибн Абу Бакр Лайсий Самарқандий ҳамда Исимуддин Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Арабшоҳ Исфароиний каби йирик олимларнинг номларини келтириш мумкин.

XIV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Марказий Осиёда фалақиёт ва риёзиёт фанлари ривож топди. Улуғбек асос солган фалакиёт мактаби бунга ёрқин мисол бўлиб, бу мактабдан жуда кўп иқтидорли олимлар етишиб чиқди. Улар Мансур Коший, Мирам Чалабий, Абдуали Биржандий, Али Кушчи, Фиёсиддин Жамшид ва бошқалардир.

Бу даврда тиббиёт илми ҳам ўзининг йирик намояндаларига эга эди. Самарқандга келиб ижод қилган табобат илмининг йирик вакилларидан Бурҳониддин Нафис ибн Эваз ҳаким ал-Кирмоний, Султон Али табиб Ҳурросоний, табиб Ҳусайн Жарроҳ шулар жумласидандир.

XIV—XV асрларда Марказий Осиёда мантиқ ва фалсафа фанлари билан шуғулланган йирик олимлар пайдо булди. Бу фанларнинг ривожи, асосан иккى йирик мутафаккир — Саадиддин бин Умар Тафтазоний ва Мир Сайид Журжоний номлари билан боғлиқдир. Журжоний ва Тафтазонийлардан ташқари, Самарқандда ўша даврда

Мавлоно Абдужаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсиддин Мунший, Мавлоно Абдулла Лисон, Мавлоно Бадриддин Аҳмад, Мавлоно Нуғмо-ниддин Хоразмий, Ҳожа Афзал, Жалол Ҳоқиқий ва бошқа олимлар яшаб ижод этгандар. Ўз даврининг илфор ижтимоий ва ахлоқий фикрлари бадиий адабиётда, тасаввуф шеъриятида, назм ва насрда, ғазал ва рубойларда муфассал баён қилина бошланди. Навоий, Жомий, Лутфий, Биноий, Қосими Анвар ва бошқаларнинг бадиий асарлари бой фалсафий ва ахлоқий мазмунга эгадир.

Бу даврда ахлоқ ва таълим-тарбия муаммоларига бағишланган маҳсус рисолалар пайдо бўлдики, уларнинг орасида Ҳусайн Воиз Кошифий ва Жалолиддин Давонийларнинг мероси алоҳида ўрин эгаллади.

Темур ва Темурий шаҳзодалар уз даври тарихини ёзиб қолдириш, Мовароуннаҳр ва Ҳурросоннинг мӯгуллар зулмидан озод этилиши тарихини урганиш ва ёритишга катта эътибор бердилар. Низомиддин Шомий, Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Ҳофизи Абру, Натанзе, Фосиҳ Ҳавоғий, Муйиниддин Исфизорий, Мирхонд, Ҳондамир каби тарихчилар Темурийлар даври тарихини ёзиб қолдирдиларки, бу асарлар ҳозирда биз учун ўша давр ҳодисаларини, маданий юксалишини урганишда муҳим манба булиб хизмат қилиб келмоқда.

Мовароуннаҳр ва Ҳурросонда XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрда рўй берган маданий юксалиш бутун мусулмон Шарқинигина ўмас, Оврупо мамлакатларини ҳам ҳайратга солди. Бу юксалиш Марказий Осиёнинг сунгги маданий-маънавий ривожинигина белгилаб бермай, кушни мамлакатлардаги маданий тараққиётта ҳам катта турткি берди. Темурий шаҳзода Заҳириддин Мұҳаммад Бобур Ҳиндистонни 1525—26 йилларда узига қаратиб, «Мӯгуллар империяси» деб ном олган давлатга асос солди ва бу давлатда XV асрдаги Марказий Осиё маданиятининг анъаналарини давом эттириди ва ривожлантириди.

Темур ва Темурийлар давридаги маданий юксалишнинг умумий омилларини аниқлаш шуни кўрсатадики, улар ўзаро узвий боғланган ва яхлит бир бутун ҳолдагина қисқа вақт ичидаги маданий-маънавий юксалишни юзага келтира олган.

Булардан биринчи навбатда сиёсий-ижтимоий омилни курсатиш мумкин. Мовароуннаҳр ва Ҳурросонда тарқоқ, ўзаро низо, урушлар шатижасида турли вилоят, амирликларга булинниб кетган ва келгинли ҳукмронлар — мӯгуллар томонидан аёвсиз эзилган ҳалқнинг мустамлакачиликдан кутилиши, мамлакатда ягона бирлашган давлатнинг барпо этилиши, ягона давлатчилик асосида бошқариш қоидаларининг жорий этилиши, зуравонликлар, ўзбилармончилик каби иллатларнинг тугатилиши ижтимоий юксалишни таъминлади.

Иккинчи — иқтисодий омил — Мовароуннаҳр ва Ҳурросонда ягона илора тизимининг жорий этилиши иқтисодий осойишталик иш-

лаб чиқаришнинг сунгги ривожланишига олиб келди. Давлат томонидан деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқнинг ривожига эътибор берилиши ва бу соҳада қатор тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатнинг маънавий-маданий тараққиёти учун ниҳоятда муҳим аҳамият касб этди.

**Учинчи** — маънавий омил — аввалги маданий мерос, маънавий қадриятлар, бойликлардан кенг фойдаланиш, улар асосида ривожланиши амалга оширишдан иборат бўлди. Марказий Осиёда аввалги асрларда, хусусан IX—XIII асрларда яратилган маънавий-маданий бойликлардан, Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Чагминийлар меросидан; араб, форс ва туркий тилларда яратилган Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Румий, Тусий, Аттор каби алломалар меросидан; мусулмон Шарқи маънавий меросида катта аҳамият касб этган қадимги юнон илмий-маънавий бойликларидан кенг фойдаланилди.

Бу даврда Амир Темур давлатининг таъсирида булган ва булмаган бошқа мамлакатлар ўртасида маданий алоқалар тез ривожландики, бундай алоқалар маънавий бойликларни узаро алмашишга кенг йул очиб берди. Эрон, араб мамлакатлари, Ҳиндистон, Хитой каби мамлакатлар билан булган алоқаларда маданий бойликлар алмашинуви ҳам муҳим аҳамият касб этди.

**Тўртингчи** — ғоявий омил — бу омил маънавий омилнинг узвий давоми бўлса-да, унинг муҳим аҳамиятга эга булганлиги ва уз даври маънавий ҳаётида катта роль ййнаганлиги учун алоҳида ажратиб курсатиш мақсадга мувофиқдир. Бу XV асрга келиб Мовароуннахр ва Хуросонда кенг тарқалган тасаввуф — хусусан нақшбандия таълимотидир. Марказий Осиёда Юсуф Ҳамадоний, Абдухолик Фиждувоний таълимотларини ривожлантириш асосида шаклланган нақшбандия таълимоти ва унинг йирик вакиллари XIV—XV асрлардаги сиёсий-ижтимоий ҳамда маданий ҳаётда ниҳоятда муҳим роль ййнади, маънавий ўзгаришлар маълум эркинлик учун ғоявий асос, омил булиб хизмат қилди. Темур ва Темурий шаҳзодалар, кўп олим-фозиллар, ҳунармандлар нақшбандия таълимотидан озуқа олдилар, уз фаолиятлари, ижодлари билан уни ҳар томонлама бойитдилар.

XV асрда яшаб ижод этган нақшбандия таълимотининг йирик вакили Ҳужа Аҳрор Вали фақат маданий ҳаётдагина эмас, сиёсий-иқтисодий тинчлик ва ривожланиш ишида муҳим ижобий роль ййнади.

Бу каби омиллар Темур ва Темурийлар даври маданияти, маънавиятининг тез ҳамда юксак даражада кутарилишига олиб келдики, унинг ютуқлари сунгги узоқ асрлар давомида маданий ривожланиш учун озуқа бўлди.

\* \* \*

XIV асрнинг охири XV аср Марказий Осиё, аникроғи, Мовароуннахр ва Ҳурисон тарихида — ўрта аср учун олий даражадаги маданий-маънавий юксалиш даври бўлди. Бу юксалишни Марказий Осиё заминида IX—X асрда рўй берган ва сунъий равишда узилиб қолган маданий-маънавий юксалиш — Уйғониш даврининг тикланиши ва олий даражаси деб аташ мумкин. Бу юксалишлар бир жараённинг икки хил бир-бирига боғлиқ бўлган даврининг бошланиши ва якунидир. Чунки улар иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий жиҳатдан ниҳоятда ўхшаш, айрим ҳолларда бир хил асосларга эгадир.

Биринчи давр араблар истилосидан сўнг мустақилликка Эришув ва ерли давлатларнинг вужудга келиши заминида шаклланди. Шунингдек, сўнгги XIV—XV аср маънавий-маданий ривожланиш даври мўгуллар истилосидан қутулиб, мустақил давлатнинг вужудга келиши заминида юзага келди. Ҳар икки ҳолда ҳам ишлаб чиқариш, ҳунармандчилик, Шарққа хос бўлган институтларнинг ривожи ва мустаҳкамланишини ва уларнинг маданий юксалишга катта таъсир курсатганлигини курамиз. Ҳар икки ҳолда ҳам ислом дини ва унинг қоидалари маънавий ҳаётда устунлик ва белгиловчи аҳамият касб этди. Лекин шу билан бирга даврининг ижтимоий-сиёсий омиллари, маънавий мазмунида тафовутлар ҳам кўзга ташланади.

IX—XII асрларда Мовароуннахр ва Ҳурисон ҳудудларида араб мустамлакачилигидан қутулиш ва мустақил давлатни барпо этишга интилиш жараёни маҳаллий давлатларнинг пайдо булиб, сўнг йўқола бориши, улар ўртасидаги узаро курашларнинг узлуксиз давоми билан характерланади. Уч аср давомида Тоҳирийлар, Сомонийлар, Қорахонийлар, Фазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар давлатларининг вужудга келиб, кейин тарих саҳнасидан сурилиб кетгани бу нинг ёрқин мисолидир.

XIV—XV асрда мўгуллар мустамлакачилигига қарши курашда Мовароуннахр ва Ҳурисон ҳудудида яхлит, йирик ва мустаҳкам давлат қад кутарди. Бу — юксак давлат арбоби, саркарда соҳибқирон Амир Гемур номи ва фаолияти билан боғлиқдир. Маданиятнинг юксалиши ҳам Амир Темур ва Темурийлар фаолияти, ҳаракати, сиёсатининг натижасидир.

IX—XII асрлар Мовароуннахр ва Ҳурисонда ислом тарқалганига юндигона икки-уч аср бўлган, у маънавий ҳаётнинг турли соҳаларига сингиб бормоқда эди. XIV—XV асрларга келиб ислом, шариат мустаҳкамланиши билан, тасаввуф, айниқса, унинг ҳалқ ҳаётига жуда яқин куриниши — Нақшбандия тариқатининг устун булиши билан кузга ташланади. Бу давр маънавий ҳаётидаги араб тилига нисбатан туркий ва форсий тилнинг роли кучайди. Ҳозирги ҳақиқий ўзбек

тили ва адабиёти шу даврдан бошланди. Бу масалалар махсус урганиш, тадқиқотни талаб этади.

Лекин мазмун жиҳатдан ҳар икки давр маънавиятида, яъни умуман Ўйғониш даври маънавий-маданий ҳаётида инсоний қадриятларнинг юксак хислатлари — илмга интилиш, билимни кучайтириш, ақлни улуғлаш, инсонийлик, руҳий покланиш, ахлоқий камолотта эришув, адолат, ижтимоий юксалиш, барча учун баҳт-саодат, дустлик-биродарлик, комил жамоа ва комил инсонни яратиш каби масалалар олға сурилди. Улар муҳим илмий тадқиқотлар, адабиёт, санъат, диний асарларнинг мазмунини ташкил этди. Бу даврдаги олим, мутафаккир, донишманд, санъаткорларнинг күпчилиги шу мақсад йўлида ижод қилдилар.

Бу давр маданиятининг ютуқлари халқимизнинг кейинги маданий ривожланишида катта замин яратди.

### 3. XVI—XIX АСР БИРИНЧИ ЯРМИДАГИ ТУРКИСТОН МАДАНИЯТИ ҲАҚИДА

XVI аср бошларига келиб Мовароуннаҳр ва Хуросонда ички низоларнинг авж олиши бу ерларга ташқи ҳужумларнинг кучайишига имкон туғдириди. Айниқса, шимолда Даشتி Қипчоқ томондан Мовароуннаҳр шаҳарларини босиб олишга бўлган ҳаракат борган сари ортиб борди.

1500—1510 йиллар орасида Мовароуннаҳр ва Хуросон ерлари Шайбонийхон бошлигидаги қўшинлар ҳужуми туфайли унинг тасарруфига ўтди. У узининг сунгти юришида кескин қаршиликка дуч келди ва 1510 йил Марв учун бўлган урушда қурбон бўлди. У Мовароуннаҳр мадрасаларида таҳсил курган, темурийлар билан учрашган, олим ва адиллар билан мулоқатда бўлган, маданият тарихидан яхши хабардор, темурийларга ухшаб ижод аҳлига раҳнамолик қилган, ўзи ҳам шеърлар ёзган давлат бошлиғидир.

Унинг ўлимидан сунг авлодлари 1601 йилга қадар ҳукмронлик қилдилар. Сунгти йилларда унинг авлодлари уртасидаги курашлар натижасида давлат парчаланиб, Хуросон Сафавийлар қўлига ўтди. Шайбонийлар эса фақат Мовароуннаҳрга ҳумрон булиб қолдилар. Ҳокимият аста-секин унинг авлодлари уртасидаги низолар туфайли парчаланиб кетди, Бухоро хонлиги, сунг гарбда Хива хонлиги вуҷудга келди. Ҳукмронлик учун олиб борилган узоқ курашлардан сунг Абдуллахон II (1557—1598) даврида Бухоро хонлигининг мавқеи анчамунча ортди.

Абдуллахон II даврида Бухоро хонлигига иқтисодий-маданий ҳаёт бир мунча жонланди. Ҳусусан, деҳқончилик тез ривожланди, қатор сув иншоотлари, каналлар барпо этилди, йирик шаҳарларда хунарманччилик равнақ топди. Самарқанд қозикалонининг XVI асрдаги

хужжатларидан маълум бўлишича, ҳунарнинг 61 тури мавжуд булган, турли-туман темир буюмлар, ип ва ипак матолар, юқори навли қофозлар ишлаб чиқарилган. Бухоро шаҳри кенгайтирилиб, девор ва ҳарбий истеҳкомлари қайтадан қурилган, шаҳарда кўп мадрасалар, хонақоҳлар, карвонсарой, бозорлар барпо этилган. Бу даврда ички ва ташки савдо, хусусан, Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Россия каби мамлакатлар билан алоқалар кенгайди.

Унинг вафотидан сўнг яна ўзаро низолар авж олди. 1601 йилдан бошлаб Бухоро ҳонлиги янги Аштархонийлар сулоласи ҳукмронлигига ўтди.

Аштархонийлар сулоласи бир ярим аср (1601—1753) Бухоро тахтида ҳокимлик қилди, улар даврида ҳонликда ўзаро низолар ҳамда қорақалпоқлар, мустақил бўлган Хива ҳонлиги, Эрон кабилар билан узлуксиз урушлар давом этди, мамлакатнинг иқтисодий-сиёсий ҳаётida парокандалик авж олди, ҳонлик тахти учун талашувда акука, ота-үғил, қариндошлар ургасида курашлар кучайди. Ҳонликдаги зулмнинг ортиши, солиқларнинг ошиб бориши натижасида тез-тез ҳалқ кузголонлари рўй бериб туради. Бухоро тахтида узоқ ҳонлик қилган И момқулихон (1611—1642) даврида ҳокимиятнинг нисбатан мустаҳкамланганлигини назарга олмаганда, бошқа Аштархонийлар даврида ҳонликка ҳар томондан хужумлар, турли шаҳарлар, Үлкаларнинг ҳонликдан ажраб кетишига интилиши кучайди. Бу интилиши, айниқса, Убайдуллахон даврида авжига чиқди. Бундан фойдаланган Нодиршоҳ Бухоро ҳонлигига қарашли кўп ерларни Эронга қўшиб олди. Сунгти йилларда Аштархонийлар сулоласининг нуфузи сусайиб, манғит қабиласидан бўлган Мұҳаммад Ҳаким оталиқнинг таъсири кучая борди ва у 1753 йили ўзини амир деб эълон қилди. Бу лаврда Туркистонда Бухоро ҳонлигидан ташқари Амударёнинг қўйи оқимида Хива ҳонлиги мустақил ривожланаётган эди. XVIII асрнинг охирига келиб Фарғона водийсида Кўқон ҳонлиги ҳам ўзини мустақил ҳонлик сифатида курсата бошлади.

Туркистондаги XVII—XVIII аср маданияти мавжуд иқтисодий-сиёсий, ижтимоий аҳвол таъсирида турли тебранишлар, йўқотишларни бошидан кечирди.

XVI асрда Ҳиндистонда Бобурийлар давлатининг вужудга кениши билан Темурийлар даврида шаклланган маданиятнинг қисман Ҳиндистон томон оқиб ўтганини кузатамиз. Бобурий подшошлар Мовароуннаҳр ва Ҳурросон маданий қадриятларидан кенг фойдаланишга интилдилар, уларни Ҳиндистон ерида кенг тарғиб этилар. XVI асрда кўпгина Марказий осиёлик донишманд, аллома, санъаткорларнинг ўзлари ёки Бобурийлар таклифи билан Ҳиндистон шаҳарларига кетиб қолдилар. Бобурийлар саройида туркий, айниқса, форсий тилдаги адабиёт, санъат, илм-фан ривож топди. Бу Марказий Осиё, хусусан, Туркистон ва Ҳиндистондаги Бобу-

рийлар давлати уртасидаги маданий алоқаларнинг кучайишига, уларнинг узаро таъсири орта боришига олиб келди. Бобурийлар узларини Темурийлар даври маданиятининг меросхури, давомчиларидан деб билдилар. Айниқса, Бобурийлардан Акбаршоҳ, Шоҳ жаҳон, Аврангзеб даврида Ҳиндистонда Марказий Осиё маънавий қадриятларига асосланган мусулмон маданияти кенг ривож топди ва муҳим ютуқларни қулга киритди.

Темурийлар даврида ривож топган маданий бойликлар таъсирида янги маънавий-маданий қадриятлар вужудга келди, айниқса, адабиёт, санъат, қисман илм-фан, хусусан, тарих фанида маълум ютуқлар қулга киритилди. Тасаввуф бу даврининг дунёкараши, тасаввuri ва маънавиятида муҳим аҳамиятга эга булди. Узбек ва форс тилида қатор тарихий, адабий, шеърий асарлар яратилди. Уз даврининг етук адиби, давлат арбоби ва шайхулисломи Подшоҳоҷа (1480—1547) оиласида туғилиб, тарбия топган Ҳасанхоҷа Бухорий Нисорийнинг «Музаккир ал-аҳбоб» ҳамда шоир Мутрибийнинг «Тазкират уш-шураро» тазкираларида XVI асрда яшаб ижод этган жуда күп адиб, шоирлар, уларнинг ижоди ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган. Масалан: Нисорий Бухоро мадрасаларида ўқиб, уз даврининг илмларидан хабардор булган, аruz сирларини эгаллаган, сунг мадрасаларда сабоқ берган, давлат арбоби сифатида ҳам хизмат қилган, унинг шоир сифатидаги довруғи күп улкаларга тараған, «Малик уш-шураро» унвонига сазовор булган. У уз давридаги турли шоир, адибларнинг асарларини үрганиб, «Музаккир ал-аҳбоб» тазкирасини яратган. У асосан Темурийлар, Шайбонийлар ҳамда Бобурийлардан етишиб чиқдан, шунингдек, марказий осиёлик, хурсонлик, шарқий туркистонлик, ҳиндистонлик, озарбайжонлик шоирлар ҳақида қимматли маълумотлар келтирган. Унда Подшоҳоҷа, Муҳаммад Солиҳ, Мутрибий, Фитратий, Шұхий каби шоирлар ҳақида муҳим маълумотларни учратиш мумкин. Нисорий 1597 йили вафот этган ва Баҳоуддин Нақшбанд мақбараси ёнига дағн этилган.

Бу даврда узининг узбек тилидаги шеърлари билан машҳур булган шоир, тарихчи, давлат арбобларидан бири Муҳаммад Солиҳидир (1455—1535). У Хоразмда туғилиб, бошланғич маълумотни уша ерда олган. Сунг Ҳирот шаҳрида уз илмини давом эттирган, шоиру уламолар билан илмий-ижодий баҳс этиб турган. Хурсонда, сунг Самарқанд, Бухорода Темурийлар хизматида бўлган.

1507—1510 йилларда Муҳаммад Солиҳ Ҳиротда яшаб маданий ҳаёт ичида бўлган, уз ижоди билан адабий муҳитга кенг танилган. Унинг ижодига Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Лутфий, Нисорий каби шоирлар яхши баҳо берганлар.

XVI асрнинг иккинчи ярмилаги энг йирик шоирлардан Мушфийни курсатиб ўтиш зарур. Шоир Абдуллаҳон II даврида сарой шоири

сифатида маълум булса-да, ҳалқ орасида унинг ҳажвий, ҳуррият-парвар шеърлари кенг тарқалган.

XVI—XVIII асрларда узбек ва тожик тилларида шеърий асарлар битган, Туркистоннинг турли шаҳарларидан чиққан шоир, адиларни кўрсатиб утиш мумкин. Сайидо Насафий, Турди Фарогий, Машраб, Суфий Оллоёр шулар жумласидан булиб, уларнинг ижоди турли йуналишда эканлиги ўз даврининг тушкунликлари, зиддиятлари, қийинчиликларини ўзида ифодалаши билан кузга ташланали. Бу даврда Ҳиндистонда яшаб ижод этган, уз асарларини форсийда ёзган Мирзо Абдулқодир Бедилнинг (1644—1720) чуқур ижтимоий фалсафий мазмундаги шеърлари Туркистон зиёлилари орасида эътибор қозонди.

XVII асрда Субҳонқулихон даврида тазкира тузилиб, унда ўз замонасининг икки юзта шоир, адабиётшунослари ҳақида маълумотлар берилади. Умуман XVI—XVIII асрлар маънавий ҳаётида Туркистонда тасаввуф таълимотлари, хусусан, Нақшбандия, Яссания, Кубравия таълимотларининг кенг тарқалгани, уларнинг адабиёт, санъат, ижтимоий билимларга катта гаъсир курсатганини курамиз. Санъаткорлар тасаввуфдан замона қийинчиликларини енгиш, тулм-адолатсизликка қарши кураш, ҳақиқий инсоний муносабатларни тарғиб қилиш йулида фойдаланишга интилдилар.

XVI—XVIII асрлар давомида адабиёт, шеърият билан бир қаторда тарихшунослик, фикр, фалсафа, ҳаттотлик илми каби соҳаларда ҳам ижобий ютуқлар қулга киритилди.

Бу даврда айрим тарихий асарлар форс тилидан узбек тилига таржима этилди. Мирзо Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий», Абдулла ибн Муҳаммаднинг «Зубдат ул-асрор» («Асрлар қаймоги»), Фазлуллоҳ ибн Рузбекхон Исфахонийнинг «Меҳмонномайи Бухоро» («Бухоро меҳмони ҳақида китоб»), Ҳофиз Таниш Бухорийнинг Абдуллахон II даврининг тарихига бағишлиланган улкан асари «Шарафномайи шоҳий» («Шоҳ шарафи ҳақида китоб») ёки «Абдулланома» каби тарихий асарлар шулар жумласидандир. Бу асарларда уша даврнинг мурракаб жараёнлари ўз ифодасини топган.

Шоир ва тарихчи Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдулланома» асари назм аралаш қофиялаштирилган насрда, форс тилида ёзилган булиб, асосан Шайбонийларнинг ўз давлатларини мустаҳкамлаш учун олиб борган курашлар тарихини, сиёсий-ижтимоий масалаларни ўз ичига қамраб олган катта асардир.

Тарихий асарлар далилий ашёларга бой булиш билан биримларидан тарихий ҳодисаларни умумлаштириш, улардан холосалар чиқариш кузга ташланади. Бундай интилишлар сунгти асрларда вужудга келган «Тарихи Муқимхоний» («Муқимхон тарихи»), Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр ул-асрор» («Сирлар денгизи»), Мирмуҳаммад Амин ибн Бухорийнинг «Убайдулланома» («Убайдуллахон ҳақида китоб»), Му-

ҳаммад Амин ибн Мұхаммад Замони Бухорийнинг «Мұхит ут-таворих», Абдураҳмон Толенинг «Тарихи Абулфайзхон» каби асарларида ҳам учрайди.

Тарихшунослик илмининг маълум даражада ривожи албатта бошқа ижтимоий фанларга ҳам ижобий таъсир курсатди.

XVI—XVIII асрлар давомида ижтимоий-фадсафий фикр, фикҳ-шунослик соҳасида ҳам янгиликлар вужудга келди, уз даврининг етук мутафаккирлари етишиб чиқди. Ўз юрги Эронни ташлаб кетишга мажбур булган ва Бухорода хоннинг эътиборига сазовор булган Мирзажон Шерозийнинг асосий илмий-маърифий фаолияти Мовароуннахрда утди. У турли мадрасаларда фалсафа, мантиқ, фикҳ илмларидан сабоқ бериш билан бирга утмиш мутафаккирлари Ибн Сино, Фахриддин Розий, Насриддин Тусий, Мир Сайид Журжоний, Давоний кабиларнинг турли рисолаларига шарҳ ва ҳошиялар ёзди. Мирзажон Жалолиддин Давонийнинг бевосита шогирди булиб, узининг асосий илмий қизиқишлигини фалсафий муаммоларни ҳал этишга қаратди. Унинг ҳошиялари билан бирга «Фи таърифил илм» («Илмлар таърифи»), «Анмузаджул фунун» («Санъатлар намуналари»), «Фи аксил мустафа» («Акс эттириш ҳақида») каби қатор рисолалари ҳам бизгача етиб келган, улар ЎзР ФА Беруний номли Шарқшунослик институтининг қулёзмалар фондида сақланали.

Мирзажоннинг шогирди булмиш, асли озарбайжонлик Юсуф Қорабогий ҳам XVI асрда Мовароуннахрнинг энг йирик файласуф ва мантиқшунос олимларидан булиб танилди. Бухоро хони Имомқулихон эътиборида булди. У Самарқанд, Бухоро мадрасаларида мударрислик қилди, фалсафа, араб грамматикаси, фикҳ, мантиқ соҳасида қатор асарлар ёзib қолдирди. Қорабогий фалсафа, араб тили буйича шогирлар етиштириди.

ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондида 20 дан ортиқ асари сақланаётган Мұхаммад Шариф Бухорийнинг ижоди ҳам дикқатга сазовордир.

XVI—XVIII асрларда табиий-илмий фанлар ўзининг аввалги анъаналарини йўқота бошлади, уларнинг ривожи борган сари сусайиб борди. 1593 йилда Амир Аҳмад Розийнинг «Ҳафт иқлим» номли географик-биографик лугати, деярли шу йилларда Мутрибийнинг «Тазкират уш-шуаро»сига илова этилган дунё ҳаритаси вужулга келди. Айрим тарихий маълумотларда айтилишича, бу даврларла тиббиёт соҳасида қатор амалий ишлар, турли табиблар, куз духтирлари, синган суюкларни гузатувчилар фаол иш олиб борган (Султон Али деган табиб «Табобат буйича қултанма» ёзib қолдирган), йирик шаҳарларда касалхоналар мавжуд булган. Лекин XVIII асрларга келиб табиий фанларга эътибор сусайиб, умумий ижтимоий, сиёсий тарқоқлик биринчи навбатда шу илмларга салбий таъсир курсатиб, диний дунё-қарашнинг таъсири кучайган. Адабиёт, шеърият билан боғлиқ ҳолда

мусиқашунослик, мусиқа илми ривожига ҳам эътибор берилган. Бухорода Мавлавий Кавқабий мусиқа илми, мақомлар бўйича рисола сизган.

Китоб ёзиш, туплаш, безаш соҳасидаги анъаналар XVI—XVIII асрларда ҳам давом этгани, айрим хонлар маҳсус кутубхоналар ўратгани ва унда кўплаб кўлёзмалар тупланганлиги ҳақида маълумотлар сақлангандир. Масалан, шайбонийлардан Абдуллахон II, Абдулазизхонлар, аштархонийлардан Субҳонқулихон ўз саройларида — Бухорода катта кутубхоналар ташкил этганлар. Умуман китоб санъати, ҳусниҳат — ҳаттотлик, миниатюра соҳасида муҳим ютуқлар қулга киритилди. Бухоро мактаби фаол равишда ўзини танитди.

XIV асрдан бошлаб шаклланиб келган Бухородаги ҳусниҳат ва миниатюра XVII—XVIII асрларга қадар Шарқда ўз етакчи мавқенини сақлаб келди ва бошқа мусулмон Шарқидаги бу санъат ривожига катта таъсир кўрсатди. XVI—XVII асрларда ижод этган машҳур ҳусниҳат ва миниатюра ижодкорларидан Султон Али Машҳадий, Мир Али Хевравий, Маҳмуд ибн Исҳоқ аш-Шиҳобий, Абдулла, Муҳаммад Мурод Самарқандий, Дуст Муҳаммад Бухорий кабиларни курсатиб утиш мумкин. Дуст Муҳаммад Бухорий ҳусниҳат назарияси бўйича маҳсус рисола ҳам ёзган. Ҳусусан, шу даврларда «Тарихи Абдулхайрхон» («Абдулхайрхон тарихи»), «Таворихи гузидай нусратнома» («Фалаба ҳақида танланган тарихлар»), Алишер Навоий асарлари рўйхати кабиларнинг чиройли кучирмалари ва уларга ишланган миниатюралар ўз даври санъатининг олий намуналари ҳисобланади.

Мовароуннаҳр санъати, илм-фан, маданияти бу асрларда ҳам бошқа мусулмон Шарқи, Эрон, Туркия, Кошфар, Ҳиндистон каби мамлакатлар билан яқин алоқада булди, узаро таъсирда ривож топди. Бошқа ўлкалардан Мовароуннаҳрга турли зиёли, маданият арбоблари келиб ўз фаолиятини давом эттирганидек, Бухоро, Самарқанд каби турли шаҳарлардан чиққан олим, донишманд, санъат арбоблари бошқа мамлакатлардаги маданий оқимда иштирок этдилар.

Масалан, Туркияда миниатюра санъатининг ривожида Марказий осиёлик санъаткорлар пешқадамлик қилдилар. Академик В. В. Бартольд бу ҳақда шундай дейди: «Туркистоннинг Олд Осиёга булган таъсири қанчалик узоқ давом этгани шу фактдан маълум: «Султон Боязид II даври (1481—1512) да рассомлик санъатини дастлаб Туркияга келтирган киши ўзбек санъаткори Бобонаққош эди». Бобонаққош турк миниатюрачиларининг устози булиб танилган эди. Шайбонийхон томонидан наққош Фулом Шоди Қозон хони Муҳаммад Амин саройига унинг илтимосига биноан юборилади. Шунингдек, XVI асрнинг иккинчи ярмида буюк бобурий шоҳлардан Ақбар саройига Самарқанд усталари Муҳаммад Мурод ва Муҳаммад Нодирлар сафарбар этилган эди. Эрондан қатор олим-фозиллар, санъаткорлар диний шароитнинг ноқулайлигидан қочиб ёки ўз ихтиёрла-

ри билан Мовароуннахр шаҳарларига келиб жойлашиб қолдилар. Шоирлар Файзуллоҳ ибн Рузбеххон, Зайниддин Восифий, машҳур хаттоллар Хўжа Маҳмуд, Сайд Аҳмад Машҳадий, юқорида қайд этилган Мирзажон Шерозий, Қорабогий кабилар шулар жумласидандир.

Мовароуннахрда сунгги асрлардаги таҳт учун курашлар, парокандалик аста-секин ягона давлат таркибидан турли шаҳарларнинг ажраб кетиши, мустақил Хива ва Қуқон хонликларининг ташкил топиши, улар уртасидаги уруш-зиддиятнинг авж олиши ижтимоий-иктисодий соҳаларда ёмон оқибатларга олиб келиши билан бирга, маданий-маънавий ҳаётта ҳам салбий таъсир курсатди, унинг ривожига фов. орқага кетувига сабаб булди.

XVIII асрнинг иккинчи ярми Туркистон тарихида иқтисодий-сиёсий жиҳатдан узаро низолар, урушлар, бошбошдоқлик, парокандалик, аҳолининг ниҳоятда қашшоқлашган, маданий-маънавий жиҳатдан тушкунликка учраган даври эди. Узаро ички низоларнинг кучайиб кетганлигидан фойдаланган Эрон шоҳи Нодиршоҳ 1740 йиллар Бухорони ва Хивани босиб олиб узига қарам қилди. Бухоро таҳтига ўз одами Муҳаммад Ҳаким оталиқни утказиб қайтди. Лекин Нодиршоҳ вафотидан сунг (1747) Ҳакимхоннинг ўғли Муҳаммад Раҳим аштархонийлар сулоласини умуман четлатиб, 1753 йили узини амир деб эълон қилди. Шундай қилиб, Бухорода манғит қабиласидан чиққан сулола хукмронлиги бошланди.

Ўзбек хони Элбарсхон 1512 йили Хива хонлигини барпо этиб, унга Хоразмнинг қатор шаҳар, қишлоқлари, туркман ерлари ва Ҳуросоннинг шимолий қисмини қўшиб олган эди. Лекин бу хонликда узлуксиз узаро курашлар, хонликнинг туркманлар, қорақалпоқлар, Бухоро хонлиги, Эрон билан урушлари давом этганлиги иқтисодий-сиёсий аҳвол, маданий ҳаётнинг қашшоқланишига олиб келди. Абдуллахон II даврида Хоразм Бухоро хонлиги томонидан босиб олинди. Абдуллахон II вафотидан сунг Хива хонлиги яна мустақиллигини тиклаб олди. Шунингдек, 1598 йили Субхонқулихон яна Хоразмни Бухоро хонлигига қарам қилади. Узоқ вақт утмай Хива яна мустақил хонликка айланди. XVII асрда Хива хонлиги маданияти тарихида энг йирик арбоб сифатида иш кўрган хон Абулғозихонни курсатиб ўтиш мумкин. У фақат йирик давлат арбобигина бўлиб қолмай, машҳур тарихчи ва табиб ҳам эди. Абулғозихон Бухоро, Тошкент. Эрон шаҳарларида қувғинда, бир неча бор қамоқда бўлган, ниҳоят 1643 йили Орол ўзбеклари уни хон қилиб кутарадилар ва 1645 йили Хива таҳтига чиқди. У деярли йигирма йиллик (1645—1663) хонлик даврида марказлашган давлат тузишга, мамлакат ривожини таъминлашга интилди, маданиятга эътибор берди. 1663 йили таҳтни ўғли Ануша-хонга топширди. Абулғозихон фан тарихида машҳур олим, Хоразм тарихнавислигининг асосчиси сифатида ном қолдирди. Унинг қала-

мига мансуб «Шажарайи тарокима» («Туркманлар тарихи») ва «Шажарайи турк» («Турклар шажараси») каби асарлар Марказий Осиё тарихига оид муҳим манба ҳисобланади. Бу асарлар немис, француз, рус тилларига таржима этилган ва шарқшунос олимлар орасида маълумдир. XVIII асрнинг охирларига келиб Фарғона бутунлай Бухордан мустақил булиб ажраб чиқди ва Қуқон хонлиги вужудга келди. Ўу хонликнинг асосчиси Минг қабиласидан чиққан Шоҳруҳбий булиб, у XVIII аср бошларида Фарғонада мустақил давлат барпо этади. Бу давлат аста-секин атрофдаги қишлоқ ва шаҳарларни босиб олиш ҳисобига кенгая боради.

Норбутабий (1769—1800) йилларда Қуқон хонлигидаги зиддиятларни тинчтиб, ўз ҳокимиятини мустаҳкамлади. Бу хонлик XIX асрнинг биринчи ярмида анча ривож топди. У Тошкент ва унинг атрофидаги шаҳарларни, жанубий Қозоғистонни босиб олди. Шунингдек, Фарғона шарқидаги вилоятлар ҳам унга қарам булди, ҳатто Кошғар чегараларига бориб етди, Олимхон, Умархон, Муҳаммад Али, Шералихон, Худоёрхонлар даврида Қуқон хонлигидаги узаро кескин курашлар давом этиб турди. Шу билан бирга Қуқон хонлигининг Кошғар, Хитой, Россия, Бухоро билан савдо-маданий алоқалари ривожланди. Шундай қилиб, узаро урушлар вақти-вақти билан кўтарилиб турса-да, XVIII асрнинг охири — XIX асрнинг бошига келиб Туркистонда уч мустақил давлат: Бухоро амирлиги, Хива ва Қуқон хонликлари вужудга келди. Мазкур уч давлатда маданият, аданбист, илм-фан, санъат ўзига хос равишда ривожланди.

Қуқон хонлигидаги XIX аср бошларида меъморчилик ривож топди, жуда куп курилиш ишлари олиб борилди, хусусан, Қуқон, Марғилон, Наманган, Андижон каби йирик шаҳарларда турли бинолар: мадраса, масжид, хонақо, бозор, ҳаммом кабилар барпо этилди, қашаллар утказилди, биноларни безаш ишларидан кенг фойдаланилди, қунармандчилик равнақ топди. Масалан, шу даврда мадрасаси Муҳаммад Ясовул, мадрасаси Ризқулбек, мадрасаси Офтоб ойим, мадрасаси Мингойим, мадрасаси Ҳакимхон тура, мадрасаси Ҳужа додхоҳ, мадрасаси Ҳақкули мингбоши каби мадрасаларнинг бир нечтаси курилди. Қоғоз ишлаб чиқариш йулга қўйилди. Қуқон қозози бутун Марказий Осиё шаҳарларида узининг сифати билан ном қозонди. Китоб ёзиш на безаш ишлари, ҳаттотликка алоҳида эътибор берилди, утмиш машҳур шоирларнинг асарлари кўчирилиб, маҳсус ранг ва чизмалир билан безатилди. Лутфий, Навоий, Умархонларнинг девонларидан иборат «Муҳаббатнома» деган бир мажмуа маҳсус, чиройли қоғозга безаклар билан, гузал ҳатда кучирилиб хон томонидан Туркияга совға қилиб жўнатилган.

Қуқон хонлиги сиёсий мавқеининг ошиши, иқтисодий-ижтимоий ривожи маданий ҳаётда ижобий ўзгаришларга олиб келди. Аданбист, санъат, тарихшунослик ва бошқа муҳим ижтимоий фанларда

жонланиш юз берди. Бу жиҳатдан айниқса, Амир Умархон ҳокими-яти (1809—1822) даврида анча ишлар амалга оширилди. У хонликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, ташқи мамлакатлар билан иқтисодий, дипломатик алоқаларни ривожлантириш билан бирга адабиёт, санъат равнақига катта эътибор берди, саройига шоирларни, адабиётчиларни туплаб мушоиралар, учрашувлар ўтказиб турди. Ўзи ҳам «Амирий» тахаллуси билан узбек ва тожик тилларида шеърлар ёзди, рафиқаси машхур шоира Нодирабегим эса аёл шоира-адабиётчиларга раҳнамолик курсатди. Умархон топшириғи билан Фазлий Намангоний адабиётчи шоирларнинг «Мажмуат уш-шуаро» («Шоирлар туплами») тупламини тартиб этиб, унга ўша даврда ижод этган жуда күп шоирларнинг асарларидан намуналар киритди. Бу даврда Нодира, Увайсий, Адо, Фозий, Маҳзуна, Маҳмур, Маъдан, Дилшод, Баҳринисо, Мунтазир, Туробий, Нусрат, Гулханий каби адиллар етишиб чиқдилар. Уларнинг асарларида хонлар саройи ҳаётидан тортиб, оддий халқнинг кундалик турмуши, қийинчиликлари, халқ орасида вужудга келган норозиликлар, ахлоқ, инсонпарварлик, халқпарварлик масалалари уз аксини топган. Бу адилларнинг куплари Фазлийнинг «Мажмуат уш-шуаро»сидан жой олгандир. Улар асосан ўзбек тилида, кўпинча икки тилда, ўзбек ва тожик тилларида ижод этганлар. Фазлийнинг ўзи ҳам ўзбек ва тожик тилларида ёзилган қатор шеърий асарларнинг муаллифицир. XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган, ўзининг ҳажвий халқчил руҳдаги шеърлари билан ном қозонган талантли шоирлардан бири Маҳмурдир. Бу давр адилларидан Гулханий шеърлар билан бирга насрда «Зарбулмасал» деб номланувчи асар ёзган бўлиб, унда машхур хинл асари «Калила ва Димна»нинг таъсири яққол кўринади. Асарда қушлар ҳаёти орқали уз давридаги олий табақага мансуб булғанларнинг кирдикорлари фош этилган. Асар ўзбек адабиётдаги масал жанрини бойитишга муҳим ҳисса қушди. Бу даврда Куқон хонлигига тарих илми соҳасида ҳам қатор асарлар яратилди. Улар XIX аср Туркистон тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир. Хўжа Муҳаммад Ҳакимхонтўранинг «Мунтаҳаб ат-таворих» («Тарихлардан сайланма»), Ашур Муҳаммал Ҳўқандийнинг «Тарихи Шоҳрухий», Жунайд Мулла Аваз Муҳаммаднинг «Тарихи жаҳонномай» («Жаҳонни курсатувчи тарих»), Эшон хўжа Қори Тошкандийнинг «Хулосат ул-аҳвол» («Аҳволлар хулосаси»), шунингдек, Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг «Тарихи жадиди Тошканд» («Тошкентнинг янги тарихи»), Мулла Олим Маҳдумнинг «Тарихи Туркистон» («Туркистон тарихи») каби китоблари шулар жумласидандир. Уларда уша даврда хонликлар ўртасидаги курашлар, Куқон хонлигини кенгайтириш соҳасида олиб борилган урушлар, унинг ерларини аста-секин рус аскарлари томонидан босиб олиниши ҳақида ги маълумотлар билан бирга маданият соҳасида олиб борилган ишлар ҳақида ҳам турли факт ва ахборотлар келтирилгандир. Мальумки,

Құқон хөнлигі шимолдан босиб келган рус аскарларининг бириңчи хужумига учради ва унга бир неча йил давомида қаршилик курсатиб келди. Бу воқеалар ҳам шу тарихий асарларда қысман үз ифодасини топғандыр.

Хужа Мұхаммад Ҳакимхонтуранинг «Мунтахаб ат-таворих» асарида Фарғона ва Бухоро тарихи аксини топған Ҳакимхонтура хонга яқын кишилардан булған. 1822 йили Мадалихон тахтта чиққандан сүнг үзи бирға үсіб үлгайған Ҳакимхонтурани аввал сийлаб, сүнг Куқондан чиқарып юборади ва у Сибирга йул олади. У Семипалатинск, Омск, Оренбург, Астрахон шаҳарларыда булади, рус гилини ҳам үрганади, рус амалдорлари, зобитлари билан бир неча бор учрашади. Ҳакимхонтура ҳақида ахборот рус подшосига бориб етади ва Александр I уни Петербургга таклиф этади, у бормайды. Бунинг сабабини түшүнтириб: «Үзимнинг хешу ақраболарымдан булған подшоҳлардан нима күрдиму, бегона мамлакат подшоҳидан нима курардим», деб ёзади Ҳакимхонтура уз китобида Александр I Оренбургга келганды Ҳакимхонтуранинг шу шаҳардалигини эши-тиб, уни уз хузурига қақириб, узоқ сұхбат қуради. Ҳакимхон рус подшосида яхши таассурот қолдиради. Ҳакимхон Астрахон орқали Кавказга, ундан Туркия ва Мисрга боради. Сүнг Қызыл деңгизда параводга утириб бир қанча шаҳарларда булади, Макка ва Мадинани зиёрат қилиб, Арабистон саҳролари орқали Мисрга қайтади. Ҳакимхонтура Ироқ орқали Эронга утиб, унинг қатор шаҳарларини күради, күп қыйинчиликлардан сүнг Бухорога келади. У сафарда Туркия султони ва Эрон шохи хузурида сұхбатда бўлади. Бухорога қайтгач, шайхулислом хузурига таклиф этилишига қарамай, Шаҳрисабзга қайтиб келади ва қолган умрини уша ерда утқазади. У узининг бошидан кечирғанларини «Мунтахаб ат-таворих» деган асарида батағсил баён этган. Китобда уша даврдаги Туркистон маданий ҳаёти, Қуқон, Бухоро хонликларидаги воқеалар ҳақида мұхим маълумотлар келтирилған, уларға муаллифнинг муносабати билдирилған. Бир сүз билан айтганда, Ҳакимхонтура уз даврининг етук давлат арбоби, адеби, тарихчisi, сайёхидир. Унинг асари эса хотиганома адабиётiga, тарих ва жуғрофия илмиға қушилған мұхим ҳиссадыр.

Ҳакимхонтура уз даврининг билимдони, маданиятли зиёлиси, мағрифатпарвар, қатор тиіларни яхши билған ҳар томонлама маълумотли арбоб сифатида тарихда ном қолдирди. «Мунтахаб ат-таворих»нинг узбекча ва тоғикча нұсхалари мавжуд.

Мұхаммад Солиҳхұжа Тошкандий узининг «Тарихи жадиди Тошканд» асарида Қуқон хөнлигининг XIX аср урталаридағи шимолий чегаралари ахволи, русларнинг хужумлари, аёвсиз урушлари, ерли халқларнинг қаҳрамонона қаршилиги, Тошкент қамали, Самарқанд, Андіжон, Марғилоннинг босиб олиниши, Қуқон хөнлигининг Рос-

сияга буйсундирилиши каби воқеаларни иштирокчи сифатида баён этади.

XIX асрнинг бошида, айниқса, Мұхаммад Раҳимхон даврида Хива хонлиги мустаҳкамланди, сүнг унинг ерлари кенгайди. Савдо-сотик, қунармандчилик, бошқа мамлакатлар билан иқтисодий-маданий алоқалар кучайди. Хивада, Ҳазорасп каби шаҳарларда мадраса, масжидлар қурилди. меъморчиллик санъати, маданиятнинг бошқа соҳаларига нисбатан тараққийси учун имкон вужудга келди. Бу даврда меъморлик юксак даражада ривож топди. Паҳлавон Маҳмуд мақбраси ёнидаги мажмуа, Куня аркидаги бинолар, Мұхаммад Аминхон мадрасаси, Жума масжиди, Оллокулихон саройи, Иchan қалъа мажмуаси каби қатор бинолар шу даврда вужудга келди. Ҳозирги Хива шаҳри, ундаги бой ва ранг-баранг бинолар, миноралар асосан XVIII—XIX асрнинг биринчи ярмида бунёд этилган. Бу даврда Хивада илм-фан, адабиёт, санъат аста-секин ривож топа бошлади. Мунис Ҳоразмий, Комил Ҳоразмий, Оғаҳий, Аваз Утар каби етук қалам эгалари, шоир ва адабиётчи, тарихчилар етишиб чиқиб, миллий адабиётни ривожлантиришга муносиб ҳисса қушдилар. Бу даврда қатор тарихий асарлар, жумладан, Шарқнинг машҳур тарихчилари Маъсудий ва Ибн Асрнинг асарлари арабчадан, Мирхонд, Ҳондамирларнинг асарлари форсчадан узбек тилига таржима этилди. Абулғозий Баҳодирхондан бошланган Ҳоразм тарихнавислик мактаби XIX асрга келиб янги босқичга кутарилди. Мунис, Оғаҳий, Баёнийлар «Фирдавс ул-иқбол» («Баҳт жаннати»), «Зубдат ут-таворих» («Тарихлар қаймоги»), «Риёз уд-давла» («Давлат боғлари»), «Шоҳиди иқбол» («Иқбол шоҳиди»), «Шажараи Ҳоразмшоҳий» («Ҳоразмшоҳлар шажараси») каби тарихий асарлар ёзиб қолдирдилар ва Ҳоразм, умуман Туркистон тарихига оид муҳим давр воқеаларини ёритиб бердилар.

Бухоро амирлигига (1753—1920) узоқ давом этган узаро курашлар, парокандалик, мамлакат иқтисоди ва маданияти ривожига катта зарар етказди. Амир ҳокимиятни мустаҳкамлаш, марказлаштириш ва кенгайтириш соҳасида тұхтовсиз кураш олиб борди. Айниқса, Мирза Ҳайдар замонида беклар ургасидаги курашлар, турли халқ құзғолынлари кучайди. Унинг вориси амир Насрулло (1826—1860) замонида зиддиятлар тинчтилиб, бир мунча юмшаб, у үз давлатини жанубға томон анча кенгайтирди.

Бухоро амирлигига үзаро низолар, бошқа хонлик билан курашлар тұхтовсиз давом этиб туришига қарамай қурилиш, маданият соҳасида айрим ишлар амалға оширилганини курамиз. Бу даврда табиий илм, фаннинг күп соҳалари үзининг олдинги мавқенини йүқтеган, диний илмларнинг таъсири кучайған бұлса-да, Бухоро Марказий Осиёда үзининг маърифат маркази мавқенини сақлаб қолди. Бу ерда куплаб мадрасаларда уз даври талабларига биноан үқитиш иш-

лари давом этди. Күп булмаса-да бинолар барпо этилди. Бухородаги аввалдан ҳукм суреб келган тарихнавислик соҳасида айрим асарлар вужудга келди.

XVIII аср охирлари ва XIX асрнинг биринчи ярмида Муҳаммад Вафоий Карминагийнинг «Тұхфаи хоний», («Хон тұхфаси»), Муҳаммад Шарифнинг «Тож ут-таворих» («Тарихлар тожи»), Мир Олим Бухорийнинг «Фатҳномаи сultonий» («Султоннинг ғалаба китоби») асарлари яратилди. Уларда уша даврдаги Бухоронинг ички ва ташқи сиёсати, давлат тузилиши, ҳалқ ҳаракатлари, маданий ҳаёти ҳақида қызықарли маълумотлар баён этилгандир.

Бу даврда ўзбеклар билан қардош болған бошқа құшни ҳалқлар маданий ҳаётида ҳалқларни бирлашувга қақириувчи, дүстлик, бироларликни тарғиб этувчи етук ва машхур арбоблар, адид-шоирлар етишиб чиқдилар. Улар үзаро урушларни, низоларнинг олдини олишга қақириувчи асарлар ёзіб, ҳалқ манфаатларини ҳимоя этдилар. Қорақалпоқ Бердақ, туркман Махтумкули, қозоқ Чүкөн Валихонов, Абай-лар шулар жумласидандир.

#### 4. XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДА МАДАНИЙ ҲАЁТ

(Рус мустамлакаси даври)

XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистаннинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маданий-маънавий ҳаётида катта тарихий үзгаришлар рүй берди. Россия күпдан бери Туркистаннинг табиий бойникларига эга булиш, мустамлакасини янада кенгайтиришга интилиб келарди.

XIX асрнинг 60–70- йилларига келиб Россия шу қабиҳ ниятини ималга оширишга киришди. У Туркистан хонликлари ерларини босиб ола бошлади. Құқон хонлиги қүшини биринчи булиб рус босқинчиларига Сирдарё соҳилларида қаҳрамонона қаршилик күрсатди. Рус қүшинлари барча воситаларни ишга солиб: қамал, қирғин, босқинчиллик, ахолини ҳайдаш, алдаш-авраш каби турли йұллар билан XIX асрнинг 60- йиллари давомида Құқон хонлиги ва Бухоро имиригининг күп ерларини үзларига тобе этдилар. Босиб олинган ерларда 1867 йили Туркистан генерал-губернаторлиги үрнатилди. Бухоро билан сұлҳ тузилиб, у Рус чоризмининг вассалига айлантирилди.

Хивага уч томондан рус қүшинларининг бостириб келиши, вайроналик, талон-тарож, құвғинлар 1873 йилдаги сұлҳ билан якунланды на Хива хонлиги ҳам Россиянинг вассалига айланди. Рус зобитлари, улар билан биргә келган амалдорлар томонидан талон-тарожлар туғайли құлға киритилген жуда күп маданий-маънавий бойниклар, бе-

заклар, матолар, ёдгорликлар, ноёб қулёзма китоблар, миниатюра-  
лар Петербургта олиб кетилди.

Туркистоннинг қисқа вақт ичиде Россия томонидан босиб олини-  
ши шафқатсиз урушлар, аҳолини талон-тарож этиш, қирғинлар уюш-  
тириш, куролсиз халқни хонавайрон этиш, алдаш, хуллас, бос-  
қинчилликка хос бўлган барча воситалардан фойдаланиш ёрдамида  
амалга оширилди. Ўша даврда ёзилган тарихий китобларда рус ас-  
карлари, генералларининг қирғинлари, ерли аҳолининг қаттиқ қар-  
шилиги, ўз шаҳарлари учун жон олиб, жон бериб жанг қилганлари  
ҳаққоний равишда тасвирланган. Масалан, хоразмлик машхур та-  
рихчи — бундай урушларнинг бевосита гувоҳи Баёнийнинг «Шажа-  
ран Хоразмшоҳий», юқорида айтиб ўтилган Муҳаммад Солиҳ Тош-  
кандийнинг «Тарихи жадиди Тошканд» каби асарларида Хоразмда  
рус аскарлари қирғинларидан жон сақлаб қочган аёл ва болаларни  
кувиге этиб, қиличдан ўтказиб, найза билан саншиб ташлагани ёки  
рус босқинчиларига қаршилик курсатган Тошкент аҳолисини 42 кун  
сувсиз қолдириб, қамал қилгани каби даҳшатли воқеалар баён этил-  
ган.

Россия кўпдан бери Туркистонга куз олайтириб келар эди, уни  
босиб олишдан асосий мақсад бу ернинг табиий, жуғрофий бойлик-  
ларини қўлга киритиши — олтин, пахта, пилла каби дунё бозоридаги  
қимматли молларга хўжайнинг қилиш ҳамда ривожланиб келаёт-  
ган рус капитализми учун янги бозорга эга бўлиш эди. Бундан таш-  
қари Туркистонни босиб олиш Россиянинг Марказий Осиё, уму-  
ман, Шарқдаги мавқеини мустаҳкамлар эди.

Чор ҳукумати босиб олган ўлка, жумладан, Туркистон халқини  
ҳам иқтисодий, сиёсий қолоқликда, қарамлик ва нодонликда сақ-  
лаб туришдан жуда манфаатдор эди. Россия бу ерда халқни тўлиқ  
мустамлакада сақлаш, бойликлардан фойдаланиш сиёсатини амалга  
oshiришга қаратилган ижтимоий-иқтисодий тизимни урнатиб, бар-  
ча идора этиш йўллари, усул ва воситаларини кенг амалга ошириди.  
Лекин Туркистоннинг босиб олиниши ривожланиб келаётган рус  
капитализмининг ва у орқали Оврўпонинг турли иқтисодий, мада-  
ний ютуқлари беихтиёр равишда бу ерда ҳам кенг тарқала бориши-  
ни тезлаштириди, шаҳарларда янги маданият ташкилотлари ривож-  
лана бошлади, янги савдо, банк, тиббиёт корхоналари, темир йўл,  
телеграф, электр, телефон кабилар вужудга келди, газеталар, китоб  
босиш йўлга кўйилди ва ҳ. к. Бу борада дунё миқёсида, Яқин ва Урта  
Шарқ, Осиё мамлакатларида ҳам ўзгаришлар рўй берди. Капитализм-  
нинг кўп жойда узил-кесил ғалабаси Шарқ ўлкаларида ҳам феодал  
қолоқликка қарши миллий ҳаракатларни кучайтириди, маърифат ва  
маданий тараққиётни тезлаштириди.

Туркистонда мавжуд тартибларни ўзгартириш, маданий юкс-  
лишга бўлган интилиш рус капиталистик муносабатларининг кириб

келиш даврига түгри келди. Туркистондаги маърифатпарварлик ҳаракати олдинги тартибларга янги маданий ютуқларни қарши қўйиш, сунг унинг устунилигини тарғиб қилишдан бошланиб, аста-секин сиёсий тус ола борди ва Туркистонда Россиядан фарқ қилувчи, ерли халқнинг маънавияти хусусиятларини назарга олувчи тартиблар ўрнатиш талаб даражасига кутарила борди.

Туркистонда маърифатпарварлик ҳаракати икки босқичда кечди. Биринчи даврда феодал тузум ва тартибларини танқид қилиш, маданий янгиликларни эгаллаш, Оврўпонинг турли тилларини ўрганишни тарғиб қилиш, янгича илм-фаннинг аҳамиятини кўтариш каби масалалалар олга сурилди. Аҳмад Дониш, Аваз Утар, Фурқат, Муқимий, Завқий сингари маърифатпарварлар етишиб чиқдилар.

Иккинчи босқичда маърифатчиликдан жадидизм усуб чиқдикни, у эндиликда янгича таълим-тарбия, янги усул мактабларини йулга қўйиш, дунёвий илмларни ҳар томонлама эгаллаш, маориф-маданиятда янги тартибларни ўрнатиш, янги ижтимоий-сиёсий масалаларни қўйиш даражасига кутарилди. Жадидчиллик ҳаракати туркий миллатларнинг маънавий-маданий кўтарилишига туртки бўлди. Туркистонда янги усул мактаблари очилиб, маърифатпарвар, илгор педагоголар бу мактаблар учун турли дарслеклар, уқиши китоблари, қўлланмалар яратса бошладилар. Беҳбудий, Мунаввар Қори, Фитрат, Абдулла Авлоний, Ибрат, Ҳамза кабилар бу соҳада жонбозлик курсатдилар ва бу ишда фаол иштирок этдилар. Жадидлар бошқа ўлкалардаги маърифатпарварлик ҳаракатлари билан ҳам алоқа ўрната бошладилар. Бу даврда Туркистонда маърифатпарварлик ва жадидчилликнинг турли, янги таълим-тарбия, уқув-уқитув масалаларини ўзида икс этирувчи жуда күп журналлар нашр этилди. «Тараққиёт», «Ойна», «Гужор», «Садойи Туркистон», «Самарқанд» каби журналлар шулар жумласидандир.

Маърифатчилик ҳаракати айниқса узининг ривож топган босқичда Туркистонда узга юртлардаги ижобий ютуқлардан фойдаланган ҳолда мустақил маънавий тараққиёт йўлини қидириш ва тарғиб этиш масалаларини олга сурди. Бу ҳаракат рус подшо ҳокимиятининг мустамлакачилик сиёсатига зарар келтиришидан чучиган чоризм амалдорлари уни чегаралаш ва бўғиб қўйиш чора-тадбирларини кўра бошладилар.

XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Туркистонда жуда мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳодисалар билан бирга унинг маданий ҳаётига ҳам тез ва шиддатли ўзгаришлар рўй берди. Маданият, адабиёт, таълим-тарбия, дин, мафкура соҳасида турли оқимлар пайдо бўлди, улар орасидаги муносабатлар мураккаб тус олди. Ёш бухороликлар, ёш хиваликлар ҳаракати вужудга келди.

1917 йилдаги бутун Россияда юз берган феврал ва октябр инқиблари унинг мустамлакаси бўлмиш Туркистонда ҳам тўнтаришларга олиб келди.

1918 йилда Туркистон Автоном Социалистик Республикаси ташкил этилди, лекин унинг умри узоқقا чузилмади. 1920 йилларга келиб Бухоро ва Хива хонликлари ҳам узил-кесил тутатилди. 1924 йилда Туркистанда большевиклар, РКП(б) ва унинг Ўрта Осиё бюроси томонидан ишлаб чиқилган ягона Совет давлати доирасидаги миллий-давлат чегараланиши амалга оширилди. Ўрта Осиёда вужудга келган миллий республикалар Совет Иттифоқи таркибига киритилиб, зурлик билан умумий сиёсатга буйин сундирилди.

## IX—XII АСРЛАРДА МОВАРОУННАХР ВА ХУРОСОНДА МАДАНИЙ ЮКСАЛИШ

VIII—XII- асрлар давомида Марказий Осиёда катта ва муҳим ўзгаришлар рўй берди. Мовароуннахр ва Хурросон араблар томонидан тўлигича босиб олинниб, араб халифалиги — империяси таркибига киритилди.

Ерли ҳалқ араб мустамлакачилигига қарши тўхтосиз кураш олиб борди ва аста-секин IX—X асрларга келиб бу ерда мустақил давлатлар вужудга кела бошлади. Мустақил давлатчилик соҳасида ўзаро урушлар давомида Сомонийлар, Қораҳонийлар, Маъмунийлар, Газнавийлар, Хоразмишлар бирин-кетин ҳукмронлик қилиб, тарих саҳнасига келиб-кетдилар. Лекин шунга қарамай бу давр маданияти, маънавий ҳаётida жуда катта ижобий ўзгаришлар рўй бердики, улар нафақат Мовароуннахр, балки бутун мусулмон Шарқи тарихида учмас из қолдирди.

Маънавий ҳаётда эски динлар ўрнига ислом мустақкам ўрин эгалади. У фақат дингина эмас, балки янги маънавий йуналиш сифатида бутун маданий жараёнга, барча мусулмон мамлакатлари орасида ижтимоий-маданий, маърифий алоқаларнинг кучавига ҳам катта ташсир кўрсатди. Бу даврда маънавиятда ҳурфикрлилик, ҳар қандай билим, илм-фанга ҳурмат, диний оқимлар эркинлиги устунлик қилди. Диний ва дунёвий илмлар узвий боғлиқ ҳолда ривож топди. Қадимги юонон, ҳинд ва бошқа илмий анъаналаридан ҳам кенг фойдаланилди. IX аср бошлари ва биринчи ярмида араб халифалиги пойтахти Бағдоддаги «Байт ул-Ҳикма» илмий марказининг довругини кўтаришда Ўрта Осиёдан борган Хоразмий, Фарғоний, Жавҳарий, Абу Мансур, ат-Туркий, Марвазий каби ёш олимларнинг аниқ ва табиий фанлар соҳасидаги фаол қизматлари улкан аҳамиятга эга бўлди.

Мовароуннахрдаги қадимги бой маданий қадриятлар ислом билан боғлиқ бўлган янги маънавий анъаналарнинг шаклланиси, ривож топшишида муҳим роль ўйнади. XI—XII асрларга келиб Мовароуннахр, унинг қадимий шаҳарлари — Бухоро, Самарқанд, Марв, Урганч, Аксикет, Хива, Шош ва бошқа бутун мусулмон Шарқидаги маданий марказлар қаторида машҳур бўлди. Марказий Осиёда араб, форс ва туркӣ тиллар кенг тарқалганилиги, аҳоли ўртасида, айниқса, туркӣ ва форсий тилдан кенг фойдаланилганлиги ҳақида маълумотлар серобдир.

*Араб тили Марказий Осиёни ислом маданияти, араб дунёси, араб тилида яратилган маданий-маънавий бойликлар, юон тилидан қилинган илмий таржималардан баҳраманд булишга олиб келган бўлса, форс тили Эрон маданиятини чуқур ўрганиш, маданий алоқаларни ривожлантириш имконини берди.*

*Кенг тарқалган туркӣ тил Ўрта Шарқ ва шимолдаги, Кошгардаги борча туркӣ тилли халқлар билан тарихий-маданий алоқаларни янада кучавовига олиб келди. Кун тиллилик бу давр маданиятининг муҳим хусусияти ва ривожланишининг муҳим сабабларидан бири ҳамdir.*

*Бу даврда Мовароуннахр ва Хурросон бутун мусулмон дунёсига узларининг асарлари билан танилган алломаларни, дин арбобларини, адилларни етишитирди. Бу буюк сиймолар илм-фан, адабиёт, ислом дини, ахлоқ-одоб, давлатчилик, сиёсат соҳаларидағи илғор фикр-ғоялари учун аждодлар томонидан зўр ҳурмат билан тилга олинниб келинадилар. «Маъмун академияси» деб номланган Хоразмдаги илмий марказ ҳам шу даврда фаолият кўрсатди.*

*Исмоил Бухорий, Форобий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Замахшарий, Маҳмуд Кошварий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Марғононий, Аҳмад Ясавий кабилар бу давр маънавиятининг юлдузлари бўлиб, IX—XII асрлар маънавий юксалишида ниҳоятда муҳим роль уйнадилар.*

*Бу асрлар Марказий Осиё маданиятида Ренессанс — Үйғониш даврини ташкил этиб, бу жараён тўсатдан мўгуллар босқинчилиги натижасида кескин узилиб қолди. Лекин бу давр IX—XII асрлардаги Мовароуннахр ва Хурросон маданияти ютуқлари мусулмон Шарқи, жаҳон маданияти тарихида учмас из қолдирди.*

## МУСО АЛ-ХОРАЗМИЙ

(783—850)

Буюк математик, астроном ва географ Муҳаммад ал-Хоразмий VIII асрнинг охири ва IX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этди. Бу даврда Марказий Осиё араб халифалиги таркибига киради.

Ривожланиб келаётган мавжуд тузум тақозо қилган ижтимоий-иктисодий талаблар бу даврдаги тараққиёт жараёнининг асосий омилларидан бири бўлди. Курилш, савдо-сотик, ҳунармандчилик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларни янада тараққий эттириш учун астрономия, геодезия, геометрия каби фанларни ривожлантириш зарурити туғилди. Ўша даврнинг илғор олимлари бу фанларнинг амалий аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга булиб, Муҳаммад ал-Хоразмий эса шу олимларнинг пешқадами ва йулбошчиси эди.

Хоразмий дунё фанига котта ҳисса қушди. У алгебра фанининг асосчиси бўлди. «Алгебра» сузининг узи эса унинг «Ал-китоб

ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр ва ал-муқобала» номли рисоласидан олинган. Унинг арифметика рисоласи ҳинд рақамларига асосланган бўлиб, ҳозирги кунда биз фойдаланадиган ўнлик позицион ҳисоблаш системаси ва шу системадаги амалларнинг Оврупода тарқалишига сабаб булди. Олимнинг «ал-Хоразмий» номи эса «алгоритм» шаклида фанда абадий урнашиб қолди. Унинг географияга доир асари эса араб тилида ўнлаб географик асарларнинг яратилишига замин яратди. Хоразмийнинг «Зиж» и Оврупода ҳам, Шарқ мамлакатларида ҳам астрономиянинг ривожланиш йўлини кўрсатиб берди. Лекин афсуски, фаннинг бир неча тармоқларига асос солган, «ўз лаврининг энг буюк математиги ва агар барча шарт-шароитлар на зарга оласа, ҳамма даврларнинг ҳам энг буюкларидан бири» (Ж. Сартон) булган бундай сиймонинг ҳаёти ҳақида маълумотлар деярли сақланмаган.

Хоразмий Хоразм ўлкасида туғилиб, ўсли. Адабиётларда 783 йил унинг туғилган йили деб қабул этилган. У дастлабки маълумот ва турли соҳадаги билимларни асосан уз юргида, Марказий Осиё шаҳларида кўпгина устозлардан олган, деб билмоқ мумкин.

Манбаларда Хоразмийнинг исмiga яна ал-Мажусий ва ал-Кутруббулий деган атамалар ҳам кушиб айтилади. Буларнинг биринчиси олим Хоразмийнинг асли маҳаллий аҳолисидан, яъни оташпарастлар (арабча — «мажус» — оташпараст дегани) оиласидан, балки шу оташпарастлик динининг коҳинлари оиласидан келиб чиққанлигини, шу билан бирга олимнинг ўзи ёки отаси мажусий бўлиб, улар исломни кейин қабул қилганлигини курсатади. Хоразмда мажусийлар исломдан кейин ҳам узоқ мuddат ўз диний урф-одатларини сақлаб келган. Ўз ҳақда Беруний ўзининг «Осори бокия» асарида гувоҳлик беради. Келтирилган исмларнинг иккинчиси, Хоразмий мўйсафиidlик Йилларини Бағдод яқинида Дажла бўйидаги ал-Кутруббул даҳасида ўтказганлигини курсатади. Одатда араблар бирор кишининг характерли хусусиятлари, хунарлари, севимли одатлари ёки яшаш жойларига қараб, унга бир неча хил исм — «нисбатлар» берадилар. Хоразмийнинг ал-Кутруббулий исми ҳам шу тариқа пайдо бўлган.

Хоразм жуда қадимги маданиятга эга бўлиб, унинг қишлоқ хужалиги сурорма деҳқончиликка асосланар, бу ўз навбатида, астрономия ва хронологиянинг ривожланган ҳисоблаш усусларининг мавжуд бўлишини тақозо этар эди. Ҳақиқатан ҳам, қадимги Хоразмда астрономия жуда ривожланган, хоразмликлар осмон «сирлари»ни арабларга қараганда анча яхши билганлар. Археологик қазишмалар Хоразмда қадимда исломдан бир неча аср аввал ҳам расадхоналар бўлғанлиги ва у ерда муттасил астрономик кузатишлар олиб борилганлигидан гувоҳлик беради. Хоразмийнинг бизгача етиб келган асарларини таҳдил қилиш шуни курсатадики, у юонон, ҳинд ва эрон астрономияси ва математикасини яхши билган.

Маълумки, ал-Маъмун 809 йилдан Марвда дастлаб халифа Хорун ар-Рашиднинг ноиби, сунг 813 йилдан бошлаб халифа булади ва 819 йили Бағдодга кучади. Ал-Маъмун Марвда бўлганида Хоразмийни, мовароуннаҳрик ва хурсонлик бошқа олимларни ўз саройига жалб қилган.

Халифа ал-Маъмун даврида Бағдодда Марказий Осиё ва Хурсондан келган бир гуруҳ йирик олимлар ижод этган. Улар орасида Хоразмий билан бир қаторда Марвдан Яҳё ибн Абу Мансур, ал-Фарғоний, Ҳабаш ал-Марвазий, Ҳолид ибн Абдумалик ал-Марваррудий, Форобдан Абул Аббос ал-Жавҳарий ва бошқа олимлар бор эди.

Бағдодда ал-Маъмун отаси томонидан асос солинган илмий марказ — «Байт ул-ҳикма» фаолиятини ҳар томонлама такомиллаштириб, унга йирик давлат муассасаси тусини бериб, аввалига таржимонлик фаолиятини кенг кўламда ривожлантириди. Византия, Ҳиндистондан куплаб китоблар келтирилиб, «Байт ул-ҳикма»нинг фаолият доираси бирмунча кенгайтирилади, унинг қошида иккита йирик расадхона: биринчиси 828 йилда Бағдоднинг аш-Шаммосия маҳалласида, иккинчиси Дамашқ яқинидаги Касион тоғида 831 йилда барпо этилади. Иккала расадхонанинг ҳам фаолиятини Марказий Осиё ва Хурсондан келган олимлар бошқаради. Хоразмий бу илмий марказнинг мудири сифатида унинг фаолиятини кузатиб туради.

Хоразмий даврида «Байт ул-ҳикма»да ишлаган йирик таржимонлар орасида Ҳажжож ибн Юсуф ибн Матар, Абу Закариё Юҳанно ибн ал-Битриқ, Ҳунайн ибн Исҳоқ ва Кусто ибн Луқо ал-Баълбаккийлар бор эди. Бағдодга келган Марказий осиёлик олимлар орасида машҳур астроном Аҳмад ибн Касир ал-Фарғонийнинг номини эслатиш лозим. Марвлик Яҳё ибн Абу Мансур Бағдоднинг аш-Шаммосия маҳалласидаги расадхонанинг асосчиси ва раҳбари бўлди. Расадхонадаги ишлар ҳақида у «Байт ул-ҳикма»нинг мудири Хоразмийга ҳисобот бериб турарди. Яҳё 831 йили вафот этганидан сўнг Хоразмий бу расадхонани ҳам бошқарали ва у ердаги кузатишларда фаол қатнашади. Яҳёнинг қаламига мансуб «Зиж ал-мумтаҳан» («Синалган зиж») номли астрономик асари маълум. Дамашқ яқинида Касион тоғидаги расадхонани Ҳолид ибн Абдумалик ал-Марваррудий бошқаради. У ҳам ўз «Зиж» ини тузади. Ҳолид Ер меридианининг узунлигини улчаш ишларига бошчилик қиласи.

Марвлик машҳур астроном ва математик Ҳабаш ал-Ҳосиб («Ҳисобчи ҳабаш») лақаби билан маълум бўлган Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Марвазий ҳам Бағдодда Хоразмий билан ҳамкорликда ишлаган. У иккита «зиж» тузган булиб, булар Ўрта аср астрономлари томонидан кенг фойдаланилган. Тадқиқотчиларнинг курсатишича, у тангенс ва котангенс, косеканс функцияларини киритиб, уларнинг жадвалларини ҳам келтирган.

Хоразмий билан Бағдодда, кейинчалик «Маъмун академияси» деб танилган «Байт ул-ҳикма»да ижод этган олимларнинг барчасини ҳам Марказий осиёлик ёки хурросонлик дейиш хато буларди. У ерда Сурия, Ироқ, Эрон ва халифаликнинг бошқа ерларидан келган олимлар ҳам ишлаган. Бироқ улар орасида Марказий осиёликлар салмоқли үринни этгалигаган. Хоразмий ана шундай илмий мұхитда яшаб ижод қылды ва 850 йилда Бағдодда вафот этди.

Хоразмий қаламига мансуб 20 дан ортиқ асарларнинг фақат 10 гаси бизгача етиб келган. Булар «Ал-жабр ва ал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб»— алгебраик асар, «Ҳинд ҳисоби ҳақида китоб» ёки «Күшиш ва айириш ҳақида китоб»— арифметик асар, «Китоб сурат-ул-арз»— географияга оид асар. «Зиж», «Астурлоб билан ишлаш ҳақида китоб», «Астурлоб ясаш ҳақида китоб», «Астурлоб ёрдамида азимутни аниқлаш ҳақида», «Китоб ар-руҳома», «Китоб ат-таърих», «Яхудийларнинг тақвими ва байрамларини аниқлаш ҳақида рисола». Бу асарларнинг турттаси араб тилида, биттаси Фарғонийнинг асари таркибида, иккитаси лотинча таржимада сақланған ва қолган учтаси ҳали топылған эмас.

Хоразмийнинг арифметик рисоласи қачон ёзилгани номаълум. Бироқ унда олим алгебраик рисоласини эслайди. Демак, бундан Хоразмий арифметик рисолани алгебраик рисоладан кейин ёзгани маълум булади. Бу рисола XII асрда Испанияда лотин тилига таржима қилинганды. Таржиманинг XIV асрда кучирилған ягона қулёзмаси Кембриж университети кутубхонасида сақланади. Рисола «Диксиг Алгоризми», яъни «Ал-Хоразмий айтди» ибораси билан бошланади. Бундан кейин Хоразмий туққизта ҳинд рақамининг сонларни ифодалашдаги афзаликлари ва улар ёрдамида ҳар қандай сонни ҳам қисқа қилиб ва осонлик билан ёзиш мумкинligини айтади. Асарнинг лотинча қулёзмасида ҳинд рақамлари купинча ёзилмай, уларнинг үрни бүш қолдирилған ёки ахён-ахёнда 1, 2, 3, 4, 5 сонларга мос келади-ган ҳинд рақамлари ёзилған. Купинча эса ҳинд рақамлари уша даврда Оврупода кенг тарқалған рим рақамлари билан алмаштирилған.

Хоразмий ҳинд рақамлари асосида үнлик позицион системада сонларнинг ёзилишини батағсил баён қиласи. У сонларнинг бундай ёзилишидаги қулатиклар, айниқса, нол ишлатилишининг аҳамиятини алоҳида таъкидлайди. Кейин Хоразмий арифметик амалларни баён қилишга утади. Бунда Хоразмий сонларнинг мартабаларини, яъни разрядларини эътиборга олишни ҳамда нолни ёзишни унұт-масликтен үқтиради, акс ҳолда натижка хато чиқади, дейди у.

Рисоланинг бошланишида Хоразмий ундағы масалалар үз даврининг амалий талабларига жавоб сифатида вужудга келганинг қайд қиласи.

У шундай дейди: «...Мен арифметиканинг оддий ва мураккаб масалаларини үз ичига олувчи «Ал-жабр ва ал-муқобала ҳисоби ҳақида

қисқача китоб»ни таълиф қилдим, чунки мерос тақсим қилишда, васиятнома тузишда, мол тақсимлашда ва адлия ишларидан, савдода ва ҳар қандай битимларда ва шунингдек, ер ўлчаш, каналлар ўтказишда, (амалий) геометрия ва бошқа шунга ухшаш турлича ишларда кишилар учун бу зарурдир».<sup>1</sup>

Рисоланинг Кембриж университети кутубхонасида сақданаётган лотинча қўлёзмасининг матнини 1857 йили Б. Бонкомпани нашр этган. Мазкур қўлёзманинг фоторепродукциясини тарихчи А. П. Юшкевич ҳам нашр этган.<sup>2</sup> Ундан ташқари, А. П. Юшкевич уз рисоласида Хоразмий рисоласига алоҳида параграф бағишилаган.<sup>3</sup> Б. Бонкомпанининг нашри асосида Ю. Х. Копелевич ва Б. А. Розенфельдер рисоланинг русча таржимасини нашр этишган.<sup>4</sup> Хоразмийнинг 1200 йиллик юбилейи муносабати билан 1983 йили бу асарнинг қайта нашри ва ўзбекча таржимаси чоп этилди.<sup>5</sup>

Хоразмийнинг арифметик рисоласи XII асрда ёқ Испанияда севилиялик Иоанн томонидан қайта ишланган. Кейинчалик то янги давргача Оврупо олимлари Хоразмий рисоласига қайта-қайта мурожаат қилиб, у асосида дарсликлар ёзганлар. Бу қайта ишланган нусхалар ва дарсликларнинг номида «Алгоризм китоби» деган ибора бўлган.

Хоразмийнинг арифметик рисоласи ҳинд рақамларига асосланган ўнлик позицион ҳисоблаш системасининг Оврупода, қолаверса, бутун дунёда тарқалишида буюк аҳамият касб этди. Оврупога ҳинд рақамлари араблар орқали утганлиги учун улар «араб рақамлари» деб аталади ва ҳозир ҳам шундай деб аталиб келинмоқда. Овруполиклар узоқ вақтгача ҳинд рақамларига асосланган ҳисоб тизимини «алгоризми» деб атаб келдилар. Фақат XVI аср урталарида гина бу ном «арифметика» ибораси билан алмаштирилади. Шундан кейин то ҳозирги кунгача «алгоризм» ёки «алгоритм» деганда ҳар қандай мунтазам ҳисоблаш жарабёни тушуниладиган бўлди. Бу ибора билан ал-Хоразмийнинг номи фанга абадий кириб қолди.

Хоразмийнинг алгебраик рисоласининг тўлиқ номи — «Ал-китоб ал-муҳтасар фи ҳисоб ал-жабр ва ал-муқобала». Рисоланинг номидаги «ал-жабр» ва «ал-муқобала» сўзлари «тўлдириш» ва «рўпара кўйиш» — урта аср алгебрасининг иккита асосий амалини англатади. «Ал-жабр» сузи лотинча транскрипцияда «алгебра» бўлиб, Хоразмий асос солган янги фаннинг номи бўлиб қолди. Хоразмийнинг алгебраик

<sup>1</sup> Мұхаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар. Тошкент. «Фан», 1983, 78- бет.

<sup>2</sup> Юшкевич А. П. Арифметический трактат Мухаммеда ибн Мусы ал-Хорезми. Труды института истории естествознания и техники, АН СССР, вып. 1, М., 1964.

<sup>3</sup> Юшкевич А. П. История математики в средние века. М., 1961.

<sup>4</sup> Мұхаммад ал-Хоразмий. Математические трактаты. Т., 1964.

<sup>5</sup> Мұхаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар. Т., «Фан», 1983.

рисоласи уч қисмдан иборат: 1) алгебраик қисм, бунинг охирида кичик бир бўлим — савдо муомаласидаги боб келтирилади; 2) геометрик қисм, алгебраик усул кулланиб ўлчаш ҳақида; 3) васиятлар ҳақидаги қисм. Хоразмий уни алоҳида ном билан «Васиятлар китоби» деб атаган. Хоразмий ўз рисоласида ѡч қандай белги келтирмайди ва мазмунни бутунлай сўз билан баён этади ва шакллар келтиради.

Асарнинг бошида Хоразмий ўз олдига қўйган мақсад — комплекс масалаларни акс эттирган. Шу билан бирга Хоразмий халифаликда кун тартибида турган эҳтиёжлар, ислом ва шариат талабларига кура юзага келадиган масалалар, меъморчилик ва ирригация билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилишни ҳам кўзда тутганлигини билдиради. Умуман олганда, Хоразмий алгебраси — бу сонли квадрат ва чизиқли тенгламаларни ечиш ҳақидаги фандир.

Хоразмийнинг айтишича, алгебрада уч хил сон билан иш курилади: илдиз (жизр) ёки нарса (шай), квадрат (мол) ва оддий сон ёки дирҳам (пул бирлиги). Яна унинг айтишича, илдиз ўзини ўзига кўпайтириладиган микдордир, квадрат эса илдизни ўзига кўпайтиришда ҳосил бўлган катталиkdir. Хоразмий иш курадиган тенгламалар мана шу уч микдор орасидаги муносабатлардир. У аввал рисола куриладиган олтита чизиқли ва квадрат тенгламанинг таснифини келтиради. Бундан кейин аниқ мисоллар билан бошқа ҳар қандай тенгламалар рисола моҳиятидаги асосий амаллар — ал-жабр ва ал-муқобала амаллари ёрдамида олти кононк кўринишга келтирилади.

Хоразмий асос соглан алгебра фанини ундан кейинги Шарқ олимлари муваффакиятли ривожлантирилар.

Хоразмийнинг бошқа асарларидан фарқли ўлароқ, унинг алгебраик рисоласининг учта қўлёзмаси сақланган. Улар Кобул, Мадина ва Оксфорд университетининг Бодлеян кутубхонасида сақланади.

Рисола 1145 йили Севилияда (Испания) Роберт Честер томонидан лотин тилига таржима қилинган. Асарнинг арабча қўлёзмалари ва лотинча таржималари XIX ва XX аср олимлари томонидан чукур Үрганилган.

Хоразмийнинг энг йирик астрономик асари — унинг «Зиж»идир. Олим бу асарини 830 йил атрофида ёзган.

Хоразмийнинг «Зиж»и 37 боб, 116 жадвалдан иборат. Асарнинг инвалиги беш боби хронологияга бағишлиланган бўлиб, «түфон», «исканидар», «сафар» ва християн эраларида саналарни ҳижрий эрага қўчириш қоидалари келтирилади. 6- бобда айлана — 12 буржга, бурж — 30 даражага, даражага — 60 дақиқага, дақиқа — 60 сөнияга ва ҳокизо майда булакларга бўлинниши баён этилади. 7—22- боблар Күёш, ОИ ва беш сайдеранинг ҳаракатлари масаласига бағишлиланган. Бу бобларда Хоразмий қадимги ва илк урта аср ҳинд астрономик маълумотларидан, Эрон ва Юнон маълумотларидан моҳирона фойдалан-

ган ҳолда Птолемейнинг геомарказ системасига асосланиб, планеталар ҳаракатини баён этган. 23- боб тригонометрияга бағишиланган, унда Хоразмий «текис» ва «аксланган синус» тушунчаларини киритади ва бу функциялар жадвалларини келтиради. 25—27- боблар математик географияга бағишиланган. Бу ерда географик жойларнинг узунлик ва көнгликларини аниқлаш қоидалари келтирилади ва бу координатларнинг узгариши Куёшнинг йиллик, кечакундузлик ҳаракатида эклиптик, экваториал координатларнинг узгариши билан боғлиқлиги күрсатилади.

28- бобда Хоразмий яна тригонометрик масалаларга мурожаат қилади ва тантенс, котанганс тушунчаларини киритади ҳамда уларга мос жадвалларни келтиради. 29- бобда планеталар ҳаракатининг тезлиги аниқланади. 30- бобда Куёш ва Ой куринмас кучларининг улчами келтирилади. 31—32 ва 36—37- боблар мұнажжимлик масалаларига бағишиланган, 33—35- боблар Куёш ва Ой тутилиши ва параллакс (ёритгичнинг күриниш фарқи) масалаларига бағишиланган.

Хоразмий «Зиж» и халифаликдаги дастлабки астрономик асарлардан эди. Асар ёзилиши билан олимларнинг дикқатини узига жалб этди. Үнга Хоразмийнинг замондошларидан Фарғоний, Ал-Хошимий ва бошқалар юксак баҳо беришган. Абу Райхон Беруний бу «Зиж»ни шарҳлашга учта асарини бағишилаган. Фан тарихида испаниялык араб астрономи Маслама ал-Мажритий томонидан 1007 йили күчирилған нұсха дикқатға сазовор. Бу нұсханы 1126 йили Аделард Бат Испанияда лотинчага таржима қилды. Хоразмий «Зиж» и ҳозир мана шу лотинча таржимада мавжуд. Шу таржиманинг түрт күләзма нұсхаси асосида 1914 йили Х. Зутер «Зиж»нинг лотинча танқидий матнини, шу матн асосида О. Нейгубауэр эса 1962 йили унинг инглизча таржимасини нашр этган. Мана шу икки нашр асосида «Зиж»нинг тұла русча ва қысман узбекча таржималари нашрга тайёрланды.

Хоразмий «Зиж»ининг Овруғо фанига таъсири Х. Зутер, К. А. Наллино ва И. Ю. Крачковскийлар томонидан яхши урганилған. Тадқиқотчилар яқдиллик билан таъқидлашича, Хоразмийнинг бу асари унинг арифметик ва алгебраик рисолалари каби бундай асарларға әхтиёж туғилған пайтда юзага келади ва бу асари билан олим астрономик асарлар ёзилиш услубини стандартлаштирди, бу стандарт эса то Улугбек «Зиж»игача уз күчини сақлади.

Хоразмий уз «Зиж»ида бошланғич меридиан сифатида, ҳинд ань-анасига кура, Арин (ҳозирги Ҳиндистондаги Ужайн) шаҳридан үтган меридианни таңлаган. Овруподада XIII асрда Рожер Бекон ва Буюк Алберт ҳәм Арин меридиани ғоясининг тарафдорлари булғанлар. Арин ғоясига кура, Айялик Петр (Франциядан) 1410 йили узининг «Ертасвири» номли асарини ёзды. Бу асарнинг 1487 йили чоп этилған бир нұсхасидан Христофор Колумб фойдаланған. Колумбнинг узига тегишли нұсха ҳошиясига ёзған эслатмаларига кура, Арин ғояси унда

Ернинг ноксимон эканлиги ва ернинг Аринга диаметрал қарама-қарши тарафида Аринга ўхшаш жой булиши кераклиги ҳақида тасаввур ҳосил қилган.

Шундай қилиб, Хоразмийнинг «Зисж»и география соҳасидаги буюк кашфиётларга ҳам алоқадор бўлди.

Хоразмий географик асарининг ёзилган йили аниқ маълум эмас. Академик В. В. Бартольд бу асар 836—847 йиллар орасида ёзилганлигини аниқлаган.<sup>1</sup>

Асар 1037 йили кўчирилган ягона арабча нусхасида бизгача етиб келган бўлиб, бу нусха Страсбург университети кутубхонасида сақланади.

Китобда шаҳарлар, тоглар, денгизлар, ороллар ва дарёлардаги 2402 та географик жойнинг координатлари келтирилади. Шаҳарлар, дарёлар, тоглар, ороллар ва бошқа обьектлар иқлиmlар бўйича тақсимланган. Иқлиm сузи аслида юононча клима — «оғиш» сўзидан келиб чиқсан бўлиб, уни фанга Гиппарх (эрамиздан олдинги II аср) киритган. Гиппарх Ернинг одамлар яшайдиган қисмини 12 та иқлиmга ажратган. Ундан сунг Птолемей иқлиmlарнинг сонини 8 тагача камайтиради, лекин ўз «География»сида у иқлиmlар назариясига тула риоя қўлмайди, чунки географик жойларни миintaқалар ва епархиялар бўйича тақсимлайди.

Географияни иқлиmlар назариясига тўла риоя этган ҳолда биринчи марта Хоразмий баён қиласди. У ернинг маъмур, яъни инсонлар яшайдиган обод қисмини етти иқлиmга ажратади. Хоразмий қадимги юон олими Птолемейдан фарқли улароқ, миintaқалар, мамлакатлар ва улардаги географик жойларни эмас, балки 1- иқлиmdан то 7- иқлиmгача жойларни тавсиф этади.

Хоразмийнинг географик рисоласи ўрта асрлардаги энг биринчи географик асар эди. Шунинг учун унинг иқлиmlар назарияси кейинги даврларда географиянинг ривожланишида катта аҳамият қасб этди. Хусусан, унинг иқлиmlар назарияси Ернинг маъмур қисмини иқлиm миintaқалари бўйича урганишни осонлаштириди.

Хоразмий ҳам Птолемей каби узунликларни Капар оролларидан бошлаб ҳисоблайди. Хоразмий экватордан жанубда 8 шаҳар, 1- иқлиmdа 64 шаҳар, 2- иқлиmdа 54 шаҳар, 3- иқлиmdа 59 шаҳар, 4- иқлиmdа 146 шаҳар, 5- иқлиmdа 79 шаҳар, 6- иқлиmdа 63 шаҳар, 7- иқлиmdа 25 шаҳар ва 7- иқлиmdан шимолда 40 шаҳарнинг координатларини келтиради.

Рисоланинг иккинчи бобида иқлиmlardаги тоглар тавсифланади. Тогларнинг боши ва охирининг координатлари келтирилади. Хоразмий Яқин ва Ўрта Шарқдаги ҳамда Кавказ ва Марказий Осиёдаги

<sup>1</sup> Бартольд В. В. Введение к изданию Худуд Ал-адам. Сочинение: т. VIII, М., 1973, стр. 504—545.

тоғларни ҳам у ерлардаги шаҳарлар каби батағсил баён қиласы. Шунга қараганда, олим у ерларнинг географияси билан шахсан таниш бўлган кўринади.

Рисоланинг учинчи бобида Хоразмий денгизларни, тўртинчи бобида оролларнинг қирғоқ чизиқлари ва улардаги пунктларни, бешинча бобда эса мамлакатларни, олтинчи бобида эса дарёлар ва булоқларни тавсифлайди.

Хоразмийнинг «Китоб сурат-ул-арз» асари куп олимлар томонидан урганилган. Лекин асар шу пайттача тула равишда бирорта ҳозирги замон тилига таржима қилинмаган. 1983 йили олимнинг 1200 йиллик юбилейи муносабати билан бизда бу асарнинг узбекча таржими-си Хоразмийнинг «Танланган асарлар»и таркибида чоп этилди.

Хоразмийнинг юқорида келтирилган асарлари ёқ у фаннинг қатор тармоқларининг асосчиси бўлганлигини кўрсатади. Унинг ғоялари математика ва астрономиянинг оёққа туриши, ривожланишига сабаб бўлди. Ҳозирги даврда унинг хизматлари жаҳон афкор оммаси томонидан эътироф этилган.

Хоразмий асарлари дунёнинг турли кутубхоналарида сақланади. Турли гарб ва шарқ тилларига таржима этилган. У уз асарлари, ихтиrolари билан нафақат ўз ватанини, балки араб халифалигининг иммий ютуғи, ўз даври маданиятининг юксак натижаларини бутун дунё ва барча асрларга машҳур этиди. Ҳозирда унинг номига турли мамлакатларда (Эрон, Туркманистон, Узбекистон ва бошқалар) мукофот ва медаллар таъсис этилган, кучка, муассасаларга номлари қўйилган.

## АҲМАД АЛ-ФАРГОНИЙ

(Тахминан 797—865 йиллар)

Ўрта асрларда яшаган Марказий осиёлик олимлар орасида буюк астроном, математик ва географ ал-Фарғоний салмоқли ўрин эгаллади.

Олимнинг тулиқ исми Абул Аббос Аҳмад ибн Мұхаммад ибн Касир ал-Фарғонийдир. Манбаларда униг фарғоналиқ эканлигидан ташқари деярли бошқа маълумотлар сақланмаган. Лекин шуни ҳам эътиборга олиш керакки, ўрта асрларда мусулмон ўлкаларида бўлган анъана га биноан, мамлакат пойтахти ёки марказини ҳам мамлакат номи билан аташган. Масалан, 995 йилгача Хоразмнинг пойтахти бўлган Котни, кейинги пойтахти Гурганжни ҳам Хоразм дейишган. Баъзи араб мамлакатларида бу одат ҳозир ҳам сақланиб қолган. Мисрнинг пойтахти Қоҳирани — Миср, Шом (Сурья)нинг пойтахти Дамашқни — Шом дейилиши шундан. Ана шу одатга кўра, ўрта асрлардаги Фарғона водийсининг марказий шаҳри Ахсикатни ҳам Фарғона дейишган. Ал-Фарғоний Фарғона водийсининг Кубо (Кува) қишлоғида туғил-

ган. Шуниси маълумки, ал-Фарғоний халифа Хорун ар-Рашиднинг шарқий ерларидағи муовини, ўғли Абдуллоҳнинг (булажак халифа ал-Маъмуннинг) Марвдаги олимлари доирасига кирган. Эҳтимол, Абдуллоҳ ёшлигидан билимга чанқоқ булгани учундир, 806 йили Марвга нойиб булиб тайинланганида, Мовароуннахр, Хурросон, Хоразмдан олимларни ва истеъодди ёшларни түпнай бошлаган. Бу олимларнинг асосий қисми Абдуллоҳ у ерга келганидан аввалроқ тупланган булиши ҳам эҳтимолдан холи эмас, чунки Марв аввалидан, Сосонийлар давриданоқ йирик илмий марказ ҳисобланган. 615 йили энг сунгти Сосоний шаҳаншоҳ Яздигард ибн Шаҳриёр араблар таъқибидан қочиб бу ерга келганида пойтахтдаги кутубхона китобларини ҳам олиб келганлиги маълум. Марв араблар кўл остида ҳам ўз мавқенини йўқотмади, аксинча, то муғул исилосигача ўсаборди. Шунга кура, унинг IX аср бошида халифаликнинг йирик илмий ва маданий маркази бўлганлиги табиидир.

Халифа Хорун ар-Рашид 809 йили Тусда тўсатдан вафот этади ва унинг васиятига кўра, Бағдодда тахтга катта ўғли — Мұҳаммад ал-Амин номи билан ўтиради. Саройдаги хурносонлик аъёнлар эса Абдуллоҳни тахтни кўлга олишга даъват этадилар. 811 йилдан 813 йилгacha ака-ука Мұҳаммад ва Абдуллоҳ уртасида тахт учун олиб борилган кураш Абдуллоҳнинг фалабаси билан тугайди ва Мұҳаммад қатл қилинади. Ўша йили Абдуллоҳ тахтга ал-Маъмун номи билан ўтиради. Лекин у Бағдодга бормай 819 йилга қадар Марвда яшайди. Натижада, Марв 813 йилдан то 819 йилгacha халифаликнинг вақтинча пойтахти булиб туради. 819 йили ал-Маъмун бутун сарой аъёнлари ва уламолари билан бирга Бағдодга кўчади. Улар орасида ал-Фарғоний ҳам бор эди. Шундай бўлса ҳам ал-Маъмун қўл остида у тузган илмий марказ «Байт ул-ҳикма»да ишлаган олимлар орасида ал-Фарғонийнинг номи эслатилмайди. Бунинг сабаби, бизнингча, шундай булиши мумкин: у даврда халифаликда иккита расадхона фаолият олиб бораради, бири Бағдоднинг аш-Шаммосия маҳалласида ва иккичиси Дамашқ яқинидаги Касион тепалигида эди. Бу расадхоналарнинг ҳар бирида «Байт ул-ҳикма» олимларининг иккита доимий гуруҳлари ишлар эди. Ана шу олимларнинг ўзи расадхоналари ҳожагидан келиб чиқиб, илмий экспедициялар уюштирадилар ва умумий раҳбарлик Бағдоддан туриб бошқариларди. Балки ал-Фарғоний Дамашқдаги олимлар гуруҳида булиши, ал-Маъмун уни Бағдодга келиши биланоқ у ерга юборган булиши мумкин. Абу Райҳон Берунийнинг бир хабари шундай тахминга асос бўлади. Унинг айтишига кўра, Бағдод расадхонасиининг ишида Яҳё ибн Абу Мансур, ал-Хоразмий ва бошқа олимлар, Дамашқ расадхонасида эса Холид ибн Абдумалик ва ал-Фарғоний билан бирга иккинчи гуруҳ олимлар ишлаганлар. У шунингдек, ал-Фарғонийнинг Суря шимолида, Синхор саҳросида 832—833 йиллар Тадмур ва ар-Раққа оралигига ер

меридиани бир даражасининг узунлигини ўлчашда иштирок этганини ҳам айтган.

Ниҳоят, ал-Фарғонийнинг ҳаёти ҳақидаги энг сунгти ва энг аниқ хабар 861 билан боғланади. Мавжуд маълумотларга кура, у шу йили Қоҳира яқинидаги Равзо оролида нилометрни, яъни Нил дарёси суви сатҳини белгиловчи ускунани ясаган ёки таъмирлаган. Бироқ ал-Фарғоний қандай қилиб ва қандай шароитда Мисрга бориб қолгани ҳақида ҳам аниқ маълумот йўқ.

Маълумки, ал-Маъмун Марвдан Бағдодга нафакат олимларни, балки гуломлари бўлмиш турк аскарларини ҳам олиб келган эди. Бағдодга келиши билан у маълум маънода лашкарни турклаштириди: ана шу турк аскарларидан лашкарбошилар тайинлади. Турк гуломларидан бири бухоролик Тўлунни халифа Сурия, Фаластин ва Мисрдаги лашкарларнинг амири этиб тайинлади. Унинг ўели Аҳмад эса Сурия ва Мисрни мустақил деб эълон қилиб, Тулунийлар сулоласига асос солди. Ал-Хоразмий халифа ал-Маъмуннинг яқин одами ва маслаҳатчиси бўлгани каби ал-Фарғонийнинг Мисрда пайдо бўлганидан ажабланмаса ҳам бўлади.

Ал-Фарғоний ҳаётининг муддати ҳақида ҳам қиёслар қилиш мумкин. Агар унинг ҳаётини ал-Хоразмийнинг ҳаёти билан қиёс қиласак, қуйидаги хulosага келамиз. Маълумки, ал-Хоразмийнинг номи ёзма манбаларда охирги марта 847 йили халифа ал-Восиқнинг ўлими муносабати билан эслатилади ва шундан сунг учрамайди. Шунга кура, унинг ўлган йили деб 850 йил қабул қилинган. Ал-Фарғонийнинг номи охирги марта 861 йили Нилнинг сатҳини улчагич ускунасини таъмирлаш муносабати билан эслатилади. Яна бир маълумотга кура, ал-Фарғоний Мисрда насронийлар орасида яшаб, уларнинг динига утганлиги ва шунинг учун у қатл қилинганлиги қайд этилади. Лекин қатл қилинган йили эслатилмайди. Лекин бу «ал-Фарғоний» уша машҳур астроном ал-Фарғонийми ё бошқасими — бу но маълум. Ҳар ҳолда ал-Фарғоний 861 йилдан кейин куп яшамаган ва унинг ўлган (ёки қатл қилинган) йили деб 865 йилни қабул қилиш мумкин. Агар у ал-Маъмун билан 819 йили Марвдан Бағдодга кетаётганда 20—25 ёшлар чамасида бўлган десак, у ҳолда унинг туғилган йили деб 797 ёки 798 йилни қабул қилиш мумкин. У ҳолда унинг ҳаёт муддати 67—68 ёшни ташкил қиласди. Демак, 1998 йили унинг туғилганига 1200 йил тулди.

Ал-Фарғонийнинг ҳаёти ҳақидаги маълумотлар жуда кам бўлганлигига қарамай, урта асрларда Шарқда унинг номи машҳур бўлган. Ибн ан-Надим (X аср), Ибн ал-Қифтий (XII—XIII асрлар), Абул Фараж Бар Эбрей (XIII аср), Ҳожи Халифа (XVII аср) каби Шарқ фиҳристчилари уни ўз асарларида эслатадилар.

Ал-Фарғонийнинг асосий астрономик асари «Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум китоби» («Китоб ал-ҳаракат ас-самовийа ва

жавомиъ илм ан-нужум») XII асрда Оврўпода лотин тилига икки марта ва XIII асрда бошқа Оврупо тилларига ҳам таржима қилинганидан сунг, унинг лотинлаштирилган номи «Алфраганус» шаклида Фарбда бир неча аср давомида кенг тарқалади. Унинг бу китоби шу асрлар давомида Оврупо университетларида астрономиядан асосий дарслик вазифасини утади. Ал-Фарғоний асарининг лотинча таржимаси биринчи марта 1493 йилда нашр этилган булиб, у энг қадимги нашр қилинган китоблардан ҳисобланади. 1669 йили машхур Голланд математиги ва арабшуноси Якоб Голиус ал-Фарғоний асарининг арабча матнини янги лотинча таржимаси билан нашр этганидан сунг, ал-Фарғоний ва унинг асарининг Овруподаги шуҳрати янада ортди. Оврупо Уйғониш даврининг буюк намояндаларидан бири булган машхур олим Региомонтан XV асрда Австрия ва Италия университетларида астрономиядан маъruzаларни ал-Фарғоний китобларидан ўқиган. Ал-Фарғоний номини Данте (XV аср) ва Шиллер (XVIII аср) ҳам эслаган.

Оврупо олимларидан Даламбр, Брокельман, Х. Зутер, И. Ю. Крачковский, А. П. Юшкевич ва Б. А. Розенфельдлар ал-Фарғонийнинг ижодини юқори баҳолаганлар.

Ҳозирги кунда ал-Фарғонийнинг саккиз асари маълум булиб, уларнинг ҳаммаси астрономияга алоқадор ва бирортаси ҳозирги замон тилларига таржима қилинмаган. Улар қуидагилардир: юқорида тилга олинган асар, одатда уни «Астрономия асослари ҳақида китоб» номи билан ҳам аташади — қулёзмалари дунё кутубхоналарининг деярли барчасида бор. «Астурлоб ясаш ҳақида китоб»— қулёзмалари Берлин, Лондон, Машҳад, Париж ва Төхрон кутубхоналарида, «Астурлоб билан амал қилиш ҳақида китоб»— биргина қулёзмаси Рампурда (Ҳиндистон), «Ал-Фарғоний жадваллари»— қулёзмаси Патнада (Ҳиндистон), «Ойнинг Ер остида ва устида булиш вақтларини аниқлаш ҳақида рисола»— қулёзмалари Гота ва Қоҳира да, «Куёш соатини ясаш ҳақида китоб»— қулёзмалари Ҳалаб ва Қоҳирада сакланади. «Ал-Хоразмий «Зиж»ининг назарий қарашларини асослаш» асари Беруний томонидан эслатилади, лекин қулёзмаси топилмаган.

Ал-Фарғонийнинг бу рўйхат бошидаги икки асаридан бошқалари ҳали ҳеч ким томонидан урганилмаган. Шубҳасиз, улар урганиниб таҳлил қилиниши билан ал-Фарғоний ижодининг янги қирралари очилади ва олимнинг урта асрларда, ундан кейин Шарқ ва Фарбда бу қадар машхур булиши сабаблари ҳам аён бўлади.

Айтганимиздек, мазкур асарларнинг биринчиси 1145 йилдан бошлиб лотин тилига бир неча марта таржима қилинган. Бу таржималарнинг барчасида ал-Фарғоний исми лотинчада «Алфраганус» шаклида ёзилиб, шу шаклда фанга абадий кириб қолди.

Ал-Фарғонийнинг бу асари астрономиядан энг содда дарслик булиб, унда мураккаб геометрик шакллар ва математик формулалар, ҳисоблашлар келтирилмаган. Бу эса астрономиядан бошлангич маълумотларни узлаштиришни анча осонлаштирган. Балки буюк Региомонтган асарнинг шу хусусиятини англаб, ўзининг университетлардаги маърузала-ри учун қулланма сифатида ал-Фарғонийнинг ана шу асарини танла-гандир.

Шундай қилиб, буюк аждодимизнинг бу асари Оврупо Ўйғониш давридаги ва ундан анча кейинги даврдаги маданият ривожида сези-ларли роль уйнади. Асарнинг иқлимлар назариясига кура баён қилин-ган географик булими дикқатта сазовордир. Мамлакат ва шаҳарлар-нинг номларига қараганда, ал-Фарғоний ал-Хоразмийнинг геогра-фик асари билан таниш бўлган ёки у ҳам ал-Хоразмий фойдаланган манбадан фойдаланган, чунки иккала муаллифда ҳам бу номлар бир хил.

Географик булим (9- боб) бундай аталган: «Ердаги маълум мамла-катлар ва шаҳарларнинг номлари ва ҳар бир иқлимдаги нарсалар ҳақида». Бундан сунг, етти иқлиминг ҳаммаси улардаги мамлакатлар вилоят-лари ва шаҳарлари билан бирга тавсифланади. Шуни ҳам айтиш керак-ки, урта асрларда араб тилида ёзилган географик асарларнинг энг биринчиси ал-Хоразмийнинг «Китоб сурат-ул-арз» асари эди. Унда ал-Хоразмий етти иқлимдаги денгизлар, мамлакатлар, тоғлар, дарёлар, куллар ва шаҳарларнинг тавсифини келтирган эди. Бунда у тавсифни рубъи маъмурнинг энг гарбий чеккасидан, яъни Африканинг Атлан-тика океани қирғоғигача, яъни Тинч океанидаги Япония оролларига-ча давом эттиради. Тавсиф кенглама йуналишида экваториал ерлардан то шимолий кутбий ерларгача давом этади.

Иқлимларнинг ал-Фарғоний келтирган тавсифлаш усули ал-Хоразмийнидан фарқ қиласиди. Ал-Хоразмий ўзининг тавсифлаш усу-лида Птолемей анъанасига асосланган булса, ал-Фарғоний ҳиндлар-нинг анъанасига асосланиб, рубъи маъмурнинг тавсифини энг шар-қий чеккасидан бошлайди. Унинг иқлимлар тавсифида 3, 4, 5, 6 ва 7- иқлимларнинг тавсифи дикқатта сазовордир. Чунки буларда Мар-казий Осиёнинг ва унга туташ ерларнинг шаҳар ва вилоятлари тав-сифланади. Шунинг учун куйида ўша тавсифларни уз ичига олган парчани келтирамиз.

«Учинчи иқлим Шарқдан бошланниб, Хитой мамлакатининг ши-молидан, сунг Ҳинд мамлакатидан ва сунгра Кобул ва Кермон ви-лояларидан утади.

Туртинчи иқлим Шарқдан бошланади ва Тибетдан, сунгра Хуро-сондан утадики, бунда Ҳужанд, Усрушона, Фарғона, Самарқанд, Балх, Бухоро, Ҳирот, Амуя, Марварруд, Марв, Сарахс, Тус, Ни-шопур шаҳарлари бор. Ундан сунг Журжон, Кумис, Табаристон, Демованд, Қазвин, Дайlam, Рай, Исфаҳондан утади.

Бешинчи иқлим Шарқда Яжуж мамлакатидан бошланади, сунг Хурросоннинг шимолидан ўтади, унда Тороз шаҳри — савдогарлар шаҳри бор, Навокат (Навкат), Хоразм, Исфижоб (Сайрам), Турарбанд (Утрор—ҳозирги Арис) ва Озарбайжон, Арминия (Арманистон) вилояти, Бардаъа (Барда), Нашава (Нахчивон) шаҳарлари бор.

Олтинчи иқлим Шарқдан бошланади ва Яжуж мамлакатидан ўтади, сунг Хазар мамлакатидан (Шимолий Кавказ ва Куйи Волга бўйи), Журжон (Каспий) денгизининг ўртасидан кесиб ўтади ва Рум (Византия) мамлакатигача боради.

Еттинчи иқлим Шарқда Яжуж мамлакатининг шимолидан бошланади, сунг туркий мамлакатлардан (Марказий Осиё), сунг Журжон денгизининг шимолидан, сунг Рум денгизини (Қора денгиз) кесиб, сақлаблар (славянлар) мамлакатидан ўтади ва Фарб денгизида (Атлантика) тутайди».

Келтирилган парчадан кўринадики, ал-Фарғоний катта кенгликдаги үлкаларни тавсифлаган бўлса ҳам, ўзининг асл ватани Мовароуннаҳрни муфассалроқ тавсифлаган. Ундан ташқари шуни ҳам таъкидлаш керакки, ал-Фарғонийнинг рубъи маъмур ҳақидаги тасаввури анча аниқ булиб, ҳар хил афсонавийлиқдан холидир. Чунончи, у Яжуж мамлакати деб Шарқдаги афсонавий ерни эмас, балки ҳозирги Мўгулистаннинг шарқи ва Хитойнинг шимоли-шарқига мос келадиган аниқ географик ҳудудни айтган.

Фарғонийнинг номи Хоразмий каби бутун Шарқ ва Фарбда машҳурdir. Урта асрда табиий-илмий билимларнинг ривожига улкан ҳисса қушган олим сифатида манбаларда, сунгги Фарб ва Шарқ музалифлари асарларида, уз юрти Ўзбекистонда, айниқса, зур гурур ва ифтихор билан тилга олинади, ўрганилади, ҳозирги кунда кучалар, ўкув юртларига унинг номи берилган. 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан алломанинг 1200 йиллик таваллуд санаси катта тантаналар билан нишонланди.

## АҲМАД АЛ-МАРВАЗИЙ

(Tax. 780—880)

Маълумки, Ўрта асрда Бағдодда вужудга келган илмий мактаб — «Ҳикматлар уйи» («Байт ул-ҳикма») Шарқ халқлари фани тарихида ишоҳида аҳамият касб этди. Бу марказда фаолият курсатган алломалар уша давр илмлари, хусусан, аниқ фанларнинг ривожига салмоқли ҳисса қўшиб, қадимги юонон, ҳинд ва бошқа халқлар илмий месорини ўқиб ургандилар, уларни таҳдил қилиб, янги foялар билан бөйитдилар. Натижада, уларнинг қаламига мансуб бўлган қатор асарлар пайдо бўлди, бу асарлар Ўрта аср илмининг ноёб дурдонала-рита айланди.

IX—XI асрларда бутун мусулмон Шарқи фани ва маданияти та-раққиётида Марказий Осиё донишмандлари етакчи мавқени эгалла-ган бўлса-да, мусулмон маданиятининг «олтин даври» деб эътироф этилган ушбу даврда яшаган бу алломаларнинг ҳёти ва фаолияти ҳозирга қадар тулиқ аниқданмаган. Марказий осиёлик олимларнинг маълум қисми халифа ал-Маъмун тарафидан танлаб олиниб, пой-тахт Бағдодга олиб кетилган. Улар орасида хоразмлик буюк аллома Муҳаммад ал-Хоразмий, фаргоналик машхур астроном Аҳмад ал-Фарғоний, уша даврдаги Фороб (ҳозирги Гавҳартепа) миңтақаси-дан чиққан йирик астроном ва математик ал-Аббос ал-Жавҳарий, Бағдод ва Дамашқ шаҳарларидаги астрономик тадқиқот ва кузатиш-ларнинг ташкилотчиси марвлик Яҳё ибн Абу Мансур ва бошқалар булган.

Бағдод илмий мактабида фаолият курсатган йирик астроном ва математиклардан яна бири Аҳмад ибн Абдулоҳ ал-Марвазий булиб, у «Ҳабаш ал-Ҳосиб» («Ҳабаш ҳисобчи») лақаби билан танилган. Унинг исмидаги ал-Марвазий рутбаси эса муаллифни ҳозирги Туркманис-тоннинг Байрам Али шаҳри яқинидаги Марвдан эканлигини курса-тади. Олимнинг исми ва бальзи асарлари урта аср муаллифларидан Ибн ан-Надим (Х аср), Ибн ал-Қифтий (1173—1248) ва Ҳожи Халифалар (1609—1657) томонидан зикр этилади. Жумладан, Ибн ан-Надим уни юз йилдан ортиқ яшаган, деб маълумот бериб, Марва-зийнинг еттига китобининг номини санаб ўтади<sup>1</sup>. Ибн ал-Қифтий эса унинг асли марвлик булиб, халифа ал-Маъмун ва ал-Мұтасим замонида Бағдодда фаолият курсатганлигини айтади<sup>2</sup>. Олимнинг яша-ган умрини Ибн ал-Қифтий юз йиллар атрофида, деб хабар беради. Келтирилган маълумотлардан курниб турибдики, Аҳмад ал-Мар-вазий узоқ умр курган. Фан тарихига оид библиографик китоблардан бу олимни 770—870 йиллар мобайнида яшаб ўтган деб тахмин қили-нади<sup>3</sup>. Аҳмад ал-Марвазий «Зиж» («Астрономик жадваллари») деб аталадиган «Дамашқ зижи» («аз-Зиж ал-маъруф би-д-Димашқий»), «Зиж»<sup>4</sup> (бу зиж Бағдод шаҳри учун тузилган) ва «ал-Маъмуннинг текширилган зижи» («аз-Зиж ал-Маъмуний ал-мумтаҳан») асарла-рининг муаллифидир. Ибн ал-Қифтий ал-Марвазий «Шоҳ учун зиж» («аз-Зиж ал-Шаҳий») номли яна бир кичик ҳажмдаги рисоланинг ҳам муаллифи, деб курсатади<sup>5</sup>. Лекин бу рисола юқоридаги зикр этил-

<sup>1</sup> Ибн ан-Надим. Китаб ал-Фихрист. Тадқиқотчи Рада ал-Хайрий ал-Мазандар-ний, Байрут, 1988, 334- бет.

<sup>2</sup> Ибн ал-Қифтий. Ихбар ал-улама би ахбар ал-хукама. Қоҳира, 1908, 117- бет.

<sup>3</sup> Матвиевская Г. П., Розенфельд Б. А. Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды. (VIII—XVIII вв.). М., 1983, Кн. 2, С. 47.

<sup>4</sup> Булгаков П. Г. Урта Осиё олимларининг Бағдоддаги фаолияти. Шарқшунослик. Т., 1990, № 1, 24- бет.

<sup>5</sup> Ибн ал-Қифтий. Уша асар.

ган «зиж»ларнинг бироргаси булиши мумкин. «Дамашқ зижи» ҳозирда Истамбулда сақланмоқда. Ал-Марвазий узининг бу асарини ўша даврда «Синдхинд» номи билан машхур бўлган ҳинд астрономик жадвалларни қайта ишлаш асосида ёзган. Ундаги баъзи масалалар Иброҳим ал-Фазарий, Муҳаммад ал-Хоразмийнинг «зиж»ларидан фарқланади<sup>1</sup>. Олимнинг Бағдод шаҳри учун ёзилган иккинчи «Зиж»и Берлинда сақланмоқда. Берунийнинг «Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар» ва «Геодезия» асарларида маълумотларга қараганда, бу китоб кейинги давр астрономлари тарафидан ҳурмат билан тилга олинган. Учинчи «ал-Маъмуннинг текширилган «зижи» ҳам уз вақтида катта шуҳрат қозонган бўлиб, халифа ал-Маъмун бир гуруҳ олимларга қадимги юонон астрономларининг китобларида келтирилган маълумотларни тажрибалар асосида қайтадан текшириб чиқиш вазифасини юклаган ва тажриба натижалари улароқ, ушбу асар дунёга келган. Бу асарда уша давр астрономиясининг барча ютуқлари мужассам этилган ва Ўрта аср манбаларида, баъзан Яҳё ибн Мансур ва Аҳмад ал-Марвазий, баъзан эса уша даврнинг бошқа астрономлари тарафидан битилган, деб келтирилади. Бундай асарнинг яратилишида кўпчилик иштирок этган булиши керак, деган хулоса келиб чиқади. Шунга қарамасдан, мутахассислар ал-Маъмун «зижи»ни Яҳё ибн Мансур бошлаб, Аҳмад ал-Марвазий якунлаган булиши керак, деган таҳминни қиласидилар<sup>2</sup>. Умуман эса, ал-Марвазий ал-Маъмун даврида олиб борилган тажриба ва илмий тадқиқотларда энг фаол иштирок этган олимлардан булиб, 832—833 йилларда Синжар сахросида ер меридианининг бир даражасини улчаш ишларида ҳам қатнашган.

Ал-Марвазийнинг йигирмага яқин номдаги асарлари рўйхатида биз астрономик жиҳозлар — астролябиялар, қуёш соати ва зат ал-ҳалақларга бағишлиланган рисолаларни учратишимиз мумкин. Афсуски, уларнинг катта қисми бизгача етиб келмаган.

Олимнинг астрономиядаги ютуқларига қарамасдан, унинг асосий ҳизматлари тригонометрияда деб топилган. Бу фикримизнинг магзини ал-Марвазийнинг фанга биринчи булиб олиб кирган тангенс ва ко-тантенс тушунчалари ва уларнинг функцияйий жадваллари ташкил этиди. Олимнинг асарларида баён қилинган тангенс, котантенс ва ко-секанс тушунчалари тригонометрия ривожига қўшилган улкан ҳисса бўлди<sup>3</sup>.

Ибн ан-Надим ўзининг «ал-Фихрист» китобида ал-Марвазийга онд яна икки муҳим маълумотни келтиради. Улардан бири ал-Мар-

<sup>1</sup> Уша жойда.

<sup>2</sup> Матвьевская Г. П., Розенфельд Б. А. Уша асар, 48- бет.

<sup>3</sup> Булгаков П. Г. Уша мақола, 24- бет.

вазийнинг Абу Жаъфар ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Ҳабаш исмли уғли булиб, у ҳам астрономия билан шуғулланган ва «Ясси астролябия» («Китаб ал-астурлаб ал-мусаттаҳ») номли китобнинг муаллифи эканлигидир. Иккинчиси эса, IX асрдаги машҳур астролог ва астрономлардан бири Мұхаммад ибн Базйар биз ҳикоя қилаёттган ал-Марвазийнинг үқувчиларидан деб эътироф этилишидир. Бу эса Аҳмад ал-Марвазийни нафақат машҳур олим, балки етук шогирлар тайёрлаган моҳир устоз бўлганидан ҳам далолат беради.

## ЯҲЁ ИБН АБУ МАНСУР (IX асрнинг биринчи ярми)

Яҳё ибн Абу Мансур Ўрта аср Шарқ астрономияси тарихидан, асо-сан, Бағдоднинг аш-Шаммосия миңтақасида 828 йили бунёд этилган кучма расадхонанинг асосчиси, илмий тадқиқотлар ва амалий тажри-баларнинг ташкилотчиси ҳамда «ал-Маъмуннинг текширилган зижи» китобининг муаллифларидан бири сифатида муносиб урин олган. У Марв шаҳрида туғилиб ўсган ва Маъмун хизматида бўлган, кейинчалик халифа уни Бағдодга ўзи билан олиб кетган.

Халифа ал-Маъмуннинг топшириғига биноан олиб борилган аст-рономик тажрибаларнинг натижаси бўлмиш «ал-Маъмуннинг текши-рилган зижи» асари ўша даврнинг муҳим илмий воқеаси булиди. Асар кейинги давр астрономлари Ибн Юнус ас-Садафий, Абу Райҳон Бе-руний ва бошқа олимлар ижодида ўзига хос ўрин эгаллади. Асарда қадимги юонон олимларининг астрономик тажрибалари қайтадан тек-ширувдан ўтган ҳолда ўз мужассамини топган. Маълумки, ўша давр донишманларидан Мұхаммад ал-Хоразмий, Яҳё ибн Абу Мансур, Аҳмад ал-Марвазий, Аббос ал-Жавҳарий, Холид ал-Марваррудий, Аҳмад ал-Фарғоний каби олимлар Бағдод яқинидаги расадхонада амал-га оширилган тажрибалар ва уларнинг натижаларини қайд этиб бо-риш, бу қайдларни китоб шаклида жамлаш заҳматини ўз зиммалари-га олганлар. Мана шундай қийин ва масъулиятли тажрибаларни бош-қариш ва ташкил этиш вазифасини халифа Яҳё ибн Абу Мансурга топширганки, бу ўз навбатида олимнинг Шарқ халқлари астрономи-ясидаги ёрқин сиймолардан бўлганидан далолат беради. Ҳақиқатан ҳам Яҳё ибн Абу Мансур ал-Маъмун ҳузурида фаолият курсатган аст-рономларнинг фозили бўлиб, катта обру ва мавқега эга бўлган. Олим халифа тасарруфига ўтган ва унинг ҳузуридаги астрономия илмida (синаъат ан-нужум ва тасйир ал-кавқиб) егук мутахассисга айланган. Ал-Маъмун юлдузларни кузатишга қарор қилганда, у Яҳё ибн Абу Мансур ва исмлари керакли ҳарфлар тартибида келтириладиган (бо-шқа) бир гуруҳ олимларга мурожаат этган. Ал-Маъмун уларга кузатув ишларини олиб бориш ва (зарурий) жиҳозларни ўрнатишни топши-

ради. Мазкур олимлар бу ишларни 215—216 ҳижрий (830—832- милий) йиллари Бағдоднинг аш-Шаммосия минақаси ва Дамашқ яқинидаги Касийун тоғида амалга оширганлар. Астрономик тажрибалар 218 ҳижрий йилида ал-Маъмун вафоти сабабли тутатилади. Яхё ибн Абу Мансур Румда вафот эттан. У икки таҳрир (нусха)дан иборат «Текширилган зиж», «Мадинат ас-салом (Бағдод) шаҳрининг кенглиги учун (Қуёш) баландлигини соатнинг олтидан бири орқали (улчаш) амали» («Китаб ал-ъамал ли судс саъат фи-л-иртифаъ би мадинат ас-салам») асарларининг муаллифиdir<sup>1</sup>.

Ибн ан-Надим ҳам Яхё ибн Абу Мансурнинг таржимаи ҳоли ва авлодларига оид баъзи бир муҳим маълумотларни келтиради, олим ал-Маъмун аъёнлари орасида бўлиб, аввалига у халифанинг вазири ал-Фадл ибн Саҳл билан алоқада булади ва унинг раҳнамолигида астрология билан шуғулланади. Ал-Фадл ибн Саҳл улдирилгандан сунг, халифа ал-Маъмун Яхёни танлаб олади ва уни оташпаратлик динидан ислом динига утишга мажбур этади<sup>2</sup>. Олим баъзи адабиётларда 830<sup>3</sup>, баъзиларида эса 845<sup>4</sup> йили Тарсус шаҳрида вафот этган деб кўрсаналади. Унинг жасади Ҳалаб шаҳрининг Курайшлар қабристонида дағнинг этилган. Ибн ан-Надимнинг кўрсатишича, Яхёнинг Муҳаммад, Али, Саъид ва Ҳасан исмли ўғиллари булиб, Муҳаммад адабиёт, шеърият ва мусиқадан ташқари астрономия билан ҳам қизиққан. У «Шоирлар ҳақида» китоби муаллифи. Яхёнинг кейинги ўғли Али эса аввалига ал-Маъмун миршабларининг бошлиғи Исҳоқ ал-Мусъабий ҳузурида фолиият курсатади. Сунг ёзувчи ва муаррих ал-Фатҳ ибн Ҳоқоннинг нусха кучиравчи котиби булиб ишлайди. Жумладан, унинг Хорун ибн Али исмли ўғли узининг астрономик жадвалларини тузган ва бу фанга оид жиҳозлар яратиш билан шуғулланган. Яхё ибн Абу Мансурнинг бошқа баъзи ўғиллари, набиралари ҳам ўз давридаги адаб ва мутакаллимларидан бўлиб этишади<sup>5</sup>. Ўрта аср манбалари ва замонавий адабистларда Яхё ибн Абу Мансурнинг қаламига қуйидаги асарлар мансуб булган деб зикр этилади:

1. «Ал-Маъмуннинг текширилган зижи» («Аз-Зиж ал-Маъмуний ўлумтаҳан»).

2. «Осмон фалаклари ҳақида мулоҳазалар» («Ал-Ибана ан ал-фалак»). Бу асар Берунийнинг «Геодезия» китобида зикр этилган.

<sup>1</sup> Ибн ал-Қифтий. Ихбар ал-уламан би ахбар ал-хукама. Қоҳира, 1908, 234- бет.

<sup>2</sup> Ибн ан-Надим, Китаб ал-Фихрист. Тадқиқотчи Рада ал-Хайрий ал-Мазандарий. Байрут, 1988, 160- бет.

<sup>3</sup> Матвеевская Г. П., Розенфельд Б. А. Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды. М., 1983. Кн. 2. С. 38.

<sup>4</sup> Аз-Зирикли Ҳайр ад-Дин. Ал-Аълам, Байрут, 1986, 8- жилд, 173- бет.

<sup>5</sup> Ибн ал-Қифтий. Ӯша асар.

3. «Мадинат ас-салом (Бағдод) шаҳрининг кенглиги учун (Куёш) баландлигини соатнинг олтидан бири орқали (улчаш) амали» («Китаб ал-ъамал ли судс саъат фи-л-иртифаъ би мадинат ас-салам»).

4. «Унинг (Яхё ибн Мансурнинг) кузатишлари жамланган китоб ва бошқаларга кузатишлар ҳақидаги рисолалари» («Китаб йаҳтавий ала арсад лаҳу ва расаил ила жамаъа фи-л-арсад»).

Муаллифнинг юқоридаги асарларидан фақат «ал-Маъмуннинг текширилган зижи» бизгача етиб келган бўлиб, у Испаниянинг Эскуриал кутубхонасида сақланади. Бу китобнинг ёзилишида Яхё ибн Абу Мансурдан ташқари уша даврдаги Аббос ал-Жавҳарий, Холид ал-Марваррудий каби астрономлар ҳам иштирок этишган.

Яхё ибн Абу Мансур нафақат таникли олим, балки Бану Мусо (Мусонинг үгиллари) сингари ёрқин сиймоларни тарбиялаган мураббий ҳамдир. Ибн ал-Қифтийнинг маълумот беришича, халифа ал-Маъмун марвлиқ Мусо ибн Шокир исмли шахснинг етим қолган үгиллари Мұхаммад, Аҳмад ва ал-Ҳасанларни «Байт ул-хикма»га чақириб, уларга илм беришни Яхё ибн Абу Мансурга топширади<sup>1</sup>. Маълумки, бу уч акаука кейинчалик машҳур олим ва илм ҳомийлари булиб етишади. Акаукалар механика, математика, астрономия, геометрия ва бошқа илмларга оид йигирмага яқин асарларнинг муаллифидир. Уларнинг энг машҳур асари «Механика китоби» («Китаб ал-хийал») деб аталади. Бу асар мусулмон дунёсидаги механикага оид биринчи китоб булиши эҳтимоли бор. Бану Мусоларнинг фаолияти улар яратган илмий асарлар билан чегараланмайди. Акаукалар юонон олимлари асарларини «Байт ул-хикма»да туплаш ва уларни араб тилига таржима қилишда ҳам күп жонбозликлар курсатишган. Шундай қилиб, Яхё ибн Абу Мансур уз даврининг етук сиймоларига айланган уч акауканнинг илмий камолотида устозлик ҳам қилган.

Машҳур аллома Абу Райҳон Беруний Яхё ибн Абу Мансурнинг исмини осмон экваторини эклиптика билан кесишиш бурчагини аниқлаш<sup>2</sup> ва кузги тенгкунлик вақтини кузатиш<sup>3</sup> муносабати билан биринчилар қаторида эслайди.

## АҲМАД АС-САРАХСИЙ

(835—899)

Олимнинг тулиқ исми Абу-л-Аббос Аҳмад ибн Мұхаммад ибн Марвон ас-Сараҳсий булса-да, Аҳмад ибн ат-Тайиб лақаби билан танилган. Баъзан кейинги ном, яъни Аҳмад ибн ат-Тайиб олимнинг ис-

<sup>1</sup> Ибн ал-Қифтий. Уша асар. 287- бет.

<sup>2</sup> Абу Райҳон Беруний. Избранные произведения. Т. III. Т., 1966. С. 125.

<sup>3</sup> Уша асар. 267- бет.

ломни янги қабул қилган оиласдан эканлигини, бу лақаб унинг мусулмон бўлмаган ота-онасининг исмини яшириш мақсадида қабул қилинган, деган фикрлар ҳам учраб туради. Аллома исмидаги ас-Сарахсий рутбаси унинг насл-насабини англатади ва уни Ўрта асрларда Туркманистоннинг Сарахс деб аталган шаҳридан эканлигини билдиради. Ас-Сарахсий 835 йиллар атрофида таваллуд топган ва асосан халифалик маркази Бағдодда яшаб фаолият курсатган. У ўз даврида фалсафа, физика, табобат, математика, астрономия, астрология ва мусиқа каби фанлар билан шуғулланиб, машҳурлик шоҳсупасига кутарилган.

Ас-Сарахсийнинг ҳаёти ва фаолияти, илмий мероси бугунги кунгача жуда кам урганилган манба ҳисобланади. Хорижий тадқиқотчилар орасида алломага бағишланган маҳсус тадқиқот Франс Розенталь қаламига мансуб<sup>1</sup>.

Ўрта аср манбаларида Аҳмад ас-Сарахсийнинг Бағдодга қандай қилиб бориб қолганлиги ҳақида маълумот учрамайди, лекин унинг таржимаи ҳоли билан боғлиқ бўлган икки муҳим маълумот сақланиб қолган. Улардан биринчиси, алломанинг машҳур қомусий олим ва «арабларнинг файласуфи» деб шуҳрат қозонган Ёкуб ал-Киндийга шогирд булганлиги. Устоз ва шогирд дастлаб 850- йиллар атрофида Бағдодда танишгани эҳтимолга яқин. Аҳмад ас-Сарахсий ўша вақтда 10—15 ёшлилар атрофида булиши мумкин. Адабиётларда ас-Сарахсийнинг олим булиб шаклланишида ал-Киндийнинг хизматлари катта бўлганлиги эътироф этилади. Шу билан бирга география, адабиёт, санъат тарихи каби соҳалар борки, уларда ас-Сарахсий ўз устозидан баъзи жиҳатлари билан фарқланади. Маълумки, халифалар ал-Маъмун ва ал-Мұтасим даврида катта эътибор ва ҳурматга эга алломалар ал-Мутаваккил даврига келиб бошқа диний ва илмий арбоблар билан бирга таъқиб остига олинган. Ас-Сарахсий ҳам бу таъқиблардан четда қолмаган.

Унинг таржимаи ҳолига оид иккинчи маълумот шундан иборатки, у Аббосий халифаларидан — 892 йили халифалик курсисига ултирган ал-Мұтададга устозлик қилиш билан бирга аста-секин халифанинг ҳам мамлакат, ҳам шахсий ишларидаги маслаҳатчисига айланган. Аллома ўша даврнинг йирик сиймолари — шоир ибн ал-Мұтаза, машҳур олим Собит ибн Қурра, ал-Мұтадад вазирининг ўли ва отасининг вафотидан сўнг вазир вазифасини эгаллаган шоир ва давлат арбоби ал-Қосим ибн Убайдуллоҳ ибн Сулаймон ва бошқалар билан яқин мулоқотда бўлган. Куп утмай ал-Мұтадад ва Аҳмад ас-Сарахсий муносабатларига путур етиб, халифа уни 896 йили банди қиласида ва 899 йили вазир ал-Қосимнинг хайриҳоҳлигига қатл оғтиради. Ас-Сарахсий ҳақидаги маълумотлар Ўрта аср муаллифла-

<sup>1</sup> Rosenthal Frans. Ahmad al-Tayyib as-Sarahsi. New Hawen. 1943.

ридан Ибн ан-Надим, Ибн ал-Кифтий, Ибн Абу Усайба, Бар Эбрей, Ёкут ал-Хамавий, Ҳожи Халифа ва бошқаларда учрайди. Ҳусусан, Ибн ал-Кифтий у ҳақда қуидаги сўзларни келтиради: «Аҳмад ибн Мұхаммад ибн Марвон ибн ат-Тайиб ас-Сарахсий ислом дунёсидаги файласуфлардан бири бўлиб, у Ёкуб ал-Киндиининг шогирди эди. Бинобарин, у фалсафий илмлардаги ноёб истеъод соҳибларидан ҳисобланиб, мантиқ, мусиқага оид йирик асарларнинг муаллифи, қадимги юонон ва араб илмларининг аксариятида нодир салоҳият эгаси, шу билан бирга жуда билимдон, юксак қобилияти, ута нотиқ ва қалами ўткир бир инсон эди. У аввалига халифа ал-Мұтададга устозлик қилган, сунгра унинг ҳамроҳи (надим) ва дустига айланган. Ал-Мұтадад Аҳмад ас-Сарахсийга яқин сирларини ҳам айтиб, давлатни идора этиш ишларида у билан маслаҳатлашар эди...»<sup>1</sup>.

Ибн ал-Кифтий олим қаламига мансуб йигирмадан ортиқ асарларнинг номини келтиради, бу рўйхатни тулиқ деб бўлмайди ва уни бошқа муаллифлар, жумладан, Ибн ан-Надим, Ёкут ал-Хамавий, Ҳожа Халифаларнинг маълумотлари билан тулдириш мумкин. Аҳмад ас-Сарахсийнинг барча рисолаларининг номларини зикр этиш имконияти бўлмагани учун, унинг фалсафа, физика, мусиқа, табобат каби фанларга оид баъзи асарларининг номини келтириш мумкин:

1. «Фалсафа асослари» («Аркан ал-фалсафа»).
2. «Атмосфера ҳодисалари ҳақида китоб» («Китоб фи-аҳдас ал-жавв»).
3. «Туманнинг моҳияти ҳақида китоб» («Китоб фи кави ад-дабаб»).
4. «Тоғларнинг фойдаси ҳақида китоб» («Китаб манфаъат ал-жиб»).
5. «Йуллар ва мамлакатлар ҳақида китоб» («Китаб ал-масалик ва ал-мамалик»).
6. «Астрономияга кириш» («ал-Мадҳал ила синаъат ан-нужум»). Аҳмад ас-Сарахсийнинг Бакуда сақланаётган бу рисоласидаги Зуҳал ва Миррих сайёralарининг бир-бири билан учрашиш жойи ҳақида мулоҳазалари Абу Райхон Берунийнинг «Хронология» асарида иқтиbos қилиниб, танқид остига олинган<sup>2</sup>.
7. «Арифметика китоби» («Китаб ал-арисматика фи-л-аъдал»).
8. «Мусиқа ҳақида катта китоб» («Китаб ал-мусиқа ал-кабир»).
9. «Ашула айтиш сирларига йўриклар» («Китаб ал-лалала ала асрар ал-ғина»).
10. «Табобатга кириш» («ал-Мадҳал ила синаъат ат-тибб»).

Аҳмад ас-Сарахсий асарларининг катта қисми бизгача етиб келмаган.

<sup>1</sup> Ибн ал-Кифтий. Ихбор ал-улама би ахбар ал-ҳукама. Қоҳира, 1908, 55—56-бетлар.

<sup>2</sup> Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. Т., 1968, ж. I. 239—240- бетлар.

## АББОС АЛ-ЖАВҲАРИЙ

(IX асрнинг биринчи ярми)

Халифа ал-Маъмун даврида Бағдод ва Дамашқда фаолият кўрсатган йирик астроном ва математиклардан бири — ал-Аббос ибн Саъид ал-Жавҳарий аслида Фороб шахри (ҳозирда Гавҳартепа)да дунёга келган. Унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар сақланмаган. Ал-Жавҳарийнинг 830- йиллар атрофида Маъмун академиясидаги астрономик кузатишларда иштирок этганлиги инобатга олиниб, уни IX асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган деган хуносага келинган.

Ўрта аср Шарқ ҳалқлари фани ва маданияти тарихига оид илк библиографик асар — «Китаб ал-Фихрист»нинг муаллифи Ибн ан-Надим юонон олими Евклиднинг «Негизлар» («ал-Усул») номли китоби ҳақида гапирап экан, унга ёзилган шарҳлардан бирини ал-Жавҳарий биттан, деб маълумот беради<sup>1</sup>.

Ал-Жавҳарийнинг фаолияти ҳақидаги асосий маълумотлар Ибн ал-Қифтийнинг машҳур «Олимларни ҳакимлар ҳақидаги маълумотлар билан таништириш» («Ихбар ал-улама би ахбар ал-хукама») китобида сақланиб қолган. Унда шундай дейилади: «Ал-Аббос ибн Саъид ал-Жавҳарий мунажжим булиб, у астрономия ва астрономик ҳисобларда моҳир мутахассис ҳисобланган. (Шу билан бирга) у астрономик жиҳозлардан фойдаланишда ҳам ноёб истеъод соҳибидир: У халифа ал-Маъмунга ҳамроҳ бўлган ва ал-Маъмун уни Бағдодда аш-Шамосия минтақасидаги тажриба ишларига масъул олимлар билан астрономик кузатишларни олиб боришга ундиши. Ал-Жавҳарий баъзи сайёralар, Қуёш ва Ойнинг урнини аниқлаган. Натижада ушбу соҳа аҳдолари орасида машҳур бўлган ўз зижини яратса олди. Унинг ўзи ва ҳамкаслари — Санад ибн Али, Холид ибн Абл ал-Малик ал-Марваррудий, Йҳё ибн Абу Мансурлар мусулмон дунёсида биринчи булиб астрономик кузатиш ва тажрибалар олиб борган шахслардан бўлган. Ал-Жавҳарий қўйидаги асарларнинг муаллифидир: «Зикр китоби», «Евклид китобига шарҳ» («Китаб тафсир китаб Уқлидис»), «Евклиднинг «Негизлар» исарининг биринчи китобига у (ал-Жавҳарий) күшган шакллар» («Китоб ал-ашкал аллати задаҳа фи-л-мақала ал-увла мин Уқлидис»)<sup>2</sup>. Ибн ал-Надим ва Ибн ал-Қифтийларнинг ал-Жавҳарий ҳақидаги юқорилаги маълумотларини XVII аср турк библиографи Ҳожи Халифа асосин узгаришсиз қайтаради.

Ал-Жавҳарий ўз давридаги бошқа етук астрономлар билан ҳамкорликда халифа ал-Маъмуннинг топширигига биноан режалаштирилган

<sup>1</sup> Ибн ан-Надим. Китоб ал-Фихрист. Байрут, 1988, 327- бет.

<sup>2</sup> Ибн ал-Қифтий. Ихбар ал-улама би ахбар ал-Хукама. Қохира, 1908, 148- бет.

«ал-Маъмуннинг текширилган зижи»ни ёзишда фаол иштирок этган. У Бағдоддан ташқари, Дамашқ шаҳридаги астрономик кузатишларда қатнашиб, астрономиядан ташқари математикада ҳам катта натижаларга эришди. Унинг Евклидинг «Негизлар» китобига ёзган шарҳи ва бу асарнинг биринчи китобига қўшган шакллари, параллел чизиқлар ҳақидаги foялари олимни геометрия соҳасида ҳам чукур билимлар соҳиби булганидан далолат беради. Бундан ташқари, ал-Жавҳарий «Негизлар» китобини ислоҳ қилиш» («Ислаҳ ли китаб ал-Усул») асарининг ҳам муаллифидир. Мазкур асар бизгача етиб келмаган булса-да, унинг мазмуни ҳақидаги тулиқ маълумотлар XIII асрда яшаган қомусий олим Насириддин Тусийнинг «Параллел чизиқлар ҳақидаги шубҳаларни даволаш» («ар-Рисола аш-шафийя ан шакк фи-л-хутут ал-мутавазийя») рисоласида баён этилади. Ал-Жавҳарий ўзининг бу китобида Евклидинг «Негизлар» асаридаги V постулатни исботлашга ҳаракат қиласди. Маълумки, «Негизлар» асарининг бу қисмida параллел чизиқлар ҳақида мулоҳазалар юритилади. Бу мавзу устида бош қотирган ал-Жавҳарий бурчак ичидаги жойлашган ҳар қандай нуқтадан бурчакнинг икки тарафини бирлаштирувчи чизиқ чизиш мумкин, деган хуносага келади. Муаллиф қўллаган параллел чизиқлар назарияси шуниси билан аҳамиятлики, ундан 1800 йили франциялик геометрия шунос олим А. М. Лежандр V постулатни исботлашда фойдаланган<sup>1</sup>.

Ал-Жавҳарийнинг юкорида санаб ўтилган асарларидан ташқари яна икки асар ёзганилигидан далолат берувчи қўлёзмалар сақланган. Улардан биринчиси, «Евклидинг «Негизлар» асарининг бешинчи китобига қушимчалар» («Зийадат фи-л-мақала ал-ҳамиса мин китаб Уқлидис») номи билан аталиб, у ҳозирда Америка, Туркия, Эрон, Тунис ва Ҳиндистон кутубхоналарида мавжуд. Иккинчи, «Қуёшнинг ер марказидан узоқлигини аниқлаш» («Рисола фи маърифат бульд аш-шамс ан-марказ ал-ард») рисоласи ягона нусхада Байрутда сақланмоқда.

## АБДУЛЛОҲ ИБН АМАЖУР АТ-ТУРКИЙ (IX–X аср)

Абдуллоҳ ибн Амажур ат-Туркий ва унинг ўғли Абу-л-Ҳасан Али фарғоналиқ фалакиётчи олимлардан бўлиб, бизнинг адабиётларда уларнинг ҳаёти ва фаолияти, илмий мероси деярли Ўрганилмаган.

Ўрта асрларнинг машҳур, энг ишончли деб тан олинган библиографла ўидан Ибн ан-Надим ва Ибн ал-Қифтийлар ўзларининг «ал-Фихрист» ва «Ҳакимлар тарихи» («Тарих ал-хукама») китобларида бу олим ҳақида шундай деб ёзалилар:

<sup>1</sup> Юшкевич А. Л. История математики в средние века. М., 1961, С. 268.

«Абу ал-Қосим Абдуллоҳ ибн Амажур ал-Ҳаравий Фарғона ҳалқи-нинг фарзандларидан. У замонасининг фозил ва ўз мавқенга эта булган уламоларидан бўлган. Олим қуидаги фойдали асрларнинг муалли-фидир: «[Ҳатолардан] холис зиж китоби» («Китоб аз-зиж ал-маъруф би-л-халис»), «Боғлаб турувчи зиж китоби» («Китоб аз-зиж ал-маъруф би-л-музаннир»), «Ғаройиб зиж» («аз-Зиж ал-бадиъий»), «Утмиш-лар зижи» («Зиж ал-мамаррат»), «Синдхинд зижи» («Зиж ас-Синд-хинд»), «Кулнинг зижи» («Зиж ал-қинни»), «Мусофирга фойдали ки-тоб» («Китаб зад ал-мусафир»), «Форс эраси бўйича Миррих [Марс] сайёраси учун зиж» («Китаб зиж ал-Миррих ала ат-тарих ал-фари-си»)<sup>1</sup>.

Манбалардан маълумки, бу олимнинг Абу ал-Ҳасан Али ибн Абу ал-Қосим исмли ўғли бўлиб, у ҳам астрономияга қизиққан. Бундан ташқари Ибн ал-Қифтий Амажур оиласига тегишли учинчى шахс, яъни Али ибн Амажурнинг ҳам астрономик кузатиш ишлари билан шуғулланганини эътироф этади<sup>2</sup>.

Ўрга асрларнинг йирик астрономларидан Ибн Юнус ас-Садафий (950–1009) олимга нисбатан унинг туркий насабдан бўлганлигини англатувчи «ат-Туркий» сўзини ҳам ишлатади ва ўз рисолаларининг бирида Амажурлар томонидан амалга оширилган Қуёш ва Ойнинг ту-тилиши ҳамда баъзи сайёralарни кузатиш тажрибаларини баён этади. У келтирган маълумотларга қараганда, олимлар баландликда жойлаш-ган турт томонни кузатиш мумкин бўлган маҳсус масканда иш олиб борганлар. Унда кузатиш ишларида мўлжалланган маълум белгиланган йуналишни кўрсатувчи маҳсус узун туйнук ҳам мавжуд бўлиб, бу бино расадхона вазифасини бажарувчи зарурий қулайликларга эга бўлган. Абдуллоҳ ибн Амажур ат-Туркий, унинг ўғли ва ёрдамчиси Муфлиҳ ибн Юсуфлар Қуёш тутилишини кузатиш жараёнида ўн икки ларажада бир даражанинг түққиздан бирини курсатиб берган жиҳоз-лан фойдалангандар. Жиҳоздан бир даражанинг түққиздан бир қисми-ни аниқлаш имконияти борлиги унинг мукаммал мослама эканлиги-дан далолат беради. Амажурлар Қуёш, Ой, тургун юлдузлар ва сайёра-ларни кузатиш билан боғлиқ бўлган тажрибаларини асосан Бағдод ва қисман Шероз шаҳарларида олиб борганлар (Олимнинг исмига қушиб айтиладиган «ал-Ҳаравий», яъни «ҳиротлик» сўзи у Ҳирот шаҳрида ҳам фаолият кўрсатган, деган тахминни билдиради). Юқоридаги таж-рибаларни бажариш ўз моҳиятига кура узоқ вақтни талаб этганилиги

<sup>1</sup> Ибн ан-Надим. Ал-Фихрист. Тадқиқотчи Рада ал-Ҳаирий ал-Мазандараний. Бай-рут, 1988. 388-бет. Ибн ал-Қифтий. Ихбар ал-улама би ахбар ал-хукама. Қоҳира, 1908, 149- бет.

<sup>2</sup> Ибн ал-Қифтий. Ўша асар. 155- бет.

учун ҳам баъзи адабиётларда мазкур алломалар ўз тажрибалари устида эллик йилга яқин ишлаганлар, деб кўрсатилади<sup>1</sup>. Улар ўз тажрибаларининг натижаси сифатида юқорида номлари зикр этилган қатор астрономик рисолалар ва жадвалларни таълиф этганлар. Бу асарларнинг аксарияти бизгача етиб келмаганига қарамасдан, Амажурларнинг икки қулёзма асари хорижий мамлакатлар кутубхоналарида сақланади ва улар куйидагилардан иборат:

1. «Сайёрадарнинг тутилиши ва боғланиши ҳақида (астрологик) олдиндан айтиб беришлар мажмуаси» («Жавамиъ аҳкам ад-кусуфат ва-л-қиран ал-кавакиб»). Рисола Париж ва Лейденда сақланади.

2. «Тайласан зижи» («Зиж ат-Тайласан»). Бу қулёзма фақат Парижда сақданиб қолган. Юқоридаги «тайласан» сўзи араб тилида —бўйинни Куёш нуридан ҳимоя қилиш мақсадида салла устидан елкагача ташлаб юриладиган рўмолни англатади. Шу сабабдан баъзи адабиётларда муалифнинг бу рисоласи «Рўмол зижи» деб таржима этилган. Бу зиж ҳозирга қадар ўрганилмаганлиги сабабли унга нима мақсадда бундай ном берилганилиги аникланмаган.

Манбаларда Абдуллоҳ ибн Амажур ат-Туркийнинг таваллуд топган ва вафот этган йили ҳақида маълумотлар сақланмаган. Шунинг учун ҳам унинг яшаган даврини IX—X асрлар деб тахмин қилиш мумкин.

## АҲМАД АС-САҒОНИЙ

(Вафоти 990)

Аҳмад ас-Сағонийнинг тулиқ номи Абу Ҳамид Аҳмад ибн Мұҳаммад ас-Сағоний ал-Астурлобий бўлиб, Урта аср манбаларида «Сағанийан», Форс манбаларида эса «Чағонийон» деб юритилган жойда уғилган. Ўша даврдаги Сағонийон бугунги Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳри атрофларини ўз ичига олган. Олимнинг туғилган йили номаълум. У ёшлигига ўз даврининг энг йирик илм маркази Бағдодга бориб қолган ва йирик астрономларидан бири бўлиб етишган. Аҳмад ас-Сағонийнинг исмига қушиб айтиладиган «Астурлобий» рутбаси уни асту леблар, умуман, астрономик жиҳозлар ясаща ва уларни кўллашда эҳир мутахассис бўлганидан далолат беради. Аллома астрономиядан ташқари геометрияга оид бир неча асарларнинг муаллифи ҳамдир.

Ибн ал-Кифтийнинг Аҳмад ас-Сағоний ҳақидаги қуйидаги фикрлари диққатга сазовордир: «Абу Ҳамид Аҳмад ибн Мұҳаммад ас-Сағоний ал-Астурлобий ўз вақтида геометрия ва астрономия соҳала-

<sup>1</sup> Ўша асар. 102—103- бетлар.

ридаги аксарият мұваффақиятларнинг соҳиби бўлган фозил олимлардан эди. У Бағдодда астролябиялар ва бошқа астрономик жиҳозлар ясашда катта ютуқларга эришган. У яратган жиҳозлар ўша вактдаги астрономларга яхши маълум бўлган. Унинг бир қанча шогирдлари катта шуҳрат қозонгандар ва ўз устозлари билан фахрланганлар. Аҳмад ас-Сағоний қадимги жиҳозларни такомиллашибиришда ҳеч ким амалга ошира олмаган натижаларга эришган<sup>1</sup>. Ибн ал-Қифтий яна шуларни маълум қиласиди, Бағдод ҳукмдори Адуд ад-Давланинг ўғли Шараф ад-Давла (951—989) Бағдодни бошқарган йилларида у ерда расадхона сифатида фойдаланиш учун бир уй курдиради ва унда қўёш ва сайдералар ҳаракатини урганиш бўйича кузатишлар утказилади. Кузатишлар натижаси якунлаганда, Аҳмад ас-Сағоний Күёшнинг икки бурж бўйича ботишини ўз қўли билан ёзган ва баъзи тузатишлар киригтан<sup>2</sup>.

Аҳмад ас-Сағонийнинг илмий мероси Беруний, Ибн Ироқ, ас-Сижизий каби олимлар томонидан ҳурмат билан эсланиши, унинг асарлари нақадар шуҳрат қозонгандигидан далолат беради. Жумладан, Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарининг яхдий йиллари ва даврларини аниқлаш қисмида ас-Сағоний ҳисобларидан фойдаланганини айтади<sup>3</sup>. Беруний ҳудди шу асарида доиралар ва нуқталардан иборат курраларни сатҳга айлантириш мумкинлiği ҳақида галирар экан, шундай дейди: «Абу Ҳамид ас-Сағоний конуслар бошини искала қутбдан кучириб, уни уқлар бўйича қараб, курранинг ичига ё ташига қўйган. Шунда курра тўғри чизиқлар, доиралар ас-Сағоний истаган кайфиятда, етарли ва ортиқча парчалар ташкил этган. Бу ажойиб сатҳни ундан олдин ҳеч ким ишламаган»<sup>4</sup>.

Беруний ўзининг «Геодезия» асарида Аҳмад ас-Сағоний қаламига «Астрономия илмининг қонунлари» («Каванийи илм ал-ҳайа») китоби мансублигини кўрсатади ва унда ас-Сағоний 965 йили Бағдоднинг гарбий тарафидан «Биркату Залазал» деган жойда диаметри олти қарич ва айланаси беш минутлик бўлимларга тақсимланган ҳалқа ёрдамида ўлчаш олиб бориб, тулиқ оғишни 23 даражада 35 минут ва һағдоднинг кенгламасини 33 даражада 21 минут топганини таъкидлайди<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Ибн ал-Қифтий. Ихбар ал-улама би ахбар ал-хукама. Қоҳира, 1908, 56- бет.

<sup>2</sup> ўша асар, 57- бет.

<sup>3</sup> Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. 1- жилд. (Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар). Т., 1968, 415- бет.

<sup>4</sup> ўша жойда.

<sup>5</sup> Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. 3- жилд. (Геодезия). Т., 1982, 101- бет.

Ас-Сағонийнинг «Осмон сферасини текисликда тасвирлаш» («Кайфиййат тастийҳ ал-кура») рисоласи Патна ва Стумбулдаги кутубхоналарда сақланади. Баъзи манбаларда бу асар «Китаб ат-тастийҳ ат-тамм» номи билан тилга олинади. Рисола ўн икки бобдан иборат бўлиб, унда осмон сферасининг астролябия сатҳида тасвирланиш масалалари устида мулоҳазалар юритилади<sup>1</sup>. Аллома юқоридагилардан ташқари «Доира ичига жойлаштирилган тўғри тарафли етти бурчакнинг томонини ясаш» («Рисола фи ъамал диль ал-мусаббабъ ал-мутасавий фи ад-даира») ва «Масофалар ва ҳажмлар ҳақида» («Мақала фи-л-ажрам») номли (Париж ва Дамашқда сақланмоқда) асарларнинг муаллифи ҳамдир. Оксфорддаги Бодлеан кутубхонасида олимнинг «Астролябия пластинкаларида ясалган соатлар ҳақида» («Фи ас-саъат ал-маъмула ала сафаиҳ ал-астурлаб») ва «Меридиан чизигини топиш» («Истихраж хатт нисф ан-наҳар») рисолалари мавжуд. Фикримизча, «меридиан чизигини топиш» (Бодлеан кутубхонасидаги инвен. рақами MS. Thurston 3(f. 94)) рисоласи олим асарлари рўйхатига ҳозирга қадар киритилмай келинмоқда. Ас-Сижиззий номини келтирган «Бурчакнинг учга бўлиниши» («Таслийс аз-завийя») рисоласи ас-Сағонийнинг бизгача етиб келмаган асарларидан ҳисобланади.

Ас-Сағоний 990 йили Бағдодда вафот этган.

## ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ

(810—870)

Хадис илмининг ривожида олтин давр ҳисобланган ҳижрий учинчи (милодий тўққизинчи) асрда ҳадисшуносликда катта мувваффакиятлар қулга киритилган. Чунончи, бутун ислом дунёсидаги энг нуфузли манбалар деб тан олинган олтида ишончли ҳадислар тўпламининг (ас-сиҳоҳ ас-ситта) муаллифлари яшаб ижод қилганлар. Яна шуниси дикқатга сазоворки, мазкур олти мұхаддиснинг деярли ҳаммаси Марказий осиёлик бўлиб, улар: Абу Абдуллоҳ Мұҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож (206/819—261/874), Абу Исо Мұҳаммад ибн Исо ат-Термизий (209/824—279/892), Имом Абу Довуд Сулаймон Сижистоний (202/817—275/880), Имом Аҳмад Ан-Насорий (215/830—303/915), Имом Абу Абдуллоҳ Мұҳаммад ибн Язид ибн Можжа (209/824—273/886) каби сиймолардир. Шулар ичидан

<sup>1</sup> Рисоланинг тўлиқ мазмуни учун қарант: Матвеевская Г. П., Розенфельд Б. А. Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды. (VIII—XVII вв.). М., 1983. Кн. 2. С. 162.

«Ҳадис илмида амир ал-муминийн» деган шарафли номга сазовор бўлган Имом ал-Бухорий алоҳида эътиборга молик буюк олимдир.

Унинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Магирия ибн Бардазбек ал-Жуафий ал-Бухорий бўлиб, у ҳижрий ҳисобда 194 йил шаввол ойининг 13-куни (810 йил 20 июл)да Бухоро шаҳрида таваллуд топган. Бошқа күпгина олимлардан фарқли улароқ ал-Бухорий туғилган сана аниқ курсатилишига сабаб шуки, унинг отаси Исмоил ўз даврининг илмли одамларидан булиб, уелининг туғилган кунини ўз қўли билан ёзib кетган қоғоз замондош олимлар ихтиёрига етган ва шу хусусда ҳам унинг аниқлигига ҳеч шубҳа йўқ. Ал-Бухорий ёшлигига ётаси вафот этиб, онаси тарбиясида ўсган. У ёшлигидан ақл-идрокли, ўтқир зеҳнли ва маърифатга ҳаваси кучли булиб, турли илм-фанларни, айниқса, ҳадис илмини зур қизиқиш билан эгаллайди. Манбаларда курсатилишича, у ўн ёшидан бошлаб ўз юргидаги турли ривоятчилардан эшитган ҳадисларни, шунингдек, Абдуллоҳ ибн ал-Муборак ва Вакий каби олимларнинг ҳадис тўпламларини мутолаа қилиб, ёдлаган, устози Шайх Доҳилий билан ҳадис ривоятчилари ҳақидаги қизғин баҳсларда қатнашган. 825 йили ўн олти яшар ал-Бухорий онаси ва акаси Аҳмад билан Ҳижозга қараб йўл тутади, муқаддас шаҳарлар Макка ва Мадинани зиёрат қилиб, олти йил Ҳижозда яшаб, ҳадис илмидан ўз билимини янада ошириш мақсадида ўша пайтда илм-фаннынг йирик марказларидан ҳисобланган Дамашқ, Қоҳира, Басра, Куфа, Бағдод каби шаҳарларда ишаб, у жойлардаги машҳур олимлардан ҳадис билан бир қаторда фикҳ илмидан ҳам таълим олади, йирик олимлар даврасида илмий баҳслару мунозараларда қатнашади ва илм толибларига дарс ҳам берали. Имом ал-Бухорий ҳаётининг кўп қисми хорижий элларда, мусо-фирчиликда ўтди. Бу ҳақда унинг ўзи: «Миср, Шом, Месопатамияга икки маргадан, Басрага тўрт марта борганиман. Ҳижозда олти йил яшганман, Бағдод ва Куфа шаҳарларига неча марта борганим ҳисобини билмайман», деган экан. У сафар чоғида ҳам, бир шаҳарда муқим турганда ҳам илмини ошириш борасида тинимсиз ишлар, тўплаган ҳадисларини оққа кўчирап эди. Муаллифнинг ёзишича, Бағдодда истиқомат қилган пайтда кўпинча ойининг нурида ижод қилиб, қоронғи кечаларда шам ёруғида китоб ёзар экан.

Илм ошириш мақсадида ал-Бухорий жуда кўплаб олимлардан таълим олади. Нишопурлик ал-Ҳакимнинг (1015 йилда вафот этган) ёзишича, устозларининг сони тўқсонталар атрофида бўлиб, улар: Мұхаммад ибн Юсуф ал-Фарийобий, Убайдулла ибн Муса ал-Абасий, Абу Бакр Абдулла ибн аз-Зубайр ал-Ҳамийдий ибн Роҳавийҳ номи билан машҳур бўлган Имом Исҳоқ ибн Иброҳим, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал, Али ибн ал-Маданий ва бошқалардир.

Ўз навбатида ал-Бухорий ҳам кўпгина шогирдларига устозлик қилган. Исҳоқ ибн Муҳаммад ар-Рамодий, Абдулоҳ ибн Муҳаммад ал-Маснадий, Муҳаммад ибн Халиф ибн Кутайба, Иброҳим ал-Ҳарбий, Абу Исо ат-Термизий, Муҳаммад ибн Наср ал-Марвазий, Муслим ибн ал-Ҳажжож каби етук олимлар унинг шогирдларицир.

Термизлик машҳур мұхаддис Абу Исо ат-Термизий ал-Бухорийга ҳам шогирд, ҳам сафдош ҳисобланиб, уларнинг ўзаро муносабатлари ибратли бўлган. Узоқ йиллар Шарқнинг турли-туман мамлакатларига сафар қилгандан кейин умрининг охирларида ал-Бухорий беш (863—868) йил Нишопурда яшаб, мадрасада ҳадис илмидан дарс берган. Ўша пайтда Нишопур мусулмон Шарқидаги энг йирик илмий марказлардан бирига айланганлиги сабабли кўп машҳур олимлар шу шаҳарда тўғланган здилар. Ал-Бухорийнинг ат-Термизий билан учрашуви ҳам Нишопурда юз бериб, диёримиздан чиққан икки машҳур мұхаддис ўртасида унутилмас, қизғин илмий баҳслар, кўпдан-кўп ижодий, дустона учрашувлар бўлиб ўтади. Ат-Термизийнинг ёзишича, у ўз асарлари учун кўп маълумотларни ал-Бухорий билан учрашувларидан олган. Шу билан бирга ал-Бухорий ҳам ат-Термизийнинг билимини юқори баҳолаб: «Мен сендан кўрган фойда сен мендан кўрган фойдадан ортикроқ», деб унга нисбатан чуқур хурматини билдирган. Ат-Термизий ўз устози ва сафдоши ал-Бухорийни бутун умри давомида хурматлаб, унга самимий садоқатда бўлган. Араб тарихчиси Шамсуддин аз-Захабийнинг (1274—1374) «Тазкират ул-Хуфоз» («Хофизлар ҳақида тазкира») номли асарида ёзишича, ат-Термизий ўз устозининг вафоти туфайли қаттиқ қайгуга ботиб «кўп йиғлаганидан ҳатто кўзлари кўр булиб қолиб, узоқ йиллар кўзи ожиз ҳолда яшади».

Имом ал-Бухорий нафақат йирик олим, балки ўзининг гўзал хулқатвори, одамохунлиги, муруватлилиги, ҳимматлилиги ва бекиёс саховатлилиги билан бошқалардан тамомила ажralиб турган. У зеҳни ўткирлиги ва ёдлаш қобилиятининг кучлилиги билан ҳам халқ орасида ғоят шуҳрат қозонган. Манбаларда ал-Бухорийнинг 600 мингга яқин ҳадисни ёд билгани қайд қилинган.

Имом ал-Бухорий хориждан қайтгач, ўз ватани Бухорода куплаб шогирдлар ва уламоларга ҳадис илмидан сабоқ бериш билан машгул бўлади. Кўпчилик уни хурмат қилган, аммо баъзи ҳасадгўй, қора ниятли кишилар ал-Бухорийни кўролмас здилар. Натижада ҳасадгўйларнинг ҳатти-ҳаракати туфайли Бухоро амири Ҳолид ибн Аҳмад аз-Зуҳалий билан ал-Бухорийнинг алоқаси бузилиб қолади. Бунга сабаб, амир олимдан ҳузурига келиб «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ», «Ат-тарьих» китобларини ўқиб беришни талаб қиласи. Лекин ал-Бухорий «Мен илмни хор қилиб, уни ҳокимлар эшиги олдига олиб бормайман, кимга илм керак бўлса, ўзи изласин. Лекин Аллоҳ охират куни илмни яширмай уни толибларга сарф қилгани учун мени кечира-

ди», деган жавобни айтади. Амирга жавоб ёқмай, фитначи, бўхтонкор шахсларнинг гапига кириб ал-Бухорийга шаҳарни тарқ этишини буюради. Шундан кейин ал-Бухорий Самарқандга қараб йўл олади ва бирмунча муддат Хартанг қишлоғида ўз шогирдлари ва қариндош-уруглариникда яшагандан кейин оғир касалга чалиниб, ҳижрий 256 йил (мелодий 870 йил 1 сентябр) 60 ёшида вафот этади ва шу ерда дағи қилинади.

Имом ал-Бухорий авлодларга бой ва қимматли илмий мерос қолдириган бўлиб, у ёзган асарларнинг сони йигирмадан ортиқдир. Улардан «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ», «Ал-адаб ал-муфрад», «Ат-таърих ас-сағиӣ», «Ат-таърих ал-авсot», «Ат-таърих ал-қабир», «Китоб ал-илал», «Барр ул-волидайн», «Асоми ус-саҳоба», «Китоб ал-куна» ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Буюк алломанинг энг муҳим асари, шубҳасиз, «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ»дир. Бу асар «Саҳиҳ ал-Бухорий» номи билан ҳам машҳур. Унинг ғоят аҳамиятли томони шундаки, Имом ал-Бухорийга-ча ўтган муҳадислар ўз тўпламларига эшитган барча ҳадисларини танлааб ўтирамай қаторасига киритавергандар. Имом ал-Бухорий эса турли ровийлардан эшитган ҳадисларни табақаларга бўлиб, уларнинг ишончлиларини ажратиб, алоҳида китоб яратди.

Аллома ибн Салоҳнинг таъкидлашича, ал-Бухорийнинг бу асарига киритилган ишончли ҳадисларнинг сони такрорланадиганлари билан бирга 7275 та бўлиб, такрорланмайдиган ҳолда эса 4000 ҳадисдан иборат.

Бу шарафли ишни биринчи ал-Бухорий бошлаб берган бўлиб, кейин қатор олимлар унга тақлид қилиб, шу зайлда ҳадислар тўпламини яратганлар. Имом ал-Бухорийнинг ушбу йирик асари ёзилганига тахминан 1200 йил бўлди, ўша даврдан бошлаб токи шу вақтгача у ислом таълимотида Куръондан кейинги иккинчи ўринда турдиган муҳим манба сифатида юқори баҳоланиб келинмоқда. Имом ал-Бухорийнинг ушбу асарининг кўплаб нусхалари турли шаҳарларда тарқалган. Ҳатто ўрта асрларда яшаган бაъзи адаб ва хаттотлар учун бу асар нусхаларини кўчириш тирикчилик манбаи ҳам бўлган. Жумладан, таниқли адаб ва тарихчи ан-Нувайрий (1332 йилда вафот этган) ал-Бухорийнинг ушбу асаридан саккиз нусха кўчириб, ҳар бирини минг дирҳамдан сотган. 1325 йилда кўчирилган саккиз жилдан иборат гузал бир нусхаси ҳозир Истамбулда сақланмоқда. «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ»га кўпдан-кўп шарҳлар битилган бўлиб, муҳим манба сифатида у қайта-қайта нашр ҳам қилинган. Имом ал-Бухорий тўпламларига киритилган ҳадислар факат ислом таълимотига онц умумий қоидаларни акс эттириш билан чекланиб қолмайди. Улар меҳр-муҳаббат, сахийлик, очик кўнгиллик, ота-она, аёллар ва каталарга хурмат, етим-есирларга мурувват, фақир-бечораларга ҳиммат, ватанга муҳаббат, меҳнатсеварлик, ҳалолликка даъват этиш каби

ҳақиқий инсоний фазилатлар ва намунали тартиботлар мажмуасидир. Унда нима яхши, нима ёмон, нимани қилиш керак, нимадан ўзни тийиш лозимлиги ҳақида ҳозирги жамиятимиз аҳли, айниқса, ёш авлод учун катта тарбиявий аҳамиятга эга йўл-йўриқлар, панднасиҳат ва ўғитлар акс эттирилган.

1974 йилда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диний бошқармаси ташаббуси билан жумхурятимизда бутун ислом дунёси ва киллари иштирокида алломанинг 1200 йиллик юбилейи нишонланган эди. Унинг шоҳ асарлари ҳисобланмиш «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» ва «Ал-адаб ал-муфрад» китоблари Тошкентда қайтадан нашр қилиниши ал-Бухорий меросини ўрганишда катта аҳамиятга эга булди. Тошкентдаги диний олий маъҳаднинг Имом ал-Бухорий номи билан аталиши бундан ўн икки аср муқалдам илм-фан йулида бекиёс катта хизмат қилган буюк олимга чукур ҳурмат-эътиборнинг рамзиидир. Алломанинг Хартанг қишлоғида жойлашган салобатли мақбараси энг обод ва кўркам қадамжолардан бири сифатида ардоқланиб, ислом аҳли ва барча меҳмонлар учун табаррук зиёратгоҳ сифатида машҳурдир. 1998 йилда Узбекистон республикаси Президенти Фармони билан буюк ҳадисшунос алломанинг 1225 йиллик таваллуд куни кенг жамоатчилик томонидан катта ҳурмат ва эҳтиром ила нишонланиб, унинг мақбараси қайта курилди.

## АБУ ИСО МУҲАММАД АТ-ТЕРМИЗИЙ (824—892)

Ўрта асрларда яшаган кўпгина олимлар илм-фаннынг турли соҳалари га оид дунёвий фанлар билан бирга диний илмлар ривожига ҳам катта эътибор берганлар. Зотан диний илмлар жамият тараққиётида, инсонларнинг камол толиши ва уларнинг дунёқарашининг шаклланишида алоҳида роль ўйнаган.

Жаҳоншумул аҳамиятга эга асарлар яратган буюк алломалардан бири — машҳур мұхаддис (ҳадис илми олими) Абу Исо Мұхаммад ат-Термизийдир. Унинг тулиқ исми Абу Исо Мұхаммад ибн Савра ибн Мусо ибн ад-Даҳҳок ас-Сулламий (умрининг охирларида кузи ожиз бўлиб қолганлигидан ад-Дарийр тахаллуси билан ҳам аталган) ат-Термизий бўлиб, у ҳижрий ҳисобда 209 (милодий 824) йилда Термизда, унча бадавлат бўлмаган оиласда таваллуд топди. Марказий осиёлик машҳур олим ва тарихчи Абу Саад Абдулкарим ас-Самъоний (113/1167) «Ал-Ансоб» номли асарида ёзишича, ат-Термизий Буғ (ҳозирги Шеробод тумани) қишлоғида вафот этганлиги учун унинг номига ал-Буғий тахаллуси ҳам кўшилган. Унинг ёшлиқ йиллари Термиз шаҳрида утиб, дастлабки маълумотни ҳам шу шаҳарда олган. Чунончи, ёзма манбалар, тарихий осори-атиқалардан

маълумки, ўрта асрларда Термиз ҳам Марказий Осиёнинг Урганч, Бухоро, Самарқанд сингари илм-фан ва маданияти ривожланган шаҳарлардан бири бўлган. Мана шундай маданий мұхитда усган ат-Термизий ёшлигидан турли илмларни эгаллашга зур қизиқиш билан интилган. Болалигидан ўта зийраклиги, ёдлаш қобилиятиning кучлилиги, ноёб қобилияти билан ўз тенгқурларидан ажралиб турган ат-Термизий диний ва дунёвий фанларни, айниқса, ҳадис илмини алоҳида қизиқиш билан эгаллаб, бу борадаги ўз билимларни муттасил ошириш учун кўпгина Шарқ мамлакатларини зиёрат қилган. Жумладан, у узоқ йиллар Ироқда, Исфаҳон, Хурросон, Макка ва Мадинада яшаган. Кўп йиллар давом этган сафарлари чоғида ат-Термизий илм-фаннынг турли соҳаларидан — илм ал-қироат, илм ал-баён, фикҳ, тарих, айниқса, ўзи ёшлигидан қизиққан ҳадис илмидан ўз даврининг йирик олимлари — машҳур муҳаддисларидан таълим олади. Унинг устозларидан имом ал-Бухорий, имом Муслим, имом Абу Давуд, Кутайба ибн Саъид, Исҳоқ ибн Мусо, Маҳмуд ибн Файлон ва бошқа машҳур муҳаддисларни кўрсатиш мумкин. Манбаларда ёзилишича, ҳадисларни тўплашда ва ўрганишда ат-Термизий ҳар бир қўлай фурсатдан унумли фойдаланган. У йўлда, сафарда бўлганда ҳам ёки бир жойда муқим турганда ҳам ўз устозларидан, учратган ровийларидан эшигтан ҳадисларни дарҳол ёзип олиб, уларни тартибли равишда алоҳида-алоҳида қайд қилиб борган.

Ўз даврининг етук муҳаддис олими сифатида танилган ат-Термизий кўпдан-кўп шогирдларга устозлик қилган. Ҳадис илмидаги унинг шогирдларидан Макхул ибн ал-Фадл, Мұхаммад ибн Маҳмуд, Анбар, Ҳамад ибн Шокир, Абд ибн Мұхаммад ан-Насафюн, ал-Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший, Аҳмад ибн Юсуф ан-Насафий ва Абул-Аббос Мұхаммад ибн Маҳбуб ал-Маҳбубийларни санаб ўтиш мумкин. Мусофирчиликдан қайтган ат-Термизий ўз юртида йирик муҳаддис олим сифатида шуҳрат қозонди ва ижодий иш, шогирдлар тайёрлаш билан машғул бўлди. У 279 ҳижрий (милодий 892) йилда Термиздан узоқ бўлмаган Буғ қишлоғида вафот этади ва шу ерда дағн қилинади.

Ўз ижодий ва илмий фаолияти даврида ат-Термизий бир қанча асрлар яратдики, уларнинг аксарият қисми бевосита ҳадисларга бағищланган. Гап шундаки, VII асрнинг биринчи ярмида давр жиҳатдан қисқа муддатда юзага келган Куръони карим ислом таълимотига катта маданий ва тарихий аҳамиятга эга асосий манба бўлсан, мусулмон дунёсининг ижтимоий, ҳуқуқий ва ахлоқий томонларига оид жамики масалаларни ҳар томонлама тута-түкис қамраб ололмаган, албатта. Шу боисдан ҳам ислом дини чегараларининг кенга-Ниши, унинг қонун-қоидаларига асосланган жамият ривожланган сари

турли-туман янги ғоявий фикр-мулоҳазалар ва курсатмаларга эҳтиёж тобора кучая борган. Шу сабабдан ҳам барча жиҳатлардан намунали зот ҳисобланган пайғамбар Мұхаммад алайҳиссаломнинг ўзлари айтган ибратомуз панд-насиҳатлар, диний, ахлоқий масалаларга доир қараашлари, кўрсатмалари ҳамда пайғамбар алайҳиссалом ҳаёти, фаолияти хусусида қариндош-уруглари, саҳобалари, яқин сафдошлиари айтган ҳикоят ва ривоятлари — ҳадисларни тўплаш кенг кўламда авж олган. Шунга кура, ислом таълимотида ҳадислар Куръондан кейин турадиган муҳим манбалар ҳисобланади. Ислом уламолари ўртасида илк даврдан бошлаб ҳадисларнинг тўғрилиги, уларни ишончли манбаларга асосланишига катта эътибор берилган. Чунончи, ўша даврнинг ўзидан бошлабоқ ноаниқ, чала-чулла, ҳатто соҳта ҳадислар ҳам эл орасида тарқай бошлаган. Шундай пайтларда улар қайта-қайта текширилиб, муҳаддисларнинг бетиним меҳнати натижасида асл ҳолига қайтарилиб, ёзма равища қайд қилинган. Натижада исломшунос Йирик уламолар орасида ишончли манбалар асосида тўплангандан тартибга келтирилган олтига ҳадислар тўплами (Ас-сиҳоҳ ас-ситта) муаллифлари энг нуфузли ва мўътабар муҳаддислар деб тан олинган. Мана шу эътироф этилган машҳур муҳаддислардан бири — И мом ат-Термизийдир.

Ат-Термизий қаламига мансуб асарларнинг аксарияти бизгача етиб келган. «Ал-жомиъ» («Жаъмловчи»), «Аш-шамоил ан-набавийа» («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари»), «Ал-илал фи-л-ҳадийс» («Ҳадислардаги оғишишлар»), «Рисола фи-л-хилоф ва-л-жадал» («Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола»), «Аттарих» («Тарих»), «Китоб аз-зухд» («Тақво ҳақида китоб»), «Китоб ул-асмо ва-л-куна» («Ислмлар ва лақаблар ҳақида китоб») каби асарлар шулар жумласига киради.

Ат-Термизийнинг асарлари ичига энг машҳури, шубҳасиз, «Ал-жомиъ» бўлиб, аввал эслатиб ўтганимиздек, пайғамбар алайҳиссаломга доир олтига ишончли ҳадислар тўпламларидан биридир. Узбу асар илмий адабиёт ва манбаларда «Ал-жомиъ ал-кабир» («Катта тўплам»), «Ал-жомиъ ус-саҳийҳ» («Ишончли тўплам»), «Жомиъ ат-Термизий» («Термизий тўплами»), «Сунан ат-Термизий» («Термизий суннатлари») номи билан ҳам аталиб, пайғамбар алайҳиссалом ҳаёти ва фаолиятига доир муҳим манбалардан ҳисобланади.

Ат-Термизийнинг машҳур таълифларидан яна бири «Аш-Шамоил ан-набавийа» («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари») бўлиб, баъзи манбаларда «Аш-шамоил фи шамоил ан-набий саллогоҳу алайҳи вассаллам» номи билан ҳам келтирилган. Номидан ҳам кўриниб турибдики, бу асар пайғамбар алайҳиссаломнинг шахсий ҳаётлари, у кишининг суврат ва сийратлари, ажойиб фазилатлари, одатларига оид 408 ҳадиси шарифни ўз ичига қамраган манбадир. Бу

ўринда шуни таъкидлаш керакки, пайғамбар алайҳиссаломнинг фазилатлари, одатлари ҳақидаги ҳадисларни тўплаш билан жуда кўп муҳадислар шуғулланганлар ва бу хилдаги ҳадислар турли-туман китоблардан ўрин олган. Лекин ат-Термизий асарининг афзалиги шундаки, у ҳадисларни мунтазам равишда тўплаб, муайян тартибга солгани ва яхлит бир китоб ҳолига келтирган. Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаётига доир муҳим манба сифатида «Аш-шамоил ан-набавийа» азалдан исломшунос олимлар, тадқиқотчиларнинг дикқатини ўзига тортиб келди. Араб тилида ёзилган ушбу асарга бир қанча шарҳлар ҳам ёзилган. Щу билан бир қаторда ушбу асарнинг тили равон, услуги боятда оддийлигини ҳам қайд қилиб ўтиш ўринлидир. Асарнинг форс ва турк тилларига таржима қилиниши ҳам унга бўлган қизиқишининг катталигидан далолат беради.

«Аш-шамоил ан-набавийа»нинг биринчи қисмида келтирилган ҳадиси шарифлар пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи вассалламнинг суврат (ташқи қиёфа)ларига, иккинчи қисмида келтирилган ҳадиси шарифлар эса ички дунёларию ахлоқий фазилатларини баён қилишга бағишиланган.

«Аш-шамоил ан-набавийа»нинг XVI асрга оид бир қўлёзмаси Тошкентда, Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланмоқда. 1980 йилда Тошкентдаги Диний бошқарма буюртмаси билан «Аш-шамоил ан-набавийа»нинг ушбу қўлёзмаси оғсет услугида нашр этилган бўлиб, унга қисқача сўзбоши Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диний бошқармаси ҳайъатининг собиқ раиси, марҳум муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳазратлари томонидан ёзилган.

«Аш-шамоил ан-набавийа» сўнгти йилларда ҳам Тошкентда бир неча бор нашр этилди. Бундан ташқари алломанинг 1200 йиллик юбилейи (1990) муносабати билан газета ва журнallарда у ҳақида кўплаб мақолалар чоп этилди.

Хуроса қилиб айтганда, буюк ватандошимиз Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий бизга бой ва катта илмий мерос қолдирган. Афсуски, ҳозирча бу қимматбаҳо мерос жумҳуриятимизда етарлича ўрганилгани йўқ. Кенг жамоачилик оммаси ҳам унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида боятда оз маълумотга эга.

## АБУ НАСР ФОРОБИЙ

(873—950)

Форобий унинг таҳаллуси бўлиб, тулиқ номи Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуғ Тархон — жаҳон маданиятига катта ҳисса қушган Марказий осиёлик машҳур файласуф, қомусий олим. Ўрта асрнинг бир қанча илмий ютуқлари, умуман Яқин ва Ўрта

Шарқ мамлакатларида тарақкыйпарвар ижтимоий-фалсафий тафак-кур ривожи унинг номи билан боғлиқ. Форобий ўз замонаси илмларининг барча соҳасини мукаммал билганлиги ва бу илмлар ривожига катта ҳисса қўшганлиги, юонон фалсафасини шарҳлаб, дунёга кенг танитганлиги туфайли Шарқ мамлакатларида унинг номи улуғланниб, «Ал-Муаллим ас-соний» — «Иккинчи муаллим» (Аристотелдан кейин), «Шарқ Арастуси» деб юритилган.

Форобий түркій қабілалардан бұлған ҳарбий хизматчи оиласыда, Сирдаре қырғыздан Фороб — Уттор деган жойда туғилған. У туғилған худуд Сомонийлар томонидан бошқарилиб, араб халифа-лигининг шимолий чегараси ҳисобланған. Форобий бошланғич маъ-лумотни она юртида олды. Сунг Тошкент (Шош), Бухоро, Самар-қандда үқиди. Кейинроқ ўз маълумотини ошириш учун араб халифа-лигининг маданий марказы бұлған Бағдодға келди. Бағдодда бу даврда мусулмон дүнёсінинг турли ўлкаларидан, хусусан Марказий Осиё-дан келган күп илм ахллари тұпланишган эди. У ерга бора түриб Форобий Эрон шаҳарлари — Исфақон, Ҳамадон, Райда ва бошқа жойларда бўлди. Форобий Бағдодда ал-Мутадил (829—902), ал-Муқтафий (902—908), ал-Муқтадир (908—932) халифаликлари даврида яшади. У бу ерда ўрта аср фани ва тилининг турли соҳалари, юнон фалсафий мактаблари билан чуқур танишиб, ўзга диний зъти-қод, фалсафий фикрдаги кишилар билан илмий мулокотда бўлди. Абу Башар Матта ибн Юнусдан (870—940) юнон тили ва фалса-фасини, Юҳанна ибн Хийлон (860—920)дан табобат ва мантиқ ил-мини үрганди. Айрим маълумотларға қараганда, у 70 дан ортиқ тил-ни билған.

Тахминан 941 йилдан бошлаб Форобий Дамашқда яшаган. Шаҳар чеккасидаги боғда қоровул бўлиб, камтарона кун кечириб, илм билан шуғулланган. Сўнгти йиллар у Ҳалаб (Алеппо) ҳокими Сайфуддавла Ҳамдамид (943—967) илтифотига сазовор бўлди. Тадқиқотчилар унинг Ҳалабдаги ҳаётини энг самарали давр ҳисоблайдилар. Чунки бу ҳоким ҳурфиксалилар, илм-фанга эътибор берганлиги билан ажralиб турган. У Форобийни саройга таклиф этади, лекин Форобий бунга кўнмайди, оддий ҳаёт кечиришни афзal кўради.

Форобий 949—950 йилларда Мисрда, сунг Җамашқда яшаб, шу ерда вафот этган ва «Боб ас-сағир» қабристонига дағын қилингандай илдели.

Форобий урта аср даври табиий-илмий ва ижтимоий билимларининг қарийб барча соҳаларида 160 дан ортиқ асар яратган. У турли билимларнинг назарий томонлари, фалсафий мазмуни билан кўпроқ қизиқканлиги учун унинг асарларини 2 гурухга ажратиш мумкин: 1) юнон файласуфлари, табиатшуносларининг илмий меросини изоҳлаш, тарғиб қилиш ва урганишга бағишиланган асарлар; 2) фаннинг турли соҳаларига оид мавзулардаги асарлар.

Форобий қадимги юон мутафаккирлари — Платон, Аристотель, Эвклид, Птолемей, Порфирийларнинг асарларига шарҳлар ёзган. Айниқса, Аристотель асарлари («Метафизика», «Этика», «Риторика», «Софистика» ва б.)ни батрафисил изоҳлаб, қийин жойларини тушунтириб бера олган, камчиликларини кўрсатган, айни вақтда бу асарларнинг умумий мазмунини очиб берувчи маҳсус асарлар яратган. Форобий шарҳлари Ўрта ва Яқин Шарқ илғор мутафаккирларининг дунё-қаришини шакллантиришда, уларни Аристотель foялари руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга булди. Абу Али ибн Сино Форобий шарҳлари («Метафизика» — «Мобаъдий табиат»)ни ўқиб, Аристотель асарларини тушунганилигини алоҳида таъкидлайди. Форобийнинг шарҳ ёзиш фаолияти фақат Шарқнигина эмас, урта аср Оврупосини ҳам юон илми билан таништиришда катта роль ўйнади. Бу фаолият унинг илмий фаолияти тараққиётининг биринчи босқичини ташкил этади. Бу босқич Форобийга ўзига хос мактаб хизматини ўтаган ва янги мавзуларда тадқиқотлар олиб бориш учун замин ҳозирлаган.

Форобийнинг бундай асарларини мазмунига қараб қуйидаги гурхларга булиш мумкин:

1) фалсафанинг умумий масалаларига, яъни билиминг умумий хусусиятлари, қонуниятлари ва турли категорияларига бағищланган асарлар: «Субстанция ҳақида сўз» («Калом фи-л жавҳар»), «Масалалар манбаи» («Ўюнул масоил»), «Қонулар ҳақида китоб» («Китоб фи-л навомис»), «Фалак ҳаракатининг доимиyllиги ҳақида» («Китоб фи-л ҳаракат ал-фалака доиматун») ва б.;

2) инсон билиш фаолиятининг фалсафий томонларига бағищланган, яъни билишнинг шакллари, босқичлари, усуслари ҳақидаги асарлар. Мантиқ (логика)нинг турли муаммоларига доир асарлари ҳам шунга киради: «Катталарнинг ақли ҳақида сўз» («Калом фи-л ақл ал-Кабир»), «Ёшларнинг ақли ҳақида китоб» («Китоб фи-л ақл ас-сағир»), «Мантиқ ҳақида катта қисқартма китоб» («Китоб ал-муҳтасар ал-кабир фи-л мантиқ»), «Мантиққа кириш котиби» («Китоб ал-мадхал ила-л мантиқ»), «Исбот китоби» («Китоб ал-бурхон»), «Силлогизм шартлари китоби» («Китоб шароит ал-қиёс»), «Жон (руҳ)нинг моҳияти ҳақида рисола» («Рисола фи моҳият ан-нафс») ва б.;

3) фалсафа ва табиий фанларнинг фан сифатидаги мазмуни, тематикаси ҳақидаги асарлар: «Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи» («Китоб фи ихсо ал-улум ва ат-таъриф», қисқача номи «Ихсо ал-улум»), «Фалсафа тушунчасининг маъноси ҳақида сўз» («Калом фи маъони исм ил-фалсафа»), «Фалсафани урганишдан олдин нимани билиш кераклиги ҳақида китоб» («Китоб фи ашё аллати яхтожу анталлама кабл ал-филсафа»), «Фалсафага изоҳлар» («Таолик фи-л ҳикмат») ва б.;

4) модданинг миқдори, фазовий ва ҳажмий муносабатларини ўрганишга бағищланган, яъни математика фанлари — арифметика, геометрия, астрономия ва мусиқага оид асарлар: «Ҳажм ва миқдор ҳақида

сүз» («Калом фи-л хийз ва-л миқдор»), «Фазо геометриясига кириш ҳақидаги қысқартма китоб» («Китоб ал-мадхал ила-л ҳандасат ал-вахмияти мухтасарсан»), «Астрология қоидалари ҳақида мұлоҳазаларни тұғрилаш усули ҳақида мақола» («Мақола фи-л жиҳат аллаятты яссекху алайх ал-қавл би ахком ан-нужум»), «Мусиқа ҳақида катта китоб» («Китоб үл-мусиқа ал-кабир»), «Мусиқа ҳақида сўз» («Калом фи-л мусиқий»), «Ритмлар туркүмлари ҳақида китоб» («Китоб үл фи ихсо-ил-иқо») ва б.;

5) модда хоссалари ва турларини, ноорганик табиатнинг, ҳайвонлар ва инсон организмининг хусусиятларини ўрганувчи, яъни табиий фанлар — физика, кимё, оптика, тиббиёт, биологияга бағишлиланган асарлар: «Физика усуллари ҳақида китоб» («Китоб фи усул илм ат-табиат»), «Алкимё илмининг зарурлиги ва уни инкор этувчиларга раддия ҳақида мақола» («Мақола фи вужуб саноат алкимё ва-р радд ала мубтилухо»), «Инсон аъзолари ҳақида рисола» («Рисола фи аъзо ал-инсония»), «Ҳайвон аъзолари тұғрисида сўз» («Калом фи аъзо ал-ҳайвон») ва б.;

6) тильтунослик, шеърият, нотиклик санъати, ҳаттотлика оид асарлар: «Шеър ва қофиялар ҳақида сўз» («Калом фи шеър ва-л қавофи»), «Риторика ҳақида китоб» («Китоб фи-л хитоба»), «Лугатлар ҳақида китоб» («Китоб фи-л луғат»), «Ҳаттотлик ҳақида китоб» («Китоб фи санъат ал-қитобат») ва б.;

7) ижтимоий-сиёсий ҳаёт, давлатни бошқариш масалаларига, ахлоқ, тарбияга бағишлиланган, яъни ҳукуқшунослиқ, этика, педагогикага доир асарлар: «Бахт-саодатта эришув йүллари ҳақида рисола» («Рисола фи-т танбих ала асбоб ас-саодат»), «Шаҳарни бошқариш» («Ас-сиёсат ан-мадания»), «Уруш ва тинч турмуш ҳақида китоб» («Китоб фи маойиш ва-л хуруб»), «Фазилатли хулқлар» («Ас-сийрат ал-фазила») ва б.

Форобийнинг илмий мероси, умуман, ўрта аср Шарқининг маданий-маънавий ҳаётидан, табиий-илмий, ижтимоий-сиёсий масалаларидан жуда бой маълумот беради. Мутафаккир ўз асарларини ўша даврда Шарқ мамлакатларида илмий-адабий тил ҳисобланған араб тилида ёзди. Форобий шунингдек, араб ва форс тилларida фалсафий мазмундаги шеърлар ҳам ёзған.

Форобий асарлари XII—XIII асрлардаेқ лотин, қадимий яхудий, форс тилларига, кейинчалик бошқа тилларга таржима қилиниб, дүнёға кенг тарқалған. Сүнгити асрларда күчирілған нусхалари күп мамлакатларнинг кутубхона ва муассасаларыда сақланади. Тошкентда Беруний номидаги Шарқшунослик институтида қадимги Шарқ файласуфлары асарларидан жами 107 рисолани, жумладан, Форобийнинг 16 рисоласини (арабча) ўз ичига олған «Ҳакимлар рисолалари тұплами» («Мажмуат расоил ал-хукамо», Құләзмалар фонди, 2385-ин.) бор. Бу ноёб құләзма Форобий асарларини ўрганишда мұхим

аҳамиятга эга. Тұлламдаги Форобий рисолалари 1975 йили қисман үзбек тилига таржима қилиніб нашар этилди.

Форобийнинг табиий-илмий фанлар ҳақидағи қараашлари «Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи» асарыда баттағысыл ёритилған. Китобда Үрта асрда маълум бўлган 30 дан ортиқ фаннинг таърифи, аҳамияти кўрсатиб берилади. Барча фанлар 5 гурӯхга ажратилади: 1) тил ҳақидағи илм (7 бўлим — грамматика, орфография, шеърият); 2) мантиқ ва унинг бўлаклари; 3) математика (арифметика, геометрия, оптика, астрономия, мусиқа, оғирликлар ҳақидағи илм, механика); 4) табиатшунослик ва метафизика (8 бўлим — башорат қилиш, тиббиёт, алкимё); 5) шаҳар ҳақидағи фанлар — сиёсий илм, фикъ, қалом (этика, педагогика).

Фанларнинг бу таснифи ўз даврида илмий билимларни маълум тизимга солишининг мукаммал шакли бўлиб, билимларнинг кейинги ривожи учун катта аҳамиятта эга бўлди.

Шу нарса диккәтта сазоворки, Форобий табиий ва ижтимоий фанларни вазифасидан келиб чиқиб тўғри фарқлаган. Унинг талқинича, математика, табиатшунослик, метафизика фанлари инсон ақлини билимлар билан бойитиш учун хизмат қиласа, грамматика, мантиқ, шеърият каби илмлар фанлардан тўғри фойдаланишни, билимларни бошқаларга тўғри тушунтириш, яъни ақлий тарбия учун хизмат қилган. Сиёсат, ахлоқ, таълим-тарбияга оид билимлар эса кишиларнинг жамоаларга бирлашувини, ижтимоий ҳаётта тегишли қоидаларни ўргатади.

Форобий инсоннинг амалий фаолияти учун табиий фанларнинг аҳамиятини яхши түгунлади. Бундай фанларни у реал нарсалар ҳақидағи илмлар деб атайди. У юнон табиатшунослари Эвклид, Птолемей, Гален китобларига ёзган шарҳларида, ўзининг геометрияга доир китобида антик дунё, Үрта аср математик гояларининг йирик билимдони сифатида майдонга чиқди, математиканинг бир қанча мураккаб категориялари ва маҳум тушунчаларини илмий нуқтаи назардан ҳал этиш Йўларини қидирди, хусусан, сон ҳақидағи эҳтимоллик назарияси тўгрисидаги гояларни бойитди.

Форобий «Олдузлар ҳақидағи қоидаларда нима тўғри ва нима хотўрлилиги тўгрисида» рисоласида осмон жисмлари билан ердаги ҳодисалар ўртасидаги табиий алоқаларни, хусусан, булутлар ва ёмғирлар пайдо бўлишининг Куёш иссиқлиги таъсирида буғланишга сабабий боғлиқлигини ёки Ой тутилиши Ернинг Куёш билан Ой ўртасига тушшиб қолишига боғлиқ эканлигини курсатган эди. Бу билан у осмои жисмларига қараб «фол очувчилар»ни фош қилиди. Форобий арzon металларни қимматбаҳо металларга айлантиришга уринувчиларни (қ. Алкимё) танқид қилиб, кимёга табиий илмларнинг бир қисми сифатида қарали. Форобий табиблик билан бевосита шуғулланмаган бўлса-да, назар-

рий тиббиётни яхши билган. Унинг тиббий қараашлари «Инсон аъзолари ҳақида» рисоласида баён қилинган. У инсон аъзоларини, турли хил касалликлар сабабини, уларнинг пайдо бўлиш шароитларини алоҳида алоҳида ўрганишни, организмнинг саломатлигини тиклаш учун керакли озиқ-овқатларга эътибор беришни қайд этади. Инсоннинг руҳий ва жисмоний ҳолати ташки омиллар мухит таъсирига боғлиқлиги-га эътибор беради. Унинг тиббиёт вазифаси, мақсади ҳақидаги қараашлари Ибн Синонинг бу ҳақдаги қараашларига катта таъсир кўрсатди.

Форобий дунёкарашининг шаклланишига асосан Шарқнинг қадимги илғор маданияти анъаналари, араб халифалигига қарши ҳалқ ҳаракатлари, Ўрта аср табиий-илмий тафаккур ютуқлари, Юноистоннинг фалсафий мероси таъсир кўрсатди. Форобий авваламбор Аристотель таълимотини тиклаш, асослаш ва илғор томонларини сунгти илмий ютуқлар асосида ривожлантиришга ҳаракат қилиб, Шарқ аристотелизм оқимини вужудга келтирди. Бу оқимнинг услуби, мухим масалалари, категорияларини ишлаб чиқди.

Форобийнинг фалсафий таълимоти моҳият-эътибори билан анъанавий илоҳиёт — каломдан тубдан фарқ қилиб, илмий гоялар билан йўғрилгандир. Форобий фалсафасига кўра, олам ягона мавжудотдан иборат, ягона вужуд — вужуди вожиб, яъни азалий вужуд — биринчи сабаб ҳамда вужуди мумкин — яратилган, келиб чиқсан вужудлар натижаларидан иборатdir. Аллоҳ — азалий вужуд (вужуди вожиб) ҳамма нарсанинг ибтидоси, барча вужудлар — вужуди мумкин ундан аста-секинлик билан поғонама-поғона келиб чиқади, бунинг сунгти поғонаси моддадир. Унинг фикрича, табиат модданинг турли шаклларининг пайдо бўлиши, сабаб-оқибат муносабатлари асосида, муайян изчиллик ва зарурат бўйича кечадиган тадрижий жараёндир. Форобий «Масалалар моҳияти», «Ўзгарувчан нарсалар ҳақида» рисолаларида модда фазода ҳам, вактда ҳам чекланмаган, интиҳосиз деган фикрни илгари суради. Шу тарзда пантеизмнинг Шарқдаги кўриниши вужудион таълимотини янги гоялар билан бойитди.

Борлиқнинг келиб чиқиши ҳақида Форобий таълимотида — мавжудот 4 унсур — тупроқ, сув, ҳаво, оловдан ташкил топади; осмон жисмлари ҳам шу унсурларнинг бирикувидан вужудга келади. Моддий жисмларнинг узаро фарқ қилишига сабаб, уларнинг ибтидосидаги унсурларнинг турлича бўлишидир: олов — иссиқлик сабаби; сув — со-вуклик, намлик; тупроқ — қаттиқлик сабаби. Форобий бутун мавжудотни сабаб ва оқибат муносабатлари билан боғланган б даражада (сабаб) га бўлади: Аллоҳ (ас-сабаб ал-аввал), осмон жинслари (ас-сабаб ас-соний), ақл (ал-ақл ал-фаол), жон (ан-нафс), шакл (ас-сурат), материя (ал-модда). Булардан Аллоҳ — вужуди вожиб, яъни зарурий мавжудликдир, қолганлари эса — вужуди мумкин, яъни имконий мавжуд нарсалардир. Булар бир-бирлари билан сабабий боғланган.

Форобий учун дунё ғунча бўлиб, аста-секин ўзининг ранг-баранг томонларини ва битмас-тутанмас бойликларини тобора кўпроқ намоён қилиб очила боради. Борлиқнинг бундай талқини табиий-илмий фояларнинг янада ривожланиши учун кент йўл очди. Абу Али ибн Сино ва ундан кейинги мутафаккирлар ўзларининг фалсафий қарашларида шу борлиқ тизими асосида иш олиб бордилар.

Илм, билиш ва акл ҳақидаги таълимот Форобий асарларида изчил ва мукаммал ишланган. Илм олиш масаласига у инсон моҳиятини тушунтириб беришнинг таркибий қисми сифатида қаради.

Форобий фикрича, инсоннинг билишини, руҳий қобилиятларини мия бошқаради, юрак эса барча аъзоларни ҳёт учун зарур бўлган қон билан таъминловчи марказдир, барча руҳий «кувватлар», жумладан билиш қобилияти муайян аъзога боғлиқ.

Форобий «Илм ва санъатнинг фазилатлари» рисоласида табиатни билишнинг чексизлигини, билим билмаслиқдан билишга, сабабиятни билишдан оқибатни билишга, сифатлардан акциденция (ал-ораз)дан субстанция — моҳият (жавҳар)га қараб илмнинг борган сари ортиб, чуқурлашиб боришини таъкидлайди.

Инсоннинг ибтидосида, аввало «озиқлантирувчи кувват» пайдо булиб, унинг ёрдамида инсон овқатланади. Шундан сунг «ташқи кувват», яъни бевосита ташқи таъсир натижасида сезги органлари орқали вужудга келувчи «кувват»лар — 5 турлидир: тери-бадан сезгиси; таъм билиш сезгиси; ҳид билиш сезгиси; эшитиш сезгиси; кўриш сезгиси. Буларнинг ҳаммасини Форобий «ҳиссиёт куввати» («кувваи ҳиссийя») деб атаб, ҳиссий билиш қисмлари сифатида қарайди. «Ички кувват»га эсда олиб қолиш, хаёл (хотира, тасаввур), ҳис-туйғу, нутқ (фикрлаш) «кувват»лари киради. «Ички кувват»да Форобий аклий билиш босқичини назарда тутади. Илмни эгаллаш шу кувватлар орқали амалга оширилади.

Форобий билиш жараёни ҳар 2 босқичга боғлиқлигини, аклий билиш ҳиссий билишсиз вужудга келмаслигини алоҳида таъкидлайди.

Форобий «Акл маънолари ҳақида» рисоласида акл масаласини чукур талқин қилади. У акл бир томондан, руҳий жараёни, иккинчи томондан, ташқи таъсир — таълим-тарбиянинг натижаси эканлигини уқдиради. Форобий фикрича, акл фақат инсонгатина хос бўлган түгма кувват — руҳий куч билан боғлиқ.

Форобийнинг акл, умуман билиш ҳақидаги таълимотида мантиқ (логика) илми мұхим ўрин тутади. «Мантиқ санъати кишига шундай қонунлар ҳақида маълумот берадиши,— деб ёзган эди у,— бу қонунлар воситасида акл чиниқади, инсон соғлом фикр юритишга урганади». Форобий мантиқ илми билан грамматика уртасидаги муштаракликни қайд этади: мантиқнинг аклта муносабати грамматиканинг тилга муносабати кабидир. Грамматика одамлар нутқини тарбиялагани каби,

мантиқ илми ҳам тафаккурни ҳақиқий йўлдан олиб бориш учун ақлни тұғрилаб туради.

Форобий логикаси мусулмон Шарқидаги сүнгти мантиққа оид фикрларнинг ривожига катта турткі берди.

Форобийнинг билиш, мантиқ, ақл ҳақидағи фикрлари унинг инсон ҳақидағи таълимоти учун хизмат қылади, унга буйсундирилгандир. Ақлға эга бўлиш, билимли, мантиқли бўлиш билан чегараланмай, у маълум ахлоқий принципларга, ахлоқий маданиятта эгалик билан якунланиши керак.

Форобий ақлли инсон ҳақида гапириб бундай ёзади: «Ақли деб шундай кишиларга айтиладики, улар фазилатли, утқир мулоҳазали, фойдалы ишларга берилган, зарур нарсаларни кашф ва ихтиро этишга зўр истеъоддга эга, ёмон ишлардан ўзини четта олиб юрадилар. Бундай кишиларни оқил дейдилар. Ёмон ишларни ўйлаб топиш учун зеҳнидрекка этга бўлганларни ақлли деб булмайди, уларни айёр, алдоқчи деган номлар билан атамоқ лозим».

Форобий Ўрга асрлар шароитида биринчи бўлиб жамиятнинг келиб чиқиши, мақсад ва вазифалари ҳақида изчил таълимот яратди. Бу таълимотда ижтимоий ҳаётнинг куп масалалари — давлатни бошқариш, таълим-тарбия, ахлоқ, маърифат, диний эътиқод, уруш ва яраш, меҳнат ва бошқалар қамраб олинган.

Форобий «Фозил шаҳар аҳолисининг маслаги» рисоласида жамият («инсон жамоаси»)нинг келиб чиқиши ҳақида бундай ёзади: «Хар бир инсон табиатан шундай тузилганки, у яшац ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни кўлга кирита олмайди, уларга этга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади... Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда, уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди».

Форобий шаҳарни ижтимоий уюшишининг етук шакли, инсоният камолотта эришишининг зарурий ғоситаси, деб ҳисоблайди. Бутун инсонларни ўзаро ҳамкорликка, ҳалқларни тинчликка чакиради, дунёда ягона инсон жамоасини тузиш ҳақида орзу қылади. Мутафаккир инсон қадр-қимматини камситувчи жамиятта қарши чиқади. «Давлат арбобининг ҳикматлари» рисоласида эса у доимий урушлар ва босқинчиликка асосланувчи жамиятни адолатсиз, жоҳил жамият сифатида қоралайди.

Форобий ўзининг фозил жамоасида одамларни турли белгиларга қараб гуруҳларга бўлади. Кишиларнинг диний мазҳабига, миллатига, ирқига қараб эмас, балки табиий хусусиятларига, қобилиятларига, аввало ақлий иқтидорига ҳамда илмларни ўрганиш, ҳаётий тажриба

туплаш жараёнида ортирган билим ва қуникмаларига катта аҳамият беради. Итоаткорликка даъват этувчи таълимотларни кескин қоралайди.

Форобий «Бахт-саодатга эришув йуллари ҳақида рисола», «Бахт-саодатга эришув ҳақида рисола» асарларида ўзининг орзу қилган фозил жамиятини яна ҳам ёрқин тасвирлайди. «Давлатнинг вазифаси инсонларни бахт-саодатга олиб боришидир,— деб ёзди у,— бу эса илм ва яхши ахлоқ ёрдамида кулга киритилади». Форобий давлатни етук шахс (монархия), етук хислатларга эга бўлган бир неча шахслар (аристократия) ва сайланган шахслар (демократия) ёрдамида бошқариш шаклларини қайд этади.

Форобий жамият ўз ривожида етукликка томон интилиши, шунинг учун кураш олиб бориши ва ниҳоят фозил жамият, фозил шаҳар даражасига кўтарилиши ҳақида фикр юритади.

У шундай ёзди: «Фозил жамият ва фозил шаҳар (ёки мамлакат) шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-хунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар... Улар орасида турли яхши одатлар, завқ-лаззатлар пайдо бўлади». Форобий бундай фозил жамоани бошқарувчи подшоҳ, раҳбарларга ҳам маълум талаблар қуяди. У ҳалқ ҳақида доимо замхурлик қилиши, бошқалар манфаатини ўз манфаатидан устун қуя билиши зарур. Бундай жамоани идора этувчи ёки идора этувчилар гурухи узларида муҳим олти хислатни ифодалашлари керак, яъни адолатли, доно бўлиши, қонунларга риоя этиши ва қонунлар яратса олиши, келгусини олдиндан кура билиши, бошқаларга замхур бўлиши керак.

Форобийнинг фозил жамоа ҳақидаги таълимоти, унинг комил инсон ҳақидаги фикрлари билан узвий боғланниб кетади. Фозил жамоада комил инсон хислатлари вужудга келади. Масалан, ахлоқ-одобли етук инсон ўн икки фазилаттага эга бўлмоғи лозим. Бу фазилатлар инсонларнинг ўзаро муносабатлари мустаҳкамланиб, яхшилик томон йуналишида вужудга кела боради. Форобийнинг фозил жамоа ва комил инсон ҳақидаги таълимотлари сўнгги олим-мутафаккирларга катта таъсир кўрсатди.

Умуман олганда Форобийнинг фозил жамияти, комил инсони баҳт-саодат, ўзаро ёрдам, доно бошлиқ, тенглик ҳақидаги фикрлари ўз даври учун хаёлийдир. Лекин инсонни маънавий озод этишга, унинг имкониятларини очишга, гуманистик йўналишни асослашга қараилган бу таълимот илфор ижтимоий тафаккур тараққиётига буюк ҳисса бўлиб қушилди. Умумбашарий интилишларни ифодалади. Унинг ижтимоий ғоялари кейинчалик сўнгги мутафаккирлар: Абу Райхон Беруний, ибн Сино, ибн Рушд, Бахманёр, Низомий, Саъдий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бедил, Иқбол, Аҳмад Дониш ва бошқалар ижодида ривожлантирилди.

Форобий «Мусиқа ҳақида катта китоб» деган кўп жилдли асари билан Урта асрнинг йирик мусиқашуноси сифатида ҳам машҳур бўлди.

У мусиқа илмини назарий, амалий тармоқларга, куйларнинг ички тузилиши, қонуниятларини ҳисобга олиб таъриф ва илми иқога ажрагади.

Форобий мусиқа назариясида товушлар вужудга келишининг табиий илмий таърифини берибина қолмай, куйлар гармониясининг математик принципларини очади, турли жадваллар, геометрия қоидалари асосида куплаб мураккаб чизмалар келтиради. У Шарқ мусиқасининг ритмик асосини далиллар билан шарҳлаб беради. У ритмларни ташкил этган зарб бирликлари булмиш нақралар, уларнинг бирикмасидан ҳосил этиладиган руқилярнинг турли хиллари асосида яратиладиган ритм улчовлари ва турларини ёритиб берган.

«Мусиқа ҳақида катта китоб»да фақат мусиқа назарияси ва тарихи баён этилмай, Шарқда маълум бўлган рубоб, танбур, нофора, уд, қонун, най каби мусиқа асбоблари ҳамда уларда куй ижро этиш қоидалари тафсилоти ҳам берилган. Форобийнинг узи моҳир созандо, бастакор, манбаларда янги мусиқа асбобини ихтиро этганилиги, унда ниҳоятда таъсирчан куйлар яратгани қайд этилади. Форобий мусиқага инсон ахлоқини тарбияловчи, сиҳат-саломатлигини мустаҳкамловчи восита деб қараган. Унинг мусиқа соҳасида қолдирган мероси мусиқа маданияти тарихида оламшумул аҳамиятга эга.

Форобий ўз давридаёқ буюк олим сифатида машҳур бўлган. Шарқ халқларида у ҳақда турли ҳикоя, ривоятлар вужудга келган. Ўрта аср олимларидан ибн Халликон, ибн ал-Қифтий, ибн Аби Усабиъа, Бай-ҳақийлар ўз асарларида Форобий ижодини ўрганиб, унинг гояларини ривожлантирганлар. Хусусан, ибн Рушд Форобий асарларини ўрганибгина қолмай, уларга шарҳлар ҳам («Силлогизмга нисбатан ал-Форобийнинг фикри», «Абу Насрнинг мантиққа доир асарида ифодаланган икрнинг баёни» «Ал-Форобий, хусусан, унинг «Органон» изоҳларига турли шарҳлари» ва б.) ёзди. Аверроизм номи билан машҳур бўлган унинг фалсафий таълимотининг шаклланиши дастлаб Форобий ва ибн Сино фаолияти билан боғлиқ. Аверроизм илмий тенденцияларни ифодаловчи илғор йўналиш сифатида кенг ёйилган ва Ўйғониш даврининг кўп илғор мутафаккирлари дунёқарашига таъсир курсатган.

Гаражийпарвар инсоният Форобий ижодига ҳурмат билан қараб, унинг меросини чукур ўрганиди. Оврупо олимларидан Б. М. Штреншнейдер, Карра де Во, Т. У. Буур, Р. Хаммонд, Р. де Эрланже, Ф. Детериди, Г. Фармер, Н. Ришар, Г. Лей, Шарқ олимларидан Нафисий, Умар Фаррух, Туркер, М. Махди ва бошқалар Форобий меросини ўрганишга муайян ҳисса қўшдилар. Кейинги йилларда унинг ижоди ва таълимотига бағишлиланган бир қанча тадқиқотлар, асарлар юзага келди.

Ўзбекистон ва Қозоғистонда Форобий номига қўйилган куч, мактаб ва кутубхоналар мавжуд.

## АБУ БАКР НАРШАХИЙ

(899—959)

Абу Бакр Наршахий — Марказий Осиё тарихнавислигининг илк қадимий дурдоналаридан бири бўлмиш «Тарихи Бухоро» деб шуҳрат топган нодир асарнинг муаллифидир. У ўз асарини 943—944 йилларда араб тилида ёзган ва уни шу йилларда таҳтга ўтирган Сомонийлар давлати ҳукмдори Амири Ҳамид, яъни Абу Муҳаммад Нуҳ ибн Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил ас-Сомоний (943—954)га бағишлаган. «Бухоро тарихи»нинг узида ҳам бошқа тарихий манбаларда ҳам муаллифнинг ҳаёти ва фаолиятига доир бирор кенгроқ маълумот учрамайди. Фақат XIII аср муаллифи Самъонийнинг «Китоб ул-ансоб» асарида унинг тула исми Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Закариё ибн Ҳаттоб ибн Шарик эканлиги ва у Бухоро аҳлидан (Наршах қишлоғидан) бўлиб, 286 ҳижрий (899 мелодий) йили таваллуд топган ва 348 (959) йили вафот этганлиги эслатилади.

Афсуски, «Бухоро тарихи»нинг араб тилида ёзилган асл нусхаси бизгача етиб келган эмас. Бизга насиб бўлгани — бу форс тилига таржима қилиниб, қарийб уч аср давомида бир неча бор таҳrir, қисқартиш ва қўшимчаларни бошидан кечирган нусхадир.

Асарнинг сўз бошисида айтилишича, 1129 йили асли ҳозирги Кувашаҳаридан бўлган Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Наср ал-Кубовий Наршахийнинг китобини дустларининг илтимосига биноан араб тилидан форсийга таржима қилган ва бунда у асарнинг баъзи жойларини қисқартирган; аммо, шу билан бирга айрим қўшимчаларни ҳам киритган. Шундан яром аср ўтгач, мазкур форсий таржима яна қайтадан таҳrirрга учраган; 1178—1179 йиллар давомида Муҳаммад ибн Зуфар ибн Умар асарни иккинчи марта қисқартириб баён этган. Аммо асарни ўқир эканмиз, биз унда мазкур 1178 йилдан кейинги, то 1220 йилгача бўлиб ўтган тарихий воқеалар ҳақида ҳам қисқа-қисқа маълумотларни учратамиз. Бу ҳол шуни курсатадики, Муҳаммад ибн Зуфарнинг қисқартиришидан (яъни 1178 йили) кейин ҳам бир неча номаълум кишилар ана шу форсий таржимани таҳrir қилганлар. Улар асарни яна қисқартирганлар дейишга асос бўлмаса-да, лекин қўшимчалар киритганликлари воқеалар мазмунидан куриниб турибди.

«Бухоро тарихи»нинг қўлимиздаги барча нусхалари ана шу 1220 йилгача давом эттирилган матнни ўз ичига олади. Асарнинг араб тилидаги асли бизгача етиб келмаганидек, форсий таржима ҳам кейинги таҳrirчилар орқалигина мавжуддир. Чунончи, таржимон Абу Наср Аҳмад асардаги баъзи жойларни қисқартириш билан бирга, унга катта тарихий аҳамиятга эга бўлган маълумотларни киритган. Бунда у ўзидан олдинги ишончли манбалардан фойдаланган. Улардан бири IX аср му-

аллифи Абулҳасан Абдурраҳмон ибн Муҳаммад Нишопурийнинг «Хазоин ул-улум» номли асариdir. Бундан ташқари таржимон Абу Исҳоқ, Иброҳим ибн ал-Аббос ас-Сулийнинг «Ахбори Муқаннаъ» асаридан, Абу Жаъфар Муҳаммад ат-Табарийнинг «Тарихи Табарий» асаридан кўшимчалар келтирган.

Таржимон Абу Наср Аҳмад ва ундан кейинги таҳрирчи, қайта ишловчилар ҳам «Тарихи Бухоро» матнига анчагина ўзгаришилар киритган бўлсалар ҳам, аммо Наршахий номини муаллиф сифатида сақлаб қолганилар. Масалан, асарда учрайдиган «бу китобнинг мусаннифи айтади» (Техрон нашри, 1939 й., 4- бет) деган таъкидлар буни яққол исботлайди. Лекин шунга қарамай, Наршахий ўз асарини тамомлаган 944 йилдан кейинги, то 1220 йилгача бўлган воқеалар муаллифлари деб биз мазкур таржимон ва таҳрирчиларни танимогимиз лозим.

Наршахийнинг ўзи аслида асарга қандай ном берганлиги маълум эмас. Шунинг учун у кўлёзма нусхаларда ва тарихий адабиётларда «Тарихи Наршахий», «Таҳқиқ ул-вилоят», «Ахбори Бухоро», «Тарихи Бухоро» номлари билан юритилади. Лекин улардан энг аникроғи ва илмий адабиётда кўпроқ ишлатиладигани «Тарихи Бухоро»дир.

Наршахийнинг бу китобида асосан Бухоро воқасининг обод бўлиши, овчилик, балиқчилик ва деҳқончиликнинг касб этилиши, Нумижкат, Пойканд, Афшона, Варахша, Ромитон, Вардона каби қадимий қишлоқларнинг барпо бўлишидан тортиб, то Бухоро шаҳрининг қад кутаришигача бўлган муҳим тарихий воқеалар түгрисида ҳикоя қилинади. Китобда Марказий Осиёда араб халифалиги ҳукмронлигининг ўрнатилиши, Ислом динининг тарқатилиши, оташпастлик ва у билан боғлиқ маданий ҳаётнинг инқизози, Муқанна — «Оқ кийимликлар» ҳаракати, Сомонийлар давридаги давлат идораси, маданий қурилишлар борасида турли-туман қизиқарли маълумотлар келтирилган; Бухоронинг иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаётига, айниқса, пул муносабатларига, хирож йигиш тизимиға оид маълумотлар бор. «Бухоро тарихи»да ер-сув муносабатлари ҳакида сузлар экан, Наршахий қадимги заминдорларни «дехқонлар», яъни «қишлоқ ҳокимлари», зироатчиларни «кашоварзлар», яъни «ер ҳайдовчи»—«қушимчалар», йирик ер эгаларига қарам қишлоқ аҳолисини «қадиварлар» номлари билан атайди. VIII—X асрларда Бухорода хунармандчилик ниҳоятда ривожланган бўлиб, ҳар бир қишлоқ ўз маҳсули билан шуҳрат топган. Масалан, Зандана қишлоғида тўқиладиган ипак ва ип матолар «занданийча» номи билан бутун Шарққа машҳур бўлган. Бухоро шаҳрининг ўзида «Байт ут-тироз» номли тўқимачилик корхонаси бўлиб, унинг маҳсулотлари Форс, Кермон, Ҳиндистон, Ирок, Шом, Миср ва Рум каби ўлкаларга олиб борилган. Бухоро савдогарлари ниҳоятда бой табака бўлиб, Наршахий уларни «кашқашон» деб атайди. Савдо муносабатларни оид маданий ҳаётни олди.

батлари көнг ёйилғанлиги сабабли Бухоро шаҳарига «Маданият ут-тужкор» яъни «Савдогарлар шаҳари» деб лакаб берилган.

Китобда Бухоро воҳасини сугорувчи анҳорлар, обод қишлоқлар, работлар ва кӯшклар ҳақида маълумотлар бор. Бутун воҳа VIII—XII асрларда Кармана, Шопурком, Ҳарқонат ул-Улё, Ҳарқонруд, Овхит-фар, Сомжон, Байконруд, Фаровизи Улё, Коми Даймун, Арвон, Кай-фур, Руди Зар каби сугориш тармоқлари орқали сув билан таъминланган. Биргина Пойканд шаҳри атрофида мингдан ортиқ работ булган.

Бухоро воҳасини ташқи хужумлардан мудофаа этиш мақсадида унинг барча дехқончилик музофотлари бир неча юз фарсаҳга чузилган мудофаа девори билан ўраб олинган. Бу девор 782—831 йиллар мобайнида қуриб битказилган ва у «Кампирак» номи билан машхур бўлган.

Асарда Бухоро шаҳрининг тарихий топографияси туғрисида ҳам қимматли маълумотлар бор. Ўрта асрларда Бухоро аркининг «Дари Регистон» ва «Дари Фўриён» номти икки дарвозаси бўлган. Учинг ичida «подшоҳлар, амирларнинг турар жойлари бўлиб, подшоҳлик девонлари ва подшоҳлар туралиган қаср қадимдан шу ерда жойлашган». 850 йилда Бухоро шаҳри янгидан девор билан ўраб олинган. Унинг еттига дарвозаси бўлган. Бухоро қадим замонларда, Нумижкат, Бумискат, Фохира, Мадинат ус-суфрия, яъни «Мис шаҳар» номлари билан аталган.

Хулоса шуки, Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китоби биргина Бухоро тарихини эмас, балки бутун Марказий Осиё тарихини ўрганиш учун қимматли тарихий асардир. Шу боис, Марказий Осиё ҳалқларининг VIII—XII асрларга бағишлиган илмий тадқиқотларда Наршахий маълумотлари ва унинг ҳаммуалифи, таржимони ва муҳаррири Абу Наср Аҳмад Кубовийнинг кўшимчалари XIX асрданоқ көнг фойдаланиб келинмоқда, асарнинг нусхалари дунё қулёзмалар хазиналарида кўплаб учрайди. Биргини Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институтида 20 дан ортиқ нусха мавжуд. Асарнинг форсий матни бир неча бор — 1892 йили Ч. Шефер томонидан Парижда, 1904 йили Мулло Султон томонидан Бухорода (Когон), 1939 йили Мударрис Ризаний томонидан Техронда нашр қилинган. «Бухоро тарихи»нинг Н. Лиқошин бажарган рус тилига таржимаси 1897 йили Тошкентда, Р. Фрайнинг илмий изоҳлар билан бойитилган инглизча таржимаси 1954 йили Кембриджда, Насруллоҳ Тарозийнинг араб тилига илмий изоҳли таржимаси Мисрда чол этилди. Бир неча қўлёзма ва нашрлар матни солиширилиб, тафутвлар қайд этилган илмий изоҳли ўзбек тилидаги таржимаси 1966 йили А. Расулов ва А. Ўринбоевлар томонидан (тарихий шахсларга изоҳлар Д. Юсупованики) «Фан» нашриётида нашр этилди. «Тарихи Бухоро»нинг матнини ва маълумотларини бошқа манбалар билан қиёсий ўрганиб, ундаги маълумотларни манбашунослик ва матншунослик фани нуқтаи назаридан таҳлил этиш ишлари ҳали давом этмоқда.

## ҚАФФОЛ АШ-ШОШИЙ

(903—976)

Тошкент — ўрга аср араб манбаларида эса Шош — тарих жараёнида кўплаб шоир ва адиллар, алломалар, риёзат ва табобат аҳдларини етиштирган. Ана шундай алломалардан бири Қаффол аш-Шошийдир.

Қаффол аш-Шошийнинг тўла исми Абу Бакр ибн Али Йсмоил Қаффол аш-Шоший бўлиб, араб манбаларида унинг ҳурматини бажо келтириш учун номига катта, ўлуг ё мухтарам маъносини ифодалайдиган «ал-Кабир» сўзини кушиб ёздиilar. Бу билан утмишдошларимиз Қаффол аш-Шошийга нисбатан буюк эҳтиромни ифода этганилар.

Қаффол аш-Шоший ҳунарманд оиласда дунёга келган куринали. Шу сабабдан «Қаффол» — кулфсоз деб машхур бўлган.

Қаффол аш-Шоший асли кулфсоз уста бўлиб, кичик ва нозик кулфлар ясайдиган, кўли гул киши бўлган.

Аш-Шоший дастлабки таълимни ўз юртида, кейинчалик Марказий Осиёда мавжуд маърифат ўчоқларида олади. Самарқанд, Бухоро, Термиз каби шаҳарларни кезади. Бу ерларда ундан сал олдинроқ ўтган ва анчагина мерос қолдирган Имом Йсмоил ал-Бухорий (810—870), Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий (824—892) каби йирик мутафаккир олимлар мероси билан танишади, улардан баҳраманд бўлади. У бирмунча вақт Самарқандда яшаб, у ерда таълим олди. Қаффол аш-Шоший қаттиқ киришиб, фикҳшуносликни ўрганади. Зеро бу фан мусулмон Шарқ улкаларида жуда кенг тарқалган ва ижтимоий ҳаётда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу фанни эгаллаган кишилар ҳамма жойда қадрланар, уларга зарурат ҳам катта, чунки ижтимоий ҳаётда қонуншуносликка талаб катта бўлиб туриши табиий эди. Қаффол аш-Шоший фикҳ илмини эгаллаш билан бирга фикр доираси ўта кенг, фалсафа, мантиқ, адабиёт соҳаларини ҳам пухта эгаллаган, бу соҳаларда энг билимдонилар билан мунозара қила оладиган курратга эга бўлган бир зот эди.

Қаффол аш-Шоший доимо илм-маърифат истагидга кўним топмай, бир улкадан иккинчисига — илм чашмаларидан баҳраманд бўлиш ниятида Яқин ва Ўрга Шарқ мамлакатларини кезади, Ҳижоз, Бағдод, Дамашқ каби шаҳарларга боради, у ерларда замонасининг қўзга куринган олимларидан илм-маърифат ўрганади.

Қаффол аш-Шошийнинг устозларига қараб ҳам унинг билими, қандай фанларни ўрганганигини билиш мумкин. Манбаларнинг кўрсатишича, Қаффол аш-Шошийнинг қонуншунослик ва тарих соҳасидаги устози машҳур олим ат-Табарий (839—923) эди. Маълум бўлишича, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий мусулмон Шарқ мамлакатларининг энг йирик тарихчиси бўлиб, кўп жилдлик асарлар муалифи эди.

Қаффол аш-Шошийнинг иккинчи йирик устози Абул-Ҳасан Али ибн Абу Мусо ал-Ашъарий (873—941) эди. Бу киши Шарқда калом-

чилар оқимининг асосчиси бўлиб, бу соҳада анчагина асарлар ёзган эди. Аш-Ашъарий аслида ислом фалсафасида машҳур бўлган ашъария оқими асосчиси саналади. Тожиддин Абу Наср Абдулваҳҳоб ас-Субкийнинг (туғилган йили 1327) хабар беришича, «Қаффол аш-Шоший олим ал-Ашъарийдан калом илмини ўрганар ва ўз навбатида ал-Ашъарий ундан қонуншунослик соҳасини ўрганар экан».

Араб олими ва библиографи ибн Халликон (1211—1282) ўзининг «Вафоёт ал-аъён» («Улуғ кишилар вафоти») деган асарида Қаффол аш-Шоший ҳақида тухтаб шуларни ёзди: «Қаффол аш-Шоший ҳадис илмини билган, тилшунос, шоир одам эди. Ўша вақтда Мовароуннаҳрда у кишига тенг келадиган олим йўқ эди. Бу киши Хуросон, Ироқ, Ҳижоз, Шом (Сурдия) ва бошқа ўлкаларга саёҳат қилиб, ҳамма ерда ҳам ном таратди... у кишининг кўп асарлари бўлган».

Қаффол аш-Шоший қонуншунослик, мантиқ каби соҳаларга оид асар ёзган. Унинг «Одоб ал-қози» («Қозининг феъл-автори»), «Одоб ал-бахс» («Бахс одоби») деган таълифи бўлиб, араб тилидаги шеърлари маълум. Бу хусусда юқорида зикр қилинган араб олими ибн Халликон ёзди: «Қонуншунослардан дастлаб отилиб чиқиб «Ҳусни жадал» («Диалектика гўзаллиги») деган асар ёзган киши ҳам шу Қаффол аш-Шоший эди».

Қаффол аш-Шоший яхши шоир ҳам бўлиб, ўз шеърларини араб тилида ёзган. Аммо унинг шеърий ижоди давримизгача етиб келмаган, факатгина ас-Субхийнинг «Табакат аш-Шофиййа» («Шофиййа маҳзаби даражалари») деган китобда шеърларидан парчалар сақланиб қолган. Ўша шеърларда шундай сатрлар ҳам бор:

«Кимки уйимга меҳмон бўлиб келадиган бўлса, дастурхоним доимо унинг учун ёзилган бўлади. Кимки менинг дастурхонимдан бирор нарса еса, (бисинки) ундаги барча ноз-неъмат пешона терим билан топилган, (яни) ҳалол бўлади.

Биз бор-будимизни меҳмон олдига қўямиз. Бордюю (қўйишга) нарса тополмасак, у ҳолда сабзавот билан сирка қўямиз. Шунда бегараз, кўнгли очиқ одам бўлса, у бунга рози бўлиб кўнади; бордюю баҳил бўлса, у ҳолда уни мен тузата олмайман».

Қаффол аш-Шошийнинг қонуншуносликка доир асари давр тақо-засига кўра ислом гарқалган мамлакатларда кенг кўламда ёйилди.

Қаффол аш-Шошийнинг қаламига мансуб бўлган шеърлар ас-Субхий асарига кириб қолган. Бу парчадан маълум булишича, Византия императори билан араб халифаси ўртасида жаңжалли ёзишмалар бўлади. Бу ёзишмаларда Византия императори араб халифалигига дўқ, ва пуписа билан мурожаат қилиб, бир вақтлар унинг ерлари бўлган, ҳозир эса Бағдод халифаси эталлаб турган ўлкаларни тинчлик билан, осонликча уларга қайтариб беришни талаб қиласиди. Византия ҳукмдорлари мактубни баландпарвоз чиқиши учун уни араб тилида шеър билан битадилар. Шеър ҳошимийлар хонадонидан булмиш ҳукмрон халифага деб аталган. Мактубда шундай сатрлар ҳам бор:

«Биз шердек отилиб чиқиб, ўз ерларимизни эгалладик. Дамашқ улкаси эса ота-боболаримиз маскани эди, биз бу диёр мол-мұлкига эга бұламиз, Мисрни ҳам қиличимиз тиги билан эгалдаймиз. Ҳижоз, Бағдод, Шероз, Рай, Хуресон, Куддус, Шарқу Farb ҳаммасини эгалдаймиз», деб халифа ва унинг саркардаларига дағдаға солади, уларни айёрлик билан құрқитмоқчи ва ниҳоят уларни осонликча құлға кирилмоқчи бұлади. Ҳудди мана шу воқеалар бўлган кезда Қаффол аш-Шоший Бағдод шаҳрида бўлади. У халифаликда иқтидори зўр олим, сарой аъёнлари ўртасида яхшигина қонуншунос, забардаст шоир сифатида танилган эди. Шу сабабдан Византия ҳукмдорининг лашкарбошиси Тағфур (араб манбаларида Такфур) хатига жавоб ёзиш халифалик номидан Қаффол аш-Шошийга топширилади. Бу ҳам аллома аш-Шошийга нисбатан катта эҳтиром эди.

Қаффол аш-Шоший мактубни ўқиб қўриб, ўша мактуб ёзилган шеър вазнида ва ўша тарздаги қофияда Тағфур номига араб тилида жавоб шеърини ёзди. Византияликларга мана шу аш-Шоший ёзган жавоб хатининг етмиш тўрт байти (148 йўли) юқорида зикр қилинган Тожиддин ас-Субҳийнинг «Табақат аш-Шофиййа» асари ичидаги сақланиб қолган. Ас-Субҳийнинг ёзишича, византияликлар, хусусан, унинг лашкарбошиси Тағфур аш-Шошийнинг бу жавоб шеърини ўқиб, даҳшатга тушади. Сўнг лашкарбошилар бундан таажжуға тушиб, бир-бирларидан сўрашибди:

— Бу жавобни ёзган киши ким бўлди экан, у қайси юртдан экан, халифаликда биз бундай истеъоддли зот борлигини билмас эдик-ку?

Хуллас, Византия лашкарбошиларини Қаффол аш-Шошийнинг дипломатия тарзида ёзилган жавоб мактуби эсанкиратиб қўяди. Воқеанинг нима билан тугашининг бутунги кунда аҳамияти йўқ, лекин бу биргина мисол орқали Қаффол аш-Шошийнинг забрадаст давлат арбоби, ҳозиржавоб шоир эканлиги маълум бўлади.

Қаффол аш-Шоший шундай улугвор ва довюрак шоир, ажойиб бир шахс бўлган. Афсуски, унинг адабилик, шоирлик, тилшунослик, мантиқшунослик фаолияти билан деярли ҳеч ким шуғулланмади, унинг жадал диалектикага оид асари ҳам урганилган эмас.

Манбаларнинг кўрсатишича, бағдодлик Хўжа Муҳаммад Номий деган олим Қаффол аш-Шоший қўлида ўқиган, натижада у билан қалин дўст бўлиб қолган экан. Шу киши ўз оиласи билан бирга аш-Шошийга эргашиб Тошкентга келган, умрининг охиригача шу ерда қолиб кетган. Қаффол аш-Шоший 976 йили Тошкентда вафот этган ва шу ерда дағн этилган. Ҳозир Тошкентнинг халқ орасида «Ҳаситом» деб аталадиган жой шу мўътабар зотга нисбатан айтиладиган ном «Ҳазрати имом»нинг қисқаргани бўлади. Аслида бу жойнинг номи Ҳазрати Имом Қаффол аш-Шошийдир. У кишининг қабрлари теграсида Тошкентда машхур бўлган мўътабар зотлар дағн этилган.

Қаффол аш-Шоший мақбараси Тошкентнинг қадимий, кўзга кўринган табаррук бир қадамжоси саналади.

## АБУ МАНСУР АЛ-МОТУРИДИЙ

(Вафоти 945)

Абу Мансур ал-Мотуридий сунний эътиқодидаги икки йирик оқимлардан бири бўлмиш Мотуридийа оқимининг асосчиларидан ҳисобланади. Унинг ҳаёти ҳақида маълумотлар жуда оз. Тўлиқ номи Абу Мансур Мұхаммад ибн Мұхаммад ибн Маҳмуд ал-Ханафий ал-Мотуридий ас-Самарқандийдир. Буюк калом имоми ва фикр олими асли Самарқанднинг Мотурид қишлоғидан (ҳозирги Жонбой туманида жойлашган) булиб, унинг тахаллуси шу қишлоққа нисбатан олингандир. Абу Мансур ал-Мотуридий дастлабки таълимни шу қишлоқда олиб, кейинчалик Мовароуннахрнинг ўша даврдаги диний ва маърифий маркази бўлган Самарқандда давом эттиради.

Ал-Мотуридий яшаган давр Сомонийлар ҳукмронлик қилган даврга түхри келади. Самарқанд дастлаб бу давлатнинг пойтахти булиб, сўнгра IX асрнинг охиридан бошлаб пойтахт Бухорога кўчирилди. Бироқ ўша вақтда ҳам Самарқанд Бухоро билан бир қаторда Мовароуннахрнинг иқтисодий-маданий маркази булиб қолаверди.

Абу Мансур ал-Мотуридий туғилган йили ҳақида аниқ, маълумотлар йўқ. У Самарқандда 944—945 йилда вафот этган ва шаҳар чеккасида Чокардиза деган қабристонга дағн этилган.

Баъни манбаларда унинг Самарқанддаги ал-Айозий мадрасасида таълим олгани қайд этилган. Ал-Мотуридий Абу Бакр Аҳмад ал-Жузжоний, Абу Наср Аҳмад ал-Ийодий, Имом Аъзам мазҳабидаги буюк олим Наср ибн Йаҳио ал-Балхий, Мұхаммад ибн ал-Фадл кабиларни ўзининг устози деб билган.

Ал-Мотуридий фикр ва калом масалалари билан қизиқиб, Ҳанифия мазҳаби олимларидан дарс олиб ўз билимини оширади. Шу вақт давомида кўплаб машҳур факиҳлар ва муҳадислар билан мулоқатда бўлган ва мунозаралар қилган. Бутун умри давомида шу соҳага оид асарлар ёзиб қолдиргандир. Маҳмуд ибн Сулаймон ал-Кафавийнинг (вафоти 1582 йил) «Катоиб ул-аълом ал-ахёр фи табоқот ва машаойих мазаҳаб ан-Нульмон» («Нульмон мазҳабига мансуб бўлган таникли аллома факиҳлар ва шайхлар ҳақидаги китоб») номли китобида ал-Мотуридий ва унинг асарлари ҳақида айrim маълумотлар берилади. Масалан, қўйидаги асарлари номлари келтирилган: «Китаби Тавҳид», «Китаб Мақомат», «Китаб рад авомил лил адила лил кабий» («Каъбий залолатларининг бошланишини рад қилишга бағишлиган китоб»), «Китаб байон ва ҳум ул-маътазила» («Муътазила фавъолари ва ундан кўрқмаслик ҳақидаги китоб баёни»), «Китаб Таъвилот ал-Куръон» («Куръон таъвили китоби»).

Лекин Ҳожи Халифанинг (1609—1659) «Кашф аз-зунун ан-асомил кутуб ва-л-фунун» («Китоб ва фанлар номлари ҳақидаги шубҳаларни бартараф этиш китоби») китобида эътироф этилишича, яна

Абу Мансур ал-Мотуридийнинг «Ма ҳази аш-шарифа» («Шариат асослари сараси»), «Китаб ал-жадал» («Диалектика ҳақида китоб») каби асарлари ҳам бўлган. Булардан ташқари ал-Мотуридийнинг «Китаб ал-усул» («Диний-тъалимот усули китоби») асари ҳам маълум.

Абу Мансур ал-Мотуридийнинг кўп асарлари бизгача етиб келмаган, етиб келганлари ҳам асосан хорижий мамлакатлар кутубхона ва қўлёзма фондларида сақланади.

Ал-Мотуридий ислом оламида жуда нозик ҳисобланган «Китаб Тавҳид» — асари бизнинг давримизга етиб келган ва у 1970 йилда Фатҳуллоҳ Хулиф томонидан Байрутда нашр этилган.

У ислом динидаги суннийларнинг туртта асосий мазҳаби асосчиларининг асарларини урганиб, фикъга ва каломга оид асар ёзди. Бу ал-Мотуридийнинг «Таъвилот аҳл ас-сунна» ёки бошқа бир номи «Таъвилот ал-Куръон» деб номланади. Ал-Мотуридий бу асарида сунний ақидадаги (таъвилда) зид қарашларни рад қилишига ҳаракат қилали ва Абу Ҳанифанинг қарашларига суюнган ҳолда иш кўради. Бу асар Узбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланади. «Таъвилот»нинг биринчи жилди Қоҳирада 1971 йилда ИброХим Авадайн ва ас-Саид Авадайнлар томонидан нашр этилган.

Ал-Мотуридийнинг бу биргина асари тарих жараёнида кўп алломалар асарларига асос солган, улар ижодига туртки бўлган.

Шулардан бири Аловуддин Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Самарқандийнинг шарҳидир. У «Шарқ таъвилот аҳл ас-сунна» деб номланаб, Институт фондида бу асарни иккита нусхаси сақланади.

Шу билан бирга ал-Мотуридий номи остида ёзилган бир неча соҳта асарлар ҳам маълумdir. Масалан: «Фавоид» (қоидалар), бошқа номи «Панднома», «Китоб ал-Усул», «Шарқ ал-Фикъ ал-Акбар» асарлари шулар жумласидандир. Бу ал-Мотуридийнинг диний илмлар намояндалари орасида қанчалик машҳур бўлганлигидан далолат беради.

Ал-Мотуридий кўп шогирдлар етиштирди, улар орасида ислом оламига машҳур алломалар: Абу-л-Ҳасан ар-Рустуғфаний (вафоти 961), Исҳоқ ибн Муҳаммад ас-Самарқандий ва Абду-л-Карим ал-Паздавий (вафоти 999), Абу Аҳмад ал-Ийодий каби олимлар бор эди. Шогирдлари ўз устозларининг таълимотини давом эттиришганлиги туфайли Ҳанафия мазҳабидагилар ичida Мотуридийа оқими вужудга келган.

Абу Мансур ал-Мотуридийнинг замондошлари ҳамда ҳамфирларидан машҳур фиҳқ олими Абу-л-Қосим Ҳаким ас-Самарқандийни алоҳида курсатиб утиш лозим. Бу олим Самарқандда туғилиб, бутун умрини шу ерда ўтказган. Фикъ ва калом соҳасида машҳур бўлган.

Абу Мансур умри давомида факиҳлар, муҳадислар билан мулоқатда бўлган ва мунозорлар олиб борган. У ислом дини Ҳанафия

мазҳабини Мовароуннахрда тарқатиш ва ўзидан кейинги авлодларга кусурсиз етказиш ишига муҳим ҳисса қўшди.

Ал-Мотуридий нафақат фиҳқ, қалом илмига оид, балки бошқа фанларга оид асарлар ҳам ёзган деб айтиш мумкин. ЎзР ФАНИНГ Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сакланадиган ал-Мотуридийнинг овчиликка оид асари бунга далил бўлади. Бу асарнинг бир кўлёзма нусхаси «Рисола жонвор дорий» («Жонворларга оид рисола») деб номланган бўлиб, унда овчи қушларни боқиши ҳақида фикр юритилади. Бу асада овчи бургутларнинг ҳар хил зотлари, уларнинг ташқи кўринишлари, озиқлантириш, овга яроқлилиги билан бир қаторда кўпайтириш, изи ва чатиштириш усулалири каби масалалар ҳақида гап боради.

Ал-Мотуридий ўз даврининг исломий илмлари соҳасида энг етук билим соҳиби ҳисобланниб, мусулмон дунёси олимлари томонидан тан олинган ва ҳозирда ҳам турли диний асарларда зўр эҳтиром билан тилга олинади.

Ал-Мотуридийни улуғлаб «Имом ал-Худа» ва «Имом ал-мутакаллимин» (Ҳидоят йўли имоми ва мутакаллимлар имоми) каби номлар билан ҳам атаганлар.

Мовароуннахр — Марказий Осиё ҳалқлари турли фалсафий, табиий, аниқ фанлар, адабиёт, санъат соҳаларида дунёга машҳур сиймолар, алломалар билан бирга ислом назарияси, диний илмлар бўйича ал-Мотуридийдек бутун мусулмон оламида ном қозонган олимларни ҳам етиштириб чиқардилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 декабрда қабул қилган қарорига биноан 2000 йилда алломанинг 1130 йиллик таваллуд санаси нишонланди.

## АБУ БАКР АЛ-ХОРАЗМИЙ

(935–993)

Абу Бакр ал-Хоразмий 323 ҳижрий (935 милодий) йили Хоразмда туғилиб, илк таълимни шу ерда олади. Умрининг гуллаган даврида (20–25 ёшларида) ватандан чиқиб, Ироқ ва Шомга боради, етук олим ва шоирлар билан танишиб, улардан таълим олади. Кейин Ҳалабга бориб, машҳур Ҳамдамийлар амири, шоир ва олимлар ҳомийиси Абулҳасан Сайфуддавла (944–967) билан танишиб, унинг саройида хизмат қилиб, сўнг Бухорога келади, Сомонийлар саройда яшаб, вазир Абу Али ал-Бальмий (960–974 ва 992–996) билан дўстлашади, лекин у билан муносабати ёмонлашиб, Нишопурга йўл олади. Бу ергаги таниқли шоирлар Абулҳасан ал-Казвиний, Абу Мансур ал-Бағавий ва Абулҳасан ал-Ҳакамийлар билан дўстлашиб, уларнинг шоирлик маҳоратидан баҳраманд бўлади.

Уумуман Хоразмийнинг умри фожиалар ва роҳатбахш этувчи онларга тўла. У турли шаҳарларда бўлиб, қамоқда ҳам ётиб чиқади, амирларнинг эътиборига тушиб бойлик ҳам орттиради, амалдорларнинг разабига учрайди ва ҳ. к. Абу Бакр ал-Хоразмий Нишопурга келиб, бу ерда муқим яшай бошлайди. Талабаларга сабоқ беради, шеър ёзиши ўргатади, нишопурлик машхур адаб, шоир ва олимлар, шулар қатори ас-Саолибий билан дўстлашиб, уларнинг мажлисларида иштирок этади. Яна Сомонийлар вазири ал-Ўтбий сикувидан қутилиш учун қочишига мажбур бўлади. Шоир бир неча вақтдан сўнг яна Нишопурга қайтади, умрининг охирида яккаланиб қолади ва ҳаётининг кейинги даври оғир мусибатлар билан ўтади. У ҳижрий 383 (милодий 993) йили Нишопурда вафот этади.

Абу Бакр ал-Хоразмийнинг адабий меросидан араб тилидаги катта девони ва «Рисолалари» бизгача етиб келган. Абу Бакр ал-Хоразмий «Рисолалари» X аср насрый адабиётининг машхур ёдгорлиги хисобланади. Тил ва услуб жиҳатдан ниҳоятда пухта ициланган бу асар сажъ (қофияли наср) билан ёзилган бўлиб, шоир замонасидағи машхур кишилар: амир, вазир, лашкарбоши, қози, амалдор, факихларга, адаб ва тилшунос олимларга, яъни ал-Хоразмийнинг дўстлари ва ҳомийларига ёзилган хатлардир. Рисолалар мазмуни турли байрамлар, юқори мартабага кутарилиш ва бирор муваффакиятни қўлга киритиш, ўлим, мансабдан четлатилиш, касаллик ёки уруш хавфи каби муносабатлар билан табрик ёки қайfu изҳор этиб, тасалли бериш, тұхфалар учун ташаккур айтиш кабилардир. Рисолалар орасида ал-Хоразмийнинг ўз шогирдларига ёзган мактублари ҳам кўплаб учрайди.

Ал-Хоразмий рисолаларининг аксарияти илм-фан, ақл-одоб, адолат, ҳиммат, дўстлик каби мұхим ижтимоий масалаларга бағишлиган бўлиб, уларда қўлланган иборалар халқ ҳикматли сўзларига айланниб кетган.

Шоир рисолаларидан манбаларда келтирилган баъзи бир парчалар таржимасини берамиз: «Ҳурмат эҳсон билан баробардир... Дустлашиб мурожаат эмас, хушмуомалаликлар, хушмуомалалик эса чукур текшириш ва ўрганишни узоққа чузмайди ҳам, ҳисоб ва сарфни кўтартмайди ҳам. Қарамли киши таҳқирланса ҳам азиздир... Сабабсиз узргуноҳдир, ишонч йўқолиши билан қилинган такаллуф ҳақоратдир. Эҳтиётсиз (қилинган) дори-дармон касалликдир, унга ҳожат тушгандагина, у шифо бўлади... Олижаноб киши агар (биров) жароҳатланса, (уни) боғлаб кўяди, йиртса — ямайди, агар бир томондан зарар келтирса, ҳар томондан фойда келтиради... Олийхиммат зафарининг каромати (шундаки), агар қўлга киритса, (бошқаларга) беради, пасткаш зафарининг қабиҳлиги шундаки, агар қўлга киритса, кўпроқ қўлга киришишни истайди... Оталар ики хил: туғилиш отаси ва таълим бериш отаси, биринчиси жисмоний ҳаёт сабаби, иккин-

чиси рухий ҳаёт сабабидир... Карамли киши гўзаллик билан савдо қиласи, мол билан савдо қилмайди... Газабли ҳурматни унугади, яхшиликларни кўмиб юборади ва гуноҳсизлар учун жиноятлар вужудга келтиради. Қалбаки мақташ ҳақоратлашдир. Пойдеворсиз қурилган бино қулайди... Мұҳаббат ҳар қандай қиммат нарсанинг баҳосидир ва ҳар қандай юқори нарсанинг шотисидир... Агар ҳокимият атрофида адолат ҳукм сурмаса, у инқирозга юз тутади... Росттуй тил ёлғон сўзласа, тутилиб қолади».

Яна бир бошқа рисоласида шундай ёзади: «Одамлардан шундайлари борки, (ҳокимиятни) бошқарганды, нафси уни амалдан туширади, одамлардан шундайи борки, лавозимдан бўшаганды, фазилати уни яна ўрнига ўтказади», «Кимки одамлар қалбларини овлайман деса, унга эҳсон ва мурувват донларини сепиши, фазл ва олижаноблик тузоқларини қўйиши керак».

Ал-Хоразмий шеърлари асосан қасида, ғазал, васф ва ҳажвиётдан иборат. Агар унинг қасидалари амир ва вазирларга бағишланган бўлса, ҳажвий шеърлари эса асосан амалдорларга ҳамда ўз рақиби шоир ва адаб, мақома жанрининг асосчиси Абулфазл ал-Ҳамадонийга (вафоти 1007 й.) қарши қаратилган. Ишқий мисралар, маҳбубни тараним этиш ҳам ал-Хоразмий ижодида асосий уринни эгаллади.

Унинг шеърларига хос нарса шуки, шоир тазминни (ўз шеърига бошқа шеърни киритиб кетиш) жуда кўп қўллаган.

Ўша вақт шоирларида кексаликдан щикоят қилиш жуда кенг тар-қалган эди. Ал-Хоразмийнинг ҳам қарилекдан нолиб ёзган шеърлари анча учрайди. Масалан: «Соч оқидан шикоят қилиб, унга зулм қилаётганингни кўриб турибман, соч оқи бир экин (бўлса), унинг уруги умрдир. У гўё шароб, хумор уни узига жалб қиласи, ахир хумори ҳажв қилиниб, шароб мақталарди-ку».

Ал-Хоразмий ижодида шаробни мақтаб ёзилган шеърлар ҳам учрайди, лекин шоир майнинг киши ҳаёти учун зарарли эканини ҳам унуммаган:

«Коса ва чўнтакнинг иккаласини (баробар) тўлдиришга ҳукм қилмаган, косани тўлдириш учун чўнтак бўшатиш керак», дейди шоир.

Жамият учун иллат бўлган ишёқмас, дангаса кишилар ҳақида ёзар экан, улардан ҳазар қилишга даъват этади:

«Дангасанинг ҳожатида унга ҳамроҳ бўлма, қанча солиҳ кишилар бошқанинг фасоди билан бузилиб кетмадилар». Бошқа бир шеърида ёзади:

«Улуғ одам кичик одамнинг суҳбати билан кичик бўлмайди, балки кичик одам улуғ одам хизматида улуғ бўлади». Яна бир шеърида:

«Икки нарса кишида бирлаша олмади: динорларга мұҳаббат ва дўстга мұҳаббат».

**Бошқасида:**

«Качон замонани койисанг, сабр қилувчини койиган бұласан, сен йиглайсан, койилаётган (замона) эса кулади» в. б.

Абу Бакр Мұхаммад ибн ал-Аббос ал-Хоразмийнинг бой ижодий мероси барча Шарқ ва Farb олимлари томонидан қызғын үрганилган ва үрганилмокда.

Ас-Саолибий «Иатимат ад-Даҳр» асарида ал-Хоразмий ҳақида маҳсус тұхтаб, уни «Замонасининг эң доноси, одоб деңгизи, наср ва назмнинг туғи, фазл ва идрек оламидир. Ажайиб ва ибратли балоғатни (үзида) мужассамлаштирганди», деб тәърифлайди.

Ас-Саолибий ал-Хоразмийнинг ўз мұлоҳазасининг ўткір, гузал ва ишонарлы бўлиши билан ҳар қандай йиғилишда ғолиб чиқиши, унинг рисолалар девони жиҳдларга ажратилиб кенг тарқалган, шеърлар девони ҳам худди шундайлигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Урта аср муаллифлари Утбийнинг «Тарихи ал-Йамини», ибн Асирининг «Комил фи-тарих», ибн Ҳалликоннинг «Вафайат ал-айян» ва Қаҳҳолнинг «Муъжам ал-муъаллифин» каби асарларида Абу Бакр ал-Хоразмий асарларига юқори баҳо берилиб, у ҳақида қимматли маълумотлар көлтирилгандир.

Шунингдек, ал-Хоразмийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида Оврӯпо олимлари В. Альвардт, К. Брокельман, Х. Гибб ва бошқалар ўз ишиларида эслаб ўтишган.

Абу Райхон Беруний ўз ижодида ал-Хоразмийнинг бой ижодий меросидан кенг фойдаланган.

Ал-Хоразмий Марказий Осиёда X аср адабий ҳаётидаги араб ти-лида ижод этган машхур алиб ҳамда сүнгги бадиий жараёнга катта таъсир кўрсатган ижодкор сифатида тилга олинади.

## **АБУ АБДУЛЛОҲ АЛ-ХОРАЗМИЙ**

(Vaфоти 997)

Милоднинг IX–XI асрлари Марказий Осиёда илм-фан юксак таракқий этган ва буюк алломалар даври эди. Ўша даврнинг кенг билимли, пешқадам олимларидан бири Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий бўлган.

Бу олим ҳақида сакланиб қолган маълумотлар жуда кам. Олимнинг тұлиқ исми Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ал-Хоразмийdir. Унинг ёшлиги Хоразмнинг Хива, Замахшар ва Қиёт шаҳарларида ўтган. Бу шаҳарларда у вояга етган, яшаган, таълим олган. Элим Хурасонда ҳам яшаган. Унинг машҳурлиги вазир Абул Ҳасан ал-Утбий ҳузурида котиб бўлиб хизмат қилган даврида чўққисига чиққан. Шу вазифаси туфайли у «ал-китоб ал-Хоразмий» номи билан ҳам танилган. Ўз хизмат вазифалари юзасидан Бухорога тез-тез бориб турган ва қўлгина алломалар билан ҳамсұхбат бўлган. Айни

вақтда илмга чанқоқ олим хизмат асносида амирнинг бой кутубхонасидан фойдаланиш хукукини кулга киритган. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий 997 йилда вафот этган.

Олимнинг дунёқараши ўша даврда кенг тарқалган қадимги юонон фалсафаси ва маданияти, Шарқ намояндалари Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий, Абу Наср ал-Форобий ҳамда Абу Бакр ар-Розий таъсири остида шаклланди.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг бизгача етиб келган, кўпчилик асарлари сингари ўша даврнинг илм тили — араб тилида битилган, ягона маълум асари — «Мафотиҳ ал-улум» («Илмлар калиллари»)-дир. «Мафотиҳ ал-улум»нинг кўлёзма нусхалари жуда кўп эмас. Яқин-яқингача унинг тўрт нусхаси бор деб ҳисобланиб келинар эди. Ана шу тўрт нусхадан учтаси Буюк Британия музейида 7528, 23429 ва 2524 рақамлари ҳамда Берлин кутубхонасида 1051 рақами остида сакланади. Амриқолик олим К. Босворт асримизнинг 60-йилларида ушбу асарнинг яна олти нусхасини Туркия кутубхоналарида борлигини аниқлади. Барча олти нусха Истамбул шаҳридаги кутубхоналардадир.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг бу асари Ўрта асарлардаги фанлар ривожланиши тарихига оид камёб манба сифатида кўпгина олимларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этди. Биринчи бўлиб бу манбани ўрганган ва 1895 йилда нашр қилган олим — голландиялик шарқшунос Ван Флотендири. Шунингдек, И. Ю. Крачковский, В. В. Бартольд, К. Брокельман, Э. Видеман, Г. Сартон, М. М. Хайруллаев, У. И. Каримов, Г. П. Матвиевская, ~~Х~~ Ҳасанов, А. Шариповлар ҳам асарнинг турли томонларини тадқиқ қилгандар.

«Мафотиҳ ал-улум» ўзига хос қомусий асар бўлиб, ўша даврдаги деярли ҳамма асосий фан соҳаларини ўз ичига қамраб олган. Муаллиф Ўрта асрлардаги ҳар бир илм мазмунини шарҳлаш йўли орқали тушунтириб беради.

Олим илмларни иккига бўлиб, уларга «араб — шаръий» ва «араб бўлмаган»ларга ажратади. Бу ҳол олим ўз даврининг намояндалари сингари илмлар таснифида уларни икки қисмга бўлиш анъанасига содик қолганлигини кўрсатади.

Унинг биринчи анъанавий «араб» илмлари қисми ўн бир бобдан иборат фиқҳ, етти бобдан иборат калом, ўн икки бобдан иборат грамматика (сарф ва нақв), саккиз бобдан иборат иш юргизиш, беш бобдан иборат шеър ва аruz ҳамда тўққиз бобдан иборат тарихдан ташкил топгандир. Иккинчи қисмига эса «араб бўлмаган» куйидаги илмлар киритилган: улар — уч бобдан иборат фалсафа, тўққиз бобдан иборат мантиқ, саккиз бобдан иборат тиб, беш бобдан иборат арифметика, тўрт бобдан иборат ҳандаса, шунингдек, тўрт бобдан иборат илм ан-нужум, уч бобдан иборат мусиқа, икки бобдан иборат механика ва уч бобдан иборат кимёдир.

Шундай қилиб, асар икки қисмдан иборат бўлиб, унда ўн беш илм тўқсон уч бобда баён этилган.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий илмлар таснифининг шакли куйида-гича:

I. *Шариат ва у билан боғлиқ «араб» илмлари:*

1. Фикҳ, яъни мусулмон хукуқшунослиги.
2. Калом, яъни дин асослари.
3. Грамматика.
4. Иш юргизиш.
5. Шеърият ва аруз.
6. Тарих.

II. *«Араб бўлмаган» илмлар (юнон ва бошқа ҳалқлар):*

1. Назарий фалсафа:

а) табиий илмлар — тиббиёт (тиб, самовий ҳодисалар — метео-рология, минералогия, алхимиё, механика) — куйи;

б) риёзиёт илмлари (арифметика, ҳандаса, илм ан-нужум, му-сиқа) — ўртсанчи;

- в) илоҳий, яъни метафизика — олий илм;
- г) мантиқ.

2. Амалий фалсафа:

- а) ахлоқ — этика (одамни бошқариш);
- б) уйшунослик (уйни бошқариш);
- в) сиёсат (шаҳарни, мамлакатни бошқариш).

«Мафотиҳ ал-улум»да илмлар таснифи ҳар бир фаннинг предметини аниқлаш ҳамда уларнинг асосий атамаларини қисқа ва аниқ баён этиш билан биргаликда олиб борилади. Бу ерда, биз зикр этганимиздек, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий уз таснифидаги ўша давр анъясаси, яъни илмларни иккига бўлишни қўллаб-куватлаб, шаръий ва Фалсафий илмларга ажратади.

**АНЪЯСАВИЙ «АРАБ» ИЛМЛАРИ.** Шу илмлардан бири, Фиқҳда муаллиф ислом қонуншунослигининг асоси бўлган ва ислом хукуки посбонининг доимий дастури Қуръон, пайғамбар сұzlари, ҳикматли гаплари ва ҳаётларини акс эттирувчи Суннат, Ҳадис ва унинг хиллари; Ижмоъ — ислом жамоасининг яқдиллик билан тан олган қарори; шариат қонун-қоидаларига амал қилишни, яъни таҳорат қилиш, намоз ўқиши, аzon айтиш, рўза тутиш, закот тўлаш устида тухтаб утади.

Иккинчли бўлим каломда ўша даврда Яқин ва Урта Шарқда мавжуд бўлган кўпгина мазҳаблар ҳақида маълумотлар берилган. Хусусан бу мазҳабларнинг еттига бўлиб баён этилиши, айниқса, мұтазилийлар ҳақидаги мукаммал тафсилотлар мухим аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга грек-христиан мазҳаблари, исломгача бўлган даврдаги Эрон ва Ямандаги диний эътиқодлар, Ҳиндистонда тарқалган

баъзи дуалистик мазҳаблар ва оқимлар ҳамда зардуштийлик баён этилади. Бу маълумотлар Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Марказий Осиёдаги халқларнинг динлари тарихини үрганишда ғоят катта аҳамиятга эгадир.

Араб адабий тили грамматикаси, унинг қонун-қоидалари грамматика бўлимида баён этилган. Айни пайтда муаллиф араб шеърияти ва унинг таркибий қисмларидан бўлган аруз устида ҳам муфассал гўхталиб ўтган.

Иш юргизиш бўлими давлат девони, солиқ турлари ва олиниши, солиқ йигувчиларнинг вазифалари, аскарлар рўйхати, уларнинг кийим-кечаги ва туланадиган маошлари, ирригация шаҳобчаларида фойдаланиладиган атамалар, канал хиллари, сув ускуналари, икки дарё (Сирдарё ва Амударё.— Р. Б.) оралиғидаги сугориш тизимлари ҳақидаги маълумотларни ёритиб бериши билан муҳимдир.

Асарнинг тарих бўлимида афсонавий подшоҳлардан бошлаб, тартиб билан турли давр ва мамлакатлар маликлари, Ўмавийлар ва Аббосийлар халифалиги, исломгача бўлган даврдаги Яман тарихи, Рум ва Юнон тарихи ҳақида муфассал маълумотлар келтирилган. Ўрта асрларда одамлар жамоасини табақаларга бўлиниши ҳам шу бўлимда зикр этилади.

**АНЬНАВИЙ БЎЛМАГАН — «АРАБ БЎЛМАГАН» ИЛМЛАР.** Бу илмлар қаторида биринчи бўлиб фалсафа қайд этилиб, унда ушбу илм атамаларининг шарҳи билан бир қаторда илмлар таснифи масаласи ёритилган.

Арастунинг мантиқа оид китоблари шарҳи Хоразмий асарининг мантиқ бўлимида ўз аксини топади. Унда муаллиф Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Марказий Осиёдаги ушбу илм ҳақидаги маълумотлар, оддинга сурилган ажойиб ғоялардан фойдаланиб, уларни янада бойитди.

Асарнинг табиий илмларга оид бўлимлари Ўрта аср Шарқида иммий юксалиш даражасини үрганиш нуқтаи назаридан ниҳоятда маълумотларга бойдир. Тибга оид бўлимда касалликлар, содда ва мураккаб дорилар ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Ушбу бўлимда уша давр табобатида маълум бўлган ва кенг тарқалган мижоз ҳамда қон томири урушига қараб касалликни аниқлаш тұғрисидаги нодир тасиғлар берилган.

Кимё бўлимида ҳам Хоразмий Ўрта аср Шарқидаги кимёвий билимлар ҳақида ниҳоятда қимматли маълумотларни келтиради, улар Шарқда табиий фанлар ривожини үрганишда муҳим аҳамиятта эгадир.

Риёзиёт бўлимида Ўрта аср Шарқидаги математик илмлар ҳолати баён этилади. Ал-Хоразмий математик тушунчани ақлнинг ихтиёрий ижоди эмас, балки объектив оламнинг маълум томонлари, предметлар муносабатларининг инъикоси деб талқин этади.

Масалан, муаллиф Форобий ғояларини давом эттириб, арифметикани иккига: назарий ва амалийга ажратади. У куб сонлар билан бир қаторда шаклий сонларни кўриб чиқиши билан назарий арифметиканинг башзи бир томонларини бойитди. Ҳандаса ҳам назарий ва амалий қисмларга бўлинади, бу эса ўша даврда унинг бошқа риёзиёт илмлари каби юқори даражада ривожланганлигидан далолат беради. Астрономия бўлимида унинг вазифаси билан бирга тарихига оид масалалар ҳам кўриб ўтилади.

Хоразмий ўз таснифида мусиқани риёзиёт илмларига қушади ва унда мусиқавий асбоблар, товушларнинг ўзаро мутаносиблиги, тартиби, сози(лад) тавсифланади ва охирида ритм ҳақидаги таълимот кўриб чиқилади.

Механика бўлимида, оғир юкларни ва далаларни сугориш мақсадида ишлатиладиган қурилмалар, яъни содда машиналар, уларнинг тузилиши ва вазифалари устида тўхтаб ўтилади. Хоразмий дунёвий илмлар устида тўхтаганда, уларнинг амалий аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қиласди.

Умуман, асарда Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ўз даври табиий ва риёзиёт илмларини яхши билганлиги, уларни назарий фалсафага киритиш билан, бир томондан, уларнинг аҳамиятини ошириш ва таъкидлаш, иккинчи томондан, фалсафани бойитишга интилганлиги ўз ифодасини топган. Ал-Хоразмийнинг «Мафотиҳ ал-улум» асари Ўрта аср маданияти ва маънавиятини урганишда муҳим аҳамиятга эгадир.

## АБУ АЛИ ИБН СИНО

(980–1037)

Марказий Осиё халқлари маданиятини Ўрта аср шароитида дунё маданиятининг олдинги қаторига олиб чиқсан буюк мутафаккирлардан бири — Абу Али ибн Сино бўлиб, у Оврўпода Авиценна номи билан машҳурdir.

Ибн Сино (асл исми Ҳусайн, отасининг исми Абдуллоҳ) Бухоронинг Афшона қишлоғида, ҳижрий 370 (980) йилнинг сафар ойида, амалдор оиласида туғилди. 986 йилда ибн Сино оиласи Бухорога кўчиб келади ва шу вақтдан бошлаб ёш Ҳусайн бошланғич маълумот олишга, илм-фанни ўрганишга киришади. Унинг ёшлиги, йигитлик чоғлари Сомонийлар хукмронлигининг сўнгги йилларига, хусусан, Нуҳ II ибн Мансур Сомоний хукмронлиги даври (976–997) га тўғри келади.

Ибн Сино истеъододли, хотираси кучли, зеҳри ўтқир бўлганлигидан ўз даврида маълум бўлган илмларни тездан эгаллай бошлади. 10 ёшидаёт Қуъони каримни бошдан-оёқ ёд ўқир эди. 13 ёшларидан бошланғич математика, мантиқ, фикҳ, фалсафа илмлари билан

шүгуллана бошлайди. Ибн Сино ёш булишига қарамай, Абу Абдуллоҳ Нотилий раҳбарлигига фалсафани, Ҳасан ибн Нұх ал-Құмрийдан тиббиёт илмини ҳар томонлама ўрганади, аста-секин табиблик билан ҳам шүгулланади. У узидан аввал ўтган Шарқ мутафаккирларининг асарларини чукур ўрганиш билан бирга, қадимги юон табиий-илмий, фалсафий меросини, хусусан Аристотель, Евклид, Птолемей, Гален, Гиппократ, Пифагор, Порфирийларнинг асарларини ҳам қунт билан урганди. 16–17 ёшидаёқ ибн Сино машхур табиб — ҳаким бўлиб танилди. 999 йилда Бухоро Қораҳонийлар томонидан забт этилгач, Сомонийлар ҳокимияти инқизорзга учради. 1000 йилда ибн Сино Бухородан чиқиб кетди ва маданият марказларидан бири ҳисобланган Хоразмга борди, у ерда Хоразм ҳокими Али ибн Мәъмун саройидаги олимларни бирлаштирган ўз замонасининг академиясига қабул қилинди. Ибн Сино Беруний, ибн Мискавайҳ, Абу Саҳи Масиҳий, Абулхайр Ҳаммор, Абу Наср ибн Ироқ каби етук олимлар билан яқиндан танишди. Лекин бу даврда кучайиб бораётган Маҳмуд Фазнавийнинг таъқибидан қочиб, Хоразмни ташлаб кетишга ва Ҳурсон, Эроннинг турли шаҳарларида сарсон-саргардонликда юришга мажбур бўлди. Абивард, Тус, Нишопур шаҳарлари орқали Журжон шаҳрига келган ибн Сино ҳоким Қобус ибн Вашмугир саройида машхур табиб сифатида яшади, бўлажак шогирди Жузжоний билан танишди. 1019–21 йилларда Ҳамадонда вазир лавозимида хизмат қиласкан, ҳоким билан келища олмай, 4 ой қамоқда ётиб чиқди. 1023 йилда Исфаҳонга қочди ва бутун умрини илмий асарлар ёзишга бағишилади. Ибн Синонинг «Китоб ал-қонун фиттиб», «Китоб ун-наҗот», «Китоб ул-инсоф» каби машхур асарлари, геометрия, астрономия, усимлик, ҳайвонот олами, мантиқа оид рисолалари, «Ҳай ибн Яқзон» фалсафий қиссаси сўнгги йилларда ёзилган. У Исфаҳонда расадхона куриш билан машғул бўлди. Умрининг сўнгги йилларида феодал урушлар кучайиб кетганлиги, ижтимоий-сиёсий ҳаётда узи ҳам фаол қатнашганлиги туфайли у Исфаҳон, Рай, Ҳамадон шаҳарлари орасида сарсон-саргардонликда юриб, 1037 йил 18 июнда Исфаҳон шаҳрида 57 ёшида қулуңж касаллигидан вафот этди.

Ибн Синонинг ҳаёт йули узи ёзган таржимаи ҳоли ва шогирди Жузжоний томонидан қолдирилган манбалардан маълум. Ибн Синонинг илмий қизиқишилари, дунёқарашининг шаклланишида қадимги Шарқ маданияти, юон илми, фалсафаси, Марказий Осиё ҳалқларининг мустақиллик учун олиб борган курашлари муҳим роль уйнади. Ибн Сино таржимаи ҳолида Форобийнинг «Метафизика мақсадлари», «Фусус ул-ҳикам» каби муҳим рисолаларини қунт билан ўрганганилиги, улардан кенг фойдаланганлигини таъкидлаб утади.

Ибн Сино асарларининг умумий сони 450 дан ошади, лекин бизгача фақат 160 га яқин асари ётиб келган, холос. Кўп рисолалари

шаҳарма-щаҳар кучиб юриш, феодал урушлари, сарой туполонлари, турли фалокатлар туфайли йўқолиб кетган. Кўп манбаларда ибн Сино аввало табиб сифатида талқин этилади, ҳолбуки табобат унинг илмий соҳалари орасида энг муҳимларидан биридир. Ибн Сино асарларининг асосий қисми Яқин ва Ўрта Шарқнинг ўша давр илмий тили ҳисобланган араб тилида, баъзилари форс тилида ёзилган. Унинг бизга маълум бўлган катта асари «Китоб уш-шифо» («Шифо китоби») 22 жилдан иборат бўлиб, 4 та катта бўлимини мантиқ, физика, математика, метафизикага доир масалалар эгаллаган. Унинг айрим қисмлари лотин тилига, Оврўподаги бошқа тилларга, шарқ тилларига, шунингдек, рус, ўзбек тилларига таржима қилинган. 20 жилдан иборат бўлган «Китоб ул-инсоф» («Инсоф китоби») бизгача етиб келмаган, чунки Исфаҳондаги ёнинда йўқолган. «Китоб ун-нажот» («Нажот китоби») 4 катта қисмдан — мантиқ, физика, математика, метафизикадан иборат, «Китоб лисон ул-араб» («Араб тили китоби») 10 жилни ташил этади. «Донишнома» форс тилида ёзилган бўлиб, 4 қисмни — мантиқ, физика, математика, метафизикани ўз ичига олади (Рус тилига таржима этилган, бир қисми ўзбек тилида босилган).

Ибн Сино асарлари Ўрта асрларда Оврўпода илмий тил ҳисобланган лотин тилига, у орқали Оврўпонинг бошқа тилларига таржима этилган. Ибн Сино илмий рисолалардан ташқари, чукур фалсафий мазмунли бадиий образлар ва маълум воқеалар орқали ифода этувчи «Тайр қиссаси», «Саломон ва Ибсол», «Ҳайй ибн Яқзон» каби фалсафий қиссалар яратган.

Ибн Сино замонасининг етук шоири ҳам бўлган. У Шарқ, хусусан, форс поэзиясида рубоний жанрининг асосчиларидан бири бўлиб, рубоийлари узида чукур фалсафий хуносаларни ифодалайди. Ибн Сино арабча қитъалар ҳам ёзган (Унинг шеърий мероси қисман рус ва ўзбек тилларида нашр этилган). Ибн Сино табобат масалаларини оммабол ҳолда назм билан изохловчи «Уржуза» номли тиббий асар яратди. Унинг Аристотель (Арасту) таълимоти хусусида Абу Райҳон Беруний билан ва ўзининг шогирди — озарбайжонлик мутафаккир Баҳманёр билан ёзишмалари фан оламида машҳур. Айниқса, табобат, у билан боғлиқ ҳолда анатомия, психология, фармакология, терапия, хирургия, диагностика, гигиена каби илмлар ибн Сино ижодида бир қанча янги ихтиrolар билан бойиди ва янги босқичга кўтарилди. Булардан ташқари, кимё, минералогия, астрономия, математика, ўсимлик дунёси, геологик жараёнларни ўрганиш соҳасида ҳам у янги-янги фикрларни олға суро олди. Ибн Синонинг тиббиёт соҳасидаги асарларидан «Китоб ал-қонун фит-тибб» («Тиб қонунлари»), «Китоб ул-куланж» («Ичак санчиклари»), «Китоб ун-набз» («Томир кўриш ҳақида китоб»), «Фуж ул-тиббийа жориафи мажлисиҳ» («Тиб ҳақида ҳикматли сўзлар»), «Тадбир ул-манзил» («Турар

жойнинг тузилиши»), «Фил-хиндубо» («Сачратқи ўсимлиги ҳақида»), «Рисола фи-дастур ит-тиббий» («Тиббий кўрсатмалар ҳақида») каби асарлари мавжуд. Унинг тиббиётга оид қомусий асари «Китоб ал-қонун фит-тибб»<sup>5</sup> мустақил катта асардан таркиб топган: уларнинг ҳар бири маълум соҳани изчил, ҳар томонлама ёритиб беради.

Биринчи китобда тиббиётнинг назарий асослари, унинг предмети, вазифалари, булим ва методлари, касалликнинг келиб чиқиш сабаблари, белгилари, соғлиқни сақлаш йўллари, киши анатомияси ҳақида мазмундор, аниқлиги билан кишини таажжубда қолдирувчи қисқача очерк, соғлиқни қандай сақлаш кераклиги ҳақидаги таълимот (кейинчалик гигиена деб номланган) баён этилади.

«Қонун»нинг бу китобини ҳозирги замон ички касалликлар профилактикаси дарслигига тенглаштириш мумкин.

«Қонун»нинг оддий дориларга бағишлиланган иккинчи китобида 800 га яқин дорининг хусусиятлари, уларни тайёрлаш ва истеъмол қилиш усуллари баён этилган. Ибн Сино симоб, унинг бирикмаларини дори қилиб ишлатишни биринчи булиб тавсия этади, шаробни қувватга киритувчи, жароҳатларни тозаловчи дори сифатида ишлатади.

Учинчи китобда айрим органлар (ҳатто соч, тирноқлар)нинг касалликлари, уларни даволаш усуллари баён этилади, уни маҳсус патология дарслиги деб атаса ҳам бўлади. Бу китобда бош мия, нерв, кўз, кулоқ, бурун, томоқ, қорин, тиш, юрак, жигар, буйрак касалликлари батафсил таҳдил қилинади.

«Қонун»нинг тўртинчи китоби организмнинг умумий касалликларига бағишлиланган. Унда иситмалар, ўスマлар, уларнинг сабаби, хирургик касалликлар (сүяқ синиши, чиқиши, жароҳатланиш) ва уларни даволаш усуллари, ҳар хил дорилардан заҳарланиш ва бунда куриладиган чоралар тўғрисида маълумот берилади. Чечак, қизамиқ, мөхов, тоун, вабо ва бошқа юкумли касалликлар тафсир этилади.

«Қонун»нинг бешинчи китобида мураккаб дориларнинг организмга таъсири, уларни тайёрлаш, истеъмол қилиш усуллари баён қилинган. Бу китоб доришунослик илмига — фармакологияга бағишлиланган.

Тиббиётнинг асосий вазифаси, унинг таъбирича, «инсон соғлиғини сақлаш, агар касаллик пайдо бўлган бўлса, бу касалликни келтириб чиқарган сабабларни аниқлаш ва уларни йўқотиш орқали соғлиқни тиклашдан иборат». Ибн Сино фикрича, тиб илмида назарий билимлар ва амалиёт ўзаро боғлиқ бўлиши, бир-бирига асосланмоғи зарур, акс ҳолда у ривож томайди, ўз мақсадига эриша олмайди. «Тиб илми аввало икки қисмга — назарий ва амалий қисмларга бўлинади... Назария деб аталувчи қисми табибларнинг фикрларини ифода қилиб, маҳсус амалия деб аталадиган қисми тадбир ва амалнинг қандай бўлиши кераклигини ургатади. Тибнинг амалий қисми иккига бўлинади. Биринчи қисми соғлом танларнинг тадбирини билиш:

бу соғлиқни сақлашга тааллукті бұлғані учун соғлиқни сақлаш илми деб аталади. Иккінчи қисми — касал танның тадбирини билиш булиб, соғлом ҳолатта қайтариш йүлларини күрсатади, бу даволаш илми деб аталади». Ибн Сино касаллікни үрганищда объектив шароитни ҳар томонлама билишгә катта аҳамият берди, мұхитдаги турли табиий нарсалар, сув, ҳаво орқали касаллік тарқатувчи күзга күрингейдіган «майдың ҳайвоноттар» ҳақидағы фикрни олға сурди.

«Қонун» 800 йил давомида құқымлар учун асосий құлланма булиб келди. Үрта асрларда «Қонун» Шарқдагина эмас, балки Farb мамла-катларининг университетларыда ҳам талабалар учун тиббиётдан ягона құлланма зеди.

Ибн Синонинг «Китоб уш-шифо» асарыда турли тиббиёт илмалырыға: ботаника, геология, минералология, астрономия, математика, кимёға оид күп мағынаның даврлар ўтиши билан ўзғарып бориши, зилзиланың сабаблары каби турли жараёнлар ҳақидағы фикрлари кейинчалик геология илмининг мұстақил равища ривож топишига катта таъсир күрсатади. Айрим жойларнинг бир вақтлар деңгиз бүлгандығы, шу сабаблы қаттық қатламларда турли деңгиз ҳайвондарының излары сақланиб қолғанлығы ҳақида ҳам турли мисоллар асосида фикр юритилади; метеоритлар, вулканлар ҳақида мағынаның даврларынан көрсетілгенде да ғана мисал болып табылады. Минералология илмининг ривожида ҳам ибн Синонинг хизмати катта. У минералларни 4 гурұхта ажратади: 1) тошлар; 2) эрийдіган жисм (метал)лар; 3) олтингүргүртли ёнувчи жисмлар; 4) тузлар.

Кимёда ҳам ибн Сино замонасияның билимларини умумлаштырышында ҳаракат қылды, турли асарлар ёзды, тажрибалар үтказды. Хусусан, уннан органик кимё соқасынан фикрлари кейинги давр мутахассислары томонидан юқори бағытланады. Ү оддий металлни қимматли металлға айлантириш устида фикр юритувчи алхимикларни танқид қылды. Ибн Сино астрономия соқасында Птолемейнинг геоцентрик назариясынан ташқарыға чиқмаган бұлса-да, табиий ҳодисалар нинг ички сабабий боеударларини аниқлашынан қылды, инсон ҳаёти ва ижтимоий ҳодисаларни осмон жисмлары ҳаракаты, ҳолаттың боеударлар астрологияға шубхә билан қарады, турли тажрибалар үтказыш учун янғы астрономик асбоб яратып, ботаникада турли үсімдіктернің табиий хусусияттарын үрганиш, илмий терминология яратып соқасында иш олиб борди.

Ибн Сино дүнекәраши Форобий асарлары таъсирида шаклланады, у ижтимоий-фалсафий масалаларда Форобий қарашларини давом эттириди, илғор фалсафий оқымни янғы табиий-илмий фикрлар билан бойитиб системалаштыриди ва янғы босқычға күттарди. Ибн Сино фикрича, фалсафанинг вазифасынан мавжудотни — барча мавжуд нарсаларни, уларнинг келиб чиқиши, тартиби, үзаро мұносабати, биридан иккінчисига ўтишини ҳар томонлама текшириш учун за-

рурият, имконият, воқелик, сабабият принципларини асос қилиб олди. Олам — барча мавжуд нарсалар иккига бүлинали: зарурий вужуд (вужуди вожиб) ва имконий вужуд (вужуди мумкин). Зарурий вужуд ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган бир бутунликни ташкил этиб, у энг иродали, курратли, доно Тангридир. Қолган ҳамма нарсалар имконий тарзда мавжуд бўлиб, зарурий вужуд — Тангридан келиб чиқади. Вужуди вожиб ва вужуди мумкин — сабаб ва оқибат муносабатидалир. Бу жараён эманация тарзида, яъни қуёшдан чиқаётган нур шаклида аста-секин амалга ошади. Шу тартибда имконият шаклидаги мавжуд бўлган ақл, жон (нафс) ва жисм, улар билан боғлиқ ҳолда осмон сфералари келиб чиқади, мавжуд нарсаларга айланади. Булар ҳаммаси субстанция (жавҳар)дир. Бундан ташқари борлиқда акциденция (образ) — нарсаларнинг белгилари, ранг, ҳажми, ҳиди ва бошқа ҳислари мавжуд. Жисм шакл ва модда (хаюло)дан ташкил топади. Худо абадий, унинг оқибати бўлмиш материя ҳам абадийдир. Унинг ўзи бошқа конкрет жисмларнинг асосидир. Нарсаларнинг конкрет кўринишлари, шакллари ўзгаради, лекин уларнинг моддий асоси йўқолмайди. Материя доим вужудга келиши мумкин бўлган нарсалардан аввал мавжуд бўлиб, бу нарсалар уларни ташкил этувчи материяга муҳтождир. Материянинг энг содда, булакларга бўлинмайдиган шакли тўрт унсур: ҳаво, олов, сув, тупроқдан иборат. Уларнинг турлича ўзаро биркуви натижасида мураккаб моддий нарсалар ташкил топади. Мураккаб нарсалар ўзгариб, турли шаклларга эга бўлиши мумкин, лекин уларнинг моддий асоси бўлган тўрт унсур йўқолмайди, абадий сақланади. Унинг фикрича, аввал тоғ-тошлар, сўнг ўсимлик, ҳайвонот ва тараққиётнинг якуни сифатида инсон вужудга келган. Инсон бошқа барча ҳайвонот оламидан сузи, тили ва ақди, тафаккур қилиши билан фарқ қиласи.

Реал ҳодисаларни чукур билиш, фан билан шуғулланиш инсоннагина хосдир. Ибн Сино «Рисолатун фи тақсим ал-мавжудот» асарида бутун борлиқни таркибий қисмларга бўлиб, бирма-бир санайди ва уларга таъриф бериб ўтади. Вужуди вожиб, вужуди мумкин, субстанция, акциденция, материя, шакл, ақл, унсур, жисм, кувват, сезиш, минерал, ҳайвон, нутқ, лисон каби категориялар бу рисолада қисқача таърифланади.

Инсон билимлари нарсаларни билиш ёрдамида вужудга келади. Билиш ҳиссий билиш ва тушунчалар ёрдамида фикрлашдан ташкил топади. «Сезиш,— деб ёзган у,— бу ўнчай таъсирки, у ташки нарсаларнинг ўзи бўлмай, балки бизнинг ҳисларимизда вужудга келади. Ҳис моддий образнинг ойнаси бўлиб, моддий шаклларнинг бўйи, эни билан бирга ифодаланганлиги сабабли, уларни инсон моддий асоссиз инъикос эта олмайди ва жисмларни билолмайди».

Инсон ақли турли фанларни ўрганиш ёрдамида бойийди, ривож топади. Бунда, хусусан, у мантиқ илмiga катта эътибор беради. Ақл

ҳар қандай билишнинг ва амалий фаолиятнинг мезони сифатида талқин этилади. «(Ақл) тарозисида ўлчаммаган ҳар қандай билим,— деб ёзди ибн Сино,— чин бўлолмайди, демак, у ҳақиқий билим эмас». Ўрта асрда Яқин ва Ўрта Шарқ, жумладан, Марказий Осиё фалсафасида ақл назарияси жуда муҳим ўрин эгаллайди.

Ибн Сино ижодида фаннинг структурасини текшириш, илмларнинг тартибини аниқлаш, уларни тасниф қилишга эътибор алоҳида ўрин эгаллайди. Бу масалада ҳам олим Форобий бошлаб берган фанлар таснифи ҳақидаги масалани янада тараққий эттиришга ҳаракат қиласди. Ибн Синонинг фалсафий системасини ифодаловчи асарларида («Китоб уш-шифо», «Китоб ун-нажот», «Донишнома») фалсафий билимлар: мантиқ, физика, математика, метафизика тартибида берилади. Булардан мантиқ — билишнинг методи, мавжудотни ўрганиш, у ҳақда фикр юритишнинг илмий усули сифатида талқин этилади. «Мантиқ,— деб ёзди ибн Сино,— инсонга шундай бир қоида берадики, бу қоида ёрдамида инсон хуроса чиқаришда хатолардан сақланади». Мантиқ ёрдамида инсон ҳақиқий билимни ёлғондан ажратади ва номаълум нарсаларни ўрганади. У мантиқ илмини тадқиқ этишга катта эътибор беради, унга маҳсус рисолалар бағишлиайди. Хусусан, у мантиқий усуллар, таърифлаш, хукм, хуроса чиқариш, исботлаш масалаларини ўрганишга катта ҳисса кўшиди, мантиқ фанини Форобийдан сунг билишнинг тўғри методи сифатида ривожлантириди. Мантиқдан ташқари барча қолган илмларни ибн Сино табиат ва ижтимоий ҳодисалар ҳақидаги илмлар сифатида ўзининг «Ақсом ул-улум ул-ақлийа» («Ақлий билимлар таснифи») асарида алоҳида-алоҳида санаб, таъриф бериб ўтади. Ибн Сино фалсафий илмларни аввало иккига бўлади: назарий ва амалий илмлар.

Назарий илмлар ҳақиқатни билишга, амалий илмлар яхши ишларни бажаришга қаратилган. Фалсафанинг назарий қисми учга бўлинади: 1) куйи даражадаги илм, яъни табиатшунослик; 2) ўрта даражадаги илм — математика; 3) олий даражадаги илм — метафизика. Фалсафанинг амалий қисми ҳам учга бўлинади: а) шахс ҳақидаги илм; б) инсоннинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги илм; в) давлатни, мамлакатни бошқариш ҳақидаги илм. Назарий-фалсафий илмларга кирувчи ҳар уч турдаги илмлар асосий ва ёрдамчи булакларга ажралади; табиатшунослик илмлари астрология, медицина, алкимё каби етти хил тармоқни ўз ичига олади. Математика эса арифметика, геометрия, астрономия, мусиқа номи билан 4 тармоқка бўлинади. Асарда 29 илм тармоғи тилга олинади.

Ибн Сино ўз дунёқарашида пантеистик принципга асосланади: Тангри ва борлиқ бир-бирига зид, бир-бирини инкор этувчи нарслар эмас, аксинча, улар бир бутун ҳолда мавжудотни ташкил этади. Абадийлик Тангрига хос. Тангри ва табиат маълум поғоналар ёрда-

мода боғланади. Узун ва яхлит занжирнинг бир томонида яратувчи Тангри — зарурый вужуд, иккинчи чеккасида табиат ётади.

Ибн Сино ҳақиқий ахлоқий фазилатларга ва идеал жамоага шу мавжуд дунёда эришув мумкин, жамиятда инсонлар ўзаро ёрдам асосида яшаши керак деб таъкидлайди. Жамият кишиларнинг ўзаро келишуви асосида қабул қилинадиган адолатли қонунлар ёрдамида бошқарилиши лозимлигини таъкидлайди. Жамият аъзоларининг ҳаммаси бу қонунга итоат этишлари, қонунни бузиш ва адолатсизлик жазоланиши, башарти подшонинг ўзи адолатсизликка йул қўйса, халқнинг унга қарши қўзғолони тўғри ва жамият томонидан кўллаб-куватланмоги лозим.

Ибн Сино ўзининг кўп тармоқли маҳсулдор ижоди, бой мероси билан жаҳон маданияти тараққиётида катта роль ўйнади. Ўз ижоди, илмий фаолиятида ибн Сино Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидаги юқори маданий кўтаринкилик, маданий «уйғониши»нинг маънавий ютуқларини мужассамлаштира олди, бу билан бутун Шарқ ва Оврӯподаги маърифат, маданият тараққиётига катта таъсир кўрсатди. У ўз даврида Шарқ ва Оврӯпода «Шайх ур-раис», «Олимлар бошлиғи», «Табиблар подшоҳи» каби энг буюк номларга сазовор бўлди. Ибн Сино машҳур мураббий сифатида Абу Убайд Журжоний, Умар Исфаҳоний, Муҳаммад Шерозий, Аҳмад Маъсурий, машҳур озарбайжон мутафаккири Бахманёр ибн Марзбон, Юсуф Ийлоқий, ажойиб олим ва шоир Умар Ҳайём каби шогирдларини тарбиялади. Уйғониши даври миниатюра ва суратларида ибн Сино машҳур қадимги юнон олимлари Аристотель, Гален, Гиппократ, Птолемей, Эвклид билан бир қаторда тасвирланган. Ўсимликларнинг биринчي илмий таснифини яратган табиатшунос Карл Линней доимо яшил бўлиб турувчи бир ўсимлики ибн Сино шарафига «Авиценния» деб атади.

Ибн Сино асарлари Оврӯпода XII асрдан бошлаб лотин тилига таржима қилина бошлади. «Тиб қонунлари» асарининг ўзи лотинчада 30 мартадан ортиқ нашр қилинди. «Китоб уш-шифо»нинг кўп бўлимлари, мантиқ, мусиқа, ернинг тузилиши, геологик жараёнлар, метафизикага оид қисмлари ҳам лотинчада нашр этилди. Сўнгти илмий тадқиқотлар ибн Синонинг Шарқ адабиётига ҳам таъсир кўрсатганлигини, чукур фалсафий мазмунни ифодаловчи рубойи ва фалсафий қиссалар жанрининг тараққиётига туртки берганлигини курсатади. Ибн Сино халқ орасида шу даражада ҳурматга сазовор булди, у фольклор қаҳрамонига айланиб кетди. Шарқ халқларида унинг түгрисида турли ҳикоя, ривояту афсоналар вужудга келди. Жаҳон олимлари ибн Сино асарлари, унинг фаолияти тўғрисида кўплан бери илмий-тадқиқот ишларини олиб борадилар. Ҳозирда жаҳондаги деярли барча тилларда ибн Сино ҳақида асарлар яратилган.

## АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ

(973–1048)

Ўрта асрнинг буюк қомусий олими Абу Райҳон Мұҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний замонасининг қатор фанлари: астрономия, физика, математика, геодезия, геология, минералогия, тарих кабиларни чукур ўрганди. У Хоразмнинг қадимги пойтахти Кот шаҳрида туғилди ва ёшлигиданоқ илм-фанга қизиқиши орта борди. Беруний кейинчалик машхур олим Абу Наср Мансур ибн Ироқ қулида таълим олди. Ибн Ироқ астрономия, геометрия, математикага оид бир қанча асарлар ёзип, шулардан 12 тасини Берунийга бағищланды. Беруний она тилидан ташқари яна бир қанча тилларни: араб, сүғдий, форс, сурөнний, юонон ва қадимги яхудий тилларини, кейинчалик Ҳиндистонда санскрит тилини урганади.

Ўз илмий асарларидан бирида ёзишича, у Хоразмда яшаган даврида, 990 йиллардан бошлаб Кот шаҳрида мұхим астрономик кузатишилар үтказган. Бу кузатишилар учун ўзи астрономик асбоблар ихтиро этган. Хоразм зодагонлари орасида таҳт учун бошланған курашлар олимнинг бу илмий ишларини давом эттиришга имкон бермағанлығи боис, 22 ёшида ватанини ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлди ва бир қанча вақт Каспий дегизининг жануби-шарқий соҳилидаги Журжон шаҳрида муҳожирликда яшади. Сўнг қадимги Рай шаҳрига борди, 998 йилдан кейин яна Журжонга келди ва бу ерда ўзининг иккинчи устози табиб, астроном, файласуф Абу Саҳұл Исо ал-Масиҳий билан танишиб, ундан таълим олди. Беруний «Осор ал-бокия ан ал-курун ал-холия» («Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар») асарини Журжонда муҳожирлик даврида ёза бошлаган ва 1000 йилда тамомлаган. «Осор ал-бокия» Берунийга жуда катта шуҳрат келтирди, уни фаннинг ҳамма соҳасига қизиқувчи буюк олим эканини кўрсатди. Бундан ташқари Беруний Журжонда астрономия, нетрология тарихига оид 10 дан ортиқ асар ёзди. Беруний Хоразмнинг янги ҳукмдори Абу Аббос Маъмун II ибн Маъмун томонидан мамлакатнинг янги пойтахти Урганчга чақирилди. Хоразмшоҳ томонидан жуда катта иззат-икром билан қабул қилинди. Беруний Урганчда Маъмуннинг бевосита раҳнамолигида вужудга келган илмий марказда фаолият кўрсатди.

Беруний шоҳ Маъмун II нинг энг яқин маслаҳатчиси сифатида мамлакатнинг сиёсий ишларida ҳам фаол қатнашади.

Хоразмнинг Маҳмуд Фазнавий томонидан босиб олиниши Беруний ҳаётини хавф остига кўяди. У Хоразмшоҳ саройидаги барча олимлар билан бирга Фазна шаҳрига асир қилиб олиб кетилади. Берунийнинг 1017–1048 йилларда Фазнада кечирган ҳаёти, бир томондан ниҳоят оғир кечган бўлса, иккинчи томондан, унинг илмий фаолияти учун энг маҳсулдор давр бўлди. Берунийнинг «Хоразмнинг маш-

хур кишилари» асари ҳам шу даврда яратилган. Унинг муҳим астрономик-географик асари «Таҳдид ниҳоёт ал-амония ли тасҳиди масофат ал-масоқин» («Туар жойлар орасидаги масофани текшириш учун жойларнинг охирги чегараларини аниқлаш» — «Геодезия») 1025 йилда ёзib тутатилган. Берунийнинг «Мунажжимлик санъатидан бошлангич тушунчалар» асари ҳам 1029 йил Фазнада ёзилган. Асарнинг форсча, арабча нусхалари бизгача етиб келган. Унда ўша замон астрономияси билан боғлиқ бўлган бир қанча фанлар ҳақида муҳим маълумотлар берилган. Берунийнинг «Ҳиндистон» номли машҳур йирик асари «Таҳкиқ мо ли-л-Ҳинд мин маъкуда мақбула фи-л-ақл ав марзула» («Ҳиндларнинг ақлга сиградиган ва симайдиган таълимотларини аниқлаш китоби») 1030 йилда ёзилган бўлиб, бу шоҳ асар Фарб ва Шарқ олимлари, шу жумладан, ҳозирги замон ҳинд олимлари томонидан юксак баҳоланганд. Академик В. Р. Розен «Шарқ ва Фарбнинг қадимги ва Урга асрдаги бутун илмий адабиёти орасида бунга тенг келадиган асар йўқ», деб баҳо берган. Маҳмуд Фазнавийнинг Ҳиндистонга қилган юришларидан бирида шоҳга ҳамроҳ бўлган Беруний, у ерда санскрит тилини пухта ўрганиши ҳинд маданияти, адабиёти ва Ҳиндистоннинг ўша давр олимлари билан яқиндан танишишга ҳамда бу мамлакат ҳақида ўлмас асар яратишга имкон берди. «Ҳиндистон» асари ёзib тутатилган йили Маҳмуд Фазнавий вафот этди ва унинг ўрнига таҳтга ўғли Масъуд ўтиргди. Бу даврда Берунийнинг аҳволи анча яхшиланди. Астрономияга оид «Масъуд қонуни» асарини султон Масъудга бағищлади. Ўша аср олимларидан бири Ёкутнинг ёзишича: «Масъуд қонуни» китоби математика ва астрономия бўйича унгача ёзилган ҳамма китоблар изини ўчириб юборган».

Беруний ўз асарлари рўйхатини тузгандан кейин яна иккита муҳим китобини ёзган. Булардан бири «Минералогия»дир. Бу рисола ўз замонаси учун Марказий Осиё ва Яқин Шарқ, ҳатто Оврӯпода ҳам минералогия соҳасида энг яхши, тенти йўқ асар ҳисобланади. Берунийнинг охирги асари — «Доривор ўсимликлар ҳақида китоби»нинг қўлёзмаси XX асрнинг 30-йилларида Туркияда топилди. Асар «Сайдона» номи билан машҳур, унда Беруний Шарқ, айниқса, Марказий Осиёда ўсадиган доривор ўсимликларнинг тўла тавсифини беради.

Беруний шогирди Абу-л Фадл ас-Сераҳсий маълумоти бўйича 11 декабр 1048 йилда вафот этган.

Беруний сўнгти авлодларга катта илмий мерос қолдирди. Берунийнинг ўз даври илм-фанининг турли соҳаларига оид 160 дан ортиқ таржималари, турли ҳажмдаги асарлари, ёзишмалари қолганлиги бизга маълум. Юқорида кўрсатиб утилган катта ҳажмдаги асарларидан ташқари астрономия, астрология, математика, геодезия, геология, минералогия, география, арифметика, тиббиёт, фармакогензия, тарих, филология масалаларига оид қатор рисолалар яратди ва санскрит тилидан арабчага, араб тилидан санскрит тилига таржи-

малар қилди, бадиий ижод билан ҳам шуғуланиб шеърлар ёзди. «Астрологияга кириш», «Астрономия калити», «Жонни даволовчи күёш китоби», «Икки хил ҳаракатнинг зарурлиги ҳақида», «Купайтириш асослари», «Птолемей «Алмагест»ининг санскритчага таржимаси», «Фойдали саволлар ва тўғри жавоблар», «Фарғоний «Элементлар»ига тузатишлар», «Турклар томонидан эҳтиёткорлик», «Оқ кийимлилар» ва қарматлар ҳақида маълумотлар», «Шеърлар туплами», «Ал-Муқанна ҳақидағи маълумотлар таржимаси», «Ибн Сино билан ёзишмалар» шулар жумласидандир.

Беруний қадимги юнон илми ва унинг вакиллари Аристотель, Платон, Птолемей, Евклид кабиларнинг асарлари, ҳинд олимлари, мусулмон олимлари ал-Хоразмий, Фарғоний, Баттоний, Розий, Абу Таммам, ибн Кайсум, Абу Маъшар асарлари билан яқиндан таниш бўлган, уларга шарҳлар, изоҳлар, тузатишлар, раддиялар ёзган. Унинг илмий мероси ғоят ранг-баранг бўлиб, тиббиёт фанига, астрономия фанига хизмати жуда каттадир. Беруний ўз илмий асарларида дунёнинг тузилиши масаласида Птолемей системасига суюнса ҳам, еннинг ҳаракати ҳақида Беруний: «Ернинг ҳаракатсизлиги (масаласи) астрономия фанининг асосий масалаларидан бири бўлиб, бу ҳақда юз берадиган шубҳаларни ечиш қийин», деб ёzáди. Осмон жисмларини геометрик тушунтириш асосида Беруний Коперникдан бир неча аср аввал Ерни коинотнинг маркази деб билувчи геоцентрик ва Күёшни коинот маркази деб ўргатувчи гелиоцентрик тизим teng кучга эга, деган хulosага келади. «Геодезия» асарида Беруний геоцентризм билан боғлиқ бўлган баъзи бир назарияларнинг тўғрилигига шубҳа билан қараганини очиқдан-очиқ баён этади. Беруний ҳаракат траекторияси ва осмон ёритқичлари шаклиниң эллипсоид эканлиги ҳақида биринчи бўлиб фикр юритган олимлардан бўлиб, жойларнинг географик узоқлигини, кенглигини аниқлаш йўлларини танлаб олишда новатор ҳисобланади. У тригонометрияни, геометрияни кенг кўллаш орқали ўзидан олдинги астрономларга нисбатан анча аниқ натижаларга эришди. Турли жойларнинг географик кенглиги ва узоқлигини аниқлашда Беруний эришган натижалар ҳатто ҳозирги замон олимларини ҳам ҳайратда қолдирали. Буюк олим Ер юзасининг ҳар бир қисми узининг узоқ тарихий тараққиётига эга эканлигини қайд этади. Марказий Осиёнинг баъзи бир минтақалари, шу жумладан, Амударё водийсининг геологик ривожланишини биринчи марта жиддий ўрганишга ҳаракат қилган ҳам Берунийдир. Унинг Амударё водийсининг геологик утмиши ва Орол денгизининг пайдо булиши ҳақидағи хulosалари уша замоннинг энг муваффақиятли геологик таҳлилларидан бири булиб ҳисобланади. Олим «Денгизлар қуруқликка, қуруқликлар эса денгизга айланади» деган назарияга суюнади. Берунийнинг фойдали қазилмалар қатламишининг пайдо булиши, жинслар емирилишининг аҳамияти, тоғ жинсларининг нураши

кабилар ҳақидаги холосалари катта илмий аҳамиятга эгадир. У төгларнинг пайдо бўлиши ва йўқ булиб кетиши табиий омиллар асосида юз беришини талқин этувчи назарияни олға суради.

Беруний Аристотелнинг натурфилософияси билан бевосита шуғуланиши натижасида Аристотель қарашларига танқидий ёндашиб, ҳатто заиф томонларини танқил этиш даражасига бориб етди.

Берунийнинг Аристотелга муносабати ибн Сино билан ёзишмасида ўз ифодасини топган. Уларнинг ёзишмалари асосан Аристотелнинг «Фазо ҳақида» ва «Физика» асарлари буйича олиб борилган эди. Беруний Аристотелни қадимги дунёнинг энг қомусий етук олими деб зўр хурмат билан тилга олади.

Берунийнинг бошқа дунёлар мавжудлиги тўғрисида тахмини унинг илмий ютуқларидан бири ҳисобланади.

Олимнинг фикрлари, бир томондан, Марказий Осиё, қадимги юонон ва ҳинд мутафаккирларининг илғор анъаналарини ижодий ривожлантирган бўлса, иккинчи томондан, Берунийнинг етуклиги тафаккур доирасининг кенглигидан далолат беради. Беруний томонидан «сабабларнинг сабаби» — инсон ва инсоният жамиятининг юзага келиши масаласининг кўйилиши диққатта сазовор. «Қадимги тарихларнинг энг қадимгиси ва энг машҳури башариятнинг бошланишидир». Бу ерда Беруний кишилилк жамиятининг пайдо бўлиши ҳақида рационализм позициясида турганини курамиз. Беруний инсонлар ўртасидаги тавофт борлиги ҳақида гапирав экан, у фақат ташки фарқлар тўғрисида фикр юритган. Лекин кишиларнинг ички тузилиши ва ташкил топиши, унинг фикрича, барчада умумийдир. У инсон билан маймун ўртасида ўхшашиборлигини қайд этади.

Беруний ўзининг «Ҳиндистон» асарида мусулмонлар билан ҳиндларнинг урф-одатлари ўртасидаги фарқларни таҳлил қилиб, улар географик шароитларга боғлиқ деган фикрини илгари сурди, географик омилнинг ролини таҳлил қилишни давом эттириб, ҳатто тилларнинг турличалиги ҳам географик шароитларга боғлиқ деб қаради. «Тилларнинг турлича бўлишига сабаб одамларнинг гуруҳларга ажрабиб кетиши, бир-бирларидан узоқ туриши»дир.

Беруний ижтимоий ҳаёт ўзига хос «шартнома» асосида тузилишини эътироф этади: «Инсон ўз эҳтиёжларини тушуниб, ўзига ўхшашиборлилар билан бирга яшашнинг зарурлигини англай бошлайди. Шунинг учун ўзаро келишувчанлик қабилидаги «шартнома» тузишга киришади. Одамларнинг биргаликдаги турмуши инсонни ҳақиқий қудратга, унинг эҳтиёжларини қондиришга олиб келмайди, бунинг учун яна меҳнат қилиш ҳам зарурдир». Бу фикрини давом эттириб, «инсоннинг қадр-қиммати ўз вазифасини аъло даражада бажаришдан иборат: шунинг учун инсоннинг энг асосий вазифаси ва ўрни меҳнат билан белгиланади, инсон ўз хоҳишига меҳнат туфайли Эришади», деб ёзган эди у.

Беруний жамиятни бошқаришда жамият подшоҳга хизмат қилмай, подшоҳ жамиятга хизмат қилиши кераклитини тушунган. «Идора қилиш ва бошқаришнинг моҳияти балки бошлиқ золимлардан азият чекканларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бирорларнинг тинчлиги йўлида ўз тинчлигини йўқотишдир. Бу уларнинг оиласини, уларнинг ҳаёти ва мол-мулкини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш йўлида бадан чарчашидан иборат».

«Табиатан бошқаришга мойил» бўлган ҳоким ўз фикри ва қарорларида қатъий бўлиши керак, ўз ишларини амалга оширишда файласуфларнинг қонунларига, Александр Македонский Аристотелнинг фалсафий донишмандлигига амал қилганидек, бўйсунишлик лозим: шоҳнинг ўзи ҳам «яратувчанлик онгига» эга бўлмоғи, айниқса, дехқонлар туғрисида кўпроқ ғам ейиши керак. «Подшоҳлик дехқончиликсиз яшай олмайди», деди Беруний. Берунийда шундай фикрлар бор: «одил ҳокимнинг асосий вазифаси олий ва паст табақалар, кучлилар ва кучсизлар орасида тенглик, адолат ўрнатишдан иборатдир».

Беруний ўрга аср шароитида ҳақиқий илмий табиатшуносликка асос солди, унинг турли соҳаларида ўз даври учун таажжубга солувчи шундай фикр ва илмий фаразларни олға сурдики, улар бир неча асрлардан сўнг Оврўпо илмида ўз исботини топди. Беруний Ўрга аср шароитида ҳақиқий тажрибага, кузатиш, экспериментта асосланувчи аниқ илмий тафаккурни бошлаб берувчилардандир.

Беруний филология соҳасида ҳам қалам тебратиб, мумтоз араб шеърияти, хинд шеърияти тузилишига оид тадқиқотлар, эрон фольклори намуналариининг араб тилига таржималарини яратди. Беруний мамлакат равнақи фан равнақи билан узвий боғлиқ деб билди. «Ҳар бир олим ўз муҳокамасида амалиётга асосланиши, ўз тадқиқотида аниқ бўлиши, тўхтовсиз меҳнат қилиши, хатоларини қидириб тузатиши, илмда ҳақиқат учун ҳар хил уйдурма, юзакичиликка қарши кураш олиб бориши зарур», деган эди.

У халқлар дўст, иноқ, иттифоқ бўлиб яшаши учун курашиб, инсониятга, у яратган фан ва маданиятга қирғин келтирувчи урушларни қаттиқ қоралади. Олим ўзининг «Хиндистон» асарида «халқлар ўртасида тортишиш ва талашиш кўп», деб афсусланиб ёзган эди. Унинг Хиндистонда олиб борган кенг илмий-тадқиқот ишлари халқлар ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳамкорлик ва маданий муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган эди. Бундан кўриниб турибдикি, Берунний маданий ҳамкорлик ва илм-маърифатнинг кенг тарқалишига катта зътибор берди.

Берунийнинг асарлари мусулмон Шарқи маданиятининг сўнгги ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Сўнгти асарларда араб ва форс тилларида ёзилган Байҳақий, Шахризўрий, Қифтий, Ёкут Ҳамавий асарларида Беруний ҳақида муҳим маълумотлар келтирилади. XIII

асрда яшаган сурялил тарихчи ва табиб Христиан Иоанни Бар Эбрей (1226–1286) Берунийга шундай баҳо беради: «Ўша ўтган йилларда юон ва ҳинд фалсафаси денгизини кечиб ўтган Абу Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний ўтмиш илмларда шухрат қозонди. У математика илмларида мутахассис бўлиб, бу соҳада қатор муҳим китоблар яратди. Ҳиндистонга бориб, у ерда бир нега йил яшади, ҳинд файласуфларидан уларнинг санъатини ўрганди ва уларга юон фалсафасини ўргатди. Унинг асарлари ниҳоятда кўп, етук ва ниҳоятда ишончлидир. Бир сўз билан айтганда, ўз даврида, ундан сўнг ва ҳозирга қадар ҳамкаслари орасида астрономия илмида бундай билимдон ва бу илмнинг асосини ҳамда нозик томонларини чукур биладиган олим бўлмаган». Беруний ҳақидаги олий баҳо ва тавсифлар Табризий, Суйутий, Қазваний, Тусий, Муҳаммад ибн Мансур ал-Алломий, ал-Хуресоний кабиларнинг асарларида келтирилади.

XIX асрдан бошлаб Оврўпо ва Осиё мамлакатларида Беруний мероси билан қизиқиш янада кенг тус олди. Унинг асарлари лотин, француз, итальян, немис, инглиз, форс, турк тилларига таржима этила бошланди. Беруний асарларига бағишлиланган оврўполик олимлар Ж. Рено, Э. Захау, Г. Зутер, Э. Видеман, К. Наллино, Ж. Сартон, Р. Райт, М. Мейерхоф, осиё олимлари С. Х. Наср, М. Козим, С. Бараний, М. Низамуддин, Ш. Ялткай кабиларнинг китоблари, таржималари нашр этилди. Бу тадқиқотчилар Беруний ижодига жуда юқори баҳо бердилар. Амриқолик тарихчи олим Ж. Сартон Берунийнинг меросига энг олий баҳо бериш билан бирга, унинг ўз даврининг жаҳондаги биринчи донишманди деб баҳолайди. Атоқли шарқшунос В. Р. Розен эса, унга илмий қарашлари таажжуб қоларли даражада кенглиги, унинг ҳозирги маънодаги ҳақиқий фаннинг руҳига хос эканлигини қайд этади.

Ҳинд олимлари ҳам Берунийнинг Ҳиндистон фалсафаси, дини, илми, урф-одатлари тарихини ўрганишга қўшган улкан ҳиссасига ниҳоятда юқори баҳо берадилар. Беруний мероси рус олимларини ҳам ҳар томонлама қизиқтириб келди. И. Ю. Крачковский, С. П. Толстой, А. А. Райнов, А. М. Беленицкий, А. А. Семёнов, Б. А. Розенфелларнинг унга бағишлиланган асарлари эълон қилинди. Машҳур шарқшунос олим И. Ю. Крачковский Беруний меросига юқори баҳо бериб, «унинг қизиқсан илм соҳаларидан кўра қизиқмаган соҳаларини санаб ўтиш осондир» деб, алломанинг қомусий ақлини яна бир бор таъкидлаб ўтади.

Берунийнинг ўз ватани Ўзбекистонда ҳам унинг ижодига катта зътибор бериб келинмоқда. Ҳ. М. Абдуллаев, И. М. Муминов, В. Ю. Зоҳидов, Я. Ф. Фуломов, У. Каримов, С. А. Булгаков каби атоқли олимларимиз Беруний фаолияти ҳақида қатор рисола, асарлар яратдилар. Тошкентда унга бағишлиланган қатор Ҳалқаро илмий конференциялар ўтказилди. Биринчи бор Берунийнинг «Қадимги ёдгорликлар»,

«Хиндистон», «Масъуд қонуни», «Геодезия», «Сайдона» каби асосий асарларини ўз ичига олувчи кўп томли сайланма асарлари ўзбек ва рус тилларида Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан нашр этилди. Кўчалар, институтларга унинг номи берилган. Фан соҳасида Беруний номидаги Давлат мукофоти таъсис этилган.

## АБУ АБДУЛЛОҲ РУДАКИЙ

(860–941)

Абу Абдуллоҳ Жаъфар Рудакий таҳминан ҳижрий 243 (860) йилда Самарқанд яқинидаги Панжрудак қишлоғида, дехқон оиласида туғилди. Бу даврда Мовароуннаҳр Эрон, Хиндистон, Хитой, Миср ва Суря билан савдо ва маданий алоқаларни яхши йўлга кўйган эди.

Х асрда Бухоро, Самарқанд, Урганч, Марв, Нишопур, Балх, Зарафшон водийсининг юқори қисми хунармандчилик, савдо ва маданий марказларга айланган эди. Айниқса, Бухоро шаҳри IX–X асрлардаёқ Шарқнинг энг йирик маданий марказларидан бири бўлган.

Рудакий ёшлигиданоқ шеъриятга ихлос кўйди, ўз замонасининг машҳур чолгучиси Абул Аббос Баҳтиёр қўлида мусиқадан маълумот олди. Дастррабки маълумотни ўз қишлоғида олган Рудакий ўқиш учун Самарқандга борди. У ерда чукур билим олиб, тез орада адабиёт ва санъат соҳасида ҳам донг чиқаришга муваффақ бўлди.

Бухоро ҳукмдори Наср II ибн Аҳмад Сомоний (914–943 йилларда ҳукмронлик қилган) даврида Рудакийнинг шоирлик шуҳрати Бухоро ва умуман Шарққа кенг тарқалди. Рудакий асарларига зътибор берилса, унинг астрономия ва қадимги юнон фалсафасини ҳам яхши тушунгандигини кўриш мумкин.

Сомонийлар давлатининг кузга кўринган давлат арбоби, Наср II ибн Аҳмаднинг яқин дўсти Абуғазл Бальамий Рудакий ҳақида «У фақат машҳур шоир бўлибгина қолмай, балки ўз даврининг етук олими ҳам эди», деб баҳо берган.

Наср II ибн Аҳмад Сомоний Рудакийни ўз саройига таклиф этгандан сўнг, унинг ҳаётининг кўп қисми Бухорода ўtdи. Унинг кўзи ожиз бўлган. Қадимги манбаларда, унинг онадан кўр туғилганлиги ҳақида нақллар бор. Баъзи олимларнинг фикрича, у саройдан кувилиши олдидан кўзига мил тортиб кўр қилинган. Рудакий қариган чоғида кувғинга учраган, ўз қишлоғига қайтиб факирликда умр кечирган. У 941 йилда оламдан кўз юмди ва ўз ватанида дафн этилди. Бу жой халқнинг зиёратгоҳига айланди.

Рудакийнинг адабий меросидан бизгача минг байт етиб келган (2 қасида, 50 рубоий, шеърлар, достон ва бошқалар). Аммо XII аср шоири Рашид Самарқандийнинг таъкидлашича, биронта шоир Рудакий сингари кўп асар ёзган эмас. Баъзи олимларнинг фикрича,

Рудакий бир миллион уч юз минг мисра шеър ёзган. Муҳаммад Ав-фийнинг хабар беришича, Рудакий юзта туплам (дафтар) ёзган.

Ас-Сомонийнинг «Китоб ул-ансаб» асарида келтирилишича, «Рудакийнинг шеърлар туплами Ажам (араблар яшамайдиган) мамла-катларда машхур. Айтишларича, Рудакий биринчи булиб форс ти-лида шеър ёзган шоирларданdir», дейилган. Шунинг учун ҳам Наср II ибн Аҳмад Сомоний унинг вазирлари ва ҳарбий бошлиқлари унга қимматбаҳо совғалар берар эдилар. Шу туфайли Рудакий катта бой-ликка эга бўлган. Аммо у бутун дикқат-эътиборини шеъриятга ва фанга қаратган. Рудакий шеърият вазифасини кишилар қалбига таъ-сири этиш, «сангу-сандон юракларни мум каби юмшатиш» деб билди. Унинг асарларида халқчил ғоялар кучли. Қадимги манбаларда Рудакийнинг «Офтоб даврони», «Ароис ан-нафоис» («Нафис куртаклар») ва «Синбоднома» достонлари булғанлиги ҳақида маълумотлар учрайди.

Рудакийнинг қасидаларидан «Модари ман», «Дар васфи Бухоро» ва «Шикоят аз пири» («Қарилекдан шикоят») бизгача етиб келган. Рудакийнинг ижодида X асрнинг ижтимоий ҳаёти ўз аксини топган. Унинг ҳамма асарларида халқнинг орзу-умидлари, манфаатлари ифода қилинган.

Рудакийнинг ахлоққа оид асарларида ақл-идрок, ҳулқ-атвор ва билим асосий ўринни эталлаган. Мутафаккир билимни ҳамма бой-ликлардан устун қўяди. Унинг айрим насиҳатлари инсоннинг қандай ҳолатда баҳтли бўлиш шароитларини аниқлашга ёрдам беради. Рудакийнинг фикрича, инсоннинг тўла баҳтга эга бўлиши учун тўрт нарса керак: соғлик, яхши одоб, яхши ном ва ақл. У инсонларни воқеаларнинг ички моҳиятидан унинг ташқи томонини ажратади. У яхшилик, саҳијлик ва улуғворликни тарғиб қиласди.

Рудакийнинг табиат гўзалликларини ифода этган асарлари жуда жозибалидир. Унинг асарларида Ватанга, халққа муҳаббат мавзула-ригина ёритилмай, кенг фалсафий фикрлар ҳам баён этилган. Масалан, «Қарилекдан шикоят» асарида моддалар бир шаклдан иккинчи шаклга ўтишини ҳамда йўқ бўлиб кетгаслигини таъкидлайди.

Буюк мутафаккир кишилар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳамкор-лик кишилилк жамияти учун муҳим аҳамиятта эга эканлигини бир неча бор таъкидлаб ўтган. Унинг фикрича, ҳақиқий дўстлик учун кишиларни, ҳатто турли динда бўлишлари ҳам халақит бера олмайди. Унинг қўйидаги сатрлари дикқатга сазовордир:

Жаҳоннинг шодлиги йигилса бутун,  
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун.

Рудакий ҳаётнинг ўзини биринчи устод ҳисоблайди ва ундан таъ-лим олишга ундаиди:

Ҳар киши олмаса ҳайтдан таълим,  
Унга ўргатолмас ҳеч бир муаллими.

Рудакий асарларида инсон ақду заковатига ишонч кучли. Асарларининг тили, бадиий ифода воситалари содда ва тушунарли қилиб ёзилган. У биринчи бўлиб, X асрда ёк форс мумтоз адабиётига асос солганини учун кўпгина Эрон олимлари, жумладан, профессор Сайид Нафисий форс шеъриятининг ватанини Мовароуннаҳр деб хисоблайди.

Табиатни, ватанини васф қилиш, ахлоқий панду насиҳатлар билан асарни безаш кейинги мутафаккирларга Рудакийдан қолган анъана эди. Жумладан, буюк шоир вафотидан кейин яна 50 йил яшаган машҳур тарихчи Абулфазл Байҳақий (995–1077) унинг ғояларини ўз тарихий асарларида давом эттириди.

## НОСИР ХИСРАВ

(1004–1088)

Марказий Осиё маданиятининг улуғ донишманди ва мутафаккири Носир Хисрав Кобадиёнда 1004 йилда туғилган. Унинг аждодлари ўз даврининг обрўли, давлатманд қишиларидан хисобланган. Амударё билан карвон йўли кесишган жойдаги бу шаҳар XI асрда фақат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билангина машҳур бўлмай, балки савдо-сотик ҳамда хунармандчилик ҳам тараққий топган жой эди. Кобадиённинг қолдиқлари ҳозир Тожикистоннинг Носир Хисрав шаҳри чеккасидадир.

Унинг номи Абдумунииддин Носир, отасининг номи эса Хисрав бўлиб, шеърларида «Хужоат» таҳаллусини кўллаган. Носир Хисрав замон анъанасига кўра, бошлангич маълумотни туғилган жойида олди, кейинчалик Марв, Балх мадрасаларида таҳсилни давом эттириди, диний, дунёвий билимларни эгаллади. У Кобадиён, Марв, Балхни ўз шаҳри хисоблаган ва «Сафарнома» асарида «Абумунииддин Носир Хисрав Марвозий ва Кобадиённий номлари билан таниклидир», деб ёзади. Адабиёт ва илм оламида Носир Хисрав унвони билан танилган адаб ёшлигида ёк қатор тиллар ва фанларни (ал-жабр, муқобала, ҳандаса, мантиқ, нуҷум, ҳайъат, тиббиёт, тиб, фалсафа, фикҳ, тарих, қалом, мусиқа, аруз ва бошқалар) пишиқ ўрганган. Мутафаккирнинг асарларида бу ҳакда қизикарли маълумот ва лавҳаларни уқиши мумкин.

Носир Хисрав бу даврда улуғ ватандошлари Абу Али ибн Сино, Форобий асарларини чукур ўрганади ҳамда бутун умрга уларнинг содиқ шогирди ва давомчиси бўлиб қолади. Бундан ташқари, у қадим дунё файласуфлари Сократ, Платон, Аристотель таълимотини ўрганиш билан шуғулланади.

Носир Хисрав дунёқарашининг шаклланиши, ўша замон илму маданияти дурданаларидан баҳраманд булишида унинг Миср, Шом,

Ирек, Қохира, Искандария, Дамашқ, Басра, Ҳижоз, Ҳалаб, Макка, Мадина, Озарбайжон, Арманистон, Фаластин, Эрон, Туркистон ва Ҳиндистон шаҳарлари бўйлаб қилган сафарлари мухим аҳамият касб этди. Улкан адид қайси шаҳарда булмасин, унинг дикқатини ўша юртнинг улуғ шахслари, олиму шоирлари ўзига жалб этган ва ўша донишмандлар билан мулоқотда бўлган. Чунончи, Носир Хисрав 1045 йилда Қохира шаҳрида карматлар, яъни исмоилия диний мазҳаби билан яқиндан танишади.

Манбаларнинг шаҳодатига кура, Носир Хисрав маълум муддат Фазнавий ҳукмдорлардан Султон Маҳмуд Фазнавий ва унинг ўғли Маъсүд салтанати даврида расмий лавозимларда фаолият курсатади. Унинг Салжуқийлар дарборида хизматда бўлганлиги хусусида ҳам айрим ишоралар сақланган. Бироқ сарой мұхитининг аянчли манзаралари истеъодли шоирга манзур тушмади. Айниқса, амалдору музозимлар, руҳонийлару манфаатпараст шоирларнинг нафс учун паст кетишлари, ҳар қандай разилликларга тайёр туришлари, авжига чиққан мадҳиябозликлар Носир Хисрав кўзини очди. Унинг шеърияти ва илмий қарашларида танқиднинг кучайишига замин яратди. Ана шу омиллар унинг маънавий дунёсида бурилиш ясади, у ҳақиқат излаш ва халқ хизмати учун ижодий, фикрий изланиш билан шуғулланишга киришди.

Носир Хисрав сарой аҳли, реакцион кучлар қувгинидан қочиб умрининг сунгти 20 йилини Юмғонда ўтказди ва куп асарларини Юмғонда (Бадаҳшондаги қишлоқлардан бири) ижод этди. Унинг салкам чорак асрлик умри шу ерда ўтди ва ўша ерда 1088 йилда вафот этди. Носир Хисравнинг қабри ҳам шу жойдадир. Кейинчалик бу табаррук маскан шоир ижоди ихлосмандларининг зиёратгоҳига айланди.

Носир Хисравнинг оиласи ҳаётига доир аниқ маълумотларга эга эмасмиз. Манбаларда бу ҳақда ҳеч қандай далиллар учрамайди. Унинг сарсон-саргардонликда ўтган умри, тазиқу таъқиб этишлар, қувғиндаги йиллар алломанинг уйланиши, бола-чақа кўришига имкон бермаган кўринади.

Носир Хисрав адабий, илмий, фалсафий, ҳикматий асар ва рисолаларини ўша давр анъанаисига кўра, дарий ва араб тилиларида яратди. Бизгача мутафаккирнинг иккита шеърлар девони (бири форсий, иккинчиси араб тилида), «Рушноинома», «Саодатнома» маснавийлари, «Зод ул-мусофирин», «Хон-ул-ихвон», «Дин важҳи», «Бустон ул-укул», «Жомеъ ул-ҳикматайн» каби маънавий-диний асарлари, тўқсон икки фалсафий, мантиқий саволларга жавоб усулида ёзилган насрый рисола ва машхур «Сафарнома»си етиб келган.

Носир Хисравнинг форс тилидаги шеърлар девони диний-мазҳабий, фалсафий, ижтимоий-ахлоқий ва ишқу ошиқлик баҳсига бағишиланган қасида, ғазал, рубойи, фарз, қитъа сингари жанр намуналаридан иборатdir. Девондаги шеърлар 11000 байтни ташкил этади.

«Рушноинома» — ихчам маснавий булиб, 592 байтдан иборат. Асарда донишманднинг диний, фалсафий, маърифий, ижтимоий-ахлоқий қарашлари рангин мисраларда юксак шоирона назокат ила куйланади.

«Саодатнома» уч юз байтдан иборат бўлиб, унда «Рушноинома»-даги айрим масалалар тақорорланган. Шунингдек, бир қатор фалсафий-ахлоқий муаммолар ўз ривожини топган.

Носир Хисрав ўзининг маънавий ҳёти, диний-фалсафий дунёқараши жиҳатидан ботиния ва исмоилия мазҳабининг издоши ва ҳаким-устозларидандир. Исмоилия фирмалари ягона-ботиния атамаси билан юритилади. Мазкур диний-фалсафий мазҳаб Куръоннинг (ички) маъносига тарафдор. Ботинийлар қарашига кўра, Куръонни ҳазрати Али ибн Абутолиб ва унинг дўсту сұхбатдошлари ҳақиқий маъносини биладилар. Мазкур мазҳаб аҳли таълимотига кўра, Худо оламнинг мабдаъи, асл вужудидир ва инсон ақли-ла Худони билиб олишга қодир эмас. Инсон ўз ақли билан Мутлақ вужуднинг ташқи зоҳирий томони — кулл ақлни билиб олиши мумкин. Кулл ақл Худодан ажралган, тажаллий этган руҳий моҳиятдир. Кулл ақлдан эса жаҳоний жон ёки нафси кулл, унинг оқибати сифатида жисмоний олам, ундаги мавжудотлар вужудга келган. Инсон ноқис жону ақлга эга, комиллашиб учун у покланиши лозим. Мутлақ вужудга етишиш учун йулловчи шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат босқичларини босиб ўтиб, ҳақиқий — абадий олам — Худойи таоло вастига ета олади.

Носир Хисрав мазкур ботиния — исмоилия мазҳабининг асосчиларидан ҳисобланади. У «Рушноинома» асарининг «Тавҳид» бобида ўз ақидасини баён этиб ёздики, Худои таоло яккаю ягонадир, унга шерик йўқ, унинг аввали ва охири йўқ. Инсон Худони фикру андиша ила жисмоний кўз ҳиссиятлари орқали била олмайди. Факат руҳий кўз, қалб кўзи билангина мушоҳада этиши — кўриши мумкин.

Мутафаккир ўзига маслақдош шайхлар нуқтаи назарини маъқуллаб қолмасдан, уни ривожлантиради. Носир Хисрав талқинига биноан инсон Худони ва Коинотни билиб олишни ўзлигини билиб олишдан бошламоги лозим. Зоро вужудликнинг бир неча жиҳатлари мавжуд. Инсон дастлаб ўзлигининг ҳақиқий ва ўзгарувчан жисмий-моддий жиҳатларини ақли билан фарқлаб олиши даркор.

Носир Хисрав замонасининг етук маънавий-руҳий арбоби сифатида инсонда аслий-илоҳий жиҳат борлиги ва у ўз ҳақиқатини билиб олишга қодир эканлигини таъкидлайди. Бунинг учун инсон ҳётини беҳуда ўтказмаслиги, аслига етиш учун саъй-ҳаракат қилиши, илм эгаллаши ва моддий эҳтиёж гирдобига тушмасликка давват этади. Носир Хисрав асосий дикъатни инсоннинг покланиш жараёнига қаратади. Унингча, инсон ўз асли-илоҳий руҳга қайта кўшилиши учун ўзининг ҳақиқати, адабиятини англаб етиши, ўз-узини такмил эта билиши, ахлоқини соғ тутиши, поклаши лозим. Бунинг учун ғайри

инсоний ҳаракатлардан сақланиш, ғарибу ғураболар қалбига озор етказмасликнинг ўзи кифоядир.

Утмишдошлари анъанасини давом эттирган шоир, одамларни фазилатли, хуш феъл-авторли қилиб шакллантиришида тарбия ҳиссасининг бекиёс эканлигига урғу беради. Шундан бўлса керак, аллома асарларида ахлоқий панду насиҳатлар, ҳикоят ва қиссаларга кенг ўрин берилади. Унинг шундай уринишларини «Ахлоқи ҳамида ва замима» сарлавҳали шеъри мисолида ҳам яққол куриш мумкин.

Инсонни иккига ажратган файласуф шоир унинг ахлоқига ҳам худди шундай муносабатда бўлади. Аслида одамнинг ёмони бўлмайди. Ёмон тарбия курган, феълу автори яхши ёхуд нолойиқ инсонлар бўлиши мумкин. Бас шундай экан, асосий дикқат ахлоқий тарбия муаммоларига қаратилмоғи лозим.

Носир Хисравнинг маънавий мероси панду ҳикмат бобида улкан ҳазинани эслатади. Унинг катта-ю кичик асарларида ахлоқий қараашлар марказий ўрин тутади. Унингча, ёмон билан яхши, хайру саҳоват ва баҳишлик орасидаги фарқни ажрата билиш учун инсон, биринчи галда, ўзлигини яхши англаб олиши лозим.

Ҳакимнинг бир қатор ахлоқий қараашлари умуминсоний, умумбашарий аҳамиятга эгадир. Жумладан, буюк мутафаккирнинг баразлик билан беҳад молу мулкка берилмаслик, ўтар дунёнинг юзаки хурсандчилкларига ҳирсу ҳавас қўймасликка даъвати барча даврлар, элу элатлар учун бирдай манфаат касб этади.

Мўтабар донишманд ижодидаги умумбашарий маънавий қадриятлардан яна бири ўзгаларга нисбатан адолатли, инсофли бўлиш, қашшоку нотавон, жисмоний жиҳатдан заифлашганларга раҳму шафқат кўрсатиш, бошқаларнинг гунохини кечириш каби юксак фоя ва насиҳатлардир. Улуг шоир худди ўндаи чакириқ руҳи билан мансабдорларга мурожаат қиласди, уларни ўз кўл остидаги меҳнат аҳлига нисбатан раҳму шафқатли, меҳрибон булишга даъват этувчи мисраларни ёзди.

«Маънавий жиҳатдан улғаймоқчи бўлсанг, мартабангни юқори кутаришни истасанг, жаҳоннинг улугларига яқинлашишни хоҳласанг илм ўрган, ақлу идрокингни такомиллаштири», дейди доно шоир. Чунки айни ўша фазилатлар инсонни улуглик поронасига кўтаради, улар маънавий жиҳатдан уч турга — Пайғамбар, авлиёлар ва ҳакиму доноларга бўлинади. Илму ақл одамни ҳақиқий инсон рутбасига эриштираса, нодонлик эса уни одамийлик даражасидан четлаштиради.

Илғор мутафаккир илм ўрганишгагина эмас, уни тарғиб, ташвиқ қилишга, илм толибларига, уни қидирувчиларга етказиш кераклигига алоҳида эътибор беради:

Ўзингни илм бирла безатги,  
Фақат кимхоб кийтан эмасдир гўзал.

У илмни жон ичидаги гавҳар деб атайди:

, Ақл билган ҳама гавҳарлар аро,  
Илмдан яхши кимё йўқдир асло.

Носир Хисравнинг фикрича, киши дилига таскин бергувчи, уни бу дунёда шоду хуррам қўлгувчи ҳам илм:

Агар хуррамлик истарсен, сўрокла илм ила ҳикмат,  
Ўшанда илму донишдин олурсан мевайи ҳожат.

Унинг «илм» тушунчаси фақат диний илмлар билан чегараланиб қолмай, балки бутун дунёвий билимларни ўз ичига олади. Унинг фикрича: «Кишилар орасида ақллилари ақлий лаззатга интилади. Шундагина у умумий лаззатта эришади. Бу лаззат манбаи тоғлиқ оламдир... Фақат одам илм ўрганишдан лаззат топади, бу ҳис ҳайвонларда йўқ, илмнинг ҳар бир поғонаси яна юқорироқ поғонага олиб келади, демак, билимнинг чегараси йўқ», деб ёзали Носир Хисрав «Зод ул-мусофирин» («Сафар қўлувчилар йўл анжоми») деган китобида<sup>1</sup>.

Носир Хисрав маънавий бисотида ижтимоий ҳаёт, давлат тузилиши, амалдору ҳокимлар фаолияти, уларнинг фуқароларга муносабати ҳақида ҳам қимматли фикру мулоҳазалар кўзга ташланади. Ўтмишда фаолият кўрсатган талай файласуф ва мутафаккирлар сингари у ҳам маърифатли, адолатпарвар шоҳу ҳокимлар тарафдори эди. Табиатан адолат ва инсоф тарафдори бўлган донишманд шоир «Садатнома» маснавийсида меҳнат аҳлини, хусусан, деҳқонларни са-мимий муҳаббат билан шарафлайди. Улар мадҳида оташин мисралар яратади.

Мутафаккир шоир деҳқон касбига, унинг бунёдкорона меҳнатига юксак баҳо беради. Зероки, улар туфайли олам обод. Уларнинг машакқатли меҳнати шарофати ила ҳалқ ризку рўзи ҳамиша мухайёдур. Носир Хисрав нигоҳида улар жаннатдан жой олишга сазовордирлар. Чунки улар ҳаётнинг сакловчилари ва яратувчилари ҳисобланади:

Жаҳоннинг шодлигин боиси деҳқон,  
Унинг бирла экинзор, бугу бўстон.

Бу ишлар яхши, оламда не бордур,  
Одам наслига бу иш ёлгордур...

Жафокаш, паҳлавон меҳнат чекодур,  
Тўкиб тер, барчанинг ризқин экодур.

<sup>1</sup> Шоислом Шомуҳамедовнинг «Форс-тоҳик адабиёти классиклари» китобидан олиниди. Т., 1963, 71–72-бетлар.

Деҳқонлардан кейинги ўринда касб-хунар эгалари туради. Улуг шоир бу тоифа аҳлини хушбахт одамлар ҳисоблайди. Ҳунар, касб эгаси ҳам худди деҳқон сингари яратувчи-сониълар сирасига мансубдир. Ҳалқ эҳтиёжи улар санъати, ижодий меҳнати-ла таъминланади:

Косибдан шоду хуррам йўқ жаҳонда,  
Хунардин яхши дур ҳам йўқ жаҳонда...

Арзир унинг бўлса боши осмонда,  
Улсиз яшай олмас шоҳ ҳам жаҳонда<sup>1</sup>.

Шоир орзусича, фозил ҳукмдор фуқаро-раиятни доимо ўз муҳофазасига олади. Мамлакатни адлу инсофла бошқарди. Ҳар қандай тадбирни вазирлар мұхоммадасига, «кенкош» — машварат мажлисида күриб, маъкулланғандан кейингина фармон сифатида зылон қиласиди. Ҳукмдорларнинг бундай адолатли бошқаруви туфайли мамлакат обод, унинг ҳалқи эса фаровон яшайди, бир-бирига меҳрибонлик билан муносабатда бўлади. Юртда ҳашар уюштириш воситасида боғ-роғлар яратади. Жамоа аҳли шароб истеммол қиласиди. Бундай давлатда вижидон эркинлиги барқарор ҳукм суради. Диний фарзлар ихтиёрий бажарилади. Юрт фуқаролари ислом динига зытиқодли ва Мұхаммад Мустафонинг пайғамбарлигига икфрордурлар. Айтилганлар билан бир қаторда, донишманд шоир «Мулук ва умаро мазаммати тұғрисида», «Ёмон нағс ва риёкорлар ҳақида» сарлавҳали шеърларида ноинсоф, адолатсиз, мағрурланған, раият, илм-фан, меҳнат аҳлиға ёмон мумала-муносабат қилувчи, порахӯр, бемаърифат, жоҳил, зулму жабрдан ҳузур қилувчи ҳоким ва амалдорлар фаолиятини қаттиқ қоралайди. Шоир таъбирича, бундай инсонлардан ит шарафлироқдир. Ўша жоҳиллар ўз жисмоний кайфу роҳатлари учун қашшоқ камбағалларни хонавайрон қилишдан уялмайдилар. Бундай муфтҳӯр ва хасис мулозимлар қарғишига учрагани учун ҳам уларнинг мол-бойликлари баракасиз, ҳаром.

Улуғ шоирнинг талай панду насиҳатларида одамларни ранжит-маслик, уларга озор бермаслик ибратли мулоҳазалар ўртага ташланади. Бироқ ҳукм аҳли рафторининг қуюшқондан чиқиши шоирни беҳад ғазаблантиради. Шундан бўлса керак, унинг ўзи ҳам ошкора танқидга ўтади ва зулму ситамкорларнинг амалий фаолиятини бўрининг тажовузкорлигига ўхшатади.

Аллома шоирнинг кўпчилик асарларида одамлар юксак одамийлик сифат ва фазилатларига даъват этилади. У инсонлараро ўзаро ҳурмат, самимият қарор топиши тарафдори эди.

<sup>1</sup> Ўша китобдан, 80–81-бетлар.

Дарвоқе, ақиллик, адлу амният, меҳру оқибат, ўзаро иттифоқ устувор бўлган юртда зулмат чекинади, инсон шарафи юксак улугланади, ўзаро низолар йўқолади, инсон инсоннинг жонига қасд қылмайди. Ана шундай улуғ инсонсеварлик фоялари туфайли Носир Хисрав бизга замондошдир.

Эй, мардум зодаи, бо мардуми бош,  
Чи бошад дэв будан, одами бош!

Яъни:

Эй, инсон авлоди сен, инсонийлик билан бўл,  
Нимадур дэв бўлиш, одамий бўл!

Носир Хисравнинг илм-фанни, инсонни, меҳнатни, касб-хунарни улуғловчи, адолатсизликнинг ҳар қандай кўринишини қораловчи мероси сўнгти авлодлар маънавий юксалиши учун муҳим озуқа бўлди, у халқнинг севимли шоир ва мутафаккирига айланиб кетди. Носир Хисрав ижоди Марказий Осиёдан чиққан донишманд, мутафаккирлар ижодининг ниҳоятда ранг-баранг, умуминсоний бўёқларга бой эканлигини яна бир бор исботлади.

## ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ

(XI аср)

Юсуф Баласофуний Еттисув ўлкасидаги Кузўрда (Баласофун) шаҳрида 1016–1018 йиллар орасида дунёга келади. Бу даврда Еттисув ва Шарқий Туркистон ўлкалари туркий қарлук қабиласидан чиққан Ко-рахонийлар сулоласи қўл остида эди. Бу сулола VI–IX асрларда ҳукм сурган Буюк Турк хоқонлигининг давомчилари бўлиб, IX аср ўрталаридан давлатни бошқариб келдилар. X аср бошларида Абдулкарим Сотуқ Буграхон (924–955) ислом динини қабул қилди ва шу билан туркий элатлар ҳам узил-кесил ислом минтақа маданиятига келиб қўшилдилар. X аср охирига келиб, Сомонийлар таназзулга юз тутгач, Корахонийлар Мовароуннаҳри тугал эгаллалилар. Баласофун ушбу улкан мамлакатнинг шимолидаги пойтахти эди.

Шоир ҳақида маълумотлар кўп эмас. «Кутадгу билиг» асарини 50 ёшларда, ҳижрий 462 йили (1069/70) ёзib тутатган Юсуф ўзи ҳақида асар муқаддимасида шундай маълумот беради: «Бу китобни тасниф қилиғли Баласағун мавлудлиғ парқиз идиси эр турур. Аммо бу китобни Кошгарда тугал қилиб, Машриқ малики Тавғачхан усқинга кекурмиш, малик ани ағирлаб, улуғлаб ўз Хас Ҳожиблықы анга бермиш турур, анинг учун Йусуф Улуг Ҳас Ҳожиб тэб аты жавы йазылмыш турур» (Бу китобни тартиб берувчи Баласофунда туғилган, парқиз соҳиби (сабр-қаноатли) кишидир. Аммо бу китобни Кош-

тарда тугал қилиб, Машриқ малики Тавғачхон даргоҳига келтирибди. Малик уни ёрлақаб, улуғлаб ўз (саройида) Хос Ҳожиблик (лавозимини) берибди. Шунинг учун Юсуф Улуг Ҳос Ҳожиб деб машхур номи тарқалибди). Китобда номи тилга олинган хоқон Насриддин Тавғач улуғ Буғро Қорахон Абу Али Ҳасан Ҳорунхон бинни Арслонхон бўлиб, 1075–1103 йиллар давомида Қорахонийлар давлатини бошқарган. «Кутадғу билиг» асари унга бағишиланган пайтда у Кошгарда Арслон-тегин Тўғрул Қорахоқон Маҳмудхон (1059–1075)нинг ўртоқ-қоғони сифатида ҳукм сурарди (Қораконийлар сулоласида шундай одат бўлиб, Баласофун асосий хоқон ҳукмдор бўлганда Кошгарда унинг ўртоқ-қоғони иш юритарди).

Асар мазмуни, тили ва услубидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Юсуф Ҳос Ҳожиб араб ва форс тилларини мукаммал билган, бу тиллардаги диний, илмий, бадиий адабиёт билан чукур таниш бўлган. Бундан ташқари шоир қадим турк ёзма адабиёти, туркий халқлар оғзаки ижодини ҳам яхши билган, улар мұхитидә тарбия олган. Шоир туркий элатларнинг қадимий қүшнилари хитой, мўгул, ҳинд, эроний халқлар маданияти, юон фалсафаси ва бошқа ўша давр маънавий ҳаётининг турли томонлари ҳақида мукаммал маълумот эгаси бўлган. Юсуф катта истеъодод соҳибидир. Ўша давр анъана сига кўра, у араб, форс тилларида ҳам шеър ижод қылган бўлиши керак, туркий адабий тилда, балки девон ҳам тузгандир. Афсуски, бизгача шоирнинг ягона достонидан бошқа асари етиб келмаган. Аммо аниқ айтиш мумкинки, ҳеч қайси ижодкор илк ижодини 6,5 минг байтга яқин йирик достон ёзишдан бошламайди. Масалан, Амир Ҳисрав Деҳлавий биринчи йирик достонини бошлагандан иккиси девон тузган ва улар таркибида бир қатор кичик маснавийлари бор эди. Биз Юсуфнинг ижодий йўли ҳақида баъзи маълумотларни достонга таяниб олишимиз мумкин. Масалан, шоир кириш қисмida ёзади:

Бу туғмиш элиндин чиқиб боррони,  
Китобни қўшубон тугал қилғони.

(Туғилган юртидан чиқиб боргани, китобни жамлаб тугал қилғани).

Иккинчи сатрдаги китобни жамлаб, тугал қилгани ҳақидаги маълумот, унинг баъзи қисмлари олдинроқ алоҳида асар сифатида ёзиб, машқ қилинган бўлиши мумкинлигидан дарак беради. Маснавий жанрида ёзилган асар таркибида вазн ва қофиялаш усулига кура унлии фарқ қилувчи икки алоҳида қасида ва 200 дан ошиқ туртлик манжуд бўлиши ҳам бехуда эмас. Биз бу асарнинг таркибий курилишидан келиб чиқиб, уни шоир бир неча марта таҳрирдан утказган бўлиши керак деб, ўйлаймиз. Олимлар ҳам бу ҳақда хилма-хил тахминлар қилиб келишади. Ҳозир бизнинг қўнимизга етиб келгани

охирги таҳрир ва хоқонга тақдим этилган нусхадир. Бу нусха таркиби куйидагича:

Уч босқич муқаддима:

1. Насрий муқаддима (38 сатр);
2. Шеърий муқаддима (77 байт);
3. Муқаддимавий боблар (II боб, 390 байт).

Иккинчи ва учинчи босқич орасида боб сарлавҳалари рўйхати (Фихристи авбоб) берилган.

Асосий қисм — достон мавзуи 68 бобда ривожланади. Ундаги сарлавҳалар ҳисобига, агар иштирок этувчиларнинг савол-жавоблари ни ҳам киритсак — 174 сарлавҳа остида берилган. Умумий ҳажми — 5896 байт. Хотима қисми — 2 қасида ва маснавий бобдан иборат бўлиб, охирги маснавий боб мазмунигина маълум даражада достонга алоқадордир. Муқаддиманинг факат учинчи босқичи (II бобдан иборат) бевосита достон таркибига ўйғунлашган. Олдинги икки босқич эса қайта таҳрирда китоб ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш учун атайин наср ва назмда илова қилингандир. Шу сабабли улар боблар номланиши рўйхатидан ҳам илгари берилган.

Асосий қисм охирда (6261—6286-байтлар) шоир китобнинг ёзилиш йили, нима мақсадда ёзилгани, укувчига мурожаат, Аллоҳга муножот, Пайғамбар ва ҷоҳорёрларга саломлар билан асарни хотималайди ва алоҳида хотима қисмга ҳожат қолдирмайди. Аммо бундан сўнг яна 2 қасида (Йигитликка ачиниб, қариликдан шикоят қилиш — 44 байт ва замон бузуқлиги, дўстлар жафосидан ёзғириш — 40 байт) қўшилиб, яна 1 маснавий бобда муаллиф ўзига ўзи насиҳат қиласи (37 байт), асарнинг туркча ёзилганлиги, тугалланиш санаси, яна муножот ва саломлар қайтарилади. Шулардан билинадики, хотима қисмiga ҳам 2 қасида қўшилиб, қайта таҳрир қилингандай пайтда ёзилган. Асосий қисм мазмуни ва мундарижасига кўра «Кутадгу билиг» достони минтақа адабиётининг биринчи босқичида яратилган туркӣ тилдаги ислом маънавиятининг бадиий-фалсафий, ижтимоий-ахлоқий қомуси деб баралла таърифласак арзийди. Унингдек улуг яхлит китоб ал-Бухорийнинг «Жомеъ ас-саҳиҳ» идан кейин араб ва форс тилиларида ҳам яратилмаган эди. VIII—IX асрларда Абдулҳамид ал-Қотиб, Ибн ал-Муқаффа (720—756), Адид Аҳмад Юғнакий, ал-Жоҳиз (775—868) каби йирик адиблар томонидан асос солинган адаб илми, Абу Наср ал-Форобийнинг ижтимоий-ахлоқий фалсафаси, «Шоҳнома» ва турк хоқонларининг ёдномалари, минтақа ҳалқларининг бой маънавий мероси бу асар мағзига сингдирилган. Энг асосийси, бу китоб ислом минтақа маънавиятининг қомуси бўлди. Фирдавсий «Шоҳнома»си минтақа ҳалқларининг ўтмиш тарихини бадиий акс эттиrsa, Юсуф Ҳос Ҳожиб асари унинг янги даврдаги ҳолатини бадиий тафаккур конуниятлари асосида мужассам этди. Муаллиф ўз асарини «Шоҳномайи туркӣ» деб шуҳрат топганини айтига-

ди, бу қиёс шу маънода тўғрики, ўтмишда минтақа эроний ҳукмдорлар — Каённий ва Сосонийлар ҳукмидаги бўлган бўлса, Юсуф даврида Сосонийлар мулки туркӣ ҳукмдорлар қўлига ўтган эди. Баласоғундан Бағдодгача туркӣ сулолалар ҳукм сурар эдилар. Шу сабабли энди сулолалар тарихи эмас, давлат бошқариш одоби муҳим эди. Асарнинг яна бошқа шуҳрат топган номлари «Адаб ул-Мулук» («Ҳукмдорлар одоби») ва «Ойин ул-мамлакат» («Мамлакатни идора этиш қоидалари») худди шу жиҳатни акс эттиради.

Достон мазмуни шоир тасаввуридаги шундай бир бадиий оламни акс эттирадики, унинг асосий қаҳрамонлари 4 тимсолдан ташкил топган. Биринчиси, Адолат — у бош ҳукмдор, унинг номи Кунтуғди, у кўёшдек барчага баробар нур таратади. Иккинчиси, Давлат — туркӣда Кут, у бош вазир, унинг исми Ойтўлди. Кут ёки Давлат ички мазмуний тушунча бўлиб, Бойлик, Барака, Омад, Баҳт, Кудрат маъноларини ўзида жамлаган, ҳукмдорнинг таянчи, унинг белига кувват, қўзига нур, мулкига фаровонлик баҳш этувчи бош маслаҳатчи ва нозир. Аммо Ойтўлдининг умри фоний, Давлат, Баҳт, Омад деган нарсалар пойдор эмас, осмондаги Ой сингари гоҳ тўлиб балқиди, гоҳ Ҳилол сингари нозиклашиб, кувватдан кетади, орада кўринмай қолиши ҳам мумкин. Ойтўлди асар давомида хасталаниб вафот этади. Аммо унинг вориси, ўғли Ўгдулмиш унинг ўринбосари, ҳукмдорнинг яқин маслаҳатчиси бўлиб қолади. Ўгдулмиш Ақл ва Билим рамзи. Агар Бойлик, Омад, Баҳт ўткинчи бўлса, киши кўлида доимий турмаса, Ақл ва Билим уларнинг ўрнини боса олади. Асли асарнинг бош қаҳрамони Ўгдулмиш, яъни Ақл ва Билимдир. Шу сабабли китобнинг асл номи ҳам «Кутадгу билиг» («Баҳтга элтувчи билим»). Баҳт, кут-барака, омад, кудрат манбаи бўлмиш билим билан боғлиқдир. Асадаги тўргинчи тимсол — Қаноат. Агар инсонда, жамиятда қаноат бўлмаса, унинг барча хосияти бир пул, оқибати аянчлидир. Қаноатнинг исми Ўзтурмиш бўлиб, у Ойтўлдининг, яъни Баҳт ва Давлатнинг, Ўгдулмишнинг, яъни Ақл ва Билимнинг қариндошидир. Аммо Ойтўлди қариндошини эсламайди. Баҳт ва Омад Қаноатни хотирга келтирмайди. Ҳукмдорга (Элиг деб атайди Юсуф ҳукмдорни) Ўзтурмиш қариндоши ҳақида Ўгдулмиш эслатади, яъни Адолат Ақл ёрдамида Қаноатдан хабар топади ва унинг суҳбатини истайди. Асар охирида Ўзтурмиш ҳам хасталаниб вафот этади. Кунтуғди ва Ўгдулмиш, яъни Адолат ва унинг бош маслаҳатчиси Ақл қоладилар.

Булар ислом маънавиятининг бош тимсоллари эди. «Кутадгу билиг»нинг айрича аҳамияти ана шунда. Аммо асар мавҳум тимсоллар ва рамзлардан иборат эмас. Асар қаҳрамонлари жонли шахслар — Элиг — Кунтуғди — адолатли, инсофли ҳукмдор, Ойтўлди — донишманд, тадбирли, таржибали аллома, мураккаб характерли шахс, юрт, жамиятта фойдаси тегишини ўйлаб пойтахтга келади ва мусо-

Фирпарвар Кўсалиш ёрдамида Элигнинг Хос Ҳожиби Эрсиг билан танишиб, у туфайли Кунтуғди саройига кириб боради. Элиг билан танишади. Элиг ва Ойтўлди орасида кўп сұхбатлар бўлиб ўтади. Улар бир-бирининг ботиний қиёфаси, феъл-авторларини яхши ўрганиб, аста-секин умумий тил толишади, орада баъзи гинахонликлар ҳам бўлиб ўтади. Ойтўлдининг хасталиги ва ўлими, унга Элиг ва Ўгдулмишнинг қайгуриши, ҳамдардлиги жуда табиий, ҳаётй кечинмаларда тасвирланади. Ўгдулмиш Ақл тимсоли бўлгани билан, у аввал ўзини ёш йигитларга хос тутади, Элиг унга қанча панд-насиҳатлар беради, тарбиялайди. Кейинги Ўзгурмиш билан бўлган сұхбатлар таъсирида ҳам Ўгдулмишнинг онги ўзгариб, ривожланиб боради. У маълум вақт Ўзгурмиш таъсирида тавба-тазарруга берилиб, моддий дунё ташвишларидан ўзини олиб қочмоқчи бўлади, аммо Ўзгурмиш ва Кунтўлдилар яна уни бу ниятдан қайтарадилар, эл-юрт ташвиши билан яшашга ундайдилар. Шоир Ақл ва Билимни эл-юрт, ҳалқ, фаровонлиги йўлида хизмат эттириш энг асосий бурч деб ҳисоблайди. Ақл аввало Адолатга ҳимоячи ва маслаҳаттўй бўлмоғи талаб этилади. Ўзгурмиш щахси таркидунё этган, зоҳидлик ва тақвони яшаш тарзига айлантирган сўфийларни эслатади. Юсуф Хос Ҳожиб тасаввуф ғоялари, амалиётидан чукур хабардор эканлигини ушбу қаҳрамони тавсифида аён этган. Тасаввуф, тақво, зоҳидлик ва факир шоир наздида аввало Қаноатнинг тимсоли, ёрқин намоёндасидир. Қаноат Оқибатни ўйлаш билан бўлади, у инсонга Офият (руҳий осойишталик, кониқиши) келтиради. Адолат Қаноатсиз бўлмайди. Ҳукмдор сўфийнинг, зоҳиднинг сұхбатидан баҳраманд бўлиб туриши керак. Сўфий ҳукмдорни қидириб келмайди, ҳукмдор уни ўзи қидириши, сұхбатига интиқ булиши керак. Кунтуғди, Ўгдулмишни Ўзгурмишга мактуб билан уч марта жунатади. Шоир фикрича, агар ҳукмдор эътибор кўрсатса ва майл билдиrsa, сўфий ҳам сұхбатдан бош тортмаслиги керак. Албатта, зоҳид Ўзгурмиш сарой аёнига айланмайди, у маълум вақт Элиг билан фикр алмашиб, яна ўз кулбасига қайтиб кетади, ҳаёт тарзини ўзгартиромайди.

Юсуф Хос Ҳожиб тасаввуф ғояларига, ҳақиқий тақво эгаларига юксак эҳтиром билан қарайди, аммо жамият, ҳалқ баҳти учун, Адолат тантанаси учун ўз умрини бағишлиш унинг бош йўналиши бўлиб қолади. Унинг суюкли қаҳрамони Ўгдулмиш — Ақл ва Билим эгаси, умрини Адолат хизматига бағишилаган шахсадир.

«Кутадгу билиг» қаҳрамонлари фақат тўрт киши эмас, унинг асари бадиий умумлашмаларни ҳаётдан узиб акс эттирган деб бўлмайди. Достон ҳаёт ҳақиқатлари билан тўлуғдир. Унда ўша давр турмушининг барча қирралари, икир-чикири, зиддиятлари ўз ифодасини топган. Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг юксак ўй-хәёлларини ажойиб тимсолларда ифодалар экан, ҳаётдан бир зум узилмайди, давр зиддиятларидан кўз юммайди, жамиятдаги барча табака, тоифаларга хос

фазилат, қусурлар, ижтимоий аҳволни аниқ идрок қиласи. Уни баш-  
зан феодал-сарой қаравшларига тобе қилиб күрсатищади. Аслида бун-  
дай янглиш тасаввур Юсуф Хос Ҳожибининг ҳаётий зукколиги, иж-  
тимоий ақли, тадбиркорлигини нотуғри талқин қилиш оқибатидир.

«Кутадғу билиг» китоби авом ҳалқ учун эмас, биринчи навбатда,  
хоқон ва беклар, яъни юртнинг ҳукмдорлари учун атаб ёзилгандир.  
Туркий сулолалар бутун ислом минтақасида ҳукмфармо бўлиб кела-  
ётган бир пайтда, ижтимоий жиҳатдан «Шоҳнома»дан кўра «Кутадғу  
билиг», яъни «Ҳукмдорлар адабномаси» кўпроқ зарур ва бу китоб  
айнан туркий тилда ёзилмоғи керак эди. Юсуф Хос Ҳожиб ушбу иж-  
тимоий заруратни вақтида англаб етди; унга юксак савияда жавоб  
бера олди. Унинг асарини туркий ҳукмдорлар қай даражада ўқиди ва  
ўзлаштириди, бу бошقا масала. Абу Али Ҳасан Хоруњон уни яхши  
қабул қиласи, шоирни муносиб тақдирлагани Кунтуғди ва Ойтўлди  
тимсоллари ҳаётий ҳақиқатга анча мувофиқ келганини курсатади.

Ўша давр ижтимоий, ахлоқий воқеалигининг жуда кўп, хилма-  
хил жиҳатлари асар мазмунига сингдирилган. Айниқса, Кунтуғди ва  
Ўгдулмиш сұхбатларига бағишлиланган 15–25-боблар, Угдулмиш ва  
Ўзурмиш сұхбатига оид 31–53-боблар даврнинг барча ижтимоий  
тоифалари (беклар, сипоҳийлар, сарой аёнылари — вазир, ҳожиб,  
хазиначи, лашкарбошилар, элчилар, котиблар, сайдиллар, шоир-  
лар, мунахжимлар, олимлар, табиблар, дәхқонлар, савдогарлар,  
чорвадорлар, хунармандлар, камбағаллар — барча-барчасининг)  
аҳвол-руҳияти, жамиятдаги ўрни, феъл-атвори ҳақида муфассал та-  
саввур беради, уларга ҳукмдор ва давлат аёnlарининг адолатли му-  
носабати қандай бўлиши кераклигини тушунтиради.

Юсуф Хос Ҳожиб жамиятни тубдан ўзгартиришни эмас, муво-  
фикаштириш, уйгунаштириш, такомил баҳш этишини мақсад қилиб  
кўяди. Чунки XI аср ислом жамиятининг шаклланиб, юксалиб кела-  
ётган даври бўлиб, унда такомиллаштириш таклифлари ўринли эди.

«Кутадғу билиг»нинг бадиийлиги жуда юқори. Ундаги ҳар бир қир-  
ра, воқеалардаги ҳаётийлик ва шоир хаёли ўзаро ниҳоятда уйғун.  
Шоирнинг тасвиirlари ёрқин, тили ниҳоятда ширали, мазмунга бой.  
Ислом минтақа шеъриятининг энг асосий услуби хусусияти — ҳар  
бир байтнинг мустақил тасвирий, тимсолий бирлик даражасига кўта-  
рилиш талаби Юсуф томонидан тўла ҳис қилинган ва амалга тадбиқ  
этилган. Унинг жуда кўп байтлари ҳикматли сўз (афоризм) даражасига  
кўтарилган. Ҳар бир байт тугал тасвир (яхлит образ) беради.  
Асар тавҳид ёки ягона Аллоҳ ҳамди билан бошланади. 32 байтли бу  
бобда исломнинг бош тушунчаси ҳар тарафлама тавсифлаб берилган.

Хуллас, туркий тилда яратилган бу буюк асар минтақа адабиёти  
ривожининг биринчи босқичи учун маълум маънода яқунловчи асар  
бўлди. Бу босқичнинг ўзига хос икки жиҳатини қайд этиб ўтмоқ  
керак.

Биринчидан, бу даврда илм-фан ва ёзма бадий адабиёт асосан турли ҳукмдорлар саройи қошида, улар ҳомийлигига ривож олиб, гуллаб-яшнади. Агар Аббосий халифалар саройида араб тилидаги шеърият, Сомоний ва Фазнавийлар хузурида форс тилидаги адабиёт паноҳ топган бўлса, Корахонийлар даргоҳида туркий шеъриятнинг буюк намунаси дунёга келди.

Иккинчидан, бу адабиёттинг ўзига хос томони маърифатчилик эди. Нафакат адабиёт, балки бу даврнинг бутун маънавиятида етакчи ружни ақлга таяниш, билимга чорлаш, ижтимоий адолат, марғуб ахлоқни ақл, заковат кучи билан ўрнатишга ишонч ташкил қиласади. Бу адабиёт биринчи навбатда ҳукмдор табақага, беклар, зода-ғонларга мўлжалланган ва ўшаларга тўғри йўлни кўрсатишини мақсад қилган эди.

## МАҲМУД КОШГАРИЙ

(XI аср)

Маҳмуд Кошгарий Марказий Осиёда илк Ўрта аср маданияти-нинг буюк арбобларидан бўлиб, тилшунослик соҳасида, хусусан, туркий тилларни ўрганиш соҳасида машхур бўлди ва тарихда ўчмас из қолдирди.

Маҳмуднинг отасини исми Ҳусайн, бобоси Муҳаммад бўлиб, келиб чиқишига ва тилига кўра Кошгарий нисбатини олган. У XI асрда туғилиб, яшаб ижод этди. Бу даврда Мовароуннаҳрда Сомонийлар ўрнини Корахонийлар сулоласи эгаллаган, туркий адабий тил минтақада кенг урф бўла бошлаган эди. Ҳатто Аббосийлар халифалиги марказларида, азалдан араб ва бошқа сомоний халқлар яшаб келган ўлкаларда туркий элатлар намоёндалари кўпайиб, туркий тилга зътибор ошган эди. Маҳмуд Кошгарий ҳам ўзининг узоқ йиллар давомида бунёд этган «Девону лугатит турк» китобини ҳижрий 469 (1074/75) йилда туталлаб, аббосий халифалар авлодидан бўлган баланд мавқели Абулқосим Абдуллоҳ бинни Муҳаммад ал-Муқтадога бағишилаган. Асарнинг асосий матни ўша даврда кенг минтақа мусулмон Шарқида, бутун Яқин ва Ўрта Шарқда дин, фан тилига айланган араб тилида ёзилган бўлиб, туркий тилнинг бойлигини, мазмундор ва ранг-баранглигини тушунтириш учун ёзилган, деб тахмин қилиш мумкин.

Маҳмуд Кошгарий Баласофунда туғилиб, шу ерда йигитлик чоғларини кечирган бўлса ҳам, узоқ йиллар «Юқори Чиндан бошлаб бутун Мовароуннаҳр, Хоразм, Фарғона, Бухоро, ҳозирги Шимолий Афғонистонга қадар чўзилган» туркий ўлкаларни, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар, қирғизларнинг шаҳарларини, қишлоқ ва яйловларини кезиб чиқди, турли шева ва лаъжа хусусиятларини урганди, уларни адабий тил билан чоғиштириди, ўз иши учун ниҳоятда

бой материал түпләди. Лугат түзицда араб тильтунослари яраттан анъанадан унумли фойдаланган ҳолда, ишга ижодий ёндаши, туркىй тил қонуниятларини биринчи навбатта инобатта олиб китобига тартиб берди.

Кошгариј асари, ўзи таъкидлашича, «олдин ҳеч ким тузмаган ва ҳеч кимга маълум бўлмаган алоҳида бир тартибда» тузилган. Унда кўп шевашуносликка оид қиёсий қоидалар, грамматик, морфологик, лексик, семантик аломатлар кўрсатилган. Асар фойдаланувчиларга осонлик туғдириш учун содда ва лўнда ёзилган. Унда қадим турк алифбоси, фонетик қонуниятлар, орфозпик ва орфографик қоидалар пухта тушунитириб берилган. Лугатда туркй сўз тузилиши анъаналари, жумладан, сўз тартиби, феъл шакллари, сўз этимологиясига оид фикрлар баён этилган. Муаллиф кўрсатишича, китоб 8 бўлимдан, муқаддима ва холосадан иборат. Ҳар бир бўлимда от-исм сўзлар, феъллар қулайлик учун алоҳида ажратиб берилган. «Девон»да 7500 дан ошик туркй сўз ва иборалар изоҳланган. «Девону лугатит турк» ҳам адабий тил, ҳам асосий туркй шеваларни қамраб олган бўлиб, ундаги адабий тил, шева унсурлари нисбати ўртача адабий тилдаги 10–12 сўзга, шевага оид бир сўзга тўғри келади, яъни умумтуркй адабий тилга айрича аҳамият ажратилган. Бу ҳолат ўша давр ислом минтақасида туркй адабий тил қанча кенг тарқалгани ва мустаҳкам мавқега эга бўлганини тасдиқловчи қатъий далиллар. Лугатда юзлаб киши исмлари, шаҳар ва қишлоқ, ўлка номлари, дарё, тоғ, яйлов, водий, дара, йўл, довон, кўл, сой каби жўкрофий атамалар, турли қабила, уруғ, Элат, сайёра, юлдузлар, фасллар тилга олинади. Унда изоҳланган грамматик кўрсаткичлар морфемалар ҳисоби ҳам мингга яқин.

Туркй халқлар тарихига оид қадимиј афсона ва ривоятлар, 300 га яқин мақол ва маталлар, ҳикматли сўзлар, 700 сатрдан ошик шеърий парчалар ушбу асар саҳифаларидан ўрин олган. Шеърий парчаларнинг кўп қисми туркй халқлар оғзаки ижодига хос тўртликлардан иборат. Аммо «Девон»да келтирилган шеърий сатрлардан 150 сатрга яқини ислом даври шеъриятига хос бўлган «байт» типидаги маснавий, қасида, газал, қитъя парчалари бўлиб, уларни Кошгариј ўзи ҳам кўпинча «байт» деб атайди. Китобда 7 та эпик достон, ишқий кўшиқлар, пандномалар, коинот яратилишига оид асотир, шеърлар, табиат манзаралари тасвири, мадҳиялар, фалсафий мушоҳадалар учрайди. Кошгариј девонида келтирилган VIII–XI асрларга оид туркй шеърият намуналарида у ёки бу даражада аруз вазнига ўтиш мойиллиги сезилади. Арузнинг ражаз, рамал, мунсарих, ҳажаз, басит, қариб, мутақарир вазнлари туркй шеърият намуналарида ишлатилган бўлиб, айниқса ражаз баҳридан кенг фойдаланилган (44 парча). Бундай шеърларни муаллиф ўзи алоҳида уржузалар деб номлайди. Улар туркй халқ шеъриятида кенг тарқалган бўлиб, бу баҳр оҳангига туркй шеърият табиатига мос келишидан бўлса керак.

«Девон»даги эпик достон-қүшиқлар күпроқ жангнома характеристика булиб, баъзи йирик парчаларга шартли равища «Тангутлар билан жангнома», «Үйгурлар билан жангнома», «Ябаку билан жангнома» деб ном қўйилган. Улар ўз мазмунига кўра арабларнинг жоҳилия давридаги қабилалараро жанглари тасвириланган эпик ривоятларига ўхшаб кетади, фақат арабларда бу жанр насрый, туркий халқларда эса шеърий шакл устундир. Уларда туркий элатларнинг шижоати, қийинчиликларга бардоши, жасурлиги, ҳарбий ҳийлалар, сиёсий кураш, элпарварлик, мардлик, ҳикмат, меҳр ва қаҳр туйғулари жонли, чақноқ мисраларда тавсиф этилган. Шу билан бирга қабилавий бошбошдоқлик, ўзаро низо-адоватлардан ўкиниш, бирлашишга, иттифоққа интилиш майллари ҳам сезилиб туради. Буюк турк хоқонлигининг тушкунлик ҳолати, ягона бирлаштирувчи ғоянинг етмаслиги ушбу қўшиқлар күпроқ исломдан илгариги оғзаки шеърият намуналари эканидан дарак беради. Қадимги эпик қўшиқлардан «Девон»да сақланган икки йирик асар кўпчиликнинг диққатини тортиб қелади. Булардан бири «Али Эр Тўнга марсияси» ва иккинчиси — «Киш ва ёз» мунозарасидир. Марсия 44 сатрдан иборат. Унда маълум маънода туркий эл ўзининг севимли қаҳрамони, хоқони ва йўлбошчисигагина эмас, бой берилган имкониятлари, парчаланган элати, тушкунликка юз тутган туркий империядаги маънавий йўлсизлик ҳолатига ҳам куз ёш тўқади, мотам қилади. Бу қушиқ халқ оғзаки ижодидаги «Йифи» жанрининг адабийлашган намунаси деса бўлади. «Киш ва ёз» мунозараси туркий мунозара жанрининг бизгача етиб келган биринчи ёрқин намунаси бўлиб, унда туркий элатларнинг бутун табиати, яшаш, тафаккур тарзи, севинчлари, қайгулари батафсил акс этган. Айниқса, табиатга меҳр гўзал ифода топган. Асар мажозий тасвиirlар, ташбеҳлар, истиоралар, жонлантириш ва енгил кинояларга бой. Уни ўқиганда чорвардор туркий элатлар ҳаёти, фаолияти, табиий муҳит кўз олдингизда яққол гавдаланади:

Алин топу йашарди  
Урут ўтин йаширди,  
Кўлнинг сувин кушарди,  
Сигир бува мунграшур.

Мазмуни:

Тоғ бошлари яшарди,  
Куруғ ўтини яширди,  
Кўл сувлари тошурди,  
Сигир, бука маърашур.

Бу баҳор тасвири. Киш тасвири аксинча:

Келди асин аснайу,  
Көзқа тұпал уснайу.  
Кирди будун қуснайу,  
Кара булит күкращур.

### Мазмуни:

Келди шамол ҳувиллаб,  
Бүрон бұлиб ғувиллаб,  
Халқ титрашур увиллаб,  
Қора булат гүллирар.

Бу манзарапар чорвадорлар ҳәёти учун исломдан олдинги даврда ҳам, кейинчалик ҳам характерли эди. Бу жанрда жангнома ва марсиялар сингари драматизм руҳи жуда кучли. Шу билан бирга романтик сурур ҳам мавжуд.

Девонда ислом давр шеърияты асосан ишқий, фалсафий-дидактикалық, мадхиявий қасида ва шеър намуналари билан намоён булган. Үнда ҳам мазмун, ҳам шаклига күра Ахмад Юғнакий достонига асос бўлган тўртликларни эслатувчи «ааба» қофияли ўн бир ҳижоли парчалар учрайди:

Йага эрур йўлигукин нанги тавар,  
Билиг эри йигисин келик севар,  
Тавар йилигуб сув ақин инди сакин,  
Кўрум каби изисин қўди сувар.

### Мазмуни:

Душман эрур инсонга молу товар,  
Олим одам ёвими қандай севар,  
Мол йигишни сел келиш деб  
Мол эгасини тош каби юмалатар.

«Девон»даги биргина мадхиявий қасидадан парча аёл кишига — маликага багишлиланган. У ташаккурнома йўсинда ёзилган бўлиб, аруз вазнининг «мунсари» баҳриғаттүри келади. Фалсафий-дидактикалық қасида ва маснавийлар панднома йўсинидаги бўлиб, туркий элатлар маънавиятига хос бўлган бундай йўналиш «Девон»да кўпроқ акс этган. Уларда илм ўрганиш ташвиқ этилади, жаҳолат, кибру ҳаво қораланади, саховат ва ҳиммат, меҳмондустлик улуғланади, мол-дунёга ҳирс қўйиш, баҳиллик ва очкўзлик фош қилинади, ота-онани хурматлаш, уларнинг сўзига қулоқ осишта даъват этилади. «Девон»да мардликни улуғлаш, хушёрликка, душмандан эҳтиёт бўлишга чақи-рувчи байтлар ҳам панд-насиҳат қаторида учрайди:

Билга эран савларин алғил ўтут,  
Эзгу сави эзласа ўзга сингар.

Ардаги тила ўрганинг, булма қуваз,  
Ардашсизин — ўғунса ангма ангар.

### Мазмуни:

Олим киши сўзидан олгил ўтит,  
Эзгу сузни эшитсанг дилга сингар.  
Илм-ҳикмат ўргангин, булма қайсар,  
Ҳиммати йўқ мақтанчоқ йўл йўқотар.

Бу илм-ҳунарга ташвиқ, олимга ҳурмат ҳақида бўлса, қуидаги  
байт меҳмондўстлик хусусида:

Келса қали иағлиғ булиб йўнчиғ ума,  
Келур аниг бўлмиш аниғ тутма ума.

### Мазмуни:

Келса агар хонанг узра гариб меҳмон,  
Бор нарсангни олдига кўй, бул меҳрибон.

«Девону лугатит турк»да келтирилган қасида ва қатралар мазмун жиҳатдан ўша даврнинг туркийзабон шоири Юсуф Ҳос Ҳожиб дostonи мавзулари билан жуда уйғундир. Шу жиҳатдан ҳам ундаги парчаларни Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойик»ига ва Юсуф Ҳос Ҳожибининг «Кутадғу билиг» асари орасидаги давр шеъриятига мансуб эканлигини тан олиш мумкин. Ҳатто дунёning ўткинчи ва бева-фолиги, инсон тақдирининг ўзгарувчанлиги ҳақидаги мисралар ҳам бу тасаввурни таъкидлаб туради:

Кўзум йаши саврукуб кузи ақар,  
Билниб ажун эмгагин тугал уқар,  
Эмгаксизми турғу йўқ мунда таму.  
Эзгулутуг кўрмазиб ажун чиқар,  
Ажун куни йўлдузи тутчи тугар.

### Мазмуни:

Кўзим ёши тирқираб күйи оқар,  
Англаб дунё ғамини тутал уқар,  
Машақатсиз ҳаёт бунда асло,  
Эзгуликни кўрмасдан улур битар,  
Тутилган зот дунёда мангу порлар.

«Девон»да, оз булса-да, дунёning яратилишига оид, яъни космологик мавзудаги сатрлар ҳам учрайди:

Тангри ажун турутти,  
Чигри узу тазгинур,  
Йулдузлари чаргашиб,

Тун-кун уза йурганур.  
Йаратти яшил чаш,  
Савурди урунг қаш,  
Тизилди қаракуш,  
Тун-кун уза йурганур.

Мазмуни:

Тангри олам яратти,  
Фалак доим айланур,  
Юлдузлари сафлашиб,  
Тун-кун узра бурканур.  
Яратти яшил осмон,  
Юлдузлар йўли самон,  
Коракуш юлдуз-мезон,  
Тун-кун узра бурканур.

«Девон»даги шеъларнинг бадиий савиаси юқори эканлиги, уларни яратган шоирларнинг жуда маълумотли бўлгани, нафис ва чукур бадиий дидга эга эканлиги олимлар томонидан таъкидланади.

Маҳмуд Кошғарий асарида дунё харитаси доира шаклида чизиб курсатилган. Унинг марказида Марказий Осиё жойлашган. Баласоғун, Шош, Ўзган, Исфижоб, Марғинон каби шаҳарлар ушбу ҳудудга алоқадор кўрсатилган. XI аср жугофий тасаввурларидан дарак берувчи хаританинг илова қилиниши Кошғарийнинг қомусий аллома эканини яна бир марта исбот этади.

Хулоса қилиб айтганда, Маҳмуд Кошғарийнинг исломдан илгариги ва илк ислом даври туркий маданият обидаларини тадқиқ этиш, тўплаш ва авлодларга етказиб беришдаги хизматлари ниҳоятда улкандир. Унинг тарих, этнография, тарих-жўрофия хусусидаги кенг билим доираси, тил ва адабиёт соҳасидаги қомусий салоҳияти, тадқиқ курдати бугунги кунда ҳам ҳайратланарли даражада эди. Унинг китобида жамланган аниқ-равshan маълумотлар VIII–XI асрлар ҳам туркий адабий тил ва бадиий адабиётнинг, ҳам оғзаки ҳалқ ижоди ва турли лаҳжаларнинг бой манбаи булгани сабабли имкон доирасида батафсил тавсиф этилди.

«Девону лугатит турк»ни ўша даврларда Марказий Осиё минтакасида яшаган туркий ҳалқлар ҳаёти ҳақидаги қомусий асар деб аташ мумкин. Бу асар устида тадқиқотлар олиб борган Фитрат, С. Муталибов, И. В. Стеблева, В. В. Решетов, Ф. Абдураҳмонов, А. Рустамов каби олимлар Маҳмуд Кошғарийни қадимги туркий тилларни ўрганишга буюк ҳисса кўшган ўз даврининг ўта билимдан олими эканлигини таъкидлайдилар. «Девону лугатит турк» З томда, ўзбек тилида нашр этилган. Ҳозирги замон жаҳон илмий жамоатчилиги XI аср буюк олими Маҳмуд Кошғарийни қиёсий тилшуносликнинг асосчиси, деб тан олади.

# АБУ АЛ-МУЬИЙН АН-НАСАФИЙ

(1027—1114)

Абу ал-Муъийн ан-Насафий номи билан машхур булган алломанинг тулиқ номи Маймун ибн Мұхаммад Мұтамид ибн Макхул бўлиб, 1027 йилда Насаф (Қарши)да таваллуд топган. Узоқ йиллар Бухоро ва Самарқандда яшаб ижод этган олим ҳақидағи айрим маълумотларни насафлик бошқа бир олим — Умар ибн Мұхаммад ан-Насафинг «Ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд» («Самарқанд олимлари зикрида қанддек (ширин) китоб») номли асарида учратиши мумкин. Асарда келтирилишича: «Шарқу Ғарбнинг олиму уламолари Абу ал-Муъийн ан-Насафий илмининг дengизидин баҳра топиб, ул таратғон зиё нурларини кўзларига тўтиё қилиб суртғонлар». Аллома 1114 йили — 87 ёшида Самарқандда вафот этган.

IX—X асрларда ислом кенг тарқалган Яқин ва Ўрта Шарқ, Марказий Осиё ўлкаларида ислом илоҳиёти, фалсафаси, қалом илми ривож топди. Бу соҳаларга бағишлиланган қатор асарлар ва қалом масаласи билан шугулланувчи йирик мутакалимлар вужудга келди.

Қалом илмининг бир қанча йўналишлари бўлиб, улардан ал-ашъарийя ва ал-мотуридийя йўналишлари фоятда кенг тарқалган. Ал-ашъарийя мактабининг асосчиси бағоддилк олим Абдул Ҳасан ал-Ашъарий (873—935), ал-мотуридийя мактабининг асосчиси самарқандлик таникли олим Абу Мансур ал-Мотуридий (870—944) таълимотидан сабоқ олган ан-Насафий асосан ал-мотуридийя мактабига мансуб Фаззолийнинг маслагига амал қилган олимлардан ҳисобланган. Уз навбатида ал-Ийҳий (1355—йилда вафот этган), Сайдуддин ат-Тафтазоний (вафоти 1390 йил) ва бошқа кўплаб таникли олимлар ан-Насафий таълимотига таянган ҳолда фаолият кўрсатиб, қалом илмида баракали ижод этиб, етук олимлар даражасига кўтарилиганлар.

Манбаларда келтирилишича, ан-Насафий ўн бешга яқин асар яратган булиб, уларнинг аксарияти қалом илмининг турли масалаларига бағишлиланган. Улар қуйидагилардир: «Ал-Уъмда фи усул ал-фикҳ», «Баҳр ал-қалом фи иълм ал-қалом», «Табсират ал-адиллита фи иълм ал-қалом», «Ат-Тамҳид ли-қавоиъд ат-тавҳид фи иълм ал-қалом», «Ал-Оълим вал-мутъллим», «Ийзоҳ ал-маҳажатий ли-ковн ал-ақл ҳужжатан», «Шарҳ ал-Жомиъ ал-Кабир лиш-Шайбоний фи фуруъ», «Манохиж ал-айммати фил фуруъ», «Мұтакидот» (Тошкентдаги Абу Райхон Беруний номли Шарқшунослик институтида Абу ал-Муъийн ан-Насафийнинг бу асаридан бир күлёзма сақланади (инв. № 40008/2) Араб тилида ёзилган ушбу асар 52 вақидан иборат).

Алломанинг «Баҳр ал-қалом» асари алоҳида аҳамиятта эгадир. Асарнинг олтинчи бобидаги фасл (бўлим) тўрт банддан иборат бўлиб, улардан биринчиси «ал-Имомат» (Имомликка оид) деб аталган ва шу бандда келтирилган Пайғамбар алайҳиссаломнинг икки ҳадиси катта илмий

аҳамиятта эга. Биринчиси, «Иқтаду бил-лазийна мин баъдий Абу Бакр ва Умар» (бу ҳадисларни Имом ат-Термизий, Имом ибн Можа, Аҳмад ибн Ҳанбал ва бошқа бир қанча мұхаддислар ўз асарларида ривоят қылғанлар.) — «Мендан кейин Абу Бакр ва Умарга иқтидо қилинглар», деган булишига қарамай халифалик устида икки кун баҳс бўлган.

Иккинчи ҳадисдаги «Мендан кейин халифалик уттиз йил, ундан кейин амирлик, подшоҳлик ва ҳоказолар булади», деган фикрлари нақадар тўғрилигини алоҳида қайд қилиш зарур. Чиндан ҳам бу муддат (яъни ўттиз йил) чорёллар пайтида тугаган. Бу китоб калом илми бўйича ал-мотуридийя мактабининг асосийларидан бири ҳисобланади. Чунончи бу асар аш-шайх Абу Мансур ал-Мотуридий асос солган исломий ақиданинг энг бош манбаларидан саналади. Айниқса, ислом динида турли-туман оқимлар ва таълимотлар яратилаётган ҳозирги пайтда бу асарнинг илмий-амалий аҳамияти бекиёс даражада каттадир.

Абу ал-Муъийн ан-Насафий ўз китобини яратишда асосий манба сифатида Имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг «Ат-Тавҳид», Имом Абул Ҳасан ал-Ашъарийнинг «Ал-Ламъа», «Мақолот ал-Исломий-йин», Имом ал-Ҳарамайн, Имом Абу ал-Маолий Абдулмалий ал-Жувайнининг «ал-Иршод» асарларидан фойдаланган.

«Баҳр ул-калом» асари аллома ижодининг гултожи ҳисобланиб, ислом дини фалсафасини ташкил қылган калом илми бўйича энг қимматли манбаларданdir. Бу китобнинг бир қанча қўлёзма ва китобий нашрларининг мавжудлиги ҳам унинг муҳим манбалардан эканлигидан далолат беради ва унинг қимматли қўлёзма нусхалари Дубайдаги Жумъа ал-Можид номли маданият ва мерос марказида, (1167 ҳижрий йилда кўчирилган), Дамашқдаги аз-Зоҳиря кутубхонаси-нинг қўлёзмалар бўлимида, Бағдоддаги «Мактабат ал-Авқоф»да, Қоҳирадаги машҳур «Дор ул-кутуб»нинг қўлёзмалар бўлимида сақланади. Ушбу қўлёзманинг 950 ҳижрий йилда оддий хат билан кўчирилган нусхаси Искандария (Миср)нинг «Мактабат ал-баладийя» номли кутубхонасида ҳам бор. Асар муҳим манба сифатида икки марта нашр ҳам этилган. Жумладан, 1886 йили Бағдодда, 1908 йили Қоҳирада чоп этилган. Лекин ушбу нашрлар тадқиқотсиз амалга оширилган бўлиб, фақат асар матнидан иборат.

«Баҳр ул-калом»га айрим шарҳлар ҳам битилган. Жумладан, Олим Бадруддин Ҳасан Ибн Абу Бакр Аҳмад ал-Макдиси (1415 йили ва-фот этган) асарга бағишлиаган шарҳини «Фоят ал-маром фи шарҳи «Баҳр ал-калом» деб атаган. Бу шарҳнинг бир қўлёзма нусхаси Қоҳирадаги «Дор ул-кутуб»да, бошқаси Мисрдаги «ал-Мактабат ал-Ҳадай-вайя»да сақланади. Таниқли араб олимни Ҳожи Халифа ҳам ўзининг машҳур «Кашф уз-зунун» асарида «Баҳр ул-калом»га ёзилган фақат шу шарҳ ҳақида зикр қылган, холос.

Сирасини айтганда, Буюк ватандошимиз Абу ал-Муъийн ан-Насафий ҳаёти ва илмий меросини ҳар томонлама чукур ўрганиш маданиятимиз тарихини ёритишида катта аҳамиятга эгадир.

## МАҲМУД АЗ-ЗАМАХШАРИЙ

(1075–1144)

Күхна Хоразм заминида жаҳон фани ва маданияти ривожига мунносиб ҳисса күшган кўплаб буюк алломалар етишиб чиққан. Абул Қосим аз-Замахшарий ана шундай улуғ сиймолардан биридир.

Алломанинг тўлиқ исми Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий булиб, у ҳижрий 467 йил ражаб ойининг 27 куни (1075 йил 19 март) Хоразмнинг катта қасабаларидан бири — Замахшар қишлоғида таваллуд топди. Аз-Замахшарий ҳақидаги маълумотлар асосан Ўрта аср араб манбаларида келтирилади. Отаси унчалик бадавлат бўлмаса-да, саводли, тақводор, диёнатли киши бўлган ва аксар вақтини Куръон тиловатию намоз ўқиши билан ўтказиб, Замахшардаги бир масжидда имомлик ҳам қилган. Аз-Замахшарийнинг онаси ҳам тақводор, диндор аёллардан ҳисобланган.

Афтидан, аз-Замахшарийнинг отаси серфарзанд бўлган. Чунончи, шоир қасидаларидан бирида отасининг фарзандлари кўп ва оиласи катта бўлгани туфайли ҳам тирикчилик йўлида тинмай меҳнат қилгани ҳақида ёзди.

Аз-Замахшарийлар оиласи исломнинг мұтазилий таълимотига мансуб бўлиб, ёш Маҳмуднинг дунёқараши мана шу диндор, тақводор отасининг таъсирида шаклланди ва дастлабки билимни ҳам ўз отасидан олди. Аллома ҳақидаги маълумотлардан маълумки, унинг бир оёғи ёғочдан бўлиб, тарихчилар бу ҳақда: «Бир оёғи ёғочдан эди ва узун яктагини тушириб кийгани учун кўрган одам уни чўлоқ деб ўйларди» — деб ёзганлар. Оғир иллат туфайли у ёшлигидан бир оёқ бўлиб қолган ва шундан сўнг отаси уни энди оғир меҳнатга ярамайди, деб кийим тикувчи устага шогирдликка бермоқчи бўлади. Бироқ ёшлигидан илмга ҳавасманд ўсган Маҳмуд отасидан ўзини мадрасага ўқишга юборишни сўрайди. Ўғлидаги илмга бўлган зўр иштиёқ ва ҳавасни сезган отаси уни мадрасага беради.

Аз-Замахшарий илм-фаннынг турли соҳалари билан қизиқиб, толиби илмлар орасида зўр истеъодини намоён қила бошлайди. У мадрасада ўқитиладиган илмларни, айниқса, араб тили ва адабиёти, диний илмларни пухта эгаллашга киришади, ўша даврда илм аҳли орасида қадрланган хаттотлик санъатини ҳам мукаммал эгаллаб, ўз тирикчилигини бирқадар тузатади. Сўнг, араб тарихчиси ва биографи ибн Халликоннинг ёзишича, талабалик ёшига еттак, билимини янада ошириш, ҳар томонлама камол топтириш мақсадида Бухорога йўл олади. Бухоро, машхур олим Абу Мансур ас-Саолибийнинг (961–1138) ибораси билан айтганда: «Сомонийлар давридан бошлаб шон-шуҳрат макони, салтанат каъбаси ва замонасининг илғор кишилари жамланган: ер юзи адибларининг юлдузлари порлаган ва ўз даврининг фозил кишилари йигилган (жой) эди». Аз-

Замахшарий Бухорода ўқиши тутатгач, бир неча йил Хоразмшохлар хизматида булиб, котиблик билан шугулланади, ҳукмдорлар билан яқинлашишга уринади. Бироқ қобилияти, илми, фазилатига яраша бирор мансаб ва муносиб эътибор кўрмагач, ўзга юртларға сафар қиласди, матлабу-мақсадларининг ушалишига умид боғлади. 1118 йили аз-Замахшарий оғир дардга чалинади, бу касалликдан тузалгач эса ҳукмдорлар хизматиу мансаб ва мол-дунё таъмасидан мутлақо воз кечади, қолган умрини факат илм-фанга бағишлишга, асарлар таълиф этишга астойдил қарор қиласди.

Аз-Замахшарийнинг ўз даври илмларини тулиқ эгаллашга, олимлик даражасига етишишида, шубҳасиз, устозларининг хизмати бениҳоя катта бўлган. Мана шундай устозлардан бири — тил, лугат ва адабиёт соҳасида машҳур олим Абу Мудар Маҳмуд ибн Жарийр ал-Даббий ал-Исфаҳонийдир (1113 йили Марвда вафот этган). Ал-Исфаҳоний Хоразмда ҳам бир қанча муддат яшаган. Бу ўлкада мұтазилийлар таълимотининг жорий бўлиши ҳам мана шу Ал-Исфаҳоний номи билан боғлиқдир. Аз-Замахшарий Бағдодда шайх ул-ислом Абу Мансур Наср ал-Хорисий, Абу Саад аш-Шаққоний, Абул Хаттаб ибн Абул Батар каби машҳур олимлардан ҳадис илмидан таҳсил олди. Маккада бўлганида эса нахъ ва фиқҳ бўйича илмни Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Талҳат ибн Мұхаммад ибн Абдуллоҳ ал-Йабирий ал-Андалусий, аш-шайх ас-Садийд ал-Хайятатий, лугат илмини эса Абу Мансур Мавхуб ибн ал-Хадар ал-Жаволиқий каби машҳур олимлардан ўрганди.

Аз-Замахшарий ҳаёти давомида Марв, Нишопур, Исфаҳон, Шом, Бағдод ва Ҳижозда, икки марта Маккада бўлди. Олим бу ерда илмий ишларини давом эттириди, араб тили грамматикаси ва лугатини ҳамда маҳаллий қабилаларининг лаҳжалари, мақоллари, урф-одатларини чукур ўрганди, бу минтақа жуғрофиясига оид хилма-хил маълумотларни туплади.

Адаб кўп асарларини Маккалигига яратади. Ўз ҳаётида чуқур изқолдирган Маккада аз-Замахшарий беш йилча яшайди. Шу боисдан у Жоруллоҳ («Оллоҳнинг қўшниси») деган шарафли лақабга муяс-сан бўлади.

Ўз даврининг йирик олими даражасига кўтарилиган аз-Замахшарийнинг Хоразмда ҳам, Шарқнинг бошқа кўлгина шаҳарларида ҳам кўпдан-кўп шогирдлари бўлган, аллома кўп вақтини ушаларга бағишиларди. У қариндош-уругларининг қийин-қистовларига қарамасдан, ҳаётида бирор марта ҳам уйланмаган. Илмий асарлар яратиш ва муносиб шогирдлар тайёрлашни фарзанд ўстиришдан аъло деб ҳисоблаган. Аз-Замахшарий охирги марта Маккадан қайтиб, Хоразмда бир неча йил яшайди ва ҳижрий 538 йилда, арафа кечаси (1144 йил 14 апрел) вафот этади. 1333 йили Хоразмда саёҳатда бўлган машҳур араб сайёхи ибн Баттута (1304–1377) «Ар-Риҳла» («Саёҳатнома») асари-

да аз-Замахшарийнинг устида қуббаси бўлган мақбарасини курганини ёзади.

Буюк мутафаккир аз-Замахшарий араб грамматикаси, луғатшунослиқ, адабиёт, аruz илми, жуғрофия, тафсир, ҳадис ва фикрҳа оид элликдан ортиқ асарлар яратган, уларнинг аксарияти бизгача етиб келган.

Араб тилшунослиги ва грамматикасининг турли томонларига оид асарлар аз-Замахшарий ижодида салмоқли ўрин эгаллайди. Жумладан, араб тили грамматикасига оид «Ал-Муфассал» (1121 йил) номли асарини у Маккада яшаган пайтида, бир ярим йил давомида ёзган. «Ал-Муфассал» араб тили нахву сарфини ўрганишда йирик қўлланма сифатида азалдан Шарқда ҳам, Фарбда ҳам шуҳрат топган асарлардан ҳисобланади. Кўпчилик олимлар ўз илмий қиммати жиҳатидан аз-Замахшарийнинг бу асари таникли араб тилшуноси Сибавайҳнинг (796 йили вафот этган) араб грамматикасига оид машҳур китобидан кейин иккинчи ўринда туради, деб таъкидлаганлар. Уша даврнинг ўзидаёқ араблар орасида ҳам бу асар катта эътибор қозонган ва араб тилини ўрганишда асосий қўлланмалардан бири сифатида кенг тарқалган. Ҳатто Щом (Сурия) ҳокими Музаффаридин Мусо кимда-ким Аз-Замахшарийнинг ушбу асарини ёд олса, унга беш минг кумуш танга пул ва сарупо совға қилишни вайда берган. Бир қанча кишилар асарни ёд олиб, мукофотга ҳам сазовор бўлганлиги манбаларда келтирилган. Бу мисол аз-Замахшарий асарининг ўша даврда ҳам қанчалик юксак баҳоланганини кўрсатади. Бу асарнинг бир қулёзмаси Тошкентда, ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сакланади. «Ал-Муфассал»нинг ихчамлаштирилиб, мухтасар ҳолга келтирилган нусхаси «Ал-Унмазаж» («Намуна») номи билан аталади. Грамматикага оид асарларидан Шарқ айлат китоб Сибавайҳ — ҳозир зикр этганимиз Сибавайҳнинг китобига ёзилган мукаммал шарҳдир. Аз-Замахшарийнинг хоразмшоҳ Алоуддавла Абулмузаффар Отсизга бағишлаб ёзилган «Муқаддимат ул-адаб» асари алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, хоразмшоҳлар даврида илм-фан, маданият анча тараққий қилган эди. Ҳукмдорлар, айниқса, хоразмшоҳ Отсиз олимлар, шоиру адилларга хурмат билан қарап, ўзи ҳам истеъодли, маърифатпарвар, адабиётга қизиқкан, билимдон одам эди. Унинг даврида илм-фан тараққиёти йўлида бир қанча кайрли ишлар амалга оширилган. Шу сабабдан бўлса керак, аз-Замахшарий «Муқаддимат ул-адаб»ни унинг номига бағишлаб ёзган. Асар беш катта қисмга бўлинган бўлиб — отлар, феъллар, боғловчилар, от ўзгаришлари ва феъл ўзгаришлари ҳақида баҳс юритади. Асар 1137 йиллари ёзиг тугалланган.

Аз-Замахшарий ўз асарида ўша давр араб тилининг истеъмолда бўлган барча сўzlари, ибораларини қамрашга интилган, уларнинг этимологиясига катта эътибор қилган. Шу боисдан ҳам аз-Замахшарийнинг устида қуббаси бўлган мақбарасини курганини ёзади.

рийнинг бу йирик асарини мазкур йуналишдаги дастлабки асарлардан дейишга ҳақлимиз. «Мұқаддимат ул-адаб» арабчадан форс, чигатой, муғул ва турк тилларига таржима қилинган. Манбаларда таъкидланишича, асарнинг чигатой тилидаги таржимаси аз-Замахшарийнинг ўзи томонидан амалга оширилган. Зотан хоразмшоҳ Отсизнинг тушуниши учун асарнинг арабча матни билан биргаликда чигатой тилидаги таржимаси ҳам яратилган, деб билиш ўринлидир. «Мұқаддимат ул-адаб» яратилган давридан бошлаб бир неча асрлар давомида олимлар, тадқиқчилар дикқатини ўзига тортиб келаётір. У биринчи марта 1706 йили Хўжа Исҳоқ Афанди томонидан усмонли турк тилига таржима этилган. Сўнгра Оврӯпонинг бир қанча тилларига (француз, немис) ўтирилган. Париж, Лейпциг, Вена, Лейден, Қозон шаҳарларида, Норвегия, Миср ва Ҳиндистонда бир неча марта чоп этилган. Немис олими Ватзастан «Мұқаддимат ул-адаб»-нинг Оврӯпо қўлёзма фондларидағи еттита нусхасини қиёсий ўрганиб, 1850 йили Лейпцигда асарнинг икки жилдлик танқидий матнини нашр этган.

Асарнинг чигатой тилидаги таржимаси ўзбек тили тарихини ўрганувчилар учун муҳим аҳамиятта әгадир. Бу ҳақда Садриддин Айний 1921 йили «Меҳнаткашлар товуши» газетасига ёзган мақоласида «Аз-Замахшарийнинг «Мұқаддимат ул-адаб» асари ўзбек тили учун бутун дунёнинг хазинаси билан баробардир», деб ёзган эди.

Аз-Замахшарий Макка амири, олим ва адиб Абул Ҳасан Али ибн Ҳамза ибн Ваҳҳос ас-Сулаймон билан дўст эди. Ибн Ваҳҳос ўз мамлакатининг жуғроғияси билан жуда яхши таниш бўлган. Аз-Замахшарий ибн Ваҳҳос маълумотларига таяниб, ўзининг Ҳижозга қилган сафаридан олган шахсий кузатишлари асосида ёзган «Китоб ал-жибол ва-л-амкина ва-л-мийоҳ» («Тоғлар, жойлар ва сувлар ҳақида китоб») номли асарида жуғроғий жойлар, тоғлар ва денгизларга доир қимматбаҳо маълумотлар келтиради. Машхур араб олими ва сайёҳи Ёкут ал-Ҳамавий (1179–1229) ҳам ўзининг бутун дунёга таникли «Муъжам ал-булдон» («Мамлакатлар қомуси») асарида Арабистон, хусусан, Ҳижоз ҳақида маълумотларни аз-Замахшарийнинг ушбу асарига таяниб ёзган. Аз-Замахшарийнинг бу асари Фарб олимлари ўртасида ҳам кенг танилган, 1856 йили голландиялик арабшунос олим Сальверда де Граве томонидан мукаммал тадқиқ қилинган ҳолда нашр этилган.

Аз-Замахшарий адабиёт, тафсир, ҳадис, фикҳ илмлари бўйича ҳам мукаммал асарлар яратган.

Олимнинг «Асос ал-балоға» («Нотиқлик асослари») асари асосан луғатшуносликка бағишлиланган. Унда араб тилининг фасоҳати, мукаммаллiği ҳақида сўз боради. Фикрни чиройли ибора ва сузлар билан ифодалаш, сўз бойлигидан усталик билан фойдаланиш учун киши фасоҳат, балоғат илмларидан яхши хабардор бўлиши керак.

Бунинг учун сўзни тўғри, ўз ўрнида ишлатиш, қоидага мувофиқ сўзлаш ва ёзиш ҳам керак бўлган. Бу асарда адабиётнинг асосий қисмлари, фразеологик сўз биримларни, уларни амалда тадбиқ этиш йўллари чукур таҳлил қилинган.

«Атвоқ уз-заҳаб фи-л-мавоиъ ва-л-хутаб» («Хутбалар ва вавзлар баёнида олтин шодалар») — насиҳатомуз мақолалар тўпламидан иборат. Асар биринчи марта 1835 йили олмон олимни Фон Хомир томонидан немисчага таржима қилиниб, арабча матни билан нашр этилган. Угтиз йилча ўтгач, французчага таржима қилиниб, 1886 йили Парижда чоп этилган. 1873 йили ҳам усмөнли турк тилига таржима қилиниб, Истамбулда нашрдан чиққан...

Аз-Замахшарийнинг «Рабиъ ул-аброр ва нусус ул-ахтар» («Эзгулар баҳори ва яхшилар баёни») асарида адабиёт, тарих ва бошқа фанларга оид ҳикоялар, латифалар, сұхбатларнинг энг саралари жамланган, 97 бобдан иборат бу асарнинг нодир бир қўлёзма нусхаси Тошкентда, УзРФА Шарқшунослик институтида сақланади. Бундан ташқари, Лейден, Берлин кутубхоналарида ҳам қўлёзмалари мавжуд.

Олимнинг аруз вазни ҳақида баҳс юритувчи «Ал-Кустос фи-л-аруз» («Арузда ўлчов (мезон)») асари муҳим манбалардан ҳисобланади. Алифбо тартибида йигилган араб мақоллари, масалларига бағищланган бошқа бир асарини «Ал-Мустақсо фи-л-амсол» («Низоясига еттан масаллар») деб атаган. «Мақомат» («Мақомлар») — эллик мақомдан иборат бўлиб, қофияли наср — сажъ услубининг нозик намуналарини үзида мужассам эттан муҳим асардир. «Девон ушшэър» китоби ҳам диққатта сазовор асарлардан саналади. Аз-Замахшарийнинг «Навобиг ул-калим» («Нозик иборалар») асари эса араб лугатларини ўрганишга бағищланган юксак дид билан ёзилган. Бу асар дастлаб француз тилига таржима қилиниб, асл нусхаси билан биргаликда 1876 йили Парижда, 1870 йили Қоҳирада, 1884 йили Байрутда, 1896 йили эса Қозонда нашр этилган.

Аз-Замахшарийнинг ғоятда кенг танилган «Ал-Кашшоф ан ҳақоиқ ит-танзийл ва уйун ил-ақовийл фи вужух ит-таъвийл» («Куръон ҳақиқатлари ва уни шарҳлаш орқали сўзлар кўзларини очиши») асари Куръон тафсирига бағищланган. Маълумки, Ўрта асрлардан бошлаб Куръонни тафсир ёки шарҳ билан ўқиш одат тусини олган. Шу боисдан ҳам Куръон яратилган даврдан бошлабоқ унга бағищланган тафсиrlар, шарҳлар ёзишга катта эҳтиёж сезилган. Турмуш тақозоси билан шундай вазиятда ислом тарихида Куръонга бағищланган кўпдан-кўп тафсиrlар, шарҳлар вужудга келган. Аз-Замахшарий ҳам тафсир ёзишдан аввал үзидан олдин яратилган Куръон тафсирига бағищланган кўплаб асарларни кунт билан ўрганган. «Ал-Кашшоф» аз-Замахшарий Маккада турган пайтида, уч йил давомида (1332—1334) ёзилган.

Немис шарқшуноси Карл Броккелман дунёнинг турли қўлёзма хазиналарида «Ал-Кашшоф»нинг юзга яқин қўлёзмалари ва асарнинг ўзига битилган йигирмадан ортиқ шарҳ ва ҳошиялар борлиги ҳақида ёзиши аз-Замахшарий асарининг катта шуҳратидан далолат беради.

Қоҳиралаги бутун дунёга машхур Ал-Азҳар диний дорулфунуни-нинг талабалари ҳам аз-Замахшарийнинг «Ал-Кашшоф» асари асосида Куръонни ўрганадилар.

«Ал-Кашшоф»нинг Тошкентда, жумладан, Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диния назоратининг кутубхонасида бир қанча қўлёзма нусхалари сакланади.

Аз-Замахшарийнинг чукур билими, даҳоси ва фаннинг турли соҳаларига оид ўлмас асарлари ҳали у ҳаёт пайтидаёқ бутун мусулмон Шарқида унга катта шуҳрат келтирган. Алломани чукур ҳурмат ва меҳр билан «Устоз ул-араб ва-л-ажам» («Араблар ва гайри араблар устози»), «Фаҳру Ҳваразм» («Хоразм фаҳри») каби шарафли номлар билан атаганлар. Машхур олимлар, шоирлар, адиблар даврасида у доимо пешволардан бири бўлиб, қизғин илмий баҳслар, музозараларда унинг фикри инобатта олинарди. Мана шундай улкан обрў-эътибор, эҳтимол, даҳо ўз асарларидан бирида «ва инний фи Ҳваразм каабат ул-адаб» («Чиндан ҳам мен Хоразмда адиблар учун бир каъбаман») деб ёзишига асос бўлган бўлса керак!

## ИСМОИЛ ЖУРЖОНИЙ

(1042–1136)

Зайнiddин Абул Фазойил Исмоил ибн Ҳусайн ал-Журжоний ал-Хоразмий улуг олим ва замонасининг энг машхур табибларидан бири ҳисобланар эди.

XII асрнинг машхур тарихчиси Захирилдин Абул Ҳасан Байҳақий ўзининг «Татима сифон ал-ҳикма» («Дононлик хазинасиға кўшимча») асарида Исмоил Журжоний ҳақида шундай ёзди: «Мен у кишини 531 ҳижрий (1136 милодий) йилда Сарахсда кексалик чоғларида кўрган эдим. Ер юзининг адолатпеша ҳукмдори хоразмшоҳ Отсиз ибн Мухаммад уни бир неча муддатта Хоразмга таклиф этган эди. Хоразмда бўлган вақтида у «Ал-Хуффайи ал-аълоий» («Пояларнинг юқори қисми»), «Ат-Тибб ал-мулукӣ», «Китоб аз-захираие Хоразмшоҳий», «Китоб ал-аҳрод» («Ҳасад туфайли келиб чиқадиган қасалликлар»), «Китоб ёдгор» («Эсадалик китоби»), «Китоб фи рад алал фалосафа» («Файласуфларга қарши раддия китоби»), қози Абу Сайд Шориъийга бағишлаб «Китоб тадбир յаум ва лайлат» («Кеча билан кундузнинг алмашиниши ҳақида китоб»), «Китоб ваясиятнома» ва бошқа табобат ҳамда фалсафага доир асарлар ёзди. Унинг ёзган асарлари севиб ўқилганидан тез орада жаҳонга машхур булди.

Мұхтарам кишилардан эшитишимча, у киши очық чехрали, хушмуомала, табиатан саҳоватли шахс эканлар» (172-бет).

Исмоил Журжоний 1042 йилда Журжон шаҳрида туғилган бұлса ҳам, умрининг күп қисмини Хоразмда ўтказғанлигидан Зайниддин Абул Фазойил Исмоил ибн Ҳусайн ал-Журжоний ал-Хоразмий деб улуғланар эди.

Журжоний хоразмшоҳ Кутбиддин Мұхаммад ибн Ануштагин (1097–1127) ва унинг ўғли Алоуддавла Отсиз (1127–1156) саройда хизмат қылды. Журжоний ўз даврида қадимги юонон табобати вакиллари Гален, Гиппократ, шунингдек, ўзидан олдин ўтган Абу Бакр Розий ва айникса, ибн Сино асарларини чукур ўрганди.

Табобат илмидан ташқари бошқа илм соҳаларида ҳам машхур бўлғанлигидан унга ойига минг динордан маош тайин қилинган эди. Исмоил Журжоний ўзининг табобатта бағишлиланган энг йирик асари «Заҳирае Хоразмшоҳий»ни 1110 йилда ёзib тутатди ва уни хоразмшоҳ Кутбиддинга бағишилади. Отсизнинг буйруғига кура, бу асарнинг қисқартирилган нусхасини 1113 йилда «Ал-Хуффайи ал-Аълоий» номи билан ёзib тутатди. Асар ҳаммага тушунарли форс тилида ёзилган бўлиб, ҳарбий юришлар ва саёҳатларда ҳам ҳар ким этиги кўнжига солиб юришига (этигхуфф) кулайлик яратиш мақсадида шундай қилинди.

«Заҳирае Хоразмшоҳий» ўн китобдан иборат бўлиб, кейинчалик унга «Дорисозлилла оид китоб» («Қорабодин») қўшилди.

Биринчи китоб умумий назарий масалаларга бағишлиланган бўлиб, унда табиат ва коинот ҳақидаги қараашлар баён этилади. Инсон организмининг бирламчи аъзоларини ташкил этган унсурлар, мижоз, тўрт суюқлик, баданинг ҳар бир қисмининг нималарга қодирлиги ҳақидаги таълимот ва шу муносабат билан табобатнинг фан сифатидаги вазифалари ҳақида гапирилади.

Иккинчи китобда соғлиқ ва касалликлар ҳақидаги таълимот, уларнинг турлари, намоён бўлиш белгилари, томир уришига қараб касалликни аниқлаш тўғрисида сўз юритилади.

Учинчи китобда соғлиқни сақлаш, бунда атроф-мухитнинг таъсирiga, яъни ҳаво, маскан, сув, озиқ-овқат, ичимлик, уйку, бедорлик, ҳаракат ва осойишталилка бағишлиланган. Бу китобда болалар, қариялар, сафардагилар учун алоҳида-алоҳида қоидалар баён этилган.

Тўртинчи китобда касалликни қандай кечиши мумкинлигини белгилаш, қайси пайтларда энг оғир ҳолатларга тушиб қолиш, улардан кутулиш муаммолари ҳақида гап боради.

Бешинчи китобда безгак касалининг пайдо бўлиш сабаблари, унинг белгилари, даволаш тарзи баён этилган.

Олтинчи китобда инсон аъзойи баданининг ҳар хил жойларида пайдо бўладиган касалликлар, уларни даволаш усуслари таҳлил этилган.

Еттинчи китоб рак касалларига, яралар, шишлар, сүяк чи-  
кишлари ва синишларига бағишиланган.

Сакқизинчи китобда пардоз-андозлар, ўзига оро беришлар ҳақида  
гап боради.

Тұққизинчи китобда зақарлар ва унга қарши даволаш усуллари  
ҳақида ҳикоя қилинади.

Үнинчи китоб давосизликка бағишиланган. «Заҳирайе Хоразмшо-  
хий» ўз вақтида омма орасида кенг тарқалған табобат соҳасидаги эңг  
машхур асар бұлғанлыгидан жағон кутубхоналарининг күпчилігіда  
унинг құләзмалари ҳамон сақланиб келинмоқда. XII аср мұаллифи  
ватаандошимиз Арузий Самарқандий бу асарни буюк олимлар Жоли-  
нус, Розий, ибн Сино ва бошқаларнинг шу соҳадаги китоблари қато-  
рига құйған. Бу асар ҳатто яхудий тилиге таржима қилинган зди. XVI  
асерда эса Абул Фадл Мұхаммад ибн Идрис Дафтарий уни турк ти-  
лига таржима қылған.

Маълумки, Шарқ олимларигина эмас, балки XVIII аср охирига-  
ча яшаган Оврупо олимлари ҳам барча борлиқнинг асосида түрт ун-  
сур, яғни тупроқ, сув, ҳаво ва олов ётади деб билишганд. Исмоил  
Журжоний ҳам инсон танаси мазкур түрт унсурдан ташкил топга-  
нини, у сабабсиз касалларда чалинмаслигини қайд этади. Касаллар  
сабаби эса, юқорида зикр этилған бир-бирига қарама-қарши бұлған  
түрт унсур мувозанатининг бузилишидан келиб чықади. Шунинг учун  
ҳам Журжоний табобатни малака ҳосил қилиш йўли билан құлға  
киритиладиган фан деб ҳисоблади.

Исмоил Журжоний фикрича, исбот ва тафаккур воситасида ҳосил  
қилинган нарса илм деб аталади. Илм ҳам ўз навбатида икки хил  
бұлади: назарий ва амалий. Назарий илмларга адабиёт, мантиқ, риё-  
зиёт кирса, амалий илмлар ўз ичига механика, тикувчилик ва бош-  
қа құл ишлари, ҳунармандчilikни қамраб олади. «Табобат илми эса,  
айни ҳолда ҳам назарий ва ҳам амалий илмлардан ташкил топади».  
Табобат илмидан кузатилған мақсад танани бутунликда — соғлом-  
ликда ушлаб туришга тиббий тадбирлар құллаш йўли билан эриш-  
моқдир. Бундай ҳолат бемор кишиларнинг ва уларни даволовчи та-  
биибларнинг вужудга келишига сабаб бұлади. Табиблар эса, табиат-  
нинг барча сиру асроридан бохабар булишлари лозим.

Маълумки, табиатнинг эң буюк мұъжизаси — бу инсондир. Шу-  
нинг учун ҳам бу мұъжизаның нимадан таркиб топганини билиш —  
уни даволашнинг калитидир.

Исмоил Журжоний фикрича, ҳайвонот оламининг ҳам ўз мизо-  
жи бор, аммо инсондаги міжозгина мұтадиллар. Бундай натижага  
Оврупо олимлари XIX асрнинг охирлари ва XX асрнинг бошларидар-  
гина эришдилар. Улар бутун инсон баданида буладиган кимёвий  
жараёнлар, унинг она қорнида пайдо булишидан бошланған узга-  
ришлар, туғилғандан кейинги ҳаёттій йўли: чақалоқлиги, ўспирин-

лиги, ёшлиги, кексалиги, қарилек ва ўлим билан якунланадиган ҳаётий босқичларидаги ҳар бир хужайраларнинг пайдо бўлиши, за-волга юз тутиши, бир томондан асаб тизимининг даҳолати сабабли юз берса, иккинчи томондан, бадан аъзоларига маълум мижоз (теперамент)га эга бўлган ҳармонларнинг аралашиши оқибатида юз беришини аниқладилар. Ҳармонларнинг киши жисмига, руҳиятига таъсири ошқора билиниб туради.

Фариза (инстинкт) ва ҳаяжон, феълу атвор ва мизожлар ҳармонлар таъсири воситасида намоён бўлади. Ҳозирги пайтда иссиқ, со-вук, нам ва қуруқ мизожли инсонларнинг бўлишлиги ишончли далилларга асосланган илмий ҳақиқат сифатида тан олинган. Чунки уларнинг манбаи асаб тизими, ички ҳармонлар амалиётида эканлиги исботланган.

Исмоил Журжоний кишилар мизожи уларнинг умрлари давомида ўзгариб туришларини ва ўлимининг табиийлигини илмий жиҳатдан содда ва равон тилда тушунтириди. Инсонлар умрини у тўрт даврга бўлади:

Биринчи давр — туғилиш, ўсиш ва парваришлаш босқичи бўлиб, 15—16 ёшгача бўлган вақтни ўз ичига олади.

Иккинчи давр — ёшлик ва етуклик босқичи бўлиб, 30 ёшгача бўлган вақтни ўз ичига олади. Бундан кейин жисмонан ўсиш ва улғайиш даври бошланади. Баъзиларда ўсиш ва улғайиш ёши 35 ёки 40 ёшгача ҳам давом этиши, шу ёшгача бўлган умрни ёшлик даври деб ҳисоблаш мумкин.

Учинчи давр — мўйсафидлик босқичи, бу даврда инсон то 60 ёшга етгунча ёшлик қувватидан баҳра олиб яшashi мумкин бўлади.

Тўртинчи давр — киши умрининг қарилек даври бўлиб, бунда қувватнинг сусайиш ҳолати кузатилади ва бу жараён умрнинг охиригача давом этади. Қарилекнинг фазилати шундаки, баъзилар 60 ёш яшайди, баъзилар эса яна ўспиринлик, ёшлик ва мўйсафидлик йиллари қанча давом этган бўлса, ўшанга тенг келадиган вақтгача яшаб, 120 ёшга кириши мумкин.

Кишилар болалик даврларидан то етуклик ёшига етгунларига қадар иссиқ ва нам мизожга, етуклик ёшидан сўнг эса иссиқ ва қуруқ мизожга эга бўладилар; 35 ёшдан кейин бундай ҳолат камаяди.

Исмоил Журжонийнинг коинот ва инсон ҳақидаги илмий мулоҳазалари воқеликдан олинган манбалар асосида шаклланган бўлиб, у инсоннинг табиий эҳтиёжлари чексизлигидан келиб чиқади ва уларни қондиришни ақлий йўл билан чегаралашни ягона чора сифатида тарғиб этади.

Унинг фикрича, ҳақиқий лассат жисмоний ҳузур-ҳаловатда, тўкин-сочин ҳаёт кечиришда эмас, балки ақлий ва маънавий камолотга эришишладир. Нариги дунёдаги беҳишт, жаннат ҳузур-ҳаловатларини руҳий, ақлий ором олишликда деб тушунади. «Захирайе

Хоразмшохий» асарини тугатгандан сунг Журжоний Марв шаҳрига келади. Бу пайтда Марв шаҳри Султон Санжарнинг пойтахти ҳисобланар эди. Султон Санжар унга катта илтифот ва иззат-икром кўрсатганлиги сабабли Журжоний умрининг охиригача шу ерда яшади. Бу ерда ҳадис илмида Абул Қосим Қўшайрий билан мулоқатда бўлди, табобат соҳасида эса машхур табиб ибн Аби Содик билан ҳамкорлик қилди. Бундан ташқари Ироқ, Форс ва Хузистон табиблари билан, ибн Синонинг баъзи шогирдлари билан ҳамсуҳбат бўлди. Умрининг охиригача Марв мадрасаларида бир неча фанлардан сабоқ берди. Ёкут Ҳамавийнинг «Мужам ул-булдон» асарида келтирилишича, Исмоил Журжоний Марвда ҳижрий 531 (1136) йилда вафот этди.

Исмоил Журжонийнинг илмий меросидан фойдаланиш кейинги асрларда ҳам самарали давом этди.

## МАҲМУД ЧАҒМИНИЙ

(XII–XIII аср)

Аҳмад Фарғоний ва Абу Райҳон Берунийнинг илмий анъаналарини давом эттирган йирик файласуфлардан бири, XII–XIII асрларда ижод этган хоразмлик олим Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Чағминийдир.

Ал-Чағминийнинг илмий асарлари Шарқда жуда машхур бўлса ҳам, унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳозиргача яхши ёритилмаган.

Академик В. В. Бартольднинг таъкидлашича, Улуғбек мадрасасидаги астрономияга оид машғулотларнинг мавзуси сифатида Чағминийнинг астрономия соҳасидаги асарига Мир Саййид Шариф Журжоний ва Қозизода Румийлар томонидан ёзилган шарҳларни ўрганиш ҳам киритилган. Мазкур олимлар Маҳмуд ал-Чағминийнинг «Мулаҳҳас фи-л-хайъа» («Астрономияга оид қисқа тўплам») асарига шарҳлар ёзишган. Жумладан, Қозизода Румий уз шарҳининг кириш қисмидаги Чағмин сузи ҳақида шундай тушунтириш берган: «Чағмин сўзи ал-Чағминий туғилган Хоразмдаги жой номидир». Унинг туғилган йили маълум эмас, аммо адабиётларда кўрсатилишича, вафоти 1221 йил деб тахмин қилинади. Чағмин ўша вақтдаги Хоразмшоҳларнинг пойтахти бўлган Кўҳна Урганчдан унча узоқ булмаган ерда жойлашган. Маълумки, XI–XII асрлардаги Хоразм жаҳон миёсидағи йирик илмий марказлардан бири бўлган ва шубҳасизки, бу нарса ал-Чағминийнинг илмий дунёқарашининг шаклланишида ҳал қилувчи роль ўйнаган. Бошлиғич маълумотни Хоразмда олган Маҳмуд ал-Чағминий ўқиши давом эттириш учун Самарқандга келган. Унинг илмий асарларида Берунийнинг устози бўлган Абу Наср ибн Ироқ бир неча марта тилга олинади. Ал-Чағминийнинг «Мулаҳҳас фи-л-хайъа» асаридан ташқари «Сайланма», «Туққиз сонининг риё-

зиётдаги ўрни ҳақида рисола», «Меросни булиш масалаларида риёзийт усулларига шарх» ва бошқа қатор рисолалари мавжуд.

Маҳмуд ал-Чағминий уша вақтдаги йирик олимлар каби фаннинг бирор соҳаси билан эмас, балки астрономия, риёзиёт, табобат, жуғрофия ва бошқа соҳаларда ҳам жуда сермаҳсул ижод қилди. Бу фанлар ривожининг ҳар бирига шунчалик ҳисса қуша олдики, натижада уни Абу Райҳон Берунийдан кейинги Хоразм илмий мактабининг энг кузга куринган олими, деб ҳисоблаш мумкин. Бундан ташқари ал-Чағминий уз даврининг барча фанлари эришган ютуқларни жамлаб, узига хос қомус тузган алломадир.

Маҳмуд ал-Чағминийнинг фанга қушган ҳиссаси биринчи навбатда астрономия соҳасидаги қашфиётлари билан улчанади. Унинг «Мулаҳҳас фи-л-хайъа» китоби уша замон астрономия фанининг холосаси булиб, жуғрофия ва бошқа фанларнинг умумлашган хуласалари ҳақида ҳам кенг маълумотлар берилади. Бу китобнинг илмий қиммати шундаки, астрономия билимлари тизимларида иш олиб борган ал-Чағминий қадимги юонон астрономия мактаби ютуқлари билан биргаликда Шарқ олимлари, жумладан, Марказий Осиё муваффакирларининг илмий ишларини кенг жалб этиш орқали янги холосалар чиқарган. Ал-Чағминийнинг бу асарида инсонни ураб турган оламнинг умумий тузилиши, самовий ёритгичлар, доиралар, сайёralарнинг ҳолати, күёш, ойнинг тутилиши, күёш йилининг узунлиги, кечаки, кундуз ва бошқа мұхим муаммолар қайтадан ишлаб чиқылған.

Ал-Чағминийнинг астрономия соҳасидаги илмий ютуқлари ҳақида гап борганда, шу нарсани алоҳида таъкиллаш мумкинки, унинг фикрича, «Күёшни узидан нур тарқатувчи сайёralарнинг маркази деб ҳисоблаш мумкин». Дарҳақиқат, унинг қайд этишича, баъзи бир осмон ёритгичлари, жумладан, ой «уз нурига» эга бўлмасдан, уни Күёшдан олади. Шунга асосланиб ал-Чағминий Күёшни баъзи осмоний жисмларнинг «маркази» деб атайди. Албатта, бу унинг тамоман гелиоцентрик система тарафдори эканлигини билдирамайди. Чунки нур ҳаракати йуналишлари ҳақидаги масалани машоюнлар (Арасту мактаби тарафдорлари) қўйган тарзда мұхокамага қўйилиши катта аҳамиятга эга эдики, бу ҳақда Абу Райҳон Беруний билан ибн Сино уртасида илмий тортишувлар булиб ўтган эди. Бу муаммонинг мавжудлиги сабабли Беруний уз вақтида геоцентрик қараш табиат фалсафасига биноан мантиқий ҳукуққа эга эканлигига шубҳа билдирган эди.

Ал-Чағминий астрономия муаммоларини ишлаб чиқишига боғлиқ бўлган риёзиётга оид масалалар билан жуда кўп шуғулланди. Унинг самарали изланишлари туфайли доиравий тригонометрия асослари ишлаб чиқылди ва унинг асосий қоидалари «Мулаҳҳас фи-л-хайъа» асарида ўз инъикосини топди. Унда турт томонли доиравий учбур-

чак ва унинг хилма-хил турларининг тула таърифи берилади. Муаллиф биринчи марта уфқий текисликдаги кузатиш жойининг асоси бўлган координатлар системасини муфассал ишлаб чиқишига муваффақ булди.

Ал-Чағминий уз асарида геодезия ва жуғрофия муаммоларига ҳам катта эътибор берганлиги сезилиб туради.

Табиатшунослик соҳасидаги илмларда у тажрибага таяниб, табиат ҳодисаларини урганишни тарғиб этар экан, ҳар хил фанлар томонидан тўпланган маълумотларга танқидий ёндашиб, холисона хуласа чиқаришига амал қилди. «Астрономияга оид қисқа тўплам» китобининг муқаддимасида бу ҳақда шундай деб ёзади: «Гарчи менгача ҳам самовий жисмлар ҳақида кўплаб китоблар ёзишган бўлсалар ҳам, улардаги асосий масалалар чукур ёритилмаган эди».

Ал-Чағминий ўзи таҳқиқ қилган фанлар соҳасида тор доирадаги хуласалар билангина чегараланиб қолмасдан, улардан келиб чиқиб йирик фалсафий муаммоларни мухокамага кўяр эди. Унинг табиатга берган таърифи мухим аҳамиятга эгадир: «У (табиат) ҳар қандай ҳаракат ва сокинликнинг манбаидир». Ал-Чағминий фикрича, табиат «табиий кучга» эгадирки, ушбу куч унинг фаоллигини зарурый шартга айлантиради. Табиатта нисбатан ўз қарашларини баён қилиб, Чагминий шундай ёзади: «Модда ва шакл табиатни шакллантиради».

Маълумки, маҳоюнлар фалсафасида модда билан шакл қанчалик бир-бирига боғлиқ бўлмасин, уларнинг бирини иккинчисидан ажратиш имконияти мавжуд эди. Бундай имконият маълум даражада ал-Чағминий киритган «бўлинмас заррача», «унсурий заррача» — яъни атом тушунчаси воситасида бартараф қилинди.

Ал-Чағминий фикрича, модда кичик заррачалар кўринишида мавжуд, аммо уларнинг хусусияти шундан иборатки, уларда модда ва шакл бир-биридан ажратиб бўлмайдиган даражада бирикиб кетган. «Кичик заррачаларни ҳар хил шакл ва табиатта эга бўлган қолипни қабул қилувчи, ундан ҳам кичикроқ заррачаларга бўлиб бўлмайди: яъни ҳар бир заррача ўзининг муайян шакл ва табиий ўзлигига эга. У содда заррача бўлиб, ўзига хос шакл, ўзига мувофиқ келадиган табиатга эгадир» («Мулаҳҳас фи-л-хайъа», 380-бет).

Маҳмуд ал-Чағминийнинг қарашларида Ўрта аср мутафаккирларининг кўпчилиги тахмин қилган икки хил заррачанинг, яъни атомлар ва ўзига хос молекулаларнинг мавжудлиги ҳақидаги назария ўзининг ёрқин ифодасини топди. Ал-Чағминий уларни «бирламчи» ва «иккиламчи» кичик заррачалар деб, сунгра — «бирламчи заррачани» аниқлаб, уни «унсур», «ибгидо», «асосий ашё», «модда» деб атайди.

Иккиламчи заррачалар эса у ёки бу ашёнинг кичик заррачаларини ташкил этади, аммо унинг хусусиятини сақлаб қолади. Бу шундай заррачалардирки, «бошқасига нисбатан кичикроқ бўлмоғи керак».

Үрта асрларда астрономия кундалик турмушда амалий аҳамиятга эга бўлган, доимо ривожланиб бориши зарур бўлган фан ҳисобланган. Барча қишлоқ ҳўжалик ишлари, бепоён чўллардан компассиз савдо карвоинларига йўл кўрсатиш самовий ёритгичлар орқали амалга оширилганини ҳисобга олсан, нима учун ал-Чагминийга ўхшаш олимларимиз тинимсиз тадқиқотлар билан шуғулланганларни маълум бўлади.

## БУРҲОНУДДИН АЛ-МАРГИНОНИЙ

(1123–1197)

Буюк факиҳ Али ибн Абу Бакр ибн Абд ул-Жалил ал-Фарғоний ар-Риштоний ал-Маргиноний 1123 йил 23 сентябрда туғилган. У Куръонни, ҳадис илмларини мукаммал эгаллаб, фикҳ — ислом ҳукуқшунослиги борасида бениҳоя чукур илмга эга бўлганлиги ва бу соҳада бекиёс дурданалар яратганлиги туфайли Бурҳон ул-дин вал-л-милла<sup>1</sup> ва Бурҳонуддин ал-Маргиноний<sup>2</sup> номлари билан машҳурдир.

Бурҳонуддин ал-Маргиноний дастлабки таълимни Марғонда олиб, кейинчалик Мовароуннахрнинг ўша даврдаги диний ва маърифий маркази бўлган Самарқандга кўчиб борган ва умрининг охиригача ўша ерда яшаган. Мавлоно Бурҳонуддин ал-Маргиноний ёшлик чоғлариданоқ Куръони Каримни ёд олиб, ҳадисларни чукур ўрганган.

У балоғат ёшига етганида мукаммал илмга эга бўлганига қарамай устозлардан таълим олишни давом эттириди. 1149 йили Бурҳонуддин ал-Маргиноний ҳаж сафарига борди. «Китоб ул-машойих» («Шайхлар ҳақидаги китоб») асарида у ўзи таълим олган 40 дан ортиқ шайх ва алломани санаб ўтган. Бу рўйхатда Нажмуддин Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий, Абу ал-Асир ал-Байдавий, Абу Ёкуб ас-Саярий, Абу Исҳоқ ан-Навқадий, Жаъфар ал-Хиндувонийларнинг номлари бор.

Кейинчалик у фикҳга оид масалалар билан қизиқиб, ўша даврнинг кўзга кўринган алломаларидан «Ал-Муҳит» («Илмлар денгизи») асарининг муаллифи Умар ибн Мааза, «Ал-Фатава ва фавоид аз-Захира» («Фатволар ва зохир нарсаларнинг фойдалари») асарининг муаллифи Зохир ул-дин ибн Умар ал-Қодий ал-Бухорий ибн ал-Итобий ва бошқаларнинг назарига тушган.

Бурҳонуддин ал-Маргиноний ислом динидаги суннийларнинг туртта асосий мазҳаби асосчиларининг асарларини ўрганиш билан бирга ўзи ҳам фикҳга оид бир қатор асарлар яратган. Бизгача етиб

<sup>1</sup> Милла деганда халқ, яъни мусулмонлар тушунилади. Бу ерда олимни улуғлаб, уни ислом оламидаги халқлар ҳамда ислом динининг далили, исботи дейилмоқчи.

<sup>2</sup> Маргинон — Марғон шаҳрини Ўрта асрларда араблар Маргинон деб аташган.

келган асарларидан «Бидоят ал-мунтахий» («Бошловчилар учун дастлабки таълим»), «Кифоят ал-мунтахий» («Якунловчилар учун тугал таълим»), «Нашр ул-мазҳаб» («Мазҳабнинг ёйилиши»), «Китоб ул-мазид» («Илмни зиёда қилувчи китоб»), «Маносик ул-ҳаж» («Ҳаж маросимлари»), «Мажма ул-навозил» («Нозил бўлган нарсалар тўплами»), «Китоб ул-фароиз» («Фарзлар китоби») ва бошқалар маълум.

Ал-Марғинонийнинг бутун ислом оламида машҳур бўлган «Ҳидоя» асари 1178 йили Самарқандда ёзилди. Маҳмуд ибн Сулаймон ал-Кафавийнинг «Катоиб ул-аълом ал-ахёр фи табоқот фуқаҳо ва машойих мазҳаб ан-Нуъмон» («Нуъмон мазҳабига мансуб булган таниқли аллома фақиҳлар ва шайхлар ҳақиқидаги китоб») номли асарида келтирилишича, Бурҳонуддин ал-Марғиноний «Бидоят ал-мунтахий» асарининг сўз бошисида «Ҳидоя»нинг яратилиши хусусида шундай ёзган: «Абу-л-Ҳасан Али ибн Бакр Абд ул-Жалил бир куни фиқҳ масалаларига бағишланган ҳажми унча катта бўлмаган, лекин мазмуни тўлиқ бўлган бир яхлит китоб зарур эканлиги ҳақида фикр билдириди. Ироққа сафар қилганимда у ерда «ал-Мухтасар ал-Қудурий» («Қудурий қисқартмаси»)ни кўрдим. У фиқҳ бобида ажойиб асар эди. Бу пайтгача каттаю-кичик барча «Жомеъ ус-Сағир» («Кичик тўплам») дан фойдаланган эди. Шунда фиқҳга оид барча асарларни жамлаб, улардан энг зарур масалаларни олдим ва бу асарга «Бидоят ал-мунтахий» деб ном бердим. Кейинчалик бу асарга шарҳ ёзиб, уни «Кифоя ул-мунтахий» деб номладим»<sup>1</sup>.

Кейинчалик бу асарларнинг ҳам ҳажми катталик қилиб, янада мұйжаз бўлган, бутун ислом оламида ханафия мазҳабининг фиқҳ масалаларида асосий қулланмасига айланган ал-Марғинонийнинг «ал-Ҳидоя» асари яратилди. Бу асар бутун мусулмон оламида машҳур булиб кетди, мусулмон ҳукуқи — фиқҳ бўйича энг аниқ, изчил, мукаммал асар сифатида тан олинди.

«Ҳидоя»нинг асосини фиқҳ илми асосчиларидан бўлган Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит, Абу Абдуллоҳ, Аҳмад ибн Ҳанбалларнинг йирик асарлари, бу алломаларнинг шогирд ва сафдошларидан имом Абу Юсуф, имом Абу Абдуллоҳ ибн Ҳусайн аш-Шайбоний (имом Мұҳаммад), имом Абу-л-Ҳазл Зуфар ибн Ҳазлтарнинг асарлари, дастлабки тўрт халифа ва саҳобаларнинг ривоятлари, улар ха-бар қилган ҳадислар ташкил қиласиди. Бундан ташқари, «Ҳидоя»да асосий фиқҳий масалаларнинг шарҳи ва ечимида Мұҳаммад Базда-вийнинг «Мабсүт», ибн Исо ат-Термизийнинг «Жомеъ ул-Кабир» («Катта тўплам»), Қудурийнинг «ал-Мухтасар ал-Қудурий» каби асарларига ишора қилинади.

<sup>1</sup> ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. Инв. № 2929, 214.

«Ҳидоя»да ҳуқуқий масалаларнинг ечими дастлаб йирик фикр олимлари фикрларининг баёни ва унга бошқа муаллифлар эътирозлари ёки қўшилишларини изҳор этиш йули билан берилган. Ана шу обрули муаллифлар фикрларидан келиб чиқиб, муайян масалада энг маъқул ечимни танлаб олиш йўлига амал қилинган. Шу тариқа унда қонуннинг айнан ифодасигина эмас, балки унинг мукаммал шарҳи ҳам асослаб келтирилади.

«Ҳидоя» турт жуздан иборат бўлиб, биринчи жузга ибодат масалалари киритилган, булар: таҳорат, намоз, рўза, закот ва ҳаж китоблариidir. Иккинчи жузга никоҳ, эмизиш, талоқ, қулларни озод қилиш, топиб олинган боланинг насабини аниқлаш, топиб олинган нарса, қочиб кетган қуллар, бедарак йўқолганлар, шерикчилик ва вақф мулки каби масалалар киритилган.

Учинчи жузда эса олди-сотди, пул муаммолари, кафолат, пулни бирорга утказиш, қозиларнинг вазифалари, гувоҳлик, берилган гувоҳликдан қайтиш, ваколат, даъво, иқрор булиш, сулҳ, бир ишда пул билан шерик булиш, пулни сақлашга бериш, қарз бериш, совфа, ижара, муайян шарт асосида чекланган озодлик берилган қуллар, волийлик (патронат), мажбур қилиш, ҳомийлик, қисман озод бўлган қуллар ва босқинчилик хусусидаги масалалар урин олган.

Тўртинчи жузда эса шафоат, мерос тақсимлаш, деҳқончилик ҳамда боғдорчилик хусусида шартнома, қурбонликка сўйиладиган жонзод ҳақида, умуман қурбонлик қилиш ҳақида, шариатга зид ёмон нарсалар ҳақида, ташландик ерларни узлаштириш хусусида, тақиқланган ичимликлар ҳақида, овчилик, гаровга бериш, жиноятлар хусусида, хун ҳақи тўлаш, васият каби масалалар ёритилган.

«Ҳидоя» бир неча асрлар давомида кўп мусулмон мамлакатларида, жумладан, Марказий Осиёда ҳам ҳуқуқшунослиқ бўйича энг асосий қўлланма ҳисобланиб, бу ерда 1917 йил инқилобидан кейин ҳам, то 30-йилларгача шариат қозилари бекор қилиниб, совет суди системаси жорий қилингунча амалда бўлиб келди. Ҳозирги кунда ҳам ислом шариати асосида иш юритадиган мусулмон мамлакатлар ҳуқуқшунослигида бу асардан кенг фойдаланилади. «Ҳидоя»нинг 1893 йилда рус тилида қисқартирилган таржимаси Н. П. Гродеков томонидан нашр этилган<sup>1</sup>.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви туфайли ислом ёдгорликлари, жумладан, шариат, фикрҳа оид асарларни урганиш, бу

<sup>1</sup> Қаранг: Ҳидоя. Комментарии мусульманского права. Тошкент, 1893. Т., I–IM. Асар 400 нусхада босилган бўлиб, «Туркестон ұлқасини» маъмурий жандарм бошқарув ишларидаги хизматчиларига мўлжаллангандир («Туркестанские ведомости» 1893 г. 16(28) июня), яъни Рус чоризмининг мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишни осонлаштириш мақсадларига бўйсундирилган бўлиб, русча таржима инглизча таржимасидек тўлиқ эмас, айрим қисмлари тўлиғича тушириб қолдирилган.

соҳадаги бой меросимизни нашр этиш имконияти вужудга келди. Ватандошимиз ал-Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари ислом хукуқшунослигида машхурлигини назарга олиб Н. И. Гродековнинг инглизчадан русчага қилинган ва төр доира учун мўлжалланган «Ҳидоя»нинг 1-китоби Тошкентда 1994 йилда юридик фанлари доктори А. Х. Сайдовнинг сўз бошиси ва шархи билан қайта нашр этилди.

Узок мусулмон оламида ҳозиргача ўз қимматини йўқотмаган «Хидоя» ва унинг муаллифи Марғононий фаолияти ўз тадқиқотчиларини кутмокда.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан 2000 йилда ал-Маргинонийнинг 910 йиллик таваллуд санаси кенг жамоатчилик томонидан тантанали равища нишонланди.

АХМАД ЯССАВИЙ

(1041–1167)

Ислом дини пайдо бўлгандан сўнг унинг доирасида, Куръон ва Ҳадис ажномига мос равища пайдо бўлган тасаввифий таълимотлар X-XI асрларга келиб Мовароуннахрда ҳам кенг тарқала бошлади.

Тасаввуф — Яқин ва Ўрта Шарқ халқарининг маънавий ҳаёти тарихидаги энг мураккаб, ўзаро зиддиятларга тўлиб-тошган ва муҳим ҳодисалардан бири бўлиб, унинг учун таркидунёчилик, бу дунё бойликларидан ва нозу неъматларидан воз кечиш, Аллоҳ васлигага етмак учун пок, ҳалол, ўз меҳнати ила яшаш, ихтиёрий равишдаги факирлик характерли хусусиятлардан ҳисобланган.

Марказий Осиёда тасаввуфий таълимотларнинг пайдо бўлиши Юсуф Ҳамадоний (1048–1140) номи билан боғлиқдир. Юсуф Ҳамадоний Марв ва Бухорода хонақо ва мадраса курдириб, кўплаб туркигўй, форсигўй шогирдлар тайёрлади. Бухородаги шогирдлари орасида Ҳасан Андоқий, Абдулло Баракий, Аҳмад Яссавий ва Абдухалиқ Фиждувоний алоҳида ажралиб турарди. Кейинроқ бу тўрт истеъодидли шогирд Ҳамадоний мактабини муваффақият билан давом эттиридилар.

«Яссавия», «Нақшбандия» тариқатлари Ҳамадоний таълимоти асосида шаклланди.

**ХII асрда** Марказий Осиёда пайдо бүлган илк тасаввуфий тари-  
қатнинг асосчиси Хожа Аҳмад Яссавий 1041 йилда Сайрамда, Шайх  
Иброҳим оиласида дунёга келган. Унинг вафот этган вақти кўпгина  
қўлёзма манбаларда ҳижрий 562 (1166/67) йил деб ёзилган. Аҳмад  
ёшлигида онасидан, сўнг отасидан ажралади. Уни бобоси Арслонбоб  
тарбиялаб вояга етказади. Аҳмад дастлабки таълимотни Яссида маш-  
ҳур олим Шаҳобиддин Исфижобийдан олади. Сўнгра бобоси Арс-

лонбоб күрсатмаси билан Бухорога бориб, Юсуф Ҳамадонийдан таълим олади. Аҳмад Яссавийнинг ўзи «Устоз Юсуф Ҳамадонийнинг хузурига 23 ёшида борганини ва ул Ҳазратнинг тарбиясига ноил бўлғонлигини» айтади. У ерда тасаввуфдан таълим олиб, сўнг ўз юрги Туркистанга қайтади, ўз таълимотини тарғиб этиб, шогирд, муридлар тайёрлай бошлайди.

Ривоятларга кўра, Яссавий 63 га (Пайғамбар ёшига) етгач, ер остида ҳужра ясатиб, «чилла»га кирган, қолган умрини тоат-ибодат қилиб, қимматли ҳикматлар ёзиб, риёзатлар чекиб, ер остида ўтказган. Бир ривоятга кўра, у 125 йил, бошқа ривоятга қараганда, 133 йил умр кўрган.

Яссавий маданиятишимиз тарихида илк туркийзабон мутасаввуф шоир сифатида маълумдир. Унинг тасаввуфни тарғиб этувчи туркийда ёзилган шеърлари тилининг ҳалққа яқинлиги, оҳангдорлиги билан тезда машҳур бўлиб кетди.

Алишер Навоий ибораси билан айтганда, «Туркистан мулкининг улуг Шайх-ул-машойихи» Ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавий жуда кўп мутасаввуф донишмандларни тарбиялаб вояга етказган. Маълумки, «Яссавия» тариқатидан кейин Марказий Осиёда икки йирик тариқат пайдо бўлади: «Нақшбандия» (Хўжагон), «Бектошия».

Тасаввуфдаги барча йирик тариқатларда бўлганидек, «Яссавия» тариқатининг ҳам ўзига хос муайян қоидалари (одоби) бўлиб, бу таълимотдаги соликлар куйидаги қоидаларга амал қилишлари мажбур бўлган: 1) Мурид ҳеч кимсани ўз пиридан афзал кўрмаслиги, унга доимо таслимият изҳор қилмоғи лозим; 2) Мурид шунчалик зукко ва идрокли бўлиши керакки, то ўз шайхининг румуз ва ишораларини мукаммал англай олсин; 3) Шайхнинг барча акволи (сўала-ри) ва афъоли (ишлари)га мурид содиқ бўлиб, унга мутлақо муте ва мұтақид бўлмоғи лозим; 4) Мурид ўз муршиди (пири)нинг барча топшириқларини чусту чолоклик (чаққонлик) или сидқидилдан баҳарид, уни ҳамиша рози қилиб юрмоғи зарур. Чунки ризои Аллоҳ унинг (яни Шайхнинг) зимнидадир; 5) Мурид ўз сўзига содиқ, ваъдасига росих бўлиб, муршиди кўнглида ҳеч қандай шаку шубҳа туғдирмаслиги зарур; 6) Мурид ўз ваъдасида вафодор, сўзида устувор турмоғи лозим; 7) Мурид ўз иктиёридаги барча мол-мулкини, бутун бору йўғини ўз шайхига нисор этмоқ учун доимо тайёр турмоғи лозим; 8) Мурид ўз муршидининг барча сир-асрорларидан огоҳ бўлиб, унинг ифшосини ҳеч вақт хаёлига келтирмаслиги керак; 9) Мурид ўз шайхининг барча таклифларини назарда тутиб, унинг мушкилотини осон қилмоғи, панду насиҳатларини бажо келтирмоғи шарт; 10) Мурид Худо висоли учун ўз Шайхи йўлида бутун молу жонини нисор этмоққа тайёр туриши, унинг дўстига дўст, душманига душман бўлиб яшамоғи шарт.

«Яссавия» тариқатининг барча ақидалари Аҳмад Яссавийнинг асосий асари бўлмиш «Ҳикмат»да муфассал баён этилган. XII асрдаги туркийзабон шеъриятнинг ажойиб намунаси бўлган, кейинги даврлардаги туркий адабиётга катта таъсир курсатган «Ҳикмат» асарида «Яссавия» таълимотидаги поклик, ҳалоллик, түғрилик, меҳр-шафқат, ўз кўл кучи, пешона тери ва ҳалол меҳнати билан кун кечириш, Аллоҳ таоло висолига етишиш йўлида Инсонни ботинан ва зоҳирлан ҳар томонлама такомиллаштириш каби илғор умуминсоний қадрияtlар ифода этилган.

Бағдодда 922 йилнинг 22 март куни риёкор шайхлар ва мутаассиб уламолар томонидан худосизликда айбланиб дорга осилган, сўнгра қўл-оёқлари кесилиб, танаси куйдирилиб, дарёга ташланган машҳур мутасаввуф олим Мансур Ҳаллож (858—922) ни Яссавий бир талай шеърларида чукур ҳурмат билан тилга олади, мазкур илғор, довюрак ва жасур мутасаввуф донишмандга катта рағбат кўрсатади:

«Билмадилар муллолар «Анал-ҳақ» нинг маъносин,  
Қол аҳлига ҳол илмин Ҳақ кўрмади муносиб,  
Ривоятлар битилди, ҳолин ани билмади,  
Мансурдек авлиёни қўйдилар дорга осиб,

Шариатдур, деб олимлар буюрдилар,  
Кофири Мансур ўлмади, деб кўйдурдилар.  
Ахгар қилиб кулин кўкка совурдилар,  
Тоғу тузлар «Анал-ҳақ», деб турар эрмиш».

Яссавий ҳам ўзининг пири бузруквори Шайх Юсуфи Ҳамадонийга ўхшаб мол-дунё туپлашга мутлақо қизиқмаганини, камбағал-парвар ва ғарибпарвар бўлиб яшаганлигини унинг баъзи бир ҳикматларидан ҳам билса бўлади. Мол-дунёга, бойликка ва давлат ортиришга муккасидан кетган, хасис ва очофат кишиларни Яссавий беаёв танқид қиласди:

Бешак билинг бу дунё барча ҳалқдан ўтаро,  
Ишонмагил молингта, бир кун қўлдан кеторо,  
Ото, оно, қариндош қаён кетди, фикр қил,  
Тўрт оёқлик чўбиг от бир кун санго еторо.

Дарҳақиқат, Ҳожа Аҳмад Яссавий Марказий Осиёдаги ilk тасаввуфий тариқат — «Яссавия»нинг асосчиси, нафақат Ҳурросон ва Ма-ворооннахр, балки туркийзабон ҳалқларнинг маънавий тарихида кенг маълум бўлган, мутасаввуф донишманд, инсонпарвар шоир ҳисобланади.

## АДИБ АҲМАД ЮГНАКИЙ

(XII—XIII асрлар)

Туркий адабиёттинг бизга маълум намояндаси машҳур «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асарининг муаллифи Аҳмад Югнакий булғанлигини қайд этиш мумкин. Аҳмад Югнакий ҳақидаги маълумотларни биз XV асрга оид Алишер Навоий, Арслон хожа Тархон ва бошқалар ёзиб қолдирган маълумот ҳамда шоирнинг ўз ёзганларидан биламиз.

Манбаларда Аҳмаднинг туғилган жойи Югнак деб аталади. Бу номдаги қишлоқлар қадимги Самарқанд атрофи, Фарғона водийиси ва Сирдарё бўйларида мавжуд бўлган. Аҳмад онадан кўзи ожиз туғилди. Алишер Навоий бу ҳақда шундай ёзади: «Ҳақ субҳонаҳу ва таоло агарчи зоҳир кузин ёпук яратгандур, оммо кўнгил кўзин бағоят ёруқ қилғондур». Аҳмад ёшлигидан жуда қобилиятли ва зийрак бўлган.

Унинг илмий-назарий рисолалар ёзган ёки ёзмаганлиги бизга но маълум. Адид Аҳмад салоҳиятли шоир ва ахлоқ муаллимидир. Ундан бизгача етиб келган ягона яхлит асар «Ҳибат ул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар тухфаси») достони бўлиб, 484 мисрадан иборат. Бу асарнинг бугунгача 3 та тулиқ қўлёзмаси, 2 та айрим парчалари сақланиб қолган. Улардан энг қадимгиси 1444 йилда Самарқандда Улуғбекнинг нуфузли амирларидан Арслон хожа Тархон топшириғига кура, котиб Зайнул Обидин ибн Султонбахт ал-Журжоний ал-Хусайний томонидан уйгур ёзувида кўчирилган. Матн орасидаги оят, ҳадис ва айрим байтлар араб ёзувида. Асар номи мазкур нусхада «Атабатул ҳақойиқ» («Ҳақиқат эшиклари») деб курсатилган. Кейинги нусха уйгур ва араб ёзувларида бўлиб, 1480 йилда Туркистондан Истамбулга бориб қолган истеъоддли котиб Шайхзода Абдураззоқ бахши томонидан кўчирилган. Турк олими Нажиб Осим 1914—1916 йилларда ушбу нусхани топиб, тадқиқ этиб нашрдан чиқарди. Учинчи қуле兹ма араб хатида бўлиб, унга Туркия сultonи Боязид II (1481—1512)нинг муҳри босилган. Демак, бу нусха ҳам XV аср охири XVI асрнинг бошида кўчирилган бўлиб чиқади. Асар 14 бобдан иборат бўлиб, биринчи 5 бобини муқаддима қисми деб аташ мумкин. Унда ягона Аллоҳи таолога ҳамд, Расууллоҳ (САВ) га наът, турт улуг саҳобалар — хулафойи рошидин мадҳи, амир Муҳаммад Дод-сипоҳсолорбек ва фазилат эгаси Анас ибн Муовияларга бағишиланган мадҳиявий сатрлар мавжуд. Муқаддима қисмининг охирида достоннинг ёзилиш сабаби баён этилган. Асар Мовароуннаҳрда ёзилган бўлиши керак, чунки буюк амир Муҳаммад Дод-сипоҳсолорбек турк ва ажам мамлакатларининг ҳукмдори деб улуғланган, араблар эсга олинмаган.

«Ҳибат ул-ҳақойиқ» асари ёзилган даврда форсий ва туркий достонлар учун умумий булган муайян шеърий шакл (яъни, аа, бб, вв усулида қофияланувчи маснавий шакли) ҳали мавжуд эмас эди. Шу

сабабдан асарнинг мадхиявий кириш қисмлари ўша давр араб адабиётига хос бўлган қасида жанридан ижодий фойдаланиб ёзилган. Аммо достоннинг асосий қисми ва хulosаси қадим туркий оғзаки адабиётида кенг қулланилган тўртликлар шаклида яратилган. Шу сабабли достон ҳажмини байтлар (2 сатрли банд системаси) билан ўлчаш тўғри эмас. Аҳмад Юғнакий номига «Адиб» сўзи қушиб айтилиши маълум сабабга эга. У ўзини шоир эмас, балки адаб илми на moyндаси деб билади. Унинг достони ҳам туркий элатларга исломий одоб қоидлари, маънавий-ахлоқий камолот сирларидан таълим беришга мулжалланган. Буни ундаги боб сарлавҳаларидан ҳам англаш мумкин. Биринчи боб (аннавъул-аввал) — «Илм манфаати ва жаҳолатнинг зарари ҳақида» деб аталган. Маълумки, исломнинг ilk ноэзил бўлган оятлари «Икра!» (яъни, «Уқи!») деб бошланади ва илмга ташвиқ этиш ислом маънавиятининг муҳим асосларидан биринчи ташкил этади. Достон матни орасида пайғамбаримизнинг «Илм Чин эли (яъни Хитой)да бўлса ҳам, ўрганинг!» деган ҳадислари араб тилида келтирилган ва ушбу фикр туркий тўртликлар шаклида шарҳланган. «Саодат йўли билим билан билинади», дейди Адиб. У билим эгаси бўлган аёл кишини эрлар қаторида кўради, билимсиз эркакни эса аёлдан ҳам заиф билади.

Алишер Навоий ўз асарида Адиб Аҳмад достонининг ушбу бобидан энг эркин тимсолни келтирган:

Сўнгакка илик тур, эранга билик,  
Биликсиз эран ул иликсиз сўнгак.

Арслон хожа Тархон туздирган матнда шу сатрлар бироз бошқачароқ жаранглайди:

Сўнгакка йиликтек эранга билик,  
Эран кўрки аҳла, ул сўнгакнунг йилик.

Билим эгаси вафот этганда ҳам унинг номи боқий қолади, деб хulosalайди шоир, аммо билимсиз киши тиригида ҳам ўликдан фарқи йўқдир. Адиб Аҳмад билимсизликни қоралаб яна Расулуллоҳ (САВ) ҳадисларига мурожаат этади: «Тангри ҳеч қачон жоҳилларни азиз қилган эмас». Илм қадрига фақат маърифатли одам этади, нодонга эса насиҳат бефойдадир. Адиб Аҳмаднинг фикрича, билим туганмас бойликлар, у фақир кишини бой этади, илм аҳлини эса араб ҳам, ажам ҳам олқишлийди.

Дарҳақиқат, Адиб Аҳмад яшаган давр, амриқо олими Франц Розенталь таъбири билан айтганда, «ilm тантанаси» даври эди. Адиб Аҳмад минтақа маданиятидаги мислсиз камолот йўлининг иштирокчиси эди. Аммо давр мураккаб, ўта зиддиятли ҳам эди. Бу ҳолат илк туркий пандноманинг кейинги боблари мундарижасида ўз аксини

топган. Иккинчи боб «Тилни тийиши ва бошқа одоблар ҳақида» деб номланади. Бу бобдаги машхур сатрлар:

«Тилинг бекта тутғил тишинг синмасун,  
Кали чиқса бекта, тишингни сийур».

Алишер Навоийнинг Адиб Аҳмад ҳақида ёзганларида бироз ўзгарган ҳолда такрор этилади. Адиб фикрича, киши бошига ҳар қандай иш тушса, тили туфайли содир бўлади, баъзилар яхшилик кўради, баъзилар афсус чекади. Аҳмоқ одамнинг тили — душмани, кўп кишиларнинг тили туфайли қони тўкилди. Адиб Аҳмад беҳудагуйлик ва ёлғон сўзлашни қаттиқ қоралайди. Сўзнинг тўғриси ва қисқаси яхши деб ҳисоблайди. Боб давомида сир саклашнинг муҳимлиги таъкидланади, «ҳатто яқин дўстингдан ҳам эҳтиёт бўл»— дей огоҳлантиради шоир. Бундай огоҳлантиришлар замонанинг қалтислигини эслатиб турарди. Учинчи боб ҳам шунга мувофиқ «Дунё ҳолатларининг ўзгариб туриши ва дунё ахлида вафо камлиги ҳақида». Адиб Аҳмад ўз асарини кексалик чоғида ёзганлиги ушбу боб мазмунидан сезилади. Адиб дунёнинг ўткинчилиги, киши умрининг елдек ўтиши, обод ўлкалар хароб бўлиб, доноларнинг кўпи дунёни тарк этганини афсус билан қайд этади. Дунё бир қўли билан кишига асал тутса, иккинчи қўли билан огу тутади.

Шу сабабли «егулигинг ва кийгулигинг бор бўлса, кўп ҳам молдунё йиғишга ружу қўйма», дейди Адиб.

«Хибат ул-ҳақойик» асари асосий қисмининг кейинги 4—7- боблари ҳам инсонларнинг юксак фазилатларини таърифлаш, нуқсонларини қоралашга бағищланган. Уларда саховат, қўли очиқлик, таъозеъ, инсонларга меҳрли бўлиш, вафоли, шавкатли, ҳалим табиатли, кечирувчан, камтар бўлиш тарғиб қилинади, баҳил ва очкўзлик, молпарастлик, ғазабнок ва такаббурлик, риёкорлик, бесабрлик, зулм ва зўравонлик, сафсатабозлик қаттиқ қораланади. Асар бошдан оёқ тавҳид эътиқодига таянади, муаллиф фикрлари Аллоҳ таолонинг муборак оятлари, Расулуллоҳ (САВ)нинг ҳикматли ҳадислари билан далилланади. Туркий тилда битилган шеърий матн орасида қатор оятлар, 20 дан ортиқ ҳадисларнинг асл арабий матни келтирилган, улар туркийда шеър воситасида шарҳ этилган. Умуман олганда, «Хибат ул-ҳақойик» тил жиҳатидан жуда қадими, аммо асрлар давомида кўп кучирилиб, котиблар томонидан тушуниш қийин жумлалар соддалаштирилган, кейинги асрлар тил унсурлари асарга анча таъсир кўрсатган. Достоннинг илмий-танқидий матнлари 1951 йилда туркиялик олим Рашид Раҳмат Арат, 1972 йилда ўзбек олими Қозоқбой Маҳмудов, кейинчалик Қозогистон олимлари томонидан турли қўлёзмаларни чоғишириб тайёрланди ва чоп этилди. Бу нашрлар барчаси XV—XVI асрлар матнига таянади, чунки қадими йирок

қўлёзмалар сақланиб қолмаган. Достоннинг барча мавжуд қўлёзмаларида асл муаллиф матни охирида илова қилиб, бир номаълум котиб (ёки шоир) ва Амир Сайфиддин (шоир Сайфий)нинг алоҳида тўртликлари ҳамда Арслон хожа Тархоннинг 10 байтли маснавийси илова қилинган. Бу шеърий иловалар кейинги асрларда қўшилган бўлиб, тил хусусиятларига кўра ҳам Адаб Аҳмад асаридан фарқ қиласди.. Улар мазмуни асосан достон муаллифини таъриф этиш, унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қушимча маълумотлар беришга қаратилган. Арслон хожа Тархон Адаб Аҳмад асарини «қашқарий тил била» ёзилган дейди, аммо муаллифнинг ўзи — «Анин уш чиқардим бу туркий китаби деб» ёзган эди. Демак, VI—VII асрларда шаклланиб бўлган умумминтақа туркий тилини Адаб Аҳмад даврида «туркий» аташган бўлса, кейинчалик маданий-адабий марказ Қораҳонийлар пойтахтига кучгач, уни «кошгарий» тил деб аташ расм бўлган ва Улугбекнинг амири ушбу кейинги атамадан фойдаланган. Умуман Адаб Аҳмад достони тил хусусиятларини Култегин, Тунюкуқ, Билка қоон битиклари билан қиёслаб ўрганиш туркий маданият такомилини тўғри англаб етишда катта аҳамият касб этган бўлур эди.

Илк мутафаккирлардан бўлмиш Адаб Аҳмад Мовароуннаҳр ва Хурсонда туркий элатлар маданиятини юксалтиришда катта хизмат қилди. XI—XII асрларда ижод этган Маҳмуд Кошгарий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий каби нафақат ўзбек халқи, балки бутун турк олами, ҳатто ислом минтақасининг буюк алломалари ичida Адаб Аҳмад муҳим ўрин эгалайди. Алишер Навоий у ҳақда шундай ёзади: «Хейли элнинг муктадоси эрмиш. Балки аксар турк улусинда ҳикмат ва нуқталари шоедур (Кўпгина эл унга иқтидо қиласилар, яъни эргашадилар. Унинг ҳикматли сатрлари ва нозик ишоралари аксарият туркий халқлар орасида тарқалгандир). Асосан маснавий шаклида ёзилган «Кутадгу билик» асарида юзлаб туркий тўртликлар учрайдики, вазн ва қофияланиши, баъзан мазмуний йўналиши айни Адаб Аҳмад достонидаги туртликлар кабидир. Аҳмад Яссавий ҳикматларида ҳам мувофиқ жойлар йўқ эмас.

«Ҳибат ул-ҳақоийқ» асари Ўзбекистонда кенг ўрганилиб, узбек адабиёти тарихи дарслкларида киритилган.

## НАЖМИДДИН КУБРО

(1145—1221)

Мусулмон оламидаги энг забардаст мутасаввуф донишмандлардан бири буюк ватандошимиз шайх Нажмиддин Кубродир.

Абул-Жанноб ва Томатул Кубро лақабларига сазовор бўлган тасаввуфнинг Кубравия силсиласининг асосчиси Нажмиддин Кубронинг тулиқ исми Аҳмад ибн Умар ибн Мұҳаммад Ҳивакий ал-Хо-

размийдир. Ҳижрий олтинчи ва еттинчи асрларда яшаган Нажмиддин Розий, Мажиддин Бағдодий, Саъдиддин Ҳамавий, Сайфиддин Баҳорзий ва Баҳоуддин Валад каби сиймолар у кишининг мурид ва шогирдлари бўлган.

Аҳмад ибн Умар Абул-Жанноб Нажмиддин Кубро 540 ҳижрий йилда Хоразмнинг Ҳивақ шаҳрида дунёга келади.

Абдураҳмон Жомий ўзининг «Нафаҳот-ул-унс» асарида ёзишича, Нажмиддин болалик пайтидаёқ илм истаб Мисрга равона бўлали. Мисрда Рузбекон Ваззон ал-Мисрий (вафоти 584/1188) деган олим даргоҳида таълим олади. Ал-Мисрий эса, ўз навбатида, машҳур мутасаввифуф донишманд Абу Нажиб ас-Сұхравардийдан таълим олган эди. Рузбекон уни ўз ўғлидек яхши кўриб, алоҳида меҳр билан тарбия қилади, ҳатто қизини никоҳлаб бериб, ўзига кўёв қилиб олади.

Аммо илмга чанқоқ Нажмиддин Кубро кўп ўтмай Табризга бориб, у ердаги Имом Абу Мансур Ҳафда деган донишманддан исломий илмларни ўрганади ва Табризда шайх Бобо Фараж, Аммор Ясир, Исмоил Касрий каби улкан мутасаввифуф донишмандлардан тасаввуфга оид қўпгина зоҳирий, ботиний илмларни ҳам эгаллайди. У киши шайх Исмоил Касрий қулида тасаввуфий хирқапуш даражасига етиб, ул ҳазратнинг оқ фотиҳасини олади. Сўнгра Мисрдаги устози ва қайнатаси Рузбекон маслаҳати билан ўз ватани — Хоразмга қайтиб келиб хонақоҳ қуради ва шогирдлар тарбиясига катта эътибор беради, «Кубравия» ёки «Заҳобия» тариқатига асос солади. Бу тариқат таълимоти ҳадис ва шариатга асосланган бўлиб, ўз даврида Ҳурсон, Мовароуннаҳр, Ҳиндистон ва бошқа мусулмон мамлакатлари ҳалқлари орасида кенг тарқалади. Мазкур тариқат соликлари орасида зикри овоз чиқармасдан (хуфия) ижро қилиш усули жорий бўлган.

«Рашаҳот айн-ул-ҳаёт» асарининг муаллифи Фахруддин ас-Сафий ўз асарида ҳазрати Абдураҳмон Жомий фикрларига таянган ҳолда Нажмиддин Кубронинг зикри хуфия талқини түгрисида сўз юритади ва шайх Кубро фикрича, зикр жараёни инсонларнинг нафас олиш (танаффус) жараёни билан чамбарчас боғлиқ эканлиги ҳақида шундай маълумот беради: «Ҳазрат Маҳдуми Нуриддин Абдураҳмон ал-Жомий айтишларича, шайх Абул-Жанноб Нажм ал-Кубро қудси Аллоҳи руҳи ўзининг «Фавотих ал-жамол» рисоласида ёзганларидек, ҳайвонларнинг нафас олиши бир табиий зарурият туфайли юз беради. Инсонлар ҳам аслида айни ўша зарурият юзасидан нафас оладилар, лекин ўшандай нафас олиш жараёнида инсон гойибона ҳақку субҳонахунинг муборак номини зикр қиласи.

Али Ақбар Деххудонинг машҳур «Лугатнома»сида келтирилишича, «у кишининг Кубро деб аталишларига сабаб шуки, беҳад зийракликлари ва тутгансиз заковатлари туфайли ҳар қандай муаммоли

масалани суралганда ҳал қилиб берар эдилар ва ҳар ким у киши билан баҳс-мунозара қилса, голиб чиқар эдилар»<sup>1</sup>.

Шунингдек, у кишини Томатул Кубро, яъни буюк бало ва қазоларнинг олдини олувчи, халоскор деб ҳам аташган. Абул-Жанноб деб аталишларига сабаб эса, у кишининг дунёвий икир-чикирлардан узоқ турганликларицир. Ул зотни «Валитарош» (валийларни парваришилаб етишириувчи) деб ҳам аташган. Чунки умрлари давомида ўн икки кишини ўз муридликларига қабул қилганлар ва уларнинг барчасини шайх дарражасига етказганлар. Улар қаторида машҳур шайхлардан Фаридиддин Атторнинг отаси Мажидиддин Бағдодий (вафоти 1219) ва Жалолиддин Румийнинг отаси Баҳоуддин Валад, Нажмиддин Дойа Розий, Саъдиддин Ҳамавий, Сайфиддин Баҳорзий ва бошқалар бор.

Нажмиддин Кубронинг Хоразмдаги сўнгти ҳаёти ўта оғир, шиддатли ва мураккаб шароитда кечади. Бу даврда Турон ўлкасидаги Хоразм, Шош, Бухоро ва Самарқанд хукмдорларининг ноаҳиллиги, танг назарлилиги туфайли мӯғулларнинг Туркистонга қилаётган ҳамлалари кучайиб, Чингизхон лашкарбошилари Мовароуннахрдаги йирик шаҳарларни бирин-кетин беаёв босиб олишга муваффақ бўлган. 1221 йилнинг жумоди ул-аввал (июл) ойида Чингизхон лашкарбошиларидан бири Хулагуҳон ўзининг ёш ўғли, тумонат лашкари билан Урганч қалъасини ўраб олади. Урганч шаҳри қамал ичидан қолиб, аҳоли ниҳоятда оғир шароитда азоб чекаётган бир аснода мункиллаб қолган, етмишдан ошган Нажмиддин Кубро ҳалқ орасидан лашкар тўплаб, қўлида қурол билан қалъани бир неча кун давомида душман ҳамларидан саклауб туради.

Нажмиддин Кубро юксак обрўга эга бўлса ҳам, камтарона ҳаёт кечирган. Аммо у кишининг баъзи муридлари мамлакат миқёсида шунчалик нуфузга эга бўлганларки, ҳатто Фаҳриддин Розий каби файласуф ва сulton Муҳаммад хоразмшоҳ ҳам уларнинг рақобатидан хавотирланганлар. Масалан, «Султонул уламо» лақабига эга бўлган Жалолиддин Румийнинг отаси Баҳоуддин Валад Балх шаҳрининг уч юзга яқин файласуф олимлари билан баҳс юргизган ва уларни юонон фалсафаси билан ортиқча шуғуланишда айبلاغан. Нажмиддин Кубронинг бошқа бир шогирди, ўз навбатида шайх Фаридиддин Атторнинг муршиди бўлган хоразмлик Мажидиддин Бағдодий ҳокимиятдаги ишларни танқид қилгани учун қатл қилинган. Лекин унинг минглаб шогирлари бўлган. Баъзида сulton Муҳаммад хоразмшоҳнинг ўзи ҳам шайхларнинг ҳузурига келиб, уларни зиёрат қилиб турган.

<sup>1</sup> Али Акбар Дехрудо. Лугатнома. 104-жилд. Техрон университети нашри. 1965, 365-бет (форс тилида).

Нажмиддин Кубро мұғул босқинчиларига қарши ўз муридлари билан шиддатли жангта кириб, шаҳид бўлган. Жангдан кейин, у кишининг жасадини дарҳол топиша олмаган. Чунки ул зот қийма-қийма қилиб ташланган эди. Шаҳид бўлганликлари ҳақидаги маълумотни хижрий 710 (1311) йилда ёзилган Рашидиддин Фазлиллоҳнинг «Жомеат ул-таворих» («Тарихлар тўплами») асарида учратамиз.

Чингизхон шайх Нажмиддан Кубронинг машҳурликларини эшитган бўлганлигидан Хоразмга ҳужум қилиш олдидан, у кишига чопар юбориб, «Мен Хоразмни қатлиом қиммоқчиман, шунинг учун Сиздек улуғвор шахсни у ердан кетиб, бизга қўшилишингизни сўрайман», деган. Аммо шайх унга жавобан: «Мен етмиш йил умрим давомида хоразмликлар билан турмушнинг аччиқ-чучугини бирга тортганман. Энди улар бошига бало-қазолар ёғилаётган пайтда қочсан муруватдан бўлмайди»<sup>1</sup>, деган. Бу воқеа хижрий 618 (1221) йилда рўй берган. Бу ҳақдаги маълумот «Тарихи гузида» («Танланган тарих»), Абдураҳмон Жомийнинг «Нафақот ул-унс», кейинчалик эса, «Равзат ул-сафо», «Ҳабиб ус-сияр» ва бошқа машҳур тарихий китоб ва тазкираларда ҳам учрайди.

Хижрий 733 (1334) йилда Хоразмга сафар қилган машҳур араб сайёҳи ибн Баттута Урганч шаҳридан чиқа беришдаги зовияда Нажмиддин Кубронинг мақбараси ва бошқа улуғларнинг мозорини кўрганлигини ёзади.<sup>2</sup>

Нажмиддин Кубро бир неча илмий асарлар ва рубоийлар ёзганки, улар жуда кўп тазкираларда учрайди. У ўз қарашларини араб тилида ёзган бир қатор рисолаларидан баён қилган. Улардан асосийлари «Фавоъих ал-Жамол ва фаовтих ал-Жалол», «ал-Усул ал-ашара», «Рисолат ал-Хөйиф ал-хәйим мин лаумон ал-лаъим» ва бошқалардир. Бу асарлар араб мамлакатлари ва Туркияда босиб чиқарилган. Унинг араб тилида ёзган «Рисолатун одоб ул-зокири» («Зикр айтувчилар одоби ҳақидаги рисола») асарининг Абдураҳмон Жомийнинг шогирди Абдул Фоур Лорий томонидан форс тилига қилинган таржимаси бизгача етиб келган ва Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида № 503-Х рақами остида сақланмоқда. Бу асарнинг асли номи арабча «Ал-Усул ал-ашара» («ун усул» ёки «ун асос») деб аталади. Туркияда ушбу асар турк тилига таржима қилиниб, нашр этилган.

Маълумки, Кубро ҳақиқат асрорига етишиш мақсадида ўз тасаввuf мактабини яратди. Унинг ақидасига кўра, инсон ўз моҳияти эътибори билан микрокосм, яъни кичик оламни ташкил этадики, у

<sup>1</sup> Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийе маънавий: Муқаддима. Кобул, 1982, 8-бет (форс тилида).

<sup>2</sup> Ибрагимов Н. Ибн Баттута и его путешествия по Средней Азии. Москва. «Наука», 1988, с. 74.

макрокосм, яъни катта дунё бўлган коинотдаги барча нарсаларни ўзида мужассамлаштиради. Аммо илоҳий сифатлар юқори самовий доираларда бирин-кетин ўзига хос мақомларда жойлашганилигидан, ҳақиқат йўлини қидиравчилар бундай юксакликларга кутарилиб, илоҳий сифатларга эга бўлиши учун, яъни камолотларга эришиши учун, маълум риёзатли йўлларни утишлари зарур. Бунинг учун эса, ҳар бир киши ўн асосга таянмоғи керак:

1. Тавба — ўз хоҳиши билан Ҳақ таолога ҳеч бир кўрсатмасиз юзланишдир. Киши ўз иродаси билан Худони севиши ва ўзининг «мени» дан кечиши керак. Тавба Худо томон юз туттган барча кишиларнинг ҳар қандай гуноҳлардан фориғ бўлишидир. Гуноҳ шундай нарсадирки, у дунёвий ёки илоҳий босқичлардан ташкил топганига қарамасдан Аллоҳ таолодан йироқлаштирадиган амалdir.

2. Зуҳд фи-дунё — бу дунёда ҳам, унинг ташқарисида ҳам, нима-ики лаззат томон бошласа, ундан тийилишдир. Оз ёки кўп бўлса ҳам, бирор молу мулкка, жангга ёки бўлмаса бирор мансабга ўз табиий вафотигача рағбат ёки мойиллик кўрсатиш, зуҳдан чиқиш ҳисобланади.

Зуҳднинг моҳияти дунё ва охиратга рағбат қўйишдан воз кечишидир. Ички лаззат, шароб ичиш, никоҳий ишларга ружу қўйиш, мансаб ва олий мартабаларни кўмсаш каби роҳатларга ўхшаш ҳис-туй-гулардан воз кечишидир. Йиллар давомида хайрли ишлар билан банд бўлиб, ер ишлари билан шугулланиш ва шунга ўхшаш бошқа фаолият таъсирида дунёвий нарсалардан кўра, охиратга кўпроқ тамоийл ва рағбат кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Чунки дунё фоний бўлиб, охират боқийдир.

3. Таваккал — Худога ишонч жиҳатидан бу турмушдаги барча икирчикирлардан воз кечишидир. Шахснинг дунёга рағбат қўйиши молу дунё ва мансаб ортириш учун ташаббус кўрсатишга сабаб бўлади. Таваккал дилдан Худога ишониш бўлиб, унинг улуғворлигини эътироф этишидир. Мақсадга эришиш маҳалида таваккал биринчи дараҷали аҳамият касб этади.

4. Қаноат — ҳаёт кечиришни таъминлайдиган оз нарса билангина қаноатланиш, ўз тарафига тортадиган барча нозу-неъматлардан ва ҳирслардан (овқатни куп истеъмол қилиш, қимматбаҳо кийимларга ҳавас қўйиш, ўйин-кулги, бекорчилик ва бошқалардан) юз угириш.

5. Узлат — танҳоликда ўтириб, рухни мустаҳкамлаш, одамлар билан муомалани тўхтатиш; гаплашмаслик, эшитмаслик, қарамаслик ва турли феъл-атвордан алоқани узишдир. Узлатнинг асл мақсади хилватда адо қилинганилиги сабабли ҳис-туйғуни жиловлашдир. Хилват ва узлатга кетиш ҳиссиётларнинг босилишига олиб келади.

6. Мулозамат аз-зикр (узлуксиз зикр) — ўз хоҳишича Худонинг исмини фикрида ёд қилиб туриш ва бутун қалбни у билан тўлдириш.

Шундай қилинганда, пасткашлик, ҳасад, очкүзлик, иккиюзлама-чилик каби разиллик ва риёкорликлар кўнгилга йўл топа олмайди.

7. Таважжух — бутун ички моҳиятни Худога қаратиш, унга чексиз муҳаббат қўйиш, ундан бошқа нарса борлигини ҳис этмасликлир. Ўз вужудини йўқотиш, Ҳақнинг абадий ва азалий вужудини бошқа билим ила кура билишдир.

8. Сабр — ўз ихтиёри билан нафс доирасидан машаққатлар чекиб бўлса ҳам, узини олиб қочишидир. Мақбул бўлган тўғри йулдан адаш-масдан бориш учун, киши ўз майлларини сундириши лозим. Бундан кўзланган мақсад шундаки, дил кудуратлардан покланиши, руҳ эса, агар нафс натижасида зангланиб қолган бўлса, жило топиши зарурдир.

9. Муроқаба (тафаккурга гарқ булиш) — эришилган даражада мушоҳада юритиш, қалбни арзимас ҳис-туйғулардан холи қилиб, тозалаш ва хотиржамликка эришиш. Кураш, риёзат чекиш йули билан ҳосил қилинган йўл ҳаққоний тұхфа этилган табиий амал бўлиб, яратилиш ҳақиқатининг ғалабаси сифатида пайдо булади ва шунинг учун ҳам ривожланиб боради.

10. Ризо — шахснинг нафс эркинлигидан чиқиб, Худо хушнудлигига кириши ва азалдан нимага ишонган бўлса, ушани ўз бўйнига олишидир. Ўз иродасини тоабад қоладиган нарсага воқелик сифатида қайтариб, улимга үхшаш үткинчи нарсага эътиroz билдиришидир.

Ўн усулдан чиқариладиган натижага шундаки, улмайдиган шахснинг ёди унинг нафсини мағлубиятга учратган сифатларида яшайди.

Нажмиддин Кубро шаҳид булгандан сўнг, унинг таълимотини шогирлари давом эттириб, Марказий Осиё Кубравия мактабини вужудга келтирдилар. Бу биродарлик фирмәси аъзоларини бирлаштирган нарса расмий ташкилот эмас, балки таълимотнинг руҳи ва мақсади эди.

Ташкилий жиҳатдан Кубравия хонақоҳларида ўз-узини бошқарадиган озод анжуман бўлиб, унинг бошида халифа турар эди. 1221 йилда вафот этган Нажмиддин Кубронинг шогирди Сайфиддин Баҳорзий томонидан Бухоро яқинидаги Соктари қишлоғида ташкил этилган ана шундай хонақоҳ Нажмиддин Кубро номи билан аталар эди. Бу ердаги Кубравия жамияти XVIII асрнинг охириларигача фаол иш кўриб, унинг аъзолари Кубро ғояларини Хитойнинг гарбий чегараларигача ёйдилар. Кубронинг бошқа бир шогирди, 1252 йилда вафот этган Саъдиддин Ҳамавий Хурросоннинг Баҳрабод деб аталган масканида хонақоҳ барпо қилиб, унинг атрофида тўгарак ташкил этди.

Кубравия мактаби бир қатор мустақил шаҳобчалар вужудга келишига сабаб булдики, улар мусулмон дунёси Шарқида кенг тармоқ отди. Бу тармоқ келиб чиқиш манбаини Кубронинг бошқа бир шо-

гирди бўлган Мажиддин Бағдодий (Бағдодак Хоразмдаги қишлоқ бўлиб, ундан чиқсан Мажиддин 1209 ёки 1219 йилда қатл этилган) асос солган тариқатдан, деб ҳисоблар эдилар. Булар қуидагилар:

Фирдавсия — Сайфиддин Баҳорзий шогирдининг халифаси бўлган, 1300 йилларда вафот этган Нажибиддин Муҳаммад томонидан ташкил этилган ва Ҳиндистонда (Дехли, Биҳар) тарқалган;

Нурия — 1317 йилда вафот этган Абдураҳмон ал-Исфароиний томонидан асос солинган бўлиб, Кубравиянинг Бағдод шаҳобчаси ҳисобланади;

Рукния — ўз келиб чиқишини 1261–1336 йилларда яшаган Рукниддин Алоъаддавла ас-Симнонийдан олган биродарлик тариқати;

Ҳамадонийа олийа — Қашмирда исломни ёйишда фаол иш кўрсатган Сайид Али бинни Шаҳобиддин Ҳамадоний (1314–1385) асос солган, рукнийадан ажраб чиқсан биродарлик тариқати бўлиб, Кубравия тариқати силсиласининг бошқа шаҳобчаларига қараганда энг машҳуридир;

Иғтишошия — ҳамадонийа олийанинг Ҳурсон шаҳобчаси бўлиб, Исҳоқ ал-Хутталоний (1423 йил ўлдирилган) томонидан асос солинган. Унинг икки шогирди эса, икки мустақил шия тариқатига асос солишган;

Заҳабийа — асосчиси XV аср ўрталарида вафот этган Абдуллоҳ Барзишободи Машҳадий;

Нурбахшийа — асосчиси Нурбахш (1392–1464) лақабли Сайид Муҳаммад бинни Муҳаммад.

Юқорида айтилганлар шундан гувоҳлик берадики, Нажмиддин Кубро таълимоти бутун мусулмон Шарқи мамлакатларида кенг тарқаган бўлиб, ҳозирда ҳам унинг кўринишларини учратиш мумкин.

Шундай қилиб, Нажмиддин Кубро тасаввуф таълимотининг ривожи ва бутун мусулмон Шарқида кенг тарқалишида катта роль ўйнади. Унинг номи ислом оламида машҳур бўлди.

## XIV АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XV АСРЛАРДА МАДАНИЙ ЮКСАЛИШ

*XIII аср бошида мұғуллар құжуми нағылжасида үтә түшкүн ақөлдегі маданий ҳаёт XIV асрнинг иккинчи ярмiga келиб аста-секін жонланған боялади.*

*Узоқ вакт мұғул мустамлакачилигига қарши олиб борилған кураи XIV асрнинг иккинчи ярмiga келиб соғыбқирон Амир Темур боячилигін дагы мустақиллік учун урушлар ғалабаси ва Мовароуннахрда ягона давлат барпо этилиши билан яқунланды.*

*Мамлакатда осойишталык үрнатилиши, сиёсий-иктисодий ҳаётнинг тартибга туша бориши маданий ҳаётда ҳам ижобий үзгарыларга олиб келди. Амир Темур буюк саркарда ва давлат арбоби бўлиши билан бирга маданий-маънавий ривожланиши ишларига ҳам раҳнамоли қилди. Мовароуннахрда турли маданий ва диний муассасалар қурдириш, тадбирлар ўтказиш ишларига эътиборни кучайтирди. Самарқанду даврда Темур давлатининг маркази сифатидагина эмас, балки Шарва Farbdagi маданий жиҳатдан энг ривож топган олим фозиллари мадрасалари, бозорлари, богоғорлари билан турли үлка вакилларини узига жалб этүвчи муҳим маънавий марказга айланди.*

*Ислом дини бу даврда Амир Темур ва Темурийлар сиёсатида, мамлакатдаги маънавий бирлик, маданий юксалиш, адолатни үрнатиш ва сақлаш ишига қараштырды. Ислом дини асосида шаклланған тасаввуд олимлари, айниқса, нақшбандия бу давр маънавиятининг гоявий асос булиб хизмат қилди. Нақшбандия исломга таянған ҳолда инсонник ахлоқий покликка, меҳнатга, интилишга ва билим әгаллашга кенг йүрочиб берувчи гояларни тарғиб қилиб, маънавий-ижтимоий ҳаётда муҳим ижобий аҳамиятга эга бўлди. Баҳоуддин Нақшбанд, Ёқуб Чархий, Ҳожа Муҳаммад Порсо, Ҳожа Аҳрор каби нақшбандия назариётчилар шу даврда яшаб изжод этдишлар.*

*XIV асрнинг иккинчи ярми – XV асрда Амир Темур ва Темурийлар Шоҳрух, Улугбек, Ҳусайн Бойқаро даврларида Мовароуннахр ва Ҳурсон ислом доирасидаги мағкуравий эркинлик, маданиятга эътибор илм-фан адабиёт, санъатнинг тез ривож топшишига олиб келди. Самарқандде расадхона қурилиб, Улугбек илмий мактаби шаклланди, аниқ фанлар ривожида катта ютуқлар қўлга киритилди. Қозизода Румий, Коший,*

*Али Күшчи каби олимларнинг асарлари бутун мусулмон оламига машҳур бўлди. Гуманитар — ижтимоий фанлар ва рассомлик, хаттотлик олий чўққиларга кутарилди. Жомий, Беҳзод, Абдураззок Самарқандий, Мирхонд, Хондамир каби машҳур адаб, рассом, тарихчиларнинг номлари бошқа ўлкаларда ҳам тез маълум бўлди. Форс тили ўз мавқеини сакла-еан ҳолда, адабиётда туркий тилнинг роли кучайиб кетди.*

*Бу даврда туркий тилдаги шеърият сultonи Алишер Навоий ижод этиб, ўзининг достонлари, илмий-тарихий асарлари билан маданият тарихида учмас из қолди.*

*Бу давр мўгуллар истилоси натижасида узилиб қолган Ўйғониш даври — Ренессанснинг тикланиши ва олий чўққиси эди. Ўйғониш даври маънавий-маданий ҳаётида инсоний қадрияtlарнинг юксак хислатлари — илмга интилиш, билимни кучайтириш, ақлни улуғлаш, инсонийлик, руҳий покланиш, ахлоқий камалотга эришув, адолат, ижтимоий юксалиш, барча учун баҳт-саодат, дўстлик-биродарлик, комил жамоа ва комил инсонни яратиш каби масалалар олга суршди. Улар муҳим илмий тадқиқотлар, адабиёт, санъат, диний асарларнинг мазмунини ташкил этди. Бу даврдаги олим, мутафаккир, донишманд, санъаткорларнинг кўпчилиги шу мақсад йўлида ижод қилди.*

*Бу давр маданиятининг ютуқлари халқимизнинг кейинги маданий ривожланишига катта замин яратди.*

## АМИР ТЕМУР

(1336—1405)

Амир Темур иби амир Тарагай 1336 йил 9 апрелда Кеш (Шаҳри-сабз) вилоятининг Хўжа Илғор қишлоғида дунёга келган. Унинг отаси амир Муҳаммад Тарагай барлос улусига мансуб беклардан, баҳодир жангчи, уламою фузалога ихлосманд, илм аҳлига ҳомий ва иштиёқманд киши бўлган.

Амир Темурнинг ёшлиги ҳақида маълумотлар кам учраса-да, айрим манбаларга қараганда, у ёшлигидаги хат-савод чиқариб, ўз даврининг тиббиёт, риёзиёт, фалакиёт, меъморчилик ва тарих илмлари ни ўрганган. Амир Темур билан сұхбатлашиш шарафига мұяссар бўлган буюк араб файласуфи Ибн Халдун жаҳонгир турк, араб, форс халқлари тарихини, диний, дунёвий ва фалсафий билимларнинг мураккаб жиҳатларигача яхши ўзлаштирганини таъкидлайди.

Амир Темур сиёсат майдонига кириб келган пайтда, Мовароуннахр мўгуллар истибодди остида бўлиб, Чингизхон ва Ботухон босиб ўтган шаҳар ва қишлоқлар вайронага айланган, сув иншоотлари бузиб ташланган ёки ишга яроқсиз ҳолга келтирилган, Чингизхон Мовароуннахри ўзининг иккинчи ўғли Чигатойхонга суюргол сифатида инъом қилган эди.

Амир Темуриинг ҳаёти ва фаолиятида икки давр яққол кўзга ташланади. Биринчи даври (1360–1385) Мовароуннахрни мұгул хонлигидан озод қилиб, ягона марказлашган давлат тузиш, ўзаро урушларга барҳам бериш. Иккинчи даври (1386–1405) эса икки Йиллик, уч Йиллик, беш Йиллик, деб аталувчи бошқа мамлакатларга юришлиари билан характерланади.

1360- йиллардан бошлаб Амир Темур Мовароуннахрдаги ичкисизо, урушларда иштирок эта бошлади ва Муғалистон ҳукмдори Туғлук Темурхон, унинг ўели Илёсхўжага қарши курашлардан сўнг, Амир Ҳусайн устидан ғалаба қозонгач, 1370 йилда Мовароуннахр таҳтининг ҳақиқий соҳиби бўлди ва Самарқандни ҳокимият пойтахти этиб белгилади.

Амир Темур таҳтга ўтиргач, Чигатой улусининг барча ерларига ўзини ворис деб билди ва Сирдарёнинг қуи ҳавзасидаги ерларни Тошкент вилоятини, Фаргона водийсини, Хоразмни ўз ҳукмронлиги остига кирилди. Натижада, Мовароуннахр ва Хурсонда Йирий марказлашган давлат вужудга келди. Соҳибқирон сўнгти йилларда Эрон, Ироқ, Закавказье мамлакатлари, Ҳиндистон, Олтин Урда ва Туркия билан бўлган жангларда ғолиб чиқиб, салтанат ҳудудини шарқда Хитой деворига қадар, гарбда — Ўрта ер денгизига, жанубда эса Ҳиндистон чегараларига қадар кенгайтириди.

Темур фаолиятида муайян сиёсий йўл — майдада феодал ҳукмронлигини тутатиш, муҳим ҳалқаро қарвон йўлларида устунилик қилиб турган Олтин Урда, Эрон ва бошқа мамлакатларнинг рақобатини енгигиб, Мовароуннахрнинг сиёсий-иктисодий кувватини таъминлайдиган марказлашган давлат ташкил этиш эди. Амир Темур аввалимбор мамлакатда давлат тизимини мустаҳкамлаш, бошқаришдаги тартиб-интизом, қонунчиликни кучайтириш, савдо-сотик, ҳунар-мандчиликни кенгайтиришга имконият яратиш, солиқларни тартибга солиш, мамлакат ҳимоясини таъминлаш йулида кўшиннинг кудратини ошириш кабиларга катта зътибор берди.

Амир Темурнинг ҳар бир ҳарбий юришига туртки бўларлик сабабор эди. Бу сабаблар — ўз давлатининг чегараларини мустаҳкамлаш, ташки душманлардан ҳимояланиш, қарвон йўлларини турлийултусарлардан тозалаш, хиёнатчи, сотқин, алдамчиларни жазолаш, бўйсунмаганларни итоат эттириш, ўзининг сиёсий таъсирини кенгайтириш кабилардан иборат бўлганлигини тарихий манбалардан билиб олиш мумкин. Масалан, Амир Темурнинг Тўхтамишонга қарши юришини олсак, Темур Тўхтамишонга кўп илтифотлар, ёрдамлар курсатиб, 1379 йилда Ўрусхонни енгигиб, Оқ Ўрда таҳтига Тўхтамишонни утқазган эди. Аммо Тўхтамишон Амир Темурнинг умидларини пучга чиқарди.

У Мовароуннахрга бир неча бор талончилик ниятида бостириб кирганидан сўнг, Темурда ҳам унга қарши курашиш мажбурияти

вужудга келди ва 1395 йил 15 апрелда Кундузчада Амир Темур билан Тұхтамишхон үргасида ҳал қылувчи ҳәёт-мамот жангы бошланды. Жанг фақат Тұхтамишхоннинг тақдирини ҳал қилиб құяқолмай, балки бутун Олтин Үрда тақдирини ҳам ҳал қилди.

Тарих Темур зиммасига Олтин Үрдадек курдатли мұғул империясыннан асосини емиришдек улкан вазифани құйған экан, Соҳибқирон бу вазифани ҳам буюк жасорат билан адо этиб, Рус князликлари ва Шарқий Оврӯпо халқтарини муғуллар асоратидан халос булишларига йұл очиб берди. Иирик рус олимни А. Ю. Якубовский: «Темурнинг Тұхтамиш устидан қозонган бу галабаси нафақат Марказий Осиё ва Шарқий Оврӯпо, балки Ресей учун ҳам катта аҳамиятта молик бўлди», деб ёзди.

Темур давлатни бошқаришга катта эътибор бериб, янги давлат тизими бўйича Девони бузругдан ташқари, ҳар бир вилоятда Девон деб аталувчи бошқарма тузиб, бу бошқармалар солиқ иғиши, тартиб сақлаш, ижтимоий бинолар — бозорлар, ҳаммоллар, йўллар, сугориш тармоқларига қараб туриш ва аҳолининг хулқий-ахлоқий ҳаракатларини назорат остига олиш каби ишлар билан шугулланган. Ҳар бир Девонда кирим ва чиқимларни ҳисобга олиш, қайд этиш турк-узбек ва форс-тожик тилларида олиб борилган.

Темур тарихчилар тасвирича, Ўрта асрнинг атоқли давлат ва ҳарбий арбобларидан бўлиб, Оврӯпо олимлари ўз асарларида унинг салбий томонлари билан бирга мухим фазилатларини ҳам таъкидлаб ўтганлар. Немис олими Ф. Шлоссер ўзининг «Жаҳон тарихи» (III-том) асарида: «Бахтиёр жангчи, жаҳонгир, узоқ Шарқда қонуншунос бўлиш билан бирга ўзида, Осиёда кам учрайдиган тактик ва стратегик билимларни ифодалади», деб ёзса, атоқли немис олими ва тарихшуноси М. Вебер: «Темур ўз душманларига нисбатан жуда бераҳм эди, лекин саркардалик, давлатни бошқариш ва қонунчилик соҳасида буюк талантта эга эди», деб таърифлайди. Шунингдек, «Тузуки Тимур» — «Темур тузуклари»да ҳам Темурнинг жамиятга, ижтимоий-сиёсий ҳәётта қараashi, бирлашган курдатли феодал давлатнинг сиёсий ва ахлоқий қоидалари ҳақида гап боради.

«Темур тузуклари»да давлат тизими, давлатдаги турли лавозимларнинг вазифаси, ундаги турли тоифалар ва уларга муносабат, давлатни бошқаришга асос бўлган қоидалар, қўшинларнинг тузилиши, тартиби, уни бошқариш, таъминлаш, рағбатлантириш, қўшин турларининг тутган ўрни ва ўзаро муносабати каби масалалар баён этилади. Давлат ишларини ҳар доим ислом ва шариат ҳукмлари асосида олиб борилганилиги бир неча бор таъкидланади. «Салтанатим мартабасини,— деб таъкидлайди Амир Темур,— қонун-қоидалар асосида шундай сақладимки, салтанатим ишларига арадашиб, зиён етказишига ҳеч бир кимсанинг қурби етмасди». Бундан ташқари, асарда жамият ишларидаги одамларнинг 12 тоифага бўлиниши, салтанатни бош-

қаришда 12 қоидага амал қилинганилиги, салтанат 4 қатый қоидага асосланиши каби масалалар ҳам тартиб билан баён этилган («Темур тузуклари»ға қаралсın — М. X.).

Шашарлар ва шаҳар атрофи ахолисидан на жон солиғи ва на бож олинарди. Бирорта ҳам аскарнинг доимий туриш учун шахсий кишилар уйини эгаллашга ёки фуқароларнинг молини ва бойлигини ўзлаштириб олишга ҳаққи йўқ эди. «Барча ишларда, — деган эди Амир Темур, — бу ишлар қайси ўлка халқига тааллуқли бўлмасин, ҳокимларнинг адолат томонида қаттиқ туришларига буйруқ берилган. Қашшоқликни тутатиш мақсадида бошпаналар ташкил қилдимки, камбағаллар улардан нафақа олиб турардилар». Бундан ташқари, Темурнинг солиқлар ҳақидаги қоидаси жуда муҳим аҳамиятта эгадир. Темур ёзади: «Солиқлар йигишида халқни оғир аҳволга солищдан ёки ўлкани қашшоқликка тушириб кўйишидан эҳтиёт бўлиш зарур. Негаки, халқни хонавайрон қилиш давлат ҳазинасининг камбағаллашишига олиб келади, ҳазинанинг бекувватлиги ҳарбий кучларнинг тарқоқданишига, бу эса, ўз навбатида ҳокимиятнинг кучизланишига сабаб бўлади...»

Амир Темур ҳарбий салоҳиятда жаҳонга машҳур саркарда ва ўз замонасининг энг курдатли ҳукмдори бўлиши билан бирга, унинг ҳарбий назарияси ва амалий ҳарбий санъати, тактика ва стратегияси, армия таркибининг тузилиши ўз даврининг нодир мўъжизаси эди. Унинг ҳарбий маҳорати турли йўналишларда — аскарий қисмларни қайта ташкил этишда, душманга ҳужум қилишда турли-туман усуслардан фойдаланишда, ҳужумдан олдин душман жойлашган ерларни обдон ўрганиб чиқишида, ҳам лашкарбоши — кўмон-донлиқда намоён бўлди.

Адабиётларда Темур ҳақида бир-бирига зид фикрлар мавжуд бўлиб келди, лекин Уларнинг кўпларида Темур фаолиятига ўз даври нуқтai назаридан эмас, балки муаллифлар яшаган давр нуқтai назари асосида баҳо берилган.

«Темур тузуклари»ни инглизчадан француз тилига таржима қилиб, 1787 йилда нашр этган француз олими Лянглэ Темур ҳақида шундай ёзади: «Темур ҳон (Темур) сиёсий ва ҳарбий тактика ҳақида рисола ёзган ва ўз авлодларига жуда доно тизим қолдирган. Биз буни тасаввур ҳам қилмаган эдик ва унинг урушларини босқинчлилек ва талонтарож қилиш ҳеб баҳолаб келган эдик. Деярли енгигб бўлмайдиган икки тўсиқ — биздаги таассуб ҳамда тарихий ноҳақлик Темурни билишимизга ва түри баҳолашимиизга халақит бериб келди».

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Амир Темур давлат, жамият ҳаётida бўлиб ўтадиган ҳар бир муҳим режа олдидан кенгаш ўтказар ва бу кенгашга нафақат давлат арбоблари, саркардалар, темурзодаларни, балки сайдиллар, шайхлар, илм-фан арбобларини ҳам так-

лиф этган ва ўзининг ҳар бир юриши олдидан бундай кенгашларни ўтказиб туришин одат тусига киритган.

Амир Темурнинг ободончилик ишлари түгрисида таниқли шарқшунос олим, академик В. В. Бартольд: «Темур гўё Самарқанддан бошқа ҳамма ерда вайронгарчилик билан шуғулланган, деган фикр муболагали: у Кобул водийси ва Муган чўли каби Самарқанддан узоқ бўлган жойларда улкан суғориш ишлари олиб борди», деган тарихий жиҳатдан ғоят қимматли фикрни айтиб утган. Бу фикрга муқояса қилиб, Али Яздийнинг ёзишмасини келтириш мақсадга муво-фикдир. «Бир йил мобайнида,— деб ёзади Ўрта аср тарихчиси Али Яздий,— Бағдод шаҳрини тиклаш ҳақида буйруқ берилди, токи шаҳар яна ўз қиёфасини олсин, унда хунармандчилик ривожлансин, теварак-атрофида дехқончилик ўссин, савдо-сотиқ ва маданий ҳаёт кенг тармоқ ёйсин, ислом билими илгаригидай ёйлсин. Бу вазифа амирзода Абу Бакирга топширилди».

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Мовароуннахрда мўгулларнинг қариб 140 йиллик ҳукмронлик даврида биронта ҳам кузга қўринарли қурилиш ёки сув иншоотлари вужудга келмаган. Амир Темурнинг ташаббуси билан 1365 йилда Қарши, 1370 йилда Самарқанд, 1380 йилда эса Кешнинг атрофи қайтадан мудофаа деворлари билан ўралган. Шунингдек, ҳалқ фаровонлигию, мамлакат ободончилиги йўлида сув омборлари, тўғонлар қуришга, ариқлар қазишга, янги ерларни ўзлаштиришга алоҳида эътибор берилган. Мамлакатнинг иқтисодий аҳволини кўтаришда савдонинг аҳамияти бекиёс эканлигини тушунган ҳукмдор бозорлар, расталар ва тимлар, турли-туман устахоналар барпо этиб, ҳалқ хунармандчилик санъатини тараққий эттирган.

Амир Темур илм-фан, маънавият аҳлига эътибор, меҳрибонлик кўрсатиб, улардан жамият маданий ҳаётида фойдаланишга интилар экан, тарихчи Ибн Арабшоҳ ёзганидек, «Темур олимларга меҳрибон, саййиду шарифларни ўзига яқин тутар эди. Уламо ва фузалога тўла иззат-хурмат кўрсатиб, уларни ҳар қандай одамдан тамом мұқаддам кўради. Уларнинг ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, иззату икромини унга изҳор қиласиди».

Амир Темур саройида кўплаб илм-маърифат алломалари Мавлоно Абдужаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсуддин Мунши, Мавлоно Абдулло Лисон, Мавлоно Бадриддин Аҳмад, Мавлоно Нуъмониддин Хоразмий, Ҳожа Афзал, Мавлоно Алоуддин Коший, Жалол Ҳокийлар Соҳибқироннинг марҳаматидан баҳраманд бўлиб, унинг хизматида булдилар. Амир Темур илм-фанинг риёзиёт, ҳандаса, меъморчилик, фалакиёт, адабиёт, тарих, мусиқа каби соҳалари равнақига катта эътибор бериб, соҳиби хунарлар билан қилган сұхбатлари ҳақида француз олими Лянглэз шундай ёзади: «Темур олимларга серилтифот эди. Билимдонлиги билан бир қаторда соғдиллигини

кўрган кишиларга ишонч билдиради. У тарихчилар, файласуфлар, шунингдек, илм-фан, идора ва бошқа ишларда истеъодли бўлган барча кишилар билан сұхбатлашиш учун кўпинча тахтдан тушиб, уларнинг ёнига келарди. Чунки Темур бу соҳаларга ғамхурлик қилишга асосий эътиборини берарди».

Амир Темур ўзини моҳир дипломат сифатида ҳам намоён қилаолган. Унинг Византия, Венеция, Генуя, Испания, Франция, Англия, бошқача айтганда, уша вақтда кўпроқ маълум ва машҳур бўлган Оврўпо давлатлари билан иқтисодий алоқалар ўрнатиш ва уни мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини француз ва инглиз қиролларининг унга ёзган мактублари билан далиллаш мумкин.

Манбаларда соҳибқирон Амир Темур — ёрқин хислатларга эга эканлиги, хотираси ўткир, шижоатли ва қатъиятли, бирсўзли, зўр руҳий кудрат эгаси, салобатли инсон сифатида таърифланади.

Амир Темурнинг Осиё, умуман жаҳон тарихидаги хизматлари ва тутган ўрни ҳақида холоса қилиб, қуидагиларни таъкидлаб утиш жоиздир: Амир Темур Марказий Осиёни мўгуллар исканжасидан озод этишда барча юртпарвар кучларни ўюштириб, уларни мустақиллик учун курашга йўналтирган етакчи раҳбар, ерли ҳалқнинг бу соҳадаги орзу-умидларини рӯёбга чиқишига улкан хисса кўшган саркардадир; Амир Темур кўп йиллар давомида мустамлака бўлиб, чет эллик ҳукмдорларга бўйсуниб келган Мовароуннаҳр ва Хурросонда ўз юрти, ҳалқининг куч-кудратига таянган мустақил ва ягона давлат барпо этаолди; Амир Темур ҳам ўз даврига хос бўлган турли сабабларга биноан бошқа мамлакатларга юришлар қилди ва Оврўпо мамлакатларининг ривожланишини тезлашишига ўз ҳиссасини қўшди. Россияни Олгин Ўрда зулмидан, Оврўпони Туркия тажаввузидан сақлаб қолди; Амир Темур ўз сиёсатида маданият, ободончилик, ҳунармандчилик ҳомийси бўлиб танилди. Ўз сиёсати билан маданий юксалишига ва туркий тилнинг ривожига кенг йўл очиб, нафакат Марказий Осиёнинг маданий-маънавий оламида, балки бутун мусулмон олами тарихида ўчмас из қолдирди ва сўнгги ривожланишига катта таъсир кўрсатди; Амир Темур қатор Шарқ мамлакатлари ва айниқса, Оврўпо мамлакатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатиб, улар билан турли савдо-сотиқ, маданий алоқаларга янада кенг йўл очиб берди.

Собиқ советлар мафкураси, пролетар дунёкараши ҳукмронлик қилган шароитда Темур фаолиятига нисбатан салбий муносабатда бўлинди, уша давр адабиётларида ҳар доим қораланиб келинди. Лекин мафкуравий тўсик, тақиқлашларга қарамай айrim илмий асарларда Темур ҳақида баъзи тўғри фикрлар ҳам билдирилди.

Бу жиҳатдан Ўзбекистонда 1968 йили академик И. М. Мўминовнинг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган урни ва роли» рисоласининг нашр этилиши мухим воқеа бўлди. Рисола Темур шахси-

га бирёқламали қарашларга қарши ёзилган илмий асар сифатидаги дастлабки уриниш эди. Лекин бу қадам Москвалаги юқори идоралар ва матбуот органлари томонидан қораланди ва асар муаллифи бенихоя азиятлар чекди.

Ўзбекистоннинг мустакилликка эришуви, эски мафкура сикувидан қутулиш, тарихимизга тўғри муносабатда бўлиш имконини яратди. Сўнгти йилларда Амир Темур ва унинг даврини ўрганишга бағишлиланган қатор манбалар, китоблар, жумладан, Бўрибой Аҳмедовнинг Амир Темур ҳақидаги катта роман-хроникаси нашр этилди. Ўзбекистон Президентининг фармони билан 1996 йил — Амир Темур йили деб эълон этилиши ва бу сана жаҳон миқёсида нишонланиши Амир Темур номи оқланиб, ўзбек халқига бутунлай қайтганига ёрқин далилдир.

## БАҲОУДДИН НАҚШБАНД

(1318–1389)

Марказий Осиёда XIV асрда пайдо бўлган яна бир йирик тасаввифий тариқат — «Нақшбандия» тариқатидир. Бу тариқат Ҳожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд номи билан боғлиқdir. Нақшбанд 1318 йилда Бухоро ёнидаги Қасри Ҳиндюён қишлоғида туғилади (сўнгра Ҳазрати Нақшбанд шарофати билан бу қишлоқ «Қасри Орифон» деб атала бошланган). 1354 йилда вафот этган мутасаввуф олим Ҳожа Муҳаммад Бобои Самоси Баҳоуддин Нақшбанднинг Бухоро ёнидаги Қасри Ҳиндюён қишлоғида пайдо бўлишини олдиндан башорат қилган экан. Мазкур мутасаввуф донишманд ёш Баҳоуддинни ўзига ўғил қилиб олади ва ҳар томонлама уни тарбия қиласди. Вафотидан олдин уни ўз шогирди Саййид Мир Кулолга топширади. Шу зайлда ёш Баҳоуддин ўша даврдаги атоқли мутасаввуф Саййид Мир Кулол қарамоғида таълим олган.

Тасаввувнинг машҳур билимдони, атоқли шарқшунос Е. Э. Бертельснинг ёзишича, Нақшбанд таълимотининг асосида ихтиёрий равишдаги факирлик ётади... Шунга биноан, Баҳоуддин Нақшбанд умри бўйи дехқончилик билан кун кечирган, ўз қишлоғида унчалик катта бўлмаган ерига буғдой ва мош экар экан. У уйида ҳеч қандай мол-дунё ва бойлик сақламаган. Қишида қамишлар устида, ёзда эса бўйра устида ётиб кун кечирган. Унинг уйида ҳеч қачон хизматкор ҳам бўлмаган. Ҳазрати Нақшбанд бутун умрини ўз хоҳиши билан факирлик ва йўқсилликда ўтказган. Зоро, бу тариқатнинг асл ақидаси — «Дил ба ёр-у, даст-ба кор» — яъни «доимо кўнглинг Аллоҳда булсин, кўлинг эса ишда», деганғояни илгари суради. У ўз кўл кучи билан кун кўришни ёқтирган, топган-тутганларини — етим-есирларга, бева-бечораларга инъом этган, хукмдорлардан дои-

мо ўзини йироқ тутган, улар олдида ҳеч қачон таъмагирлик қилишамаган.

XIV асрда Марказий Осиёда пайдо бўлган «Нақшбандия» таълимоти Афғонистон орқали Ҳиндистонга ва бошқа ислом юртлари шиддат билан тарқала бошлайди. Нақшбандия таълимоти Темурни мўғуллар истеълосига қарши кураш, мустақил давлат барпо этиунда маданий-маънавий ривожланишни таъминлашга интилишидан темурий даври маданий юксалишида катта ижобий аҳамият қелишини ишлайди.

XV асрнинг кўп олим-фозиллари, давлат арбоблари, санъаткорлари Нақшбандия таълимотидан кенг фойдаландилар, унга ўта ижобий муносабатда бўлдилар. Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483–1530) даврида, ундан кейинги XVI–XVII асрларда бу жараён анча тезлешади. Нақшбандия тариқати XVI асрда Ҳожа Муҳаммад ал-Бокор Кобулий (вафоти 1605) Ҳиндистонга боргандан сўнг Ҳинд тупровида ҳам авж олади. Бу машхур мутасаввуф олим Афғон ва Ҳинд юрларида Ҳожа Бокибило номи билан машҳурдир. Унинг шогирди Ҳоји Аҳмад Форуқ Сирхиндий (1563–1624) эса Нақшбандия таълимотиning XVII асрда Ҳиндистонда ёйилишида катта роль ўйнаган.

Шундай қилиб, бизнинг табаррук юртдошимиз Ҳазрати Баҳоудин Нақшбанд томонидан асосланган Нақшбандия таълимоти Марказий Осиё, Урта ва Яқин Шарқ халқларининг ижтимоий-сиёси маънавий-маданий ҳаётидаги жуда катта ўрин эгаллади. Бу таълимик бошқалар меҳнати билан кун кечиришни, текинхўрликни, ижтимоий зулм-истибдодни қатъяян қоралайди. Бу таълимот тарафдорлаш аскетизмга (таркидунёчилликка) қарши, бой-зодагонларнинг зулм-истибдодига қарши бўлганлар, фақат ўз қўл кучи, пешона тери билан ҳалол меҳнат қилиб кун кечиришга чақирганлар. Нақшбандилар савдо-сотик, дехқончилик, хунармандчилик, бадиий адабиёти мусиқа, илм-маърифат, хаттотлик, наққошлик, миниатюрасозлиги, курувчилик каби барча фойдали ва хайрли юмушлар билан шугулинишга даъват этганлар. Шунинг учун ҳам ўз давридаги илм-маърифатнинг, адабиётнинг йирик намояндлари бўлмиш Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Хушҳолхон Ҳатак, Аҳмад Шоҳ Дурроний, Маҳдумкули Фиродий сингари юзлаб улкан тараққийпарвар инсонпарвар шоирлар ва мутафаккирлар Нақшбандия йўлини ташлабланлар, ҳаётни ва инсонни авжи баланд пардаларда куйлаб, тинмай баракали ижод қилгандар.

Ҳожа Баҳоуддин Нақшбандни Марказий Осиё халқлари жуда юқсак қадрлайдилар. Халқимиз ул Ҳазратга баланд эътиқод қўйиб, «Баҳоуддин – балогардон!» дея беҳад эъзозлайди. Ҳозирги мустақили замонида «Яссавия», «Кубравия», «Нақшбандия» каби ўлкамизда (Туркестонда) вужудга келган тариқатлар энди бизда ҳам ҳар томонлам чуқур урганила бошланди. Ҳожа Аҳмад Яссавий, Шайх Нажмиддин

Кубро ва Хожа Баҳоуддин Нақшбанд сингари мутасаввуф донишманларнинг поклик, түғрилик, меҳр-шафқат, адлу инсоф, имондорлик, меҳнатсеварлик, ватанларварлик каби илғор умумбашарий фикрлари давримизга ҳамоҳанг бўлиб, келажак учун хизмат қилади. 1993 йилда Узбекистонда Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги зур тантаналар билан ўтказилди, унга бағишлиб қатор асарлар нацр этилди, Ҳалқаро илмий конференциялар бўлиб ўтди. Бухородаги Нақшбанд номи билан боғлиқ бўлган ёдгорликлар қайтадан тикланди.

## ШОХРУХ МИРЗО

(1377–1447)

Шоҳрух Мирзо Амир Темурнинг тўртинчи ўғли бўлиб, 1377 йил 20 август, пайшанба куни оламга келган. Тарихчи Ҳондамирнинг берган маълумотига қараганда, Шоҳрухнинг онаси Тағой Туркон оғо Соҳибқироннинг хос канизакларидан бўлиб, Амир Темур кейинчалик уни ўз никоҳига киритган. Шундай бўлса ҳам Шоҳрухни Сарой-мулхоним тарбиялаб вояга етказган.

Шоҳрух Мирзо ёшлигиданоқ аҳкоми шариатга қаттиқ риоя қилиб, диний китобларга қизиқсан. У 20 ёшигача отаси Соҳибқирон қаватида бўлиб, ҳарбий юришларда, жумладан, Фаластин юришида ҳам фаол қатнашган. Амир Темур 1397 йилда унга Ҳурросон, Сеистон ва Мозандарон ҳокимлигини бергач, то 1405 йилгача Ҳурросон ҳукмдори деган ном билан кифояланган.

Фасиҳ Ҳавафийнинг ёзишига қараганда, Шоҳрух Мирзо Ҳиротнинг нуфузли ҳужазодалари раҳнамолигида Ҳурросон ҳокимлигини бошқарган.

Амир Темур вафотидан сўнг, Шоҳрух Мирзо таҳтга даъвогарлар қаторида валиаҳд Пир Муҳаммад Мирзо билан иттифоқ тузиб, Самарқанд ҳукмдори Ҳалил Султонга қарши курашади. 1407 йили Пир Муҳаммад Мирзонинг фожиали ўлимидан сўнг якка ўзи курашни давом эттириб, 1409 йили Ҳалил Султон устидан қўли баланд келиб, таҳтни қўлга киритгач, Мовароуннаҳрни тўнгич ўғли Улуғбек Мирзога, Балхни иккинчи ўғли Султон Иброҳим Мирзога, Ҳисорни марҳум Муҳаммад Султон Мирzonинг ўғли Муҳаммад Жаҳонгир Мирзога, Фарғонани эса марҳум акаси Умаршайх Мирzonинг ўғли Аҳмад Мирзога инъом қилиб, ўзи Ҳиротга қайтиб кетади.

Шоҳрух Мирзо аста-секин ўз акалари Жаҳонгир, Умаршайх ва Мироншоҳларнинг авлодини ҳар хил йўллар билан ўзига тобе қилиб, Мовароуннаҳр, Озарбайжон, Ироқ, Ҳурросон ва Шимолий Афғонистондан иборат катта бир давлат жиловини ўз қўлига киритиб, Ҳиротни ўзининг пойтахти деб эълон қилади ва «улуг хоқон» сифатида салтанатни бошқаришга киришади.

Шохрух Мирзо күп вақтими тоат-ибодат ва китоб мутолаасига сарфларкан, девон ва салтанатни бошқаришда үктам ва тадбиркор хотини Гавҳаршодбегим фаол иштирок этган.

Шохрух Мирзо ихлос ва ниёзмандлик юзасидан дарвешлар ҳамда гушанишинларга илтифотлар қўрсатиб, Ҳиротнинг Жомеъ масжидида жума намозини халойик билан бирга ўқирди. Жума намозларининг бирида (1427 йил 21 феврал) Аҳмад исмли кимса масжид ичидаги Шохрух Мирзога пичоқ санчади. Аҳмад уша заҳоти қатл этилади. Табибларнинг жонбозлиги билан қилинган муолажадан сўнг заҳм битиб, Шохрух Мирзо тузалиб кетади.

Шохрух Мирзо умрининг охиригача ўз үрнига валиаҳд тайинлашга иккиланиб юради.

1446 йили Шохрух Мирзо ўз набираси, Қазвин, Рай ва Кум вилоятлари ҳукмдори Султон Муҳаммадга қарши юриш бошлайди. Чунки Султон Муҳаммад бобоси Шохрух Мирзога қарши бош кутариди, Ҳамадон ва Исфаҳонни босиб олиб, Шерозни қамал қилган эди. Шохрух Мирзо қўшини гарбий Эронда ҳеч қандай қаршиликка учрамайди. Нимагаки, бобосининг келаётганини эшигтан Султон Муҳаммад Шероз қамалини бўшатиб, тоққа қочган эди. Кузғолон айборлари аёвсиз жазоланадилар.

Мазкур ҳарбий юришдан қайтаётгандаги Шохрух бетобланиб, 1447 йили Рай вилоятида, 70 ёшида вафот этади.

Хурросон Шохрух Мирзо даврида сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан анча ривожланди, кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар, работлар, сардобалар, қишлоқ ва қўргонлар қурилиб, мазкур қурилишлар вақф мулклари билан таъминланди. Шохрух Мирзонинг мўтадил ички ва ташкисиёсати Хурросонда тинчликнинг барқарор бўлишига олиб келди. Бу даврда тижорат, ҳунармандчилик, дехқончилик юқори дарражада кўтарила бошлади. Айниқса, ҳунармандчилик, тўқимачилик, меъморчилик, ўймакорлик, хаттотлик, муковасозлик ҳамда қофоз ишлаб чиқаришга катта зътибор берилди. Шунингдек, металлни қайта ишлаш, қурилиш асбоб-ускуналарини тайёрлаш, кулолчилик санъати ўсади. Булардан ташқари заргарлик, каштадўзлик, кандалкорлик, шоҳи ва бошқа хил матолар тўкиб чиқаришга зътибор қучайди. Жумладан, маҳаллий ва хориждан олиб келинган хомашёлардан банорас, атлас каби матолар ишлаб чиқарила бошланди. Шу касбнинг моҳир усталари етишиб чиқди. XIV–XV асрларда Хурросонда кулолчилик санъати сопол буюмлар билан бир қаторда сув иншоотларида, улкан бинолар қурилишида ишлатиладиган сопол қувурлар, хилмажил шакл ва ранглар билан жилолангандаги сопол кошинлар ишлаб чиқариш кенг йўлга қуйилди.

Шохрух Мирзо мамлакат истиқболини кузлаб Хитой ва Ҳиндистон ҳукмдорлари билан дипломатик муносабатларни яхшилашга

ҳаракат қилди. Мазкур мамлакат элчилари Самарқанд ва Ҳиротда, ўз навбатида Фиёсиддин Наққош раҳбарлигига Ҳитойда, Абдураззозқ Самарқандий бошчилигидаги элчилар Ҳиндистонда бўлдилар. Шоҳруҳ Мирзо Ҳирот шаҳар қальясининг жануб томонида (1410–1411) мадраса ва хонақоҳ бино қилдириди. Бу пайтда пойтахт Ҳирот ва умуман Ҳурисонда маданий ва майший курилишлар кенг қулоч ёзади.

Ҳиротда бир неча шифохоналар мавжуд бўлиб, буларнинг қаторида яна иккита «Дорушифи» курилади. Бу шифохоналарнинг биттаси Шоҳруҳнинг учинчи хотини Мулкат оғо (Мулк оғо) тарафидан, иккincinnisi эса Шоҳруҳнинг набираси Алоуддавла (1417–1460) томонидан қурдирилган эди. Мулкат оғо ҳам Гавҳаршодбегим каби Ҳиротда «Дорулҳадис» номли хонақоҳ, иккита ҳаммом, Ҳиротдан 8 фарсах нарида, Амударёга борадиган йўл устида битта работ, Балх шаҳрида бир мадраса қурдириди.

Шоҳруҳ даврида Ҳиротда қурилган энг катта ёдгорликлардан бири малика Гавҳаршодбегим тарафидан қурдирилган улкан мадраса ва мазкур мадраса ёнида қад кўтарган хонақоҳдир. Бу бинолар 1417 йилда бошланиб, 1437 йилда куриб битказилган. Мазкур мадраса ва хонақоҳ ҳозирги кунгача етиб келган бўлиб, хонақоҳга унинг айрим ўтиллари, Гавҳаршодбегим ва бошқа Темурий шаҳзодалар ва маликалар дағи этилган. Шоҳруҳ Мирзо саройида хизмат қилувчи амалдорлар, беклар, саркардалар ўз номларини абадийлаштириш мақсадида бир қатор маданий ва майший бинолар қурдиришган. Чунончи, Ҳиротнинг Хиёбон мавзеида Курбон Шайх, Ферузшоҳ, Чакмоқ Шоҳ, Алайҳ Кукалдош мадрасалари қад ростлаган эди. Бу мадрасаларда диний билимлар билан бир қаторда тилшунослик, адабиёт, тарих, жуғрофия, ҳандаса, риёзиёт, фалакиёт каби илмлар уқитиларди. Булардан ташқари, фалсафа, мантиқ ва мусиқа илми ҳам анча ривожланган эди.

Ҳирот қадим замонлардан турли-туман диний ва илмий китобларга бой шаҳарлардан ҳисобланган. Шоҳруҳ Мирзонинг ўзи ҳам китобга ўч киши бўлиб, ўзининг бой шахсий кутубхонаси, ўғли Бойсунғур Мирzonинг ҳам ажойиб кутубхонаси бўлган. Бу кутубхоналар қимматли асарларга бойлиги ва хилма-хиллиги билан шуҳрат қозонган.

Умуман соҳибқирон Амир Темур вафотидан кейин Мовароуннаҳр ва Ҳурисонда Шоҳруҳ Мирzonинг хукмронлик даврида нисбатан осойишталик хукм сурди. Бинобарин, Амир Темур бошлаб берган иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаёт ўз ривожини топди.

## МИРЗО УЛУГБЕК

(1394–1449)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига биноан 1994 йил Мирзо Улугбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан мамлакатимизда катта тантаналар ва халқаро илмий анжуманлар ўтказилди. Парижда ҳам ЮНЕСКО қарори билан учрашувлар ва конференциялар бўлиб ўтди.

Улугбек 1394 йилнинг март ойида Эроннинг гарбидаги Султония шаҳрида, бобоси Темурнинг ҳарбий юриши пайтида туғилди. У Шоҳрух Мирзонинг тұнғич ўғли бўлиб, унга Муҳаммад Тарагай исми берилган, лекин болалигига дейб у Улугбек деб атала бошлаб, бу исм кейинчалик унинг асосий исми бўлиб қолди.

Улугбекнинг болалик йиллари бобоси Темурнинг ҳарбий юришларидан ўтди. 1405 йил Хитойга қилинаётган юриш бошида Темур вафот этгач, икки йил давомида унинг авлодлари ўртасида таҳт учун кураш давом этди ва бу курашда Темурнинг кеңжа ўғли Шоҳрухнинг қули баланд келди. Лекин Шоҳрух ўзига пойтахт қилиб Ҳиротни таңлаб, Мовароуннаҳр пойтахти Самарқандни эса ўғли Улугбекка топширди. Шундай бўлса ҳам Шоҳрух Эрон ва Тураннинг ягона хоқони деб ҳисобланарди.

Шоҳрух тұнғич ўғли Улугбекни 1411 йили Мовароуннаҳр ва Туркестоннинг ҳокими этиб тайинлади. Улугбек 17 ёшида ҳоким бўлиб, бобосидан фарқли улароқ ҳарбий юришлар билан қизиқмас, купроқ илм-фанга мойил эди. Афсуски, Улугбекнинг бошланғич маълумоти ва мураббий ҳамда устозлари ҳақида аниқ маълумот сақланмаган. Улугбек болалик йилларидан бувиси Сароймұлхоним тарбиясида бўлган. Албатта биз бу аёл ўзининг севимли набирасига ўкув-ёзувни ўргаттани ҳамда тарихий мавзудаги ҳикоя ва зерткларни сўйлаб берганилигини таҳмин қилишимиз мумкин. 1405–1411 йилларда амир Шоҳ Малик ёш мирzonинг отабеги бўлган. Лекин у Улугбекка асосан ҳарбий ва сиёсий тарбия бера олиши мумкин эди.

Улугбекнинг устозларидан бири мунажжим Мавлоно Аҳмад бўлтандигини таҳмин қилиш мумкин, чунки бу киши Темурнинг саройидаги энг йирик олимлардан бўлиб, сайёralарнинг келажак икки юз йиллик тақвимлари жадвалларини туза олган. Лекин Улугбекнинг ўзи кейинчалик асосий асари бўлмиш «Зиж»ида фақат Қозизода Румийни «устозим» деб атайди. Ҳақиқатан ҳам Қозизода 1360 йилларда туғилган бўлиб, 20–25 ёшларida, яъни Улугбек туғилмасданоқ Темурнинг сарфига ўтади. Натижада Улугбек умрининг илк давриданоқ Мавлоно Аҳмад ва Қозизода Румий каби астроном ва математиклар таъсирида улгаяди. Шу сабабли унинг ҳаётида аниқ фанлар муҳим аҳамият касб этади.

Улуғбек йигирма ёшларида ўз даврининг йирик олимларидан бўлиб, унинг ҳокимлиги давридаги муҳим янгиликлар бутун Ўрта аср маданияти тарихида улкан аҳамият касб этди. Улуғбекнинг ходими бўлмиш Фиёсиддин Жамшид Коший 1417 йили Самарқанддан Кошонга отасига ёзган мактубида Улуғбекнинг фаолияти ва билим-донлигини қуйидагича таърифлайди: «Аллоҳга ва унинг неъматла-рига шукроналар бўлсунким, етти иқлиминг фармонбардори, Ис-лом подшоҳи (яъни Улуғбек — А. А.) донишманд кишидирлар. Мен бу нарсани одоб расми юзасидан айтотганим йўқ. Ҳақиқат шуки, аввало у киши Куръони каримнинг аксарият қисмини ёддан биладилар. Тафсирларни ва муфассирларнинг ҳар бир оят ҳақиқати сўзла-рини ақлда сақлайдилар ва ёддан биладилар ва арабчада гоят яхши ёзалилар. Шунингдек, у киши фикрдан анча хабардорлар, мантиқ маъноларининг баёни ва усусларидан ҳам хабардорлар.

У киши риёзиёт фанининг барча тармоқларини мукаммал эгал-лаган ва шундай жиҳдий маҳорат кўрсатганларки, кунлардан бир куни отда кетаётib, 818 йил ражаб ойининг ўнинчи ва ўн бешинчи кунлари орасидаги (мелодий 1415 йил 15–20 сентябр) душанба куни йил мавсумининг қайси кунига муносиб келишини аниқлашни айтадилар. Шунга кўра отда кетаётib, хаёлий ҳисоб билан Кўёшнинг тақвими ўша куни бир даража ва икки дақиқа эканлигини топтилар. Кейин отдан тушгач, ҳисоб тўғрилигини бу бандай бечорадан (Кошийдан — А. А.) сўраб, аниқлаб олдилар.

Ҳақиқатан ҳам, хаёлий ҳисобда кўп миқдорларни ёдда тутмоқ ва бошқа миқдорларни буларга асосланиб топмоқ керак. Лекин инсоннинг ёдлаш қуввати заифdir ва у даража дақиқаларини у қадар аниқ тополмайди. Инсон бино бўлганидан бери шу кунгача ҳали ҳеч кимса бу қадар аниқ ҳисоблай олмаган эди.

Қисқа қилиб айтмоқчиманки, у киши бу фан соҳасида ғоят катта маҳоратга эришганлар, юлдузшуносликка таалуқли амалларни яхши бажарадилар ва чукур далиллар билан худди керагидек исботлайдилар. «Тазкира» ва «Тухфа» дан шу қадар зўр дарс үтадиларки, уларга ҳеч қандай кўшимча қилишнинг ҳожати қолмайди».

Улуғбекнинг илмга қизиқсанлиги ва мамлакатнинг равнақини кўзлаганлиги туфайли янги усолдаги билим юрти — мактаб ва мадрасалар барпо қилишга қарор қилиб, деярли бир вақтнинг ўзида Самарқанд, Бухоро ва Фиждувонда учта мадраса барпо этади.

Самарқанддаги мадраса қурилиши 1417 йили бошланиб, уч йилда ниҳоясига етказилади. Тез орада Улуғбек мадрасага мударрис ва олимларни тўплай бошлайди ва шу тариқа унинг Самарқанддаги астрономик мактаби шаклланади. Бу мактабнинг асосий мударрислари илмий ишларига қулай шароит ва паноҳ излаб Темур даврида ёқ Самарқандга келган Тафтазоний, Мавлоно Аҳмад ва Қозизода Румий каби олимлар эди. Қозизоданинг маслаҳати билан Улуғбек

Хурсоннинг Кошон шаҳридан Фиёсиддин Жамшид Кошийни чақириради. Самарқандга Мовароуннахрнинг турли шаҳарларидан ва Хурсондан тўпланган олимларининг сони, 1417 йилга келиб 100 дан ортиб кетади. Улар орасида адилар, муаррихлар, хаттотлар, расомлар, мөъморлар бор эди. Лекин астрономия ва математика соҳасидаги олимлар шарафлироқ ва обрулироқ эди. Улар орасида Қозизода билан Коший энг салобатли ва нуфузли эдилар.

1420 йили Самарқанд мадрасасининг тантанали очилиши бўлади. Зайниддин Восифий «Бадоиъ ул-вақоиъ» китобида айтишича, биринчи мударрис этиб мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Ҳавафий таъинланади. Мадрасада асосий маъruzаларни Қозизода, Улуғбек, Коший ва кейинроқ Али Кушчи ўқийдилар.

Улуғбек барпо эттан Самарқанд мадрасаси ва илмий тўгараги Шарқ маданияти ва фани тарихида улкан аҳамият касб эти, мамлакат равнақига, шунингдек, күп халқларнинг маданий ривожланишига катта таъсир курсатди. Бу ерда кўплаб буюк сиймолар шаклланди. Жумладан, Хурсоннинг Жом шаҳрида 1414 йили туғилган бўлажак шоир Жомий Улуғбекнинг Самарқанд мадрасасида таҳсил кўрди. Бу ерда у Қозизода, Улуғбек ва Али Кушчи каби улкан олимларнинг маъruzаларини эшитди ва уларнинг тарбиясида бўлди.

Улуғбек атрофида тўпланган Самарқанд олимлари катта аҳамият берган энг муҳим илмий йўналишлардан бири астрономия фани эди. Исломдаги энг аввалги астрономик асрлар «Зиж» деб аталиб, улар асосан жадваллардан иборат бўлган. Улуғбекдан аввал ёзилган энг мукаммал «зиж»лар Берунийнинг «Қонуни Масъудий»си ва Насриддин Тусийнинг 1256 йили ёзилган, Хулашхонга тақдим этган «Зижи Элхоний» асари эди. XV аср бошларида ёзилиб, Шоҳрухга аталган Жамшид Кошийнинг «Зижи Хоқоний» асари асосан хитой ва мўғул анъаналарига асосланган бўлиб, ислом мамлакатлари учун деярли аҳамиятга эга эмас ва илмий жиҳатдан ҳам анча сайёз эди. Мовароуннахрда эса мўғул истилосидан кейин бирорта «зиж» ёзилмаган эди. Ана шу сабабларга кўра Улуғбек энг аввало астрономик изланишларни йўлга кўйиши, бунинг учун расадхона барпо этиши керак эди. Бу ҳақда Абу Тоҳирхўжа бундай хабар қиласиди: «Мадрасага асос солинганидан турт йил кейин Мирзо Улуғбек Қозизода Румий, Мавлоно Фиёсиддин Жамшид ва Мавлоно Муиниддин Кошонийлар билан маслаҳатлашиб, Кўҳак тепалигига Оби Раҳмат ариғининг бўйича расадхона биносини курдиради. Унинг атрофида эса баланд хужралар барпо этади».

Расадхона курилиши 1424 йилдан 1429 йилгача давом этади. Расадхона битиши билан астрономик кузатишлар бошланиб кетади. Расадхона билан мадрасасининг биргаликдаги фаолияти Улуғбек илмий мактабида астрономия ва математикани Ўрта асрлар даврида энг юқори поғонага кутариш имконини берди.

Давлат ишлари билан боғлиқ бўлган юриш-кўчишлар, расадхонадаги кузатишлар ва мадрасадаги дарслар, ундан ташқари илмий ишларга умумий раҳбарлик қилиш ҳам Улугбекнинг кўп вақтини олади. Шунинг учун бўлса керак, бевосита Улугбек номи билан боғлиқ илмий асарлар сони жиҳатдан кўп эмас — улар тўртга.

Улугбек илмий меросининг энг асосийси, маълум ва машҳури унинг «Зиж»и бўлиб, бу асар «Зижи Улугбек», «Зижи жадиди Гурагоний» деб ҳам аталади. «Зиж»дан ташқари унинг математик асари «Бир даражада синусини аниқлаш ҳақида рисола», астрономияга оид «Рисолайи Улугбек» (ягона нусхаси Ҳиндистонда, Алигарҳ университети кутубхонасида сақланади) ва тарихга доир «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») асаридир.

Улугбек «Зиж»и ўз таркибига кўра VIII–IX асрларда бошланган астрономик анъанани давом эттиrsa ҳам илмий даражаси уларга нисбатан бекёёс баланддир. Бу асар икки қисмдан: кенг муқаддима ва 1018 событа юлдузнинг ўрни ва ҳолати аниқлаб берилган жадваллардан иборат бўлиб, муқаддиманинг ўзи мустақил тўрт қисмни ташкил қиласди. Муқаддиманинг бошида Куръондан юлдузлар ва сайёralарга таалуқли оятлар келтирилади. Улугбек бу билан астрономик кузатишларнинг зарурлигини foявий асосламоқчи бўлади. Муқаддиманинг кейинги қисмида Улугбек ушбу сўзларни битган: «Сунг, парвардигор бандаларининг фақири ҳақири, улардан Аллоҳга энг интилевчиси Улугбек ибни Шоҳруҳ ибни Темур Курагон бундай дейди...». Бу сўзлардан кўринадики, «Зиж»нинг муаллифи Улугбекнинг ўзи бўлган. Бироқ бу ишда унга ёрдам берганларни Улугбек куйидаги сўзлар билан одилона тақдирлайди: «Ишнинг бошланиши олимлар алломаси, камолот ва ҳикмат байробини ўрнатган, таҳдил ва таҳқиқ маслакида бўлган Қозизода Румий деб шуҳрат қозонмиш жаноби ҳазрат Мавлоно Салоҳ ал-милла ваддин Мусонинг, унга раҳмат ва ғафронлар бўлсун, ва ҳазрат Мавлонои Аъзам, оламдаги ҳукамоларнинг ифтихори, қадимги билимларда мукаммал, масалалар мушкилотларини ҳал этувчи Мавлоно Фиёс ал-милла ваддин Жамшид, Аллоҳ таоло унинг қабрини салқин қилсун, иккисининг қўллаши ва ёрдамида бўлди...

Аҳвол бошида ҳазрат Мавлоно марҳум Фиёсиддин Жамшид: «Ажи-бу доғи Аллоҳ» чақириғини эшитиб, тоат билан ижобат этди ва бу жаҳон дорулгуурдан у жаҳон дорулсууррга риҳлат этди. Иш асносида, ҳали бу муҳим асар бажарилиб тутатилмасидан, ҳазрат устоз Қозизода, Аллоҳ таоло уни раҳмат қилсан, парвардигор раҳматига пайваста бўлди.

Бироқ фарзанди аржуманд Али ибни Муҳаммад Кушчи болалик йилларидан фанлар соҳасида илфорлаб боради ва унинг тармоқлари билан машғул. Умид ва ишонч комилки, унинг шуҳрати иншооллоҳ,

яқын замон ва тез онларда жағон атрофлари ва мамлакатларга тарқалади. Ба бу мұхим китоб тамомила ёзилиб булди. Юлдузларнинг сифатларидан күзатилган барча нарсалар имтиҳон қилиниб, бу китобга киритилиб сабит этилди».

Бу келтирилган катта парчадан күринадики, Қозизода Улугбек-нинг устози бўлган ва «Зиж»нинг анча қисми унинг иштирокида ёзилган. Бундан яна шу нарса күринадики, Улугбек Самарқанддаги яна бир йирик олим Жамшид Кошийни устоз демайди, балки унинг ёши Румийдан катта бўлгани учун Мавлонойи Аъзам дейиш билан чекланади. Ҳақиқатан ҳам, у киши Самарқандга 1416 йили, яъни Улугбек 22 яшар навқирон йигит ва олим сифатида танилганда келади ва у расадхоналаги күзатишлар бошланиши биланоқ вафот этади. Бироқ фан тарихидан шу нарса маълумки, Коший «Зиж»нинг назарий қисмини араб тилига таржима этган ва ҳозир бу таржиманинг нусхалари мавжуд. Демак, бундан күринадики, Улугбек аввал «Зиж»нинг назарий қисмини ёзган, сўнг жадвал қисми узоқ күзатишлар натижасида тузилган. Коший эса назарий қисм ёзилиши билан уни арабчага афдарган ва жадваллар устида ишлар бошланишида вафот этган.

Яна бир диккатта сазовор нарса, бу Улугбек Али Кушчини «фарзанди аржуманд» дейишидир. Аслида Али Кушчи унинг фарзанди эмас, шогирди бўлиб, илм соҳасида устозига Абдуллатиф ва Абдулазизлардан, яъни ўз фарзандларидан ҳам содиқ ва вафодор эди. Шунинг учун ҳам Улугбек унга ўз ўғлидек қарап эди ва унинг ёрдами билан «Зиж»ни фарзанди аржуманд Али ибн Муҳаммад Кушчи... иттифоқлигида» поёнига етказди.

Энди «Зиж»нинг мазмуни ҳақида тўхталаійлик. Асарнинг биринчи — «Таърих, яъни хронологиянинг маърифати» деб номланган мақоласи (китоби) етти бобдан иборат бўлиб, у эралар ва календар масалалариға бағищланган. Бу бобларда исломда қўлланиладиган асосий эра — ҳижрий эра, сурённий-юноний эра, «жалолий» эра, хитой ва уйғур эраси, форсий-қадимий эра ва бу эраларда келтирилган саналарни биридан бирига мослаштириб кўчириш ҳамда бу эралардаги машҳур кунлар ҳақида баҳс юритилади. Бундан ташқари ушбу мақолада туркӣ мучал йиллари ҳақида ҳам муфассал баён этилади.

Иккинчи — «Вақтлар ва унга тааллуқлик нимарсалар» деб номланган мақола 22 бобдан иборат. У асосан математика ва сферик астрономия масалалариға бағищланган. Иккинчи ва учинчи бобларда ўрта асрлар учун энг аниқ бўлган синуслар ва тангенслар жадваллари келтирилади. Мақоланинг тўртингчи бобида Улугбек эклиптиканинг (фалак ул-бурж) осмон экваторига (муъаддал уннаҳор) оғиш бурчагининг микдорини келтиради. Бу ҳақда у бундай дейди: «Бизнинг күзатишимиизча, энг катта оғиш (яъни эклиптиканинг осмон экваторига оғиши) бурчагини йигирма уч даражада ўттиз дақиқа ўн

етти сония топдик». Улугбек топган бу миқдор ўрта асрлар даври учун анча аниқ эди. Шуни ҳам айтиш керакки, бу бурчакнинг миқдори барча давр астрономлари учун катта аҳамиятга эга эди, чунки ёритичлар ва яшаш жойларининг аниқ координатларини топиш шу бурчак миқдорига боғлиқ эди.

«Зиж»нинг учинчи мақоласи 13 бобдан иборат бўлиб, фақат астрономия масалаларига бағишлиланган. Бунда Күёш, Ой ва беш сайёранинг ҳаракатлари ҳақида баҳс юритилади. Асарда келтирилган жадвалларнинг аксарияти шу мақолага тааллуклидир. Бу жадваллар орасида энг аҳамиятга эга бўлгани 13-бобда келтирилган ва «Тургун юлдузларнинг узунлама ва кенглама бўйича ҳолатларини аниқлаш» деб аталган юлдузлар жадвалидир. Улугбек «Зиж»ининг бошқа «зиж»лардан фарқини қурсатиш учун шу ерда мазкур жадвал бошидаги унинг сўзларини келтирамиз. У айтади: «Птолемейгача бўлган астрономлар бир минг йигирма икки юлдузнинг ҳолатини аниқладилар. Птолемей эса уларни олтита катталик бўйича тартиблаб, ўз «Алмажистий»сида келтирди. Уларнинг энг каттаси — биринчи катталика, энг кичиги эса олтинчи катталиқдадир. Ҳар бир катталикни у уч қисмга ажратди. Уларни бир-биридан фарқ қилиш учун қирқ саккиз юлдуз туркумiga жойлаштириди. Уларнинг йигирма битгаси фалак ул-бурждан (эклиптика) шимолда, ўн иккитаси фалак ул-буржда ва ўн бештаси фалак ул-бурждан жанубда жойлашади. Бу юлдузлардан айримлари шу юлдуз туркумларининг ўзида, айримлари эса туркумдан ташқарида жойлашади. Бу кейингиларни юлдуз туркумларининг ташқи юлдузлари деб ҳисобланади.

Абдураҳмон Сўфий тургун юлдузларни аниқлаш тўғрисида маҳсус китоб ёзган, барча кишилар унга мурожаат қиласидилар ва уни қабул этадилар.

Биз эса юлдузларнинг осмон куррасидаги ҳолатини кузатишимизга қадар улар ҳақида Абдураҳмоннинг китобидагига асосланардик. Бироқ ўзимизда кузатганимиздан кейин баъзи юлдузларнинг ҳолати унинг китобидагига мос келмаслигини кўрдик. Аллоҳ бизнинг кузатишларимизга таовун берганидан сунг, бу юлдузлар ва бошқа юлдузларнинг ҳолатлари Абдураҳмоннинг айтганига зид эканлигининг шоҳиди бўлдик. Биз бу юлдузларни ўз кузатишимизга мос келган ҳолда куррага жойлаштирганимизда эса кузатганимизга хеч зид келмаганлигини кўрдик. Биз бунга имонмиз. Биз барча юлдуз туркумларидаги юлдузларни кузатдик. Лекин бундай йигирма етти юлдуз мустасно, чунки уларнинг жанубий масофаларининг катталиги туфайли улар Самарқандда кўринмасди. Бу Самарқандда кўринмайдиган юлдузлардан еттитаси Мижмар («Курбонгоҳ») юлдуз туркумидан, саккизтаси Сафина («Кема») туркумидан — булар 36-нчи юлдуздан 41-нчигача ва 44,45-юлдузлар; ўн биттаси Кентаврус («Кен-

тавр») туркумидан — булар 27-нчидан охиригача ва яна битта Саби («Хайвон») юлдуз туркумидан — бу 10- нчи юлдуз.

Шу йигирма етти юлдузни биз китобимизга Абдураҳмон Сүфий санаси билан келтирамиз. Қолган саккиз юлдуз ҳақида Абдураҳмон Сүфий ўз китобида уларни Птолемей қўрган ерда ҳеч қандай юлдуз топмаганилигини айтган. Биз ҳам ҳар қанча ҳаракат қилсак-да, ушаш жойларда ҳеч қандай юлдузни топмадик. Шунинг учун биз ҳам у саккиз юлдузни бу китобимизда келтирмаймиз. Бу юлдузлар Мумоик алайнна («Жилов ушловчи»)нинг 14-нчи, Субънинг 11-нчи юлдузи ва Ҳутдан ташқарида, жанубдаги олтита юлдуздир».

Келтирилган парчадан кўринадики, Улуғбекнинг юлдузлар жадвали ўрта асрлар давридаги Энг нодир ва мукаммал жадвал бўлган. Бин парча Улуғбек расадхонасида юлдузлар глобуси ясалган, деган холосаси га ҳам олиб келади.

«Зиж»нинг охирги — «Юлдузларнинг доимий ҳаракати» деб номланган тўртгинчи мақоласи икки бобдан иборат ва у асосан илми нужумга бағишиланган.

Улуғбек «Зиж»и ўрта асрлардаги энг мукаммал астрономик асаф бўлиб, тезда замондошларининг диққатини ўзига жалб этди. Энг аввал бу асар Самарқандда Улуғбек атрофида тўпланган олимлар ижодига таъсир кўрсатди. «Зиж»ни ўрганиш щуни кўрсатадики, у асосан амалий қўлланишга мўлжалланган бўлиб, назарий масалаларни баёни этишини Улуғбек олдига мақсад қилиб қўймаган. Шунинг учун бўлсан керак, «Зиж»ни биринчи бўлиб Самарқанд олимларининг ўзи, хусусан Али Кушчи шарҳлайди. Ундан кейинги шарҳларни Мирам Чалабий ва Ҳусайн Биржандийлар ёзади.

1449 йили Улуғбекнинг фожиали ҳалокатидан сунг Самарқанд олимлари аста-секин Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари бўйлаб тарқалиб кетадилар. Улар ўзлари борган ерларга Самарқанд олимларининг ютуқларини ва «Зиж»нинг нусхаларини ҳам етказадилар. Хусусан Али Кушчи 1473 йили Истамбулга бориб, у ерда расадхона куради. Шу тарика Улуғбек «Зиж»и Туркияда тарқалади ва Туркия орқали Оврўпо мамлакатларига ҳам етиб боради.

Ҳозирги кундаги маълумотларга кўра «Зиж»нинг 100 га яқин форсий нусхаси ва 15 дан ортиқ арабий нусхаси мавжуд. Ўрта асрлардаги ёзилган ҳеч бир астрономик ёки математик асар бунчалик оммавий ве кенг маълум бўлмаган. «Зиж» мусулмон мамлакатларининг деярли барчисида ўрганилган ва шарҳланган. Уни шарҳланган олимлардан қўйидағиларнинг номларини эслатиш мумкин: Шамсиддин Муҳаммад ибн Абул Фатҳ ас-Сўфий ал-Мисрий (ваф. тах. 1495), Абулқодир ибн Рӯёний Лаҳижий (ваф. 1519), Мирам Чалабий (ваф. 1525), Абдулал Биржандий (ваф. 1525), Фиёсiddин Шерозий (ваф. 1542).

Улугбек «Зиж»и айниқса Ҳиндистон олимларига кучли таъсир кўрсатди. Самарқанд олимларининг илмий анъаналарини Ҳиндистонга Бобурнинг ўзи етказган деган маълумот бор. Бобурнинг ворислари ўтмишдаги шоҳларга ухшаб атрофларига олимларни тўплайдилар ва уларнинг илмий изланишларига шароит яратадилар. Ҳинд олимлари кўп тарафдан Самарқанд олимларига тақлил қиласидилар. Масалан, Шоҳ Жаҳон замонида Лаҳор ва Дехлида ишлаган Фаридиддин Масъуд ал-Деҳлавий (ваф. 1629) «Зижи Шоҳ Жаҳоний» номли асар ёзди: ундаги мақола ва бобларнинг сони худди Улугбек «Зиж»идагидек ва жадвалларнинг ҳам кўп қисми Улугбекдан олинган. Йирик ҳинд олими Савой Жай Синг (1686—1743) ҳам ўзининг «Зижи Муҳаммадшоҳий» асарини Улугбек «Зиж»ининг катта таъсири остида ёзган.

«Зиж»нинг Фарбий Оврўпо фанига ҳам таъсири катта бўлди. Умуман олганда Фарбий Оврўпо Темур ва унинг фарзандларини, айниқса Улугбекни XV асрданоқ биларди. Али Кушчининг Истамбулдаги фолияти туфайли Улугбекнинг олимлиги ҳақидаги хабар ҳам Оврўпога тарқалади.

1638 йили Истамбулга инглиз олими ва шарқшуноси, Оксфорд университетининг профессори Жон Гривс (1602—1652) келади. Қайтишида у ўзи билан Улугбек «Зиж»ининг бир нусхасини Англияга олиб кетади. 1648 йили аввал «Зиж»даги 98 юлдузнинг жадвалини чоп этади. Ўша йилнинг ўзида Гривс «Зиж»даги географик жадвалини ҳам нашр этади. 1650 йили эса у «Зиж»нинг биринчи мақолосининг лотинча таржимасини нашр этади. Гривс 1652 йили мазкур охирги икки ишни қайта нашр этади.

Яна бир инглиз олими ва шарқшуноси Томас Ҳайд (1636—1703) «Зиж»даги турғун юлдузлар жадвалини 1665 йили форсча ва лотинчада нашр этади. Шуниси дикқатга сазоворки, Ҳайд Гривснинг ишларидан бутунлай бехабар эди. Демак, «Зиж»нинг нусхалари қандайdir иуллар билан унга ҳам етиб келган.

Ҳайднинг нашридан 15 йил кейин поляк олими Ян Гевелий (1611—1687) Данцигда «Зиж»нинг айрим жадвалларини нашр этади. Бундан кейин XVIII ва XIX асрларда қатор Оврупо олимлари «Зиж»нинг айрим қисмларини нашр этадилар. Француз шарқшуноси Л.А. Седийо (1808—1876) «Зиж»нинг турттала мақолоси олдидағи сўзбошилари ва муқаддимасининг французча таржимасини 1847—1853 йилларда нашр этади. Ва ниҳоят, XX аср бошларida америкалик олим Э. Б. Нобл «Зиж»нинг Англия кутубхоналарида сақланадиган 28 қўлёзмаси асосида юлдузлар жадвалининг инглизча таржимасини нашр этади (Вашингтон, 1917).

Шундай бўлишига қарамай Улугбек «Зиж»и умуман олганда тўлиқ равишда ўрганилмаган ва бирор замонавий тилга тула таржима этилмаган.

1994 йил Улугбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан «Зиджи жадиди Гурагоний»нинг биринчи бор тўлиғича рус тилига таржимаси босиб чиқарилди<sup>1</sup>. Шу йили яна Улугбекнинг «Тарихи арбаъ улус» асари ҳам ўзбек тилида нашр этилди<sup>2</sup>.

## ТАФГАЗОНИЙ

(1322—1392)

Соҳибқирон Амир Темур Марказий Осиё ва унга кўшни бўлган юртларни бирлаштириб, феодал тарқоқликка барҳам бергач, Самарқандга тасарруф этилган барча минтақа ва вилоятлардан машҳур олим ва ҳунармандларни тўплай бошлаган. Унинг мақсади IX—X асрларда бўлгани каби ислом дунёсининг илмий марказлари сифатида танилган Хоразм, Бухоро ва Бағдоддаги «Байт ул-хикма» илмий мактаблари анъаналарини Самарқандда тиклаш бўлган. Пойтахтда Самарқандга келган барча олимларга ижод қилишлари учун барча кулайликлар яратилган. Саройда — Амир Темур хузурида эркин илмий баҳслар бўлиб, голиб чиқсан олим ва шоирлар рағбатлантирилган, синовдан ўтган йирик олимлар янги қурилган мадрасаларга мударрисликка юборилган. Илм-фанга, маърифатга зътибор баландлиги боис ўша замоннинг кўпгина олимлари Самарқандга боришини ўзлари учун шараф деб билишган. Шундайлардан бири Марказий Осиё фалсафий тафаккури тарихида ўчмас из қолдирган файласуф Тафтазонийдир. У 722 ҳижрий (1322) йилнинг сафар ойида ҳозирги Ашкабод шаҳри яқинидаги Нисо музофотидаги Тафтазон қишлоғида туғилган. Ўн олти ёшигача илоҳиёт фанларини, араб тили, нутқ санъати ва мантиқ илмини ўша даврнинг машҳур олимлари ал-Ижий ва мантиқшунос Кутбиддин ар-Розий ат-Тахтонийдан (1290—1365) ўрганаркан, унинг биринчи илмий асари эса Серахс (Эрон) олимлари орасида машҳур бўлиб, шу асари орқали мадраса мударриси хукукини кўлга киригтан. Шу даврдан бошлаб у, қарийб 30 йил давомида Мовароуннаҳр ва Хурросон бўйлаб кўчиб юриб, турли мадрасаларда фалсафа ва мантиқдан дарс берган. Сўнгра Темур даъватига биноан Самарқандга келиб, умрининг охиригача шу шаҳарда ижод этиб, Темур саройидаги кўпсонли илмий баҳсларда фаол қатнашган. Манбаларда қайд этилишича, Самарқандда яшаган машҳур файласуф Мир Саййид Шариф Журжоний ва Тафтазоний ўртасидаги илмий баҳслар жуда кескин ва қизиқарли ўтган.

<sup>1</sup> Мирзо Улугбек Мухаммед Тарагай. Зиджи джадиди Гурагони. Новые Гурагановы астрономические таблицы. Вступительная статья, перевод, комментарии и указатели Б. Ахмедова. Т. Изд. «Фан». Академия Наук Республики Узб. 1994.

<sup>2</sup> Мирзо Улугбек. «Тўрт улус тарихи», Б. Ахмедовнинг кириш сўзи, изоҳлари ва таҳрири остида, форсчадан Б. Ахмедов, Н. Норкулов, М. Ҳасановлар таржимаси.

Тафтазонийнинг ислом фалсафаси, калом, мантиқ, ҳандаса, шерьярият ва араб тили грамматикаси соҳасидаги катта асарлари Мовароуннахр ва Хурросон шаҳарларида кенг тарқалган бўлиб, энг машҳур асари «Таҳзаб ал-мантиқ ва-л-калом» бизгача Жалолиддин Давоний ва Курдистонийларниң шарҳлари орқали, «Мақосид фи илм ал-калом» ёки «Мақосид ат-толибин фи усул ад-дин» («Дин асосларини изловчиларнинг мақсадлари») асари эса муаллифнинг ўз шарҳлари билан биргаликда етиб келган. Тафтазоний 1392 йилнинг 12 августида вафот этган.

Тафтазонийнинг илмий мероси ўрта асрлар фанининг барча соҳаларини ўз ичига олган бўлиб, Куръон тафсиридан бошқа асарлари араб тилида ёзилган. Бу асарлардан XIV–XVI асрнинг иккинчи ярмигача Мовароуннахр ва унинг атрофидаги мадрасаларда ўкув қўлланмаси сифатида фойдаланилган.

Тафтазоний кирқдан ортиқ асар ёзган бўлиб, бизгача «Таҳзаб ал-мантиқ ва-л-калом» («Мантиқ ва каломга сайқал бериш»), «Ас-Сальдия» (XIII аср охири ва XIV аср биринчи ярмида яшаган Котибийнинг мантиққа оид «Аш-Шамсия» рисоласига ёзилган шарх), «Ал-мутаввول» («Кенг талқин»), «Мухтасар ал-маоний» («Кисқача мъюнолар»), «Ал-иршод ал-ҳодий» («Йўл бошловчи раҳбар»), «Ал-мақосид ат-толибин» («Толиби илмларнинг мақсадлари»), «Рисола фи завое ал-мусаллас» («Учбурчакнинг бурчаклари ҳакида рисола») каби асарларидан ташқари ўзидан олдин ўтган мутафаккирлар асарларига ёзган шарҳ ва ҳошиялари етиб келган.

Тафтазоний ўз фалсафий қарашларида табиат ҳодисалари ўртасида сабаб-оқибат муносабатлари мавжудлигига шубҳа қўлмай, борликнинг ана шундай муносабатларини дикқат билан таҳдил этиб, сабаб ва оқибатнинг муайян турларини ажратиб кўрсатади. «Сабаб – бу шундай нарсаки, нарсанинг мавжуд бўлиши унга боғлиқдир. Сабаб ички ва ташқи кўринишларга эга. Агар сабабнинг муайян белгилари оқибатга кўчиб ўтса, унда ички сабаб намоён бўлган бўлади, агарда бунинг акси бўлса, унда ташқи сабаб ўзлигини кўрсатган бўлади».

Тафтазоний ўзининг «Таҳзаб ал-мантиқ ва-л-калом» асаридаги инсоннинг хулқ-атворидаги иродада эркинлиги масаласига кенгроқ тўхтадади. Унинг фикрича, ҳар қандай олижаноблик ва хайрли ишлар ўз табиатига кўра худонинг моҳиятидан келиб чиқади ва у ҳамма нарсанинг холиқи сифатида хайр ва шарофатнинг яратилганлиги сабабдан инсонларни ёмон хулқ-атвордан тийилиб туришга чорлайди. Ёмон хулқлар, гуноҳлар инсонга хос нарсалар бўлмасдан, улар факат кишиларни синаш учун яратилган. Шундай қилиб, унинг фикрича, худо ўз бандаларига икки йўлни «таклиф» этади, яъни шарафли, хайрли фаолият кўрсатишни ёки номатлуб машғулотлар билан гуноҳга ботишини, гуноҳга ботиш эса жазога тортилишни келтириб чиқаради. Мутафаккирнинг таъкидлашича, худо томонидан инсонларга кўпроқ хайрли

ишилар қилиш буюрилған, гайришаръий ишилар инсоннинг ўз иродасига болглиқдир. Шунинг учун худо ёмон хулқ-атворли инсонларни жазолайди. Ёмон хулқ-атворни қоралаш худонинг иродасига қарши бориши эмас, чунки ёмонликнинг ер юзида мавжудлиги инсонларни покликка чорловчи синовдир.

Билиш назариясида Тафтазонийнинг қарашлари ибн Синонидан фарқ қиласы. Ибн Сино нарса, ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни билим деб қабул этган булса, Тафтазоний уларни алоҳида ҳис-түйғува билим ўргасидаги воситавий босқич деб тушунади. Билиш жараёни уч шартни тақозо этади: 1) Ҳис-түйғу органлари ва ашёлар үрасида ўзаро таъсир; 2) Бу омилларнинг инсон руҳи томонидан қабул этилиши; 3) Ақлий билиш.

Ҳис-түйғуни эса ташқи ҳиссиёт деб атаб, ички ҳис-түйғу ҳам ташқи ҳиссиёт асосида пайдо булишилгини таъкидлайди. Нарсалар тұғрисида бирор тушунча ҳосил қилиш ҳис-түйғу үйғоттан қиёфа орқали амалга ошишини күрсатып утади. Ашёлар ва ҳодисалар мавжудлиги туфайли улар үйғоттан ҳис-түйғу шаклларидан билим шаклланади. Чунки ҳиссиёт моддадан, унинг зарурый сифатлари ва алоқалари билан биргаликда ташқи қиёфасинигина қабул қилиб олади. Шу сабабдан мутафаккирнинг фикрича, ҳиссий тасаввурға эга булиш учун модданинг бўлишилги шартдир. Лекин ақлий, мантиқий билиш эса моддий асосдан анча узоклашган бўлиб, ҳиссий билимларга қараганда юқорироқ босқичда ҳосил бўлади.

Тафтазоний фикрича, мантиқ — тафаккурдаги хатоликлардан халос қиласидан восита бўлиб, янги билимлар ҳосил қилиш учун замандир. Мантиқий билиш шакллари тасаввур ва тасдиқдир. Бирор ашё ёки ҳодисани тасаввур этиш ва унинг тұғрисида ҳукм чиқаришда асосий ўринни тил бажаради. Онг ва унинг белгиси нутқ билан бевосита боғланғандир. Бирор ашё ёки ҳодиса белгиси булган сұзлар, бирор-бир мазмун туфайлигина қандайдир маъно касб этади. Тафтазоний фикрича, мантиқ фани мавхум мантиқий онг билан боғланган бўлиб, тушунча ва ҳукмни ифодаловчи сұзлар ва гапларни таҳлил этади.

Ақл куроли орқали ашёларни акс эттирадиган тушунчаларни таърифлаб, Тафтазоний ўз олдига шундай савол кўяди: Тушунчалар қандай келиб чиқади ва шаклланади? Тафтазоний ақлнинг таҳлилий — хулосавий қобилияти (таҳлилот) ва шуурий истеъоди (мағхумот) тушунчалар шаклланиши учун асосий йўл деб ҳисоблайди. Унинг таъкидлашича: «Факат таҳлилот ва мағхумот воситасидагина ашёлар ҳақида муайян тушунчалар ҳосил этиш мумкин».

Тафтазонийнинг илмий мероси Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари ижтимоий-сиёсий тафаккури тарихида муносиб ўрин тутган қадимги юонон файласуф ва мантиқшунослари мактабига мансубдир. Аммо эрамиздан олдинги илмий ютуқлар билан чегараланмасдан, шарқ Ўйғониш даври юксакликларидан туриб уни ривожлантирилганлиги ва янги foялар

билин бойитилганинги диққатта сазовордир. Тафтазоний Темур давридаги Самарқанд илмий мұхитиде ўша замон олимдары билан биргаликда самарали ижод этиб, кейинчалик жақоншумул, ақамғыт касб эттан Улугбек мактабининг вужудга келишига замін ғозирлаган мұтафаккирлардан бири бўлиб тарихда қолди. У ислом фалсафаси бўлган қаломга мантиқий хуносаларни тадбиқ этиб, уни кучайтирди ва илоҳиётнинг ҳам жозибали фан сифатида ривожланишига катта ҳисса қўшиди. Унинг асарларининг илмий қиммати ҳозирда ҳам ўз кучини йўқотганий йўқ. Тафтазонийнинг илмий меросини ўрганиш тафаккуримиз тарихининг зарҳал саҳифаларини бойитиш имконини беради.

## ЖУРЖОНИЙ

(1339—1413)

Соҳибқирон Амир Темур томонидан Самарқанднинг шон-шухратини ошириш ва уни жаҳон илмий марказларидан бирига айлантириш ниятида ўз пойтахтига тўплаган олимларидан бири Мир Сайид Шариф Журжонийдир. 1387 йили Шероз фатҳ этилгандан кейин машҳур кишилар қаторида Журжоний ҳам Самарқандга жўнатилган. Темур вафот этгандан кейингина Шерозга қайтиб, 1413 йилда оламдан куз юмди.

Али ибн Мұхаммад ибн Али Ҳусайн Журжоний Астробод яқинидаги Тогу қишлоғида 740 ҳижрий (1339) йилда туғилган. Ёшлиқ давридан бошлаб барча фанлар қатори фалсафа, мантиқ ва тилга жуда ҳам қизиққан. 1365 йили Журжоний Ҳиротта машҳур файласуф Кутбиддин Мұхаммад ар-Розий ат-Тахтонийдан таълим олиш учун боради. Тахтоний ўзининг қариб қолғанлигини айтиб, Мисрдаги шогирди Муборакшоҳ олдига боришини маслаҳат берган. Лекин Журжоний 1368 йилгача Ҳиротда бўлган. Сўнгра турк файласуфи Мұхаммад Оқсанорийдан таълим олиш учун Корамон шаҳрига жўнаған. Мұхаммад Оқсанорий шухрати ва унинг асарлари Журжонийнинг эътиборини жалб этган бўлиб, у машҳур файласуф ва мантиқшунос бўлиб етишган Оқсанорийнинг шогирди Мұхаммад Мулло Фанорий билан учрашиб, дўст тутинди ва биргаликда 1370 йилда Мисрга жўнашади. Журжоний Қоҳиради 4 йил давомида машҳур мантиқшунос Муборакшоҳ ва Акмалиддин ал-Бобартийлар маъruzalарини тинглаб, ўз савиясини оширгач, 1374 йилда Истамбулда илмий изланишларини давом эттириди. У ердан Ватанига қайтиб, 1387 йилгача Шероз мадрасаларида дарс берди. Сўнг Самарқандда 20 йилдан ортиқ вақт яшади. Самарқандда яшаган даври Журжоний исходида жуда баракали булди. Илму фаннинг барча соҳаларига багишиланган бир қатор рисолалар, ўтмиш мұтафаккирларининг асарларига шарҳлар ёзди.

Журжоний умри давомида 50 дан ортиқ асар ёзиб, бу асарлар фаннинг деярли барча соҳаларини қамраб олган. Аммо Улугбекка бевосита таъсир этгани, шубҳасиз унинг XII—XIII асрларда Хоразмда яшаб

ўтган Маҳмуд ал-Чағминийнинг астрономияга оид асарига ёзган «Шарҳ мулаҳҳас ал-ҳайа» («Астрономияга оид сайланмага шарҳ») ва Насириддин Тусий асарига бағишиланган «Шарҳе тазкиратул Насирият» («Астрономия ҳақида эслатмага шарҳ») асарларидир.

Журжоний билиш назарияси ва мантиққа доир «Ат-таърифот» («Таърифлар»), «Усули мантиқийә» («Мантиқ усули») ва илмий баҳс фанига бағишиланган «Одоб ул-мунозара» («Мунозара олиб бориш нинг қоидалари ҳақида рисола») каби араб тилида ёзилган асарларнинг муаллифи ҳамдир. Бундан ташқари Журжонийнинг форс тилида ёзилган мантиққа оид бир неча асарлари ҳам бизгача етиб келган. Булардан «Сүгрө» («Кичик далил бўла оладиган хукм»), «Кубро» («Катта далил бўла оладиган хукм»), «Авсат дар мантиқ» («Мантиқда ўрта хуласа») ва бошқаларни курсатиб утиш мумкин. Унинг «Шарҳе фароизе Сарожийя» («Мерос бўлиш мажбуриятларининг Сарожий таърифига шарҳ») асари хуқуқшунослик масалаларига бағишиланган булиб, фақиҳ Сажовандий асарларига жавоб тариқасида ёзилган.

Журжоний XIV аср файласуфи Эзиддин Абдураҳмон ал-Ижий (1300—1356)нинг «Мувоқиф фи илм ал-калом» («Калом илмидаги манзиллар») асарига ёзган «Шарҳе мавоқиф фи илм ал-калом» шарҳи унинг замондошлари ва ундан кейинги авлод олимлари учун фалсафа ва мантиқ бўйича ўзига хос комус мақомига эга бўлди.

Шарҳлардан ташқари Журжоний жуда куп фалсафий асарларга ҳошиялар ёзди. Унинг Абу Али ибн Синонинг «Ишорат» («Курсатмалар») асарига ёзган шарҳи, Насириддин Тусийнинг «Тахвид» («Абстракция») асарига шарҳ ёзган шайх Шамсуддин Маҳмуд Исфаҳоний (1294—1349)га жавоб тариқасида ёзилган ҳошияси диккатта сазовордир.

Журжоний дунёқараси, ундан олдин ўтган салафлариникидек, урга асрлардаги бутун фалсафий масалаларни, чунончи, борлиқ ҳақидаги таълимот, коинот жумбоклари, модда ва унинг шакллари, жонсиз ва жонли дунёнинг хусусиятлари, жисмоний ва руҳий муносабатлар, билиш муаммолари, мантиқий фикрлаш таълимоти, тил ва тафаккур алоқалари ва бошқаларни ўз ичига олади. У коинот, инсон ва ақлни қамраб олувчи дунёнинг умумий манзарасини яратишга ҳаракат қилиди. Журжоний ақидасига хос бўлган нарса борлиқ манзарасини босқичмабосқич тартибда тушуниришдан иборат эди. Беш бобдан иборат бўлган «Дунёни акс эттирувчи кузгу» рисоласининг биринчи бобини вожиб ул-вужуд ва мумкин ул-вужуд мавжуд эканлигини асослашга бағишлиди. Журжоний шундай таъриф беради: «Йук булиши мумкин бўлмаган, бор булиши эса зарур бўлган нарса вожиб ул-вужуд деб аталади. Масалан, холиқнинг ўзлиги каби тушунча. Борлиги ҳам, йўқлиги ҳам зарур бўлмаган нарса эса мумкин ул-вужуд деб аталади»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> УЗР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти. Кулёзмалари фонди: «Ойнайе гининамо», 1-саҳифа.

Журжоний фикрича, вожиб ул-вужуд худо бўлиб, мумкин ул-вужуд моддий оламдир. У борлиқнинг биринчи сабаби сифатида вожиб ул-вужудни, яъни худонинг борлигини тан олади. Унингча, мумкин ул-вужуд ўзининг бор бўлиши учун қандайдир тарзда бўлса ҳам, бирор-бир сабабга эҳтиёж сезади. У бирор-бир нарса туфайли, яъни биринчи сабаб кимматига кўра вожиб ул-вужуд даражасига кутарилади.

Журжоний табиатдаги ҳеч бир ҳодиса сабабсиз келиб чиқмайди, деб таъкидлайди. Ҳамма мавжуд ашёлардаги бутун ҳаракат ва ўзгаришлар факат макон ва замондагина рўй беради. Журжоний дунёқарашига хос хусусият, унинг бутун борлиқни бир-бирига қонуний равищда боғланган бўлакчалардан иборат ягона тана сифатида таърифлашдир. Унинг фикрича, моддий дунёни ташкил этган нарсалар асосида тўрт унсур, яъни олов, ҳаво, сув ва тупроқ ётади. Уч унсурдан иборат бошқа жисмлар, яъни металлар, ўсимликлар ва ҳайвонлар эса, юқорида айтилган тўрт унсурнинг бир-бирлари билан қоришишининг ҳосиласи сифатида келиб чиққандир. Торт унсур доимо ҳаракатда экантигидан ўзгарувчан бўлиб, бири иккинчисига айланиб қолиши мумкин. Ҳаво сувга, сув тупроқга ва ҳоказо.

Журжоний фалсафасида моддийлик гояларигина эмас, балки диалектик дунёқараши мавжуд. Унинг фикрича, моддийликдан холи бўлган бўш жой йўқ. Бу ҳақда у шундай ёзади: «Самовий гумбаз буюк доиралир. У барча жисмларни қамраб олган бўлиб, моддий дунёни чегаралаб туради. Аммо у бўшлиқ эмас, чунки уни моддадан ташқарида бўлган тушунча ёки бирор ўлчов билан тушунтириб бўлмайди. Бундан ташқари бир-бири билан ўзаро ёпишиб, айни вақтда бошқа жисм билан ҳам боғланиб турган нарсанинг ўзи бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир атрофдаги дунё, ўзи турган нарсага тегиб туриши зарур ва бир-бирининг кетидан юқоридагицек тартибда жойлашиши лозим, чунки бўшлиқнинг бўлиши мумкин эмас. Мана шундай жисмлар, унсурлар, самоавий доиралар, бутун сайёралар ва моддий бўлакчаларнинг таркибий мажмуаси олам деб эталади»<sup>1</sup>.

Журжоний Марказий Осиё, Яқин ва Ўрга Шарқ мамлакатлари мантиқий меросининг барча оқимларини таҳлил этиб, уларни янада ривожлантириди.

XV–XVI асрлар давомида мантиқ илмини ўрганиш ва ўқитиш ишлари XII асрда ёзилган дарсликларга XIV асрда ёзилган шарҳлар, айниқса, машхур мантиқшунос ат-Тахтоний, унинг шогирди ибн Муборакшоҳ, Тафтазоний, Журжоний томонидан ёзилган шарҳ ва ҳошиялар асосида олиб борилди. Бу даврда араб тилига нисбатан форс тилида кўпроқ асарлар ёзилди. Мантиқ илмининг ҳукуқ, тил ва илоҳиёт соҳасидаги тадқиқотларда ишлатилиш жараёни кўпайди.

<sup>1</sup> Журжоний. Шарҳе мулаккас ал-ҳайа ал-Чагминий. ЎзР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институтидаги 2655-рақамли кўлёзма, 225-а бет (араб тилида).

Журжоний уз ижодида мантиқни фалсафадан ажратмаган ҳолда, унинг күпроқ ҳукуқ ва тил соҳаларида кўлланилишини таъминлади.

Журжонийнинг таъкидлашича, назарий билимлар ҳаётий тажрибада ҳосил қилинган бошлангич билимлар ва улар тўғрисида фикрлаш йўли билан киритилади. Бундай фикрлаш жараёнини у хулоса деб атайди ва унинг уч турини курсатиб утади. Булар: қиёс (силлогизм), эстекро (индукция — булакдан бутунга томон ҳукм юритиш) ва ҳадс (анология — ўхшатиш). Булардан қиёс хуносанинг бош тури ҳисобланиб, назарий билимлар ҳосил қилишнинг асосий воситаси бўлиб майдонга чиқади.

Журжоний тула бўлмаган индукция фақат тахминий мулоҳазагагина олиб келади, деб уйлайди ва унинг курсатишича, биз оловнинг айрим хусусий ҳолатларини кузатсан, ҳар қандай олов иссиқлик чиқаради, деган айрим хусусиятга эга бўлган билимдан, яъни дедуктив (булундан булакка ўтадиган) ҳолатга ўтадиган хулоса келиб чиқиши мумкин<sup>1</sup>. Шу билан бирга унинг таъкидлашича, индуктив йўл билан ҳосил қилинган билимлар ҳамма вақт ҳам ҳақиқатга тўғри келавермайди. Чунки инсон тажрибаси ҳеч вақт тўла мукаммаликни бермайди.

Журжонийнинг индуктив ва дедуктив хуносалар ҳақидаги фикри Арасту ва унинг Шарқдаги издошлари фикрини эслатади. Аммо бу фикрга ноёб хуносалар кўшилиб, такомиллаштирилган.

Журжонийнинг илмий фаолияти туфайли мантиқ Темурнийлар даврида инсон билимларининг барчасига кўлланиладиган қонди ва мезон қонунига айланди. У ҳар бир юритилаётган ҳукмнинг тўғрилигини тортувчи фанларнинг тошу тарозиси сифатида намоён бўлди. Натижада тез орада вужудга келган Улуғбек расадхонасининг илмий тадқиқотларида кенг кўлланилди.

Журжоний Улуғбекни мадрасада бевосита ўқитибгина қолмай, унинг Академиясининг вужудга келишига ҳам катта ҳисса қў shedi. Чунки унинг шогирдлари бу илмий марказнинг негизини ташкил этар эди. Шунинг учун ҳам унинг илмий меросини тўлалигича урганиш мустақил Республикамиз маънавиятига салмоқли ҳисса бўлиб кўшилиши шубҳасизdir.

## ҚОЗИЗОДА РУМИЙ

(XIV аср охири — XV аср боши)

XV аср бошларида Мовароуннаҳрда шуҳрат қозонган улкан математик ва астрономлардан бири Қозизодадир. Олимнинг тулиқ номи Салоҳиддин Мусо ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд.

<sup>1</sup> Каранг: *Mir Саййид Шариф Журжоний*. Ат-таърифот, Истамбул. «Дор-ул тобобате омера», 1818 й., 11-бет.

Қозизода аслида ҳозирги Туркияning шимоли-ғарбидаги Мармарса денгизидан жануброқдаги Бурсада таваллуд топган. Унинг отаси Мұхаммад «Хожа Афанди» лақаби билан маълум бўлиб, Салоҳиддининг болалик йилларида вафот этган. Хожа Афанди анча олим ва комил одам бўлиб, кўп йиллар Бурсанинг қозиси лавозимида хизмат қилиган. Салоҳиддининг туғилган йили аниқ маълум эмас. Туркча манбаларда у ҳижрий 755—765 (мелодий 1354—1364) йиллар орасида туғилган, деб тахмин қилинади.

Қозизода бошлангич маълумотларини Бурсадаги мадрасада олиб, астрономия ва математика билимларини мавлоно Шамсиддин Фанорийдан ўрганади. Лекин у ёшлигидан Мовароуннаҳр ва Ҳурсонда илм-фанинг юқсан даражада эканлигини эшишиб, у ерга кетишга тараддуд кўра бошлайди. Бу ҳақда XX аср бошларида турк тарихчиси Солиҳ Закий бундай ёзди: «Мавлоно Фанорийдан Ҳурсон ва Мовароуннаҳр уламосининг улуми риёзиядаки овози шуҳратини эшига эшита, ишқот икмоли таҳсил учун у жониба гетмакка қарор вермиш». Оила аъзолари бу саёҳатга монелик қилишларидан кўркиб, буни сир тутади. Қозизода XIV аср охирларида бир кун тўсатдан Бурсадан фойиб бўлади. Аввалига у Ҳурсонга бориб, у ерда пойтахт Самарқанднинг шуҳрати ҳақида эшигади ва ўша шаҳар тарафга интилади. Бу орада Амир Темурнинг етти йиллик юриши бошланиб қолади. Қозизода йўлда Темурнинг уламолари қаторига кўшилиб қолиб, улар билан орқага қайтиб, юрища иштирок этади ва шу кетищда ўзининг Бурсадаги устози мулло Фанорийнинг «Анмузажи улум» асарида шарҳ битади. У Ҳурсон ва Мовароуннаҳрга келиб олимлардан таҳсил олиб, билимини камолотга етказади. Ҳусусан у Темурнинг сарой астрономи Мавлоно Аҳмаддан астрономия ва математика фанларидан чукур маълумотлар олади. Амир Темурнинг етти йиллик юриши тугагач, 1404 йил ёзида Салоҳиддин биринчи марга Мовароуннаҳр пойтахти Самарқандга келади. Тез орада Салоҳиддин Мовароуннаҳр ва Ҳурсон олимлари орасида «Қозизода Румий» (Усмонли турклар мулки бўлиб қолган Кичик Осиё, яъни қадимги Рим империяси ерларини Шарқда Рум дейилар эди) номи билан шуҳрат қозонади.

1405 йил бошида юз берган Соҳибқироннинг вафотидан кейинги Мовароуннаҳрда ҳукм сурган нотинчлик Қозизодани Улугбек билан биргаликда Ҳиротта кетишга мажбур қиласи. Бу ерда у бир неча йил давомида бўлажак буюк олимга астрономия ва математика фанларидан сабоқ беради ва унда шу фанларга нисбатан чукур ва сўнмас меҳр уйғотади. Улугбек кейинчалик ўз «Зиж»ида Қозизодани миннатдорчиллик билан «устозим» деб тилга олади.

Улугбекнинг ўзи айтганидек, унинг устози Қозизода Румийдир.

Улугбек Самарқандда 1417—1420 йилларда мадраса таъсис этиб, Қозизодани у ерда раис ул-муаллимин наسابига тайинлайди ва аксарият ҳолларда унинг дарсларида ўзи ҳам иштирок этади. Улугбек мад-

расаси квадрат шаклида булиб, унинг тўрт тарафида дарсхонаси ва ҳар бир дарсхонанинг ўз мударриси бўлган. Қозизода мадрасада дарсга чиққунча дарсхоналарнинг талабалари ўз мударрислари билан чиқиб, уни кутиб турғанлар.

Бир куни қандайdir сабабга кура Улугбек ўша тўрт мударрисдан бирини таъзил этади, яъни койиб ишдан четлатади. Буни эшигтан Қозизода раддия сифатида дарсга чиқмайди ва бу ҳол бир неча кун давом этади. Улугбек бундан огоҳ бўлиб, Қозизоданинг хузурига боради ва унинг сиҳат-саломатлигини кўриб, унинг дарсга чиқмаёттанинг сабабини сўрайди. Шунда Қозизода бундай жавоб беради: «Биз мударрисликнинг ҳеч бир кимсага алоқаси ва муносабати йўқ бир мансаб деб биламиз. Ҳамда мударрислик мансаби таъзил жорий этилмайдиган мансабдир, деб ҳисоблардик. Ҳолбуки энди бу мансаб ҳам султонлик тасарруфида эканлигини кўрдик. Бинобарин биз ҳам энди ўзимизни мударрислик амалидан фориғ этдик».

Улугбек буни эшишиб, ўша мударрисни дарҳол ўз вазифасида тиклайди ва бундан бўён ҳеч бир мударрисни таъзил этмаслиги ҳақида вайда беради. Қозизодадан эса дарсларга яна чиқишини илтимос қиласди.

Қозизода Улугбек мадрасасида мударрислик йилларида «сайид ас-санад» деб тилга олинадиган Сайид Шариф Журжоний номли бир мударрис билан мулоқотда бўлади. Қозизода у киши билан кўп мубоҳиса ва мунозара қиласди. Баъзан шундай бўлардики, бу мубоҳисаларда иккала шахс ҳам бир-бирига нисбатан овозини кўтарар ва тафовут, мухолифотта борарадилар. Шундай ҳолларда Қозизода Сайид Шарифга нисбатан «математик фанларда қудратсиз» деса, Сайид Шариф Қозизодага «таъби математик фанларга мағлуб ва фалсафиётта мансуб» дер эди. Лекин иккиси ҳам бир-бирининг асарларини таҳмир қиласди ва тортишувга сабаб бўлган масалаларни талабалар олдига кўяр эдилар.

Улугбек Жамшид Кошийдан «Зижки Элхоний» ҳақида ва Мароғадаги кузатишлар ҳақида кўп эшишиб, ўзи расадхона барпо этиш ва янгидан астрономик кузатишларни бошлишга ташаббус кўрсатади. Расадхона курилишини Қозизода билан бирга Жамшид Коший бошқаради. Курилиш тугатилиб, кузатишлар бошланиши биланоқ Коший вафот этади. Бундан сўнг ишларга илмий раҳбарлик Қозизоданинг зиммасига юкланди. У ҳам кузатишлар охирига етказилмасдан вафот этади. Энди кузатишларни давом эттириш навбати Али Кушчига келади ва у бу ишда катта жонбозлик кўрсатиб, устози Улугбек билан ишни ниҳоясига етказади.

Қозизода билан Жамшид Кошийлар, шубҳасиз XV аср биринчи ярмида Шарқ ва Фарбнинг энг буюк олимларидан эдилар. Улар иккисининг ўзаро муносабатлари дўстона эди ва улар бир-бирига катта хурмат билан қарар эдилар. Ҳусусан Қозизода Кошийга «биродари аъзам»

деб мурожаат этарди. Қозизода Самарқанддалитида жуда күп шогирдлар етиштирди. Буларнинг аввали ва энг буюги Улугбекдир. Иккинчи шогирди Фатхуллоҳ Шервоний бўлиб, у 1449 йили Улугбек үлдирилишини билан дарҳол Кичик Осиёга кетади ва Кастаному шахрида мударрислик билан шуғулланади. Қозизода Самарқандда уйланиб, бу никоҳдан бўлажак йирик олим Мирам Чалабийнинг отаси Кутбиддин дунёга келади.

Қозизоданинг вафот эттаган йили маълум эмас. Лекин бу воқеа 1426—1436 йиллар орасига тұғри келади, деб тахмин қилинади.

Олимнинг қаламига мансуб асарлар куйидагилардир:

1. «Рисола фи-л-ҳисоб» («Ҳисоб ҳақида рисола»). Арифметикага доир араб тилида ёзилган рисола бўлиб, унда каср ва бутун сонларнинг ўнлик услубларидағи ҳисоби баён этилган. Рисола 1382 йили Бурсада ёзилган. Иккита қўлёзмаси Машҳадда имом Ризо кутубхонасида сакланади.

2. «Шарҳи мулаҳис фи-л-ҳайъа» («Астрономия ҳақида қисқача рисоланинг шарҳи»). Асар Махмуд ибн Мұхаммад ибн Умар ал-Хоразмий ал-Чагминийнинг (XIII аср) «Мулаҳис фи-л-ҳайъа» номли асарига араб тилида ёзилган шарҳидан иборат. Шарҳ ҳижрий 1412 йили Улугбек учун Самарқандда ёзилган. Рисоланинг 150 дан ортиқ қўлёзма нусхалари дунёдаги турли кутубхоналарда сакланади.

3. «Шарҳи ашкол ат-тасъис». Бу рисола XV асрда яшаган математик Шамсиддин Самарқандийнинг «Ашкол ат-тасъис» («Асосланган жумлалар») номли геометрияга доир рисоласига арабчада ёзилган шарҳидир. Бу ҳам 1412 йили Самарқандда Улугбек учун ёзилган. Бу рисоланинг ҳам 70 дан ортиқ қўлёзмалари бўлиб, турли кутубхоналарда мавжудлар.

4. «Рисола ал-жайб» («Синус ҳақида рисола»). Бу рисолада бир дараҗанинг синусини аниқлашнинг янги бир усули баён этилган, араб тилида Самарқандда ёзилган. Унинг икки қўлёзмаси Истамбулда Султон Мұхаммад кутубхонасида сакланади.

5. «Дар баёни истироҳати жайби йак даража» («Бир даражада синусини аниқлаш усулининг баёни ҳақида»). Бу рисола ҳам олдинги рисола мавзусига бағишиланган ва форс тилида Самарқандда ёзилган.

6. «Дастур ал-амал ва тасҳиқ ал-жадвал» («Амал дастури ва жадвалларини тузатиш»). Арабчада ёзилган ва Улугбек «Зиж»идаги бир математик масаланинг шарҳига бағишиланган. Биргина қўлёзмаси Тбилисида сакланади.

7. «Мисоҳа» («Улчаш»). Араб тилида ёзилган, юзаларни ўлчашга бағишиланган рисола. Бир нусхаси Машҳадда Мавлавий кутубхонасида сакланади.

8. «Рисола фи-л-ҳайъа ва-л-ҳандаса» («Астрономия ва геометрия ҳақидағи рисола»). Биргина нусхаси Туркияда, Бурса шахрида сакланади.

9. «Шарҳ ат-Тазкира». Насирилдин Тусийнинг «Ат-Тазкира» номли араб тилидаги рисоласига шарҳ.

10. «Шарҳ Таҳрір ал-Мажистий» араб тилида ёзилган. Астрономияга доир рисола, иккى кулёзмаси Берлин ва Лондонда сакланади.

11. «Рисола фи илм ал-ҳайъа» («Астрономия илми ҳақида рисола»). Биргина кулёзмаси Санкт-Петербургда сакланади.

12. «Рисола фи рубъ ал-мужайаб» («Синус квадрат ҳақида рисола»). Араб тилида. Кўлёзмалари Санкт-Петербург, Машҳад ва Техрон кутубхоналарида сакланади.

13. «Лима қана ҳалла қавни нисба иртифаъ аъзам ал-жибон ила кутири ал-арз қанисба субъ ард шаъира ила зираъ» («Нима учун тоғларнинг энг баландининг Ер диаметрига нисбати арпа донининг бир газга нисбати каби эканлыги қабул қилингани»). Ер ўлчамига бағишлаган араб тилидаги рисола. Биргина кулёзмаси Берлинда сакланади.

14. «Рисола фи самий ал-қиблა» («Қиблा азимути ҳақида рисола»). Кўлёзмаси Бурсада (Туркия) сакланади.

15. «Шарҳ ҳикмат ал-айн». Ал-Қазвинийнинг «Ҳикмат ал-айн» номли рисоласига шарҳ, араб тилида. Кулёзмалари Богчасарой (Крим), Берлин, Душанбе, Қозон, Коҳира ва бошқа кўплаб шаҳарлардаги кутубхоналарда сакланади.

Улуғбек расадхонасининг етук намояндадаридан саналган ва Улуғбекдек буюк олимни тарбияланган Қозизода Румий қолдириб кетган адабий-илмий мерос бугунги авлоднинг олтин мулки ҳисобланади. Лекин шуни ҳам таъкидлаб утиш жоизки, бу олимнинг қатор асарлари ўз тадқиқотчиларини ҳанузгача кутиб ётибди.

## ФИЁСУДДИН АЛ-КОШИЙ

(Вафоти — 1429 йил)

Жамшид ибн Масъуд ибн Маҳмуд Фиёсуддин ал-Коший (купроқ Фиёсуддин ал-Коший исми билан машҳур) — XIV—XV асрда ўз фанининг билимдонлари — риёзиётчилар, табиблар ва хунармандлари билан шухрат қозонган Кошонда туғилган. Унинг бобоси Маҳмуд ибн Яҳъё ибн ал-Ҳасан ал-Коший ҳам ўқимишли булиб, 1411 йилда Шерозда риёзиёт ва астрологияга оид рисола — Искандарнинг (Амир Темурнинг набираси) гороскопини тузган.

Фиёсуддин Кошийнинг таваллуд йили номаълум булса-да, у ёшлик йилларини Кошонда утказиб, риёзиёт ва фалакиёт илмига қизиқиб, қадимги Гречия, Эрон ва Марказий Осиёлик машҳур олимларнинг асарларини таржима қилиб, уларга шарҳлар ёзган. У табобат, мантиқ, ҳукуқщунослик, адабиёт фанини яхши билган. Кейинчилик Коший Ҳиротта келиб, Шоҳруҳ саройида хизмат қилган ва унга атаб «Элхон зиж»ини такомиллаштириш учун «Хоқон Зижи»

(«Зижи Хоқоний дар такмили «Зижи Элхоний») номли астрономик асарини битган. Унинг бу асари ўз давридаги астрономия соҳасидаги энг етук асарлардан ҳисобланган.

Қозизода Румийнинг маслаҳати билан Улуғбек 1416 йили ал-Кошийни Самарқандга таклиф этган ва у ҳаётининг сўнгги Йилларига-ча Самарқандда яшаб, тахминан 1429 йилда вафот этган.

Жамшид Коший XIV—XV асрнинг риёзиёт ва фалакиёт илмининг буюк алломаларидан бири сифатида ажойиб риёзиёт қомуси — «Мифтоҳ ал-ҳисоб» («Ҳисоб қалити») асари билан Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, шунингдек, Марказий Осиёда машҳур эди. Ушбу асарда системали равишда баён этилган ўнли касрлар таълимоти ал-Кошийнинг юқори илмий ютуқларидан бири эди.

Риёзиёт фанида тақрибий ҳисоб усулини ривожлантириш бора-сида ҳам ал-Кошийнинг хизмати каттадир. Ушбу масалага у «Рисола ал-муҳития» («Доира ҳақида рисола»)сини бағишлайди ва бу билан ўрта аср математикаси ривожига муҳим ҳисса қушди. Асарда 17 аниқ ўнли белгига эга «Л» сонининг тақрибий маъноси аслият услуби билан курсатиб берилган.

Мирзо Улуғбек ўзининг «Зижи Кўрагоний» асарининг муқаддимасида Коший мазкур асар устида иш бошлаган илк дафъада вафот этди, деб маълумот беради. Коший араб тилини жуда яхши билган ва Улуғбек «Зиж»ининг муқаддимасини арабчага ўтирган. Бу ҳақда муқаддима сунгтида шундай дейилади: «Мавлоно султон Улуғбек ибн Султон Шоҳруҳ ибн Султон Темур Курагоннинг «Зиж»и тутатилди. У буни Самарқандда кузаттан. Арабчага мавлоно ва алломалар шайхи, аллома Саййид Фиёсуддин Жамшид ўтирилар». Демак, бундан кўринаники, Жамшид Коший Самарқанддаги астрономик кузатишлар тугамасдан олдин қазо қилган бўлса ҳам, «Зиж»ни режалаштириш ва унинг назарий қисмининг тузилиш ишларида иштирок этган ва уни арабийлаштирган. Коший Улуғбекка «Зиж»ни яратиш, расадхона қуриш соҳасида маслаҳатлар берганлиги ва бу ишларда иштирок этганлиги табиий ҳолдир. Чунки Насириддин Тусийнинг «Зижи Элхоний»сини мукаммалаштириб, «Зижи Хоқоний»ни ёзган Кошийга «зиж»ларнинг жумбоқлари аввалдан маълум эди. Покистонлик олим Аббос Ризвий айтганидек, «Кошийнинг астрономия ва астрономик асбобларни, қадимги ва яқин утмишдаги астрономлар, айниқса, Мароға ва Шероз расадхоналари астрономлари ишларининг яхши билганлиги уни нодир бир шахсга айлантирганди».

Коший ҳижрий 814 (1411—1412) йилда ал-Чағминийнинг «Фалакиёт ҳақида қисқартмалар» асарига ва 1413 йилда эса XIII асрнинг иккинчи ярмидаги самарқандлик олим ва фалакиётчи Шамсуддин Муҳаммад Самарқандийнинг «Ашкол ат-тасис фи-л-ҳандаса» («Ҳандаса илмida шакллар асоси») геометрик рисоласига уз шарҳларини тузиб чиққан.

Кошийнинг форс тилида отасига ётган мактубларида Улугбек ва унинг астрономик мактаби ҳақида қимматли маълумотлар учрайди.

Масалан, Кошийнинг 1421 йиллар атрофида Кошонга юборган мактубида Улугбек, Қозизода Румий, Фиёсуддин Кошийнинг ўзи ва Самарқанд мактабининг бошқа олимларининг илмий фаолиятларига оид қизиқарли маълумотлар ҳамда расадхона курилишига доир лавзалиар муфассаллиги билан дикқатга сазовордир.

Фиёсуддин хатида Самарқанд Марказий Осиёning маданий маркази сифатида Кошондан афзаллигини, Улугбекни эса кўзга кўринган давлат арбоби ва ҳукмдоргина эмас, балки йирик олим эканини тасвирлаб ўтади. Муаллифнинг Улугбек ҳақида келтирган ушбу далиллари бошқа тарихий манбаларда учрайдиган Улугбек ҳақидаги маълумотларни, айниқса, унинг етук аллома экантигини анчагина тўлдиради.

Самарқандда 1420 йилда курилган мадраса илм-фаннинг нуфузли маркази бўлиб, унда Улугбекнинг ўзи маърузалар ўқиган. Мактуб ёзилган пайтида Улугбек 26—27 ёшларда бўлган ва ўта қизиқиш билан фалакиёт ва риёзиёт фанлари билан шуғулланган. Коший ўз мактубида Улугбекни фалакиёт соҳасидаги фавқулодда қобилиятини қайд этиб, унинг «Насириддиннинг хотираномалари» («Тазира»)сидан ва «Шоҳ тухфаси» («Тухфа»)дан ўқиган ажойиб маърузаларини эслатиб ўтади. Фиёсуддин Улугбекнинг бекиёс хотираси ҳақида ёзаркан, у офтобнинг узунлигини даражалари ва дақиқаларигача бўлган аникликда ёддан ҳисоблай олишини таъкидлагаб ўтади. У Улугбекнинг мадрасаларда ва саройда ўтказиладиган катта илмий кенгашлардаги баҳсларда фаол иштирок этишини ва шу муносабат билан Улугбекнинг устози Қозизода Румийнинг исмени ҳам тилга олади ва уни энг маърифатли олим деб ажратиб кўрсатади. Фиёсуддин мактубида Улугбекнинг ҳукуқшуносликдаги ажойиб билимларини таъкидлаганки, бу ҳақда шу вакътча фақатгина таҳминлар қилинган, холос.

Бундан шундай хulosаси чиқариш мумкинки, Алоуддин ал-Бухорий 1447 йили Абу Ханифа ан-Нўймон ибн Собит ибн Зутанинг (767 йилда вафот этган) асарига ёзилган «Шарҳ ала-л-Фикҳ ал-акбар» («Буюк Фикҳ»га шарҳ)ини Улугбекка багишланганни бежиз эмас. Мактубдан яна шу нарса маълум бўладики, Абу Райхон Берунийнинг «Конуни Масъудий» Улугбек ва унинг атрофидаги ҳамкорлари — Қозизода Румий, Фиёсуддин Кошийнинг ўзи ва бошқалар учун доим керак бўладиган китоб ҳисобланган. Мазкур маълумотлар Самарқанд мактабининг буюк олим Абу Райхон Беруний илмий мероси билан боғлиқлигидан гувоҳлик беради.

Мактубда расалхона деворига ўрнатилган қуёш соати ҳақида маълумот келтирилади. Ваҳоланки, Улугбек асарларида бундай соат мавжудлиги ҳақида бевосита таъкид йўқ. Демак, Фиёсуддиннинг бу маълумотлари М. Т. Қори-Ниёзийнинг Улугбекка багишланган «Улугбек-

нинг астрономик мактаби» асаридаги шундай соат бўлганлиги ҳақида тахминини тасдиқлайди.

Мактубнинг форсча матни эрон олимни М. Таботабоий (Эрон, 1940), турк олимни Ойдин Сайилий томонидан инглиз ва турк (Анкара, 1960), америкалик олим Э. Кеннеди томонидан инглиз (Рим, 1960), араб олимни Аҳмад Савид Дамардош томонидан араб (Миср, 1963), тоҷик олимлари Ф. Собиров ва Н. Бобоев рус (Душанбе, 1973), шунингдек, Тошкентда рус (1979) ва ўзбек (1996) тилларига таржима қилиниб, нашр этилган. Бундан ташқари, Кошийнинг «Суллам ас-самоват» («Осмонлар нарвони»), «Нузҳат ал-ҳадойик» («Боғлар сайри»), «Рисола ал-ватар алҳ-жайб» («Хорда ва синуслар ҳақида рисола») каби асарлари ҳам бизгача етиб келган ва бу асарлар Мовароуннаҳр илмий-адабий мухитига салмоқли ўрин эгаллаган.

Кошийнинг Ҳирот, айниқса, Самарқанддаги илмий-тадқиқотлари, унинг математика ва астрономия соҳасида эришган ютуқлари Темурийлар даврида Хурсон ва Мовароуннаҳрда маданий ривожланиш ва турли юртлардан келган олимларнинг эркин илмий фаолияти учун кенг имкониятлар яратилганинг янга бир муҳим далилларидир.

## АЛИ КУШЧИ

(Вафоти — 1474 йил)

«Ўз даврининг Батлимуси» деб танилган Али Кушчининг тулиқ номи Алоуддин Али ибн Муҳаммад ал-Кушчи бўлиб, у Самарқандда туғилиб ўсан ва XV асрда илмий фаолият кўрсаттган математик ва астрономлардандир. Унинг туғилиш санаси маълум бўлмаса-да, XIV аср охири ё XV аср бошида туғилган деб тахмин қилинади. У Улугбек саройидаги Муҳаммад исмли овчи қушларга қаровчи бир кишининг ўели бўлиб, шу сабабли унга Кушчи лақаби берилган. У отасидан етим қолганидан сўнг Улугбекнинг тарбиясида булгани боис, Улугбек уни ўз «Зиж»ининг сўзбошисида «фарзанди аржуманд» дейди.

Али Кушчи бошлангич ва шаръий билимларни Самарқанд олимларидан, математик ва астрономик билимларни эса Қозизода Румий билан Улугбекдан олади. Бир маълумоттага кўра, у ёшлигига беруҳсат Самарқанддан ғойиб бўлади-да, Кермонда бироз муддат маҳаллий олимлардан билим ўрганади ва янга Самарқандга, Улугбек хузурига қайтиб келиб, узр сўрайди, Кермонда ёзган ойнинг шаклларига тааллуқди энг биринчи асарини унга тақдим этади.

Улугбек 1424 йили ўзининг машхур расадхонасига асос солади, иш бошланиши биланоқ Ҷамшид Коший, бир неча йилдан сўнг Қозизода Румий ҳам вафот этади. Шунда Улугбек расадхонадаги курилиш ишларига ва астрономик кузатишларга ёш олим Али Кушчини мутасаддий қилиб кўяди.

Али Күшчи умрининг кўп қисмини Самарқандда ўтказади. Фақат 1449 йили Улугбек үлдирилиб, мирзолар ўртасида рўй берган низодан афсусланиб, аста-секин бу ерда илмий ишларни тухтатишга мажбур бўлади, лекин улардан ҳаж сафарига рұксат олишга мұяссар бўларкан, бу ердан Озарбайжонга кетиб, бирор муддат Табризда туради. У ерда уни маҳаллий ҳоким Узун Ҳасан ўз саройига таклиф қилиб, унга нисбатан катта ҳурмат ва эҳтиром изҳор этади. Али Күшчи ҳажни бажо келтирган ё келтирмагани ҳақида маълумотта эга эмасмиз. Лекин у ўз сафарининг пировардида Усмонли султон Абул Вотиҳ Султон Мұхаммад II нинг саройига келади. Султон уни жуда илиқ қабул қилиб, ўзига яқин тутиб, доимий яшаш учун Истамбулда қолишни таклиф этади. Али Күшчи бу таклифни қабул этади ва султоннинг рұксати билан яна Табризга қайтиб бориб, у ерда турган икки юзга яқин қариндош-уруглари ва яқинларини Истамбулга олиб келади. Султон уни жуда зўр дабдаба билан кутиб олади.

Али Күшчи 1472 йил баҳоридан бошлаб кундалик 200 ақча мояна билан Айо Сўфия мадрасасига бош мударрис этиб тайинланади. Унинг қариндошлари ва яқинлари ҳам узларига муносиб вазифаларга тайинланадилар.

Али Күшчининг тугилган йили аниқ бўлмаса ҳам, вафот этган санаси жуда аниқ. Бу сана унинг қизи тарафидан набираси бўлмиш Мирам Чалабийнинг ушбу форсий мисраларида келтирилган:

Раҳнамои илм мавлоно Али Күшчи,  
Чун би-суйи развайи ризвон бирафт:  
Буд зи ҳижрат ҳаштсаду ҳафтоду нўх,  
Рузи шанба ҳафтуми шабон бирафт.

### Маъноси:

Илм-фан раҳнамоси мавлоно Али Күшчи,  
Жаннат гулзори сари юзланган вақт:  
Хижратдин саккиз юз етмиш тўқизинчи йил,  
Шанба куни шабоннинг еттинчи куни.

Бу ерда келтирилган ҳижрий 878-сана, мелодий 1474 йил 17 деқабрига тўғри келади. У Истамбулдаги Абу Айуб Ансорий мақбарасида дафн этилган.

Али Күшчининг илмий асарлари Улугбек «Зиж»дек шуҳрат қозонмаган бўлса ҳам, унинг ижоди фан тарихида ниҳоятда мухим ўрин тутади. У ўрта асрлардаги Мовароуннахрда ривож топган аниқ фанлар соҳасидаги буюк олимларнинг энг сўнгти намояндаси бўлиши билан бирга Усмонли турклардаги биринчи энг йирик ва кўзга кўринган олим бўлган. Ҳозирги замон турк тарихчиларининг эътироф этишича,

Истамбулга Али Күшчи келгунига қадар «илми ҳайъатда у даражасында соҳиб вукуфи мавжуд бўлмаган эди». Истамбулга Али Күшчи келиши билан бу мамлакатда қисқа муддат ичидаги астрономия фани соҳасидаги ишлар йўлга кўйилди ва пировард натижада Мирам Чалабий ва бошқа атоқли зотлар юзага келди.

Лекин у Истамбулда кам вақт бўлгани боис бу ерда йирик ишларни амалга оширишнинг имкони бўлмади. Лекин шу қисқа муддат ҳам ва умуман унинг Истамбулга келишининг ўзи ҳам нафақат Усмонли турк фани тарихида, балки дунё фанида муҳим бир воқеа бўлди. Чунки Усмонли турклар 1453 йили Истамбулни фатҳ этганидан сўнг бирор ўтмай бу шаҳар Шарқ ва Farb маданиятларининг учрашув жойи бўлиб қолди. Маълумки, ўша даврда Оврӯпода Шарқ фани ва маданиятига қизиқиш жуда катта бўлиб, Оврӯпо Шарқнинг илмий ютуқларини чанқоқлик билан ўзига сингдираётган эди. Истамбулга Италия, Германия, Австрия ва Голландиядан рассомлар, муҳандислар, ҳарбий мутахассислардан ташқари астрономия ва математика мутахассислари ҳам тўплланган эди. Ҳусусан, Германиядан ҳисобдон «коссистлар» келган эди. Биринчи бўлиб Самарқанд олимларининг ютуқларидан ана ушалар баҳраманд бўлдилар. Шу тариқа Улугбек ва унинг «Зиж»и ҳақиқидаги хабарлар мелодий XV аср охирида ёк Оврӯпога етди. Бунда эса Али Күшчининг хизмати каттадир.

Али Күшчининг қаламига мансуб асарлар куйидагилардир:

1. «Рисола фи-л-хисоб» («Хисоб ҳақида рисола»). Асар форс тилида 1425 йили Самарқандда ёзилган. У уч қисмдан иборат: ўнлик ҳисоблаш тизими, олтмишлик ҳисоблаш тизими ва ҳандаса.

Али Күшчининг бу рисоласи Ўрта асрларда кенг тарқалган бўлиб, нафақат Мовароуннаҳр олимларининг, балки бутун Яқин ва Ўрта Шарқ олимларининг дикқатини ўзига жалб қилган. Чунончи, ёзилганидан 150 йилча кейин Баҳоуддин Омулий (1547—1621) ўзининг «Холосат ул-хисоб» номли асарини ёзганида ундан фойдаланган. Рисоланинг кўлёзмалари Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида, Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳридаги Фирдавсий номли кутубхонада, Санкт-Петербургда, Русия академияси кутубхонасида, Машҳадда имом Ризо кутубхонасида, Истамбулдаги (Туркия) Айо Сўфия кутубхонасида ва Оксфорд (Англия) университети кутубхонасида сақланади.

2. «Рисолаи қусур» («Касрлар рисоласи»). Бу асар ҳам Самарқандда форс тилида 1426 йили ёзилган. Бу рисоланинг қиммати шундаки, унда Али Күшчи ўнлик касрлар тушунчасини ва ўнлик касрлар ёрдамида иррационал квадрат илдиз чиқариш усулини баён этади. Рисоланинг ягона нусхаси Санкт-Петербургдаги Шарқшунослик институтида сақланади.

3. «Рисола ат-фатҳия» («Фалаба рисоласи»). Асар турк султони Мұхаммад II нинг Йроқ султони Азим устидан фалаба (фатҳ) қилгани

муносабати билан 1473 йили Истамбулда ёзилган ва астрономияга бағишланган. Асарнинг кўлёзмалари Машҳадда имом Ризо кутубхонасида, Истамбулда Айо Суфия кутубхонасида, Техрон университети кутубхонасида, Кембриж университети кутубхонасида, Британия музейида, Берлиндаги Германия давлат кутубхонасида, Дехлидаги Ҳиндистон университети кутубхонасида ва Бомбей кутубхонасида сакланади.

4. «Рисола ал-Мұҳаммадийә фи-л-хисоб» («Хисоб ҳақида»). Асар арабий имлода ёзилган ҳисобга доир энг нодир асарлардан бўлиб, турк сultonни Мұҳаммад II га бағишланган. Унда ўнлик ва олтмишлик ҳисоблаш тизимларидан арифметика, алгебра, геометрия ва тригонометрия масалалари кўрилади. Асарни муаллифнинг ўзи 1472 йили форсийга ўтирган. Рисоланинг муҳим тарафларидан бири шундаки, унда биринчи марта «мусбат» ва «манфий» иборалари ҳозирги биз кўллаётган маънода ишлаллади.

Рисоланинг икки кўлёзмаси Истамбулда Айо Суфия кутубхонасида ва Лейден университети кутубхонасида сакланади.

5. «Рисола фи ҳалла аш-шакл ал-ҳилол» («Ҳилолсимон шаклларни ўлчаш ҳақида рисола»). Араб тилида ёзилган рисола, кўлёзмаси сакланмаган.

6. «Шарҳи Миғтоҳ ал-улуми Тафтазоний» («Тафтазонийнинг «Мифтоҳ ал-улум»ининг шарҳи»). Форс тилида ёзилган рисола. Унга машҳур Қозизода Румий шарҳ ёзган. Биргина кўлёзмаси Машҳаддаги имом Ризо кутубхонасида сакланади.

7. «Рисола дар илми ҳайъат» («Астрономия илми ҳақида рисола»). Асар «Рисола дар фалакиёт», «Рисолайи форсийа дар ҳайъат» ва «Ҳайъати форсий» номлари билан ҳам маътум бўлиб, форс тилида битилган. Рисолада Самарқанд мактаби олимларининг астрономия соҳасида эришган ютуқларидан гувоҳлик берувчи қатор маълумотлар мавжуд. Алии Күшчининг шогирдларидан бири Абулқодир ибн Ҳасан Рӯёний (вафоти 1520) рисола ҳақида бундай дейди: «Мен астрономияга доир кўп асарларни ўргандим, Шамсиддин ал-Коший, Ҳусайншоҳ Самоний, Носири Шерозий ва Алишоҳ Хоразмийларнинг «зиж»ларини синчилаб мутолаа қилдим. Лекин Али Күшчининг рисоларини ўқиганимдан сўнг астрономия соҳасидаги барча англамаган нарсаларим менга аён бўлди».

Бу рисоланинг кўлёзмалари Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик институтининг кўлёзмалар фондида, Санкт-Петербургдаги оммавий кутубхонада, Париж миллий кутубхонасида, Машҳаддаги имом Ризо кутубхонасида, Оксфорд университети кутубхонасида, Британия музейида, Кембриж университети кутубхонасида, Берлинда Германия давлат кутубхонасида ва Истамбулда Айо Суфия кутубхонасида сакланади.

8. «Шарҳи «Зижи Улугбек» («Улугбек «Зиж»ига шарҳ»). Шарҳ ҳам «Зиж»нинг ўзи каби форс тилида ёзилган. Уни аввал Жамшид Коший ва Қозизода Румийлар бошлаган эди. Сўнг шарҳни Али Кушчи Истамбулда якунлади. Бу шарҳнинг кўлёзмалари Техрон университетити кутубхонасида, Лейден университети кутубхонасида, Париж Миллий кутубхонасида ҳамда Санкт-Петербург, Душанбе, Машҳад, Истамбул ва Англиядаги кутубхоналарда сақланади.

9. «Шарҳи рисолаи «Тухфаи шоҳия» («Шоҳий тухфа» рисоласининг шарҳи»). Машхур математик ва астроном Кутбиддин Шерозийнинг (вафоти 1311) рисоласига шарҳ, форсий тилда ёзилган. Кўлёзмалари Айо Сўфия, Оксфорд университети ва бошқа кутубхоналарда сақланади.

10. «Шарҳи рисолаи «Суллам ас-само» («Суллам ас-само» рисоласига шарҳ»). Бунда Али Кушчи ўзининг Самарқанддаги устодларидан бири бўлмиш Жамшид Кошнийнинг «Суллам ас-само» номли астрономик рисоласига шарҳ берган. Кўлёзмалари Фарбий Оврўпо ва Туркия кутубхоналарида сақланади.

11. «Хитойнома». Бу рисолани Али Кушчи 1438 йили Улугбек томонидан Хитойга элчиликка юборилганидан қайтганидан сўнг форс тилида ёзган. У ўзининг шахсий кузатишларига кўра Хитойнинг иқлими, табиити, хитойликларнинг урф-одатларини баён этган. Ундан ташқари бу асарда математика, география билан бирга олам ҳаритаси ҳам келтирилган.

12. «Рисолаи мантиқ» — 1430 йили Самарқандда, форс тилида ёзилган рисола. Ягона қўлёзмаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институтида сақланади.

13. «Шарҳи тажвиди Хожа» («Хожа «Тажвиди»нинг шарҳи»). Асар машхур астроном, математик ва файласуф Хожа Насириддин Тусийнинг (1201—1274) фалсафага доир «Тажвид» номли асарига шарҳдан иборат. Уни бўлажак олим 1417 йили Кермоналигидага ёзган бўлиб, унинг қаламига мансуб илк асар эди.

Асарнинг қўлёзмалари Британия музейида, Машҳаддаги имом Ризо кутубхонасида, Истамбулда Айо Сўфия кутубхонасида, Техрон университети кутубхонасида, Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида ва Санкт-Петербургдаги оммавий кутубхонада сақланади.

14. «Рисола ал-Муфрдийа». Араб тилидаги рисола, мантиқка бағишиланган. Ягона қўлёзма нусхаси Лейден кутубхонасида сақланади.

15. «Маҳбуб ул-ҳамойил фи қашфил масойил» («Масалаларни ҳал қилишининг маҳбуб бўлганлари ҳақида»). Рисола араб тилида ёзилган бўлиб, 20 бобдан иборат. Ҳар бир боб алоҳида фанга бағишиланган. Биргина қўлёзмаси Техрон университети кутубхонасида сақланади.

16. «Рисола мутаъоллиқа би қалимат ат-таҳвид» («Тавҳид қалиматига алоқадор рисола»). Араб тилида ёзилган илоҳиётта доир рисола.

Кўлёзмалари Берлин, Рим ва бошқа шаҳарлардаги кутубхоналарда сакланади.

17. «Рисола татыллақ би куний» («Умумиятга алоқалор рисола») араб тилида ёзилган фалсафий асардир.

18. «Рисола ал-истиорот». Араб тилида ёзилган мантиққа доир рисола. Икки кўлёзмасидан бири Лейден университети кутубхонасида, иккичиси Санкт-Петербург оммавий кутубхонасида сакланади.

19. «Шарҳ ар-рисола ал-Азудийя» («Ал-Азудийя» рисоласига шарҳ). «Ал-Азудийя» рисоласи аслида Иzzиддин ибн Абдураҳим ибн Аҳмад Ижий (вафоти 1335) томонидан араб тилида ёзилган бўлиб, уни Али Күшчи шарҳлаган. У тилшунослика мансубдир. Кўлёзмалари Лейден университети кутубхонасида, Санкт-Петербург оммавий кутубхонасида, Париж Миллий кутубхонасида, ЎзРФА Шарқшунослик институтида, Истамбулда Айо Сўфия кутубхонасида ва Оксфорд университети кутубхонасида сакланади.

20. «Ал-унут ва завахир фи назмил жавоҳир» араб тилида ёзилган мантиқий рисола. Айо Сўфия ва Лейден кутубхонасида икки кўлёзма сакланади.

21. «Рисола ал-мужас фит-тибб» («Тиббиётта мансуб мўъжаз рисола»). Араб тилида. Биргина кўлёзмаси Айо Сўфия кутубхонасида сакланади.

22. «Шарҳ рисола ал-Фикҳ» («Фикҳ ҳақидаги рисоланинг шарҳи»). Бу асар исломдаги тўрт мазҳабдан бири бўлмиш «Имоми Аъзам» мазҳабига асос солган машҳур имом Абу Ханифа Нұймон ибн Собит томонидан ёзилган «Ал-Фикҳ» рисоласига шарҳdir. Асар араб тилида ёзилган ва ислом ҳукуқшунослигига таалтуқлидир. Кўлёзманинг биргина нусхаси Қозон университети кутубхонасида сакланади.

23. «Рисола фи ҳалл ал-мисол ал-ҳандаса» («Геометрияга доир бир масаланинг ечилиши ҳақида рисола»). Араб тилида ёзилган бу асарда муаллиф айланага ўтказилган уринма ҳосил қилган бурчак ҳақида бир теоремани исботлайди.

Али Күшчининг бутун ҳаёти ва ижоди фан йўлида сарфланди. У ўз асарлари билан ва устози Улугбек билан ҳамкорлиги туфайли ўзномини тарих саҳифаларига абадий киритди.

## ЯЪҚУБ ЧАРХИЙ

(Вафоти — 1447 йил)

XV асрнинг биринчи ярмида Мовароунинарда яшаган нақшбандия таълимотининг йирик вакилларидан Хожа Аҳрори Валийнинг устози бўлмиш мавлоно Яъқуб Чархий Фазна (Афғонистон) шаҳрига тобе қишлоқлардан бири ҳисобланган Чархда туғилганлиги учун Чархий таҳаллусини олгандир. Манбаларниң гувоҳлик беришича, у

Ўз давридаги илмларни эгаллагач, кўнглида тасаввуфга нисбатан хоҳиш пайдо бўлиб, Бухорога келади ва Хожа Баҳоуддин Нақшбанд билан учрашади. Бу воқеаларнинг тафсилоти унинг «Рисолаи унсия» («Дўстлик ҳакида рисола») номли китобида баён қилинган.

Бир неча синовлардан сўнг, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд Чархийни шогирдликка қабул қилиб, сўфийлик таълимоти билан танишиди ва уни ўзининг шогирди ва куёви Хожа Алоуддин Атторнинг тарбиясига топширади. Бухорода Яъкуб Чархий тасаввуф соҳасида тез орада маънавий камолот топади ва Чағониёнда фаолият кўрсата бошлайди.

Яъкуб Чархий Нақшбанд кўрсатмасига мувофиқ ҳалқни ҳақ йўлига даъват қила бошлайди. Ўз асарлари ва етиштирган шогирдлари билан шуҳрати ҳар томонга тарқалади. У асосан Мовароуннахрда Улугбек, Хурросонда эса Шоҳруҳ даврларида фаолият кўрсатди. Кейинчалик Нақшбандия таълимотининг XV асрдаги энг йирик намояндаси бўлиб танилган Насириддин Убайдуллоҳ (Хожа Аҳрори Валий) Чархийнинг шон-шуҳратини эшлитиб, у билан учрашишга ошиқади ва пировард-натижада уни пир тутиб, унга шогирд тушади. Бу воқеанинг тафсилоти «Рашаҳот»да баён қилинган.

Чархий XV асрда Темурийлар давридаги тасаввуф, хусусан Нақшбандия таълимотининг йирик вакилларидан бири сифатида ном қозонади. Бу ҳақда турли манбаларда маълумотлар келтирилади. Машхур Абдураҳмон Жомий ўзининг «Нафоҳот ул-унс» китобида Яъкуб Чархий фаолияти ва тасаввуфни тарғиб қилиш соҳасидаги хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтади ва Хожа Аҳрори Валий билан устозтолиб муносабатларини тилга олади.

Мавлоно Яъкуб Чархий ўз устози Хожа Баҳоуддин Нақшбандининг «мендан нимаики сенга еттан бўлса, бошқаларга етказ», деган амрларига фармонбардор бўлиб, ҳозир бўлганларга хитоб (сўзлаш) орқали, ғойибдагиларга китоб орқали етказишга ҳаракат қили.

Мавлоно Яъкуб Чархий Нақшбандия таълимоти, турли диний илмга оид бир қанча асарлар ёзадики, бу ерда уларнинг рўйхатини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

1. «Тафсири Чархий» («Чархийнинг Куръонга қўлган тафсири»).
2. «Рисолаи унсия» («Дўстлик ҳакида рисола»).
3. «Ар-рисолат ул-абдолия» («Абдоллар ҳакида рисола»).
4. «Рисола дар сийрати Мустафавия ва тариқаи мустақимия» («Мустафонинг сийратлари ва тўғри йуллар ҳакида рисола»).
5. «Рисола дар илми фаройиз» («Фарз нарсалар ҳакида рисола»).
6. «Рисола дар ақоид» («Ақоид илми ҳакида рисола»).
7. «Рисола фи-л-ҳисоб ва-л-фаройиз» («Ҳисоб ва мерос тақсими ҳакида рисола»).
8. «Мухтасар дар баёни силсилаи Нақшбандия» («Нақшбандия сулуки ҳакида қисқача рисола»).

9. «Шарҳи асмоуллоҳ» («Аллоҳ исмларининг шарҳи ҳақида рисола»)
10. «Шарҳи нуваду нуҳ ном» («Аллоҳнинг түқсон түққиз исми нинг шарҳи»).

11. «Фаройизи манзума» («Назмий фарз нарсалар ҳақида»).

Чархийни кўпчилик фақат Куръони каримга тафсир ёзган олим сифатидагина таниди. Ҳақиқатан унинг мақбараси пештоқига «тафсирчи олим» деб ёзиб қўйилган. Асрлари рўйхатидан куриниб турғанидек, Чархий Нақшбандия силсиласини баён қилувчи алоҳида рисола ҳам ёзган. Бундан ташқари у «Рисолаи унсия» («Дустлик ҳақида рисола»)ни ёздики, унда Хожа Баҳоуддин билан учрашгани, унинг таълим-тарбияси ва тариқат йўлида буюрган ишларини мукаммал баён қилиб, ўз устозларининг номи ва шуҳратларини ёйишга хизмат қилди. Шунингдек, унинг қаламига мерос ҳақида рисола ҳам мансубдир. Чархий ҳижрий 851, мелодий 1447 йили вафот этган. У Мовароуннаҳ ва Ҳурсонда тасаввуфнинг ҳаётий йўналишларидан булмиш Нақшбандия таълимотининг кенг ёйилиши ва бу билан умумий маданий юксалиш иши йўлида хизмат қилди ва бу йўлда ўз ҳиссасини қўшиди.

## ХОЖА МУҲАММАД ПОРСО

(1348—1420)

Тасаввуф илмининг Нақшбандия мактаби ислом оламига мутасаввуф шайхлар билан бир қаторда етук олимларни ҳам етиштириб берган эди. Ана шундай зотлардан бири Хожа Муҳаммад Порсо ал-Бухорийдир. Унинг исми-шарифидаги «ал-Бухорий» күшимчасига асосланниб айтиш мумкинки, Порсо Бухорода туғилган. У мадрасаларда ўқиб, Куръон, ҳадис, қалом каби турли диний илмларни чукур ўрганиб, замонасининг забардаст кишилардан бири бўлиб етишди ва Баҳоуддин Нақшбанддан сўнг Марказий Осиёда нақшбандия оқими нинг энг йирик вакили ҳамда тарғиботчиси сифатида машҳур бўлди.

Абдураҳмон Жомий ўзининг «Нафоҳот ул-унс» номли асарида кўрсатишича, Муҳаммад Порсонинг тўлиқ исми Муҳаммад бин Махмуд ал-Хофиз ал-Бухорийдир. «Порсо» унинг лақаби бўлиб, бу лақабни унга Баҳоуддин Нақшбанд берган. «Рашаҳот» муаллифи бунинг тафсилотини қуйидагича баён қиласди: «Муҳаммад Порсо кўчада мунтазир ҳолда турардилар. Ногоҳ ичкаридан Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин)-нинг канизаклари чиқиб қолди. Ҳазрати Хожа канизакдан: «Кучада турган ким?» — деб сурадилар. «Бир порсо (диндор) йигит турибди», деди канизак. Ҳазрати Хожа ташқарига чиқиб, Хожа Муҳаммадни кўрдилар ва унга: «Сиз порсо экансиз», дедилар. Шу кундан бошлиб эл орасида у «Порсо» лақаби билан машҳур бўлиб кетди. Хожа Муҳаммад Порсонинг Баҳоуддин Нақшбанд билан бўлган ўзаро муносабатлари шу даврда яшаган Муҳаммад Боқирнинг «Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд» номли асарида мукаммал баён қилинган.

Хожа Мұхаммад Порсо «Тұхфат уз-зоириң» китобида құрсатилишича, Баҳоуддин Нақшбанднинг иккінчи халифаси зди. Баҳоуддин Нақшбанд ўзининг бу шогирдига катта умид билан қараган ва унинг тарбиясини ўз назоратига олган.

«Рашақот»да Хожа Мұхаммад Порсоннинг қуйидаги ҳикояси келтириләди: «Хижоз йұлида Хожай Бузруг (Баҳоуддин) касалға чалиндилаар ва васиятлар қылдилар. Шу аснода дүстлар хузурида бу мажлисга юzlаниб: «Хожагонлар хонадонининг халифаларидан бу заифға нима-ики етган бўлса ва бу йўлда ниманики топган бўлса, бу омонатларнинг барини сенга топширдим. Бу омонатларнинг барини Ҳақ субҳонаху ҳалқига етқиз», дедилар. Ҳижоз сафаридан қайтганимизда эса дүстлар хузурида: «Бизда нимаики бўлса, сен ҳаммасини тўлиқ олдинг», дедилар. Ҳаётларининг охирида эса: «Бизнинг вужудга келишимизнинг сабаби Мұхаммад (Порсо)нинг зуҳури зди», дедилар».

Баҳоуддин Нақшбанд вафоти олдидан Хожа Мұхаммад Порсони ўз ўрнига тайин қылғанлигини унинг яқынларидан бўлган Хожа Али Домод қуйидагича тавсифлайди: «Ҳазрати Хожа Баҳовуддин охирги беморликлари пайтида ҳозирги жасаллари ётган қабрни ковлашга буюрдилар. Қабрни ковлаб бўлиб, уларнинг ҳузурларига келдим. Ўзларидан сунг иршод ишига кимни буюрар эканлар, деган фикр күнглимдан ўтди. Улар тўсатдан менга ўтирилиб: «Хижоз йұлида айтган гапим гапдир, кимки бизни орзу қылса, Хожа Мұхаммад Порсога назар қильсин», дедилар».

Мазкур мисоллар Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирдига нисбатан ҳурмат ва эътиқодининг далилидир.

Хожа Мұхаммад Порсо ўз устози каби мусулмонларнинг ахволи ҳақида қайғуриб, подшоҳлар ишига ҳам араплашиб турган. «Рашақот»да келтирилган бир ҳикоя аввалида Хожа Мұхаммад Порсадаги каромат қувватининг құчлилигидан далолат қилинса, сунг давр уламоларининг ҳамда подшоҳнинг илму фаннинг соф бўлиши борасида қайғурланниклари құрсатилади.

«Рашақот» муаллифи Али Сафийнинг ёзишича, Хожа Мұхаммад Порсо кучли каромат соҳиби бўлса-да, бироқ буни иложи борича яширишга ҳаракат қылган. Аммо, қаттиқ зарурат туғилғандагина уни ошкор қилишга мажбур бўлган. Шундай воқеалардан бирининг тафсилоти қуйидагича:

«Ҳадисчи олимларнинг пешвоси шайх Шамсуддин Мұхаммад ибн Мұхаммад ибн Мұхаммад ал-Жазарий алайҳир раҳмат Мирзо Улугбек замонида Самарқандга келган зди. Баъзи ғаразгүй кишилар: «Ҳазрати Хожа Мұхаммад Порсо Бухорода кўп ҳадисларни нақл қиладилар, уларнинг аснодлари туғри ёки нотуғрилиги ҳеч кимга маълум эмас. Ҳазрати Шайх буни текшириб кўрсалар ёмон бўлмас зди», дедилар.

Ҳазрати Шайх бу ишнинг пайига тушдилар. Мирзо Улугбекни ҳам бунга кўндириб, Бухорога одам юбордилар ва Ҳазрати Хожи (Муҳаммад Порсо)ни Самарқандга келишларини илтимос қилдилар. Шундай қилиб, Шайх Самарқанднинг шайхулисломи бўлган Хожи Исомиддин ҳамда уламоларнинг энг улуғлари билан бирга катта мајлис ташкил қилдилар. Ҳожа Муҳаммад ҳам мајлисга етиб келдилар. Шайх ундан илтимос қилиб, асноди билан биргаликда бир ҳадис айтишини сўрадилар. Ҳожа Муҳаммад айтгач, Шайх: «Бу ҳадиснинг тўғрилигига шубҳа йўқ, бироқ унинг асноди бизга маълум эмас», дедилар. Бу сўздан ҳасадчилар хурсанд бўлиб, бир-бирига кўз қисдилар. Ҳожа Муҳаммад эса бу ҳадиснинг иккинчи аснодини ҳам айтиб бердилар. Шайх яна ўзининг юқоридаги сўзини тақрорлади. Ҳожа Муҳаммад қанча аснод айтса ҳам сўзи бу ерда мақбул бўлмаслигини фаҳмладилар. Сўнг бир лаҳза муроқабага берилдилар, бироз сукутдан кейин Шайхга қараб: «Сиз фалон ҳадис китобини тан оласизми ва ундаги аснодларни мўътабар дер ҳисоблайсизми?» — дедилар. Шайх: «Ҳа, у китоблардаги аснодларнинг ҳаммаси эътиборли ва ишончга лойикдир. Ҳадис фанини таҳқиқ этувчилардан ҳеч ким унга шубҳа қилмайди, агар сиз айтган аснодлар шу китобдан бўлса, у пайтда бизнинг ҳеч қандай эътиrozимиз йўқ», дедилар.

Ҳазрати Ҳожа (Муҳаммад Порсо) Ҳожа Исомиддинга қараб: «Сизнинг кутубхонангизда фалон токчада, фалон китобнинг тагида, фалон рангли ва фалон жилди китоб бор, унда биз айтган аснод фалон варакдан сўнг, фалон саҳифада батафсил келтирилган, илтифот қилиб, ходимларингиздан бир кишини юборсангиз, уни тезда олиб келса», дедилар.

Ҳожа Исомиддин, бу аснод ўша ерда борми-йўқми, деб иккиласиб туради. Мајлисдагилар эса ҳангуман манг бўлиб ўйга толган эдилар. Ҳазрати Хожанинг бу шахсий кутубхонада бўлмаганликлари ҳаммага маълум эди. Шундай қилиб, Ҳожа Исомиддин ўз яқинларидан бирини зудлик билан уйига юбориб, агар айтилган нарсалар ўша ерда бўлса, олиб келишни буюрди. У киши айтилган белгилар бўйича китоб ва аснодни топиб, мајлисга келтирди. Айтилган ҳадис ўша аснодлар билан ўша саҳифада ҳеч бир тафовутсиз мавжуд эди. Буни эшитган мајлис ахлидан ҳайрат овозлари баланд кўтарилиди. Шайх ва бошқа уламолар таажжуб ичida қолдилар. Айниқса, Ҳожа Исомиддининг ҳайрати бошқаларнидан зиёда эди, чунки у бу аснодли китобнинг ўз уйида борлигидан бехабар эди. Бу қиссани эшитган Мирзо Улугбек Ҳазрати Хожани чақирирганидан хижолат бўлди. Ҳазрати Ҳожадан юз берган бу каромат одамлар орасида уларга нисбатан ақидаларини мустаҳкамлади».

«Рашаҳот»да Ҳожа Муҳаммад Порсонинг ўша даврдаги сиёсий воқеаларга ҳам алоқадор бўлгани ҳақида маълумотлар келтирилган. Унинг фаолиятидан Амир Темурнинг фарзанди Муҳаммад Жаҳон-

гирнинг ўғли Халил Мирзо, шунингдек, Ҳурносон шоҳи Шоҳрух яхши хабардор бўлганлар. Порсо Шоҳрух билан турли масалалар бўйича ёзишмалар ҳам олиб борганилиги манбаларда қайд этилган.

Хожа Муҳаммад Порсо нафақат валиудлоҳ, балки ўз даврининг йирик олимларидан эдики, унинг Ўзбекистон ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида қўйидаги асарлари сақланмоқда:

1. «Рисолаи кудсия» («Хода Баҳоуддиннинг кудсий калималари ҳақида рисола»).
2. «АЗ анфози кудсияни машойиҳи тариқат» («Тариқат машойиҳларининг кудсий калималаридан»).
3. «Эътиқодот» («Эътиқод ҳақида рисола»).
4. «Таҳқиқот» («Гасаввүф истилоҳлари ҳақида рисола»).
5. «Тафсири Куръон» («Куръон тафсири»).
6. «Ал-ҳадис ул-арбайуна» («Кирқ ҳадис»).
7. «Рисола дар одоби мурид» («Мурид одоблари ҳақида рисола»).
8. «Рисолаи каффија» («Кароматлар ҳақида рисола»).
9. «Рисолаи маҳбубия» («Дўстлик ҳақида рисола»).
10. «Шарҳи «Фикҳи Кайдоний» («Фикҳи Кайдоний» асарининг шарҳи»).
11. «Фасл ул-хитоб би-вусули-аҳбоб» («Дўстлар висолига етишишда оқ ила қорани ажратувчи китоб»).
12. «Мухтасари таърихи Макка» («Макка шахрининг қисқача таърихи»).
13. «Фусули сыйта» («Олти фасл»).
14. «Мактуби Хожа Муҳаммад Порсо ва Мавлоно Зайнуддин» («Хожа Муҳаммад Порсонинг Мавлоно Зайнуддинга мактуби»).
15. «Мақомоти Хожа Алоуддин Аттор» («Алоуддин Аттор мақомоти»).
16. «Мақомати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд» («Хожа Баҳоуддин Нақшбанд мақомоти»).
17. «Муқаддима ли-жомиъ ул-калим» («Жомиъ ул-калим» китобига муқаддима»).
18. «Ҳафтоду ду фирмә» («Етмиш икки фирмә»).

Институтда Хожа Муҳаммад Порсонинг кўли теккан ва ўз муҳрини босган бошқа бир муаллифнинг асари ҳам сақланмоқдаки, буларнинг барчаси унинг етук олим бўлиши билан бирга, ўзининг шахсий кутубхонасига ҳам эга эканлигини кўрсатади.

Хожа Муҳаммад Порсо икки марта ҳаж сафарини адо этган. Дастрраб Баҳоуддин Нақшбанд билан, кейин 1419 йили Бухородан Термиз, Балх ва Ҳирот орқали Нишопурга, ундан эса Мадинага кириб боради. Ҳаж зиёратини амалга оширгач, касалга чалиниб, 72 ёшида вафот этади. Амир ул-мъминин Аббос мақбараси ёнига дағн этилади. Шайх Зайнуддин ал-Ҳавофий Мисрдан тарошланган оқ тош келтириб, унинг қабрига кўяди.

Мұхаммад Порсонинг «Рисолаи құдсия» асари Хожа Баҳоуддин Нәқшбанднинг құдсий калималарини шарҳлашга багишланған. Бұл калималар Баҳоуддин Нәқшбанднинг ўз оғзидан әшитилган бўлиб, Мұхаммад Порсо уларни жамлаб юрган. Бу ҳақда унинг ўзи шундай дейди: «Бу сўзлар (уларнинг) муборак оғизларидан чиққан сўзлардан бир томчисигина бўлиб, бу заиф банда... бу құдсий калималардан баъзиларини садоқат ва иродат юзасидан табаррукона ва иршод сифатида қаламга олиб юрарди». Мұхаммад Порсо ўзининг бу асарыда улугвор устозининг құдсий калимларини көлтирибгина қолмай, уларни шарҳлаб ҳам беради. Асар Баҳоуддин Нәқшбанд ҳаёти, унинг хизматлари ва маънавий оламини очиб бериш ҳамда Нәқшбандия сулукининг асослари ҳақида чукур маълумотларни ўз ичига олиши билан ниҳоятда қимматлидир.

Порсонинг шариат ва тариқат масалаларига багишланған ва унга катта шуҳрат көлтирган асари «Фасл ун-хитоб би-вусули-л-аҳбоб» («Дүстлар висолига етишда оқ ила қорани ажратувчи китоб») номли асаридир. Катта ҳажмға эга бўлган бу китоб ислом уламолари орасида кўлланма сифатида фойдаланилган. Асар бир неча марта чоп этилган.

Ўтмишда шариат, тариқат ва фирмалар тўғрисида қандайдир баҳс туғилиб қолса, албатта «Фасл ул-хитоб»га мурожаат қилиб, Порсонинг фикрини хужжат сифатида кўрганлар ва унга суюнганлар. Мазкур асарнинг мундарижаси билан танишиб чиқишининг ўзи асарда муҳим масалалар көнг ёритилганингидан гувоҳ беради. Асар 494 та масалага багишланған бўлиб, бу масалаларнинг ҳаммаси исломда баҳсли хисобланған ва Порсо бу масалаларни турли асарларга суюнган ҳолда очиб берган.

Умуман олганда, Хожа Мұхаммад Порсо Марказий Осиё ҳалқлари маънавиятида, ислом ва тасаввуф тарихида чукур из қолдирган алломадир.

## ХОЖА АҲРОР

(1404—1490)

Ҳазрат Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор — Марказий Осиё ҳалқларининг XV аср иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий, маданий ва тафаккур ривожида муҳим ўрин тутган. Нәқшбандия тариқатининг назарий, амалий жиҳатларини бойитиб, бу таълимотнинг машҳур бўлишига ҳисса кўшган тарихий шаҳсdir. У ҳижрий 806 йил рамазон ойида (1404 йил, март) Шош — Тошкент вилояти музофотларидан Богистонда дунёга келган. Отаси Хожа Маҳмуд ва бувалари маърифатли кишилардан бўлиб, дәхқончилик ва тиҳорат билан шуғулланған. Она тарафидан Хожа Аҳрор машҳур Шайх Хованди Тахурга бориб уланади.

Хожа Аҳрор бошланғич маълумотни Тошкент мадрасаларida олиб, ёшлиқ чоғлариданоқ муқаддас жойларни зиёрат қилишга мойиллик

кўрсатади ва 23—24 ёшларда тоғаси, замонасиининг билимдон кишиларидан бўлган Хожа Ахрор уни Самарқандда ўқитиши мақсад қилиб қўяди. Хожа Ахрор кўпроқ тасаввуф илмига қизиқади. Шу мақсадда Ҳиротга келиб, 1428—1431 йиллар орасида Шайх Баҳоуддин Умар, Шайх Зайниддин Ҳавофий каби таниқди мутасаввуф билимдонлари сұҳбатида бўлади. Сунг Чагониённинг Ҳулғату мавзенида истиқомат қилувчи Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирди бўлган Яъқуб Чархий (вафоти 1447)га қўл бериб, ундан Нақшбандия тариқати асосларини ўрганади. 1431—1432 йиллар орасида Хожа Ахрор Тошкентта қайтиб, Нақшбандия тариқатининг Йирик арбоби Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг давомчиси сифатида танилиб, айни вақтда деҳқончилик ва тижорат ишлари билан машғул бўлади.

Манбаларда кўрсатилишича, Хожа Ахрорнинг ҳўжалик фаолияти тез орада жуда кенг ривож топади. Чунончи, «Рашаҳот» асари муаллифи Фахрииддин Али Хожа Ахрор ерлари Тошкент вилоятидан то Амударё соҳиблари гача бўлган ҳудудда 1300 дан ортиқ экинзорларни ташкил этганини эслатади. Шуниси эътиборга сазоворки, тадқиқот ишларида аникланишича, майдо мулкчилар солиқлардан кутулмоқ учун ўз ерларини Хожа Ахрор иктиёрига ўтказишган. Хожа Ахрорнинг ҳукмдор олдиғаги нуфузи шариатда белгиланғандан (ушр, мол, закот) ташқари фавқулодда солиқларни меҳнаткашлар гарданига юқлашдан уларни ҳимоя этган. Хожа Ахрор ерларининг кўпайиб боришига шу омил ҳам бир сабаб бўлган, холос. Деҳқончилик, чорвачиликдан ташқари Хожа Ахрорнинг шаҳарларда ҳам хунармандчилик расталари, устахоналари бўлган ва булардан ҳам катта даромад келиб турган.

Савдо-сотиқ масалаларида Хожа Ахрор нафақат Мовароуннахр ҳудудида, балки Ҳурросон, Ҳиндистонга ҳам молларни юбориб, савдо қилган. Шуни ҳам айтиб ўтмоқ лозимдирки, Хожа Ахрор ўз ҳўжалик фаолиятидан олган даромаднинг кўпгина қисмини аҳоли бошига тушган оғир солиқларни тўлаш, диний ва маданий курилишларни амалга ошириш каби ишларга сарфланган. Чунончи, Умаршайх Мирзо Тошкент аҳолисидан 250 000 динор ҳажмида солиқ талаб қилганида Хожа Ахрор бу маблагнинг ҳаммасини ўзи тўлаб, яна 70 000 динорни ҳам солиқ йиғувчиларга топширган. Шунингдек, Хожа Ахрор томонидан Самарқандда, Тошкентда ва Кобулда ҳам мадрасалар қурдирилганлиги манбалардан маълум.

Нақшбандия тариқатининг асосий тоғаси: меҳнат билан машғул бўлиш ва айни вақтда дил Аллоҳ билан бўлмоғи лозимлиги Хожа Ахрор томонидан эътироф этилгани ва амалда кўлланилгани унинг ўз сўзидан равшандир. «Ҳазрат Абдулхолик Ғиждувоний буюрмишларки,— дейди у Али Сафийнинг «Рашаҳот» асарида келтирилишича,— ҳалқнинг оғирини енгил қўлмоқ даркор, аммо бунга ҳалол касб билангина эришилади. «Қўл иш билан, дил ёр (Аллоҳ) билан» шиори Хожагон тариқатида муқаррардир».

учун «Навоий альбоми» деб ҳам аталади (УзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди, рақам 2178). Унда Хожа Ахрорнинг 128 дона руқъалари мавжуд. Улар Самарқанддан Ҳиротга — Ҳусайн Бойқарога ва аксари, Алишер Навоийга ёзилган. Бу ҳақда «Насоим ул-муҳаббат» асаридаги Навоийнинг уз сўзлари тасдиқлайди: «...Аларнинг бу ҳақири ила илтифотлари куп бор учун вахий осор руқъалари билан мушарраф қилиб, ишларга маъмур қитулар эрдилар, ул руқъаларни муракқа ясаб, жазвал ва такаллуфот била асрармен». Мазмун жиҳатдан руқъаларни уч туркумга бўлиб шарҳлаш мумкин: Биринчиси — бу Мовароуннаҳр ва Ҳурисонда ҳукмронлик қилган Темурий ҳукмдорлар, чунончи, Бадаҳшон ҳокими Султон Маҳмуд (1459—1494), Мовароуннаҳр ҳокими Султон Аҳмад (1468—1493) ҳамда Султон Ҳусайн Бойқаролар орасидаги сиёсий, ҳудудий муносабатларга доир хатлар. Уларда Хожа Ахрор Темурий шаҳзодалар олдига ўзаро низоларни тинчлик йўли билан ҳал этиш, урушлар туфайли аҳолининг жону молига зарар етказмаслик каби талабларни куяди ва буни амалга оширишни Навоийдан илтимос қиласди.

Иккинчи тур хатларда эса, Хожа Ахрор шариат қонун-қоидаларини мустаҳкамлаш ва бу орқали мамлакатда адолат ўрнатиш, мусулмонлар, яъни оддий раиятга жабру зулм ўтказишидан золимлар қўлини кутоҳ қилиш каби фикрларни ифодалайди, баъзан эса адолатсизликка учраган бирор жабрдийданинг аниқ номини айтиб, ёрдам курсатишни сурайди.

Учинчи туркум хатларга келсак, улар Хожа Ахрор ва унинг яқин мурилларининг Ҳурисон ҳудудида олиб борган хусусий ҳужалик ҳамда савдо-сотиқ ишларига ва шулар билан боғлиқ солиқлар масаласига оидdir. Бу хатларда Хожа Ахрор ўз даврининг йирик ер-сув, молмулк эгаси сифатида гавдаланади, ўзининг ва яқин кишиларининг манбаатлари Ҳурисонда ҳам ҳимоя қилинишига интилади. Аммо, айтиб ўтиш лозимки, бу турдаги хатлар орасида ҳам баъзан оддий адолатталаб кишилар ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган илтимослар учраб туради.

Маълумки, XV аср Темурийлар давлатида — Мовароуннаҳр ва Ҳурисонда иқтисодий, маданий, илм-фан соҳаларида юксалиш даври бўлган. Шу билан бирга Темурийлар давлатининг инқизорзи ҳам ана шу асрга туғри келиб, ўзаро таҳт учун курашлар натижасида оддий ҳалқ аҳволи оғирлаша борган. Шариат томонидан белгилangan ушр, мол ва закотлардан ташқари ҳар хил вақтларда турли муносабатлар билан олинадиган олиқ-солиқлар сони 30 га яқин ададни ташкил этар эди. Улардан баъзилари (тамғо, ёргу) мўғуллар ҳукмронлиги даврида жорий этилган бўлиб, баъзи вақтларда ҳали ҳам кулланиб келарди. Ана шундай бир шароитда Хожа Ахрор мусулмонлар бошидан жабр-зулмни даф этмоқ учун дин ва шариатни дастур қилган ҳолда султонларга мурожаат қилмоқ лозимлигини Нақшбандия тариқатининг вазифаларидан деб уқтиради. Хожа Ахрор сарой

учун «Навоий альбоми» деб ҳам аталади (ЎзР ФА Шарқшунослик институти кўлёзмалар фонди, рақам 2178). Унда Хожа Ахрорнинг 128 дона руқъалари мавжуд. Улар Самарқанддан Ҳиротта — Ҳусайн Бойқарога ва аксари, Алишер Навоийга ёзилган. Бу ҳақда «Насоим ул-мухаббат» асаридаги Навоийнинг ўз сўзлари тасдиқлайди: «...Аларнинг бу ҳақир ила илтифотлари кўп бор учун ваҳий осор руқъалари билан мушарраф қилиб, ишларга маъмур қилур эрдилар, ул руқъаларни муракқа ясад, жазвал ва тақаллуфот била асрармен». Мазмун жиҳатдан руқъаларни уч туркумга бўлиб шарҳлаш мумкин: Биринчи — бу Мовароуннаҳр ва Ҳурисонда ҳукмронлик қилган Темурий ҳукмдорлар, чунончи, Бадаҳшон ҳокими Султон Маҳмуд (1459—1494), Мовароуннаҳр ҳокими Султон Аҳмад (1468—1493) ҳамда Султон Ҳусайн Бойқаролар орасидаги сиёсий, ҳудудий муносабатларга доир ҳатлар. Уларда Хожа Ахрор Темурий шаҳзодалар олдига ўзаро низоларни тинчлик йўли билан ҳал этиш, урушлар туфайли аҳолининг жону молига зарап етказмаслик каби талабларни қўяди ва буни амалга оширишни Навоийдан илтимос қиласди.

Иккинчи тур ҳатларда эса, Хожа Ахрор шариат қонун-қоидаларини мустаҳкамлаш ва бу орқали мамлакатда адолат ўрнатиш, мусулмонлар, яъни оддий раиятга жабру зулм ўтказишдан золимлар қўлини кўтоҳ қилиш каби фикрларни ифодалайди, баъзан эса адолатсизликка учраган бирор жабрдийданинг аниқ номини айтиб, ёрдам кўрсатишни сўрайди.

Учинчи туркум ҳатларга келсак, улар Хожа Ахрор ва унинг яқин муридларининг Ҳурисон ҳудудида олиб борган хусусий ҳўжалик ҳамда савдо-сотик ишларига ва шулар билан боғлиқ солиқлар масаласига оиддир. Бу ҳатларда Хожа Ахрор ўз даврининг йирик ер-сув, мол-мулк эгаси сифатида гавдаланади, ўзининг ва яқин кишиларининг манбаатлари Ҳурисонда ҳам ҳимоя қилинишига интилади. Аммо, айтиб ўтиш лозимки, бу турдаги ҳатлар орасида ҳам баъзан оддий адолатталаб кишилар ҳукуқини ҳимоя қилишга қаратилган илтимослар учраб туради.

Маълумки, XV аср Темурийлар давлатида — Мовароуннаҳр ва Ҳурисонда иқтисодий, маданий, илм-фан соҳаларида юксалиш даври бўлган. Шу билан бирга Темурийлар давлатининг инқизорзи ҳам ана шу асрга тўғри келиб, ўзаро таҳт учун курашлар натижасида оддий ҳалқ ахволи оғирлаша борган. Шариат томонидан белгиланган ушр, мол ва закотлардан ташқари ҳар хил вақтларда турли муносабатлар билан олинадиган олиқ-солиқлар сони 30 га яқин адалини ташкил этар эди. Улардан баъзилари (тамро, ёргу) мўғуллар ҳукмронлиги даврида жорий этилган бўлиб, баъзи вақтларда ҳали ҳам кулланиб келарди. Ана шундай бир шароитда Хожа Ахрор мусулмонлар бошидан жабр-зулмни даф этмоқ учун дин ва шариатни дастур қиласган ҳолда султонларга мурожаат қилмоқ лозимлигини Нақшбандия тариқатининг вазифаларидан деб уқтиради. Хожа Ахрор сарой

хизматидан воз кечмоқчи бўлган Алишер Навоийга хат ёзил, айтади: «...Эшитишимча, онҳазрат, яъни султонга мулозамат қилишда гоҳо маломат чекар экансиз. Илтимос шуки, мусулмонларга мадаи етказмоқ ва бирор факирнинг дили мушкулликдан халос топиб, шоъ бўлмоғи учун хотири шарифнингизни сарой хизматидан узманг... Бирор киши ҳам мусулмонлар ғамини ейишни ўйламай қўйган бу вақтда уларга ғамхўрлик қилиш — энг хайрли ишдир!..»

Собиқ советлар даврида Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳақида бир қанча тадқиқотлар ёзилтиб, унинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётдаги фаолияти ёритилган бўлса-да, ҳукмрон мафкура нуқтаи назаридан салбий баҳоланаарди. Кейинги тадқиқотларда (А. Н. Болдирев), айниқسا, Марказий Осиё республикалари истикъололга эришгандан сўнг (Б. Валихўжаев, А. Муҳаммадхўжаев ва бошқалар) Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор шахсияти ва фаолиятига янгича, ҳар тарафлама ёндошиб, унинг жамият тараққиётида туттан ўрни ҳаққоний равишда ёритилмоқда.

## САККОКИЙ

(XIV аср охири — XV аср ўртаси)

Ўзбек мумтоз адабиётида ёрқин из қолдирган, бетакрор газаллар ва қасидалар яратган етук истеъодд эгаси, лирик шоирлардан бири Саккокийдир.

Саккокийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида бизгача жуда кам маълумот етиб келган. Унинг таржимаи ҳоли тўғрисида ўзининг девони ва Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» ва «Хутбаи давовин» асаларидан бэъзи бир маълумотларни билиб олишимиз мумкин. Бундан ташқари, шоир Яқинийнинг «Ўқ ва ёй» асарида Саккокий турк (ўзбек) шоирларининг мұжтаҳили (ғайратлиси) деб таърифланishi, унинг ўз замонасининг забардаст шоирларидан бири эканлигини билдиради. Саккокий мовароониҳарлик бўлиб, у Темурийлар салтанатининг пойтахти Самарқандда умргузаронлик қилиб ишод этган.

Саккокий — шоирнинг таҳаллуси, унинг асл исми маълум эмас. «Саккок» (пичоқчи) сўзидан, шоир хунарманд оиласда туғилган деган фикрни таҳмин қилиш мумкин. Саккокий XIV асрнинг иккинчи ярмида ёки XIV асрнинг охирги чорагида туғилганини эса ҳискрый 810 (1407—1408) йилда Амир Темурнинг набираси Халил Султонга бағишилаган қасидасидаги:

Тарихда саккиз юз доги ўн эрдюю қадр аҳшоми,  
Бир ой тугулди дунёда ким мамалакатда хои эрур —

мисрасидан таҳминан билиб олиш мумкин. Чунки шоир бу қасидасини анча ижодий тажрибага эга бўлгандан кейин, таҳминан, 30 ёшларида ёзган бўлиши керак.

Саккокий ижодининг гуллаган даври Улугбек хукмронлик қилган даврларга (1409—1449) тўғри келади. Тарихдан маълумки, буюк мунахжим ва етук давлат арбоби Мирзо Улугбек маърифатпарвар подшоҳ бўлиш билан бирга илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлининг ҳомийси ҳам эди. Ана шу фикрдан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, Саккокий Улугбекдан паноҳ топган алломалар сирасига кириб, унинг ижодий фаолияти одил подшоҳ билан боғликдир. Саккокий ўз ҳомийсига атаб қасида битади, Улугбекни кўкларга кўтариб мақтайди, унинг душманларига қарши ўз сўзлари билан зарба беради. Шоир Улугбекка баҳо берар экан, шундай маърифатпарвар подшоҳ билан замондош бўлганидан фахр ҳиссини туяди ва:

Фалак йиллар керак сайд этсао келтиrsa илкига,  
Менингдек шоири турку сенингдек шоҳи донони,—

деган мисраларни ёзади.

Саккокий ўз девонида Мирзо Улугбек, Халил Султондан ташқари, Хожа Муҳаммад Порсога, Арслонхожа тархонга ҳам қасидалар битган. Бу қасидалардан ташқари девонга бир қатор лирик ғазаллар ҳам киритилганки, бу ғазалларнинг кўтчилиги бизгача етиб келмаган. Саккокийнинг ўзи тузган девонининг бир неча кўлёзма нусхалари маълум бўлса-да, бу нусхаларнинг бироргаси ҳам тўла ва мукаммал нусха эмас. Жумладан, Лондонда, Британия музейида девоннинг таҳминан XVI аср ўргаларида кўчирилган бир нусхаси ва Тошкентда, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида 1937 йилда Шоислом исмли котиб томонидан қайсиadir манбадан кўчирилган нусхаси сақланади.

Саккокий XV аср ўргаларида вафот этганлигини Навоийнинг Самарқандда бўлган йилларида (1465—1469) Саккокий мухлислари билан учрашгани ва сұхбатлашгани билан изоҳлаш мумкин. Нимагаки, Саккокий бу даврда ҳаёт бўлмаган, агар ҳаёт бўлганида Навоий унинг ўзи билан учрашган бўларди.

Саккокийнинг қасидачилик борасидаги маҳоратини назарда турадиган бўлсан, шак-шубҳасиз, уни ўзбек қасидачилигининг асосчиси десак янглишмаймиз. У улуғ шоир Лутфий билан беллаша оладиган шоир даражасида бўлган. Бу ҳақда Алишер Навоий «Хутбай давовин» асарида шундай жумлаларни келтиради: «Уйғур иборати фусахосиндин ва туркий алфозининг булагосиндин Мавлоно Саккокий ҳам Лутфийларким, бирининг ширин аబётининг иштиҳори Туркистанда бағоят ва бирининг латиф ғазалиётининг интишори Ироқ ва Хурсонда бениҳоятдурур ва девонлари мавжуд бўлгай». Бундан кўринадики, Саккокий Туркистан, яъни Мовароуннахрда ўз ижоди билан жуда катта обрўга эга бўлганки, унинг гўзал қасида-

лари, севгини васф этувчи бетакрор ғазаллари Самарқанд илм аҳли нинг кунглидан мустаҳкам жой олган.

Саккокий лирикасининг асосий тематикаси кўпгина шоирларни кидек асосан севги-муҳаббатни шарафлашдан иборат. У инсоннинг инсонга бўлган муҳаббатини кўйларкан, севгини ҳаётга, унинг зави шавқи, табиат манзараси ва инсоний эзгу хислатларга бўлган меҳди муҳаббат билан узвий ҳолатда тараннум этади. У ўз шеърларининг маъно ва шаклига катта эътибор берган, ғазалларида замондошлар каби ажойиб сўз ўйинларидан усталик билан фойдаланган. Тасвири ланаётган маъшуқанинг ғамзасини таърифлар экан:

Қочонким ғамзаси кўзлаб ўқин кирпик кездоса,  
Қора қошлидан пайдо бўлур уштоқнинг ёси,—

дейди.

Саккокий ғазалларида келтирилган кўпгина бадиий тасвиirlар ву үхшатмаларни Алишер Навоий, Бобур ва бошқа шоирларнинг ғазалларида ҳам учратиш мумкин.

Саккокий фақат лирик шеърлар ёзиш билан чекланиб қолмай юқорида айттанимиздек, гўзал қасидалар ёзи ва бу қасидалар яшаган, ижод этган даврдаги ижтимоий ҳаёт билан чамбарчас боловланиб кетган.

Саккокий Улугбекка атаб ёзган қасидасидаги яна бир мисрага эътиборни қаратсак, фойдалан холи бўлмас:

«Раият кўй эрур, Султон анга чўпон ё бўри,  
Бўри ўлгаю кўй тингай, чу Мусотек шубон келди»,

— деб ёзади.

Бу билан Саккокий ўша даврдаги ҳукмдорлар ҳақида фикр юритди ва адолатли ҳукмдорларни чўпонга, адолатсиз ҳукмдорларни бўрмага ўхшатади.

Улугбек давлат тепасига келиши воқеасини шоир куйидагича ифодалайди:

Жаҳондин кетти ташвишу мабодойи амон келди,  
Халойиқ айш этинг бу кун, сурори жовидон келди.  
Тан эрди бу улус барча, анингтек жони бор ё йўқ,  
Биҳамдиллоҳ, ўғон фазли била ул тантга жон келди.

Улугбекка бағишилаб ёзилган қасидала халқ, улус, раият, омомлик, сурор, адолат сўзлари кўп учрайди. Бундан кўриниб турибдиси замонасининг илфор фикрли кишиси сифатида буюк шоир Саккокий халқ аҳволини ўйлаган ҳолда, Улугбекдек мъзрифатли ҳукмдорнинг давлат тепасига келиши халқ учун яхши иш бўлганилигидан маънун эканлигини изҳор этган.

Шундай қилиб, ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек, Мавлоно Саккокий ажойиб лирик шेърлар ва бетакрор қасидалар ижод этган ҳамда ўзбек мумтоз адабиётининг равнақ топиб, гуллаб-яшнашига маълум ҳисса қўшган буюк шоирлардан бири сифатида тарихда муҳрланди.

## ЛУТФИЙ

(1366—1465)

Мавлоно Лутфий XIV—XV асрлардаги ўзбек мумтоз адабиётининг атоқли намояндаси бўлиб, ўзининг ўзбек ва форс-тожик тилларидаги асарларй билан Шарқда катта шуҳрат қозонган сўз санъаткоридир. Шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида замондошлари Давлатшоҳ Самарқандий, Шамсиддин Сомий, Хондамир, Абдулла Кобулий каби тазкиранависларнинг асарларида мухим қайд ва мулоҳазалар учрайди. Хусусан, Лутфийни яқиндан билган, у билан устоз ва шогирдлик рутбаси билан боғланган Алишер Навоий асарларида келтирилган маълумотлар фоят қимматлидир.

Шарқ адабиёти тарихида Лутфий тахаллуси билан асарлар яратган ижодкорлар кулгина бўлиб, «Қомус ул-аълам» асарида улардан айримлари санаб утилган. Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий билан яқин мулоқотда бўлиб, ўзининг асарлари билан Хурросон ва Мовароуннаҳр адабий мұхитида чуқур из қолдирган Мавлоно Лутфий «Малик ал-калом», яъни «Суз подшоси» (Алишер Навоий) унвони билан шуҳрат қозонди.

Лутфуллоҳ Лутфий Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида гувоҳли беришича, 99 йил умр кўрган. Шоирнинг замонига оид манбалардаги маълумотлар асосида унинг таваллуд санаси 1366 йил деб кўрсатилган. Лутфий бошланғич таҳсилдан кейин мадрасаларда ўз даврининг дунёвий ва шариат билимларини чуқур урганади. Сунгра эса тасаввуф бобида малака ҳосил қилишга киришади. Бу ҳақда Алишер Навоий қўйидагиларни қайд этади: «Мавлоно йигитлигига улуми зоҳирийни такмил қилғондин сунгра Мавлоно Шаҳобиддин Хиёбоний қошида сўфия тариқатида ҳам сулук қилғондур». Шаҳобиддин Хиёбоний ўз даврининг кўзга кўринган мутасаввуф шайхларидан бўлиб, унинг «Куръони карим»га ёзган шарҳлари ҳам мавжуд эди. Лутфий ана шу алломадан тасаввуф таълимини олиб, кенг ва чуқур билим соҳиби бўлиб етишли. Лутфий асарларидан шу нарса маълум бўладики, у Абу Али ибн Синонинг «Қонун» ва «Аш-Шифо» асарларини чуқур узлаштирган.

Лутфийнинг ёшлиқ йиллариданоқ адабиётга бўлган катта қизиқиши алоҳида кўзга ташланиб турар эди. Булажак шоир ўзигача бўлган туркий тилдаги адабиёт билан бир қаторда форс ва араб адабиётларини ҳам кунт билан ўрганади. Унинг Ҳофиз, Камол Ҳужандий ва На-

симий меросларига рағбати айниқса катта эди. Амир Темур давридан бошлаб Хурсан ва Мовароуннахда рўй берган сиёсий марказлашув самараси ўлароқ шаклланган адабий мухит Лутфийни ҳам ўз майдонига тортиди. Унинг ғазаллари оғизга тушиб, мушонраларнинг ва адабий сұхбатларнинг мавзуига айланди. Оддийтіна ҳаest тарзига ўрганган, дарвишларга хос хокисорлик билан мұтабарлық касб этганды бу шоирнинг шеърлари чукур фикрларни содда сўзлар ёрдамида юқори бадий бўёқларда ифодалай олиши билан ажралиб турар ва шеърлари шу жиҳати билан Навоий ва Жомий каби адабиёт ҳомийларининг дикқат-эътиборини қозонган эди.

Мавлоно Лутфийдан бизгача салмоқлигине адабий мерос етиб келган бўлиб, унинг катта қисмими лирик асарлар ташкил қиласиди. Лутфийнинг лирикадаги серқирра ижоди ҳақида Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида кўйидагиларни ёзди: «Мавлоно Лутфий ўз замонасининг «Маликул-калом»и эрди. Туркий ва форсийда беназир эди, аммо туркийда шуҳрати кўпроқ эрди ва туркча девони машҳур». Шоирнинг форсий тилдаги асарларини тўплаб девони тузгани бизга маълум бўлмаса-да, унинг бу тилда ҳам катта маҳорат билан ижод қўлганлигини замондошлари муносиб баҳолаган эдилар.

Лутфийнинг адабий мероси орасида достонлари алоҳида ўрин эгаллади. Шулардан бири 1411 йилга яратилган «Гул ва Наврўз» достонидир.

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»да Лутфийнинг бизгача етиб келмаган «Зафарнома» деб номланган достони тўғрисида шоҳидлик беради ва ёзди: «Мавлононинг «Зафарнома» таржимасида ўн минг байтдан ортикроқ маснавийси бор. Баёзга ёзмогони учун шуҳрат тутмади». Лутфий ижодининг тадқиқотчилари юқорида қаламга олингаётган «Зафарнома» таржимасининг манбаи Шарафиддин Али Яздийнинг форс тилида яратилган Амир Темур ҳастига оид «Зафарнома» асари эканлигини қайд этадилар. Шундай экан, Лутфий ўз даврида авлодлар учун ғоят аҳамиятли бўлган бир мавзуга кўл урган ва Али Яздийнинг тарих ва хотира услубида ёзилган асарининг туркий тилдаги поэтик намунасини яратган. Профессор Е.Э. Бертельс, шоир бу маснавийни Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си услубидаги қаҳрамонлик асари сифатида режалаштирган бўлиши керак деб айтади. Лекин қандайдир сабабларга кўра шоир уни оқقا кўчирмаган. Навоий ҳам уни «оқقا кўчирмагани («баёзга ёзмогони учун») учун шуҳрат тутмади» деб айтади.

Шарқ маданияти тарихига оид манбаларда Лутфийнинг ахлоқ одоб мавзууда «Машкун ул-ҳақойиқ» номи билан ҳам асар яратганлиги эсланади. Хутанглиқ Мулла Исламатулланинг «Тарихи мусикиюн» асарида Лутфийнинг мусика тарихи билан ҳам шуғулланганлиги, куйлар басталаганлиги қайд этилади. Қарийб юз йил умр кўрган даҳо шоирнинг ижод қамрови ҳам ранг-баранг бўлганлиги, хусусан, бадий адабиёт соҳасида кўп ишларга улгурганлиги шубҳасиздир.

Лутфийнинг она тилидаги лирик асарларидан иборат девони ўз давридаёқ Ҳуресон ва Мовароуннардан ташқари туркий тилда сўзлашувчи кўпгина ўлкаларга ҳам кириб борган эди. Кейин бу ҳудуд янада кенгайиб борди. Шоир девонининг Республикаиздан ташқари кўпгина мамлакатлар кутубхона казиналаридан сакланётган кўлёзмалари шундан далолат беради. Республикаизда Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фондида Лутфий девонининг ўнлаб нодир нусхалари сакланади. Ушбу манбалар девонининг Лондон ва Париж нусхалари билан қиёсий-танқидий ўрганилиб, шоирнинг қатор «Сайланма» нашрлари яратилди. 1987 йилда F. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган Лутфийнинг «Сенсан севарим» номли тўплами сўнгги ўн йилликда нашр этилган девонидир.

Девон Шарқ шеъриятининг етакчи жанрларидан бўлган газал, рубойй, туюқ, китъя ва фардларни ўз ичига олади. У одатдагидек, ҳамд ва наът шеърлари билан бошланади. Девоннинг деярли кўп нусхаларида Шоҳруҳ Мирзо номига ёзилган қасидага кўзимиз тушади. Айрим нусхаларда эса Темурий шаҳзодалар: Бойсунғур Мирзо, Искандар Мирзо номига бағишланган қасидалар ҳам учрайди.

Лутфий девонидан ўрин олган лирик асарларнинг етакчи темаси – ишқидир. Шу ишқ инсоннинг зоҳирий ва ботиний оламини ойна бўлиб акс этиради. Биз бу асарларда ишқнинг дунёвий талқинлари ни ҳам юксак санъат билан акс этирилганлигини кузатамиз. Навоий ўзининг «Маноқиби Паҳлавон Мухаммад» асарида Лутфийни «зоҳир аҳли шуароси», яъни дунёвий мавзулар талқининда маҳорат кўрсатган шоир сифатида алоҳида характерлайди. Шоир лирикасида анча кенг ўрин тутган дунёвий мавзулар, айни пайтда, диний-тасаввуйский мавзулар билан уйғуналашиб, бир-бирини тўлдириб келади. Шу тарзда улар мажоз ва ҳақиқат бирлигини ташкил қиласди.

Аллоҳ ўзи яратган мавжудот ва маҳлукотлар орасида инсонни энг мўътабар погонага кўтарди. Унга ўз нурини берди. Инсон шунинг учун ҳам азиздир. У хусн бобида ҳам «мазҳари сунъи илоҳдир». Одам шу қадар буюк моҳиятки, Аллоҳ унинг юзида ўз аксини кўради. Лутфийнинг кўйидаги байтида шу мазмунга ишора қиласди:

Улки ҳусн эти баҳона элни шайдо қилғали,  
Кўзгудек қилди сени ўзини пайдо қилғали.

Шоир асарлари унинг ўша даврда кенг тарқалган тасаввух юялари тасвирида бўлганлигидан далолат беради. Аллоҳ дунёни мукаммал гўзаллик тимсоли сифатида яратган, шу гўзаллик оғушидаги одамнинг борликни идрок этиш туйғуси, муҳаббат ҳисларининг устиворлиги, атрофни ўраб турган жамоат ва наботот олами билан алоқасини энг гўзал фазилатлари сифатида кашф этган. Лекин ҳаётда ҳамма нарса

муваққат, у узлуксиз ҳаракатда. Табиат фасллари каби одам умри-нинг фасллари бир-бири билан алмашиниб туради. Шунга кўра ҳам Лутфийнинг газаллари марказида турган қаҳрамон ҳаётининг Аллоҳ ињомъ этган барча гузалликларию, неъматларидан баҳрамандлик туйғуси билан яшайди. «Бари айш бирла кечса керак ушбу умри фони», деб хитоб қиласди. Шоир лирик қаҳрамонини навбаҳор келиши билан чаманларнинг гуркираб кетиши, гул фаслининг таровати мафтун этади. У шу чаманда «сарвиқал гули ҳандони»ни излайди.

Ёз бўлди, керак ул бути айёр топилса,  
Барча топилур, бизга керак ёр топилса.

Мен кезгучи қулнуң турурин сиз не сўрарсиз!  
Истанг мени ул ердаки, дилдор топилса.

Шоир лирикасида ҳаёт завқлари, табиат гўзалликларидан баҳраманд бўлиши, шодлик ва тарона оҳанглари билан бир қаторда инсон қадрияти ва унинг орзу-умидларини оёқ ости қилувчи «каждрафтор чарх», «сергина фалак», «жаҳолатпеша одамлар»дан озурдаҳоллик кайфиятлари ҳам юз кўрсатади. Бундай тасвирларда шоир ўзини ўраб турган ҳаётга ҳар жиҳатдан яқинлашиб боради.

Лутфийнинг ҳамиша яхшиликка умидвор бўлган ошиқ нидолари-ни ўз ичига олган шоҳ байтларидан бирида куйидаги талқинга кўзи-миз тушади.

Йўқ турур ёлгуз бу Лутфий жонига жаври рақиб,  
Кайда бир доно дурур ул жаври нодон торталур.

Лутфийнинг ўзига хос катта маҳорати ҳам дастлаб, бир томондан қаламга олинаётган барча мавзуларни кулаг очиб берадиган поэтик образлар воситасида тасвирлаш билан китобхонлар қалбига йул топишидадир. Услуб соддалиги, ифодаларнинг ҳалқоналиги, шеър вазни-нинг ҳалқ кўшиқларига яқинлиги Лутфий лирикасининг муваффақиятини таъмин этган иккинчи муҳим омиллариди.

Лутфий газаллари арузнинг ранг-баранг тармоқларида ёзилган ва улар аксар ҳолларда ҳажм жиҳатидан жуда ихчамдир. У ўз газалларидан арузнинг ҳалқ кўшиқларига яқин турган оҳангдор, ўйночи ўлчовла-рини танлайди. Лутфий шеърларидан ҳалқ урф-одатлари, маросим ла-вҳаларини тез-тез учратиш мумкин. Лутфий ўз лирикасида ҳалқнинг жонли сузлашув тилидаги эркалаш, юпатиш, қарғиш, истехзо, қочириқ ибораларидан маҳорат билан фойдаланади. Машукнинг жабру ситамларидан кўнгли озурда бўлган ошиқ ич-ичидан зорланаб айтади:

Лутфийни ким қарғади: «Ё раб, балоға учра!» деб  
Ким, сенингтек тош багирлик дилрабога учради.

Лутфийнинг назмиятда халқ мақолларидан истифода этиш боби-даги санъаткорлиги айниқса юксакдир. Унинг рубоий, қытьа, туюқ ва фардларида киши руҳий оламининг ранг-баранг лаҳзалари, ахлоқ-одоб мавзуларининг талқинлари асосий ўрин тутади.

Шоирнинг тўртликлари ҳақида сўз борар экан, унинг туюқлари алоҳида дикъатга сазовор. Кўпроқ туркий тилдаги шеъриятта тааллук-ли тажнисли (зулмаъниайн) сўзлар воситасида туюқ яратиш санъати Лутфий шеъриятида ёрқин ифодаланган деб айтиш мумкин. Унинг девонидан ўрин олган кўплаб туюқлардаги нафис маъно товланишлари китобхони она тилининг бой имкониятлари қатламларига олиб киради, уни хаёлга тортиб, эстетик завқ беради.

Мен сенинг илхингдин, эй дил, бандамен,  
Ваҳ, қачон еткайман ул дилбанди мен,  
Бевафоларга мени қылдинг асир,  
Сен манга сultonсан, эй дил, бандамен.

Ушбу туюқда уч марта гоҳ қўшилиб, гоҳ алоҳида ёзилгани ҳолда такрорланиб келаётган «дилбандамен» сўзи мисралардаги ўринларига кўра уч маънони келтириб чиқармоқда: 1) Эй, дил (кўнгил), мен сенинг дастингдан кўл-оёғи боғланган (бандамен); 2) Фарёдим шуки, у маъшуқа (дилбанд)га қачон етар эканмен; 3) Эй, кўнгил (дил), сен мени вафосизларга асир қилиб кўйдинг. Бунга менинг бўйсуниб юришдан бошқа иложим йўқ. Чунки сен менга подшоҳсан, мен эса, сенга банда — (қарам)дирман.

Алишер Навоий ўзининг «Мажолис ун-нафоис» асарида Лутфийнинг туркий тилдаги шеъриятда бўлгани каби форсий ижодда ҳам «беназир эрди» деб ёзади. Лутфий, хусусан, форсий қасиданависликда ўз замонаси ижодкорларининг зътиборини қозонган эди. Навоий ёзади: «Мавлоно Лутфий форсийда қасидагўй устодлардин кўпининг мушкул шеърларига жавоб айтибдур ва яхши айтибдур». Навоий томонидан «Мажолис ун-нафоис»да қайд этилган бир неча парчаларнинг ўзи Лутфийнинг бу соҳадаги салоҳиятини кўрсатиб беради. Навоийнинг қайд этишича, умри охирилаб бораётган Лутфийнинг:

Эй зи зулфи шаб мисолат сояпарвар офтоб,  
Шоми зулфатро ба жои моҳ дарбар офтоб.

(Сенинг тун каби сочингдан қуёш сояда парвариш топадиган бўлди. Сочинедан таралган шом қоралигини ой ўрнига қуёш кўтармоқда) матлали ғазалига замондош ижодкорлар кўплаб жавоб ёзганлар. Лекин уларнинг ҳеч бири Лутфий даражасида шеър айттолмаган.

Лутфийнинг Абдураҳмон Жомийга ихлоси катта эди. У Жомийга «Сухан» радифли қасида ҳам бағишилаган. Умри охирида бошланғич байтигининга ёзишга улгурган «Афтад» радифли ғазалини тугаллаб,

Ўз девонига киритишинн Абдураҳмон Жомийга васият қулган. Жомий кекса шоирнинг бу васиятини адо этган, бутунгача Жомий девонида яшаб келаётган «Афтад» радифли газал икки буюк сўз санъаткорининг изходий ҳамкорлигидан ёдгорлик сифатида қадрлидир.

Лутфийнинг форсий назмиятидаги мислсиз санъаткорлигини кейинги асрларда яшаган тазкиранавислар ҳам қайд этадилар. Акбаршоҳ замонида яшаган Абдулла Кобулий ўзининг «Тазкират ут-таворих» асарида Лутфий мероси ҳакида сўз очиб, «дар форси шеъри зебо ва қасидай гарро дорад» («форсийда гўзал шеърлари ва порлок қасидалари бор») деб айтади.

Лутфий ўз даври адабий ҳаётида устоз сифатида катта мавқега эга эди. Кексайиб бораётган шоирнинг уйи кўпинча шогирдлар билан гавжум бўларди. Унинг яқин шогирдларидан бири Алишер Навоий эди. Навоий ўз устози ҳакида гапирганди икки ўргадаги яқин инсоний муносабатларни ички бир ифтихор билан тилга олади. Навоий Лутфийдан назмиятнинг сирру синоатлари бобида кўп нарса ўрганди. Устоз шеъриятига бўлган катта зътиқод билан унинг «Лайлутул меърожнинг шарҳи сочи тобинчадур», «Кўкладур ҳар дам фифоним кўргали сен моҳни», «Эй сочинг шайдо кўнгулларнинг саводи аъзами» мисралари билан бошланувчи ғазалларига мухаммаслар боғлади. Унинг устозни «Эй жамолинг лаҳзолу бебадал хуснунг жамил», «Эй қадинг тўбийи жаннат ҳадди гулгун устина» муқаддимали ғазалларига мусаддаслари ҳам мавжуд. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Навоий ўзигача ва ўзига замондош бўлиб яшаган туркийгўй шоирлардан факат Лутфий ғазалларигагина мухаммас ва мусаддаслар боғлаган.

Лутфий 1465 йилда ўз манзилгоҳи бўлган Дехиканорда вафот этган. Навоийнинг хабар беришича, Мавлононинг қабри ҳам ўша ердадир.

Кейинги асрларда Лутфий маҳоратининг таъсир доираси тобора кенгайиб борди. Фузулийнинг Лутфий ғазалларига кўплаб назиралари, қатор мухаммаслари маълум. Маъраб Лутфийнинг «хоҳ, ион, хоҳ ионнома» радифли ғазалининг матлаидан тазмин йўли билан фойдаланиб, бутун бошли янги бир ғазал яратган.

Лутфий ғазалларига мухаммаслар боғлаш Мунис, Оғаҳий, Равнақ ва Амирий изходларида ҳам учрайди. Шу йўналишда бизга за мондош бўлиб яшаган Чархийнинг ҳам манзур мухаммаслари бор. Шоир ғазаллари мақом ва халқ куйлари билан ижро этилади. Уларга замондош бастакорларимиз ҳам куйлар ёзганлар. Лутфий девони ва ундан сайланмалар Ўзбекистонда бир неча бор, сўнг Туркия ва Шарқий Туркистанда ҳам чоп этилган. Шоир ғазалларининг рус ва бошқа тилларга таржима қилингани маълум. Лутфийнинг бой бадиий мероси адабиётшунос олимларимиз томонидан кенг ўрганилиб келинмоқда, у ҳақда қатор тадқиқотлар яратилди. Бу ўринда дастлаб Заки Валидий, Е. Э. Бертельс, Ҳоди Зариф, А. Ҳайитметов, Э. Руста-

мов, шунингдек, Е. Исҳоқов, Ҳ. Расулов ва Э. Аҳмадхўжаев каби олимларнинг тадқиқотларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Республикамизда шоир номи билан аталган кўча, мактаб ва кутбхоналар унинг хотирасига агадийлик баҳши этиб келмоқда.

## АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ

(1414—1492)

Темурийлар салтанати хукмронлиги даврида Моварооннахр ва Хуросонда бадиий адабиёт ҳам янги босқичга кўтарилиди. Шу даврда форс-тоҷик адабиёти ўзининг янги ривожланиш поғонасига эришган бўлса, ўзбек адабиёти Алишер Навоий, Мавлоно Лутфий, Дурбек, Ҳофиз Ҳоразмий, Атоий, Саккокий, Гадоий, Сайид Қосимий, Яқиний ижодлари мисолида ўз тараққиётининг энг юксак босқичига кўтарилиди. Абдураҳмон Жомийнинг «Ҳафт авранг», Алишер Навоийнинг «Ҳамса», «Ҳазойин ул-маоний» асарлари шу давр адабиётининг шоҳ асарлари эди. Жомий етти достондан иборат тўпламига «Ҳафт авранг» («Етти тахт») деб ном кўяр экан, Темурийлар суголасидан етти шоҳ (Амир Темур, Ҳалил Султон, Шоҳруҳ, Улуғбек, Абулқосим Бобур, Абу Саид, Мирзо Ҳусайн Бойқаро)ни кўзда тутган бўлса, Навоий ўз «Ҳамса»сини яхлит ҳолда Ҳусайн Бойқарога бағишлаган ва бу билан ҳар икки муаллиф ҳам шу давр хукмдорларига ўзларининг маълум маънода миннатдорчиларини намоён этган эдилар.

Темурийлар давридаги адабий ҳаётнинг ўзига хос хусусиятларидан бири адабий жараённинг ягоналиги, унда туркий тилда ижод қилувчиларнинг ҳам, форсийда қалам тебратувчиларнинг ҳам баробар ва фаол қатнаша олгани эди. Буни биз Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида яққол кўрамиз. Унда ижодкорлар тил хусусиятларига қараб бир-биридан ажратилмаган. Ҳусайн Бойқаро хукмдорлиги давридаги адабий ҳаётга тўхталаар экан, Захиридин Муҳаммад Бобур «Бобурнома»да: «Шуародин бу жамънинг саромад ва сардафтари Мавлоно Абдураҳмон Жомий эди»<sup>1</sup>, — деб ёзади. Бинобарин, фақат форсий адабиётнинг эмас, шу даврдаги ўзбек адабиётининг гуллаб-яшнашида ҳам Абдураҳмон Жомийнинг роли жуда катта бўлган.

Абдураҳмон Жомий Шоҳруҳ хукмдорлиги даврида — 1414 йил 7 ноябрда Нишопур яқинидаги Жом шаҳрида, руҳоний оиласида дунёга келди. Жомийнинг ота-боболари асли Дағтдан бўлиб, Жомда туриб қолишган. Бобоси Мавлоно Муҳаммад ва отаси Низомид-

<sup>1</sup> «Бобурнома». Тошкент, 1960, 241-саҳифа.

дин Аҳмад сингари Абдураҳмон ҳам кўлига қалам олиб, шеър ёза бошлаган вақтдан бошлаб ўз таваллуд топған шаҳри номини ўзига адабий тажаллус қилиб олган (Баъзи олимларнинг фикрича, «Жом» сўзи «идиш» маъносида тасаввифий тушунчани ҳам билдиради. Шарқдаги адабий анъанага кура адабий тахаллус кўп маъноли бўлиши маъкул кўрилган). У асосий умрини Ҳиротда угказди ва шу ерда машхур шоир ва мутафаккир бўлиб етишди. Болалик чоғидаёқ Жомий зеҳнининг ўткирлиги билан ажralиб турган. Бошлангич маъгумотни отасидан олган. Оиланинг Ҳиротга кўчиши, отасининг бу ерда шайх ул-ислом мансабига тайинланиши Жомий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ҳиротда унинг ўқишига Ҳожа Алоуддин Али Самарқандий, Шаҳобиддин Муҳаммад Жожармий каби машхур алломалар ўз хиссаларини кўшилар. Натижада араб тили, илоҳиёт, тасаввuf, шеър қоидалари, адабиёт тарихи ва бошқа фанларнинг асосларини жуда эрта ўзлаштира бошлади.

Жомий турли фанлар бўйича ўз таҳсилини Самарқандда ниҳоясига етказишини ихтиёр қилас экан, Улуғбек мадрасасида Улуғбек, Қозизода Румий, Али Кушчи каби алломаларнинг маърузаларини эшлиши шарафига мусассар бўлди. У фикрҳшунос олим, араб тили, «Куръон», ҳадислар бўйича мутахассис Фазлуллоҳ Абулайфдан ҳам кўп сабоқ олди. Ҳиротда Жомий тасаввuf йўлига киришни, ўз билим ва фаолиятини шу йўлга, қолаверса, ижодга, илм-фанга бағиашлашни афзал кўради.

Ёш Жомий Шайх Саъдиддин Кошғарий билан яқинлашиб, унга кўл беради ва тез орада унинг ҳурматини қозонади. Жомий пирининг қизига уйланади. Саъдиддин Кошғарий тасаввufда Муҳаммад Накшбанд сулукига мансуб эди.

1469 йили Султон Ҳусайн Бойқаро Ҳирот таҳтига ўлтиради. Орадан куп вақт ўтмай, 1476/77 йиллар орасида у ўз дўсти ва вазири Алишер Навоий билан Жомийни ўзига пир ва устоз деб танийди. Бу Жомий ҳаёти ва фаолиятида катта воқеа бўлди.

Жомий кундалик ҳаётда оддий, дарвишона яшаса ҳам, бироқ шоҳ ва унга алоқадор кишиларнинг, ҳатто асарлари орқали таниган бошқа мамлакат подшоҳларининг унга муруввати катта эди. Шунинг учун у ўзига тушган даромадлар ҳисобига бир қанча бинойи хайриялар, шу жумладан, Ҳиротда икки мадраса ва хонақоҳ, туғилган шаҳари — Жомда бир масjid куриш имконига эга бўлган. Унинг Шамсиддин Муҳаммад исмли укаси бўлиб, у катта табиб, олим ва созандга бўлиб етишгани маълум.

XV асрнинг иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий ва адабий ҳаётда юз берган ибратли ҳодисалардан бири Навоий — Жомий муносабатларидир. Бу икки буюк зот ижод соҳасида ҳалқ-парварлик ва инсонпарварлик мавқеида туриш билан бирга ҳалқ, давлат ишларида инсоф ва адолатни ёқлар эдилар. Жомийнинг «Нафахот ул-унс», «Лужжат ул-асрор», «Ашият ул-ламаот», «Рисолай му-

сиқий», «Рисолаи муаммо» каби бир қанча асарлари Навоийнинг маслаҳати ва илтимоси билан ёзилган. Жомий ўз лирик шеърларини йигиб, Навоийнинг маслаҳати билан учта девон тузади ва девонларнинг биринчисига «Фотиҳат уш-шабоб», иккинчисига «Воситат ул-икд», учинчисига «Хотимат ул-хәёт» деб ном кўяди.

1480 йилдан 1485 йилнинг охирига қадар Жомий ўзининг буюк «Ҳафт авранг»и таркибиға кирган достонларини яратиш устида иш олиб борди. Шарқ адабиётидаги хамсачилик анъаналари асосида ёзилган бу достонлардан «Силсилат уз-заҳаб», «Тухфат ул-ахрор», «Сұхбат ул-аброр» ғоявий-тематик жиҳатдан фалсафий-ахлоқий йўналишида, жанр эътибори билан панднома типида бўлиб, ўз даврининг энг долзарб масалаларига бағишлиланган эди. «Юсуф ва Зулайҳо», «Лайли ва Мажнун», «Саламон ва Абсол», «Хирадномаи Искандарий» достонларида эса шоир анъанавий сюжетларнинг янгича талқинларини берди.

Жомий бир неча маротаба ҳаж қилган, ҳаж сафари давомида Нишопур, Бастом, Домғон, Қазвин, Ҳамадон, Карбало, Бағдод, Да-машқ, Ҳалаб, Табриз каби шаҳарларни кўрган, бу шаҳарларда юқ-сак иззат-хурматга сазовор бўлган. Унинг шахсий мактубларидан маълум бўлишича, яқин дўсти Хожа Аҳрор таклифи билан Тошкен-тда ҳам бўлган ва улуғ мозоратларни зиёрат қилган.

Абдураҳмон Жомий 1492 йили шамоллаш натижасида хасталаниб, 78 ёшида ҳёт билан видолашган. Унинг дағнি маросимиини Навоий бошқариб, подшоҳ Ҳусайн Бойқаро эса мамлакатда бир йил мотам эълон қилди. Унга атаб кўпгина шоирлар, шу жумладан, Навоий ҳам қайгули марсиялар битди. Навоий марсиясида Жомий вафотининг тарихи «Кашфи асрори илоҳ» («Илоҳий сирлар кашфи») деган сўзлардан (хижрий 898, мелодий 1492 йил) чиқарилган эди.

Абдураҳмон Жомий роят сермаҳсул ижодкор бўлиб, ундан бизга адабиётнинг турли жанрларига, фан ва санъатнинг ранг-баранг соҳаларига оид бой мерос қолган. Жомий асарлари ўз даврида ёқ Хуро-сон ва Мовароуннаҳр доирасидагина эмас, бошқа мамлакатларга ҳам кенг тарқалган эди. Баъзан кўшни мамлакат подшоҳлари, масалан, Султон Яъкуб унинг асарларини сўраб маҳсус элчилар юборган. Унинг асарлари ўз даврида ва ундан кейин ҳам кўп кўлёзма нусхаларда кўчирилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Абу Райдон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида Жомий асарларининг XV—XVI асрларда кўчирилган ўнлаб кўлёзмаларини учратиш мумкин<sup>1</sup>. Бундай кўлёзмалар Русия, Афго-нистон, Эрон ва Оврупо мамлакатларидаги бошқа кўлёзма фондларида ҳам учрайди. Таниқли шарқшунос Е. Э. Бертельс «Жомий» мон-

<sup>1</sup> Қаранг: «Рукописи произведений Абдурахман Джами в Собрании Института востоковедения АН УзССР, Изд. «Фан», Т., 1965.

нографиясида шоир асарларининг Тошкент куллиёти (УзР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Күлёзма инв. №2122) асосида 52 асарининг номини келтиради.

Жомий асарларининг бир қисми диний ва фалсафий мазмунга эга бўлиб, уларда шоир Ислом дини ва Шарқ фалсафасининг бир катор масалаларини ўз қарашича талқин қилади, тасаввуфнинг XV асрдаги энг йирик арбоби сифатида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этади. Бунга унинг «Нақши фусус» («Маънолар нақши»), «Шавоҳиди нубувва» («Пайғамбарликка далиллар»), «Шарҳи қасидайи «Тоия»» («Радиғда «то» ҳарфидан фойдаланиб ёзилган қасида шарҳи»), «Нақди нусус» («Матнни танқид»), «Шарҳи қасидайи «Хамрия»» («Хамрия» қасидаси шарҳи»), «Нақшбандия таълимоти ҳақида рисола», «Воҳид» атамаси ҳақида рисола», «Зикр» шартлари ҳақида рисола», «Ҳаж қилиш йўллари ҳақида рисола», «Ашиот ул-ламаот» каби бир қанча асарларини шу гурӯхга киритиш мумкин.

Жомий ўзининг мутасаввуфлик фаолиятида Баҳоуддин Нақшбанд гояларини шу сулукнинг иккинчи бир йирик намояндаси — Хожа Аҳрор Валий билан яқин муносабатда бўлган ҳолда янада ривожлантириди. Расман у ўзини кундалик ҳаётда «Маломатия» тариқатига мансуб деб ҳисобласа-да, асарларида улуғ Нақшбандга ихлоси чексиз эди. Ўзининг «Лужжат ул-асрор» қасидасида сўфий хулқ-ахлоқи, инсон тарбияси ҳақида гап борганда таъмагирликни қоралаб, қаноатли кишиларнинг олижанобликларини, уларнинг маънавий жиҳатдан подшоҳ ва вазирлардан ҳам устун эканликларини мадҳ этиб, қуйидаги сатрларни битган эди:

Томеъон аз баҳри туъма пеши ҳар хас сар ниҳад,  
Конеъонро ханда бар шоҳу вазири кишвар аст.

#### Мазмуни:

Таъмагирлар бир луқма учун бошини хастга қўйишга тайёр,  
Каноатлилар эса мамлакат шоҳи ва вазири  
устидан ҳам кула олади.

Шоир фикрича, инсон ҳалол ва пок яшаши, бунинг учун эса у бир касбга эга бўлиши, ўз меҳнати ҳисобига кун кўриши зарур:

Марди косиб к-аз машақдат искунад кафро дурушт,  
Баҳри ноҳамворийи нафси дағал сұҳонғар аст.

#### Мазмуни:

Косиб одам меҳнат туфайли қўлини қавартиради,  
Бу қўлдаги дағал эса нафс гидир-будурини  
текисловчи рандадир.

Жомийнинг тасаввуфга бўлган эътиқоди соф ва мукаммал бўлиб, у Худони ёргу нур кўринишда тасаввур этар эди. Шеърий асарларида эса Худони гўзал маъшука қиёфасида тасвирлаган. Шу билан бирга унингча, дунёдаги ҳамма нарсаларни Худо яратган. Худо ўзи ҳам мингларча кўзгуда, турли қиёфада ва кўринишда намоёндир.

Жомий «Нафаҳот ул-унс» асарини яратиш билан тасаввуф тарихини ўрганишга катта ҳисса қўшиди. Унда 616 мутасаввуф ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот берилган бўлиб, улардан 34 таси аёллардир. Жомий вафотидан кейин бу асарни Навоий маълум тўлдиришлар билан ўзбек тилига таржима қилиши бежиз эмас эди.

Жомийнинг «Рисолайи аруз», «Рисолайи муаммойи кабир», «Рисолайи муаммойи сағир», «Рисолайи муаммойи мутаввассит», «Рисолайи муаммойи манзум», «Шарҳи байти Маснавий», «Шарҳи байти Хусрав», «Шарҳи руббиёт», «Рисолайи қофия» каби асарлари Шарқ адабиёти тарихини, унинг вазн, қофия ва шеър турлари билан боғлик назарий масалаларини ўрганишда ҳозирги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган. Олимнинг факат муаммо ҳақида 4 та назарий қўлланма яраттани ёки улуг салафлари асарларининг мураккаб бир байтини изоҳлаш, тасаввуфнинг бирон атамасини ёритиш учун маҳсус рисолалар ёзгани, унинг адабиёт тарихини ўрганишга жуда катта аҳамият берганини, ўзи бу соҳаларнинг ҳақиқий донишманди бўлганини кўрсатади.

Бундан ташқари Жомий ўз даврининг энг буюк тиљшуноси ҳам эди. У форс тили грамматикаси бўйича маҳсус шеърий ва насрый қўлланма ёзган. Араб тилини эса ўз она тилидек билган. У вақтда араб тили машҳур ҳоразмлик тиљшунос олим Ибн Ҳожибининг (1175–1249) «Ал-Қофия» китоби бўйича ўрганиларди. Шоирнинг суюкли фарзанди Зиёвуддин араб тилини шу дарслик бўйича ўқир экан, дарсни ўзлаштиришда катта қийинчиллик сезади. Шунда Жомий унинг аҳволини тушуниб, 1492 йили, яъни умрининг охирларида «Ал-Қофия»га маҳсус шарҳ ёзади. Шундан сўнг Ибн Ҳожибининг асари мактаб ва мадрасаларда шу шарҳ ёрдамида ўқитиладиган бўлади. Жомий «Шарҳи» эса «Шарҳи Мулло» номи билан шуҳрат қозонади.

Унинг аруз билан бир қаторда мусиқа назарияси ҳақида «Рисолайи мусиқий» асарини ёзиши шу давр маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Жомий ўз рисоласида Абу Наср Форобийнинг кўп жилллик «Мусиқа ҳақида катта китоб» асаридаги гояларни янада ривожлантириди, мусиқани товушларнинг ўзаро оҳангдошлиқ (таълиф) ва нооҳангдошлиқ (манофарат) нуқтаи назаридан ўрганувчи, янги куй яратиш учун улар орасидаги оралик (озмина)ларни текширувчи фандеб характерлари. Мусиқа, унинг фикрича, инсонга энг юқори мавнавий озиқ берадиган мукаммал гўзал товушлар ҳақидаги фандир. Бу фан инсонларга хизмат қилиши, уларнинг ҳаётини безаши зарур.

ХV аср адабий ҳаётида шеърий асарлар билан бир қаторда насрни ривожлантиришга ҳам аҳамият берилар эди. Шайх Саъдийнинг «Гулистон» номли машҳур ҳикоялар тўпламини ғоят севган ва уни «жаннатдан нишон, ҳашак-тикони ҳам анбаргадир жон» деб търифлаган Жомий 1486—1487 йилларда шу асарга жавобан «Баҳористон» деган асарини яратди. Жамиятдаги турли табакалар ҳаётидан, тарихдан ҳикоя қылувчи бу тўпламда биз жанр эътибори билан енгил, ёзилиш услуги үзгача, тили ҳалқчил, сюжети содда кўп ҳикояларни ўқишимиз мумкин. Ҳар бир ҳикоя катта тарбиявий аҳамиятга эга. Масалан, куйидаги ҳикояни Искандарнинг мураккаб бир саволга ғоят оқилона жавоб берганини ва дўстлик, инсонийлик ғоялари ни улуғлаганини кўрамиз:

«Искандардан:

— Сен шундай ёшлик ва навқиронлик чоғингда қандай қилиб бу давлату салтанатта эриша олдинг? — деб сўраганларида, у шундай жавоб берибди:

— Мен душманларимга хушмуомала бўлдим, токи адоват жилови йигилиб жонлансан; дўстларга садоқатда бўлдим, токи дўстлик мустаҳкамлансан.

«Баҳористон»нинг 7-равзаси адабий тазкира характеристида бўлиб, унда Рудакий, Дақиқий, Фирдавсий, Носир Ҳусрав, Низомий, Шайх Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Камол Ҳўжандий, Ҳусрав Дехлавий каби машҳур форс-тоҷик шоир ва алиблари тўғрисида қимматли маълумотлар ҳамда уларнинг ҳаётидан олиб ёзилган ҳикоялар бор.

Лекин Жомий ижодининг энг катта қисмини, ҳеч шубҳасиз, унинг шеърияти ташкил этади. 1490 йилнинг бошида ўз шеърларидан 3 та девон тузган бўлиб, бу девонлар 1805 газал ва бошқа шеър турларини ўз ичига олганлар. Бу девонлардаги деярли барча шеърлар шоирнинг юксак истеъодидан дарак беради. Навоий: «Жомийнинг йигитлик даврида илм олишга қаттиқ эътибор берган бўлса-да, «аммо ҳеч вакт назм ойинидин холи эмас экандурлар», — деб ёзади «Ҳамсат ул-мутаҳайирин» асарида. У ўз мулоҳазаларини давом эттириб, улуғ шоир шеърларининг диний-тасаввуфий, мазмуни Аллоҳни таниш, билиш билан боғлик ҳақиқатни шоир мажозий йўл, услугуб билан, ўзини мажбур қилиб эмас, балки беихтиёр ифодалагани ҳақида ёзади.

Жомий шеърларида ҳам, бошқа кўп Шарқ мумтоз шоирлардаги каби ҳаёт, инсон гўзалиги ва ички туйғу, эҳтирослари ўзининг табиий ифодасини топган ва шоир уларга тасаввуфий маъно берган. Жомий шеърий меросининг йирик ташқиқотчиси А. Афсаҳзод ҳам бу тўғрида: «Жомийдаги сўфиёна кайфият унинг ижодий йўлини энг ибтидосидан бошланган эди», — деб ёзганда тўла ҳақ эди.

<sup>1</sup> Алоҳон Афсаҳзод. Лирика Абл ар-Рахмана Джами. М., 1988, стр. 184.

Жомий лирик шеъриятида реал ҳаёт билан тасаввүфий ҳаёлот шоирнинг ижодий фантазияси орқали бирлашиб кетган.

Шоир шеъриятидаги панд-насиҳат руҳидаги шеърлар кишиларни эзгуликка, ҳалол ва пок булишга, камтарликка, Аллоҳ томонидан берилган умрни яхши ишлар билан яшаб ўтказишга даъват этади. У ўз рубоийларининг бирида ёзди:

Бўлайлик дил ҳаста ҳам сийналар чок,  
Ҳаётда доимо пок бўлайлик, пок.  
Хокистар бўлайлик ишнинг бошидан,  
Чунки охири ҳам хок бўлурмиз, хок.

(Ш. Шомуҳамедов таржимаси)

Рант-баранг ҳаётий мавзуларда яратган бадиий юксак ва сержило шеърлар билан форсий адабиётни бойитган Жомий, Саъдий Шерозий, Амир Ҳусрав Декловий, Ҳожа Ҳофиз Шерозий каби сўз санъаткорлари сафидан муносиб ўрин олди.

Абдураҳмон Жомий ижодининг гултожи, шубҳасиз, унинг «Ҳафт авранг» деб номланган достонлар мажмуасидир. Бу достонларида Жомий форс-тожик адабиётида яратилган Низомий Ганжавий (1141—1209) ва Амир Ҳусрав Декловийнинг (1253—1325) «Ҳамса»ларидағи энг яхши гоявий ва адабий анъаналарни давом эттириб, XV асрнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида мавжуд муаммоларга ўз муносабатини билдиришга ҳаракат қылганки, маснавийда, олдинги «Ҳамса» достонлари вазнида яратилган бу достонлар Низомий ва Декловий асарларидан қолиши маслигини таъкидлаб, Алишер Навоий куйидаги байтларни ёзган эди:

Ғазал дарду сўзини, ваҳ-ваҳ, не дей!  
Деса маснавий, аллаҳ-аллаҳ, не дей!  
Агар назмдин борча услугуб анга,  
Бори бир-биридин эрур хўб анга,  
Вале маснавий ўзга олам дуур,  
Ки таъбига ҳоло мусаллам дуур.  
Бўлуб жилвагар табыи кўзгусида,  
Ки сабт айлади «Ҳамса» ўтрусида,  
Эрур андин ортуқси, ўксук эмас,  
Эл андин дер ортуқси, ўксук демас!<sup>1</sup>

Ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ахлоқий масалаларда Жомий халқ-парварлик ва инсонпарварлик, адолат ва инсоф масалаларига, зулмни, золимларни қоралашга кенг ўрин берди. Буни у айниқса, шоҳ-

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Ҳамса. Тошкент, 1960, 636-саҳифа.

ни танлади, Алишер эса замонанинг «малик ул-калом»и Мавлони Лутфий таҳсини ва ҳайратига сазовор бўлган истеъдод эгаси бўлиб етишди. «Фақирнинг назмлари Хуросонда шуҳрат тутиб эрди», деч ёзади Навоий 1455—1458 йиллар ҳақида.

Тақдир Алишер Навоийни замонанинг улуг ва шарафли кишила-рига яқин қилди, устоз-мураббийлик этувчи зотлар билан ошно этди 1466—1468 йиллар Алишернинг умри асосан Самарқандда кечди. Султон Ҳусайн Бойқаро Ҳиротни эгаллаганда, Алишер Навоий 28 ёшли мукаммал билимлар эгаси, юртга танилган шоир ва тажрибали давлат арбоби даражасига етишган эди.

1469 йилда Султон Ҳусайн илтимосига кура Алишер Навоий Самарқандда Ҳиротта қайтади ва рамазон ҳайити муносабати билан дўсти шарафига битилган «Ҳилолия» қасидасини унга тақдим этади.

Ҳусайн Бойқаро Алишерни муҳрдор қилиб тайинлайди ва шу пайтдан шоирнинг эл хизматидаги фаол жидду жаҳди бошланади. Кўт ўтмай Навоий муҳдрорликни ўзининг яқин дўсти ва фикрдоши, шоир Амир Шайхим Сухайлийга топширади. «Бу нозиктаб вазир Амир 20 йилдан ортиқ Бойқароға мулозим булди». Лекин Бойқаро дўстининг норозилигига ҳам қарамай, 1472 йил февралида уни вазир лавозимига тайинлайди ва «Амири Кабир» («Улуг Амир») унвонини беради. Бу лавозимда Навоий эл-улус манфаати, шаҳар ва мамлакат ободончилиги, маданият равнаки, адолат тантанаси учун фойдаланадики, буларнинг барчаси пировард натижада Султон Ҳусайн давлатининг барқарорлиги ва нуфузини таъминлайди.

Ҳирот бу даврда ниҳоятда кўркамлашди, ҳалқ турмуши яхшиланди, шеърият, нафис санъатлари ривож олди. Талабалар учун «Ихло-сия» мадрасаси, дарвешлар учун «Халосия» хонақоҳи, беморлар учун «Шифоия» шифохонаси, масжиди Жомеъ ёнига Қорихона («Дор ул-хуффоз») курилди. Улуг амирнинг кутубхонасида 70 дан ортиқ хатот ва мусавиirlар кўлёзмаларни оққа кўчириш, уларни бадиий бе-заш билан банд эдилар. Ҳиротда яна «Низомия», Марвда «Хусравия» ва бошқа мадрасалар бино этилди.

Навоий мадраса, шифохоналар курдириб қўя қолмасдан, уларни керакли даражада жиҳозлаш, ўз-ўзини таъминлаш учун вақф ерлаҳ ажратиб бериш, мударрислар, табиблар ва бошқа ходимлар билан таъминлаш, уларга ойлик маош, озуқа, кийим-бош белгилашгача талабалар нафақаси ва китобларигача, барча-барчасини мукаммал бошқариб, ташкил этиб берар эди ва ўзи доимо хабар олиб, назорат қилиб туришни ҳам унутмасди. Бинолар курилиши тарҳи билан бевосита шуғулланар, уста ва шогирдлар меҳнатидан боҳабар бўлиб турарди. Шоир ўз хузурига тез-тез шеър, илм ва санъат аҳлини чорлаб, маърифиёт сұхбатлар ўюштириб турар, ёш истеъододларни тарбият қилиб, уларге шароит яратарди. Ҳондамир, Бехзод, Восифий ва ўнлаб ушбу тарбиятни ноил бўлган истеъодод эгалари шулар жумласидандир.

Шу давр ичида Алишер Навоий уз кўли билан биринчи девони «Бадойи ул-бидоя» («Бадийлик ибтидоси»)ни тузди. Бу девонга унинг ёшлиқ ва йигитлик пайтларида ёзган 800 дан ортиқ шеърлари жамланган булиб, шоир ижодий камолотининг биринчи босқичини акс эттиради.

Алишер Навоийга бағишиланган тарихий ва илмий асарларда батафсил тавсиф қилинишича, 1469—1481 йиллар Алишер Навоийнинг ижтимоий ҳаёт ва ободончилик борасидаги энг фаол хизмат курсаттан йиллари бўлган. Шоир 1481 йили «Вақфия» асарини ёзиб, унда ўзининг бинокорлик ва хайрия ишларига якун ясад, уз-ўзига ҳисоб берган.

Навоий дехқончилик ишларини йўлга қўйиб, жуда яхши натижаларга эришган. Тарихчиларнинг ёзишича, Навоийнинг бир кунлик даромади 18 минг шоҳрухий динор миқдорида эди. Улуг Амир бу даромаднинг кўп қисмини хайрли ишларга сарф қилган. Тарихчи Хондамир Навоий курган 52 работ, 20 ҳовуз, 16 кўприк, бир қанча тўғон, ариқ, ҳаммом, масжид-мадрасаларни эслайди. Навоий турли соҳа олимларига ҳомийлик қилиб, ўнлаб илмий рисолалар битилишига бевосита сабабчи бўлган.

1483 йилдан Алишер Навоий ўзининг буюк «Ҳамса» асарини ёзишига киришди ва уни уч йилда тугаллади. Беш достонни ўз ичига олган бу улкан бадиий қомус 50 минг мисрадан ошиқ бўлиб, Навоийнинг барча шеърий меросини деярли ярмини ташкил қиласди. «Ҳамса» — Алишер Навоий ижодининг қалбидир.

Форс тилидаги биринчи «Ҳамса» буюк шоир Низомий Ганжавий (1141—1209) томонидан яратилди. Шоир ҳеч бир ўринда ўзининг «Ҳамса» ёзганлигини қайд этмайди. Низомий вафотидан 100 йил ўтиб, Ҳиндистонда туғилиб ўсган форсийзабон турк ўғлони Ҳусрав Дехлавий Низомий «Ҳамса»сига биринчи бўлиб татаббу ёзди ва «ҳамсачилик» анъанасини бошлаб беради. Дехлавий «Ҳамса»си Низомийга ажойиб шарҳ ва ундаги мазмунларнинг янгича талқини сифатида ўзининг ҳам, салафининг ҳам шухратини оламга ёйди. Кейинги XIV—XV асрлар минтақа маънавияти «Ҳамса» анъанаси таъсирида ривож олди, шоирнинг салоҳияти ва иқтидори ҳеч бўлмаганида «Ҳамса»нинг бир достонига муносаб жавоб ёза билиш билан ўлчанадиган бўлди. Бу жаҳон маънавияти тарихида бетакрор ҳодисадир. Туркий адабиётда Кутб ва Ҳайдар Ҳоразмийлар бошлаб берган «ҳамсачилик» анъанаси ўзининг камолини Алишер Навоий ижодида топди.

Ислом ақидаларига кўра бир кеча-кундузда уқиладиган беш вакт намоз «ал-Ҳамсату» дейилади, динимизнинг беш устуни (рукни) ҳам — тавҳид (имон), намоз, рўза, закот, ҳаж — ўзига хос «Ҳамса» (бешлик)ни ташкил этади. Демак, Низомий достонларининг «Ҳамса» туркуми сифатида талқин этилиши, унга Амир Ҳусрав ва Навоий жавоблари бежиз эмас. Алишер Навоий «Садди Искандарий» достони-

нинг муқаддима қисмida бу масалага маҳсус тухталиб, «Ҳамса»нинг ҳар бир достони ёзилишини куннинг маълум вақтларида ўқиладиган саҳар, пешин, аср, шом ва хуфтон намозлари билан қиёс этди ҳамда «Ҳамса»ни буюк төғ чуққисига кутарилиш мобайнида беш уринда тўхтаб, нафасни ростлаш учун бино этилган беш оромгоҳга ухшатади.

Навоий уз «Ҳамса»сини яратишга 1483 йилда киришган бўлса, унинг биринчи достони «Ҳайрат ул-аброр» («Яхши кишиларнинг ҳайратланиши»)ни уша йили ёзиб тугатди. 1484 йилда «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр» («Етти сайёр»), 1485 йилда «Садди Искандарий» достонини поёнига етказди. Шоир уз «Ҳамса»сига киритилган достонларда уша давр учун муҳим булган муаммоларни қўйди, мутафаккир сифатида илғор қарашларни илгари сурди, узбек тилининг қудратини оламга намойиш этди.

Навоийнинг туркйича «Ҳамса»сининг яратилиши XV асрда Хурсон эли учун фавқулодда шодумонлик ва саодат сифатида қабул қилинди. Даврнинг икки қутби — маънавият пири Жомий ва буюк сulton Ҳусайн Бойқаронинг ҳайрати ва юксак эътирофи ушбу ҳақиқатга далиллар.

Навоий шу йиллар орасида иккинчи девони — «Наводир ун-ниҳоя» («Беҳад нодирликлар»)ни тузишга киришди. Мутафаккир адаб тарихий ҳақиқатта ҳам муайян изчилликда ўз муносабатини билдириб утишни инсоф юзасидан лозим топди ва «Зубдат ут-таворих» («Тарихлар қаймоги») асарини ёзиб тугатди.

1487 йили қишида Навоий Астробод ҳокими этиб тайинланди. Бошқа бек ва амирлар учун шарафли ҳисобланиши жоиз булган бу марта Амир Алишернинг нозик табиати учун муайян даражада озорли булди. Аммо шоҳ ҳукми вожиб, Амири Кабир улканинг ҳассос бир ҳудудини муҳофаза ва обод қилиш ниятида жунаб кетди. Астрободда Навоийнинг икки йил чамаси ҳокимлиги бу шаҳар аҳли учун саодатли, Бойқаро салтанати учун хайрли бўлди.

Бу орада бирин-кетин Навоийнинг энг яқин устоз ва мусоҳиблари ҳаётдан кўз юмдилар. 1488 йили Сайд Ҳасан Ардашер, 1492 йили Абдураҳмон Жомий, 1493 йили Паҳлавон Муҳаммад вафот этди. Навоий устозлари хотирасига «Ҳолоти Сайд Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», «Ҳамсат ул-мутаҳайирин» («Беш ҳайрат») асарларини шу йиллар ичida ёзиб туталлади. Бу асарларида уша давр воқеалигига оид қимматли маълумотлар билан бирга Навоий яратган янги бадиий оламнинг назарий асосларига оид бир қатор далил ва мулоҳазалар ҳам баён этилган. Шу йилларда яна Навоий давр шуароси хусусида «Мажолис ун-нафоис» ва ислом маънавиятининг буюк сиймолари, хусусан, турк, форс, ҳинд машойихлари тарихига оид «Насоим ул-муҳаббат» («Муҳаббат шаббодаси») рисолаларини ёзди. Бу асар

лар ниҳоятда муҳим манба булиб, уча давр маънавиятининг жонли сиймоларидан мингта яқин киши ҳақида қимматли маълумотларни ўзида жам этган. Бундан ташқари нафақат тасаввур ирфони ва адибиёти, балки ислом даври маънавиятининг бошқа муҳим жиҳатлари ҳақида ҳам кўплаб назарий мулоҳазалар ушбу асарлар қатидан жой олган бўлиб, уларни муфассал тадқиқ этиш миллий маънавиятимизни холис англаб етишда бугунги авлодлар учун беназир манба ва асос бўлиб хизмат этади.

1492 йилда аruz илмига бағишланган «Мезон ул-авzon» («Вазилар ўлчови») рисоласи ёзилди ва шоир ўз лирик ижодини қайта тақсимлаб, янги девонлар мажмуни «Хазойин ул-маоний» («Маънолар хазинаси»)ни яратиш ишига астойдил киришиди. «Чор девон» номи билан шуҳрат қозонган бу буюк мажмуа 45 минг мисрага яқин турли жанрлардаги кичик ва ўрта ҳажмли шеърларни ўзида жамлаган бўлиб, «Фаройиб ус-сигар» («Болалик ажойиботлари»), «Наводир уш-шабоб» («Йигитлик даври нодирликлари»), «Бадойеъ ул-васат» («Ўрга ёш кашифиётлари»), «Фавойид ул-кибор» («Кексаликдаги фойдали мулоҳазалар») номлари билан аталади. Бу тўрт жилдда 16 жанрга оид 3000 дан ортиқ шеър бўлиб, уларда 2600 газал, 210 қитъя, 133 рубоний, 86 фард, 52 муаммо ва бошқалар мавжуд. «Хазойин ул-маоний»га олдинги икки алоҳида девондаги шеърларнинг деярли барчаси кирган бўлиб, кейин яратилган 1400 га яқин янги асарлар қўшилган.

Бу туркий тилда ёзилган асарлари, достонлари, шеърларидан ташқари Навоий форс тилида ҳам 12 минг мисрадан ошиқ шеър, муаммо жанри ҳақида «Муфрадот» рисоласини, «Ситтайи зарурия», «Фусули арбаа» туркум қиссаларини ёзди, «Фоний» тахаллуси билан алоҳида девон тузди. Ушбу асарлар Хоқоний, Амир Хусрав, Сайдий, Хофиз, Камол Ҳўжандий, Жомий каби форс адабиётининг мумтоз намояндалари билан ижодий баҳсада туғилган бўлиб, ҳам бадиий ифода, ҳам мазмуний теранликлар салафлар билан тент кудрат намойиш этади.

Навоий 1498 йилда «Лисон ут-тайр», 1499 йилда «Муҳокамат ул-лугатайн», 1500 йили «Маҳбуб ул-кулуб» асарларини ёзди. Бу уч асар буюк шоир ва мутафаккир ижодининг авж нуқталари эди. Адид «Муҳокамат ул-лугатайн» да ўзининг бутун ижодий йулини сарҳисоб қилиб, туркий тилдаги шеъриятнинг кудратини таъкидлаган. Унда, жумладан, куйидаги маълумот бор: «Чун «Лисон ут-тайр» илҳоми била тараним тузупмен, куш тили ишорати била ҳақиқат асрорини мажоз суратида кўргузулмен». Алишер Навоий гўдаклик чоғларидан тасаввувуф шеъриятининг устоди Фаридиддин Аттор яратган «Мантиқ ут-тайр» асарига меҳр қўйгани бизга маълум. Умрининг охирида ушбу асарга татаббу — жавоб ёзар экан, ўзининг шунгача ёзган барча асарларига фалсафий якун ясади. Аттор асари Борлиқнинг ягона моҳијати ҳақида, Ҳақ асрори ва инсон учун уни англаб етиш имкон дара-

жаси ҳақида эди. «Лисон ут-тайр» мазмуни «Мантиқ ут-тайр»га зид ёки ундаги фикрларнинг такори ҳам эмас, балки янги тарихий-маънавий босқичдаги шарҳи, талқинидир.

Атторнинг күшлар тилидан ёзилган достонида ирфоний эҳтирос ниҳоятда жўшқинидир. Навоий эса босиқ воқеабанд тасвирга ургу беради, күшлар саргузаشتida ва ички ҳикояларда ҳаётийликни кучайтиради. Бу бежиз эмас. Охирги хulosада Навоий салафига қараганды олға кетади, масала моҳиятини теранроқ ҳис қиласи ва бадиий тасвирни ҳам шунга муносиб яратади.

Ниҳоят Навоий охирги асари «Маҳбуб ул-кулуб» («Кўнгилларнинг севгани») рисоласида барча саволларга яна ўзи жавоб берган. Бу асар том маънода ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий foяларга тўлиқ бўлиб, XV асрда мавжуд бўлган барча ижтимоий тоифалар моҳияти муфассал очиб берилган, ижтимоий ва ахлоқий ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги, яхлитлиги ишонарли таъкидланган. Бу асар турли афоризм, мақол ва маталларга бой бўлиб, халқ орасида жуда кенг тарқалган.

Алишер Навоий ўзи ва салафлари — Низомий, Дехлавий, Ҳофиз, Ироқий ва бошқалар яратган мустақил бадиий тафаккур тарзини «мажоз тариқи» деб номлади ва унда Ҳақ асрори «мажоз сувратинда» акс этишини таъкидлаган. Бу Борлиқни ўзига хос идрок этиш тарзи Нақшбандиянинг: «Дил ба ёру даст ба кор», қоидасига мувофиқ бўлиб, унда ибрат, илм, ирфон ва амал бир нуқтада бирлашар ва янги дунёга кўз очарди. Тавҳид таълимоти ва эътиқодини идрок этишининг энг юқори босқичи бўлган бу дунёқаращ тизими «Хамса» ва «Лисон ут-тайр» асарларида, шоир лирикасида бадиий инъикосини топган.

1500 йилларга келиб шоирнинг ҳаёт шароити қийинлашиб, соғлиги заифлашиб қолса-да, ижоддан тўхтамади. 1501 йилнинг бошида Навоий касалликдан вафот этди. Бутун Ҳирот халқи ўзининг буюк шоири билан хайрлашишга чиқди ва 7 кун давомида мотам тутди.

Навоий ўз ижоди билан ўзбек адабиётининг сўнгти ривожини белгилабгина қолмай, Мовароуннаҳр ва Хурросоннинг бутун маънавий маданияти тараққиётига жуда катта таъсир кўрсатди. Унинг асарлари, шеърияти қайта-қайта кўчирилиб, халқ орасида кенг тарқалиб, шоиrlар учун мактаб вазифасини ўтади, мадрасаларда кенг ўрганилди.

Алишер Навоий ижодини ўрганиш, унинг илмий таҳлили бўйича сўнгти йилларда қатор таниқли тадқиқотчилар иш олиб бордилар ва бугунги кунда ҳам Навоийнинг мероси купгина олимларимизни илҳомлантириб келади. Ҳозирда мактаблар, хиёбонлар, кучалар буюк шоишимиз номи билан юритилади. Унинг номида Узбекистон Давлат мукофоти таъсис ётилган.

## ҚОСИМИ АНВАР

(1355—1433)

Темурийлар давридаги адабиёт ва тасаввүфнинг йирик вакилларидан бири Қосими Анвардир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, шоирнинг дунёқараши ўз даври ва ўзидан кейинги илм-фан ва тасаввүфнинг йирик намояндалари Баҳоуддин Накшбанд, Садриддин Йаминий, Улуғбек, Неъматулла Вали, Нуриддин Кирманий, Абдураҳмон Жомий ва Навоийларнинг таълимотлари билан гоявий жиҳатдан яқин туради. Айниқса, Алишер Навоий ўзининг «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида шоир ижоди ҳақида кенг тұхталиб, шеърларидан намуналар келтиради. Уни замонасининг иқтидорли шоирлари қаторига құшади: «Равишлари пок эрди ва нафаслари оташнок,— деб хабар беради Алишер Навоий Қосими Анвар ҳақида.— Эл бағоят алар назмларига мойил ва шеърларин ўқумоқ ва битмакка рогиб бұлдилар».

Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» ва бошқа манбаларда келтирилишича, Қосими Анвар ёшлигидан Садриддин Ардабиллийга мурид бўлиб, сўфиийлик тариқатини мукаммал эгаллайди. 1426 йили Ҳиротнинг масжидида Шоҳрухга қарши фитна уюштирилади. Ҳуруфийлар оқимига мансуб бўлган Аҳмад Лур деган шахс Шоҳрухга пичоқ уриб, уни ярадор қиласади. Шу ернинг ўзидаёт Аҳмад Лур ўлдирилади. Юқоридаги воқеа туфайли Қосими Анвар ҳуруфийлар билан яқин алоқада бўлганликда ва фитнада қўли борлигига айбланиб, Ҳиротдан Самарқандга сургун қилинади. Самарқандни бошқариб турган Улуғбек уни яхши кутиб олади.

Ўша даврда Озарбайжон, Туркия, Ирок, Сурия ва Шарқнинг бошқа мамлакатларида ҳуруфийлик оқими кенг тарқалган бўлиб, бу оқим Марказий Осиё ва Хурросонда, айниқса, Самарқанд ва Ҳиротда оз бўлсада мавжуд эди. Ҳуруфийлик оқими ҳарфларни илоҳийлаштириб, кишиларни объектив дунё, ҳарфлар ва худони идрок қилишга чакиради. Бу эса бошқаларнинг фикрича, диннинг обрўсими туширап эди. Ҳуруфийлар шаҳар камбағаллари ва хунармандларнинг манфаатини ҳимоя қилиб, зўравонлик, жабр-зулм, зодагонларнинг ўзбошимчалигига қарши кураш олиб бордилар.

Марказий Осиё ва Хурросонда бу оқим тарафдорлари, гарчи улар кўпчиликни ташкил этса-да, ҳокимият учун зимдан кураш олиб бордилар, ҳар хил фитна ва галаёнлар уюштириб турганликлари боис Темурийлар, айниқса, Шоҳрух ва бошқа ҳокимлар ҳуруфийлик оқими тарафдорларини таъқиб остига олганлар. Қосими Анвар ижоди ва дунёқарашини тадқиқ этган олимларнинг аксарияти, шу жумладан, Е. Браун, З. А. Кулізода ва бошқалар ҳуруфийлик оқими шоир ижодига таъсир кўрсатган бўлса-да, уни тасаввүф оқимининг йирик ваки-

ли, деб ҳисоблайдилар. Дарҳақиқат, Қосими Анварнинг қолдирган адабий ва илмий мероси ана шундан далолат беради.

Қосими Анвар асарларининг анчагина қисми бизгача етиб келган. Унинг «Девон» и күләзмалари Санкт-Петербургда, Гуржистонда, шунингдек, Самарқандда ва бошқа йирик илм марказларида сақланмоқда. 1958 йили Төхронда унинг «Куллиёти» Саид Нафисий томонидан чоп этилган.

Мутафаккирнинг «Анис ул-ошиқин» («Ошиқлар дўсти») маснавийси («Анис ул-орифин» ҳам деб юритилади), «Сад мақом дар истилоҳи сүфия» («Тасаввуф атамаларида юз мақом»), «Рисолайи адади мақомот» («Мақомларнинг сони ҳақида рисола»). «Рисола дар баёни илм» («Билим ҳақида рисола»), «Савол ва жавоб» рисоласи ва бошқа асарлари мавжуд.

Унинг таълимотида Аллоҳ ҳамма нарсанинг ибтидоси ва биринчи сабаби, деб талқин этилади. Аллоҳ дунёдаги ҳамма нарсалардан намоён бўлади, улар бир-бирига кўшилиб кетади. Қосими Анвар инсонни мавжудотларнинг айлоси, унга бу дунё ва охиратнинг сultonни бўлишни Аллоҳнинг ўзи ато этган, деб айтади. «Тўйи сultonни жовидон, тўйи мақсад, тўйи ақсо» («Сен мангу сultonсан, сен мақсадсан, сен узоқдаги уфқсан»), — дейди у инсон ҳақида.

Маълумки, тасаввуф оқимида ахлоқий масалаларга кенг ўрин берилади. Қосими Анвар ҳам ўзининг тасаввуфий қарашларида, инсон, борлиқ ва Аллоҳнинг бирлигини асослашда ижтимоий муаммолар, ахлоқ ва хулқ-одобга катта эътибор беради. Инсоннинг Аллоҳга яқинлашуви покланишсиз, ахлоқий камолотга эришмасдан амалга ошиши мумкин эмас. Инсон ўзини қанчалик ўрганса, идромақилса, шунчалик ахлоқан покланиб боради, Аллоҳга яқинлаши ўйлида олға қадам босади. Шу муносабат билан у жоҳилликни қаттиқ қоралайди, зероки у ахлоқий покланиш ва ўз-ўзини билишни халақит беради. Инсон яхши ва хайрли ишлар қиласиди, ёвузлик ва адолатсизлик билан шугулланадими, биринчи ўринда, ўзи сабабч бўлади. «Ник ва бад гар микўни, бохуд кўни» (Яхшилик ва ёмонлиқ қиласанг, ўзингга қиласан), — деб ҳисоблайди шоир.

Қосими Анварнинг ижодида ижтимоий масалалар ҳам у ёки бидаражада инъикосини топган. Замонасидан зорланиш, мавжуд жамиятдан норозилик, ҳукмрон синф вакилларининг адолатсизлиги жабр-зулм ва ноҳақликларини қоралаш мутафаккир ижтимоий қарашларида маълум ўрин эгаллайди. У ёлғончилик, фирибгарлик, иккюзламачиликни қоралайди, зоҳилларнинг ярамас одатларини таяқид қиласиди. Жамиятдаги салбий иллатларни йўқотиш йўлларини тополмаган шоир, бир кун вақти келиб бу дунёда адолат ва ҳақиқи ўрнатилишига умид боғлайди.

Хуллас, Қосими Анварнинг ижодий меросини ўрганиш шундан далолат берадики, у Темурийлар даврининг йирик мутафаккири, шоир ири бўлган ва ўша давр маънавий тараққиётига салмоқли ҳисса қўшга.

# ДАВЛАТШОҲ САМАРҚАНДИЙ

(Таҳминан 1435—1495)

XV асрнинг кўзга кўринган адабиётшунос олимларидан бирни Давлатшоҳ ибн Алоуддавла Баҳтишоҳ ал-Ғозий ас-Самарқандийдир. Унинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар жуда кам бўлиб, «Тазкират уш-шуаро» («Шоирлар тазкираси») асарида келтирилган баъзи бир маълумотларга қараганда, у йирик ҳарбий хизматчи ва давлат арбоби оиласида туғилган. Отаси Баҳтишоҳ Шоҳруҳ Мирзонинг амирларидан бўлиб, кўпгина ҳарбий юришларида қатнашган ва тожу тахт соҳибига садоқат ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган. Унинг «ал-Ғозий» аталиши ҳам шундандир.

Давлатшоҳнинг туғилган вақти маълум бўлмаса-да, ўзининг «Тазкират уш-шуаро» асарини 50 ёшга кирганида ёза бошлаганини маълум қилади. Бизга эса асар 1486 йили ёзиб туғатилгани маълум. Агар бу катта ва муҳим асарни ёзиш учун камида 2—3 йил вақт сарфланган деб таҳмин қилинганда, Давлатшоҳ таҳминан 1435—1436 йилларда туғилган бўлиб чиқади.

Давлатшоҳ Самарқандий ёшлигидан илмга қизиқиб, ўз даврининг кўзга куринган олими, фақиҳ ва шоир Хожа Жалолуддин Фазуллоҳ Абу-л-Лайсийдан таълим олган. Лекин 1480 йилларга қадар илмий ёки адабий фаолият билан шугулланмаган, балки сарой хизмати ва ҳарбий ишларга жалб қилинган, Шоҳруҳ ва Султон Ҳусайн Бойқаронинг кўпгина ҳарбий юришларида иштирок этган. У сўнгиги марта Султон Бойқаро билан Султон Маҳмуд (Ҳисори шодмон ва Бадаҳшон ҳокими) ўртасида Чакмансарой (Афғонистоннинг Андхой вилоятида жойлашган манзил)да бўлган жангда қатнашган. Бу жанг, Ҳондамирнинг маълумотларига қараганда, 875/1471 йилда содир бўлган<sup>1</sup>. Давлатшоҳ Самарқандий 60 йилга яқин умр кўриб 1495 йили вафот этган.

Давлатшоҳ Самарқандий «Тазкират уш-шуаро» асарини ёзишда жуда кўп манбалардан: ўзидан олдин ёзилган тазкиралардан, хусусан Абу Тоҳир Хотунийнинг «Маноқиб уш-шуаро», Авфийнинг «Лубоб ул-албоб» китобларидан, тарихий ва географик асарлардан, хусусан, Истаҳрийнинг «Китоб масолик ул-мамолик», Гардизийнинг «Зайн ул-ахбор», Абулфазл Байҳақийнинг «Тарихи оли Сабуктакин» ва бошқалардан, шунингдек, тазкирада қайд этилган шоир ва адиларнинг асарларидан кенг фойдаланган.

Тазкирада VII—XV асрларда яшаб ижод этган 155 шоир ҳақида қисқача, лекин ниҳоятда қимматли маълумотлар келтирилган. Тўғри, гуруч курмаксиз бўлмагани каби, Давлатшоҳ Самарқандий тазкираси ҳам айрим жузъий камчиликлардан холи эмас. Масалан, айрим

<sup>1</sup> Аҳмадов Б. Давлатшоҳ Самарқандий. Тошкент, «Фан» нашиёти, 1967, 6-бет.

ҳолларда саналар, у ёки бу шоирнинг туғилган жойи нотури берилған, айрим ҳолларда келтирилган маълумотлар чалкашиб кетган. Шунга қарамай асарнинг ижобий томонлари кўп. Бу асар жуда катта давр — қарийб саккиз юз йил мобайнида Эрон ва Марказий Осиёда яшаб ижод этган шоир ва адиллар фаолиятини тадқиқ қабзасига олган.

«Тазкират уш-шуаро» ёки «Тазкираи Давлатшохий» муқаддима хотима ва етти қисм (табақа) дан иборат.

Муқаддимада асарнинг ёзилиш сабаблари, VII—X асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган араб шоирлардан Лабид (VII аср), Абу Нувос (вафоти тах. 814), Абу Тайиб ал Мутанаббий (вафоти — 963), Абу Аъло ал-Мааррий (973—1058) ва бошқалар ҳақида маълумот келтирилган.

Биринчи ва иккинчи қисм X—XI асрларда Эрон ва Марказий Осиёда яшаб ўтган 21 йирик шоирнинг қисқача таржимаи ҳоли ва ижодига бағишлиланган.

Учинчи, туртинчи ва бешинчи қисмларда Хоразмшоҳлар — Ануштегинийлар (1077—1231), Элхонийлар (1258—1349) ва Музаффарийлар (1315—1393) замонида ижод этган 54 шоир ҳақида маълумот бор.

Сунгти икки табақа Темур ва Темурийлар замонида Марказий Осиё, Эрон ва Ироқда яшаган 41 шоир ижодига бағишлиланган.

Хотимада эса мазкур тазкира муаллифи билан замондош машҳур алломалар Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Хожа Афзалиддин Муҳаммад, Амир Аҳмад Сухайлий, Хожа Шаҳобиддин Абдуллоҳ Марварид ҳамда Хожа Осафий ҳақида маълумотлар келтирилган.

Давлатшоҳ Самарқандий тазкирасида жамланган шоирларнинг асарлари шарқ мумтоз адабиётининг умумий йўналиши, унинг тараққиёт йўллари, Шарқ шеъриятида кенг қўлланилган рубойи, қасида, фазал, ҳажв жанрларининг пайдо бўлиши ва такомиллашуви, тарсий, тажнис, таржиъбанд, мураббаъ сингари шеърий шаклларни ўрганиш ҳамда тадқиқ этишча муҳим роль ўйнайди. Қолаверса, улар орасида Жавҳарий Заргар, Хожа Кирмоний, Жалол Табиб, Хожа Исматулло Бухорий, Аминиддин Нузулободий сингари достончилик жанрининг етук намояндадари, назм ва насрга оид «Таржимон ал-балоға» («Нотиқликни тушунтириб берувчи китоб») асари билан машҳур Фаррухий (вафоти — тах. 1037—1038), «Чаҳор мақола» китоби билан шуҳрат топган Низомий Арузий Самарқандий (XII аср), форс тилининг шарҳли луғатини тузган Қатрон ибн Мансур Термизий (XII аср), «Ҳадоик ас-сехр» («Сехр боғлари») асари билан ном тараттан хоразмлик Рашидиддин Ватвот (1088—1182), «Нигористон» асари муаллифи Муиниддин Жувайнин, «Шабистони хаёл» китоби муаллифи Яҳё Себак Нишопурин, «Жавоҳир ул-асрор» («Сирлар жавоҳири») асарини бутун Шарқда манзур эта олган Шайх Озарий (1382—1462), мусиқа илмининг машҳур намояндадаридан Соҳиб Балхий, хат ва хаттотлик илмининг пири Симий Нишопурин ҳам борки, булар ижоди мумтоз адабиёт ҳамда Ўрта аср Шарқ фани тараққиёти тарихида муҳим урин эгаллайди.

Китобда таърифи келтирилган шоирлардан аксарияти даврининг малик уш-шуароси бўлган. Уларнинг қарийб ҳаммаси охир-оқибатда таъмагир ва ҳасадчи, иғвогарлар маскани — шоҳлар саройини тарк этган. Авҳадиддин Анварий (ХII аср), Рашидиддин Ватвот, Бухорода муламмаҳ (бир шеърни икки тилда ёзиш) анъанасини бошлаб берган, ҳажв жанри ривожига улкан ҳисса қўшган Хожа Исламтулло Бухорий (1365—1426) ана шундай шоирлар жумласидандир.

Тазкирада жаҳонга машхур файласуф шоир ва олим Носир Хусрав (1004—1088), Шарқ мумтоз шеърияти даҳоларидан ва мусиқашунос Хусрав Дехлавий (1253—1325), шоир ва йирик тарихчи олим Фахриддин Банокатий (вафоти — 1329), Камол Ҳужандий (1318—1401), Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий билан бирга меҳнаткаш халқ орасидан чиққан нозимлар ҳам қайд этилади. Асли дехқон табакасидан, Низомий Ганжавийнинг «Маҳзан ул-асрор»ига минг байтдан иборат жавоб ёзган Жамолиддин ибн Жаъфар Фарраҳоний; бир умр қуш қушиб, дехқончилик қилган, шеърни кетмон дастасига битиб юрган кўхистонлик Муҳаммад Ҳисомиддин; авом. ун-нос (оддий халқ)дан чиқиб, шоирлик, хаттотлик ва нақдошлиқда номи чиқарган Симий Нишопурий; бўйра тўкиб кун кечирган самарқандлик Бисотий ҳақидаги маъдумотлар шулар жумласига киради.

Шунингдек, тазкирада ўз шеърлари билан шоҳлар ва ҳокимлар, ноиблар ва қозилар кирдикорларини фош этган Яминиддин Фарюмадий ва унинг ўғли Амир Маҳмуд (ибн Ямин), Убайд Законий, Бурундуқ Бухорий ҳамда Бобо Савдойи Абивардий каби шоирлар зикри ҳам келтирилганки, бу ҳол асар қимматини янада оширади.

Давлатшоҳ Самарқандий асарининг яна бир фазилати унда айрим муҳим тарихий воқеалар баёнининг ҳам келтирилганидир. Чунончи, Марказий Осиё, Афғонистон, Эрон халкларининг сulton Жалолиддин Мангуберди (Мангубурни) бошчилигида 1221—1232 йиллари мугул босқинчиларига қарши олиб борган кураши тарихидан айрим лавҳалар; 1337 йили Хурсонда бўлган сарбадорлар қўзғолони ҳамда шу қўзғолон натижаси ўлароқ, Хурсоннинг каттагина қисмида бунёд топган сарбадорлар давлатининг (1337—1381) қисқача тарихи ҳам асарда акс эттирилган. Шунингдек, китобда келтирилган Хурсон ва Марказий Осиё жанубий қисмининг XV аср 40-йилларидаги сиёсий ҳаёти билан боғлиқ тафсилотлар, йирик тарихий шахслар — вазир ва олим Низомулмулк, улуғ шоир ва олим Умар Ҳайём, исмоилийлар тариқати асосчиси Ҳасан Саббоҳ, буюк мунахжим Мирзо Улуғбек ҳаётига оид воқеалар ҳам алоҳида қимматта эга.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг мазкур тазкираси жамоатчилик эътиборини купдан бери тортиб келмоқда. 1819 йилдан буён асарнинг айрим парчалари Россияда (В. А. Жуковский ва Ф. Эрдман), Францияда (Сильвестр де Саси), Англияда (Э. Броун ва А. Фальконер), Туркияда (Фахим Сулаймон афанди), Германияда (Хаммер)

ҳамда Голландияда чоп этилган. Унинг тўла матни 1887 йили Бомбайда Мирза Муҳаммад, 1901 йили Лондонда Э. Броун ва 1958 йили Техронда Ҳожи Муҳаммад Рамазоний томонидан нашр этилган.

1900 йили биринчи бор Ҳивада Муҳаммад Рафе томонидан эски узбек тилига (Хоразм шевасида) угирилди. 1967 йили Б. Аҳмедов «Газкират уш-шуаро» тазкирасидан Марказий Осиё ва хурросонлик 32 ва 1981 йили 50 дан ортиқ шоир ҳаёти ҳамда ижодига оид айрим парчаларни узбек тилига таржима қилиб, «Давлатшоҳ Самарқандий» номли китобига илова қилган. Ҳолбуки, бу катта асарни атрофлича илмий тадқиқ қилиб, узбек тилига угириб, кенг китобхонлар оммасига тақдим этиш бугунги олимларимиз олдида турган мұхим вазифалардан биридир.

## ҲУСАЙН БОЙҚАРО

(1438—1506)

Султон Ҳусайн Амир Темурнинг эвараси бўлиб, 1438 йил июл (ҳижрий 842 йил, муҳаррам) ойида Ҳиротнинг шарқи-шимолидаги Давлатхона саройида дунёга келган. Унинг отаси Фиёсиддин Мансур Бойқаро Мирзонинг учинчи ўғли эди. Бойқаро Мирзонинг отаси эса Амир Темурнинг иккинчи ўғли Умар Шайх (1356—1394), онаси Ферузабегим эса ота томонидан Амир Темурнинг катта қизи Уги Беги хонимнинг ўғли Султон Ҳусайн Мирзонинг қизи бўлиб, Феруза бегимнинг онаси Кутлуг Султон бегим эса Амир Темурнинг учинчи ўғли Мироншоҳ Мирзонинг (1366—1408) қизи эди. Дарҳақиқат, Ҳусайн Бойқаро Захириддин Муҳаммад Бобур таърифлаганидек, «Карим ут-тарафайн», яъни ҳар икки томондан ҳам насаби Амир Темур Курагонга бориб туташади.

Ҳусайннинг отаси Фиёсиддин Мансур 1445 йилда вафот этгач, Ҳусайн 14 ёшигача мактабда таълим олади ва шу мактабда ёш Алишер билан дустлашади.

1452 йилда ёш Ҳусайн Ҳирот ҳукмдори Абулқосим Бобур саройига хизматга киради. 1457 йили Абулқосим Бобур вафотидан сўнг, Ҳусайн Мирзо саройни тарк этиб, Марв ҳукмдори Санжар Мирзо Марвий саройига хизматга утгач, ҳукмдор уз қизи — 15 ёшли Бека Султонни унга никоҳлаб беради. Бироқ, қайната билан куёв уртасига совуқчилик тушиб, саройдан кетишга мажбур бўлади. Шундан сўнг Ҳусайн Мирзо ун йилдан купроқ вақт давомида Хоразм, Ҳурросон, Астробод, Мозандарон ва Журжон оралиғида саргардонликда умр кечирди. Бу давр мобайнида Темурий шаҳзодаларнинг тожу таҳт учун олиб борган узаро урушларида Ҳусайн Мирзо ҳам фаол қатнашиб, Ҳирот ҳукмдори Султон Абусаййид Мирзо (1424—1469) ҳалокатидан сунг, 1469 йил 24 март, жума куни Ҳусайн Мирзо тантана билан Ҳиротга кириб келди ва ўша куни Жомеъ масжидида унинг номига хутба ўқилли.

Тарихий манбалардан шу нарса маълумки, Султон Ҳусайн Бойқаро Темурий шаҳзодалар орасида жасоратли, мард, одил ва талбиркор салтанат соҳиби бўлган. У хукмронлик қилган даврда Ҳурносон фуқаролари бирмунча осойишга ва фаровон ҳаёт кечирган. Айниқса, унинг вазири Алишер Навоийнинг саъй-ҳаракатлари натижаси улароқ, мамлакатда йирик сув иншоотлари, маъмурий ва маданий курилишлар, мадраса, масжид, карвонсарой, работлар, кўприклар ва шу каби курилиш ишлари кенг кўламда олиб борилган. Шу боис Султон Ҳусайн Бойқаронинг хукмронлик даврида Ҳирот фан ва маданият марказига айланган эди. Бу даврда илму фаннинг барча жабҳаларида қалам тебратган алломалар, сўз усталари, адиблар, шоирлар, мусиқашунослар, ҳунарманд наққошлар ва мусаввирлар Ҳиротнинг довругини жаҳонга машҳур қилганлар.

Султон Ҳусайн Бойқаро Ҳурносон музофотида, айниқса, Ҳиротда диний ва маданий-маиший биноларни кўплаб курдирди. Бу курилишларнинг асосий мутасаддийси сифатида Алишер Навоийни кўрсатиш жоиздир. Шунингдек, шаҳаншоҳнинг яқин кишилари ҳамда бек ва амирлари ўз номларини абадийлаштириш мақсадида масжид, мадраса, работ, кўпrik, ҳаммом ва шунга ўхшаш курилишлар билан шаҳар кўркини янада жилолантирганлар. Нунончи, Султон Ҳусайн Бойқаро Гозургоҳ яқинида ўз номига мадраса, Ҳирот ташқарисида «Боги байт ул-имон» ва «Боги ҳамса оройи» боғларини барпо этган. Султон Бадиузвазмон Мирзо номи билан аталувчи «Мадрасайи Бадиъа» ҳам Султон Ҳусайн Бойқаро даврининг улкан обидаларидан биридир. Бу даврда таъмирланган Жомеъ масжиди улкан бинолардан бўлиб, 403 гумбази, 130 равоки ва 44 устуни бўлган.

Шунингдек, Алишер Навоий ҳам ўз ҳисобидан бир неча маданий-маиший бинолар, чунончи «Сафоя» номли ҳаммом ва «Шифоя» номли касалхона курдирган.

Тарихчи Хондамирнинг ёзишича, Ҳурносонда қирқча яқин йирик иншоотлар Султон Ҳусайн Бойқаро даврида вужудга келган ва Ҳиротта атроф-теваракдан олимлар, шоирлар, адиблар, рассомлар, хаттолар, мусиқачилар ва бошқа ҳар хил ҳунар аҳллари кириб келабошлигаран. Жумладан, ўша даврда табиб Ҳусайн жарроҳ ичакни кесиб даволашда чумолидан фойдаланиш усулини ихтиро қилган. Устод Сайид Аҳмад Фижжак, Устоз Шоҳқули Фижжак, Устод Қул Муҳаммад удий, Устод Ҳусайн удий, Устод Шайх Фоний найилар Ҳурносонда ном чиқарган етук мусиқашунос алломалардан бўлган. Наққошлиқ ва хаттолик соҳасида Ҳожа Мирак наққош, Мавлоно Ҳожа Муҳаммад наққош ва буюк истеъод соҳиби Устод Камолиддин Бехзодлар ўз маҳоратлари билан Ҳурносон фахри ҳисобланган.

Захирилдин Муҳаммад Бобур Ҳусайн Бойқаро замонидаги олимлар, фозил ва шоирлар ҳақида гапириб, уларнинг ҳаммасини саромади Мавлоно Абдураҳмон Жомий, шунингдек, Шайхим Суҳай-

лий, Ҳусайн Али Туфайлий, Осафий, Биноий, Сайфи Бухорий Мир Ҳусайн Муаммоий, Мулло Мұхаммад Бадаҳшый, Юсуф Байдий, Охий, Шоҳ Ҳусайн Коший, Ҳилолий Аҳлий, Мұхаммад Солива бошқалар ҳақида қисқача тұхталиб утади. Алишер Навоййин таъкидлашича эса Ҳусайн Бойқаро қадимги турк тилининг тақдирға бефарқ бұлмай, унинг ривожи учун қатор чора-табиғилярни амал оширган. Ұша давр адабий мұхитининг баъзи бир «мұтабар» намояндалари назарида турк тили таҳқиrlаниб, мазкур тилде ижод этиш иходкорнинг истеъдодсизлигини билдирувчи нұқсанлардан бири де ҳисобланған. Бинобарин, араб ва форс тилларига әзтибор берилес турк тили камситилған. Ана шундай шароитда Ҳусайн Бойқаро ёзууда турк тилини истеъмолга киритиш борасыда маҳсус фармон берған. Бу дадил қадам мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий ва мадани ҳәётида катта воқеа булғани шубҳасиз.

Ҳусайн Бойқаро форс ва туркий тилларидан ғазал битиш иқтидорига эга булса-да, асосан турк тилида «Ҳусайнний» таҳаллуси билә ижод этған. Унинг таъби назми ҳақида Алишер Навойй «Мажоли ун-нафоис» асарида шундай ёзади: «Ул ҳазратнинг хуб ашъори амарғуб абёти бағоят күпдур ва девон ҳам муратtab бүлубтур».

Султон Ҳусайн Бойқаро Ҳурросон ҳудудини ички ва ташқи дүңгелден тозалагач, бегамликка, айшу ишратта берилади. Ҳукмдорнинг сунгти йиллари мамлакат ичидә вужудға келған исөнларни бостириш билан үтади. Бу исөнлар ўз үгиллари тарағидан мулк талашиб, күтариған низо ва мажаролардан иборат әди. Аммо шунга қарамай, у қўлидан келганича мамлакатда адолат ва осойишталиктни илм-маърифат ва маданиятни равнақ топтиришга ҳаракат қылған. 1501 йил баҳорида Султон Ҳусайн Бойқаро хасталиғига қарамай Ҳурросон қўшинини йиғиб, Мұхаммад Шайбонийхонга қарши Мовароуннах ҳудудига қараб йўл олади. Шаҳаншоҳ Бобо Илоҳий мавзеига етғанда, ахволи оғирлашиб, қўшинни тұхтатишига қарор қилади. 1506 йил 5 май, душанба куни кечқурун салтанат соҳиби Абулғозий Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро сактайи қалб (апоплексия) касали билан 69 ёшида оламдан үтади.

## ЖАЛОЛИДДИН ДАВОНИЙ

(1427—1502)

Давонийнинг тұла номи Жалолиддин Мұхаммад Асад ас-Сиддикӣ ал-Давоний бўлиб, 1427 йилда Эроннинг Казарун вилоятиги қарашли Давон қишлоғида туғилған. У ёшлигиданоқ илм-фанга, айникиса, мусулмон фикъшунослигига қизиқади ва бошланғич мактабни битирғандан сўнг Шерозга келиб, мадрасада йирик олимлар қулида таҳсил олади.

Кейинчалик у Шероз шаҳрининг қозиси этиб тайинланади. Коғиликдан истеъфога чиққандан сўнг мадрасада мулдарислик қилади.

Кейинчалик яна уз қишлоғига қайтиб, умрининг охиригача (1502) илмий иш билан шуғулланади. У Давон қишлоғида дағн этилган.

Манбалардан маълумки, Жалолиддин Давоний Марказий Осиё олимлари ва шоирларининг ижоди ва дунёқараши билан яхши таниш, Форобий, ибн Сино, Насириддин Тусийнинг илмий мероси, асарларини қунт билан урганган, уларнинг илмий ва инсонпарварлик ғояларидан хабардор бўлган. Ҳусусан, Ҳирот, Византия (Рум), Озарбайжон, Кермон, Ҳурмуз, Табаристон, Ҳурсон, Журжон мутафаккирлари билан алоқа қилган.

Мұҳаммад Али Табризийнинг таъкидлашича, Давоний уз рисолаларини ёзишда «Византия, Ҳурсон, Туркистон олимлари ҳамда Султон Абу Сайд Темурий даврида яшаган машҳур мутафаккирларнинг асарларидан фойдаланган» (Мұҳаммад Али Табризий. Райхонат ул-адаб. Техрон, 1949, 3-том). Давоний Ҳиротда узоқ вақт булиб, у ердаги олимлар билан яқиндан мулоқотда булиб, Абдураҳмон Жомий ва бошқа олим, фозиллар билан учрашади. Шерозга қайтиб келгандан сунг эса Жомий билан муттасил ёзишиб туради. Шунингдек, Давоний Али Қушчи ва унинг рисолалари билан ҳам таниш бўлганлигини ҳисобга олсак, Давонийнинг фалсафий ва ижтимоий қарашининг шаклланишида Яқин ва Ўрта Шарқнинг илмий, маданий меросини үрганиши ҳамда қушни мамлакатлар, айниқса, Мовароуннахрнинг машҳур олимлари билан алоқа қилиши мухим роль ўйнади.

У салафларининг асарларини тарғиб қилиш билан чекланиб қолмасдан, Марказий Осиё мутафаккирларининг маданий, илмий ва фалсафий анъяналарини давом эттирди. Булардан ташқари, қадимги Юнон ва Марказий Осиё мутафаккирлари Арасту, Афлотун, Фаробий, ибн Сино, Насириддин Тусий ва бошқаларнинг асарларини яхши билар, ҳатто уларнинг баъзи рисолаларига шарҳлар ҳам биттан. У қадимги олимлар рисолаларидаги мураккаб ва тушунилиши қийин бўлган муммоловни шарҳлаш билан бирга, улар ҳал қила олмаган ботиний, зоҳирний илмлар ва мушкул масалаларни ечаолар эди.

Давонийнинг илмий мероси бойдир. У фалсафа, мантиқ, фиқҳ, ахлоқшунослик, риёзиёт ва геометрия соҳалари буйича рисолалар ёзган. Ўша даврда унинг асарлари олимлар орасида кенг тарқалган булиб, улар куп фанлар буйича расмий қўлланма вазифасини утаган. Унинг «Рисолайи исботи вожиб» («Заруриятнинг исботи ҳақидаги рисола»), «Рисолат ул-хуруф» («Ҳарфлар ҳақида рисола»), «Рисолайи фитавжих ул-ташбих» («Мажоз талқини ҳақида рисола»), «Рисола дар илм ул-нафс» («Рұхшшунослик ҳақида рисола»), «Тариқати тарбият ул-авлод» («Болаларни тарбиялаш усули»), «Арзнома» («Армияни бошқариш принципи») ва бошқа асарлари маълум. Давоний илмий ишлардан ташқари Навоий сингари «Фоний» тахаллуси билан шеърлар ёзган. Унинг шеърлари Эрон ва Ироқда чоп этилган. Давоний Мовароуннахр ва Ҳурсондаги маданий ютуқлардан уз ижодида кент

фойдаланишга ҳаракат қилғанлиги боис, унинг асарлари шу мамла-катларда ҳам тарқалиб, бу ердаги турли илмий йуналишга, маънавий ҳаётга таъсир курсатди.

Давонийнинг энг йирик рисоласи — «Ахлоқи жалолий»дир. Асар 1470—1478 йиллар орасида ёзилган ва Фарбий Эрон ҳокими, Оқ қўйинлилар сулоласи вакили Узун Ҳасанга бағишлиган. Ушбу китоб 1839 йилда В. Ф. Томпсон томонидан инглиз тилига таржима қилинган. Давонийнинг «Ахлоқи жалолий» рисоласи форс тилида ёзилган булиб, қўлёзмаси дунёнинг жуда күп музейлари ва китобхоналарида мавжуд. Асар 1911 йили Калькуттада чоп этилган. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида ушбу рисоланинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари сақланмоқда. Мазкур асар 1948 йилда Эшонжон Мұхаммадхўжа томонидан узбек тилидаги қисқартма таржимаси амалга оширилган. Рус шарқшуноси А. А. Семёнов Рье ва Браунларга асосланиб, Давонийнинг ушбу рисоласини мусулмон Шарқида машҳур китоблар сирасига кўшади.

Китобда муҳим ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-хаёлий ва ахлоқий ғоялар илгари сурилган. Унда жамиятнинг пайдо булиши, ижтимоий табақалар, давлат ва уни бошқариш йуллари, адолатли ва адолатсиз подшоҳлар, уларнинг фуқароларга муносабати, ахлоқ, таълим-тарбия масалалари батафсил таҳдил этилган.

«Ахлоқи жалолий»да XV асрнинг илфор ахлоқий қарашлари уз ифодасини топганки, китобда Ўрта аср Шарқининг ахлоқий таълимотлари, унинг ютуқ ва камчиликлари акс этирилган. Асар уч қисмдан иборат булиб, уз навбатида улар яна майда булим — «лавом»ларга булинади. Биринчи қисм ахлоқ фанига бағишлиган булиб, муаллиф ахлоқнинг асосий тушунчалари: адолат, шиҷоаткорлик, донолик, иффат ва бошқаларга тұхталади. Иккинчи қисми — «Одамнинг ички ҳолати» деб аталиб, оиласи ҳаётга бағишлиган. Бунда болаларни тарбиялаш ва камолга етказиш, касб-хунарни әгаллаш, хұлқ-одоб қоидалари, нұтқ маданияти, ота-оналарнинг уз болала-рыга муносабатлари ва бошқа шунга үхшаш муаммолар кутарилади.

Охирги учинчи қисм — «Шаҳар (давлат)ни бошқариш ва подшоҳлар сиёсати» деб аталағы. Бу қисмда муаллиф шаҳарларда яшовчи халқлар баҳтли бўлиши учун қандай тадбирү чоралар куриш кераклиги, давлат бошлиқлари билан фуқароларнинг узаро муносабати, жамият ҳақида фикр-мулоҳазаларни илгари суради. Энг сұнгигида Насириддин Тусийнинг «Ахлоқи носирий» рисоласида келтирілган, Афлотуннинг уз шогирди Арастуга қилган васияти берилади.

Давонийнинг ижтимоий қарашларида Форобийнинг таъсири яққол сезилиб туради. Инсон бир узи меҳнат қилиб, яашаш учун ва ҳар куни зарур буладиган нарсаларни кулга киритиши қийин. У якка ҳолда ҳаёт кечириши учун бир узи овқат пишириши, кийим-кечак тикиши, меҳнат қуроллари ясаши ва шунга үхшаш күп ишларни

бажариши, бир неча касб-хунар эгаллашга мажбур булар эди. Бу эса амри маҳолдир. «Одамлар бирлашиб, бир-бирига ёрдамлашганда бошқалар түгрисида чинакамига қайғуради, узаро ёрдам ва алоқа үрнатилганда адолатнинг синалган йўллари пайдо бўлади, яшаши воситалари тартибга тушади, кишиларнинг аҳволи мустаҳкамланади ва инсон зоти сақланади» (Давоний. Ахлоқи жалолий. 135-варак).

Давоний ўзининг «Ахлоқи жалолий» асарида давлат тўгрисида узининг утопик — хаёлий орзусини тасвиirlайди. У ибн Мискавайх, Форобий ва Насириддин Тусий сингари шаҳарни (давлатни) фозил ва жоҳилга бўлади. Фозил шаҳарни тасвиirlар экан, Давоний «бу шундай шаҳарки, унинг қоидаси баҳт-саодатта эришувдан ва баҳтсизликка олиб борадиган ҳодисаларни бартараф қилишдан иборат», дейди (Ўша жой, 152-варак). Фозил шаҳарни ақдли, адолатли ва жасур кишилар бошқариши лозим. Шаҳар аҳолиси, қайси ижтимоий табақадан бўлмасин, қонун-қоидаларга сўзсиз бўйсунадилар. Жоҳил шаҳар аҳолиси эса баҳтсизлик ва фалокат йўлига кирган бўлиб, бундай шаҳар ҳокимлари таъмагир, жоҳил бўладилар, ўз хоҳиш-истаклари ҳамда ҳиссиётларини қондиришга ружу куядилар.

Жалолиддин Давоний ахлоқ ва таълим-тарбия масалаларига ҳам катта эътибор беради. Мутафаккирнинг талқинида, ахлоқ фани кишиларнинг амалий фаолияти, тафаккури билан чамбарчас боғланган. Ахлоқ муаммолари фалсафий, ижтимоий-сиёсий масалалар билан бир қаторда кўрилади.

Давоний ўз рисолаларида илм-фанинг жамиятда тутган ўрнига катта баҳо бериб, кишиларни маърифатли бўлишга, касб-хунарни эгаллашга чақириди. Унинг инсонпарварлик руҳи билан сугорилган ижтимоий ғоялари умуминсоний характерга эга бўлиб, кейинти даврларда муҳим роль ўйнади ва ҳозир ҳам ўз тарбиявий аҳамиятини йўқотгани йўқ.

## ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ

(1440—1505)

XV асрнинг иккинчи ярмида Хуросонда, Алишер Навоий атрофифида тўпланган шоир, донишмандлар орасидаги машҳур ва қомуний талант эгаларидан бири Воиз Кошифийдир.

Камолиддан Ҳусайн Воиз Кошифий таҳминан 1440 йилларда Хуросон вилоятидаги Сабзавор шаҳрининг Байҳақ кентида туғилган, унинг ота-онаси, болалиги ҳақида ҳозирча ҳеч қандай аниқ маълумот йўқ. Бизнингчча, у бошлангич маълумотни Сабзаворда олган, араб, форс, туркий тили, математика, астрономия, кимё, мусиқа, адабиёт, фикрдан тулиқ маълумотга эга бўлган. Ёшлигиданоқ воизлик — суз санъати билан шугулланган. Кошифий Сабзаворда тез орада кўзга

Ўзбекистон Республикаси ФА Беруний номли Шарқшунослик институтининг қулёзма фондида Аҳмад Донишнинг 16 та рисоласи ва яна бир қанча шеърлари киритилган тазкиралар, Фаззолий, Жомий асарларидан кучирган қулёзма нусхалари сақланади, уларнинг купчилиги асл нусха булиб, муаллифнинг ўзи томонидан битилгандир. Масалан, 1877 йилда ёзилган «Мажмуаи ҳикояти Аҳмади Калла» деб номланувчи қулёзмада муаллиф турли тарихий, адабий, фалсафий масалалар ҳақида фикр юритади. У Улугбек даври, Абдураҳмон Жомий таълимоти, шиалар ва сунналарни муросага келтириш масалаларига бағишиланган рисола ҳам ёзган. Рисолада ислом тарихи, ундаги турли йуналишларнинг келиб чиқиши сабаблари, Румий, Фаззолий, Жомий, Бедил каби донишмандларнинг бу масалаларга муносабатлари хусусида баҳс юритилган. Аҳмад Дониш ижтимоий илмлар соҳасида Марказий Осиёнинг утмиш тарихи, фани, адабиёти, давлатчилиги, дини каби масалаларига оид ҳамда узига хос мазмунга эга бўлган шеърий асарлар яратиш билан бирга табиий илмлар, хусусан, астрономия, космология муаммолари устида ҳам муттасил тадқиқотлар олиб борган ва бу соҳада қатор асарлар ёзиб қолдирган. Аҳмад Дониш ўзининг «Мунозир ал-Кавокиб» («Юлдузларни кузатиш») деган асарида фалакиёт илмига оид муҳим масалани ҳал қилган.

Дониш «Рисолат дар илми курра» («Глобус ҳақида рисола») деб номланган асар ҳам ёзган булиб, унда глобуснинг вазифаси, унинг илм учун аҳамияти, ундан амалий фойдаланиш ҳақида гап боради. 12 бобдан иборат бўлган «Изтигрожи бул ва арзи балат» («Жойларнинг узунлиги ва энини улчаш») асарида Аҳмад Дониш жойларнинг урнини улчаб чиқариш осмон меридианини соатларда белгилаш масалалари ҳақида мулоҳаза юритади.

Унинг ижтимоий-сиёсий қарашлари «Наводир ул-вақое», «Рисолаи мухтасаре аз тарихи салтанати хонадони мангития» каби асарларида ўз аксини топгандир. Сунгти асар қисқача «Рисола» номи билан ҳам юритилиб, Бухоро хонлигидаги Мангит сулолаларининг ҳокимияти тарихига бағишиланган ва Амир Дониёл (1758—1785) ҳокимлигидан Амир Абдуллоҳ (1885—1910) ҳокимлиги давригача бўлган тарихни ўз ичига олади. («История мангитской династии» И.А. Нажифованинг кириш сўзи, изоҳи ва таржимаси. Душанбе, 1967 йил). Аҳмад Донишнинг энг муҳим асари «Наводир ул-вақое»дир. Бу асарда жуда куп ижтимоий-ахлоқий масалалар хусусида фикр юритилган.

«Наводир ул-вақое» китоби Аҳмад Донишнинг асосий асари ҳисобланиб, унда олим ўзининг турли масалаларга муносабатини ифодала-гандир. Юқорида кўрсатилган ҳар икки асарда Аҳмад Дониш ижтимоий тараққиётга гов булиб қолган феодал ижтимоий-сиёсий тузум, тартиб ва муносабатларни танқид остига олади. Ўрта аср фалсафасида кенг тарқалган таваккул назариясини танқид этиб, бундай деб ёза-ди: «Агар киши таваккулга ишониб ҳаракат қилмаса, меҳнат қилма-

Кошифий ижодини ўз даврининг йирик тарихчиси Хондамир «Хулосат ул-ахбор» асарида: «Ул жаноб нужум илмида ҳам зўр маҳоратга эга эди, чунончи унинг таъбирлари Қазо ўқи сингари бехатар булаарди. Унинг балоғатоётлик ҳамда фасоҳатсифатлик китоблари кўп ва беҳисоб бўлиб, уларнинг кўпи олиймақом амир Алишернинг атоқли номи билан зийнатланган. Амир Алишернинг инояти ва илтифоти ул жанобнинг ҳол саҳифасига ҳамма вақт тушиб турарди...»<sup>1</sup> — деб таърифлайди. Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарининг тўртингчи мажлисида: «Мавлоно «Хусайн Воиз — «Кошифий» таҳаллус қилур, Савзаворликтур. Йигирма йилга яқин борким, шаҳрдалур ва Мавлоно зуфунун ва рангин ва пуркор воқеъ булубтур. Он фан бўлгайким, даҳли бўлмай. Хусусан, ваъз, ишшо ва нужумки аниң ҳаққидур ва ҳар қайсида муттайин ва машҳур ишлари бор...»<sup>2</sup> — деб юксак баҳоланганд.

Хусайн Воиз Кошифий Ҳирот мадрасаларида талабаларга таълимтарбия берган, Ҳурросон шаҳарларида ахлоқ-одобдан ваъз айтган. Кошифий ўз асарларида ижтимоий-ахлоқий ҳаёт, маънавият масалаларига катта ўрин ажратади, сиёsat, давлатни бошқариш, шоҳ билан фуқаролар ўртасидаги муносабат, жамоани идора этиш, етук инсонни тарбиялаш муаммолари унинг ижодида катта ўрин эгаллайди. Уларда инсонпарварлик, ҳалқпарварлик, юқори маънавиятга эга бўлиш, маданий юксалиш ғояларини илгари суради. Унинг «Ахлоқи Мұхсиний», «Рисолаи Хотамия», «Анвори Сихайлий», «Ахлоқи Карим», «Жавоҳирнома», «Луббо ул-маънавий фи-интихоби маснавий», «Искандар ойнаси», «Тафсири Хусайнний», «Футувватномаи Султоний» каби асарлари шулар жумласидандир. Бу асарлардан Ҳурросон мамлакатида, Ҳиротда ва бошқа шаҳарлардаги мадрасаларда талабалар учун дарслик сифатида фойдаланилган. Мутафаккир бу асарларида ўзининг ҳаётдан олган собоқлари, тажрибалари асосида ҳалқчиллик, инсонпарварлик, ижтимоий ҳаёт, адолат, ҳалоллик, соғдиллик, поклик, тўрилилк, росттўйлик ҳақидаги фикрларини ўқимишти, қизиқарли ҳикоятлар, ривоятлар ёрдамида баён этади. Бу асарлар Кошифий тили билан айтганда «Ҳикмати амалий» асосида ёзилганлигидан бутунги кунда ҳам жуда катта тарбиявий аҳамиятта эгадир.

Хусайн Воиз Кошифий инсонни дунёдаги энг юксак, олижаноб мавжудот деб билади.

Одам номи яхшилик билан эслаш туфайли бокийдир,  
Ҳаётлик айёмининг ҳосили яхши ном орттиришишdir.

— дейди.

<sup>1</sup> Хондамир. «Хулосат ул-ахбор». Навоий замондошлари хотирасида. Т., 1986, 70–71-бетлар.

<sup>2</sup> Навоий А. «Мажолис ун-нафоис». Асарлар, 12-жилд. Т., 1966, 123–124-бетлар.

Бу Воиз Кошифий ахлоқий таълимотининг етакчи гоясидир. У салбий ахлоқий хислатларни қоралайди, уларнинг инсон ҳаётида ва жамият учун катта зарар олиб келишини қатор ҳикоят ва ривоятлар билан кўрсатади.

Хусайн Воиз Кошифий яхшилик, ёмонлик, адолат, виждон, бурч тушунчалари ҳақида ҳам атрофлича фикр юритади. Ахлоқ нормаси — инсонларнинг хулқ, феъл-авторларини тартибга солиб турувчи ахлоқий талаблардир. Кошифий ижобий хислатларни кишиларда булиши шарт бўлган инсоний фазилат деб тушунади ва сабр, ҳаё, иффат, покизалик, событқадамлик, сахийлик, саховат, ростгўйлик, шижоат, камтарлик, ҳуշёрлик, баланд ҳимматлик, диёнатлилик, аҳдига вафолик, андишалик, иззат-хурматни билиш, сир яшира олиш каби фазилатларни бирма-бир таърифлаб ўтади. Кошифий ахлоқли инсон деганда, илм-маърифатта интигувучи, ҳақиқат ва адолатни севувчи, адолатсизликка қарши курашувчи, мард, ҳаракатчан, олижаноб, сахий, очиқ қалб инсонни тушунгган.

Ахлоқ масалаларини ёритишида, Кошифийнинг «Ахлоқи Муҳсиний» (Хусайн Бойқаронинг ўғли — Абдулмуҳсин Мирзога бағишланган) асари энг машҳур ва муҳим аҳамият касб этади. Кошифий ўз асарларида сиёсат, давлатни бошқариш масалалари буйича ҳам ўз даври учун муҳим фикрларни олға суради. У давлатни одилона бошқаришда сиёсатдан фойдаланиш кераклигини алоҳида таъкидлайди:

Жаҳонда пок сув ичмакка бўлмас ҳеч ким қодир.  
Агар шоҳлар сиёсат тифин элига қўлмаса зоҳир.

— дейди.

Сиёсат мамлакатни бошқариш учун зарур, у шахсий иш эмас, балки ижтимоий ишdir. Сиёсат адолатли бўлса, мамлакат, жамият ривож топади, халқ фаровон яшайди. Сиёсатни одил подшоҳлар адолат билан бошқаришлари керак:

Мамлакат тобқой сиёсатдин низом,  
Гар сиёсат бўлмаса етгай халал,  
Топмагай олам иши асло тузут.  
Бесиёсат ҳеч вақту ҳеч маҳал.

Ёки:

«...Адл (адолат.— Р. М.) сиёсатсиз мавжуд бўлмас. Сиёсат йўқ бўлса, сардорлик заиф. На учунким мулку миллат зийнати, дину давлати мусаллаҳи сиёсатдур», деб мамлакат тараққиётини, адолат қарор тошишини ҳам Кошифий сиёсатга боғлади.

Демак, Хусайн Воиз Кошифий шоир, ёзувчи, олимгина эмас, балки доно сиёсатчи ҳам бўлган. Унинг жамият, давлат, тинчлик,

ихтилофларни осойишталык билан ҳал этиш зарурлиги түгрисидаги фикрлари ҳозир ҳам ўз ажамиятини сақлаб келмоқда.

Воиз Кошифий Алишер Навоййининг маънавий даврасида булган XV аср Хурросон ва Мовароуннахр маданиятининг ривожига катта ҳисса күшгани ҳамда ўз асарлари билан сўнгти авлодларга катта таъсир кўрсатган машҳур алломалардан булиб тарихда қолди. У қомусий ижоди билан ўз даври маънавий юксалиши йўлида фаол хизмат қилди ва нафақат Марказий Осиё, балки бутун Шарқ умуминсоний, маданий бойликларини кучайтиришга сезиларли төъсир кўрсатди.

## КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД

(1455–1537)

Мовароуннахр ва Хурросонда XV асрдаги Ренессанс (Ўйғониш даври) вакилларидан бири, Навоййининг шогирди, «Шарқ Рафаэли», улуғ мусаввир ва миниатюрасоз Камолиддин Беҳзоддир.

Нафақат мусулмон Шарқи халқлари, балки бутун дунё халқлари санъати тарихида сезиларли из қолдирган, унинг тараққиётига ўзининг баракали ҳиссасини қўшган забардаст мусаввир Камолиддин Беҳзод 1455 йилда Ҳиротда, қамбағал ҳунарманд оиласида дунёга келган. Беҳзод ота-онадан жуда эрта ажралди. Уни болалигига ёқ Ҳиротнинг машҳур мусаввири Амир Рухилю (Мирак Наққош) ўз тарбиясига олиб, тутинган отаси бўлди ва Камолиддинга туз-нон бериб, кийим-бош билан таъминлаб, ҳар томонлама илмли қилиб вояга етказди. Ёш Камолиддин Мирак Наққош тарбиясида, унинг Ҳиротдаги Ниғористонида (санъат академиясида) наққошлик ва миниатюрасозлик ҳунарининг сир-асрорларини ўрганди.

Беҳзоднинг буюк мусаввир, наққош ва миниатюрасоз булиб этишувининг муҳим омилларидан бири — бу унинг XV асрнинг иккинчи ярмида машҳур шоир Алишер Навоййининг назарига тушиб, бадий-гоявий ва эстетик жиҳатдан улуғ мутафаккир ва ҳомий даҳосидан баҳраманд бўлганлигидадир.

Санъат ва нафосатга иштиёқи ниҳоятда кучли бўялан Беҳзод ғоятда меҳнатсеварлиги, заҳматкашлиги, ўткир ақлу заковати туфайли истедоди кундан-кунга ортиб борди ва тез орада Ҳиротда машҳур мусаввир булиб танилди. Алишер Навоййининг мактабдоши ва дусти, подшоҳ Султон Ҳусайн Бойқаро Беҳзодни ўз хузурига — саройига жаъб қилиб, унга саройдан маҳсус жой ажратиб, ижодий ишлар билан шуғулланishi учун барча шароитларни муҳайё қилиб берди. 1487 йилда эса Беҳзод Султон Ҳусайн Бойқаронинг шахсий фармони билан Ҳиротдаги салтанат китобхонасига бошиқ этиб тайинланди.

XV аср охиirlariga келиб, Ҳиротдаги Темурийлар салтанати авж олиб бораётган тожу-тахт учун ўзаро жангу жадаллар туфайли аста-

секин емирила бошлайди. Бу даврда Беҳзоднинг Ҳиротдаги энг севимли ҳомийси — Мавлоно Абдураҳмон Жомий (1492 йилда), сунг устози Алишер Навоий (1501 йилда) бирин-кетин оламдан утадилар. 1506 йилда Ҳиротдаги Темурийлар сулоласининг сунгти курратли вакили Султон Ҳусайн Бойқаро вафот этади. Шундан кейин шаҳзодалар Ҳирот салтанатини ҳалокат ёқасига олиб келадилар. 1507 йилда кучманчи узбек қабилаларининг хони Шайбонийхон (Шойбекхон) Ҳирот таҳтини осонлик ила ишғол этади. Бундай беаёв тукнашувлар, тоҷу-таҳт учун узлуксиз қонли ур-йикитлар шароитида ҳам Камолиддин Беҳзод Ҳиротда қолиб, ўзининг ижодий фаолиятини давом эттиради. Беҳзод уч йилча Ҳиротда, Шайбонийхон салтанатига қарашли саройда иш олиб бораркан, Беҳзод санъати оллида лол қолган Шайбонийхон унинг ижодий ишларига тусқинлик қилмайди, аксинча, бу улуғ миниатюрасозга ишлаши учун қулай шароит яратиб беради. Беҳзод Шайбонийхоннинг тасвирини айни ўша йиллари чизган булиши керак.

1510 йилда Шайбонийлар лашкари билан Эрондаги кучайиб бораётган Сафавийлар салтанати лашкари уртасида Марв ёнидаги Тоҳиробод деган жойда шиддатли жанг булади. Жанг майдонида Шайбонийхон қушинлари тор-мор этилиб, 1510 йилда Ҳирот Сафавийлар қарамоғига утади.

Шоҳ Исмоил Сафавий 1512 йилда Ҳиротдаги бир неча истеъодли санъаткорларни салтанат пойтахти Табризга олиб кетади. Ҳиротдан Табризга олиб кетилганлар орасида забардаст санъаткор Камолиддин Беҳзод ва унинг бир гуруҳ истеъодли шогирдлари ҳам бор эди. Бу пайтга келиб Беҳзод ва унинг Ҳиротдаги мусаввирик мактабининг довруғи бутун Шарққа тарқалган эди. Беҳзоднинг санъатини юксак қадрлаган Шоҳ Исмоил Сафавий ҳам наққошга ижод қилмоқ учун Табризда барча зарур шароитларни яратиб беради. Беҳзод ва унинг шогирдлари Табризда узларининг ижодий ишларини самарали равишда давом эттирадилар. Беҳзод Табризда Ҳиротдан кейинги нағис тасвирий санъат (миниатюрасозлик)нинг яна бир улкан мактабини яратади. Ўша пайтларда Табризда, умуман Эронда ҳам ички сиёсий аҳвол яхши эмас эди. Усмонли турк султони Салим Пошша Эронга кетма-кет таҳдид солиб туарарди. 1514 йилда Эрон ва Турк қушинлари уртасида Табриз яқинидаги Чолдорон деган кент текисликда қаттиқ ва даҳшатли жанг булиб, бу жангда Сафавийлар салтанати мағлубиятга учраб, Шоҳ Исмоил Сафавий жанг майдонидан қочиб, зурға кутулиб қолади. Бир йилча Табриз турклар қарамоғида булади. .

Беҳзоднинг шүрлиқ бошига яна оғир мусибатлар тушади. Табриздаги энг эътиборли санъаткор булғанлиги учун Беҳзодни, бошқа бир атоқли хаттот Шоҳ Маҳмуд Нишопурини турклар ўз юргига үлжа қилиб олиб кетмасликлари учун подшоҳ амрига биноан, Табриз атрофидаги бир форга мажбуран яшириб қуядилар. Эронда нашр этил-

ган «Саромадани хунар» асарида ёзилганидек, ўз саройидаги хазиналар ичидаги энг нодир ва ноёб гавҳар (Беҳзод)нинг турклар қулига тушиб қолмаслиги учун ишончли жой (бир улкан гор)га яшириб кетган Шоҳ Исмоил Сафавий жангдан енгилиб чиққач, ўз мулозимларидан бирига берган илк саволлари куйидагилардан иборат бўлган: «Беҳзод қалай? Унинг жони омонми? Уни, худой нахоста турклар олиб кетмадими?»

1512–1522 йиллар Беҳзод ҳаётида оғир ва мусибатли йиллар бўлди. Бу йиллар орасида у аҳён-аҳён она юрти Ҳиротга ҳам бориб-келиб турган. 1522 йилда Шоҳ Исмоил Сафавий маҳсус фармон чиқариб, Беҳзодни Табриздаги салтанат китобхонасига бошлиқ этиб тайинлайди. 1524 йилда Шоҳ Исмоил Сафавий вафот этиб, унинг ўрнини ўғли — ёш шаҳзода Тахмасп эгаллайди.

1537 йилда (ҳижрий 942) кексайиб қолган Беҳзод Ҳиротда суюкли жияни ва шогирди Рустам Алиниңг ўлим тӯшагида ётганлигидан хабардор бўлиб, уни курмоқ учун она шаҳри Ҳиротга отланади. Лекин у Рустам Али дийдорига етиша олмайди. Беҳзод Ҳиротга етиб келгунча у оламдан ўтган бўлади. Бундай жудоликдан қаттиқ қайғурган, кекса мўйсафи Беҳзоднинг ўзи ҳам оғир хасталаниб, 1537 йилда Ҳиротда оламдан ўтади. Уни ҳам Ҳирот аҳолиси чуқур изтироб ила, зўр мотам остида шаҳар ёнидаги Кухи Мухтор тоги ёнбағрида, жияни ва шогирди Рустам Алиниңг қабри ёнита дафн қиласилар.

Амир Дўст Ҳошимий деган шоир Камолиддин Беҳзоднинг вафот этган йилини баён этиб, зўр қайғу ва ғам-ғусса ила шеърий тарих битиб, мана бундай қайд этган:

Ваҳид-ул-аср Беҳзод он ке чун у  
Зи батни модари айём кам зод,  
Қазо чун суврати умраш билардоҳт  
Ажал хоки вужудаш дод бар бод.  
Зи ман сувратгаре тарих пурсид,  
Баъл у гуфтам жавоб аз жони ношод:  
«Агар хоҳе ке торихаш бидони,  
Назар афҳан ба «Хоки қабри Беҳзод».

(Мазмуни: Ўз асрининг ягонаси бўлган Беҳзод шундай буюк, беназир зотки, ундан кишилар онадан жуда кам туғилади. Қазо (ўлим) унинг умрига хотима ясади, ажал унинг табаррук тана тупроғини елга топширди. Бу сувратлар Беҳзод вафотининг тарихини (йилини) мендан сўради. Унга ғам-ғусса билан шундай жавоб бердим: «Беҳзоднинг вафот этган йилини билмоқчи булсанг, «Хоки қабри Беҳзод» жумласидан абжад ҳисоби ҳижрий 942-йил чиқади. Бу йил мелодий ҳисобда 1537 йилга туғри келади).)

Демак, Камолиддин Беҳзод узоқ ва сермаҳсул ҳаёт йулини босфутди. Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон, Шоҳ Исмоил Сафавий, Шеҳ Тахмасп Сафавийлар ҳукмронлик қилган турли-туман, бир-бирии бағоят зиддиятли түрт салтанатни, Темурийлар сулоласи пойтахти Ҳиротда ва Сафавийлар пойтахти Табризда яшаб, ўз даврининг барвозоб-уқубатларини ўз кўзи билан кўриб мушоҳада қилди, ўз атрофи ни ураб турган ижтимоий борлиқдан олган ута бой ва ранг-барақ таассуротларини, ички кечинмаларини, латиф ва нозик кайфиятларини ўзининг сермаҳсул ва гузал ижодида зўр маҳорат билан тасвијлади.

Беҳзод миниатюра санъати тарихида маҳсус мактаб — «Беҳзод мафтабини» яратди. У реал ҳаёт ҳодисалари ва табиатни тасвирлаш услуби бўёқлардан фойдаланиш воситалари, расмга олинаётган воқеаларн нозик чизикларда ифодалаш йуллари, инсон кайфияти ва ҳаракатин акс эттира билишдаги усталиги, расм композициясининг кенглигиг турли-туман ҳодисаларни қамраб олабилиши, ажойиб эстетик заруритиши билан миниатюра санъатини янги босқичга кутарди, уни тарихида янги давр яратди. Беҳзод миниатюралари унинг тириклигидәёқ ва айниқса, ундан сўнг мусулмон Шарқида ва Фарбда ҳам санъатнинг энг олий ютуғи деб тан олинди ҳамда энг қимматли санъат асарлари сифатида машҳур булиб кетди.

Беҳзоднинг ижодий меросини урганувчи мутахассислар фикрич унинг ҳозиргача маълум бўлган асарлари тахминан уттизта расм и расмлар туркумидан иборат, улардан энг машҳурлари қуйидагилади:

1. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сига ишланган миниатюралар.
2. Ҳусайн Бойқаронинг мажлислари тасвирланган мураққадаги 4 дан ортиқ гузал миниатюралар.
3. Абдураҳмон Жомийнинг «Соломон ва Ибсол» асарига ишланган расмлар.
4. Амир Ҳусрав Дехлавийнинг «Ҳамса»сига ишланган 33 та ажойи миниатюралар.
5. Саъдийнинг «Бустон» асарига ишланган гузал расмлар.
6. Низомий Ганжавийнинг «Ҳамса» асарига чизилган ноёб ва бензир миниатюралар.
7. Абдуллоҳ Хотифийнинг «Темурнома» асарига чизилган расмлар.
8. Саъдийнинг «Гулистон» асарига ишланган нафис миниатюралар.
9. Абдураҳмон Жомий тасвири.
10. Ҳусайн Бойқаро тасвири.
11. Шайбонийхон тасвири.
12. Шоҳ Тахмасп тасвири.
13. Шоир Абдуллоҳ Хотифий тасвири.
14. Туялар жангиг.

15. Рақси дарвиш (дарвишлар рақси).

16. Самарқандда мадраса қурилиши ва ҳоказолар.

Беҳзод ўта саҳий ва меҳрибон устод сифатида жуда кўл атоқли миниатюрасоз, мусаввир ва наққошларни тарбиялаб вояга етказди.

XV–XVI ва ундан сўнгги асрларда Камолиддин Беҳзод шогирдларини Ҳиротда, Табризда, Бухорода, Самарқандда, Шерозда, Ислаҳонда, Йистамбулда, Ҳиндистонда, шунингдек, улкан Шарқнинг бошқа жуда кўплаб шаҳарларида учратиш мумкин эди. Султон Муҳаммад Қосим Али Чехракушой, Дарвиш Муҳаммад, Устод Муҳаммадий, Музаффар Али, Юсуф Мулло, Рустам Али, Шайхзода Хурросоний, Шоҳ Музаффар, Мир Сайд Али, Маҳмуд Музаҳиб, Абдулло каби ўндан зиёд атоқли мусаввирлар Беҳзод мактабини, унинг услубини ўз замоналари тақозоларига биноан зўр муваффақият билан давом эттирганлар.

Беҳзод мактабининг ҳозирги замондаги давомчиларини Афғонистонда (Устод Муҳаммад Сайд Машъал), Эронда (Карим Тоҳирзода Беҳзод), Узбекистонда (марҳум Устод Чингиз Аҳмаров) ва бошқа Шарқ ўлкаларида ҳам кўриш мумкин. Ҳозирда Шарқ ва Оврўпо мамлакатларида санъат, рассомчилик тарихини ўрганишда миниатюра чизиш тарихи, хусусан, Беҳзод миниатюра мактаби алоҳида ўрганилади ва тадқиқ этилади ҳамда маҳсус мактабларда ўқитилади.

Беҳзоднинг мусаввирлик маҳорати ва мактаби Темурийлар даври маданияти тарихига бағишиланган барча тадқиқотларда ўз даври санъатининг ажойиб ютуғи сифатида алоҳида таъкидлаб ўтилади.

Беҳзод нафақат Шарқ халқлари мусаввирчилиги тарихида, балки жаҳон расм санъати тарихида ўчмас из қолдирган, ўзининг ажойиб ва қимматбаҳо миниатюра дурданалари билан бутун дунё маданияти тарихида салмоқли ўрин олган буюк ва забардаст санъаткордир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан, 2000 йилда Камолиддин Беҳзоднинг 545 йиллик таваллуд куни кенг нишонланди.

## ФАСИҲ ҲАВОФИЙ

(1375–1442)

Темур ва Темурийлар даврида яшаб ижод этган алломалардан бири Фасиҳ Аҳмад Жалолиддин Муҳаммад Ҳавофий 1375 йилнинг 28 сентябрида Ҳиротда туғилиб, шу ерда таълим-тарбия олгандан сўнг, 1405 йили давлат ишлари билан Самарқандга жунатилгач, 1415 йилгача нуфузли амирлардан Алоуддин Али Тархон, кейин Шоҳруҳ Мирзо саройида хизмат қилган. Ҳаётининг сунгги йилларида Шоҳруҳнинг ўғли Бойсунқур Баҳодирхон саройида девонлик мансабига тайинланган. Бироқ кўп вақт ўтмай Темурийлар саройидаги хизмат-

дан бутунлай четлаштирилган ва бизга маълум бўлган бирдан-бир асари «Мужма ут-таворих» («Тарихий саналар йигиндиси»)ни ёзишга киришган (Бу асар «Мужмаи Фасиҳий» ҳам деб юритилган).

Гарчи Ҳавофий ушбу тўпламни сарой ишларидан четлатилгандан кейин, яъни 1433–1442 йилларда тузган бўлса-да, бироқ китоб дебочасидаги ёзувда асардаги маълумотларни муаллиф илгарироқ, тарихий китобларни уқиб юрган кезларида қисқа-қисқа тарзда қаламга олиб юрган. «Бу нусхани,— дейди муаллиф дебочада,— узоқ йиллар давомида улуғларнинг тарихларидан ва салафларнинг китобларидан жамладим».

«Мужма ут-таворих» бизнинг давргача кам нусхада етиб келган. Шундай асар мавжудлиги ҳақида фақат XIX аср охирларида гина илмий адабиётда қисқача маълумотлар келтирилган. Бу асар В. В. Бартольд, Э. Браун, В. Розен, Дорн, Х. Раверти сингари олимлар эътиборини тортган эди. Китоб муқаддима, икки мақола ва хотимадан иборат бўлиб, муқаддима Одам Атодан тортиб Мұҳаммад пайғамбарнинг таваллудигача (570–580) бўлган тарихни ўз ичига олади.

Биринчи мақола «Муқаддима»нинг бевосита давоми бўлиб, «Пайғамбарнинг 53 ёшигача, яъни унинг Маккадан Мадинага қилган ҳижратига (622 йил) қадар бўлган тарихдан ҳикоя қиласи. Асарнини асосий ва катта қисми иккинчи мақола бўлиб, 622 йилдан 1442 йилгача бўлган воқеалар шарҳидан иборат.

Бизга маълум бошқа қўлёзма нусхаларда хотима учрамайди. Бу қисм муаллиф ватани бўлмиш Ҳирот шахри ҳақидаги баъзи маълумотларни ўз ичига олиши кўзда тутилган.

Шунингдек, «Мужма ут-таворих»да Амир Темур авлодига бағишланган «Фойда» деб аталувчи бўлим бор. Асарда тарихий фактлар ўзига хос бир йўсинда шарҳланганки, воқеалар жараёни бир-бирига узвий боғланган, турли-туман тафсилотлар жуда қисқа тарзда баён қилиниб, содир бўлган йиллари тартиби билан жойлаштирилган. Биз учун «Мужма ут-таворих»нинг Ҳавофий яшаган даврга ва бунга бевосита яқин бўлган йилларга оид маълумотлари, яъни асар иккинчи мақоласининг охирги қисми қимматлироқdir. Шунинг учун бўлса кепрак, асарни нашрга тайёрлаган Маҳмуд Фаррух, асардаги 1301–1442 йиллар воқеаларинигина ўз нашрига киритган. Шу йилларда содир бўлган сиёсий воқеаларга келсак, асарда Марказий Осиё ва Урта Шарқ мамлакатларида мўгуллар хукмронлигининг инқирозга учраб, астасекин емирилиб бориши, ажнабий хукмдорлар зулмига қарши ерли халқлар орасида норозилик ҳаракатлари акс эттирилган. 1365 йили Самарқандда тарқалган сарбадорлар ҳаракати тобора кучайиб, мўгуллар хукмронлиги инқирозини тезлаштирганлиги, мўгуллар давлати ўрнида Темур давлатининг ташкил топиши ва юксалиши каби муҳим воқеаларнинг холосаси қисқа-қисқа баён этилиб, ой ва йиллари билан кўрсатилган.

«Мужма ут-таворих»да маданий турмушга, шоирлар, олимлар каби 93 даврининг кузга кўринган зиёлилари ҳаётига оид маълумотлар ҳам жуда кўп учрайди. Ҳавофий айрим шахслар тўғрисида гапирав экан, уларнинг ёзib қолдирган асарлари, вафот қилган йили, бაъзан туғилган йилларини ҳам албатта эслатиб утади. Масалан, «Нузҳат ал-арвоҳ» («Рұхлар ҳузырида») асарининг муаллифи Амир Саййид Олим ал-Ҳусайнин вафот қилган йилини (1318 йил, 11 декабр) келтириб, шу билан бирга Ҳиротда ўлганлигини айтади, унинг тасаввуфда шуҳрат топганлигини, Баҳоуддин Закариё Мултонийнинг муриди бўлганлигини ва бир қанча асар ёзганлигини эслатади.

Темур ва Темурийлар даврида олиб борилган ободончилик ишлари ҳақидаги маълумотлар ҳам дикқатта сазовордир. Бу даврда бунёд этилган йирик мадрасалар, қазилган ариқлар ва бошқа ишларнинг бажарилган йилларини ҳам Ҳавофий мунтазам равишда қайд қилиб боради. Унинг маълумот беришича, Амир Темур Чингизхон даврида харобага учраган Банокат мавзеидаги шаҳарни 1382 йилда қайтадан тиклаб, унга Шоҳруҳия деб ном берган. Шунингдек, 1403 йили Темур Байла-кон шаҳрини (Аракс дарёсининг Курага қўшиладиган ерида жойлашган) ҳам қайтадан тиклаган ва у шаҳарга сув келадиган Барлос каналини қаздирган. 1404 йили эса Шоҳруҳ фармони билан Ҳирот шаҳри, унинг дарвозалари ва буржлари қайта тикланган.

Булардан ташқари, ҳар хил табиий оғатлар, ҳалқ бошига тушган қийинчилклар ҳам алломанинг дикқатидан четда қолмаган. «Мужма ут-таворих»да 1337 йили Ҳирот вилоятларидан бири булмиш Ҳавофда, 1363 йили Ҳиротда, 1405 йили Нишопурда содир бўлган зилзилалар, 1350 йили Яздда, 1388 йили Табризда, 1406 йили Ҳиротда воқе бўлган очарчилик ва қаҳатчилик, 1345 йили Хоразмнинг Журжониясида (Қўхна Урганчга яқин), 1346 йили Табризда, 1459 йили Озарбайжонда тарқалган вабо касаллиги ҳақидаги маълумотлар ҳам келтирилган.

Шуниси эътиборга сазоворки, «Мужма ут-таворих» муаллифи ўзи яшаган даврга оид маълумотларни кўп ҳолларда кўриб-билганлари асосида ёзган, чунки у умрининг анчагина қимини Темурий ҳукмдорлар хизматида ўтказганлиги учун ўз даври ҳаёти билан яқиндан таниш бўлган, Темурийлар қўли остидаги вилоятларнинг асариятини иш жараённида бориб кўрган.

Ҳавофий воқеаларни бетараф туриб ёритишга ҳаракат қилганлигини тадқиқотчилар бир неча бор қайд этиб ўтганлар. В. В. Бартольд бу ҳақда шундай ёзган эди: «Шоҳруҳ даврида Аҳмад ибн Мухаммад Фасих ал-Ҳавофий ўзининг сарой кирдикорларидан холи бўлган «Мужмай Фасихий» номли асарини яратди. Бу асар... катта бир тарихий жараённи ўз ичига олган бўлиб, унда воқеалар йилма-йил, бирин-кетин баён этилган. Асар муҳтасар бўлишига қарамай, жуда фойдалидир, у бизга Ўрта Осиё ва Эрон шайхлари ҳамда адиблари ҳақида янги маълумотлар беради».

Шундай қилиб, Ҳавофийнинг «Мужма ут-таворих» асари XIV—XV асрдаги Марказий Осиё мамлакатларининг сиёсий ва маданий ҳаётига оид қимматли манбадир. Унда келтирилган тарихий воқеалар, саналар ва бошқа маълумотлар Темур ва Темурийлар даврини янада оидинлаштиришга, бу давр тарихини янада яхшироқ билишга катта ёрдам беради.

## НИЗОМИДДИН ШОМИЙ

(XIV аср — XV асрнинг боши)

Марказий Осиёнинг XIV—XV аср, яъни Темур ва Темурийлар даврида яшаб ижод этган моҳир тарихнавис, ёзма ёдгорликларнинг энг дастлабкilarидан бири — Амир Темур топшириғи билан ёзилган. «Зафарнома» асарининг муаллифи Низомиддин Шомийдир.

Низомиддин Шомий ҳаёти ва южоди ҳақида ўз асарларидан баъзи бир кичик-кичик лавҳалардан ташқари Ўрта асрлар ёки ҳозирги замон манбаларидан маълумотлар жуда кам. Туғилган йили номаътум. Унинг Шомий ёки Шанби Фозоний нисбаси асосида, у аслида Табриз чеккасидаги Шанби Фозон деб аталган мавзедан бўлган, деб тахмин қилинади. Мавлоно Низомиддин 1398 йилнинг август ойида Амир Темур аскарлари Бағдод шаҳрини забт этганликлари ҳақидаги воқеаларни қаламга олар экан, ўзи биринчи бўлиб шаҳардан чиқсанлиги, ҳазрат Соҳибқирон билан учрашиб, сұхбатида бўлғанлигини эслатиб ўтади («Зафарнома», Тауэр нашри, 1-жилд, Байрут, 1937 й., 139-бет.). Демак, у 1398 йили Бағдодда яшаган ва унинг Амир Темур билан биринчи учрашуви ана шу йили содир бўлган. Амир Темур билан иккичи учрашуви эса «Зафарнома»нинг 1400 йил воқеалари баёнида учрайди. Ўша йили октябр ойида Амир Темур Шом (Сурия) чегарасида жойлашган Ҳалаб шаҳрини қамал қилган. Муаллифнинг ёзишича у ўша вақтда Ҳижоз сафарига кетаётган экан, шаҳар муҳофазачилари ундан шубҳаланиб тухтатганлар ва қалъя рубарусидаги бир бинога қамаб кўйганлар. Бу ердан у қалъянинг забт этилишини ўз кузи билан кўрган (Ўша жой, 227-бет). Шу давр муаррихларидан бўлган Ҳофизи Абрунинг ёзишича, жангдан сўнг Жалол ус-Ислом номли бир амир Низомиддин Шомийни Амир Темур ҳузурига олиб келган, ҳазрат Соҳибқирон унга илтифотлар кургазиб, яхши қабул қилган («Зафарнома», Тауэр нашри, 2-жилд, Прага, 1956 й. 160-бет).

Жумладан, Ҳофзи Абру яна 1412 йил воқеаларини баён этар экан, Низомиддин Шомийни марҳум сифатида тилга олади (Ўша жой, 14-бет).

«Зафарнома»нинг ёзилиш тарихи ҳақида шунни таъкидлаш лозимики, Мавлоно Шомийнинг ўзи берган маълумотга кура, ҳижрий 804

йили (1401 йил 11 августдан 1402 йил 1 август оралығи) Амир Темур уни хузурига чорлаб, ўз юришлари битилган йирик бир асар яратыша ундаған. Соҳибқирон ўша даврга қадар мұнший ва котиблари тарафидан тузилған битиклар уни қониқтирумaganligini ait-gan. Езилажак асар бир томондан, авом халққа тушунарлы, содда, равон тилда ва айни пайтда маърифатли кишилар зытиборига ҳам лойиқ тарзда ёзилишини үқтирган. Мавлоно Низомиддин бу масъулиятни ўз бўйнига олган («Зафарнома», 1-жилд, 10–11-бетлар).

Табиийки, бу учрашувдан сўнг Низомиддин Шомий сарой тарихчиси сифатида Амир Темурнинг кейинги барча юришларида унга ҳамроҳлик қилған. 806 йил муҳаррам ойида (1403, июл-август) Грузиядаги Биртис қальяси забт этилишини ёзар экан, Низомиддин Шомий бу воқеани ўзи кузаттанлигини айтади. Шомий юришлардан бирида ийди рамазон муносабати билан йигилған жамоага ваъз айтиб, сўнг ийд намозида пешнамозлик қилған. Бу воқеани машхур тарихнафис Шарафиддин Али Яздий шундай тавсифлаган: «Шу йил рамазон ийдини (806/1404) ҳазрат Соҳибқирон Оби-Оғлиқ ёқасида кутди. Замонанинг балоғатли фузалоларидан бўлган ва ҳазрат Соҳибқироннинг эзгуликлари ва фахрли ишларидан бир қанчасини баён қалами билан ифодалаган Мавлоно Низомиддин Шанбий йид хутбасининг қироатига ва намозига киришди» (Яздий, «Зафарнома», Тошкент, 1972, 449-б).

Тахминан, шу вақтда, ёхуд бир неча ҳафта кейин Мавлоно Низомиддин Соҳибқирон юришларини 1404 йил баҳоригача етказиб, асарни тамомлаган ва уни Озарбайжондан Самарқандга қайтиш тарадуддидиа бўлган Амир Темурга тақдим этган (Бундан кейинги — Темур вафотигача (феврал, 1405) кечган воқеалар, кейинроқ Ҳофизи Абу томонидан «Зайл» — (Илова) тарзида ёзилган.

Низомиддин Шомий «Зафарнома» асарини ёзиш учун қандай манбалардан фойдаланганлиги хусусида, афсуски, на ўзининг ва на замондошлари асарида учрайди. Лекин «Зафарнома» асарини тадқиқ этиш натижасида Шомий қуйидаги манбалардан фойдаланганлигини тахмин қилиш мумкин:

а) Амир Темурнинг котиблари назм, насрда форсий, туркий тилларida ёзган кундаликлар ва битиклар. Булар Низомиддин Шомий ва ундан кейинги муаллифлар даврида мавжуд бўлган бўлса ҳам, бизнинг давларга етиб келмаган ёки ҳали топилганича йўқ;

б) муаллифнинг ўзи кейинги 2–3 йил давомида Амир Темур юришлари шоҳиди бўлган ва ёзиб олган воқеалар;

в) Амир Темурнинг Ҳиндистонга юриши билан боғлиқ воқеалар баён этилган Фиёсiddин Алиниң «Амир Темурнинг Ҳиндистонга юриш кундалиги» асари.

«Зафарнома» тарихий асар сифатида XIV–XV асрларда Темур ва Темурийлар ҳукмронлиги давридаги Марказий Осиё, Олтин Урда хон-

лиги, Озарбайжон, Эрон, Афғонистон, Ироқ, Сурия, Миср, Турция ва бошқа мамлакатлар тарихига оид воқеаларни ўз ичига олган. Асар муқаддимасида Амир Темур тарих саҳнасига чиққан 1360 йилга қадар Марказий Осиёда хукмронлик қилган чингизий хукмдорлар ҳақида қисқача маълумот берилган. Сунгра Амир Темурнинг XV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрнинг бошида қилган юришларининг батафсил баёни келтирилган. Асар 1404 йил март ойида Амир Темурнинг Озарбайжонда Аррон Қаробогида турғанилигининг баёни билан якунланиб, унинг вафотигача, яъни, бир йилча вакт ичидаги содир бўлган воқеалар ёритилмай қолган.

Низомиддин Шомий асарида келтирилган воқеалар силсиласи кейинги тарихнавислар томонидан давом эттирилган. Жумладан, Темурийлар Шоҳруҳ Мирзонинг тарихнависи Ҳофизи Абру «Мажмуа» («Тўплам») асарини ёзар экан, Шомийнинг «Зафарнома»сидан ҳам фойдаланган ва воқеалар тизмасини Шоҳруҳ Мирзо хукмронлик қилиб турган 1420 йилгача давом эттирган. Кейинроқ, 1423 йили Шоҳруҳ Мирzonинг ўели Бойсунгур Мирзо (вафоти — 1433) фармони билан Ҳофизи Абру тўрт жилдан иборат «Мажмуа уг-таворихи сultonия» («Султонга аталган тарихлар йигинидиси») деб аталган асарни ёзишга киришган ва уни 1427 йил воқеаларининг баёни билан туттаган.

Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асари ўзида жамланган тарихий маълумотларнинг ишончлилиги билан XV—XVI асрларданоқ бошқа асарлар учун бош манбалардан бири бўлиб хизмат қилган. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» («Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки дengизнинг қўшилиш жойи»), Фасиҳ Ҳавофийнинг «Мужмаи Фасиҳий», Муҳаммад Фазлуллоҳ Мусавийнинг «Тарихи ҳайрот», Хотифийнинг назмда битилган «Темурнома», Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» («Поклик бояни»), Ҳондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» («Яхши хислатлар») ва бошқа бир қатор асарлар шулар жумласидандир. Уларнинг ҳар бирида илгариги асарлардаги воқеалар ҳар хил таҳирларда қайтарилиши билан бирга бошқаларида учрамайдиган воқеалар тафсилоти ҳам мавжуд.

Шомий «Зафарнома»сининг фақат икки қўлёзма нусхасигина сақланиб қолган. Биринчisi, Амир Темурга тақдим этилган қўлёзмадан 1425 йилда кўчирилган нусхаси бўлиб, у Истамбулдаги «Нури Усмония» масжиди кутубхонасида, 3367-инвентар рақами остида мавжуд. Иккинчisi, муаллиф Амир Темурнинг набираси Мирзо Умар баҳодир ибн Мироншоҳ (вафоти — 1409)га тақдим этган қўлёзмадан 1434 йили кўчирилган нусха бўлиб, у Лондондаги Британия музейи кутубхонасида, 23980-инвентар рақами билан сакланади.

Таниқли матншунос олим Феликс Тауэр мазкур қўлёзмалар номиси бўлганлиги сабабли, уларни Ҳофизи Абронинг «Зубдат уг-тавориҳи

рих» асари билан солишириб тадқиқ этиш асосида «Зафарнома» нинг икки жилдан иборат илмий-танқидий матнини нашр эттирган. Биринчи жилдига фақат «Зафарнома» илмий-танқидий матни киритилган. Иккинчи жилдига эса нашрнинг сўзбоиси, қўшимчалар, нусхалардаги фарқлар берилган.

Асар кейинги вақтларда Шарқ ва Фарб олимлари томонидан ўрганилиб, ундан қисқартирилган таржималар амалга оширилган. Жумладан, 1949 йили Анқарада Нежоти Луғол деган олим Ф. Тауэрнинг нашри асосида қисқартириб, турк тилида таржима қилган. Ундан ташқари, шарқшуносликка оид бир неча китобларда бу асардан терма таржималар эълон қилинди. Бу таржималар тўлиқ бўлмаса-да ноёб бўлиб қолган. Шуни назарга олган ҳолда кейинги йилларда УзРФА Абу Райхон Беруний номли Шарқшунослик институтида «Зафарнома»нинг ўзбек тилига тўлиқ илмий-изоҳли таржимаси Ҳофизи Абру «Илова»си билан бирга нашрга тайёрланди. Унга институтнинг сошибик илмий ходими, марҳум Юнусхон Ҳакимжоновнинг Ф. Тауэр нашри бўйича қилинган дастлабки қоралама таржимаси асос қилиб олинган.

## ШАРАФИДДИН АЛИ ЯЗДИЙ

(Vaфоти — 1454 йил)

Шарафиддин Али Яздий Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг XIV ва XV аср бошларидаги тарихидан баҳс юритувчи машхур «Зафарнома» асарининг муаллифи сифатида тарих зарваракларида мангу мұхрланган муаррихлардан бўлиб, унинг ҳаёти ва фаолияти асосан XV асрнинг биринчи ярмига түғри келади.

Шарафиддин Али Яздий Эроннинг Язд шаҳрига қарашли Тафт мавзеида (Тафт-и-Язд деб ҳам аталган), таҳминан XIV асрнинг охирги чорагида туғилган. Унинг таржимаи ҳоли ҳақидаги маълумотлар ўз асарлари ва замондошларининг асарларида келтирилган далиллардан иборат. Унинг отаси — Шайх Ҳожи ўз даврининг йирик олимларидан саналиб, тариқат аҳли — сўфийлар билан ҳамфир бўлган. Манбаларда айтилишича, Шарафиддин Али ҳам ёшлигига Язд сўфийлари билан яқин алоқада бўлган.

Шарафиддин Али Яздийнинг бундан кейинги фаолияти ҳақидаги маълумотлар, унинг Шерозда Темурийлар саройида хизматда бўлганлиги билан боғлиқ. Шоҳрухнинг ўғли Мирзо Иброҳим Султон 1414 йили отаси томонидан Эроннинг Форс вилоятига (маркази Шероз) ҳоким қилиб тайинланади. 1435 йилгача Шарафиддин Али ана шу шаҳзоданинг саройида хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Шарафиддин Алидан қолган илмий-адабий мерос, адабиёт ва тил услуби, шеърият назарияси, илми

нужум, фалсафа, тасаввуфнинг назарий масалалари буйича ёзилган асарлардир. «Шараф» тахаллуси билан шеърлар ёзганлиги ҳам маълум.

Яздийнинг 1446 йили Ҳиротга келгани, бу ердан Самарқандга, Улугбек хузурига борганигини ҳам тахмин қилиш мумкин булса-да, бироқ бу узоқ вақт давом этган эмас. Афтидан, Шоҳруҳ вафотидан (1447) кейин тез орада Шарафиддин Али уз ватани Тафтга қайтиб келади ва бу ерда хонақоҳга жойлашиб, умрининг охиригача шундай яшайди. У ҳижрий 858 (1454) йили вафот этади, шу хонақоҳга дағн этилади.

Шарафиддин Али Яздий қаламига мансуб илми нужум, шеърият ва тариқат назариясига оид бир қанча асарлар борки, уларни бирмабир санаб утишни лозим топдик:

1. «Ҳулал-и мутарраз дар муаммо ва лугаз» («Муаммо ва топишмоқлар борасида безакли жома»).

2. «Мунтахиб-и Ҳулал» (Мазкур асарнинг қисқартирилган баёни).

3. «Мавотин ё манозир дар муаммо» («Муаммо фанида тураг жой ва манзаралар»).

4. «Қунҳ уз-зод дар илм-и вақф-и аъдод» («Ададлар мувофиқлиги илмида ҳақиқат чўққиси»).

5. «Ал-Китоб фи илм-и устурлоб» («Устурлоб илми бўйича китоб»).

6. «Девон-и Шараф-и Яздий» («Шарафи Яздийнинг шеърлар туплами»).

7. «Ҳақойиқ ат-таҳлил» («Таҳлил, яъни «Ло илоҳа илла-л-лоҳ» нинг ҳақиқатлари»).

8. «Шарҳ-и «Қасида-и бурда» («Қасида-и бурда»нинг шарҳи).

9. «Шарҳ-и «Асамо-и Аллоҳ» («Аллоҳ исмлари»нинг шарҳи»).

10. «Тухфат ул-фақири ва ҳадят ул-ҳақири» («Фақирининг тухфасию ҳақирининг ҳадаси»).

11. «Муншаот» («Хатлар туплами»).

12. Махсус номга эга булмаган, аммо Амир Темурнинг тарихини шеърий баён этилган асар.

Ушбу асар номларидан кўриниб турибдики, Шарафиддин Али Яздий уз даврининг анчагина билимлари буйича озми-купми маълумотга эга булган. Шунинг учун ҳам у Темурий шаҳзодалар саройида хизматга таклиф этилиб, замондошлари орасида маълум даражада шуҳрат қозонган. Унинг тарихнавислик фани намояндалари қаторидан ўрин эгаллашига сабаб булган «Зарафнома» асарининг битилиш тарихи ҳам муаллифнинг уз даврининг етакчи муаррихларидан бири булганлиги ни курсатиб турибди.

«Зарафнома» асари — «Фатҳномайи соҳибқирон», «Тарихи жаҳо-кушойи Темурий» деган номлар билан ҳам аталади, лекин тарих фанида у күпроқ «Зарафнома» номи билан машҳур. Асар тузилиши жиҳатидан икки қисмга: Темурдан олдинги давр тарихидан умумий

тарзда сўзловчи «Муқаддима» ва бевосита Темур даври тарихини ёритувчи асосий қисмга бўлинади. Ҳар бир қисм учун алоҳида-алоҳида ёзилган, кўп жиҳатдан муштаракликка эга бўлган сўз бошиларда муаллиф мазкур қисмларнинг ёзилиш тарихини ёритиб беради. У ҳар икки қисм ҳам Шоҳрухнинг ўғли Иброҳим Султоннинг ташаббуси билан ёзилди, деб кўрсатади.

Муаллифнинг таъкидлашича, Иброҳим Султон ўз бобоси Амир Темур ҳақида маҳсус китоб ёзилишини ният қилган ва ҳижрий 822 (1419–20) йилда ўз вақтида баҳший ва муншийлар томонидан Темур ҳақида туркий, форсий тилларда ёзиб қолдирилган мавжуд маълумотларни йиғиб келтириш ҳақида фармон чиқарган. Бу иш амалга ошгандан сўнг мазкур маълумот-хужжатларни ўрганишга киришилган.

«Муқаддима»да бу ҳол қўйидагича баён этилган: «Тўпланилган маълумотлар воқеаларни ўз кўзи билан кўрган кишилар ҳикояси билан таққослаб бўлингач, бу маълумотлар билан Шарафиддин Али танишиб чиқиб, Иброҳим Султонга ахборот бериши лозим бўлган. Иброҳим Султон маъкуллагандан кейин эса Яздий «Муқаддима»ни тузишга киришган».

Темур давридан баҳс этувчи қисм — «Зафарнома»нинг бош сўзбoshiдан қўйидагиларни билиб оламиз: «Подшоҳликнинг барча томонларидан Темур ҳақидаги туркий ва форсий тилларда баён қилинган ҳикояларнинг ҳамма шеърий ва насрый нусхалари тўпланиб бўлингач, маълумотлар билан танишиш учун учта гурӯҳ тузилган. Туркий ва форсий тилларнинг билимдонлари икки гурӯҳни, воқеаларни ўз кўзи билан кўрганлар эса бир гурӯҳни ташкил этганлар. Дастреб Темур ҳақидаги ҳар бир ҳикоя ўқилган, агар унинг мазмуни воқеаларни ўз кўзи билан кўрган кишининг талқинига түғри келмай қолса, Иброҳим Султон ҳақиқатни тиклаш учун турли шаҳарларга чопарлар юбориб, мазкур воқеани Темурнинг яна бошқа замондошларидан суриштирган ёки кўшимча маълумотлар тўпланган. Ана шу кўшимча гувоҳлар ҳикоятларини ҳам тинглагач, Иброҳим Султон айтиб турган ва котиблар ёзиб борган. Шу тарзда асарнинг дастреблеки хомаки нусхаси тузиб чиқилган. Сўнг ана шу хомаки нусха асосида Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» асарини ёзган. Иброҳим Султоннинг қатъий буйругига асосан китобни ёзиш вақтида саналар, жой номлари, улар орасидаги масофа ўлчовлари ҳақидаги барча маълумотлар жуда синчиллаб текширилиши лозим бўлган. Шарафиддин Али Яздийдан эса асарни жонли тил билан тушунарли қилиб ёзиш талаб этилган ва шунингдек, хужжатларга қатъий риоя қилиши, Иброҳим Султоннинг бевосита шахсий назорати остида тузилган дастреблеки хомаки ёзувдан асло четта чиқмаслиги ҳамда ҳеч нарсани бўяб кўрсатмаслиги шарт қилиб қўйилган».

«Зафарнома» асарини үқир эканмиз, Шарафиддин Али Яздий да-лий маълумотларни келтириш борасида ҳақиқатан ҳам Иброҳим Султон қўйган шартларга риоя қылганлигини курамиз. Бироқ бу шартни асарнинг тил услуби, айрим шахсларнинг сифатларини ҳаддан зиёд тавсифлаш ҳолларига нисбатан риоя қилинган деб булмайди. Асар тил услуби жиҳатидан форс тилининг уша XV аср адабий услубини мукаммал билган саводхон учун мулжалланган, ҳатто уни уз даври учун тарихий воқеалар асосида ёзилган бадиий асар сифатида ҳам қабул қилиш мумкин.

Асарнинг «Муқаддима» қисмини Шарафиддин Али Яздийнинг узи «Тарихи жаҳонгир» деб номлаган, лекин фанда «Муқаддима» номи билан машхур ва «Зафарнома»нинг ажралмас қисми ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳажми катта бўлганлиги туфайли бўлса керак, қулёзма нусхалари алоҳида мустақил асар сифатида ҳам тарқалган. У сузбоши, икки фасл ва хотимадан иборат.

«Муқаддима»дан кўзда тутилган мақсад Темур шажарасини баён этиш ва унинг үзидан олдин ўтган ҳукмдорлардан давлат арбоби ва лашкарбоши сифатидаги устунлигини исботлаб беришдан иборат-дир. Шу муносабат билан муаллиф туркий қабилаларнинг келиб чиқиши тарихи ва Чингизхоннинг турт улус тарихини, XIV аср биринчи ярмида Марказий Осиё ва унга қўшни мамлакатлардаги сиёсий вазиятни баён этади, тарқоқлик ва узаро урушларнинг кучайишини ва бу ҳол Мовароуннаҳрда марказлашган давлат тузган Темурнинг тарих майдонида пайдо бўлишига бир қадар шарт-шароит яратилганлигини курсатиб беради. Шу нуқтаи назардан қараганда Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»га Темур даври тарихидан ташқари, ундан олдинги асрлардаги тарихни ҳам (гарчи умумий тарзда бўлса ҳам) киритиши тасодифий эмас.

«Зафарнома» асарининг асосий қисми эса муаллифнинг дастлабки режасига кура, учта мақоладан иборат бўлмоғи лозим бўлган. Биринчи мақола Темурга, иккинчиси, унинг угли Шоҳрухга ва учинчиси, Шоҳрухнинг угли ва Шарафиддин Али Яздийнинг ҳомийси Иброҳим Султонга бағишланиши кузда тутилган. Бинобарин, «Зафарнома» асари фақат Темурнингина эмас, балки Темурий шаҳозадалар Шоҳрух (1405–1447) ва Иброҳим Султон (1414–1435) лар ҳукмронлик даври тарихини ҳам ёритиши керак бўлган. Бироқ «Зафарнома»нинг ҳозирда, фанда маълум бўлган қулёзма нусхаларида кейинги икки мақола йўқ, улар ёзилмаган ёки бизгача етиб келмаган.

Шарқ тарихнавислигининг энг нодир ёдгорликларидан бири ва Амир Темур даври тарихининг бирламчи манбаларидан бўлган «Зафарнома» узоқ вақтдан бўён шарқшунос тадқиқотчилар дикқатини узига жалб этиб келмоқда. Даилий маълумотларнинг тулиқлиги ҳамда ишончлилиги туфайли у уша давр манбалари орасида ҳанузгача муҳим урин эгаллайди.

XV ва XVI асрларда «Зафарнома» қаҳрамонлик қиссаси жанрида икки марта шеърий йўл билан ўзбек тилида Лутфий, форс тилида Абдураҳмон Жомийнинг жияни Хотифий (вафоти — 1521) томонидан куйланган эди. XVI аср бошларида Шайбонийларнинг дастлабки вакилларидан Кучкунчихон (1510—1530) топшириғига мувофиқ Мұхаммад Али ибн Дарвеш Али Бухорий томонидан «Зафарнома» ўзбек тилига таржима қилинганд. Адабиётларда Ҳофиз Мұхаммад ибн Аҳмад ал-Ажамий томонидан асарнинг турк тилига таржима қилинганилиги ҳақида ҳам маълумот бор. Булардан ташқари «Зафарнома» 1822—1823 йилларда Хивада Ҳудойберди ибн Қўшмуҳаммад Сўфи ал-Хивоқий томонидан ўзбек тилига қисқартириб таржима қилинганилиги ҳам маълум.

XVIII асрдан бошлаб «Зафарнома»нинг айрим қисмлари француз (Пети де ла Кроа, 1713), инглиз (Ж. Дарби, 1723) ва рус тилига ҳам таржима қилинганд. Асарнинг форсча матни эса 1887—88 йилларда Калькуттада (Ҳиндистон), 1958 йили Техронда (Эрон) чоп этилган. Бироқ бу нашрларда асарнинг «Муқаддима» қисми ҳамда зарурий кўрсаткичлар берилмаган. 1972 йили Тошкентда асарнинг ҳар икки қисмини қамраган Узбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланаётган 4472-ракамли Қўлёzmанинг факсимил нашри амалга оширилди. Бунда тарихий манбалар илмий нашри учун зарурий бўлган сўзбоши ва турли кўрсаткичлар билан бирга асар матнининг ҳар хил нусхалари ва нашрлари орасидаги фарқлар ҳам қайд этилди.

Кейинги йилларда Шарқшунослик институтида «Зафарнома»ни ҳозирги ўзбек тилида илмий изоҳли таржимасини нашрга тайёрлаш устида ишлар олиб борилмоқда. Асарнинг кичик бир қисми соҳиб-қирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан, 1994 йилда чоп этилди.

## АБДУРАЗЗОҚ САМАРҚАНДИЙ

(1413—1482)

Абдураззоқ Самарқандий ҳижрий 12-шаъбон, 816 (мелодий — 7 ноябр, 1413) йили Темурийлар давлатининг Ҳирот шаҳрида туғилди. Унинг тўлиқ исми Камолиддин Абдураззоқ, отасининг исми Жалолиддин Исҳоқ Самарқандийдир. Абдураззоқ Ҳиротда туғилганлигига қарамай «Самарқандий» деган нисба билан шуҳрат топганлигига сабаб, отаси Жалолиддин Исҳоқнинг асли самарқандлик бўлганлиги ва яна бўлажак тарихнависнинг ўзи ҳам бир неча муддат Самарқандда яшаганлигидир.

Абдураззоқ Самарқандий дастлабки таълимни Ҳиротнинг ўзида олган. Кейинчалик Ҳиротдаги Темурийлар саройида қозилик ва имомлик

лавозимида булган отаси ва ўз даврининг зиёлиларидан булган акала-ри Абулғаффор, Абдулқаҳҳор, Абдулваҳҳоблар кумагида тафсир, ҳадис, фикҳ, тарих ва тил-адабиёт фанлари бўйича чуқур маълумот эгаси булиб етишган. Атоқли адаб Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида Абдураззоқ Самарқандийнинг мазкур илмлар бўйича яхши билимга эга эканлигини қўйидаги сузлар билан тасдиқлади: «Мавло-но Абдураззоқ... хушмуҳовара киши эрди... зоҳир улумин такмил қилиб эрди ва фазлиёти ҳам яхши эрди...»

Отасининг саройдаги туттган мавқеига кура тахмин қилиш мум-кинки, Абдураззоқ Самарқандий ҳам давлат ишлари билан яқиндан таниш булган. Унинг яхши таҳсил кўрганлиги, бу борадаги иқтидо-ри баландлиги туфайли отаси вафотидан сўнг, 1437/38 йили, 24 ёшида Темурийлар саройига хизматта олиниши бежиз эмас. Шундан сўнг, то 50 ёшига қадар, аввал Шоҳруҳ, кейин Ҳирот таҳтини эгаллаган бошқа Темурий хукмдорлар — Мирзо Абулқосим Бобур (1452—1457), Султон Абу Саъид (1451—1469) ва таҳтга утирган бошқа шаҳзодалар саройида давлат ишлари билан банд булади. Унинг замондоши Аб-дулвосе ан-Низомийнинг ёзишича, Абдураззоқ «хоқони саъид (яъни Шоҳруҳ)нинг давлати замонида узоқ муддатлар шуҳратли ишларни бажаришни бўйнига олган, баъзи соҳибдавлат шаҳзодаларнинг хиз-матида садоратлик олий мансабига етишган, баъзи бошқаларнинг мулизиматида эса ноиблик ва хосликка эришган».

Бироқ Абдураззоқнинг узи асарларида мазкур садоратлик лаво-зимларни эслатмаса-да, тарихий воқеалар сирасидан унинг Тему-рийлар давлати хорижий дипломатик муносабатларни олиб бориш-да муҳим рол уйнаганилиги англашилади.

XV асрнинг биринчи ярмида Темурийлар давлати билан Рум (Ки-чик Осиё), Миср, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа мамлакатлар ораси-да дипломатик алоқалар йўлга қўйилган эди. Бу алоқаларнинг амалга оширилишида Абдураззоқ Самарқандийнинг ҳам фаол иштирок эт-ганлигига, унинг ўз элчилик сафарлари ҳақида келтирган ахборот-лари яққол далил бўлаолади. Чунончи «Матлаъи саъдайн»га кири-тилган «Ҳиндистон сафари достони ва у ернинг ажойиб-ғаройибот-лари» деб номланган уз сафар эсадаликларида Абдураззоқ Самарқандий 1442 йили Шоҳруҳ томонидан жанубий Ҳиндистонга юборилган элчиларга бошчилик қилганлигини ёзади. Элчилар 1442 йили 13 ян-варда Ҳиротдан йўлга чиқиб, шарқи-жанубий Эрон, Арабистон, Хур-муз бандаргоҳи, Маскат, Арабистон денгизи орқали 1442 йил 17 ок-тябрида Колькуттага етадилар ва бу шаҳарда беш ой, Вижаянагарда эса 1443 йил охиригача туриб, сўнг орқага қайтадилар. Қайтища яна денгиз йўли билан Хурмузга, у ердан 1444 йил декабр ойида Ҳиротга етиб келадилар.

Шу каби «Матлаъи саъдайн»да Абдураззоқ Самарқандийни Шоҳ-руҳ Гilonга ва бошқа ерларга элчиликка юборганлиги эслатилади.

Абдураззоқ охирги марта Мисрга элчиликка юборилаётган пайтида Шоҳруҳ вафот этади ва шу боис элчилик амалга ошмайди. Шу каби дипломатик алоқаларда Абдураззоқ кейинги Темурий ҳукмдорлар Абулқосим Бобур, Султон Абу Саъидлар даврида ҳам фаол иштирок этганилиги, унинг ўз сўзларидан маълум.

1463 йилга келиб эса Абдураззоқ Самарқандийнинг ўз илтимосига биноан уни давлат ишларидан озод этдилар ва Ҳиротдаги Шоҳруҳия хонақоҳига шайхлик вазифасига тайинлайдилар. Ҳижрий 887 йил жумод ал-аввал (1482 йил, июл-август) ойида шу шаҳарда оламдан ўтади.

Абдураззоқ Самарқандий шеър, араб тили грамматикасига оид рисола ёзганлиги маълум бўлса-да, лекин унинг бизгача етиб келган ягона тарихий асари — «Матлаъи саъдайн ва мажмаъи баҳрайн» («Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қушилиш жойи»)дир. Асар форс тилида ёзилган бўлиб, икки жилни ташкил этади.

Асарни Абдураззоқ Самарқандий асосан 1467—1469 йиллар орасида ёзib тамомлаган ва 1470 йили яна давом эттириб, шу йилнинг сафар ойида туталлаган.

«Матлаъи саъдайн»нинг биринчи жиллида қисқа тарзда Чингизхон авлодидан бўлган Эрон ҳукмдори Абу Саъид (1316—1335) ҳақида сўзлагач, сўнг соҳибқирон Амир Темур тарихи бошланади ва умуман 1304 йилдан 1405 йилгача Марказий Осиё, Афғонистон, Эрон, Озарбайжон, қисман Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар тарихига оид маълумотлар келтирилади. Тарихий воқеалар баёни Амир Темурнинг 17-шაъбон, 807 (18 феврал, 1405) йили Ўтрорда вафот этганилиги, унинг набираси Халил Султоннинг Самарқандда таҳтга ўтирганлиги билан туталланади.

Иккинчи жилднинг сўз бошисида муаллиф Амир Темур авлодлари ҳақида сўзламоқчи эканлигини айтиб, воқеаларни Шоҳруҳнинг Ҳиротда таҳтга ўтирган вақтидан (март, 1405) бошлайди. Сўнг Шоҳруҳ вафоти (1447)дан кейин ҳукмронлик қилган Темурйлар: Мирзо Абулқосим Бобур, Султон Абу Саъид ва бошқа шаҳзодалардан сўзлаб бўлгач, Ҳусайн Бойқаронинг Ҳиротда ёдгор Мирзони қатл этиб, иккинчи марта таҳтга ўтириши ҳақидаги маълумотлар билан асарни тутатади.

Абдураззоқ Самарқандий «Мутлаъи саъдайн»да тарихий воқеалар баёнини солнома тарзида жойлаштирган. Асарнинг муаллиф ўзи яшаган даврдан (XV аср ўрталари) илгариги қисмлари солномаси аввал ёзилган асарлар асосида тузилган. Бу ҳақда Абдураззоқнинг ўзи, 1427 йил воқеаларини якунлар экан: «Ҳофизи Абронинг ёзгани... «Зубдат ут-таворихи Бойсунгурӣ» шу ерда тугади», дейди ва ўзининг асосий манбай ушбу асар эканлигини таъкидлайди. Бундан кейинги йиллар тарихининг ёритилишига келсак, атиш мумкинки, уларнинг аксари-

ни Абдураззоқ Самарқандий ўзи куриб билган ёки шоҳидлар сўзлари-га асосланиб ёзган. Қандай бўлганидан қатъий назар «Матлаъи саъдайн» саҳифаларида баён этилган тарихий воқеалар, хоҳ Ҳофизи Абрудан олинганд қисмлар, хоҳ ундан кейинги қисмлар бўлсин тадқи-қотлар учун манба сифатида муҳим аҳамиятга эгадир.

Маълумки, «Матлаъи саъдайн»да кўпроқ сиёсий воқеалар баён этилган. Лекин шу билан бирга Темурий ҳукмдорларнинг мамлакатни иқти-содий, маънавий ва маданий ҳаётida ўйнаган бунёдкорлик роли ҳам Абдураззоқ Самарқандийнинг дикъат марказида бўлган. Шунинг учун ҳам XV асрнинг деярли уч чорагида Самарқанд ва Ҳирот шаҳарларида-ги илм-фан, маданиятнинг юксаклиги ҳамда бу борада Мирзо Улуг-бек, Мирзо Бойсунгур ва бальзи бошқа шаҳзодаларнинг фаолиятлари ҳам изчилилк билан ёритиб берилган.

Эътиборга сазовор томони шуки, Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъи саъдайн» асари ўз даврида шуҳрат топган ва бир қанча та-рихнавислар томонидан эътироф этилган. Сунгра бу асар Темурийлар даври ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва ҳалқаро муносабат-лари тарихига оид нодир ва ишончли манба сифатида Оврупода ҳам танилиб, унинг айрим қисмлари XIX асрдан бошлаб бир неча марта француз (Ланглэ, Катрме, Блоше), инглиз (Эллиот), рус тилларида чол этилган.

«Матлаъи саъдайн»нинг форсча матни 1936 йили Лохурда (Покистон) матншунос олим Муҳаммад Шафе томонидан чол этилган. Абду-раззоқ Самарқандийнинг 1442–44 йиллардаги Ҳиндистон сафарномаси 1960 йили ўзбек тилида ва форсий танқидий матни билан, асарнинг 1405–1427 йиллар воқеалари (I жилд, 1-қисм) 1969 йили ўзбек тилида Тошкентда чол этилди. 1992 йили эса «Матлаъи саъдайн»нинг шу қисмига киритилган Фиёсиддин Нақдошнинг Хитой сафари кун-далитиги ўзбек тилида чол этилди. Асарнинг II жилд 2–3-қисмлари ҳам ўзбек тилидаги таржимаси амалга оширилган бўлса-да, ҳанузгача чол этилгани йўқ.

## МИРХОНД

(1433–1498)

Мир Муҳаммад ибн Сайид Бурхониддин Ҳовандшоҳ ибн Камо-луддин Маҳмуд ал-Балхий — Мирхонд Ўрта аср тарих фанининг кўзга кўринган намояндларидан биридир. Ота-боболари бухоролик бўлиб, фиҳқ илмида замонасининг етук олимлари сифатида машҳур бўлган. Улардан Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Маҳбубий (вафоти — tax. 1300) фиҳқ илмида пешқадам олим бўлганларига учун «тож аш-шариъа» (шариат тожи) номи билан ном чиқарган ва Шарқнинг машҳур фиҳқ олими

Сайид Бурхониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарига «Виқоя ур-ривоят фи масоил ул-Ҳидоя» («Ҳидоя масалаларини ҳимоя қилувчи ривоятлар») номли шарҳ ёзган. Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал-Маҳбубий (вафоти — 1346) «тож аш-шариъа соний» (иккинчи шариат тожи) номи билан танилган ва «Шарҳ ул-виқоя», «Ан-ниҳоя мухтасар ул-виқоя» номли машҳур китоблар ёзил қолдирган. Мирхонднинг отаси Сайид Бурхониддин Ховандшоҳ ҳам ўз даврининг билимдан кишиларидан бўлиб, Темурийлар хукмронлиги даврида Балхга келиб қолган ва ўша ерда вафот этган.

Мирхонд 1433 йили Балхда туғилган бўлса-да, умрининг деярли кўп қисмини Ҳиротда ўтказди. Унинг ҳаёти ва илмий фаолиятига оид маълумотлар жуда кам бўлишига қарамай, набираси Ҳондамир «Ҳолосат ул-ахбор» китобида бобоси ҳақида қўйидагиларни ёзади: «Падарпаноҳ жаноб амир Хованд Муҳаммад Йигитлик чоғларида турли илмларни таҳсил этиш ва нафис фазилатларни камолига етказиши йўлида тиришқоқлик ва зур меҳнат қилди... Қисқа вақт ичидан билимдонликда замон фозилларининг пешқадами бўлиб олди. У (купроқ) тарих илмини касб қилди ва жаҳон аҳволини ҳамда осориатиқаларини таҳқиқ қилишга киришиди. Олижаноб хотирани тез фурсат ичидан бу фанни эгаллашдан фориг қилди, аммо феълу атвори маишат аҳли билан қушилишга йўл бермади, завқу шавқда берилмади... Дарс бериш ва амру маърифатта иштиёқ унинг равшан хотирида асло кўринмади. Аммо (бу ҳол)... орзу ва омонликнинг қиблагоҳи, яъни олижаноб Султон (Хусайн) ҳазратлари яқин дўсти (Амир Алишер Навоий)нинг ҳузурларига боргунича ва унинг ҳар турли навозиши, марҳамат, илтифот ҳамда муруватларини топмагунларича давом этди».

Ҳондамирнинг яна бир маълумотига қараганда, Навоий Мирхондга ўзининг «Ихлосия» хонақосидан бир ҳужра ажратиб берган ва ундан бир тарихий асар ёзил беришни илтимос қилган. Мирхонд бу асарни қисқа вақт ичидан ёзил тамомлаган, сўнг умрининг охирида, таҳминан бир йил Гозиргоҳда истиқомат қилган. 1497 йилнинг баҳорида оғир касалликка чалиниб, 1498 йилнинг 22 июн куни оламдан ўтган.

Навоийнинг кўрсатмаси ва ҳомийлиги билан Мирхонд яратган асарнинг номи «Равзат ус-сафо фи сийрат ул-анбиё ва-л-мулук ва-л-хулафо» («Пайғамбарлар, подшоҳлар ва халифаларнинг таржимаи ҳоли ҳақида жаннат боғи») бўлиб, ундан дунёнинг «яратилиши»дан то 1523 йилга қадар Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий воқеалар кенг баён этилган.

«Равзат ус-сафо» муқаддима, хотима ва жуғрофик қўшимчадан ташкил топган. Асар етти жилдан иборат: 1) Дунёнинг «яратилиши»дан, то Сосоний Яздигард III (632—651) давригача ўтган тарихий воқеалар; 2) Муҳаммад пайғамбар ва биринчи тўрт халифа дав-

рида булиб ўтган воқеалар; 3) Ун икки имом тарихи, Умавия ва Аббосия халифалари; 4) Аббосийлар билан замондош бўлган сулолалар (асосан, Эрон, Марказий Осиё ва Хиндистонда); 5) Мўгуллар, Чингизхон, унинг авлоди, Эрон ва баъзи кўшни мамлакатларда мўгуллар ҳамда улардан кейин Темур давригача мавжуд бўлган сулолалар; 6) Амир Темур ва унинг замонидан, то Султон Абу Саъид ўлимигача (1469) булиб ўтган воқеалар; 7) Султон Ҳусайн Бойкаро ва унинг фарзандларининг тарихи (1523 йилгача).

Хондамирнинг таъкидлашича, ушбу асар бизга маълум бўлган ҳолда Мирхонд томонидан тугатилмаган. Унинг еттинчи жилдининг матни, шубҳасиз, Хондамирнинг қаламига мансуб. Бу фикрни тасдиқладиган қўйидаги маълумотларга эътибор бериш кифоя: Хондамир «Маъсир ул-мулук» ва «Холосат ул-ахбор»нинг хотимасида Мирхондга тўхталиб, Темур тарихига оид қоғозга туширилган ҳар хил материалларга эга бўлмаганилиги учун, ўз асарини тутата олмаган ва агар фурсат топилса, (Хондамир) бобоси асарини тутатишга йўл топган; асарда баён этилган тарих то 1523 йилгача етказилган, ваҳоланки, Мирхонд 1498 йили вафот этган; еттинчи жилдининг матни Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр»ини III жилд 3 қисмининг иккинчи ярми билан деярли бир хил.

«Равзат ус-сафо»нинг «жугофик кўшимчаси» эса Мирхонд ва Хондамир томонидан амалга оширилган. Унда турли «ажойиботлар», баъзи денгизлар, дарёлар, муҳим шаҳарларнинг қисқача таърифи баён этилган. Асар устида олиб борилган охирги таҳrir ҳам Хондамир томонидан бажарилган.

Асарнинг I—VI жиллари бир-бирига боғлиқ бўлиб, мустақил аҳамиятта эга эмас. Унинг сўнгги қисми, хусусан, VII жилди оригинал булиб, XV асрнинг иккинчи ярми тарихини ўрганишда катта аҳамият касб этади.

«Равзат ус-сафо»нинг кўлёзма нусхалари кўпгина жаҳон кутубхоналарида сакланган бўлиб, асар матни Бомбей (1845, 1848, 1864), Техрон (1853—1857, 1954) ва Лакхнав (1874, 1883, 1891)да чоп қилинган. Асадан айрим парчалар рус, француз, инглиз ҳамда немис тилларида кўп бора нашр этилган. Асарнинг эски ўзбек тилига ўтирилган нусхалари ҳам мавжуд.

## ХОНДАМИР

(1473—76—1534)

Ҳиротлик тарихчи Хондамир (тўла исми Фиёсиддин Муҳаммад ибн Ҳожа Ҳумомуддин ибн Ҳожа Жалолуддин Муҳаммад ибн Бурҳонуддин) ўз асарлари билан XVI аср бошларида фан тараққиётига кириб келган алломалардандир. Унинг ҳаёти, ижоди ҳақида уз асар-

лари, замондошлари ёзиб қолдирган оз-моз маълумотлардан ташқари, деярли бошқа маълумот йўқ.

Она томонидан у «Равзат ус-сафо» («Мусаффолик бори») муаллифи, машхур тарихчи Мирхонднинг набираси бўлган. Отаси Хожа Хумомуддин Муҳаммад ибн Хожа Жалолуддин Муҳаммад ибн Хожа Бурҳонуддин Муҳаммад Шерозий ўз замонининг зиёлиларидан эди ва Султон Маҳмуд Мирзо Темурийнинг (Ҳисори Шодмон ва Бадаҳшонда ҳукмронлик қилган) вазири бўлган.

Хондамир 1473–1476 йиллар орасида Ҳирот шаҳрида туғилган ва ўша ерда таълим олган бўлса керак, деб тахмин қилинади. У тарих, адабиёт ва иншони пухта эгаллаб, ўз замонасининг йирик олими сифатида ном қозонган тарихчидир.

Хондамирнинг олим сифатида шакланишида маърифатпарвар шоир Мир Алишер Навоийнинг ҳиссаси катта бўлиб, у бўлажак олимга, ўзининг жуда бой кутубхонасидан фойдаланишга руҳсат берган ва шу билан бирга илмий ишларига раҳбарлик қилган.

Тарихчининг ўзи ҳақида келтирган маълумотлардан шу нарса маълумки, у ёшлиқ чоғидаёқ Навоий қулига келган, дастлаб унинг кутубхонасида кутубхонаочи, кейинроқ эса мудир бўлиб ишлаган.

Алишер Навоий вафотидан сўнг, Хондамир Ҳуросондаги сиёсий воқеалар гирдобига тушиб, дастлаб Балхга Султон Ҳусайн Бойқаронинг тўнгич ўғли Бадиuzzамон Мирзо саройида хизмат қиласи. Айни шу пайтда Бадиuzzамон Кундуз ҳокими Ҳисравшоҳни Шайбонийхон (1500–1510) лашкари томонидан кутилаётган ҳужумдан Ҳуросонни ҳимоя қилишда иштирок этишга оғдириш орзусида юборилган элчилар қаторига Хондамир ҳам қўшилиб, шахсан ўзи Бадиuzzамоннинг маҳсус топширигини бажарди. Шу даврда унга «садр» унвони берилган. Хондамир бироз фурсатдан сўнг яна Бадиuzzамон топшириғига биноан Шайбонийхонга қарши тузилган иттифоққа Кандаҳор ҳокимини бирлаштириш мақсадида у ерга жўнатилди. Аммо Бадиuzzамон қизининг вафоти туфайли Хондамир сафарни тўхтатиб, Ҳиротга қайтишга мажбур бўлган ва 1506 йили Шайбонийхон Ҳиротнинг забт этишини шоҳиди бўлган ҳамда Ҳуросон маркази Ҳиротни топширишдаги шартларни ишлаб чиқишида иштирок этган.

Сулолалар ҳукмронлиги ўзгаргандан сўнг, Хондамир Темурийлар сулоласининг тарафдори бўлганлиги боис, Ҳиротдан кетишга қарор қиласи ва 1507 йилдан то 1510 йилгача Шимолий Афғонистондаги Башт қишлоғида ижод билан шуғулланади. Ҳирот таҳтига Сафавийлар сулоласи, унинг асосчиси Шоҳ Исмоил (1407–1424) келиши биланоқ, 1510 йили Хондамир Ҳиротга қайтиб келади. Шоҳ Исмоил вафотидан сўнг (1527) Ҳиротдан буткул юз ўтириб, Кандаҳорга, 1528 йили у ердан Бобурийлар пойтахти Аграга (Ҳиндистон) Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳузурига ўтади.

Хондамир Аграга келгач, Бобурнинг яқин одамлари қаторидан жой олади ва 1529 йили Бобурни Бенгалия ва Ганг дарёси соҳили томон қилган юриши пайтида кузатиб боради. Бобур вафотидан сўнг, унинг вориси Ҳумоюннинг (1530–1556) хизматида бўлиб, 1534 йили у билан бирга Гвалиорда бўлади ва Гужаратга қилган юришида қатнашади. Айни вақтда, у «Ҳумоюннома» асарини ёзди ва бу хизмати учун «Амир ал-муаррихин» («Тарихчилар амири») унвонига сазовор бўлади. Хондамир 1534 йили Ҳумоюн билан Мандуга қайтиб келаётганди вафот этади. Унинг васиятига кўра жасади Дехлидаги қабристонга — Низомиддин Авлиё, шоир Ҳусрав Дехлавийлар ёнига дафи этилади.

Хондамирнинг икки фарзанди — бирининг исми Амир Маҳмуд, иккинчиси Саййид Абдулхон бўлган. Амир Маҳмуд Шоҳ Исмоил ва Шоҳ Тахмасп (1524–1576) ҳукмронлик қилган давр тарихини ёритган асар муаллифи бўлиб, асар Муҳаммадхон Шарафиддин Такалийга бағишланган. Ушбу асар «Равзат ус-Сафавия» («Сафавийлар боғи») да келтирилган маълумотга кўра, ўша давр олимлари орасида катта эътибор қозонган.

Хондамир бутун умри давомида, таҳминан ўн учта асар ёзган бўлса, бизгача шу асарларнинг саккизтаси етиб келган.

Муаррихнинг «Маъосир ул-мулук» («Ҳамаср подшоҳларнинг тарихи») асари Алишер Навоий илтимосига кўра ва унга миннатдорчilik изҳори тариқасида 1498–1499 йилларда ёзилган. Бу асар подшоҳ ҳамда қадимги донишмандларнинг хайрли ишлари ҳақида айтилган ҳимматнамо гапларни ўз ичига олади. Жумладан, Қаюмардан Ануширвонгача, Одам Атодан Бузургмөхргача бўлган ҳамда Муҳаммад пайғамбар ва имомлар ҳақида битилган нақулардан иборат. Сўнгра муаллиф Уммавийлар, Аббосийлар, Сомонийлар, Фазнавийлар ва бошқа сулолаларга тегишли ҳукмдорлар тарихи билан бирга Курд подшоҳлари ва турк хоқонлари тарихини ёритган. Асарнинг охирги қисмида Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоийга замондош бўлган ҳукмдорлар, олимлар ва донишмандлар ҳақида маълумотлар ҳам берилган.

«Холосат ул-ахбор фи баён ул-аҳвол ул-аҳёр» («Хайрли кишилар аҳволини баён этиш борасида хабарлар холосаси») 1498–1499 йиллар орасида ёзилган бўлиб, бу асар ҳам Алишер Навоийга бағишланган. Унда Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий замонида Ҳирот ва унинг атрофида олиб борилган улкан курилишлар, қазилган сувинишоотлари, шунингдек, ўша замонда ўтган шоирлар, олимлар, математиклар, астрономлар, мусиқашунослар, шифокорлар, санъаткорлар ҳақида қимматли маълумотлар бор.

«Макорим ул-аҳлоқ» («Олижаноб хулқлар») асари ҳам Алишер Навоийга миннатдорчilik рамзи сифатида ёзилган (лекин Навоий вафот этиб, Хондамир унга китобни тақдим этишга улгурмаган).

«Макорим ул-ахлоқ»да Хондамир Навоийнинг юксак инсоний фазилати, олижаноб ахлоқи, асарлари, унинг ташаббуси билан қурилган бинолар, унга замондош шоир, олим ва фозил кишилар, шунингдек, Ҳурросоннинг ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, Навоий билан Ҳусайн Бойқаро орасидаги муносабатлар хусусида ҳикоя қиласди.

Хондамирнинг «Дастур ул-вузаро» («Вазирлар учун қўлланма») асари Алишер Навоий илтимосига мувофиқ 1500 йили ёзилиб, Ҳусайн Бойқаро ва унинг вазири Амир Камолиддин Маҳмудга бағишланган. Орадан тўққиз йил ўтгач, 1509 йили асар қайта ишланган ва кенгайтирилган. Ундан Шарқ мамлакатларининг VII–XVI асрлардаги тарихи, жумладан, Мовароуннарх ва Ҳурросонда Темурийлар сулоласи инқирозига қадар ўтган вазирлар, Чингизхоннинг вазири, кейинроқ мўгулларниң Ҳитойдаги ноиби, хоразмлик Маҳмуд Ялавоч ҳамда унинг ўғли Чигатайхоннинг Мовароуннардаги вазири Масъудбек тўғрисида маълумотлар жой олган.

Алломанинг «Номаи номи» («Атоқли номалар»)сида 1522 йилда кечган воқеалар баён қилинган (Асарнинг «Иншои Фиёсиддин» ёки «Иншои Фиёсий» деган номи ҳам бор). Китоб иншо илмига оид (стилистика, турли мактуб ва фармонларни ёзиш қонидалари) бўлиб, Шарқ мамлакатларида ўтган турли табақадаги тарихий шахсларга (шоҳлар, амирлар, садрлар, қозилар, шайхлар, шоирлар) доир маълумотлар, подшоҳ ва хонларниң ёрлиқ ҳамда фармонларидан намуналар, уларни битищ тартиблари ҳам баён этилган. Асарнинг қиммати шундаки, асар баъзи бир муҳим мансабларнинг (парвоначи, мунший, муставфий, иҳтисоб (муҳтасиб), қалантар, мубашишир, ҳофиз) келиб чиқиши, бундай мансаб эгаларининг ҳақ-хукуқлари, вазифалари хусусида сўз юритади.

Мирхондинг «Равзат ус-сафо фи сират ул-анбиё ва-л-мулук ва-л-хулафо» («Халифалар, подшоҳлар, авлиёлар ҳаётига оид мусаффолик боғи») асарига Хондамир томонидан 1522 йилда ёзил тутагтилган илова (7-жилд) ва «Жуғрофий қўшимча» қисмлар мавжуд. Еттинчи жилд мазмунан Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» асарининг учинчи жилд учинчи қисм иккинчи ярми мазмуни билан мосдир. Асарнинг «Жуғрофий қўшимча»си, тахминан 1495 йили Мирхонд томонидан ёзила бошлаган ва 1523 йилда Хондамир унинг давомини ёзил тутатган. Асар мазмуни ҳам «Ҳабиб ус-сияр»га кирган матндан ташкил топган ва бу ўринда воқеаларни «Ҳабиб ус-сияр» орқали ургантан маъқулроқ деб ўйлаймиз.

Хондамирнинг энг йирик асари «Ҳабиб ус-сияр» 1520–1524 йиллар мобайнида ёзилган ва вазир Каримуддин Ҳожа Ҳабибуллоҳ Соғанийга бағишиланиб, асар номи ҳам қисман шу вазир исми билан боғланган. Асарда қадим замонлардан, то 1524 йилга қадар Шарқ мамлакатларида, хусусан, Эрон, Афғонистон, Ироқ ва Марказий Осиёда содир бўлган воқеалар қаламга олинган. Унинг XV асрнинг

сўнгти ва XVI асрнинг биринчи чорагида Мовароуннахр ҳамда Хуросоннинг умумий аҳволини акс эттирган учинчи жилд учинчи ва тўртингчи қисмларидаги маълумотлар янгилиги билан катта илмий қимматга этадир.

Хондамирнинг «Ҳумоюннома» асари «Қонуни Ҳумоюн» номи билан ҳам машҳур бўлиб, Ҳиндистон подшоҳи Бобурий Ҳумоюн Мирзога бағишиланган ва 1535 йили ёзиб тамомланган. Асадаги Ҳумоюн Бобурийлар давлатида ҳукмронлик қилган даврида жорий этилган янгиликлар, аҳволини уч табақага, ҳокимиётни эса тўрт идора услуга бўлиниши ва Ҳумоюннинг мезморчилик фаолияти ҳақидаги маълумотлар дикқатга сазовордир.

Хондамирнинг қолган бешта асарининг фақаттинга номлари маълум, холос. Булар: «Осор ул-мулук ва-л-анбия» («Подшоҳ ва пайғамбарлар ҳақида ҳикоялар»), «Ахбор ул-ахёр» («Яхши инсонлар ҳақида хабарлар»), «Мунтахаб-и тарих-и Вассофф» («Вассофф тарихидан сайланма»), «Жавоҳир ул-ахбор» («Хабарлар гавҳарлари») ва «Ғаройиб ул-асрор» («Қизиқарли сирлар») деб номланган асарларидир.

Навоий асарларидан шу нарса маълумки, Хондамир «Нақий» таҳаллуси билан шеърлар ҳам битган, бироқ унинг шеърлар тўплами бизгача етиб келмаган, лекин айрим парчалар «Ҳумоюннома», «Макорим ул-ахлоқ» ва бошқа асарларида қисман учраб туради.

Юқорида келтирилган маълумотларга кўра, Хондамир Марказий Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон тарихига оид асарлар яратган ва шу билан бирга жаҳон маданияти ҳазинасига муносиб ҳисса қўша олган.

## ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР

(1483–1530)

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Урта аср Шарқ маданияти, адабиёти ва шеъриятида ўзига хос ўрин эгаллаган адиб, шоир, олим бўлиш билан бирга йирик давлат арбоби ва саркарда ҳамдир. Бобур кенг дунёқарashi ва мукаммал ақл-заковати билан Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солиб, бу мамлакат тарихида давлат арбоби сифатида номи қолган бўлса, сержило ўзбек тилида ёзилган «Бобурнома» асари билан жаҳоннинг машҳур тарихнавис олимлари қаторидан ҳам жой олди. Унинг нафис ғазал ва рубоийлари туркий шеъриятининг энг нодир дурдоналари бўлиб, «Мубаййин» («Баён этилган»), «Хатти Бобурий», «Ҳарб иши», Аруз ҳақидаги рисолалари эса ислом қонуншунослиги, шеърият ва тил назарияси соҳаларига муносиб ҳисса бўлиб қушилди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1483 йилнинг 14 февралида Андижонда, Фарғона улусининг ҳокими Умар Шайх Мирзо оиласида дунё-

га келди. Бу даврда Марказий Осиё ва Хурносонда турли ҳокимлар, ака-укалар, тоға-жиянлар, амакиваччалар уртасида ҳокимият — улуг боболари Амир Темур тузган йирик давлатта эгалик қилиш учун кураш ниҳоят кескинлашган эди.

Адабиёт, нафис санъат, табиат гузаллигига ёшлигидан меҳр қўйган Заҳирiddин, барча Темурий шаҳзодалар каби бу илмларнинг асосини отаси саройида, етук устозлар раҳбарлигига эгаллади. Бироқ унинг беташвиш ёшлиги узоққа чўзилмади. 1494 йили отадан етим қолди. 12 ёшида отаси урнига Фарғона улусининг ҳокими этиб кутарилган Бобур қаламни қиличга алмаштириб, Андижон таҳти учун укаси Жаҳонгир Мирзо, амакиси Султон Аҳмад Мирзо, тоғаси Султон Маҳмудхон ва бошқа рақибларга қарши курашишга мажбур бўлди. Бобур укаси Жаҳонгир Мирзо билан муросага келиш учун унга ён беришга — Фарғона улусини иккига тақсимлаб, ярмини укасига топширишга қарор қўйда ва ўзи Самарқанд учун олиб борилаётган курашга киришиб кетди. Бир неча йил давом этган бу кураш қирғинбаротдан бошқа бирор натижа бермади: унда катта ҳарбий куч билан аралашган Шайбонийхоннинг кўли баланд келди ва Бобур Самарқандни ташлаб кетишга мажбур бўлди. 1504 йили Шайбонийхон Андижонни ҳам қўлга кириттандан сўнг, Бобур жанубга қараб йўл олди ва Кобул улусида ўз ҳокимиятини ўрнатди. 1505—1515 йилларда у Марказий Осиёга қайтишга бир неча бор уриниб кўрди. Аммо бу уринишлардан ҳеч қандай натижа чиқмади. Сунг ўз мавқеини янада мустаҳкамлаш мақсадида, 1519—1525 йиллар давомида Ҳиндистонни қўлга киритиш учун бир неча бор жанглар олиб борди. 1526 йил апрел ойида Панипатда Ҳиндистон султони Иброҳим Лўди билан ва 1527 йили март ойида Читора ҳокими Рано Санго билан бўлган жангларда Бобурнинг кўли баланд келди. Тарихий маълумотларнинг баён қилишича, Бобурнинг Ҳиндистонга юришида Дехли хукмдори Иброҳим Султон сиёсатидан норози бўлган Панжоб ҳокимлари ҳам Бобурни кўллаганлар ва Сикри жангидаги бу ғалаба Бобурга Ҳиндистонда ўз хукмронлигини узил-кесил ўрнатиш ва Бобурийлар сулоласини барпо этиш имкониятини берди. Оврупо тарихчилигига «Буюк мўгуллар» номи билан «ғаллати машхур» бўлган, аслида «Бобурийлар сулоласи» Ҳиндистонда 300 йилдан ортиқ хукмронлик қилди.

Бобур бу ғалабадан кейин узоқ яшамади — 1530 йил декабр ойида, Агра шаҳрида вафот этди ва кейинроқ унинг васиятига кўра фарзандлари унинг ҳокини Кобулга олиб келиб дафн этдилар.

Бироқ қисқа бир вақт ичиди Бобур Ҳиндистонда сиёсий муҳитни барқарорлаштириш, Ҳиндистон ерларини бирлаштириш, шаҳарларни ободонлаштириш, савдо-сотиқ масалаларини туғри йўлга қўйиш, боғ-роғлар яратиш ишларига ҳомийлик қилди. Ҳиндистонни ободонлаштириш, унда ҳозиргача машхур бўлган меъморий ёдгорликлар, боғлар, кутубхоналар, карвонсаройлар курдириш, айниқса,

унинг уғиллари ва авлодлари даврида кенг миқёсга ёйилди. Ҳиндистон санъати ва меймормонлиги Марказий Осиё услубининг кириб келиши сезила бошлади. Бобур ва унинг ҳукмдор авлодлари ҳузурида уша даврнинг илғор ва зеҳни ўткир олимлари, шоирлари, мусиқашунослари ва давлат арбобларини мужассам этган мукаммал бир маънавий-руҳий муҳит вужудга келди. Бобурийлар давлатидаги маданий муҳигнинг Ҳиндистон учун аҳамияти ҳақида Жаваҳарлаъл Неру шундай ёзган эди: «Бобур Ҳиндистонга келгандан кейин катта силжишлар юз берди ва янги рағбатлантиришлар ҳаётга, санъатга, архитектурага тоза ҳаво баҳш этди, маданиятнинг бошқа соҳалари эса бир-бирларига тулашиб кетди».

Бобур Ҳиндистонда катта ҳажмдаги давлат ишлари билан бир қаторда узининг адабий-бадиий фаолиятини ҳам давом эттириди ва юқорида зикр этилган асарларини яратди. Бобурнинг бутун жаҳон оммасига машҳур булган шоҳ асари «Бобурнома»дир. Маълумки, унда Бобур яшаган давр оралигига Мовароуннаҳр, Ҳурросон, Эрон ва Ҳиндистон халқлари тарихи ёритилган. Асар асосан уч қисмдан иборат булиб, унинг биринчи қисми — XV асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиёда рўй берган воқеаларни; иккинчи қисми — XV асрнинг охири ва XVI асрнинг биринчи ярмида Кобул улуси, яъни Афғонистонда рўй берган воқеаларни; учинчи қисми — XVI асрнинг биринчи чорагидаги Шимолий Ҳиндистон халқлари тарихига бағишиланган. «Бобурнома»да уша даврнинг сиёсий воқеалари мукаммал баён қилинап экан, уз юрти Фарғона вилоятининг сиёсий-иқтисадий аҳволи, унинг пойтахти Андижон шаҳри, Марказий Осиёнинг йирик шаҳарлари: Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Уш, Урганч, Уратепа, Термиз ва бошқа шаҳарлар ҳақида ниҳоятда нодир маълумотлар келтирилган. Унда Кобул улусининг йирик шаҳарлари Кобул, Фазна ва улар ихтиёридаги купдан-кўп туманлар, вилоятлар, Шимолий Ҳиндистон ҳақида маълумотларни учратиш мумкин.

«Бобурнома»ни варақларканмиз, куз олдимииздан Марказий Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон халқларига хос булган фазилат ва нуқсонлар, уларнинг тафаккур оламини кенглиги ва мураккаблиги билан бирга, уша даврдаги ҳаёт муаммолари, Бобур давлатидаги сиёсий ва ижтимоий ҳаётнинг тулиқ манзараси намоён булади. «Бобурнома»да келтирилган бу тарздаги маълумотлар Бобур даврида ёзилган бошқа тарихий манбалар: Мирхонд, Ҳондамир, Муҳаммад Солиҳ, Биноий, Муҳаммад Ҳайдар, Фаришта, Абул-Фазл Алломий ва бошқа тарихчиларнинг асарларида бу даражада аниқ ва мукаммал ёритилган эмас. Муаллиф «Бобурнома»да Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Беҳзод, Мирзо Улугбек ва бошқа алломалар ҳақида узининг энг юқори фикр ва мулоҳазаларини билдиради.

«Бобурнома» — Мовароуннаҳр, Хурросон, Ҳиндистон, Эрон ҳалқларининг XV аср охири — XVI асрнинг биринчى ярмидаги тарихини ўзида акс эттирган бўлса ҳам, шу билан бирга жуда кўп долзарб иқтисодий, ижтимоий масалалар, юқорида номлари келтирилган вилоятларнинг ўзаро сиёсий-иктисодий ва савдо муносабатлари, жуғрофий мавқеи, иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, тоғлари, дарёлари, ҳалқлари, қабила ва элатлари ва уларнинг яшаш щароитлари, урф-одатлари, муҳим тарихий иншоотлари — ҳиндулар ва мусулмонларнинг ибодатхоналари, тўй ва дағн маросимлари ҳакида ниҳоятда нодир маълумотларни ўзида қамраб олган шоҳ асаддир. Шу боис «Бобурнома» тарихий ва адабий мерос сифатида дунё олимларини ҳайратда қолдириб келмоқда.

Узоқ йиллар давомида Фарб ва Шарқнинг машҳур шарқшунос олимлари «Бобурнома» мазмунини жаҳон жамоатчилигига етказиш борасида катта фаолият кўрсатдилар. Масалан, голландиялик олим Витсен, англиялик олимлар Ж. Лейден, В. Эрскин, Р. Колдекот, А. Бевереж, Т. Албот, германиялик Ю. Клайнрат ва А. Кейзер, франциялик Паве де Куртейл, ҳиндистонлик Мирзо Насриддин Ҳайдар Ризви, туркиялик Р. Р. Арт ва Н. И. Баюр ва бизнинг давримиздаги франциялик олим Бакке Громон, афғонистонлик олим Абулҳай Ҳабибий, поҳистонлик олимлар Рашид Ахтар, Надви ва Шоҳ Олам Мавлиёт шулар жумласидандир. «Бобурнома»ни ўрганиш соҳасида жаҳоннинг машҳур шарқшунослари қаторидан япониялик олимлар ҳам жой олмоқдалар.

Маълумки, Бобурнинг тарихий, илмий ва адабий меросини ўрганиш ва оммалаштиришда Узбекистон, Тоҷикистон, Россия олимларининг фаолиятлари ҳам дикқатга сазовордир. XIX—XX асрлар давомида Георг Кер, Н. Ильминский, О. Сенковский, М. Салье, Порсо Шамсиев, Содиқ Мирзаев, В. Заҳидов, Я. Ғуломов, Р. Набиев, С. Азимжонова, А. Қаюмов каби олимларнинг саъӣ-ҳаракатлари билан «Бобурнома» бир неча бор рус ва ўзбек тилларида чоп этилди, уларга сузбоши ёзилди ва кенг китобхонлар оммасининг маънавий мулкига айлантирилди, унинг шеърлари ҳам бир неча бор нашр этилди.

Бобур ўзбек адабиётида ўзининг нозик лирик асаллари билан ҳам машҳурдир. Унинг ҳаёти ва адабий фаолияти Мовароуннаҳрда сиёсий ҳаёт ниҳоят мураккаблашган феодал гуруҳларнинг бошбошдоқлик ҳаракатлари авжига чиққан ва Темурийлар давлатининг инқиrozи давом этаётган бир даврга тўғри келган эди. Бундай мураккабликлар инъикосини «Бобурнома»да кўрган бўлсан, шоир руҳиятида қандай акс этгани эса, унинг шеърларида намоён бўлади. Мовароуннаҳрни бирлаштиришга уринишлари натижага бермагач, Бобур руҳан қийиналган, амалдорларнинг хиёнатлари таъсирида умидсизликка тушган кезлардаги кайфияти шеърларида акс этган. Кейинчада

лик ўз юргини тарк этиб, Афғонистон ва Ҳиндистонга юз тутганда Бобур шеъриятида Ватан түйгуси, Ватан соғинчи, унга қайтиш умиди мавж ура бошлади.

Толеъ йўқки жонимга балолиг бўлди,  
Хар ишниким, айладим хатолиг бўлди,  
Ўз ерин қўйиб Ҳинд сори юзландим,  
Ёраб, нетайин, не юз қаролиг бўлди.

Шу билан бирга Бобур лирикасида шеъриятнинг асосий мазмуни бўлган инсоний фазилатлар, ёр васли, унинг гўзаллиги, унга чексиз муҳабат, ҳижрон азоби, айрилиғ аламлари ва висол қувончлари ниҳоят гўзал ва моҳирона ифода этилган.

Хазон ялроғи янглиг гул юзунг ҳажрида сарғардим,  
Кўруб раҳм айлагил, эй лола рух, бу чекран зардим.

Сен эй гул, қўймадинг саркашлигининг сарвдек ҳаргиз,  
Аёргинта тушуб барги хазондек мунча ёлвордим.

Бобур ўз лирик шеърларида ҳар доим одамларни яхшиликка, адодлат, инсонпарварликка, юксак инсоний түйгуларни қадрлашга чақирди:

Ҳар кимки вафо қиласа, вафо топқусидур,  
Ҳар кимки жафо қиласа, жафо топқусидур.  
Яхши киши кўрмагай ёмоилиғ ҳаргиз,  
Ҳар кимки ямон бўлса, жазо топқусидур.

Бобур лирик шеърлари ва тарихий «Бобурнома»сидан ташқари, ислом қонуншунослиги ва бошқа соҳаларда ҳам асарлар яратган. 1522 йилда ўғли Ҳумоюнга атаб ёзган «Мубайин» номли асарида ўша замон солиқ тизимини, солиқ йиғишнинг қонун-қоидаларини, шариат бўйича кимдан қанча солиқ олиниши ва бошқа масалаларни назмда изоҳлаб берган. «Хатти Бобурий» деб аталган рисоласида араб алифбосини туркий тиллар, хусусан, ўзбек тили нуқтаи назаридан бирмунча соддлаштириб беришга ҳаракат қилган. У, тажриба сифатида «Хатти Бобурий» алифбосида Куръони Каримни кўчирган. Бобурнинг аruz вазни ва қоғия масалаларига бағишиланган «Муфасал» номли асари ҳам бўлганлиги маълум, бироқ бу асар бизгача етиб келмаган.

Бобур ўзининг маълум ва машхур асарлари билан тарихнавис адаб, лирик шоир ва ижтимоий масалалар ечимига ўз ҳиссасини қўшган олим сифатида халқимиз маънавий маданияти тарихида муносиб урин эгаллайди.

## ТУРКИСТОНДА XVI–XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА МАДАНИЙ ҲАЁТ

XVI асрда Мовароуннахр ва Ҳурсондаги ўзаро низолар, таҳт учун кураш, катта давлатнинг аста-секин парчаланиб кетиши умумий ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий ривожланишига катта таъсир кўрсатди, илм-фан, санъат, адабиёт соҳалари даги аввалги қўлга киритилган ютуқлар, маънавий мерос катта мавқега эга бўлиб борди. Кўпгина олим ва шоирлар, донишмандлар ўз давридаги уруш-жанжаллардан паноҳ излаб Самарқандга, сўнг Бухорога интилдилар ва бу маълум маданий ривожланиши даражасини сақлаб туришга имкон яратди.

Шу билан бирга темурийзода Захирiddин Бобурнинг Ҳиндистонда барпо этган давлати ҳам маданий жиҳатдан Темурийлар анъанасини давом эттиришга интилди. Кўпгина олимлар, санъаткорлар Бобурийлар саройидан паноҳ топдилар. Бобурийлар даври маданияти ўз навбатида Ҳиндистон маданияти ривожига катта ижобий таъсир кўрсатди. Мовароуннахр, Ҳурсон ҳамда Ҳиндистондаги маданий ҳаёт маълум вақтга қадар ўзаро таъсир ва яқин алоқалар даврини бошидан кечирди.

XVII–XVIII асрларда Туркистонда ҳукмронлик учун ўзаро курашлар, бошбошдоқлик, парокандалик авж олди. Мустақил хонликка ажраб чиққан Хива билан Бухоро хонлиги ўртасида ҳамда уларнинг ўзидағи ички зиддиятлар ниҳоятда кучайиб, узоқ вақт давомида нотинчиликни бошларидан кечирдилар. Бу ҳаммаси маданиятга салбий таъсир этмай қолмади. Нисбий тушкунлик, олдинги ютуқларни йўқотиш, сусайиш бу давр маданиятини тасвирловчи хислатлар бўлиб қолди ва маданият арбоблари шундай шароитда жон сақлашга интилдилар. Маданият соҳасидаги айрим янгиликлар, ўзгаришлар асосан Бухоро, Самарқанд, Хива шаҳарлари билан боғлиқ бўлди.

XVIII асрнинг охири – XIX аср бошларига келиб хонликлар ўртасидаги чегаралар ва муносабатлар маълум даражада мўътадиллашганини кузатамиз. XVIII асрнинг охирига келиб Фарғона водийсидага Қўқон хонлиги вужудга келди ва қисқа давр ичida иқтисодий-сиёсий жиҳатдан ўз мавқенини яхшилаб, Бухоро ва Хива хонликлари қаторидан мустақил ўрин эгаллади. Бу даврда Туркистон халқлари маданияти, асосан шу уч хонлик ҳудудида ривожланди. XIX асрнинг биринчи ярмида, айниқса, Қўқон ва Хива хонликларида маълум маданий силжишилар рўй берди,

мадниятимиз тарихига мұхым ҳисса құшган адіб, санъаткор олимлар етишиб чиқди.

Умуман XVI—XIX аср биринчи ярми маданиятида илм-фан, хусусан, табиий фанларнинг ўрни сусайғанини, диний билимлар, диний таассубнинг роли кучая борғанини күрамиз. Үзаро урушлар туфайли ташқи олам билан алоқалар, маънавий-маданий муносабатларнинг камайиб кетиши ҳам маданий ҳаётдаги маълум биқиқликка, янгиликлардан узилиб қолишга олиб келди. Илм-фан, маданият соҳасида олдинги эришилгән ютуқлар ҳам уз таъсирини йўқотиб, уларга мурожаат этиши ўрнига диний таълимотлар күчайғанини күрамиз. Натижада бу даврда анъанавий ислом, унинг қоидалари жамият ҳаётида ҳал этувчи ўринни эгаллаб, тасаввуф, хусусан, нақшбандия ҳам маънавий ҳаётдаги олдинги таъсирини шукота борди.

Шу билан бирга бу даврда туркӣ-ўзбек тилидаги бадиий адабиёт намуналарининг кўпая борғанини, адабиёт, шеърият маънавий ҳаётнинг энг мұхым асосий соҳасига айланыб, анъанавий лирик асарлар билан бирга шоир, адилар дунёвий ҳаёт қийинчилклари, диний таассубнинг кучайшига бўлган норозиликлари, суфиёна фикрларини шеърият орқали ифода этишга интилганликларини күрамиз.

Бу давр Махдуми Аъзам, Мирзо Ҳайдар, Абдулғозихон, Бухорий каби гуманитар илм вакиллари, Машраб, Турди, Нодира, Увайсий, Мунис Хоразмий каби машҳур шоирларни етишитирдики, улар асарларида ўз замонасининг сабоқлари, истаклари, аламларини акс этдирилар. XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб Туркистон ўз мустақилигини йўқотди, рус чоризми томонидан босиб олинди.

## МАХДУМИ АЪЗАМ

(1463/64—1542)

Мовароуннаҳрлик аллома, йирик диний ва сиёсий арбоб, Нақшбандия тариқатининг раҳнамоси ва назариётчиларидан бири Махдуми Аъзамнинг тулиқ исми — Саййид Аҳмад Ҳожаги ибн Саййид Жалолиддин Косоний Даҳбедийдир. У Фарғона водийсининг Косон шаҳрида таваллуд топган. Косонийнинг отаси Қораҳонийлар (840—1212) сулоласига мансуб сultonлардан Бурҳониддин Қилич (XI аср) авлодларидан бўлиб, онаси эса Косон саййидлари оиласига мансуб эди.

Махдуми Аъзам илк таълимни Косон мактабларидан бирида олган. Сунг Ахсикатда, Ҳожа Муборак мадрасасида үқишини давом этиради. Косонийнинг домласи Мулла Зиё ўз шогирдининг аъло дарражадаги қобилиятини зътиборга олиб, унга «илм уз-зоҳир» (оддий, умумий илмлар)дан яхши таълим беради ва шу билан бирга «илм улботин»ни чуқур ўргатади. Чунончи, ёш Аҳмад устозининг раъйига

## Мазмуни:

Нафсимиз ҳавасларида умримизни нобуд қылдик,  
Энди ақбулоқ (суфийлар) олдилда қилиқларимиз  
учун шарманда бүлдик.  
Биздай хастай дил мухлисларингга бир назарингни  
ташлаки, биз  
Хожаги (Аҳмад)ни ташлаб кетган бўлсак-да, лек  
биз унинг бандаларимиз.

Ўз навбатида Маҳдуми Аъзам Мирзо Бобурга багишлаб «Бобурия» рисоласини ёзиб Ҳиндистонга жунатади.

Тахминан 1524–25 йилларда Махдуми Аъзам Кармана ва Миён-қол ҳокими Жонибек сultonнинг таклифига биноан Карманага кучиб келган эди.

Тез орада шайбоний султонларидан Убайдуллоҳон (1504–1539), Искандархон (ваф. 1583), Балх ҳокими Кистин Қаро султон ва бошқалар Махдуми Аъзамни узларининг руҳий пири деб биладилар.

Махдуми Аъзамнинг илмий мероси бой булиб, у тасаввуф назарияси ва амалиёти, хусусан, нақшбандия таълимотини янада ри-вожлантириш соҳасида баракали фаолият курсатди. Унинг қаламига мансуб 30 дан ортиқ рисола маълум булиб, «Асрор ун-никоҳ» («Никоҳ сирлари»), «Ганжнома», «Рисолат ун-самъийатун» («Самъ рисоласи»), «Баёни зикр» («Зикр баёни»), «Рисола-и силсила-и Ҳужагон» («Ҳужагон силсиласи»), «Шарҳи газали Убайдий» («Убайдий газалига шарҳ»), «Меъроҳ ул-ошиқун» («Ошиқлар меърожи»), «Рисола-и Нақшбандийя», «Рисолат ун-вужудийатун» кабилар шулар жумласидандир. У уз асарларининг кўп қисмида уламолар, суфий шайхлар ва давлат арбоблари орасидаги муносабатлар хусусида тухтаб утган ва тариқатнинг сиёсий фаолиятига тула асос бор эканлигини исботлаган. Ҳожаги ачиниб ёзганидек, у яшаётган замонда вилоят ҳокимлари шахсий манфаатларини биринчи уринга қўйиб, ҳокимиёт талашиш билан банд эдилар, тинимсиз ҳарбий ҳаракатлар эса ҳалқ аҳволини янада оғирлаштиради. Шундай мураккаб сиёсий ва иқтисодий вазиятда Махдуми Аъзам уз обруйидан фойдаланиб фитнабозликка майли булган вилоят ҳокимларини «Улуғ Ҳожа Аҳрор каби иноқлик дастурхони атрофига йиғиб, бир-бирларига сулҳ қулларини узатишга ундаи».

Пайгамбаримиз: «Амирларнинг яхшиси олимларни, олимларнинг ёмони эса амирларни зиёрат қиласи» ҳадисига Хожаги Косоний қўидагича шарҳ беради. «Агар амирни зиёрат қилувчи уламо доно танбехлар воситаси билан давлатда адолатлик, эзгулик, фуқаролар орасида осойишталик ва барқарорлик ўрнатишни мақсад қилиб олса, бундай олим аслида мазкур (зиёрат этилган), амир эса зоъир (зиёрат

кўра таниқли сўфий шоирлардан Жалолиддин Румийнинг (1207–1273) «Маснавий маъновий» деб номланган машҳур девонини қайта-қайта уқиб, ундаги чукур фалсафий фикрларни «қалб кўзлари» билан кўриб, англаб олишга ҳаракат қиласди.

Мадрасани битиргач, Аҳмад Косоний Шайх Мир Сайид Алига шогирд тушади. Мир Сайид Али янги шогирдини билимини синаб кўриш учун қийин-қийин саволлар беради. Аҳмад Косоний саволларга тўлиқ жавоблар қайтаради. Шогирдининг билимидан мамнун бўлган шайх: «Энди мен сенга эмас, балки сен менга устоз булдинг», деган экан. Яна бир неча кундан сўнг Шайх Али шогирдига бундай леган экан: «Шош вилояти томон йўл олки, ул вилоятда замонимиз қутби Муҳаммад Қози бордур; Хожагон (Нақшбандия) тариқати корхонасининг бутун ишлари ул жавонмарднинг кўллариададур». Муҳаммад Қози (ваф. 1516) машҳур Ҳожа Аҳрор (1404–1490) шогирди ва ўз замонида Нақшбандия тариқатининг раҳбари эди. У Ҳожаги Аҳмадни шогирд қилиб олади ва тез орада ўзига халифа этиб тайинлайди. Манбаларга қараганда, Маҳдуми Аъзам ўша чоғларда (такс. 1491–92 йиллар) устози билан Ҳиротга сафар қилиб, у ерда таниқли аллома ва шоир Абдураҳмон Жомий билан бир неча бор учрашиб сұхбатлашади.

Олти ойлик сафардан сўнг Мовароуннахрга қайтгач, Маҳдуми Аъзам устози билан Токентга келади. 1503 йилда Бухоро шаҳрининг ҳокими Муҳаммад Султон (1500–1504) таклифи билан Бухорога кўчиб боради. Орадан бир оз вақт ўтгач, Маҳдуми Аъзам Муҳаммад Қози рухсати билан Ахсикатта қайтади ва бу ерда мустақил вазъхонлик қилиб, Нақшбандия тариқатини тарғиб этишига астойдил киришади.

Муҳаммад Қози вафотидан сўнг, Нақшбандия тариқатининг барча мовароуннахрлик шайхлари Маҳдуми Аъзамни «пешвойи тариқат» (тариқат пешвоси) сифатида эътироф этишди. Тез орада Маҳдуми Аъзамнинг шуҳрати бутун Мовароуннахр ва унинг атрофидаги қўшни мамлакатларга ёйилди.

Айнан ўша кезларда буюк шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Бобур Маҳдуми Аъзамнинг эътиборини қозониш мақсадида унга Ҳожа Аҳрорнинг «Рисолайи волидия» асарини туркий тилга афдариб, Ҳиндистонда битилган ўз рубоийлар девони — «Девони Бобур»га қўшиб юборади. Афтидан «Бобурнома»да бу ҳодиса асарнинг бизгача етиб келмаган (1509–1520 йиллар воқеалари зикри) қисмида тавсиф қилинган. Бироқ Мирзо Бобурнинг мазкур девонида Маҳдуми Аъзамга бағишиланган рубоийлар ҳам учрайди:

Дар ҳавои нафси худи мо умри зоъи кардаим,  
Пеш ахлулоҳ аз афъали худ шармандаим.

Як назар ба муҳлисони хаастайи дил фармон ки, мо  
Ҳожаги (Аҳмад) ро мондаим ва Ҳожагиро бандайм.

этувчи) деб ҳисобланади» («Зубдат ус-соликин ва танбех ус-салотин» рисоласидан).

Маҳдуми Аъзамнинг тасаввуф таълимотига оид фикрлари Нақшбандия назариясига асосланган. Алломанинг фикрича, Нақшбандия тариқати уч зарурий қоидага бўлинган: 1) Иҳон (биродарлик). Яъни, тариқат аъзолари хатти-ҳаракатларида ҳамдард, ҳамнафас ва ҳам-фикр бўлишлари лозим; 2) Макон (ўрин, мавке). Ҳар бир толиб муршидининг насиҳатларига амал қилиб, баркамолликка интилмоғи лозим ва шу жараёнда тариқат аъзолари орасида ўзига муносиб мав-ке соҳиби бўлиб, ўз мартабасига лойиқ иш қилмоғи керак; 3) Замон. Агар маълум бир замоннинг ҳалқлари ва қавмлари орасида зиддият ва ихтилофлар пайдо бўлса, булар тариқат биродарларини қарама-қаршиликларга келтирмаслиги лозимдир. Аммо Маҳдуми Аъзам фикрича, ушбу қоидалар қаторига яна бир муҳимини кўшмоқ даркор — Хон. Яъни, тариқат фаолиятининг самаралари ҳалқа етиб бориши учун, сўфий тоифаларининг муршиidlари амирлару султонларга яқинроқ бўлмоғи керак. Асосий мақсад бу ерда шуки, давлатда осойишталиқ, барқарорлик, фуқароларни ҳалол меҳнат билан тирикчилик қилишларига барча қулагай шароитлар мавжуд бўлса, ундай ҳолда сўфий шайхлар давлат арбобларини қуллаб-кувватлайдилар.

Маҳдуми Аъзам асарларининг энг тўла мажмуаси ЎзР ФА Шарқшунослик институти ҳазинасида сакланмоқда. Аллома фикрлари ва дунёқарашларига асосан Фаззолий (1058–1111), Ибн Араби (1165–1240), Ҳожа Мұхаммад Порсо (1348–1420) ва бошқа таниқли файлласуф сўфий олимларининг асарлари таъсир қилган. Маҳдуми Аъзам Нақшбандия таълимоти ва умуман тасаввуф фалсафасини ўз замонига мослаштирган ҳолда янги ғоялар билан бойитди.

«Мирот ус-сафо» («Софлик ойнаси»), «Асрор ун-никоҳ» рисоласида Ибн Арабининг «Дунё азалий (илоҳий) мавжудотнинг ойнавий акси» мавзуидаги назариясига куйидагича шарҳ берилган: Мутлақ ва азалий мавжудотни дарвеш юрагининг кўзгусида инъикос этиши мумкин. Маҳдуми Аъзам эса: «Ҳар бир инсон юрагида бундай кўзгу мавжуд, аммо уни ғоғиллик занги босган. Зангни йўқотиш учун инсон тариқатга киришиб, руҳий камолотга интилиши лозимдир», — дейди.

Яна бошқа қатор рисолаларида («Одоб ус-соликин», «Одоб ус-сийдизин») буюк аллома Нақшбандия таълимотида мурид — муршид муносабатлари борасида ҳам ўзига хос фикрларни илгари сурган. Унинг фикрича, шу тариқат одобу қоидаларида мурид ва шайх муносабатлари ўзаро ҳурмат-иззат асосида қурилмоғи лозим. Шу билан бир қаторда мурид (солик) Аллоҳга восил бўлиш йўлидаги тўсиқларни осонроқ енгмоқ учун ўз пирига тўла бўйсуниши керак.

Маҳдуми Аъзам фикрича, тариқат аъзолари ҳалқа яқин бўлиб, унинг дардлари ва эҳтиёжларига қайғудош бўлса ҳам тариқатга, ҳам

халққа фойдалидир. Шу борада Махдуми Аъзам қуйидаги түшунтириш берган: «Толиб (ҳақиқат изловчи) учун унинг Аллоҳ йўлида қилган ибодатлари фақат халқ билан бўлган алоқа ва суҳбатларида самарали бўлиши мумкинким, агар ул номард бўлса, мард бўлур, мард бўлса, ширмард бўлур ва агар ширмард бўлса, фардмард (тенги йўқ мард) бўлгай» («Зубдат ус-соликин»).

Махдуми Аъзам Накшбандия назариясига яна бошқа ислоҳотлар киритди. Жумладан, Накшбандия шайхларидан биринчилар қаторида жаҳр зикри, самоа ва шунга ўхшаш тасаввуф маросим тартиблари шариатта хилоф эмаслигини исботлади ва ҳатто уларни маълум бир даражага етган шогирдлари орасида тадбиқ этди. Бундай ислоҳотларнинг ягона мақсади — «Накшбандия тариқатини турк (узбек) ва тожиклар учун бир хил қилиб, яқинлаштиришдир». Алломанинг гапига қараганда, Ҳожагон тариқати «узиди куз кўрмаган ва қулоқ эшифтмаган тариқатларни мужассамлаган ва шу сабабдан уни тариқатлар сараси ва тузи, ёхуд «силсилат уз-захаб» (олтин занжир) деб аташ мумкин.

Махдуми Аъзамнинг таржимаи ҳоли ва фаолияти яқин шогирдлари томонидан бир неча асарларда ёритилган. Улардан: Муҳаммад Шаҳри Сафойи ал-Қотибининг «Анис ат-толибин» («Ҳақиқат изловчиларнинг яқин дўсти»), Дўст Муҳаммад Фолизкорнинг «Танбият уз-заллин вал-музиллин» («Йўлдан адашган ва адаштирувчиларга танбеҳлар»), Дўст Муҳаммад ибн Наврӯз Аҳмад ал-Косонийнинг «Силсилат ус-садиқин ва анис ул-ошиқин» («Садоқатлилар силсиласи ва ошиқлар дўсти») каби асарларда энг тўлиқ ва ишончли маълумотларни учратишимииз мумкин. Шу манбалар асосида тузилган Махдуми Аъзамнинг тўлдирилган таржимаи ҳоли ҳам маълумдир. 1617 йилда Абул-Бақо ибн Баҳоуддин ибн Махдуми Аъзам томонидан тузилган «Жомеъ ул-мақомат» деб номланган асар шулар жумласидандир.

Махдуми Аъзам ёзган рисолаларга махсус битилган шарҳлар кам булса-да, аммо бу асарларнинг тариқатнинг сўнгти XVI–XX аср бошларида битилган назарий адабиётларга катта таъсири бўлган.

Нашқбандия тариқатининг таниқли назариётчиси Бадриддин Каширий (ваф. тах. 1620) ўзининг қатор асарлари («Раузат ар-Ризвон», «Раузат ул-жамол»)да Махдуми Аъзам рисолаларидан фойдаланган. Унинг асрдоши Накшбандия ва Яссавия тариқатларининг буюк намояндаси, назариётчиси ва тарғиботчиси Султон Аҳмад Хазиний ал-Ҳисорий асарларида ҳам Махдуми Аъзам баён этган фикрларга кенг шарҳлар битилган. Маълумки, Ҳазиний 1567–68 йилларда ҳажга сафар қилиб, сунг умрининг охиригача Усмонийлар салтанатига қарашли улкан шаҳар ва вилоятларда (Сурия, Қоҳира, Истанбул) яшаб, уша ерларда Махдуми Аъзам ғояларини тарғиб этди.

# МУҲАММАД ШАЙБОНИЙХОН

(1451–1510)

Шайбонийлар сулоласининг асосчиси Муҳаммад Шайбонийхон хукмдор Абдулхайрхоннинг набираси Шоҳ Будоқхоннинг ўғли бўлиб, 1451 йил туғилгандир. Болалигидан уни Муҳаммад Шоҳ Бахт («Шоҳ баҳти») деб атар эдилар. Муҳаммад Шоҳ Баҳтнинг отаси Шоҳ Будоқ Султон эрта вафот этган. Кўчманчи олий табақадагиларнинг ўзаро низолари курбони бўлган Абдулхайрхон вафотидан сўнг (1469), унинг ҳокимиятига бирлашган қабилалар тарқаб кетди. Даشتி Қипчоқнинг шарқий қисмида галёни йиллар бошлианди. Шайбонийхон ҳокимиёт учун кураш олиб борди ва бир маданий марказдан иккинчи бир маданий марказга ўтиш чоғида баъзи қалъаларга юриш қилди. Кейинчалик у Самарқандга, Темурийлар саройига таклиф этилди.

Темурийлар саройида Шайбонийхон «буюк хон»нинг набирси сифатида яхши кутиб олинди. Темурий хукмдорлар Шайбонийга умид билан Даشتி Қипчоқда ўз сиёсатларини амалга оширувчи шахс сифатида қарап эдилар. Марказий Осиёнинг маданий марказларида маърифатли кишилар билан яқиндан танишув Муҳаммад Шайбонийга ижобий таъсир кўрсатди. Айниқса, Бухорода яшаган йиллари унинг ҳаётида учмас из қолдирди, бу ерда Куръонни жуда яхши ўқувчи қорилардан бири Мавлоно Муҳаммад Хитойи унга дарс берган.

Шайбонийхон ўз даврининг маърифатли кишиси, жасур жангчи бўлиши билан бирга моҳир саркарда ҳам эди. Ўзининг шеърий солномаси — «Шайбонийнома»ни Шайбонийхонга багишлаган Муҳаммад Солиҳ уни ҳарбий маҳоратга эга киши сифатида таърифлайди.

Шайбонийхон Даشتி Қипчоқда ўз давлатини тиклашга муваффақ бўлди.

Шайбонийхон 1510 йил Марв яқинидаги Маҳмуд қишлоғида Эрон шоҳи Исмоил Сафавий билан бўлган жангда ҳалок бўлди. Жанг тугаганидан сўнг унинг жасади аскарлар жасадлари орасидан топилган. Шайбонийхоннинг ваҳшийларча таниб бўлмас ҳолга келтирилган бошсиз танаси Самарқанддаги Баланд Суфа деган ерга дағн этилди. Ҳозирда бошка шайбонийлар ҳам дағн этилган Суфа Регистон майдонида жойлашган бўлиб, Тиллакори ва Шердор мадрасалари ўртасидаги бурчакдадир.

Тарқоқ қабилаларни тўплаш ва шаҳарлардаги эътиборли шахслардан ўзига иттифоқдошлар йигишдан ўз фаолиятини бошлиган Муҳаммад Шайбонийхон кўлга киритилган қалъаларни мустаҳкамлаш ва уларда ўз ҳокимиятини янада кучайтиришга катта эътибор берди. У ҳарбий юришлар ва давлат ишлари орасидаги қисқа танафусларда турли фанлар: исломни ўрганиш, тарихий ва шеърий асар-

лар битиш билан шуғулланди. Шайбонийлар давлатига асос солган Мұхаммад Шайбоний үз саройига күпілаб тарихчилар, шоирлар, олимларни жалб этди. Унинг саройида Камолиддин Биноий, Мұхаммад Солих, Мулло Шоди, Фазлуллоҳ ибн Рузбекхон кабилар паноҳ топиб, үз асарларини битдилар. Мұхаммад Шайбонийхоннинг Ҳиротни құлға киригтанидан сүңг Камолиддин Беҳзод томонидан чизилған портрети бизнинг күнларгача сақланиб қолған. Расмнинг диктатта сазовор томони хон олдидаги ёзув куроллари бўлиб, улар ҳукмдорнинг илм-маърифатга қизиққани ва ёзишни яхши кўрганигина кўрсатади.

Шайбонийхон тарихни севган ва тарихий асарлар яратилишида иштирок этган. Сүнгити йилларда олиб борилған тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Шайбонийхон ўзбек («турк») тилида битилған ўзига хос манба — «Таворихи гузидайи нусратнома» асарининг ёзилишида бевосита иштирок этган. Бу манбада келтирилған аниқ далиллар билан тасдиқланади.

Ҳозирда «Таворихи гузидайи нусратнома» ҳамда Шайбонийхон фаолиятига оид бўлған бошқа тарихий асарларнинг бир манба асосида вужудга келганлиги ҳақидаги фараз исботланган деб айтиш мумкин (В. П. Юдин, Р. Г. Мукминова). Бу ҳол муаллифи номаълум «Таворихи гузидайи нусратнома», Мұхаммад Солихнинг «Шайбонийнома», Камолиддин Бинойнинг «Шайбонийнома», Мулла Шодининг «Фатҳнома» асарларида баён этилган воқеаларнинг ўжашшлиги ва уларда келтирилған бир хил шеърлар, шу жумладан, Мұхаммад Шайбонийга нисбат бериладиган шеърларнинг мавжудлиги билан ҳам тасдиқланади. «Таворихи гузидайи нусратнома» муаллифи номаълум асардир. Асарнинг сақланиб қолған ҳеч бир қўлёзмасида (Санкт-Петербург ва Лондондаги асосий қўлёзмалардан ташқари, яна қисқартирилған қўлёзма нусхалари ҳам мавжуд) муаллифнинг номи кўрсатилмаган. Санкт-Петербург қўлёзмаси матнида муаллифнинг номи кўрсатилиши лозим бўлған жой бўш қолдирилган. Шу нарса аниқки, «Таворихи гузидайи нусратнома»ни ёзишда Шайбонийхоннинг ўзи иштирок этган.

Давр талабига биноан Шайбонийхон туркий тилидан ташқари форс тилини яхши эгаллаган, шеъриятта қизиқиб, ўзи шеърлар ёзган. Хоннинг байтлари унинг атрофидаги муаллифларнинг асарларида келтирған. Ҳасанхожа Нисорий ўзининг «Музаккир ал-аҳбоб» асарида Шайбонийхоннинг байт ва ғазалларидан намуналар келтиради. Хон ҳақида ёзар экан у: «яхши шеърлари бор эди» деб таъкидлаб шундай деб қайд қиласи: «...Ҳазрати шайх Нажмиддин Кубронинг... вафоти тарихини яхши айтган. Тарих:

«Онинг таърихидур шаҳи шуҳало,  
Яна бир алиф бирла бўлур адo».

Мұхаммад Солиқ Мұхаммад Шайбонийхоннинг шеърий асарларини юқори баҳолаб, уни юксак маълумотли киши деб таърифлайди. Темурийлар жамиятига яқын шоир сифатида тан олиннишини истаган Шайбонийхон уз шеърлари битилган қоғозларни одамлар гавжум булган ерлар, бозорларда осиб қўишини буюрган.

Шайбонийхон Куръонни яхши билган ва диний уламолар билан сұхбат қуришни хуш кўрган. Ҳукмдорнинг сиёсий рақиби бўлган Заҳириддин Мұхаммад Бобур ҳам унинг мусулмон дини борасида яхши билимга эга эканлигини курсатиб утади. Мұхаммад Шайбонийга ҳамроҳ ва маслакдош бўлган шахслар ичиде шайхлар, саййидлар ва хожалардан чиққан билимдон кишилар эслатиб угилади. Уларнинг баъзилари хонга ниватан «буюк мұхаббат ва садоқат»ларини курсатган бўлиб (Хондамир), кейинчалик ҳам ҳукмдорнинг яқинларидан бўлиб қолганлар. Уларнинг ичиде Мұхаммад Солиқ томонидан «олим киши» деб аталган Абдураҳим садр алоҳида имтиёзли ўрин этгалигана эди.

Шайбонийхон исломдаги сунний йұналишга риоя қиласа эди. Хон ўзини «имом аз-замон ва халиф ал-раҳмон» деб, суннитизмни эса, Эрон шохи Исмоил Сафавий томонидан давлат дини этиб тайинланган шиизмга қарама-қарши, Шайбонийлар давлатининг дини деб ёзлон қилди.

Мұхаммад Шайбоний кун тартибига турли масалалар қўйилган мунозаралар ўтказар эди. Уларда Мовароуннахрнинг йирик олимлари иштирок этиб, фикрларини билдирадар эдилар. Самарқанд яқинидаги Конигилда ўтказилган шундай мажлисларнинг бирида урушлар ва ўзаро тортишувлар натижасида қаровсиз ерларга айланиб қолган мулк ерларидан фойдаланиш ҳақида қарор қабул этилган эди.

Шайбонийхон ҳукмронлиги даврида тарихий ва бадиий адабиётга ўзбек тилининг мавқеи кучайди.

Хоннинг буйруғи билан форс тилидаги ва мўғул ёзуви билан битилган асарлар турк тилига таржима қилинган.

## ПОДШОХОЖА

(1480–1547)

Саййид Подшохожа ибн Абдулахъобжоха мутафаккирнинг тўлиқ исми бўлиб, Ҳожа унинг таҳаллусидир.

Ҳожа 1480 йили Нисо шаҳрида дунёга келган. У дастлаб отаси кўлида, сўнгра Нисо ва Марв мадрасаларида муфассал таълим олган. Ижтимоий фаолиятини темурийзодалардан Нисо вилояти ҳукмдори Кепак Мирзо ҳукуматида 1496 йили ёзида садрлик (ер ўлчовчи) билан бошлаган. 1508 йили Нисо ва Обивард вилоятлари Шайбонийлар томонидан забт этилганда Ҳожа етук шоир ва адаб сифатида танил-

ган эди. Шу йили Шайбонийхон урушдан қайтаётганида Нисода тұхтаб, Хожани Дурун вилютига ҳоким қылиб тайналайди. Шу орада Нисога шоир амир Мұхаммад Солиқ ҳоким этиб юборилди. 1510 йили кеч күзіда Хожа ва Мұхаммад Солиқ Марв мудофаасига келдилар, Шайбонийхон ҳалокатидан кейин эса Хожа мамлакат ичкарисига — дастлаб Самарқанд ва сал кейин Бухорога келиб ватан тутади. 1514 йилгача Темур Султон, кейин Кучкунчихон хизматида булиб, 1515–1516 йиллардан зытиборан Кармана ҳокими Жонибек Султон хукуматида Жумлатудмұлк, садрлик лавозимларини бошқаради.

У 1529 йили Бухоро ҳокими Убайдуллохон замонида қисқа вақт шайхулисломлик қылған. 1534 йили Убайдуллохон Нишопурга келганды Балх ҳокими Кистан Қаро ундан Хожани Балхға юборишини сұрайди. Шундан сұнг Хожа Балхда аввал садрлик, күп үтмай эса шайхулисломлик вазифасини бажаради. 1543 йили ҳоким Кистан Қаро руҳий қасаллікка чалингандан кейин Хожа үз вазифасидан кетиб ижод билан машғул бўлди. Хожа 1547 йили Бухорода вафот этади ва Баҳоуддин Нақшбанд мақбараси ёнига дағын қилинади.

Хожанинг бизгача Темур Султонга аталган «Мифтоҳ ул-адл» («Адодлат калити» 1508–1510 йиллар), Кистан Қаро Одилга бағишиланган «Гулзор» (1538 йил) фалсафий-ахлоқий асарлари ва Жонибек Султонга аталган «Мақсад ул-атвор» (1514–1520 йиллар) ахлоқий-дидактик маснавий-достони ҳамда бир неча ғазаллари этиб келган. Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музаккир ал-аҳбоб» тазкирасида келтирилишича, Хожа «Лайли ва Мажнун» номли асар ҳам ёзган, аммо бу асар ҳалигача топилганийді.

Хожа буюк мутафаккир-устоз Алишер Навоийга эргашиб, «Хамса» яратып орзусида бўлган бўлиши мумкин. Хожанинг «Мифтоҳ ул-адл» ва «Гулзор» номли асарлари аксар қўләзмаларда битта китоб қилиб муқоваланган. Бу икки асар мазмун жиҳатидан бир-бирига яқин туради. «Мифтоҳ ул-адл» асари ўн беш бобдан ташкил топган бўлиб, ҳар бир бобда ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-тъалимий масалаларга бағишиланган бирор назария, кўп ҳолларда ҳадис ёки Куръон оятларидан келтирилади ва уларни изоҳлаш мақсадида шоир «Назир ҳикоятлар» баён қилиб, ўзининг холосаси билан якунлайди. Масалан, асарда келтирилган боблар: «Олимларнинг баёни», «Одил султонларнинг баёни», «Золим султонларнинг ва золим бекларнинг баёни», «Султонларга мутеъ бўлмоқнинг баёни», «Ўгуруликнинг баёни», «Зино ҳаддининг баёни» каби масалалар таҳлилига бағишиланган.

Хожа ҳар бир бобда инсоният маънавий тараққиётіда барча даврлар учун муҳим аҳамиятта эга бўлган муаммоларни изоҳлаб беришга ҳаракат қилған. Шоирининг «Гулзор» асари ҳам мазмун ва кўтарилиган муаммоларнинг долзарблиги билан «Мифтоҳ ул-адл»га ўхшаб кетади. Хожа «Гулзор» асарини Балх давлатининг шайхулисломи лавози-

мида туриб, хоннинг дин борасидаги маслаҳатчиси бўлган пайтида ёзган. Дин ҳомийлари эса у пайтларда катта нуфузга эга булганлар. Бинобарин, Подшохжа асари ҳам беклар учун давлатни бошқариш, ҳалқ билан қандай муносабатда булиш ҳақида битилган ўтиларга тўла асар ҳисобланади.

«Мақсад ул-атвор» достони Хожанинг дунёқарашини ўрганища муҳим манба бўлиб хизмат қиласди.

Хожа инсонни фақат яхшилик қилиш учун яратилган, деб билади ва ундаги салбий иллатларни ақл-заковат ва донолик ёрдамида йуқотиш мумкинлигига ишонади. Хожа зеб-зийнат, бойлик ва марта ба инсонга маънавий фазилат бермайди, деган холосага келади. Шунинг учун ҳам у ўз қарашларида хон, бек ва катта мол-дунё эгалари бўлган кишиларни инсофли, диёнатли, саховатли бўлишга чақириб, бева-бечоралар, камбағал-қашшоқлар ҳақидан курқмайдиган ситамгар, золим, қонхўр, хасис кишиларни фош қиласди.

Хожа ўз даврининг етук мутафаккири, шоири, дин ва тасаввуф илмларини ҳам чукур эгаллаган, ўша даврда Мовароуннахрда кучли оқимга айланган яссавия, қаландария, нақибандия тариқатлари моҳиятини тўла англаб етган шайхулислом даражасига кўтарилган сиймолардан бири эди.

Хожа ўз қарашларида ер юзидағи барча инсонлар дини, жинси, ирқи, миллати, тили қандай бўлишидан қатъий назар худо яратган бандалар, деб билади, одамларни тутган ўрни, мавқеи, мартабаси қанақа — шоҳми, гадоми — Ҳақ таоло олдиде тенг ва жавобгар эканлигини айтади. Шу боис инсон нафсоний ҳавасларга берилиб, ўткинчи дунё ташвишларига мукка кетмаслиги, ботиний дунё ғамини ҳам ёддан чиқармаслиги керак деган фикрни олға суради. Ҳақга руҳий комиллик туфайли эришиш мумкин. Бунинг учун инсон росттўй, ҳалол, диёнатли, инсофли, меҳр-шафқатли, камтар бўлмоғи, бошқаларга яхшилик қилиб, меҳр-оқибат кўрсатиш фикри билан яшамоги, дилозорлик, ўғрилик, мунофиқлик каби ярамас иллатларни ақл-фаросат ва қаноат билан енгигб ўтмоғи керак.

Инсон бу дунёда нимаики иш қилмасин, қандай шароитда яшамасин ундан фақат яхшилик қолади:

Одам улдирким жаҳонда яхши сўздин панд олур,  
Колмас ушбу одам, аммо олам ичра сўз қолур.  
Сўзки келди аршдин ер юзини ислом учун,  
Ояти Куръондур улким, нуридин партав солур.

Қолган барча нарсалар ўткинчи ва бу зоҳирий дунё моҳиятинигина акс эттирувчи ҳодисалардир.

Хожа жамиятда ижтимоий адолат барпо этилиши учун шу жамиятни бошқариб борадиган султон, бек ва йирик амалдор шахслар,

дини ислом ҳомийларини инсоф ва диёнатга, тұғрилик ва ҳалоллиқка даъват этади, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ҳукуқ ва бурчидан тұғри фойдалансин, деган фикрга келади. Айниқса, унинг мұкаммал жамиятда одам тенгхукуқли бўлиши лозим, деган фикри дикқатта сазовордир.

Шоир инсон мудияян ижтимоий мұхитда, таълим-тарбия натижасыда яхши хулқли бўлиши мумкин, деб ўйлайди. Адиб ўзининг «Мақсад үл-атвөр» деган асарида дин ва илм кишини росттүйлилкка, ҳалоллиқка, покликка, ёмонни яхшидан ажратишга олиб келади, деган фикрни илгари суради.

XVI асрнинг етук шоирларидан Бобур Хожанинг бир неча ғазаллари билан танишиб, унга ижодкор сифатида ҳурмат билан қарайди ва ўзининг мулоҳазалари, маслаҳатларини берib туради. Хожагон тариқатининг XVI асрдаги буюк тарғиботчиларидан бўлган мутасавиуф олим Маҳдуми Аъзам Косоний асарларida Хожани «юксак парвозли лочин» деб таърифлайди.

## МИРЗО МУҲАММАД ҲАЙДАР ДУҒЛОТ (1499–1551)

Мирзо Мұҳаммад Ҳайдар Дуғлот — Марказий Осиёning XVI асрдаги атоқли мұаррихи, адаби ва давлат арбоби бўлиб, машхур «Тарихи Рашидий» асарининг муаллифи сифатида тарих саҳифаларидан мустақкам ўрин олган. Адабиётда кўпинча Мирзо Ҳайдар исми билан аталади. Унинг ота аждодлари XIV–XVI асрларда Мўгулистанда ҳукм сурган нуфузли дуғлот амирларидан бўлиб, Чигатай хонлари томонидан инъом этилган имтиёзларга ва тархонлик унвонига эга бўлганлар, Кошғар вилоятининг ҳокимлиги ворисий тарзда уларнинг ихтиёрига топширилган эди.

Мирзо Ҳайдарнинг отаси Мұҳаммад Ҳусайн Мўгулистан хони Султон Маҳмудхон (1487–1503) билан яқин муносабатда бўлиб, 1493 йили унинг синглиси Хўб Нигор хоним (Юнусхоннинг кичик қизи)га уйланган ва кўрагон (хон күёви) унвонини олиб, 1495 йили Ўратепа вилояти ҳокимлигига тайинланган. Шу билан бирга бир неча йил Тошкентда Султон Маҳмудхон ҳузурида яшаган ва Мирзо Ҳайдар бу шаҳарда ҳижрий 905 (1499 йил, август — 1500 йил, июл) йили таваллуд топган. Юнусхоннинг ўртанча қизи Кутлуқ Нигор хоним Захириддин Мұҳаммад Бобурнинг онаси эканлиги билан Мирзо Ҳайдар Бобурга қариндош бўла (холавачча)дир.

1503 йили Султон Маҳмудхон Аҳсида Шайбонийхон лашкари билан жангда мағлубиятга учрагач, Мұҳаммад Ҳусайн Үратепани ташлаб Қоратегинга, у ердан Кобулга Захириддин Мұҳаммад Бобур ҳузурига боради. 1506 йили Бобур Ҳурросонга кетган вақтида Мұҳам-

мад Ҳусайн ҳукуматни этгалашга қасд қылган кишилар билан бирлашади. Аммо бу уриниш натижасиз чиқади. Бобур қайтиб келгач, гарчи гуноҳидан ўтган бўлса-да, Муҳаммад Ҳусайн энди бу ерда туролмайди ва Фарғонага жунайди. 1509 йили у Шайбонийхон буйруғи билан қатл этилади.

Отасини Шайбонийхон қатл этган вақтда 9 яшар бола — Мирзо Ҳайдар ўз мураббийси Мавлоно Муҳаммад билан Бухорода, Убайдуллахон никоҳида бўлган опаси ҳузурида эди, Шайбонийхон уни ҳам қатл этиш учун Бухорога махфий одамлар юборади. Буни пайқаган мураббий Мавлоно Муҳаммад турли ҳийлатлар билан уларни чалфитиб, дарвеш кийимида болани шаҳардан олиб чиқиб кетади. Улар Бадаҳшонга, Мирзоҳон (1507–1521) олдига келадилар. Буни эшитган Бобур Мирзоҳонга хат ёзиб, унинг вилояти Шайбонийхон хавфидан эмин эмаслигини айтиб, болани Кобулга юборишни талаб қиласди.

Мирзо Ҳайдар Кобулда, 1509–1512 йилларда Бобур саройида истикаомат қиласди. Ундан 17 яшар катта бўлган Бобур Мирзо Ҳайдарга оталарча ғамхўрлик кўрсатади, тарбиялайди, билим, ҳунар ўргатади. Бобурнинг кўрсатган ғамхўрлиги ҳақида Мирзо Ҳайдар ўз асарида чуқур миннатдорчилик билдириб, бир неча бор эслаб ўтади.

1512 йили Мирзо Ҳайдарнинг амакиси, Мўгулистон хони Султон Саййидхон уни Бобурдан сўраб олади. Мирзо Ҳайдар аввал Андижонга, Саййидхон ҳузурига, сўнгра эса Саййидхон Кошгарда ҳам ўз ҳукмронлигини ўрнаттагч, у билан бирга Кошгарга жўнайди ва то Саййидхон вафот этгунига қадар (1533) унинг хизматида бўлади. Саййидхон унга, «Тарихи Рашидий»да айтилганидек, «бутин лашкар ва давлат ишларини бошқаришда ва барча бошқа ишларда чексиз ишонч билдириб, шуларнинг барчасини топшириб қўйган». Ҳатто ўз ўғли Абдурашидни тарбия қилишни ҳам Саййидхон Мирзо Ҳайдарга ишонган эди.

Ҳаётининг кўп қисми худди Бобурнидек тинимсиз сафарлар ва ҳарбий юришларда ўтганлигига қарамай, Мирзо Ҳайдар ўз даври учун юқори даражада билим олишга муваффақ бўлган эди. Чунончи, Мирзо Ҳайдарнинг чуқур билимли, барча ҳунарлардан хабардор, юксак қобилиятли эканлигини Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома»да қайд қилиб ўтган: «Отасини Шайбонийхон ултургандан сўнг Кобулга келиб менинг мулозиматимда уч-тўрт йил туриб, сўнг ижозат тилаб Кошгарга (Султон Саййидхон) қошиға борди... Бу тарихда (яъни, «Бобурнома» ёзилаётган 1525–1530 йиллар орасида) дейдурларким, тойиб бўлуб, яхши тариқа пайдо қилибтур. Ҳат ва тасвир ва ўқ ва пайкон ва зиҳир — ҳар нимага илики часпондур. Табъи назми ҳам бордур. Манга арзадошт қилиб эрди, иншоси ҳам ёмон эрмас» («Бобурнома», Тошкент, 1960, 68-бет).

Ҳақиқатан ҳам «Тарихи Рашидий»ни ўқир эканмиз, муаллиф Мирзо Ҳайдар ўзининг ҳаётий-фалсафий муроҳазалари, ўз даври маънавий-маданий тушунчалари ҳақида сўзлаганида айтиб ўтгани – ўзи ўқиган олтмишдан ортиқ асарларни назарга олсан, айтиш мумкинки, тарихнависнинг билим доираси ўз даврининг юксак маърифатли, билимли кишилари қаторида бўлган. Чунончи, мазкур асарлар мазмунига кўра, Мирзо Ҳайдар таниш бўлган қўйидаги соҳаларни санаб ўтиш мумкин: тарих, адабиёт ва шеърият назарияси (аруз, муаммо, иншо санъати), жуғрофия, астрономия, тасаввуф, фикъ. Ислом дини тарихи, фалсафа, араб грамматикаси ва ҳоказо. Асарда келтирилган Темурийлар, айниқса, Алишер Навоий доирасидаги адабий-маънавий ҳаёт ҳақидағи маълумотлар эса мукаммаллиги билан Мирзо Ҳайдарнинг ўзи ҳам шу давр илмий-маданий ва адабий анъаналяри бўйича тарбия олганлигни билдиради.

Султон Саййидхон хизматида эканлигига Мирзо Ҳайдар Бадахшон, Кофиристон, Тибет, Кашмирларга бир неча ҳарбий юришларни бошқарган.

Султон Саййидхон 1533 йили вафот этди. Унинг ўғли Абдурашидхон таҳтга ўтиргач, у дувлот амирларини давлат ишларидан четлата бошлади. Дастлаб у кўп йиллар давомида Султон Саййидхон қошида давлатнинг иккинчи шахси ҳисобланиб, улусбеги мансабини эгаллаб турган Мирзо Ҳайдарнинг амакиси Саййид Муҳаммад Мирзони қатл этди. Бу вақтда Тибетда ҳарбий юришда бўлган Мирзо Ҳайдар бундан воқиф бўлиб, Мўгулистанга қайтишга журъат қилолмай, бир қанча вақт Бадахшонда юрди, сўнг у ердан Лоҳурга, Бобурнинг ўғли Комрон Мирзо хузурига, 1539 йили эса Аграга, Ҳумоюн хизматига борди, унинг Шерхон билан ҳарбий тўқнашувларида қатнашди. 1551 йили номаълум кишилар томонидан уюштирилган суйқасд натижасида ҳалок бўлди.

Баъзи адабиётларда қайд этилишича (Ч. А. Сторийнинг форс адабиёти тарихига оид асарида), Мирзо Ҳайдарнинг «Жаҳоннома» комли туркий тилда назм билан битилган асари ҳам бор. Муаллиф туркий ва форсий тилларда шеърлар ёзганлиги «Тарихи Рашидий»нинг ўзида келтирилган шеърий парчалардан ҳам куринаси ҳамда Мирзо Ҳайдарнинг Бобур айттанидек, «тъъби назми ҳам бўлганлиги»ни исботлайди.

«Тарихи Рашидий»га келсан, уни Мирзо Ҳайдар Кашмирда эканлигига, 1541–1546 йиллар орасида ёзган. Асарнинг муқаддимасида айтилишича, уни ёзишдан мақсади Мўгулистан мамлакатининг 1347 йили таҳтга ўтирган Туғлуқ Темур давридан, то муаллиф замонига-ча тўлиқ тарихини яратишдир. У айтади: «Мўгуллар ислом динини қабул қилгандан сўнгги давр ҳақида кичкинагина бўлса ҳам бир тарихий асар йўқ».

«Тарихи Рашидий» икки қисмдан иборат. Муаллиф уларни «дафттар» деб атайди. Биринчи дафтарда Мұғалистон ва Кошғарда хукм сурган Чигатай хонлари тарихи, улардан биринчи бўлиб ислом динини қабул қилган Түглуқ Темурхондан бошлаб, то 1533 йили таҳтга утирган Абдурашидхон тарихи изил равишда ёритилган.

Иккинчи дафтар 1541–1542 йилларда ёзилган. Унда тарихий воқеалар ва муаллифнинг ўз саргузашт-кечинмалари эсдаликлар жанрида баён этилган. Эсдаликлар XV аср охирларига оид воқеалардан бошланиб, 1542 йилгача, яъни Мирзо Ҳайдар Кашмирни забт этиб, шу ерда муқим туриб қолган вақтигача давом этади.

Асарнинг биринчи қисми иккинчисидан турт йил кейин ёзилган. Муаллиф ўз эсдаликларини ёзар экан, кўп ҳолларда воқеабандлик тақозасича, ўтган даврлар тарихини эслатиб ўтишига тўғри келган. Бундай тафсилотлар давом этаверса, мақсадни ифодалаш чалкашиб кетиши муқарра эди. Шунинг учун муаллиф кўпичча эсдаликлар орасида «бу ҳақда биринчи дафтарда сўзлаймиз» дейиш билан чекланиб, эсдаликларни давом эттираверади ва орадан бир қанча вақт ўтгач, ҳақиқатан ҳам биринчи дафтарни ёзиб, қарийб 200 йиллик Мұғалистон тарихини ёритади.

Асарнинг биринчи қисмини ёзишда Мирзо Ҳайдар Алоуддин Атомалик Жувайнининг «Тарихи жаҳонгўшо» ва Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарларига таянган. Чунончи, соҳибқирон Амир Темурнинг Мовароуннаҳрда мустакил давлат барпо этиши, уни ташқи тазииклардан ҳимоя этишда Мұғалистон хони Түглуқ Темур (1360 йиллар), кейинроқ эса асли дуғлот амирларидан бўлиб, ҳокимиётни кўлга олган Қамариддинга қарши юришлари бутунлай «Зафарнома»дан олинади. Бундай ҳолларда муаллиф «Зафарнома»дан нақл, деб ўқувчини огоҳлантиради. Жувайнининг «Тарихи жаҳонгўшо»сидан олинган баъзи парчалар олдидан ҳам шундай огоҳлантириш берилади. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари ҳам Мирзо Ҳайдар учун манба вазифасини утаган.

Булардан ташқари, Мирзо Ҳайдар ёши юзларга бориб қолган одамлар, отасидан эшитганлари, амакилари ва бошқа ишончли замондошларининг ҳикояларидан ҳам манба сифатида фойдаланади. Ўз даври тасаввух намояндадарининг рисолалари, адабий асарларидан ҳам парчалар келтиради.

Аммо «Тарихи Рашидий»нинг иккинчи дафтарини ёзишда муаллиф асосан ўз эсдаликларига таянади, уларни гарчи айрим-айрим сарлавҳалар остида маълум воқеаларга бағишлиб ёзса-да, эсдаликлар услубини сақлади. Бунда холаваччаси ва тарбиячиси Бобурнинг «Бобурнома»сига тақлид қиласи. Балки, айтиш мумкинки, «Бобурнома» Муҳаммад Ҳайдарнинг ҳам эсдалик услубида асар ёзишига тимсол-урнак бўлган. Бироқ Бобур ўз асарини ўзбек тилида ёзган бўлса, Мирзо Ҳайдар форсий тилда ёзган. Аммо асар матнида баъзи

уринларда келтирилган туркй парчалар муаллифнинг она тили туркй тил эканлигидан далолат беради.

«Тарихи Рашидий»ни чукур ўрганиб, уни «Бобурнома» билан солиштирған В. В. Бартольд ёзган эди: «Мирзо Ҳайдарнинг асари кўп ҳолларда унинг холаваччаси Бобурнинг ёдномаларини эслатади. Унинг тарихий маълумотлари худди Бобурнидек ҳаққонийлиги ва бетарафлиги билан кўзга ташланади, жуғрофий тавсифлар эса жойларни аниқ ва равшан тасвирлайди.— Бартольд яна хulosса қилиб айтадики: — Гарчи «Тарихи Рашидий» майдада тафсилотларнинг изчиллиги, воқеалар кечган саналарнинг аниқлиги борасида «Бобурнома»дан кейинда турса-да, бироқ унда Мўгулистон тарихига оид шундай маълумотлар келтириладики, уларни бошқа тарихий манбалардан топиб булмайди».

В. В. Бартольдинг фикрини давом эттириб айтадиган булсак, «Тарихи Рашидий»нинг маълумотлари, тадқиқотчилар аниқлаганидек, «Бобурнома»нинг бизгача етиб келмаган ёки ўз вақтида ёзилмай қолган айрим камбуд жойларини тұлатишга ҳам ёрдам беради. Ундан ташқари «Бобурнома»да баён қилинган воқеаларнинг жуғрофий кенглиги Бобурнинг ўзи босиб ўтган жойлар — Мовароуннахр, Хурсон, Кобул, Бадахшон, Ҳиндистон доирасида ифодаланса, Мирзо Ҳайдар эсадилкларида бу ерлардан ташқари яна унинг ўзи юрган жойлар: Мўгулистон, Кошғар, Тибет, Кашмирлар тасвирланаиди. Бинобарин, ҳар икки асарни бир-бирига қиёслаб ўрганиш, улардаги тарихий маълумотлар доирасини кенгайтиради ва ҳар иккала асарнинг ҳам тарихий манба сифатидаги аҳамиятини оширади.

Асарнинг «Тарихи Рашидий» деб аталғанлигига Мирзо Ҳайдар уч сабабни кўрсатади:

1. Мўгулистон хони Түглуқ Темурни Исломга келтирган Шайх Аршадуддин номини агадийлаштиromoқ учун.

2. «Ҳақ йўл», «Тўгри йўл» маъносини англатувчи «Рушд» сўзини таъкидламоқ учунки, Исломни қабул қилган Түглуқ Темур ўз тобеъларини ҳам шу йўлга бошлаган.

3. Асар ёзилаётган вақтда Мўгулистонда ҳукм суриб турган Абдурашидхон номини эслатмоқ учунки, гарчи у ўз тарбиячисига ёмонлик истагида бўлиб, дўстлик ваъдаларини унутган бўлса-да, унинг отаси Султон Саййидхоннинг муаллифга қилган яхшиликларини қадрлаш учун.

Мирзо Ҳайдар ўз асарида Марказий Осиёнинг ҳозирги Ўзбекистон, Қирғизистон, жануби-шарқий Қозогистон ҳамда Шарқий Туркестон ҳудудларига тўғри келадиган ўлкалар ҳақида ёзар экан, бу жойларда яшовчи ўзбек, қозоқ, уйғур, қалмоқ каби халқларнинг сиёсий, хужалик соҳаларига, маданий ҳаёт ва бир-бирлари билан алоқаларига оид кўплаб маълумотлар келтиради. Тибет, Кашмир Бадахшон ҳудудларига бўлган ҳарбий юришларни ёритганида, бу

мамлакатлар ҳақида ҳам тарихий, этнографик, жуғрофий маълумотлар беради.

«Тарихи Рашидий»да булардан ташқари Ҳусайн Бойқаро, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомийлар доирасидаги Ҳирот маданийадабий мұхитига, Мовароуннарда Улугбек, Ҳожа Убайдуллоҳ Ахрор давридаги илмий-маънавий ҳаётта оид, тасаввут намояндайлари, уларнинг рисолаларига оид ишончли ва қизиқарли маълумотларни учратиш мүмкін.

«Тарихи Рашидий»нинг құлөзма нусхалари бир мунча кенг тар-қалған. Үндан Мирзо Ҳайдардан кейинроқ ёзилған Марказий Осиё, Шарқий Туркистан, Ҳиндистон тарихига оид асарларнинг барчаси-да фойдаланилған.

XVIII–XIX асрларда «Тарихи Рашидий» Мұхаммад Содиқ Кош-ғарий ва Мұхаммад Ниёз ибн Абдулғафурлар томонидан туркӣ ти-лига таржима қилинған.

Оврўполиклардан бу асарга бириңчи бор 1840 йилда В. Эрскин эътибор беріб, ундағы маълумотларни ўз асарига жалб этган. Үндан сўнг асардан Г. Эллиот фойдаланған. Шарқшунос С. Д. Росс 1895 йили «Тарихи Рашидий»ни инглиз тилига таржима қилиб, нашр этди. Бу нашрга В. В. Бартольд каттагина тақриз ҳам ёзған. Хуллас, «Тарихи Рашидий» маълумотлари ўзбек, қозоқ, қирғиз, қалмоқ ва бошқа Марказий Осиё халқларига, уларнинг ўтмишдаги алоқаларига, иқти-садий, сиёсий-маданий ҳаётига, шу минтақацанинг жуғрофий шароитига оид тарихий тадқиқотларнинг деярли барчасидан фойдалани-либ келинмоқда (Бу ҳақда тұлароқ маълумот учун: Мирзо Мұхаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий, «Фан» нашриёти, Тошкент. 1996, 710–719-бетларға қаралсın).

Ўзбекистон ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институтидан асарнинг рус тилига таржимаси бир неча форсий оригинал нусхалари асосида бажарылып, илмий изоҳлари билан 1996 йилда нашрдан чиқарылди.

## ЮСУФ ҚОРАБОГИЙ

(1563–1647)

Марказий Осиёning XVII асрдаги ижтимоий ва илмий тафакку-рининг йирик намояндаси Ибн Мұхаммаджон Юсуф ал-Қорабогий ал-Мұхаммад Шоҳий аслида озарбайжонлик бўлиб, ўзининг буюк салафлари асарлари даги баъзи илғор анъаналарни давом эттира ол-ған ижодкордир. Шарқ манбаларида олимнинг ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар учрайди. Аммо улар етарли эмас. Муаллифлар унинг вафот этган йилини ва баъзи асарларини санаб ўтиш билан чекланадилар, холос. Farbий Оврўпо адабиётида эса Қорабогий ва унинг ижоди ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Юсуф Қорабогийнинг барча асарлари Самарқанд ва Бухорода ёзилган. У ҳақдаги дастлабки маълумот рус олими, профессор А. А. Семенов тадқиқотларида учрайди.

Озарбайжонлик А. А. Аминзода ўзининг монографиясида Қорабогийга маҳсус боб ажратган. А. А. Семеновнинг кичикроқ асарида Қорабогий таржимаи ҳолига оид маълумотлар келтирилади ва унинг «Рисолаи ботиниййаси»нинг муҳтасар таржимаси берилган. «Озарбайжон фалсафаси тарихидан очерклар»да Юсуф Қорабогийга бутун бир боб бағишиланган. Бу ерда у озарбайжон файласуфи ва фикҳшуноси сифатида талқин этилади. Файласуф 1563 йилда Қорабог қишлоғида туғилган. Устози Мирзажон Шерозий билан Марказий Осиёга келгандан (1585) у 23 ёшда бўлган. 1579 йили 16 ёшлик Юсуф Ширвонга келади. Бу вақтларда Ширвондаги сиёсий вазият оғир эди. У ерадаги сиёсий нотинчилклар туфайли бўлса керак, Қорабогий Шерозга жўнайди ва Ҳабибулла Мирзажон ал-Шерозий ал-Боғнавийдан таълим ола бошлайди. Уша вақтдаги ижтимоий илмларни, хусусан, фикҳ, фалсафа, тасаввуфни чукур ўрганади. Бу фанлар юзасидан тадқиқотлар олиб боради. Қорабогий устози Шерозий вафотидан сўнг (1587), Самарқанднинг таниқли сиймоларидан «Кубравийя» тарикатининг фаол тарғиботчиларидан бўлган Ҳалилулло Бадахшний билан алоқа боғлади. Кейинчалик Қорабогий Бадахшнийнинг содик шогирдига айланади. Бу даврда тасаввуф адабиёти ривожланди, унинг янги намояндлари пайдо бўлди, бу янги авлод уз салафларининг анъаналарини давом эттириб, бойигта бордилар.

Халқ орасида Қорабогийнинг обрў-эътибори ошиб кетди. Бу нарса олимнинг ғоявий-сиёсий, ижодий рақибларининг ҳасадини кузғатди. Улар иғво қилиб Қорабогийни Бухородан икки чақирим масофа-да жойлашган Сепулон деган ерга бадарға қилдирдилар. Қорабогий умрининг сўнгги йилларини шу ерда ўтказди.

Қорабогий асарларини ўрганиш ва таҳлил қилиш унинг ғоят кенг маънодаги аллома ва чукур билимли файласуф эканлигини кўрсатади. У аниқ фанлардан хабардор, тиббиётни билган, бошқа кўпгина фанлардан рисолалар ёзган. Олимнинг асарларида машҳур мутафаккирлар ва табиатшунослардан Арасту, Платон, Пифагор, Сукрот, Анаксагорларнинг номларини тез-тез учратамиз. Шарқ олимларидан Форобий, Ибн Сино, Беруний, Бахманёр, Фаззолий, Тусий, Тафтазоний кабилар қаторида ас-Сулламий, Ибн Аммуна, Абул Ҳасан ал-Кошийларнинг исмларини ўқиймиз.

Олимнинг «Рисолаи ботинийя» рисоласида инсондаги нафсаний кучлар, одамдаги руҳий олам ҳақида ҳикоя қилинган. Бу асар «Етти жаннат» номи билан ҳам машҳурдир.

«Рисолаи ҳилватийя» асари араб тилида ёзилган бўлиб, олти қисмдан иборат. Ҳилватлар эса ўз навбатида «тўхталиш»ларга бўлинган. Бу асарда муаллиф борлиқ билан боғлиқ бўлган жуда күп фалса-

фий муаммолар ҳақида сўз юритган. Асар давомида узидан олдин яшаб ўтган машхур алломалар билан у ёки бу масала ҳақида мунозаралар қилган.

«Фи таърифил илм» асарида илмнинг ҳикмати ҳақида фикр юритган. Қорабоғийнинг «Рисолай фи баёнил жуз ла йатажазза» асари олимлар ўртасидаги фалсафий мунозараларни ёритишга бағишиланган.

Қорабоғийнинг «Мафатих» асарида эса диний урф-одатлар, хуқуқий қоидалар ва уларни бажариш масалалари хусусида баҳс юритилган. Щунингдек, Қорабоғий Давоний, Қазваний, Тафтазоний, Шаҳобиддин Сухравардий каби олимларнинг асарларига шарҳлар, мантиқ, араб тили, риёзиёт, луғатшунослик, диний масалаларга оид қатор рисолалар ёзган.

Қорабоғий илмий фаолиятдан ташқари шеърият билан ҳам қизиқкан, унинг номи ўша давр шоирлари орасида тез-тез ёдга олиб турилади. Қорабоғий асарларининг кўпчилиги, аниқроғи, 24 та рисоласининг кўлёзмаси Узбекистон Республикаси ФАнинг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг фондида сақланади.

Кейинги йилларда Марказий Осиёнинг XVI–XVII асрлардаги фалсафа тарихини тадқиқ этиш, хусусан, Қорабоғий меросини ўрганиш соҳасида анча иш қилинди.

## АБДУЛҒОЗИЙХОН

(1605–1664)

Абдулғозийхон «Шажарайи турк» ва «Шажарайи тарокима» номли катта илмий аҳамиятта эга бўлган тарихий асарларни ижод этган ўзбек тарихнавис олими, узоқ вақт Хива хонлигини бошқарган йирик давлат арбобидир. Абдулғозийхон адабиётдан ҳам хабардор бўлган. Тиб илмини яхши ўрганган бўлиб, бу борада «Манофеъ ул-инсон» номли маҳсус тиббий асар ҳам ёзган.

Абдулғозийхон Хива хони Араб Мұҳаммадхоннинг ўғли бўлиб, ўз асарларида таржимаи ҳолига оид анча маълумотларни келтирган.

Муаррих таваллуд санасини қўйидагича баён этади: «Урганч вилоятида тарих ҳижрий минг тақи ўн тўртда (1605–1606) асад буржи ва рабиъ ал-аввал ойининг ўн бешида душанба куни офтоб бирлан баробар тулуъ қилибмиз»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Абдулғозийхон. «Шажарайи турк». ЎзР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, кўлёзма инв. № 851, в: 168<sup>б</sup>–169<sup>а</sup> қўйида қисқача, шу асар, инв. № 851.

си 851 рақамли нусха бўлиб, XVII аср охири ёки XVIII аср бошларида кўчирилган. Шунингдек, Абдулғозийхоннинг «Шажарайи тарокима» ва «Манофеъ ул-инсон» асарларининг Қўлэзма нусхалари ҳам мазкур институт қўлэзма асарлар хазинасида сақланмоқда.

Абдулғозийхоннинг маданий-илмий меросини тадқиқ этиш анча илгари бошланган. Унинг ҳәёти ва ижодига оид маълумотлар қомуслар, журналлар ва тупламларда келтирилган. «Шажарайи турк» асарининг матни 1824 йили Қозон шаҳрида академик Френь томонидан нашр этилган. Сўнгра бу асарнинг матни (1871) ва француз тилига қилинган таржимаси 1874 йили Санкт-Петербургда, профессор Барон Демезон томонидан нашр этилган. Кейинчалик Г. С. Саблюков бу асарни рус тилига таржима қилиб, Қозонда нашр этирган. Абдулғозийхоннинг туркманлар тарихига оид «Шажарайи тарокима» асарининг матни ва таржимаси тадқиқотлар билан академик А. Н. Кононов томонидан (Москва, Санкт-Петербург) 1958 йили нашр этилди.

«Шажарайи турк» асарининг матни ҳозирги жорий алифбода 1992 йили Тошкентда академик Б. Аҳмедов сўзбошиси билан нашр этилди. Шундай қилиб, Абдулғозийхон қатор тарихий асарлар ижод этган ўз даврининг етук тарихнавис олими, давлат арбоби ва лашкарбошиси эди. Абдулғозийхоннинг тури майтумотларга бой тарихий асарлари Хоразм тарихини, умуман айтганда, туркий халқлар тарихини ўрганишда муҳим манбадир.

Абдулғозийхоннинг Хоразм тарихи бўйича ўзбек тилида асарлар ёзиши анъанаси Хивада, кейинги даврларда атоқли тарихнавис олимлар, айни вақтда ажойиб шоирлар Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммад Ризо Оғаҳий ва Муҳаммад Юсуф Баённийлар томонидан давом эттирилди.

Абдулғозийхон Хива хонлигига вужудга келган ана шу тарихнавислик мактабига асос солган олимдир.

## МУҲАММАД ШАРИФ БУХОРИЙ

(XVII аср)

Муҳаммад Шариф ибн Муҳаммад ал-Хусайний ал-Алавий ал-Бухорий (вафоти — 1697 йил) ал-Мавлавий лақаби билан машҳур бўлган олим XVII асрдаги Мовароуннаҳр мутафаккирларининг ёрқин намояндадаридан биридир. У ўз ижодида ёлғиз фалсафага оид билимнигина эмас, балки тарих, шеърият, ҳуқуқ, тиљшунослик каби соҳаларни ҳам қамраб олган. Унинг бизгача йигирмадан ортиқ асари етиб келган ва улардан «Ар-рисола ад-даврийя» («Даврийлик ҳақидағи рисола») асари Бухорода ёзилган. Битилган йили номаълум. Қўлэзмасининг бир нечта нусхалари мавжуд. Шулардан бири «Рисолату

истилзами давр мин тасалсул» («Даврийликинг муттасилликка за-  
рурий тобелиги ҳақида») рисоласидир.

Рисола ниҳоялик ва бениҳоялик масалаларига бағишиланган. Му-  
аллиф бу масалани юқорига юксалувчи айланма ҳаракат күриниши-  
да ҳал қилади. Олимнинг тасаввурicha «юқорида турувчи» ва «қўйида  
турувчи» деган босқичлар мавжудdir.

Изчиллик занжиридаги юксалувчи айланма босқичларнинг уз-  
луксиз қайтарилиши муаллифнинг фикрича, чексизликка олиб ке-  
лади. Шундай қилиб, узлуксиз юксалиш занжирининг шарти доира-  
вий изчиллик билан боғланган ниҳоялик босқичларининг чексиз  
қатори ҳисобланади. Муаллиф бу билан қаноатланмайди. У ўз салаф-  
лари билан юқорида турувчи босқичнинг қўйида турувчи босқичдан  
сифат ўзгаришлари ҳақида ғойибдан мунозара қилади. Унинг яна  
бир асари «Такаммуле ат-татимме» («Такмилнинг тўлдирилиши»).  
Асар Юсуф Қорабогийнинг «Татимматул ҳавоши фи изолатил ҳаво-  
ши» («Ноаникликларни тузатишда ҳошияларнинг якунланиши»)  
номли фалсафий асарига тўлдириши, шарҳ тарзида ёзилган.

Мұхаммад Бухорийнинг фалсафий асарлари сирасига Шарқда  
машхур бўлган асарларга битилган ҳошиялар ҳам киради. Булардан  
бири «Ҳошиятун ала шарҳил ақоид ал-адудийя» («Адудийя ақида-  
лари шарҳига ҳошия») асарига ёзилган ҳошиядир. Асл рисола муал-  
лифи Адудиддин ал-Иджий номи билан танилган Адуд ал-миллат  
вад дин Абдураҳмон ибн Аҳмад ибн Абдулғаффор ас-Сиддикӣ ал-  
Мутаразий аш-Шибанкорийдир. Сунний мазҳабдаги диний ақида-  
лар ҳақидаги бу рисола муаллиф улемидан икки ҳафта олдин, ҳиж-  
рий 13 рамазон 756 (1355 йил, 21 сентябр) йилда ёзилган.

Кейинги асрларда кўплаб муаллифлар унга шарҳ битганлар. Бу-  
лар орасида XV асрнинг машхур файласуфи Жалолиддин Давроний-  
нинг шарҳи диққатта сазовордир. Ана шу шарҳга Мұхаммад Бухорий  
ҳошия битган. Бу асар икки бобдан иборат: Давроний шарҳига эски  
изоҳ, янги изоҳ. Иккала боб муаллиф томонидан ҳастилининг икки  
босқичида яратилган күлёзма нусхадан кўчирилган. Шу номда курса-  
тилгандан ташқари яна икки нусхаси мавжуд. Қадимги нусхалари  
сақланмаган. Бизгача XIX асрнинг 80-йилларида кўчирилган нусхалари  
етиб келган.

«Ҳошияни Мавлавий Шариф бар шарҳи таҳзиб» («Мавлавий Ша-  
рифнинг таҳзиб шарҳига ҳошияси»)нинг тўлиқ номи «Мантиқ ва  
каломнинг тузатилиши» бўлиб, қарийб барча манбаларда у қисқа  
тарзда «Тузатилиш» («Таҳзиб») деб берилади.

Рисола муаллифи Ўрта аср Шарқида машхур бўлган самарқанд-  
лик олим — мантиқ илмининг билимдони Саъдуддин Тафтазоний-  
дир. Бу асар Мовароуннаҳр ва бошқа ўлкаларда ҳам маълум бўлган,  
унга олимлар XIX асрга қадар қатор шарҳ ва изоҳлар ёзганлар. Кейин-  
чилик XX аср аввалларигача рисолага шарҳ ва изоҳлар тошбосмада  
нашр этилган.

Муаллифнинг ижтимоий-ахлоқий фикрларга бағишиланган асари «Китоби фавоиди ҳоқониййа» («Ҳоқонга фойдали маслаҳатлар китоби») деб аталади. Асарда ижтимоий ҳаёт ва ахлоқий муаммолага оид аниқ маълумотлар ёритилган. Рисоланинг «Ҳукмронлик ва шариатта биноан у билан боғлиқ ҳамма нарсалар ҳақида» деган боби қулдорнинг фазилатларига оид сўзлар билан бошланади: «Халиф мусулмон бўлмоғи керак, оқил, балогат ёшига етган, нутқ, кўгиш ва эшитиш қобиляти бўлмоғи лозим. У шариат кўрсатмаларини бажара билиши зарур, ислом давлати ҳудудларини гайридин ва босқинчилардан асрashi, мазлумларни зулм ва ёвузликтан ҳимоя қилиши даркор. Агар Халиф ана шу сифатларга эга ва яна хушфeyл бўлса, у вактда ҳукмронликка лойиқдир».

Учини қисм Халифнинг одиллиги ҳақида бўлиб, жумладан муаллиф бундай деб ёзади: «Подшоҳлик қилишида адолат эзгулик саналади».

Тўртинчи қисм исёнкорлар ҳақида. Муаллиф уларни шундай тарьифлайди: «Куръон ва пайғамбар ҳадислари асосида ҳукмронлик қилаётган одил мусулмон шоҳ билан ҳақиқат талашиш исёнкорлик ҳисобланади».

Олтинчи қисм солиқ, тўловлар солищ ва улардан шоҳнинг фойдаланиши ҳақидадир. Жамиятнинг солиқ тузуми ҳақида қимматли маълумотлар бергани учун бу қисм ўсят аҳамиятлидир. Жазолар ҳақидаги қисмда муаллиф фаҳш ишлар билан шугулланиш, май ичиш, ҳақорат қилиш ва ҳоказоларда айланганларга қарши жазо белгилаш тўгрисида сўзлайди.

Файласуфнинг шеърий девони ҳам мавжуд. Унда шоирнинг ала-бий мероси тўпланди. Девон турли котиблар томонидан XX асрга қадар кўчирилиб келинган. Бу ҳол Бухорий шеъриятига Мовароуннахрнинг йирик шаҳарларида катта қизиқиши билан қаралганидан далолат беради. Девонни тадқиқ этиш бир жиҳатдан олим дунёқарашини ўрганишга ёрдам берса, иккинчи тарафдан адабиётимиз тарихини бойитади.

Муҳаммад Бухорийнинг араб тилишунослигига оид асари «Хошияи Мавлавий Шариф бар фавоиди Зиёййа» («Мавлавий Шарифнинг Зиёй фойдаларга изоҳи») деб аталади. Изоҳлар «Ал-Кофия» номли Ибн ал-Ҳожиб қаламига мансуб бўлган грамматика ҳақидаги асар шарҳига битилгандир. Шарҳ муаллифи машҳур шоир ва олим Абдураҳмон Жомийдир. Шарҳ Жомийнинг ўғли Зиёвуддин Юсуф учун 1491 йилда тузилган ва ўша давр мадрасаларида дарслик сифатида қўлланилган. Оддий халқ орасида «Шарҳи мулло» номи билан маълум бўлган. Шундай қилиб, Муҳаммад Шариф Бухорий ўтмишда яшаб ижод этган ёрқин сиймолардан биридир. Олимнинг асарларида дин, шариат, фикҳ, илоҳиёт, тасаввуфнинг муҳим жиҳатлари ёритиб берилган. Муҳаммад Шариф Бухорий меросини ўрганиш фалсафамиз тарихини тадқиқ этиш соҳасидаги илк қадамдир.

## ТУРДИ ФАРОГИЙ

(XVII аср)

XVII асрда яшаб ижод қилган Турди Фарогий ўзбек адабиёти тарихида ўзига хос мавқега эга бўлган шоир ва мутафаккирлардан биридир. Шоир ўз шеърларини кўп ҳолларда «Турди» номи, баъзан эса «Фарогий» тахаллуси билан ёзган. «Фарог» Жиззах ҳудудидаги қишлоқлардан бирининг номи бўлиши эҳтимоли бор.

Турди Фарогийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида тарихий манбаларда аниқ маълумотлар сақланиб қолмаган. Бу тўғрида асосан унинг бизгача етиб келган саноқли шеърлари бўйича фикр юритиш имконимиз бор, холос. Турди ижодини ўрганишга А. Фитрат, О. Шарафуддинов, Х. Ёкубов каби олимлар катта ҳисса қўщилиар. Шоирнинг А. Мажидий томонидан топилган ва 1924—25 йилларда нашр этилган шеърлар қўлёзмаси 30-йиллардаги қатағонда йўқолиб кеттан бўлиб, уни қайтадан топиш ва илмий муомалага киритиш 1959 йили ушбу сатрлар эгасига насиб этди<sup>1</sup>. Шоир асарлари қўлёзмасининг қайта топилиши унинг асарлари матнларини тўғри ўқиш ва қайта нашр этишда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу қўлёзма ҳозир Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида — 1407- рақам билан сақланмоқда.

Турди тахминан XVII асрнинг 40-йилларида туғилиб, Бухородаги Аштархоний ҳукмдорлардан Нодир Муҳаммад ва унинг ўғиллари — Абдулазизхон ҳамда Субҳонкулихонлар даврида фаолият кўрсатган. У бир шеърида ўз утмишини эслаб:

Аҳди давлатлар билан ёру ҳариф, ҳамдуш эдим,  
Хою-хуйи базмларда шаҳд нўшонуш эдим,  
Хуш замонлар юз қазони бошида сархуш эдим...<sup>2</sup>

— деб ёзишидан англаниладики, у олдин ўтган бир замонларда амалдорлар сафида қайноқ ва суронли ҳаёт кечирган, юз уругининг кўзга кўрининг сиёсий арбобларидан бўлган. Шу билан бирга у ўзи ҳам шу уруғга мансуб бўлгани эҳтимолдан узоқ эмас.

Турди ўзбек ва форс тилларини яхши биларди. У қариган чоғларида ёзган «Дар мазаммати сипоҳигари» деган шеърида ўзининг асосий касб-кори сипоҳийлик («ҳарбийлик») булганини, шу касби билан узоқ йиллар давомида нималарнидир тамаъ қилиб, шоҳларга

<sup>1</sup> Биз бу ҳақда биринчи марта «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1959 йил 1 июл сонида, сўнг «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журналининг 1961 йил 2-сонида ахборот берган эдик.— А. Х.

<sup>2</sup> Турди. Шеърлар. Тошкент, 1971. 34-саҳ. Нашрга тайёрловчи А. Ҳайитметов. Бундан кейинги шеърий мисоллар ҳам шу нашрдан олинди.— А. Х.

хизмат қилганини, лекин охир-оқибатда ҳеч нарсага эриша олмаганини афсус-надомат билан маълум қиласи.

Лекин ҳарбийлик билан бир қаторда Турди ўз замонасининг энг ўқимишли, Шарқ адабиётидан мукаммал хабардор, ҳаёт, жамият ҳақида кенг тушунчага эга бир киши бўлиб етишган эди. Унинг жамиятда тутган мавқеи эса ўз атрофида юз бераётган воқеа ва ҳодисаларга фаол аралашишни тақозо этган. Айтидан у оддий аскар эмас, балки қўшин бошлиқларидан бири, баъзан бирон сиёсий гуруҳнинг раҳбари бўлган ёки бирон шундай гуруҳга ён босган.

XVII аср Бухоро сиёсий ҳаётидаги энг муҳим воқеа Аштархонийлардан Нодир Муҳаммаднинг таҳтга чиқиши, орадан кўп ўтмай ўғли Абдулазизхон ҳукмдорликни ундан тортиб олиши, бу аҳвол билан келиша олмаган кичик ўғли — Субҳонқулихоннинг эса акасига қарши узоқ йиллар давомида кураш олиб бориши ва ниҳоят, 1680 йилда ўз мақсадига эрищуви бўлган эди. Субҳонқулихон давлат тепасига келгач, рақиби — Абдулазизхонни Мадина шаҳрига кетишга мажбур этиш билан бирга Турди каби унга яқин турган кишиларни ҳам кувғин остига олди.

Субҳонқулихон даврида зулм ва жаҳолат авж олиб, айрим уруғ ва аймоқларнинг манфаатларига катта зиён етган, мулклари тортиб олинган, порахурлик кучайган. Илм, маданият ҳам орқага кетган. «Тарихи Муқимхоний» асари муаллифи Юсуф Муҳаммад Муншининг хабар беришича, у 2000 байт шеър ёзган жияни шоир Қосим Султонни ҳам вақти келганда аямайди — улдиртиради<sup>1</sup>. Орадан кўп вақт ўтмай мамлакатда қаттиқ норозиликлар юз бериб, бу пировардида янги ҳукмдорга қарши уюшган халқ қузголонларига айланади. Турди шубҳасиз, халқ томонида туриб бу ҳаракатларда иштирок этади.

Лекин бу қўзғолонлар Субҳонқулихон томонидан аёвсиз равишида бостирилди. Турдининг шундан кейинги ҳаёти Хўжанд томонларда, мухтожлик ва узлуксиз мавнавий тушкунлика кечган. Унинг Хўжанд ҳокими Оқбўтабий даргоҳидан кетиб, Жиззах ҳокимига мутеъ бўлиб яшаган вақтида ёзган туркий мухаммаси бунинг ёрқин далилидир. Унинг бизгача етиб келган шеърларининг катта қисми шу даврда яратилган. Турди таҳминан 1699–1700 йилларда вафот этган.

Турдининг адабий мероси 18 шеърдан иборат бўлиб, улардан 12 таси ғазал, 5 таси мухаммас ва биттаси фард турига оиддир. 434 мисра ҳажмидаги бу мероснинг 165 мисраси Субҳонқулихон тўғрисидағи машҳур ҳажвияни ташкил этади. Бироқ шу мероси билан ҳам Турди ўзбек мумтоз адабиёти тарихидан муҳим ўрин эгаллагандир.

<sup>1</sup> Ёқубов Ҳ. Турди Фарғоний. Адабий мероси. (Каранг: «Ўзбек адабиёти тарихи». III том. Тошкент, 1978, 215–226- саҳ.).

Диққат билан назар ташланса, Турди ҳам ўз ижодини бошқа шоирлар каби анъанавий ишқ мавзуудан бошлагани, бу соҳада ўзигача мавжуд ижодий тажрибани пухта эгаллагани сезилади. Шоирнинг:

Туркона хиром айлади ул шўхи дилоро,  
Дил мулкини бир гўшаи чашм айлади яғмо —

матлаи билан бошланган ишқий ғазали лириканинг яхши намуналаридан деб баҳолашга лойик. Яна диққатта сазовор томони шундаки, Турдининг лирик ғазаллари бошқа шоирларнидан ўзининг ниҳоятда ихчамлиги, яъни 3—4—5 байтдан иборатлиги билан ажралиб туради. Турдининг тасаввуфий шеърлари ҳам ғоят гўзал ва фалсафий теран мазмунга бой.

Турди ўзининг тасаввуф билан боғлиқ қарацларини «Бурун» радифи билан ёзилган туркий мухаммасида шундай баён этган:

Лобақодур қалбий, қалбининг боғлама иқболинга,  
Бўлма ғарра орият дунё-ву мулку молинга,  
Ёд этиб гўру қиёмат, йиғла доим ҳолинга,  
Бур назар мо-у манидин, ёқиб ўз аҳволинга,  
Ибрат ила бок, қўзунг туфрокка тўлмасдан бурун.

Лекин Турди ғазалларининг аксарияти ҳали ҳеч ким қаламга олмаган, ўткир ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-ахлоқий мавзуларга бағишлиланган. Айниқса, шоирнинг қўйидаги ғазалида юртни бошқараётган бекларга мурожаат қилиб, уларни кенг феълли, ўзаро иттифоқ бўлишта, бир-бирини қабилачилик белгиларига қараб камситмасликка чақириши, уни ўз даврининг энг юксак фикрли, ватанларвар ва ҳақиқий инсонпарвар киши бўлганлигидан далолат беради:

Тор кўнгуллик беклар, манман деманг, кенглик қилинг,  
Тўқсон икки бўли ўзбек юртидур, тенглик қилинг,  
Бирни кипчоку хитою бирни юз, найман деманг,  
Кирку юз минг сон бўлуб, бир хон ойинлик қилинг.  
Бир яқодин бош чиқариб, барча бир тўнға кириб,  
Бир ўнгурлик, бир тиризлик, бир яқо-енглик қилинг...

XVII аср шароитида Бухоро хонлигига туркий, хусусан, ўзбек уруғлари ўртасида ўзаро низолар кучайган бўлиб, шоир уларнинг бир-биридан узоқлашиб, мамлакатнинг эса майдада бўлакларга бўлиниб кетишини уларнинг ўзлари учун ҳам ғоят хатарли деб билар, бунинг олдини олишга интилар эди. Шу билан бирга у хонликнинг бошқаришда ишлаёттан, «ўзбекман!» деб талончилик билан шуғулланаётган вакилларини динсизликда айблаши, муттаҳам, бебош сифатида фош этиши аччиқ ҳаётий ҳақиқатга асосланган эди.

Турдининг шоҳ асари, албатта, Субҳонқулихон тўғрисидаги ҳажвий мухаммасидир. Шоир фикрича, Субҳонқулихон давлат тепасига келиши билан бутун мамлакатда аҳвол ёмон томонга ўзгарган, осоишишталик ўрнини тартибсизлик, алду карам ўрнини ўзаро нифоқ эгаллаган.

Турди ёзишича, Субҳонқулихоннинг айби шундаки, у таҳтга ултириши билан оқ таржибали, иш билармон мулоғимларни қувиб, уларнинг ўрнига ўз атрофида давлатни бошқариш ишидан бутунлай хабарсиз, фикр-мулоҳазалари саёз, ахлоқан тубан кишиларни йиға бошлигаган. Субҳонқулихон ва унинг бекларига хос нуқсонларни фош этишда Турдининг ҳажвий қалами сатрдан-сатрга, банддан-бандга тобора ўткирлаша боради. Шоир бу шоҳ ҳақида:

Бидъату зулм ани хилқату асли зоти...  
Фуқаро бўлди бу шоҳ асрида кўзи зору нахиф,  
Зулмдан бўлди раият элиним хору замф —

деб ёзса, унинг бекларига:

Эй юзи қора, кўзи кўр, қулоги кар беклар...  
Едингиз барчангиз итдек фуқарони этини;  
Фасб ила молин олиб, кўймадингизлар битини...

— деб хитоб қиласи. Субҳонқулихон фаолиятида ҳам айrim ижобий томонлар бўлиб, Турди эса улардан бутунлай кўз юмади. Масалан: у шоҳлик билан бир қаторда тиббиёт масалалари билан изчил шугулланган ва ўз даврида «Тибби Субҳоний» деган асарни ёзган. Биз 1972 йили Афғонистонда бўлганимизда, Балхга яқин Деходи қишлоғи масжидида Субҳонқулихоннинг катта кутубхонаси бўлгани ҳақида маълумотга эга бўлган эдик.

Тўғрироғи, Турди бу асарида Субҳонқулихон қиёфасида қаттиққўл, жоҳил шоҳ тимсолини яратишга ҳаракат қилган ва бунга эришган. Бунда Субҳонқулихон образини биз тўла тарихий реал шахс сифатида эмас, балки адабий тип сифатида баҳоламогимиз зарур. Бу ҳажвий асари билан Турди ўзбек ҳажвиётини Алишер Навоийдан кейин янги бир юксакликка кўтарди.

Турди Шайх Саъдий газалига боғлаган мухаммасида эса ўз улуг салафи асарида инсонпарварлик гояларини янада чукурлаштириди. Саъдий бу газалида шундай ёзган эди:

Нест он лолаки, дар бодияҳо жилвагаранд,  
Күштагонандки, аз хок бар оварда саранд.

Мазмуни:

Саҳроларда жилва қилаётган нарсалар лола эмас,  
Балки сўйилган одамлардирки, туфроғдан бош чиқариб турибдилар.

Турди бу байт олдиға қуйидаги уч сатрни қўшиб, янги банд ярат-  
ган ва Саъдий ғазалини тұлдирған:

Барги ҳар тоза гуле шоҳиди мадди назаранд,  
Варақи сағға манзур зи аҳли басаранд.  
Хушкраб, дөғ ва дил ташна ба хуни жигаранд.  
Нес он лолаки, дар бодияҳо жильвагаранд,  
Күштагонандки, аз ҳок бар оварда саранд.

Мазмуни:

Гулнинг ҳар бир япрги киши дикқатини ўзига тортади,  
Унинг ҳар бир гулбарги эса зийрак кишиларга манзур бўладиган  
бир варакдир.

У гуллар лаби қуриған, дили дөғ, жигарининг қонига ташнадирлар.

Саҳроларда жилва қилаётган нарсалар лола эмас,  
Балки сўйилган одамлардирки, туфроғдан бош чиқариб турибдилар.

Турди мухаммасининг яна бир қимматли томони шундаки, унинг шу мухаммаси туфайли Саъдийнинг бошқа қулёзмаларда йўқ бир ғазали бизгача етиб келган. Биз 1996 йили Шерозда бўлганимизда, у ердаги «Саъдий маркази» илмий ходимлари ҳам бу ғазални улуғ шоир асарларининг Эрон нашрларидан топиб бера олмадилар.

Турди ўз шеърларида Шарқ шеъриятидаги бадиий санъатлардан маҳорат билан истифода этган ҳолда, биринчи ўринга ҳаётий мазмунни қўяди, куп ўринларда унинг шеърий услубига фалсафий тафқур хосдир.

У ўз ижодида ҳамма вақт фикрни ўткир ва тиниқ ҳолда, катта билим ва тушунчалар асосида, ўзига, ўз орзуларига, ўз асарларини жамият ҳаётини узгартира олиш кучига қаттиқ ишониб қалам тебратган.

Шунинг учун унинг адабий мероси бизнинг давримизда ҳам катта маъно касб этиб, кишиларимизнинг тарбиясида мұхим ўрин тутиб, халқимизнинг чинакам маънавий мулкига айланғандир.

## БОБОРАҲИМ МАШРАБ

(1640–1711)

Бобораҳим Мулла Вали (Валибобо) ўғли Машраб ўз ижоди билан ўзбек адабиётида халқи ғарбия, ижтимоийлик ва дунявийликнинг чуқурлашувида, жаҳолат ва билъатга қарши кураш ғояларининг кучайишида, шеърият шаклларининг такомиллашуви ҳамда бадииятнинг камолға эришувида катта ўрин тутган сўз усталаридан биридир.

Машраб фақат оташзабон ижодкор сифатидагина эмас, балки, айни замонда, адолатсизлик, зуравонлик, қабоғат ва жаҳолат билан асло келиша олмайдиган довюрак шахс сифатида ҳам донг таратган. Халқ тасаввуррида у жоҳил амалдорлар устидан кулувчи, ахлоқан ту-бан кишиларни, муноғиқ дин арбобларини аёвсиз фош қилиб, меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя этувчи ботирсуз, тадбиркор курашчи тарзида шаклланган: оддий халқ Машраб тимсолида ўз ишончли вакилини, ўз орзу-интилишларини баралла айта олувчи оташин сиймони курган.

Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижод йўли ҳақида маълумот берувчи тарихий манбалар кўп эмас. Унинг номи XVIII–XIX асрларда тузилган айрим тазкира ва тасаввуфий йўналишдаги асарларда (Муҳаммад Бадеъ Малеҳоннинг «Музаккир ул-асҳоб», «Тазкираи Фаҳмий», «Мусавваи Абдушшукур Зиё», «Тазкираи авлиёи Мажзуб Наманганий») зикр этилади. Аммо уларда шоир ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида келтирилган маълумотлар ниҳоятда кам, узук-юлук ва бири-бирига зид. Машрабнинг қолдирган адабий мероси хусусида ҳам аниқ маълумот берувчи манба йўқ. Унинг ўз асарларини тўплаб девон ёки бирор мажмуя тузганлиги маълум эмас. Фақат «Девони Машраб», «Девонаи Машраб», «Эшони Машраб», «Ҳазрати шоҳ Машраб» номлари остида халқ орасида кўлёзма ва тошбосма шаклида жуда кенг тарқалган қиссалардагина (уларнинг ким томонидан ва қачон тузилганлиги аниқ белгиланган эмас) шоирнинг ҳаёт йўли ва ижодий фаолияти маълум тартиб ва изчиликда баён этилади, асарларидан намуналар келтирилади. Машраб фаолиятининг қатор нуқталари аниқ ва тарихан тўғри қайд этилганидан қиссанинг биринчи нусхалари шоирни яқиндан билган ва асарларидан яхши хабардор шахс томонидан, уша даврларда ёк яратилган, деб таҳмин этиш мумкин. Айни замонда, у узоқ йиллар давомида ўзгартириш ва тузатишларга дуч келган, турли тўқималар, янги-янги ривоят, нақллар, саргузашт ва латифанамо лавҳалар билан тулдирила борилган. Натижада қиссаларда тарихий Машраб фаолияти халқ тасаввурридаги тўқима Машраб ҳамда у ҳақидаги саргузашт — ривоятлар билан қоришиб-чатишиб кетган. Шундай бўлса-да, Машраб ҳақидаги қиссалар шоир ҳаёт йўлини нисбатан тўла ва босқичма-босқич ўзида жамловчи адабий-тарихий манба сифатида илмий аҳамият касб этади.

Бобораҳим Машраб 1640 йилда (ҳижрий ҳисоб билан 1050) Намангандаги камбағал косиб-бўзчи Валибобо оиласида дунёга келди. Қисса маълумотларига кўра, Бобораҳим отадан ёш етим қолади, оиласининг моддий қийинчиликлари янада ортади. Онаси ип йигириб тирикчилик ўтказади. Қиссада бўлаҗак шоирнинг гўдаклигиданоқ ниҳоятда ҳалол, зийрак, тўғрисуз бўлганлиги, ҳозиржавоб ва мушоҳадалиги билан тенгқурларидан ажralиб туриши алоҳида таъкидланаиди. Ҳар ҳолда ўз даври билимдонларидан, хусусан, дин асослари

ва фалсафадан дурустгина бохабар бўлгани учун Наманганинг сўфий эшони Мулла Бозор Охунд номи билан шуҳрат қозонган Хўжа Убайдулло қўлига таҳсил такмилига топширилган. Бобораҳим маълум муддат Мулла Бозор Охундда диний таълимот ва сўфий тариқатлари бўйича билимини оширади, форсий тилни урганади, айни замонда, Шарқ шеъриятини, хусусан, унинг йирик вакиллари меросини қизиқиши билан мутолаа қиласди.

Тахминан 1665 йилларда Мулла Бозор Охунд тавсиясига кўра ўша замонда катта обрўга эга бўлган йирик дин арбоби кошгарлик Ҳидоятулло Офоқ Хожа эшон хузурига боради. Бобораҳим кўп билимлар соҳиби, фозил Офоқ Хожага сидқидилдан мурид тушади, уни ўзига муршиди комил деб қабул қиласди ва етти йил унинг даргоҳида хизматини ўтайди, юмушларини бажариди, сабоқ олади, муридлари қаторида кун кечиради. Қиссаларда таъкидланишича, шеъриятни юксак қадрлаган Офоқ Хожа Бобораҳимнинг ижодий иқтидорини юқори баҳолайди, ҳатто «Машраб» тахаллусини ҳам у тавсия этади. Машраб газалларининг бирида учровчи мана бу байтда ҳам худди шу мазмун инфодаланган:

Кудисса сирриху Ҳожам отимни «Машраб!» дедилар,  
Кошгару Ёрканд ичида соҳиби гуфтор ўзим!

Шоир адабий меросидаги диний мазмун ва тасаввуфий йўналиш руҳидаги шеърларнинг кўпчилик қисми Офоқ Хожа даргоҳида ва унинг тарғибот-сабоқлари таъсирида яратилган, десак хато бўлмас. Офоқ Хожанинг шахсий хислат-фазилатларини мадҳ этувчи, уни «лиру раҳбар» деб тан оловчи байт-мисраларни таркибида жамъ этган газал ва мухаммаслар ҳам («Кошки», «Ўзим» радибли газаллар, «Қолмади» радибли мухаммас) шу муридлик йиллари маҳсулидир.

Машраб тахминан 1672–73 йилларда Офоқ Хожа даргоҳини тарк этишга мажбур бўлди. Шоир ҳаёт йўлини баён этувчи қиссаларда қайд этилишича, бунга Машрабнинг пири даргоҳидаги канизларининг бирига кўнгил кўйгани, севиб-севилгани расмий сабаб бўлган. Аммо Машрабнинг оғир жисмоний жазоланиб қувилиши заминида пир билан мурид ўртасидаги жиддий гоявий зиддиятлар бўлган дейилса ҳақиқатта мувофиқ бўлади.

Машраб Кошгардан 1673 йилда Намангана — онаси ёнига қайтади. Касалманд онасининг вафотидан кейин ҳеч кими қолмаган шоирнинг кўнимсиз ҳаёти бошланади. Унинг кейинги деярли қирқ йиллик умри доимий сафарда, дарбадарликда, турли ўлкаларда мусофирикда ўди. Турли адабий-тарихий манбалар, шунингдек, қисса нусхалари Машраб борган шаҳар-юртлари, сафар тартиби ҳақида хилма-хил, кўпинча бири-биридан фарқли маълумотлар беради. Уларда шоирнинг Самарқанд, Хўжанд, Тошкент, Туркистон, Бухоро,

Андижон, Бадаҳшон, шунингдек, Яқин Шарқнинг қатор ўлкалари-га борганлиги ҳақида сўзланади. Машрабнинг адабий меросида ҳёт йўлининг қатор нуқталари жумласида юқорида саналган шаҳар — ўлкаларнинг кўплари зикр этилади. Машрабнинг бирор шаҳар-қишлоққа келиши изсиз утмас эди, маълум шов-шувларга сабаб бўларди: оддий халқ самимият ва хурсандчилик билан, ҳоким, амалдорлар, риёкор руҳонийлар эса ҳадиксираб, душман кўзи билан совук қарши олардилар. Машраб қўнимиз ҳаётининг сунгги нуқтаси Балҳда ҳам худди шундай бўлди: ҳоким табака, риёкор руҳонийлар, мутаасиб муллолар унга ўзларининг ашаддий душмани деб қарадилар ва жисман йўқотиш ниятида бўлдилар. Натижада, «Тазкираи Фаҳмий»-да қайд этилганидек, «дар соли 1123 ҳижрий дар Кундуз бафатвои уламо ва ҳукми Маҳмудбий Қатоғон шаҳид карда шуда», яъни «1123 ҳижрий (1711 милодий) йилида Кундузда (Балх вилоятида) уламоларнинг фатвоси ва Маҳмудбий Қатоғон (Балх, Кундуз ҳокими)-нинг ҳукми билан шаҳид бўлди». Оташин шоир, довюрак шахс, жасур қалб соҳиби Бобораҳим Машраб осиб ўлдирилди. У худди Мансур Халлож ва Имомиддин Насимий каби хурфикр фоялари йўлида, ўша замонадаги ҳукмрон табақалар ва жоҳил уламолар расмий сиёсатига номунофиқ дунёқараси йўлида курбон бўлди.

Бобораҳим Машраб мумтоз адабиётимиз буюк намояндаларининг илғор анъаналарини ўрганиб йирик шоир бўлиб шакланди, камолга етди. У қолдирган меросда, биринчи навбатда, ишқий мавзудаги ғазал-мухаммаслардан ана шу анъаналарнинг баракали таъсирини аниқ кузатиш мумкин. Масалан: Машраб Лутфийнинг машхур:

Сен-сан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,  
Кондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма —

матлаини ўзгартирмай қабул қилиб, уни шу ўйноқи вазн, шу қофия ва радиф, шу руҳда давом эттиради, буюк устозига хурмат ҳамда санъатини тан олиши белгиси сифатида ўхшатма ғазал яратади.

Машрабнинг ижодий камолотида, айниқса, Навоий меросининг ижобий таъсири катта бўлди. Шоирнинг энг яхши асарларида биз Навоий ижодига хос фалсафийлик ва дунёсеварликни кўрамиз, мазмуннинг ҳаётйлиги, халқчиллигини, вазн равонлиги ва ўйноқилигини қайд этамиз, мавзу танлаш ва уни бадний талқинида яқинлик ва ўхшашибликни учратамиз. Машраб мухаммасларидан бирида маъшуқаннинг учрашув ҳақида ошиқча вайда бергани, ошиқнинг тунларни бедор ўтказиб, интизорлик билан васл дақиқаларини кутиши тўгрисида сўз боради. Аммо, маъшуқча вайдан бузади, вафосизлик кўрсатиб учрашувга келмайди. Мухаммас ошиқнинг ана шу ҳолатдаги ҳаяжонини, ҳис-туйгуларини, ҳижронда ёрни кутишдаги нозик кечинмаларини юксак бадийлик билан ниҳоятда жонли ифодалайди:

Ваъда қилди бир келай деб, кўзга уйку келмади,  
Термуруб йўлида қолдим, шуҳи бадхӯ келмади,  
Неча келди шум ракиблар, ул парирӯ келмади,  
Дардидин ўлдим, табиб, дардимга дору келмади,  
Мен шаҳиди ишқ бўлдим, қатран сув келмади.

Ўн икки банд давомида мавзуни шу юксак савияда бадиий таҳлил этувчи бу мухаммас Машраб ижодига Навоийнинг баракали таъсирини кўрсатувчи яққол мисол була олади. Бунда улуғ шоирнинг: «Кеча келгумдур дебон ул сарви гулру келмади» мисраси билан бошланувчи машхур ғазалидан Машраб илҳомланганлиги кўзга равшан ташланади.

Машраб Навоий меросидан лирикада жилдий ижтимоий мазмун ифодалашни, норозилик оҳанглари ва танқидий фикрларни ишқ-муҳаббат мавзуидаги шеърлар жисмига «жойлаб юбориш» маҳоратини ҳам ўзлаштириди, ижодий ривожлантириди.

Машраб ижодидаги ижтимоий мазмундорлик ва кучли танқидий йуналиш шоирнинг илғор дунёқарashi, ҳалқчил фалсафаси, замонасидағи салбий воқеа-ҳодисаларга аниқ танқидий муносабатидан шаклланган. Қатъий айтиш мумкинки, чукур ижтимоийлик ва кучли танқидий муносабат Машрабнинг умумижодий фаолиятида устиворлик қилган ҳамда яратган кўпдан-куп асарларининг асл фазилати даражасига кўтарилиган.

Шаҳар ва қишлоқлар эзилган оммасининг ғаму ҳасратларга тўла кулфатли ҳаётини бадиий тасвирлаш ҳалқчил шоир ижодида етакчи мавзулардан бири бўлган. Доимо ҳалқ ичида юриб, унинг яшааш шароити ва орзу-интилишларидан яқиндан хабардор бўлган Машраб мешақатли ҳаётни ҳаққоний бадиий лавҳаларда маҳорат билан тасвирлади, ниҳоятда содда, равон, аммо мазмунан залворли мисраларда самимий ҳамдардлик ва юрақдан ачиниш туйгуларини таъсирчан ифодалади. Шеърларидан бирида «Азалдин мен дили ғамгин ҳалойиқ ҳайлини севдим!» деб ёзган шоир бошқа бир ўринда «Ўзимдек хонавайронларни кўрсам зор йигларман!» дея эзилган оммага тўла хайриҳоҳ эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Машраб шеъриятида «кўзи ёшли», «бахти қаро», «дард аҳли»га, «ғам ҳайли»га ҳамдардлик, улар билан ҳамдамлик гоялари қайта-қайта такрорланиши бежиз эмас.

Машрабнинг «Танҳо» радифли мухаммасида бевосита ҳалқ ва унинг турмуш шароитини ҳаққоний кўрсатувчи лавҳалар чизилган. Ҳар бир ўкувчи юрагини ўртовчи мана бу мисралар шоир ижодининг тула ҳалқчил моҳиятига ишончли далиллар:

Дили тиги ситамдин пора бўлган ҳалқни кўрдим,  
Тану дарду аламдин ёра бўлган ҳалқни курдим,  
Кўзи вақти саҳар сайёра бўлган ҳалқни кўрдим...

Бобораҳим Машраб қолдирган ижодий меросда диний ва тасаввуфий ғоялар ҳам, уша замонда кенг тарқалган қаландарлик тариқатининг айрим оҳанглари ҳам сезиларли урин эгаллади. Шоир исломнинг асосий назарий қоидаларини шубҳасиз қабул этади. Аммо, айни замонда, ислом таълимотининг бир қатор зоҳирий белгиларини, бирламчи деб ҳисобланган қонун-қоидаларини, шариатнинг айрим кўрсатма-талабларини, фарз-суннатларини тан олмаслик ва паст назар билан қараш ҳам кўзга ташланади, айрим диний рукитушунча ва муқаддас деб билинган маросим ва одатларга, талқин ва ақидаларга шубҳа билан қараш, ҳатто, очикдан-очиқ менсимаслик ва масхараомуз муносабат анча-мунча учрайди.

Турли-туман шакл ва талқинларда жиловланувчи бу дунёқарашининг бутун моҳият-мағзи шоирнинг куйидаги қатъий эътирофида ниҳоятда яққол ва лўнда ифодаланган:

Бир Худодин ўзгаси барча галаттур, Машрабо,  
Гул агар бўлмаса илкимда тиконни на қилай?!

Ҳа, биргина қудратли яратувчидан бошқа ҳамма-ҳаммаси «ғалат», яъни хатодир, дейди шоир. Байтда Машраб биринчи мисра мазмунини иккинчи мисрада ҳаётий ва тасаввуфий рамз-тимсоллар воситасида намоён этади.

Машраб шеъриятида учровчи шаккоклик заминида, жумладан, намоз, рӯза, жаннат (бехишт), Макка, Каъба (байтул-ҳарам), ҳурғилмон, дўзах тушунчаларига ҳурматсиз муносабат, баъзан эса очикдан-очиқ менсимаслик, «бир пулга сотиш»га тайёрлик остида, шунингдек, риёкор, мунофиқ дин арбобларининг, зоҳиду муллоларнинг аёвсиз фош этиш асосида ана шу эътиқодга буюк ишонч, қатъий садоқат мавжуд. Умуман тасаввуф таълимотида бўлганидек, Машраб ижодида ҳам, фақат Аллоҳнигина тан олиш, якка унгагина чин муҳаббат кўйиш ва унинг васлига талпиниш жараёнида барча «ғалат»ларни рад этиш сўфий адабиётда асрлар давомида қарор топган рамз-тимсоллар, тушунча-иборалар («Ишқ», «Муҳаббат», «Ёр», «Жонона», «Гул», «Май», «Бода», «Висол» ва бошқалар) воситасида амалга оширилган. Шоир шеърларида бу мазмун қатъий кескин руҳда, баъзан, ҳатто кўпол, дағал оҳангда, аммо доимо равшан ифодасини топган:

...Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ не керак?!  
...Урайинму бошима саккиз беҳишту дўзахин?!  
...Кўрмасам бир дам Сени байт ул-ҳарамни найлајин?!  
...Икки дунёдин кўзум юмдум Сенинг завқинг билан!  
...Мени девона Машрабга Муҳаббатдин баён айлан!  
...Номозу рузадан фориғ бўлиб сайдера Машрабман!  
...Хонақою Каъбадин, Машраб, мурода етмадим!

Юқорида айтилганлар тұла назарда туғылсагина Машраб ижодий меросида күплаб учровчи бу қаби хитоб-таъкидларнинг асл мазмұни, тасаввуфий мәдхияти юзага чиқади, фақат шундагина шоир фалсафаси, кузатаётган бөш мақсади түғри баҳоланади.

Албатта, Машраб шеъриятининг ҳар бир намунасидан тасаввұфий мазмун ва сұғый рамз-тимсолларни қидириш, ҳар бир ҳолатда маъшуқа мадҳи ва унинг васлига интилиш заминида Яратувчи мадҳи ва унга сиғиниш, талпиңиши түшуниш ҳатодир.

Машраб қолдирған ижодий меросда ҳаётійлик, тирик инсон ва унинг инсоний кечинмаларини ифодалаш, хислат-фазилатларини таърифлаш, орзу-умидлари, шодлик-қувончлари ва ғам-ташвишларини ҳаққоний тасвирлаш ҳам салмоқли ўрин әгаллайди. Бу мавзу асосан, ҳаётій ишқ-муҳаббатни улуғлаш, іўзал ёрни — маъшуқа ҳусну латофатини таърифлаш, ошиқнинг севги-садоқатини, ёр васлига интилишини ишончли тасвирлаш жарайёнида таҳлил этилади.

Ҳаётій ишқ-муҳаббат мавзуи Машраб ижодида Шарқ шеъриятининг ғазал, мустазод, мураббаъ ва мухаммас, шунингдек, мусаддас ва мусаббаъ турларида ишланди. Бу гурух асарлари асосида ташвиш ва лаззатларга тұла инсоний севги ётганилигини күрамиз. Шоир маъшуқа сиймосини чизар экан, шундай бадиий маҳорат намойищ этадики, натижада лирик «мен» күнглини забт этган ёр ўқувчи күзи олдида ўзининг бутун аёллик латофати, назокати, ички ҳиссиёти, ҳулқ-атвори, шарму ҳаёси, нозу житvasи, кийиниши, юриш-туриши билан жонли гавдаланади; ўқувчи ҳам уни ошиқ қаторида севиб қолади, ўзида ҳам қандайдир латиф ҳиссиёт жүш ураётганини, күнглида нозик кечинмалар түгёнга келаётганини сезади. Худди шунинг учун ҳам ўқувчи ошиқнинг алам-изтиробига, ҳижронда чексиз қийналаётганига ишонади, ошиқ билан ҳамкорликда ҳаёлға чўмади, эзгу орзуларга берилади, унинг қайғусига шерик бўлади.

Чиндан ҳам Машрабнинг ишқий лирикаси, унинг барча шеърлари каби, ҳаётій мавзуи ва жұшқинлиги, ниҳоятда равон ва ўйноқилиги, ҳалқ құшиқлари каби содда ва самимийлиги билан тингловчилар қалбига тезда йўл топа билади, уларга бадиий завқ баҳш этади. Шоир агар таъбир жоиз бўлса, асарларининг шу фазилатлари билан шеъриятда Машрабона услуб яратди. Айтилган фазилатлар жумласига шўх вазн ва жарангдор радиф-қофиялар танлаш, ҳалқ жонли тилидан ўринли ва унумли фойдаланиш, ҳар бир мисрага суръат ва жұшқинлик баҳш этиш маҳоратини ҳам киритиш жоиз.

Машрабнинг адабий мероси тўғрисида сўз борганда, унинг мустазод ва мураббаълари хусусида алоҳида тұхташ зарурати бор. Таъкидлаш лозимки, шоир ўтмиш шеъриятимизда энг күп ва ҳар жиҳатдан етук мустазод яратган ижодкор сифатида бу ўйноқи ва шўх лирик турнинг адабиётимизда узил-кесил мустаҳкамланиши ва бойишига катта ҳисса қўшди. Машраб мустазодларида инсоний севги-

муҳаббатни куйлади, шу замин гузалини мадҳ этди, унинг баркамол чиройи ва латофатини улуглади, садоқат ва вафодорликни чин ижобий фазилатлар сифатида тарғиб этди.

Шоирнинг бутун ижодий фаолиятига хос бўлган ҳалқона услуга ва бадиий-тасвирий воситалар ранг-баранглиги унинг мураббаба ва мухаммасларида ҳам кузга равшан ташланади. Айниқса, ҳар бир банди:

- Эй бод, еткур, ёра саломим!
- Ёрга етар кун борму, ёронлар?! —

мисралари билан якунланувчи романтик руҳда битилган мураббала-ри ўз ғоявий-бадиий камолоти жиҳатидан алоҳида ажралиб туради.

Машрабнинг лирик шоир сифатида юксак бадиий маҳорати унинг саккиз банд — эллик олти мисрадан ташкил топган мусаббасида ҳам бутун фазилатлари билан юзага чиққан.

Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!  
Ҳай-ҳай, на жафо қилса санам — жонима роҳат! —

байт-радифи ҳар бандида такрорланувчи бу мусаббани умуман ўтмиш шеъриятимизда яратилган бу тур асарларининг энг етук намуналари қаторига киритиш мумкин. Машраб кўп бўлмаса-да, форс тилида ҳам қалам тебратди, қатор ғазал, мухаммаслар яратди, «ширу шакар» (муламма) шаклида намуналар битди.

Кўп асрлик адабиётимиз тарихининг энг ёрқин намояндадаридан бири бўлган Бобораҳим Машраб ижоди шеъриятимизни кўпдан-кўп етук асарлар билан бойитди, унинг кейинги ривожига баракали таъсир кўрсатди.

Табиий гурур билан фаҳрия услубида:

- Шуҳрати шеър бобида, Машрабо, мўътабар ўзум!
- Машрабо, ҳар бир сўзингдур гавҳари қимматбаҳо! —

мисраларини битган шоирнинг бадиий баркамол асарлари ҳалқимиз маънавий мулкининг муқаддас ва мўътабар бир қисмига айланган.

## СЎФИЙ ОЛЛОЁР

(1644—1724)

Сўфий Оллоёр ўзбек мумтоз адабиётида тасаввуф адабиёти анъаналарини изчил давом эттириб, ўзига хос мактаб яратган адиб, шоир ва мутафаккирdir. Шоир 1644 йилда Каттакўргон беклигига қарашли Минглар қишлоғида Оллоқули (Темирёр) хонадонида дунёга келган. Сўфий Оллоёр дастлаб Шайхлар қишлоғидаги масжид қошидаги мактабда, сўнг Бухородаги мадрасаларда таълим олган. Мадра-

сани тутатгандан кейин Жүйбор шайхлари қулида таҳсил күрган. Сұнг Сұфий Оллоёр маылум бир муддат Бухорода, Абдулазизхон саройида солиқ йиғувчи бўлиб ишлаган. Лекин табиатан раҳмидил, күнгилчан Сұфий Оллоёр бу ишда кўп ишламади. Бойлик орттирмади. Илм олишга, тасаввухни чукур ўрганишга, бадиий ижодга қаттиқ киришиб кетди. Тинмай ижод этди. Бунга ҳам қаноат қылмай ўзидан бир поғона юқори турган машхур мутасаввух шайх Ҳабибуллоҳга шогирд тушди. Үн йилдан кейин шайхлик марғабасига кутарилди.

Мутасаввух шоир бу давр ичида «Маслак ул-муттақийин», «Сабот ул-ожизин», «Мурод ул-орифин», «Сирож ул-ожизин», «Маҳзан ул-муттільн», «Нажот ут-толибин» каби диний-фалсафий асарлар яратди. Сұфий Оллоёрнинг бу асарларида Куръони Карим оятлари, Ҳадиси Шариф ҳикматлари ва тасаввух гоялари ажаб бир тарзда узвий боғланиб кетган. Файласуф шоир ожизларга, йўлдан озганларга ҳидоят ва нажот йўлини кўрсатиб беради. Толибларга тўғри йўл кўрсатади. Инсоғуadolатни, ҳалоллик ва тўғриликни, орифлик, ошиқлик, хилват ва узлатни тўлиб-тошиб куйлади, нафс ва худбинликни қаттиқ танқид қиласи. Дунё лаззатларидан воз кечиб, ўзни Ҳақнинг инон-ихтиёрига топшириш фалсафасини илгари суради. Марказий Осиёда кенг тарқалган Яссавия — Жаҳрия тариқати фоялари учун курашади.

Сұфий Оллоёр шеърларида дунёвий ишқ-муҳаббатни ҳам тўлиб-тошиб васф этган. Шоир ғазалларида қўлланилган бадиий-тасвирий воситалар кишини мафтун қиласи:

Кўрк учун тушти зилоли лаъла мушкин хатту хол,  
Тутти сұхбат Хизр ила Кавсар қирғонинда ҳилол.  
Наргиси мастинг хумори бодадин гулгунмудир?  
Ё будурким лолазор ичра тушан ваҳши гизол...

Сұфий Оллоёр дунёвий ишқ мавзусида битган шеърларида ижтимоий мазмундаги фикрларини ҳам баён этади. Шоирнинг қўйидаги байтлари фикримизни тўла тасдиқлайди:

Хеч ишим рўйи замин ичра кифоят бўлмади,  
Бахти қажимни сўроғин берди Коф арқосида.  
Кўл сунуб олгунча тегди давр аёғи ўзгага,  
Кўз юмуб очкунча умр ўтти жаҳон ғавғосида...

Шоир ғазалларида маҳбубанинг маънавий латофатини алоҳида шукуҳ билан тараним этади. Уларда тасвири этилган маҳбуба мавхум илоҳий пари пайкар, ҳуру ғилмон эмас, сиз билан биз яшаб турган ҳақиқий дунёдаги гўзал қиз сиймоси. Сұфий Оллоёрнинг ғазалларини дунёвий адабиётнинг яхши намуналари қаторига қўйиш мумкин.

Сўфий Оллоёрнинг «Сабот ул-ожизин» деб номланган асари фалсафий-дидактик адабиётнинг энг яхши намуналаридан биридир. Унда пир билан шогирдлар уртасидаги муносабатлар хусусида фикр юритилган. Устознинг шогирдлари олдидағи вазифалари, аксинча, шогирднинг пир олдидағи бурчлари ҳақида баён қилинган:

Керак муршид берган монанди уммон,  
Муборак ботини пур дурни маржон.  
Жаҳолат даشتидин ким келса сувсаб,  
Анинг тоҳир сувидан бўлса сероб.  
Агар бўлса касе, ким толиби дур,  
Чўмуб ботинга жайбин айласа пур...

Асарда комил инсонни тарбиялаб етиштириш асосий масала қилиб кўйилган. Муаллифнинг фикрича, инсон маълум эътиқодга эга бўлиши зарур. Эътиқодсиз, аниқ мақсадсиз киши беҳуда умр кечирган булади. Умри зое кетади. Унга тўғри йулни кўрсатиш даркор.

Сўфий Оллоёр инсон феълидаги салбий жиҳатларни қанчалик изтироб билан тасвирласа, ижобий томонларни шунчалик завқ-шавқ билан кўйлайди. Одамларни очиқкунгилликка, ширинсўзликка, раҳмдилликка, меҳр-оқибатга, саховатга даъват этади:

Очуқ қўллик, күшида юзли бўлғил,  
Муруватлик, мулойим сўзли бўлғил.  
Мулойим тил билан беҳарбу безарб,  
Биронни келтиурлар шарқдан гарб,  
Сучук тилдир ажаб ганжи муazzам,  
Ато қилғон ҳеч бўлмагай кам...

Сўфий Оллоёр ўзбек адабиёти тарихида тасаввуф таълимотини ривожлантиришга муносиб ҳисса кўшган шоирдир. У ўз шеъларида сўфийликнинг ахлоқий масалаларини кенг тарғиб қилди. Одам фақат шу йўл билан ҳақиқат ва комилликка эришади, деган фалсафани олға сурди. Сўфий Оллоёр асарларини форс, араб тилларини пухта билган ҳолда солда ўзбек тилида ёзди. Шунинг учун шоир асарлари ҳалқ оммаси орасида кенг тарқалгандир. Шоир асарлари Тошкент, Қозон, Боку, Истамбул ва бошқа шаҳарларда тошбосма йўли билан бир неча марта босилиб чиққан.

## МАХТУМҚУЛИ

(1733–1793)

Махтумкули машҳур туркман шоири ва мутафаккири, туркман адабиёти, маданияти ривожига улкан ҳисса кўшган талант соҳиби. У шоир Озодий Давлатмамат оиласида 1733 йилда туғилиб, бошлангич

саводни овул мактабида олади. Сўнг уз илмини ошириш мақсадида Хива, Бухоро ва Андижон мадрасаларида таҳсил олиб, ўзбек адабиётининг ўтмиш намояндалари асарлари билан яқиндан танишади. Махтумқули бир қанча фанларни ўзлаштириш билан бирга, заргарлик хунарини ҳам эгаллайди. У Туркистондаги шаҳарлардан ташқари Озарбайжон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистонга ҳам саёҳат қилиб, ажнабий юрт ҳаёти, у ерлардаги ҳалқлар турмуши билан ҳам танишади. Марказий Осиё, Озарбайжон, Эрон фольклори ва адабиётини чуқур ўрганади, Низомий, Фузулий, Алишер Навоий, Фирдавсий ижодидан баҳраманд бўлади. Махтумқули айниқса, ўзбек маданияти тарихи билан яқиндан танишиб, бир қанча лиро-эпик достонлар, жуда кўп ғазаллар яратиб, ўз даври ҳаётини, ўз ҳалқи урф-одатлари, ўтмиш тарихини куйлади.

Махтумқули ижодининг туркман адабиёти тарихидаги ўрни, унинг ўзбек-туркман адабий алоқалар соҳасидаги аҳамияти Б. Қориев, Г. Чориев, М. Косеев, У. Абдуллаев, А. Қиличтурдиев каби таникли туркманистоњлик олимларнинг илмий ишларида қаламга олинган.

Истеъододли туркман шоирининг ўзбеклар ўртасидаги обрў-эътибори, унинг жушқин шеърияти профессор Ж. Шарипов, Қ. Тоҳиров ва К. Курамбоев каби ўзбек олимларининг ишларида ҳам тадқиқ этила боргани мароқли бир ҳолдир. Махтумқули асарларининг мавзулари, жанрий хусусиятлари, шаклий ўзига хослиги, асарлари тилининг ниҳоятда ҳалқчиллиги билан кўп асрлик туркман адабиётини янги бир босқичга кўтарди. Шоир асарларининг етакчи foяси — бу туркман ерлари устига ёпирилиб туралиган чет эл босқинларига барҳам бериш, тарқоқ яшаётган, ўзаро нифоқ ва зиддиятлардан зада бўлган қабила ҳамда уруғларни бирлаштириш билан осойишталик ва иттифоқликка асосланган қурратли бир давлатни барпо этишдек миллий ватанпарварлик ҳис-туйғуларидан иборат. Ана шу миллат манфаатлари йулида қайғуриш, маърифатпарварлик йули билан бу foясни самарали кучга айлантириш шоир ижодининг асосига айланди. Бу йўлдаги изланиш, шеърият кучи билан юксак уфқларга талпиниш Махтумқулини ўз даврининг кўзга кўринган тараққийпарвар сиймоси даражасига кўтарди.

Туркман адабиёти тарихи тадқиқотчиларининг таъкидлашларича, Махтумқули ўз даврида эл ва юрт ҳадр-қимматини оёқ ости қилиб келаётган иллатларни ҳаммадан кўра купроқ англаб етди. Шоир асарларида замондошларини ўз даврида рўй бериб турган воқеаларнинг моҳиятини чуқур идрок қилиб иш тутишга чақирди.

Панд-насиҳат Махтумқули ижодининг муҳим бир йўнилиши булиб, шоирининг бизгача етиб келган поэтик мероси ўша давр адабий ҳаётининг ҳамма мавзуларини қамраб олади. Зотан, Махтумқули ижодининг ҳалқчиллик касб этиб, равнақ топиб боришида Шарқ лирика-

си анъаналари билан бир қаторда туркий қушиқлар, фольклор мұраббалари шаклидаги ижод намуналарининг ўрни катта бўлди.

Махтумкули ижодида Аҳмад Яссавий пандномалари услубининг излари яққол кўзга ташланиб турадики, одамнинг ҳаётда ўз мақомини идрок қилиши, ота-боболарнинг ҳамма яхши хислатларини узлаштира бориши ва аксинча, такаббурлик, манманлик, дилозорлик, мол-давлаттга ҳирс қўйиш, нафс куйига кириб кетиш каби иллатларни енгиш ғоялари пандномаларнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Махтумкули ўз шеърларининг бирида ўзбек ҳалқининг мутафак-кир шоири Алишер Навоийни устоз сифатида ҳурмат билан тилга олади. Унинг «Чордевон»и ҳақида тулқинланиб гапиради. Шоирнинг бу талқинларида асос бор, албатта. Алишер Навоий туркман ҳалқи тарихи, маданиятини яхши билган. Унинг бевосита Марв, Сарахс, Аливерд каби туркман манзилларида бўлганилиги ҳақида мальумотлар сақланган. Бутина эмас, Навоий ўз замонида Марвда «Хусравия» номи билан мадраса қурдириб, бу ерда толиби илмларни иқтисодий жиҳатдан қуллаб турган. Шу ўринда Навоийнинг Оққуюнли туркманларнинг сultonларидан Якуббек билан яқин муносабатини ҳам эслаш керак бўлади.

Навоий «Мажолис ун-нафоис», «Насойим ул-муҳаббат» каби асарларида туркман мавзеларидан бўлган ёки шу ерлардан Хурсонга келиб ижод қилаётган бир қатор туркман сўз усталарини қаламга олади, уларга ҳурмат билдиради. Жумладан, улардан Рӯҳий Ёзирийни «табъи ҳўб ва сулуки марғуб киши эрди», деб таъриф этади.

Алишер Навоий асарлари ўзбек ва туркман адабий алоқаларининг тараққий этиб боришига катта ижобий таъсир кўрсатди. Туркман адабиёти тарихчилари Андалий, Шайдоний, Фойибий, Шукрий ва Озодий каби туркман шоирларининг Навоий анъаналарини ижодий давом этдиришда муваффақиятта эришганликларини ёзадилар.

Махтумкули Навоийнинг лирика соҳасидаги анъаналаридан кўп баҳраманд бўлди. Устознинг газал ва мухаммаслари услубида манзур асарлар яратди. Ўз асарларида гўзаллик тимсоли бўлган маҳбуба сиймосини чукур муҳаббат билан чизди. Махтумкули гўзалга «Олтинмисан, кумушмисан, намасан?», «Ё ёқутми, ё маржонми, дурмисан?» деб савол билан мурожаат этади.

Шоир эл-юрт қисматига бепарво одамларни «нодон», «номард» сифатлари билан атайди. Номард бирор ишга қўл ургудек бўлса дарҳол ҳориб қолади. Бирор киши билан гаплашганда қатъиятсизлигини дарҳол билдириб қўяди. Уйга келган меҳмонга ҳам захрини сочади. Мардлар кирган майдонга киролмайди. Бутун бир қабила ёки ургунинг иззат-нафсини ерга уришдан қайтмайди. Агар шундай номард салтанат таҳтига ўтириб қолса, у тақдирда ҳўлу куруқ баравар ёнади. Махтумкули «Фаттоҳ» деб аталган ҳажвий асарида шундай шахсларнинг умумлашма образини яратган деб айтиш мумкин:

Сен туркманнинг элин гулин сўлдиридинг,  
Конлар тўкиб гўзал юртим тўлдиридинг,  
Шаҳид бўлганларнинг бошин қолдиридинг,  
Унутарсан тахти равонни сен Фаттоҳ.

Махтумкули ўз даврининг жароҳатларига ақл-заковатни, имон ва эътиқодни, аҳиллик ва ҳамжиҳатликни, аждодлар удумига асосланган ҳамдардлик ва адолатли курашни қарши қўяди ва бу туйгуни поэтик сўз курдати билан маънавий курол даражасига кўтаради.

Махтумкули исломий билимларни чукур ўзлаштирган ориф бир шахс эди<sup>1</sup>. Шунга кўра ҳам унинг панд-насиҳат руҳидаги шеърларида Куръон оятлари, Мухаммад пайғамбар ҳадисларига кўп мурожаат этилган... Улардаги пурмагз таълимий-аҳлоқий дастурлардан даврдаги воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини очиб беришда моҳирона истифода этган. Махтумкули асарларининг тил хусусиятларини кузатаётган олимлар ҳақли равищда унинг соддалиги, ширадорлиги, ҳалқ жонли сўзлашувига яқин туришини таъкидлайдилар. Шоир ўз асарлари тилида ҳалқ мақоллари ва образли ибораларини маҳорат билан қўллаш орқали ҳам тилнинг жонлилигига эришган... Шоирнинг шеърларида қулланган бадиий воситалар ҳам ўз талқинлари билан ҳалқона, айни пайтда маънолидир. Унинг айрим мисралари ҳалқ ҳикматларига айланиб кетган. Махтумкули бир ўринда туркман ерларини «Хизр кезган чўллар» деб фахр қиласди. Унинг биноларининг мангу қад кўтариб туришига умид боғлади. Шундай бўлгач, унинг йигитлари ҳам чилладаги мастлик уйкусидан, яъни ғафлат уйкусидан уйғониш, аҳил бўлиб бир дастурхон атрофига тўпланиши керак. Шоир бу ўринда ўз ватандошларини бирлаштиришга чақиради.

Махтумкули шеърлари мазмунлилиги ва латиф бадиийлиги билан ўзига мангулик ҳайкалини қўйди. Асарларидан бирида ўзига хитоб қилиб: «Гузал достонларингни элинга баҳшида қил» деб ёзган эди. Шунга кура шоирнинг мероси даврлар оша туркман ҳалқи ардоғида яшаб келмоқда. Шоир туркманлар орасида машхур донишманд адаб сифатида ном қозонган бўлса, ўзбекнинг ҳам энг севимли шоир сифатида маълум бўлиб кетгандир.

Туркманистон Фанлар академиясининг кўлёзма фондида Махтумкули асарларининг юзга яқин нусхаси тўплагандир. Унинг «Танланган асарлари» таржимашунос Ж. Шарипов томонидан ўзбек тилига ўтирилиб, 1958 йилда Тошкентда чоп этилган эди. 1976 йилда «Махтумкули шеъриятидан» номи билан янгидан нашр юзини кўрди. Ўзбекистонда шоир ижоди юзасидан бир қатор тадқиқотлар эълон қилинган. Ҳар субҳидам ҳаво тўлқинларида Лутфий ва Алишер Навоий кушиклари сирасида ўзбеклар учун севимли бўлиб қолган Махтумкули қўшиклини ҳам эшитамиз.

<sup>1</sup> Чориев Г. Махтумкули. Танланган асарлар. Сўз боши. Тошкент, 1958. 13-бет.

## УВАЙСИЙ

(1779—1845)

Ўзбек адабиёти тарихида муносиб ўринга эга бўлган Жаҳон отин — Увайсий XVIII аср охири XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод эттан машҳур ўзбек шоирасидир. У Марғилон шаҳрининг Чилдӯхтарон маҳалласида, таҳминан 1779 йилда дунёга келган. Жаҳон отиннинг отаси тўкувчи, ҳам косиб бўлиб, ўзбек ва токик тилларида шеърлар ёзган, онаси Чиннибиби эса ўз даврининг донишманд аёлларидан бўлиб, мактабдорлик қилган. Жаҳонбиби оиласида хат-саводини чиқариб, сунг онасининг ёнида мактабдорлик, акаси Охунжон ҳофиз ёрдамида эса кўй-мусиқага рағбат пайдо қилган. Жаҳонбибининг ҳаёт йўлдоши Тожихон жуда эрта вафот этгач, у қизи Куёш ва ўғли Муҳаммадхонларни ўзи тарбиялаб вояга етказди. Жаҳонбиби оила аъзоларининг таъсирида кўпроқ шахсий мутолаага берилиб, ўзбек, токик ва озарбайжон алломаларининг асарларини муҳаббат билан ўқиб, Вайсий, Увайсий таҳаллуси билан шеърлар ёза бошлайди ва тез орада шоира, отин сифатида танилади.

Увайсийнинг ҳаёти ўз даврида Марказий Осиёнинг катта илм-фар ва маданият марказларидан бўлган Марғилон ҳамда Кўқоннинг истеъоддли адаб ва шоирлари даврасида ўтди. Моҳларойим — Нодира билан ижодий ҳамкорликда бўлган. Саройда шеърият илмидан дарс бериб, устозлик қилди, Нодира билан Конибодом, Хўжанд, Ўратепа, Тошкент, Андикон каби шаҳарларда бўлиб, ижодий доиралар ва зиёлилар билан муносабат ўрнатди. 1842 йили Бухоро амири Насруллахон Кўқонни эгаллагач, Марғилонга қайтиб, умрининг охиригача шу ерда яшади.

Олтмиш йилдан кўпроқ умр кўрган Увайсийдан бизга каттагина адабий мерос етиб келган. Унинг қўлёзма девонлари Узбекистон Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институти ва Андикон Давлат Педагогика Университети кутубхонасида сақланмоқда. Шоира девонининг қўлёзмаларини аниқлаш, оммалаштириш ва тадқиқ этишда академик А. Қаюмов, профессор Ҳ. Рассоқов ва Э. Иброҳимовларнинг хизматлари каттадир<sup>1</sup>.

Шоиранинг 4 та девон тузганлиги маълум. Увайсий ижодининг гоявий-бадиий моҳиятидан ўзбек мумтоз адабиёти анъаналарини ижодий давом эттирганлиги кўриниб туради. Шоиранинг Навоий, Фузулий ғазалларига боғлаган кўплаб мухаммаслари ва назиралари, Бедил шеърларига издошлиги унинг поэтик балоғатидан далолат беради. Шоира

<sup>1</sup> Увайсий. Девон. Тошкент, «Фан», 1958 йил. Увайсий. Девон, Тошкент, 1963. Э. Иброҳимова. Увайсий, Т., «Фан», 1963.

адабиётда тараққийпарвар намояндаларнинг қарашлари асосида майдонга келган инсон тақдири, шахс эрки ва маърифатпарварлик фоялирида латиф ва дилкаш асарлар яратади, асарларида инсонни эъзозлаш, одамнинг табиат ва ҳаёт ноз-неъматларидан баҳраманд булишга ундаш, дўстлик, вафо ва садоқат каби ўзининг улуғвор ниятларини Куръон оятлари, ҳадислар ва тасаввуфий талқинлар билан асослаган ҳолда ижодий баркамолликка эришди. Унинг шеърларида тариқатнинг талаб ва қоидаларига тааллукли бўлган талқинлар куп учрайди. Шоира шундай ёзган эди:

Фано мардумларини сирридин ҳеч кимса йўқ огоҳ,  
Кабиҳ гуфтор мардумдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Шоиранинг бу каби орифона сатрлари Алишер Навоийнинг инсонни комиллик йўлидаги изланишларида тасвирлаган — юз куфр кетганда ҳам бир тавба қилишни хаёлига келтирмайдиган, покни но-покдан ажратта билмайдиган дилозор кишиларни қаттиқ қоралаган сатрларига ҳамоҳангидир.

Увайсий ўз асарларида инсонга хос бўлган илоҳий муҳаббат туйғуларини эъзоз билан куйлади. Табиатнинг ҳисобсиз гўзалликлари мавжиди ишқ ҳиссиёти ҳам шалоладек түгён уради. Бу ишқ-севги ҳаётни қадрлашга, унинг лаззатларидан баҳраманд булишга чақиради. Шоира муҳаббат туйғулари завқига берилиб, бора-бора унинг нозик қаърига назар ташлайди:

Забонингни кетургил, эй шакарлаб тути гуфтора,  
Нечукким марҳамат улсун неча мендек дил афгора.  
Нигоҳинг ташлағил, лутф аллабон, эй шўхи бепарво,  
Йўлингда интизор үлғон мени бул ошиқи зора.

Увайсий дастлаб юксак одамийликни, шу одамийликни қалб турида авайлувчи вафодор ёрни улуғлар экан, уни қўёш билан қиёс қиласди. Қуёш ҳар тонг уфқдан бош кутарип ўзининг оташин нури билан оламга, одамларга ўз меҳр ва шафқатини сочади. Шоира ёр ва офтоб ташбеҳларини қаршилантириш санъати орқали катта маҳорат билан энг гузал туйғулар силсиласини гулдаста қиласди. Унинг лирик қаҳрамони мушоҳадакор донишманд, вафоли ошиқ. Шунинг учун ҳам шоира:

Вайсий, бошинг узра қўй, хуршел тальят ёрни,  
Билмадингму зарралар бошинда дастор офтоб.—

деб вафоли ёрни энг зариф сатрлар билан улуғлайди. Унинг учун ёр билан сұҳбат, дўст билан мубоҳаса, дилкаш мутриб тароналари юксак бир шарафдир.

Маълум бўлишича, Увайсий узоқ вақт мактабдорлик қилиб, ўз даврининг ёш толибларига Аллоҳ қаломи бўлган Куръон ва ҳаёт гузалликларидан сабоқ берган. У талабалар учун тез фикрлаш, чиройли сўзлаш ва бошқа таълим-тарбия воситалари билан боғлиқ бўлган чистон-топишмоқлар яратган. Унинг анор ҳақидаги машҳур чистони ўзининг муҳим мазмуни ва юксак бадиийлиги билан шоира ижодининг ёрқин бир саҳифаси сифатида кўзга ташланади:

Бу на гумбаздур, эшиги, туйнугидин йўқ нишон,  
Неча гулгун пок қизлар мансил айлабдур макон?  
Туйнугин очиб аларнинг ҳолидан олсан хабар,  
Юзларида парда тортуғлиқ туурлар бағри қон.

Увайсийнинг лирик шеърларидан ташқари «Шаҳзода Ҳасан», «Шаҳзода Ҳусан» каби лиро-эпик асари ва «Воқеоти Мұхаммад Алихон» каби тарихий достонлари мавжуд. Шоиранинг лиро-эпик достонлари ислом тарихи билан боғлиқ воқеалар асосида яратилган бўлиб, бу Увайсийнинг ўз даврининг билимдон отини — муаллимаси ва динимиз тарихидан чуқур хабардорлигидан далолат беради.

Увайсий ҳаётлик давридаёқ нафис лирикаси билан машҳур бўлди ва замондошларининг эътиборини қозонди. Унинг замондоши ва издоши шоира Дилшод — Барно ўзининг Нодирабегимга бағишлиланган «Тонг маҳал чиқди ҳарамдин турфа моҳ» деб бошланган газалида Нодира билан бир қаторда Увайсийни ҳам жуда катта эъзоз билан хотирлайди:

Ким? — дедим, Нодира — дедилар ани,  
Ёнида Вайсий турур олампаноҳ.  
Ҳар бири минг шоира ўринидадур,  
Иккови бирла тўлур ҳар боргоҳ.

Увайсий асарлари ўзининг латиф мазмуни ва дилкаш бадиийлиги билан даврлар оша муҳлислар қалбига битмас-туганмас эстетик завқ бағишлиб келмокда. Улар ҳалқ оммаси орасида кенг ёйилган, ҳофизлар, хонандалар томонидан мақом ва ҳалқ оҳанглари билан ҳозиргача куйланиб келади.

## НОДИРА

(1792—1842)

Моҳларойим — Нодира XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб, ижод этган машҳур шоира, давлат арбоби, маданият ва адабиёт ҳомийсидир. Шоира 1792 йили Андижон ҳокими Раҳмонқулбий оиласида таваллуд топди. Унинг онаси Ойшабегим маърифатли аёл бўлган. Ўзининг оила-

вий силсиласига кўра Бобур наслига мансуб бўлиб, шоиранинг отонаси ҳам даврнинг эътиборли кишилари эдилар. Моҳларойимнинг таълим-тарбияси шу муҳитда камолотга етди ва у таҳсил йилларида халқимизнинг тарихи, маданияти, илм ва адабиёти равнақидан яхшигина хабардор бўлиб ўсди.

Моҳларойим шеъриятга жуда эрта ҳавас қўйди. Устоз Навоий, Жомий ва Бедил каби алломаларнинг асарларига бўлган эътиқодмандлик билан руҳан баркамсоллашиб борди.

Маълумки, бу йилларда Кўқон хонлигини Олимхон идора қиласди. Унинг укаси Умархон эса Фарғона водийсининг нуфузли шаҳарларидан бўлган Марғилонда ҳоким эди. 1807 йилда илгаридан бир-бирларига қўнгил қўйиб, севишиб келган Умархон ва Моҳларойим турмуш қурадилар. Шу муносабат билан Моҳларойим Марғилонга келади. Кўп ўтмай Кўқон хонлигида давом қилиб келаётган зиддиятлар оқибатида 1810 йил Олимхон қатл этилиб, унинг ўрнига Умархон таҳтга кўтарилади. Шундан бошлаб Моҳларойим тақдирни Кўқон билан багланниб қолади. Унинг шоира сифатида кенг кўламда ижод майдонига кириб келиши ҳам шу йилларга тўғри келади.

Нодира Кўқонда хон саройида экан, давлат ишларидан ҳам воқиф бўлиб борарди. Хусусан, адабиёт ва санъат аҳли билан яқинлашишга, куп асрлик адабиётимиз йўлидан бориб, давр шеъриятини юқори кутаришга астойдил киришади. Моҳларойим ва Умархоннинг оиласида иккича ўғил туғилади. Муҳаммад Алихон ва Султон Маҳмудхонлар ўсиб-улғайиб борадилар. Умархоннинг 1822 йили бевақт вафотидан кейин ёш Муҳаммад Алихон давлатни бошқаришга киришади. Нодира ҳам ёш ўғлининг ёнинг кириб мамлакатни бошқариш ишида фаол иштирок эта бошлади.

Нодира давлат ва мамлакат ишларини тадбир ва адолат билан идора қилишда ҳомийлик намуналарини кўрсатаркан, бу йилларда мамлакатда нисбий осойишталик сақланди. Күшни ўлкалар ва уларнинг ҳукмдорлари билан савдо-сотиқ ва бошқа соҳаларда келишувлар амалга оширилди. Нодиранинг мамлакатдаги қурилишлар соҳасида олиб борган ишлари, маданият ва адабиёт борасида кўрсатган ташаббускорликлари шоира девонининг дебочасида таъкидлаб ўтилган.

Шоира келтирган бу маълумотларни унинг замондошлари Нодир, Хотиф ва Мушриф каби тазкира ва тарих асарларининг муаллифлари тулдирадилар ва тасдиқ этадилар. Шоир Нодир Моҳларойимга бағишлиб ёзган «Ҳафт гулшан» достонида уни олимларга, фозилларга аҳамият бергани, истеъодли шоирларни ижодга ташвиқ этгани, айниқса, хотин-қизлардан чиқсан шоира ва фозилаларни ўз химоясига олгани ҳақида гапиради. Ўша даврда яшаган қози Абдунаби Хотифнинг Нодира ҳақидаги хотиралари ва шоиранинг ҳаёти ҳамда ижтимоий фаолиятига бағищланган, аммо тамомланмай қолган воқебанд достонида шоиранинг илмий ва ижтимоий фаолиятини ишонарли далиллар билан

курсатишига ҳаракат қиласы. Хотиф «Асар ёзищдан мақсадим Нодира-нинг оқила, фаҳмли, илм ва сұзнинг қадрига етадиган донишманд аёл әканинини курсатищир», дейди. Нодиранинг маданият ва адаби-ёт ҳомийси сифатидаги сарварлиги алоҳида таъкидланади: «Умархон вағогидан сүнг, — леб ёзади Хотиф,— бу иффат садафининг инжуси кунларни ҳасрату фироқ билан шу тариқа ўтишини ношукурчилек деб билди. У гулистондек Чаҳорчаман боғига бориб, Фарғона, Тошкент, Хўжанд, Андижон ва бошқа шаҳарлардан фозиллар, олимлар, хаттотлар, нақошларни ўз хизматига чақиририб келди. Мамлакат хирожларидан беҳисоб тилла ва жавоҳирларни сарф қилиб бир мадрасаи олий, нақшдор масжид, ҳаммом, карвонсарой бино қилдири ва мадраса, масжидларга ҳисобсиз вақфлар тайин қилди... Бу кунларда яна китоблар ёздириш ва уларга зеби зийнат беришга фармон қилиб, бир китобхона бино эттириди. Ундаги котиблар, хаттотлар, нақошларга шундай қарам ва эҳсонлар кўргузники, бунинг овозаси атроф оламга машҳур бўлди. Амударёнинг бу томонидаги ёкутқалам котиблар, Мирали рақам роқимлар, Моний каби мусаввирлар бу ерга жамъ бўлдилар. Шундай қилиб, бу аёл ақлу дониш ва яхши фазилатлари билан ягонаи замона, «Нодираи даврон» бўлиб танилди ва халқлар таҳсинига сазовор бўлди»<sup>1</sup>.

Бироқ ҳонликлар ўртасида давом этиб турган муттасил келишмовчиликлар Моҳларойимнинг ўз фаолиятини кенг равнақ топтиришига раҳна солиб туради. Оқибат шунга олиб келадики, Бухоро амири Насрулло турли важ-корсонлар билан Кўқон устига бостириб келиб, гўё бу ерда изидан чиққан шариат қоидаларини низомга солмоқчи бўлади. Ҳонликнинг ҳамма эътиборли кишиларини таъқиб этади ва Моҳларойимни, икки ўғли — Муҳаммад Алихон, Султон Маҳмудхон ва набираси Муҳаммад Аминхонни ваҳшийларча қатл этади.

Ўзбек халқининг ажойиб шоирасининг ҳаёти шу йўсинда фожиали якун топади.

Нодира ўзбек мумтоз адабиётидаги улкан бир босқичнинг намояндасидир. Шоира яшаб ижод этган даврда Кўқон ҳонлигига ўзбек адабиёти кенг ривож топиб, ўзига хос адабий муҳит вужудга келади. Бу адабий муҳит бошида Кўқон хони, Нодиранинг умр йўлдоши Умархон — Амирий турарди.

Моҳларойимдан бизгача ўзбек ва форс-тожик тилларида «Комила», «Нодира» ва «Макнуна» тахаллуслари билан яратилган лирик асарлардан иборат катта мерос этиб келган.

Нодиранинг ҳаёт йўли ва адабий мероси ҳақида Лутфулла Олим, Фитрат, С. Айний, В. Зоҳидов, В. Абдуллаев, Уткир Рашид, Т. Жали-

<sup>1</sup> Қарант: Қодирова М. Нодира (ҳаёти ва ижоди). ЎзР ФАнинг «Фан» нашриёти. Тошкент, 1965, 91—92-бетлар.

лов каби олим, шоирлар ва айниқса, унинг ўз даври адабиётидаги ўрни ҳақида А.П. Қаюмов яратган тадқиқотлар дикқатга сазовор. Адабиёт тарихига оид манба ва тазкираларда Нодиранинг катта мерос эгаси эканлиги қайд этилса-да, лекин 1960-йилларгача ҳам шоира лирикасининг жуда кам қисми маълум эди. Кўп йиллик изланишлар натижасида шоира меросининг бир қатор манбалари аниқланди. Ушбу сатрлар муаллифининг тинимсиз изланишлари натижасида шоира девонининг қўлларидан топилди, уларни ўрганиб, таҳлил этиш бўйича илмий ишлар давом эттирилди. Натижада ўтган давр ичida Самарқанддан шоиранинг Комила тахаллуси билан ўзбек ва форс-тожик тилларида жамланган, ўзи ҳаётлик даврида кўчирилган девони маълум бўлди. Уз навбатида шоиранинг Нодира тахаллусидаги асарларидан иборат девони Наманган шаҳридан топилди. Тошкентда эса Макнуна тахаллуси билан яратилган форс-тожик тилидаги шеърлари жамланган яна бир девони аниқланди<sup>1</sup>.

Шоиранинг Комила тахаллуси билан жамланган катта илк девони ўз даврида машҳур бўлган. Кейинчалик шоиранинг маданият ва адабиёт соҳасидаги фавқулодда ташаббускорлик фаолияти ва гўзал искеъдодини тақдирлаган замондошлари унга «Нодираи даврон» номини муносиб кўргач, Нодира девони ҳам юзага келган эди. Айни пайтда шоиранинг форс-тожик тилидаги девонига сўзбоши ёзган номаълум адабнинг таъкидлашича, ушбу девон Умархон вафотидан сўнг жамланган бўлиб, ундаги форсий шеърларга шоира теварагидаги фозилларнинг маслаҳати билан Макнуна тахаллуси кўйилган. Шундай қилиб, бу учта тахаллусда ёзилган девонлар ўн минг мисра атрофидаги шеърларни ўз ичига олади.

Нодиранинг ўзбек ва форс-тожик тилидаги девонлари шу тилларда ёзилган дебочалар билан бошланади. Ушбу дебочаларни шоиранинг ҳаёт йўли, ижод босқичлари, уни ўраб турган адабий мухитнинг хусусиятлари, сўз бораётган девонларнинг мундарижалари ҳақида мухим маълумотларга эга бўлган манба сифатида баҳолаш мумкин.

Шоиранинг юқорида сўз бораётган девонлари қўлларини куздан кечирав эканмиз, уларда Шарқ адабиёти, хусусан, ўзбек адабиётининг тематикаси, жанр хусусиятларига хос бой манзарани кўрамиз. Айни пайтда Моҳларойим ўтмишнинг теран анъаналаридан баҳраманд бўлиб яратган foявий ва бадий етук асарлари алоҳида диккатта сазовордир.

Нодира ижод борасида Алишер Навоийни ўзига устоз деб билди. Навоий ижодининг асосий мазмуни унинг инсонпарварлиги билан изоҳланади. Нодира инсоннинг руҳий ҳолатини баланд оҳангларда тараннум этади. Шоирнинг «Азиз» радиофлиғазалининг:

<sup>1</sup> Шоира девонларининг қўлларидан ўзРФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сакланмоқда.

Келди ашраф барча одам аҳлидин,  
Йўқтурур дунёда инсондин азиз,—

мисралари бевосита Навоийнинг «Жондин сени кўп севарман, эй умри азиз» сўzlари билан бошланувчи рубойисини эсга солади.

Нодира шеърият майдонига қадам қуяр экан, бу йулда Жомий, Фузулий, Бедил, Бобур ва Машраб шеъриятидан ҳам баҳраманд бўлди. Нодира шу улуғ устозлари изларидан бориб, асарларида инсонни ўраб турган борлик ва унинг нашъу намоларидан баҳра олди. Нодира ҳётни севади, уни қадрлайди, у Мұхаббат Аллоҳ таоло томонидан инсонлар қалбига солинган мангу ёфду эканлигини кўлади:

Мұхаббатсиз киши одам эмасдур,  
Гар одамсан мұхаббат иктиёр эт!..  
Куйиб эй Нодира, олам элига  
Мұхаббат шевасини ошкор эт!

Шоира ҳиммат, сабр, қаноат, номус, ҳаёқ каби хислатларни маърифат, яъни худо васлига эришишни яқинлаштирувчи манзиллар сифатида қайд этади, одам ана шу шарафли хислатларни мукаммал ўз руҳига сингдириб олиши ва уни событқадамлик билан кўнгил ганжинасида асраромонини образли бир тарзда тасвиirlайди. Одамзод шу сифатлардан маҳрум бўлар экан, у риё йўлига кириб кетади.

Нодира ўз ижодида дунёвийлик билан бир қаторда тасаввуфнинг нақшбандия йўналишига асосланган бир бутунлик билан инсоннинг жамият ва табиатта муносабатини ҳам, илоҳий мұхаббат йўлидаги руҳий дунёсини ҳам жуда гўзал ва жонли мисраларда ифодалаб беради. Шоира учун ишқ, гўзаликнинг нашъасини ҳам, дардини ҳам куийиб, ёниб куйлаш, ҳис қилиш шарафдир. Шоира «Оташ аст» радиифли газалида:

Дар қаломам нест, Макнұна, ба гайр аз сұхтан,  
Дафтарам мажмуаи дого китобам оташ аст<sup>1</sup>.

Мазмуни:

Мен Макнұнанинг сўzlарида куйишдан бошқа нарса йўқ,  
Дафтарим дое тўпламию китобим оташдир,—

деб ёзган эди. Нодиранинг ишқ-мухаббат мавзуидаги шеърларида шу муҳаббатни юксак поғонада тутиб турувчи вафо ва садоқат ҳислари ҳам улуғланади:

Бўлса то умру ҳётим боқий,  
Мени илгимдуру домони вафо<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Нодира. Асарлар, 2-жилд, 1-китоб, 228-бет.

<sup>2</sup> Нодира. Эй сарви равон, 20-бет.

Нодира инсон қалбидә юксак ахлоқ-одоб чүғи булмас экан, у ишқ-муҳаббатни қадрлай олмаслигини таъкидлайди ва «беадаб кирма муҳаббат даштига», дейди.

Нодира табиат мафтуни эди. Унинг бир қатор шеърларида сафоли баҳор айёмининг кириб келиши, Навruz туфайли шодиёна тароналарнинг бошланиши, боғларда гулларнинг очилиши билан уларнинг ранг-баранг либос кийиши, муттар ҳидлар таратиши ажойиб образларда куйланади. Нодира шеърларида ислом рухи, тасаввуф таълими ва ҳаёт фалсафасини чукур идрок этган ҳолда ҳаётга ҳаммавақт умидбахш нигоҳ билан қарайди ва ундан яхшилик уругини қидиради.

Шундай қилиб, Нодира лирикасининг мавзулар доираси қанча кенг бўлса, ундаги маънолар ҳам шу даражада залворли. Шу залворли маъноларни юзага чиқаришда шоира томонидан қулланган бадий воситалар унинг катта маҳоратидан дарак бериб туради.

Нодира шеъриятига қаттиқ ихлос қўйганлардан бири — унинг замондоши ва издоши Дилшод — Барно (1800—1905) эди. Дилшод Нодирага алоҳида шеърлар бағишилар экан, уни «ilm-адаб ва назм осмонининг юлдузи», «ушшоқлар ғазалхони», «шакар сочувчи булбул» сифатлари билан таърифлайди.

Ўз давридаёқ шеърият маликасига айланган Нодира бизнинг замонамизга ҳам нафис сўз санъаткори сифатидаги фазилатлари билан кириб келди. Нодира меросининг катта ва кичик қўлэзмалари халқимиз кулига етиб келиши билан улар матний жиҳатдан ўрганилиб, бир қатор нашрлар юзага чиқди. Жумладан, шоиранинг 1960-йилларда чоп этилган илк сайданмаси кейинча шоира асарларининг алоҳида жилдлари сифатида бойиди (Нодира. Девон, 2-жилд, 3-китоб, 1968—72-йиллар). 1968—72 йилларда шоиранинг икки том, уч китобдан иборат ўзбекча ва форс-тожик тилидаги девони муҳлислар кулига етиб борди (форсий ғазаллари насрый таржимаси билан). Нодира асарлари Тожикистон ва Афғонистонда чоп этилди, уларнинг русча таржималари Санкт-Петербурглик шарқшунос олим С. Н. Иванов таржимасида рус китобхонларига ҳам етиб борди.

Республикамиз мустақиллик йулига қадам қўйиши билан ўтмиш қадриятларимизнинг тиклана бориши яна янги саҳифаларни очди. 1992 йилда мамлакатимизда шоира таваллудининг 200 йиллиги Кўкон, Андикон ва бошқа шаҳарларда кенг нишонланиб, пойтахтимизда ўтказилган илмий анжуманлар ва тантанали кечалар билан якунланди. Шу йилларда «Давр Нодираси», «Эй сарви равон» китоблари чоп этилди. 1994 йилда «Фан» нашриёти «Увайсий ва Нодира шеърлари»дан иборат ўзбек шоирлари баёзи туркумли яна бир янги нашрни китобхонларга ҳадия этди. Бадий адабиётда эса Нодира образи гавдалантирилди, драма, роман, кинофильмлар яратилди. Шаҳар ва қишлоқларда бу ҳассос ижодкор номи билан аталган кинотеатрлар, кўчалар, кутубхоналар ва маданият масканлари мавжуд.

## МАХМУР

(Вафоти 1844 йил)

Махмур тахаллуси билан қалам тебраттган Маҳмуд Мулла Шермухаммад ўғли XIX аср биринчи ярми ўзбек мумтоз адабиётининг энг йирик намояндадаридан биридир. У XVIII асрнинг охири чорагида Кўқон шаҳрида, зиёли оиласида дунёга келган. Отаси Мулла Шермухаммад — Ақмал тахаллуси билан шеърлар ёзиб, XIX аср бошлари Кўқон адабий ҳаётида кўзга кўринарли ўрин туттан, ўзбек ва форс тилларида шеърларидан икки девон тартиб этган. Ақмал Амир Умархон саройида тўпланган кўлсонли ижодкорлар жумласидан бўлиб, шеърият муҳлислари ўртасида ном чиқарган ва шу боис Фазлий Наманганий тузган «Мажмуат уш-шуаро» тазкирасида бир неча бор ҳурмат билан тилга олинган, асарларидан намуналар келтирилган.

Махмур ёшлигидан бошлаб отаси ташабуси билан уюштирилган муциоираларда, адабий сұхбатларда иштирок этиш имконига эга бўлди. Махмурнинг Кўқондаги Мадрасаси Мирда чукур таҳсил олганлиги, жумладан, форс тилини мукаммал эгаллаганлиги маълум, уни тугатгандан кейин, ўзи қайд этганидек, маълум муддат сарбозлик-сипоҳийлик қилган. Бу ҳақда Махмур ўз шеърларининг бирида анъанавий фаҳрия услубида «ҳам илму фанда, ҳам сипоҳликда моҳирам, жанг кунида ботир қаҳрамонам», деб гурурланади. Ҳудди шу ўринда ўзининг «шеър илмидаги» маҳорати ҳақида сўз юритади. Бир намунада оиласи ва уч фарзанди борлиги тўғрисида сўз юритса, бир қатор шеърларида шахсий ҳаётидаги етишмовчиликдан шикоят қиласидан фифон чекади.

Шоир Кўқон хони Амир Умархон номига ёзилган шеърий аризасида ўзининг ниҳоятда оғир иқтисодий шароитини куюнч билан бундай тасвирлайди:

Кечалар ёттани на кўшим бор,  
Кундузи ичгани на нўшим бор.  
Бир ҳовуч на уйимда галлам бор,  
Икки газ на бошимда саллам бор.  
Бошимда газ десамки, саллам йўк,  
Салла десам, уйимда галлам йўк!

Махмур ҳаётда ботирсўз, довюрак, қўрқумас киши бўлган, табиатан мунофиқлик ва риёкорликни, айни замонда қатъий қораловчи, ҳийла-найранг ва қингир ишларни ёқтиргайдиган, нозикдил ва сержаҳл, ўз қадр-қимматини юқори тутувчи инсон бўлган. Шоир табиатидаги бу белгилар бир қатор замондошлари ва юқори лавозимдаги амалдорлар билан совуқ муносабатларни шакллантирганидек, ижоди-

да шахсий йўналишдаги туркум ҳажвияларнинг яратилишига ҳам турткни бўлган.

Махмурнинг қанча умр кўргани маълум эмас. Аммо унинг вафоти санаси Қори Қундузий — Комийнинг тарихи орқали аниқ қайд этилган. У Махмурнинг ҳижрий 1279, милодий 1844 йилда Кўқонда вафот этганлигини маълум қиласди.

1950- йилларга қадар Махмурнинг ижодий фаолияти ва у қолдирган адабий мерос хусусида жуда чекланган маълумотларга эга эдик. Адабиётшунослик илмига унинг Фазлий тазкирасидан ўрин олган беш разали ҳамда Муқимиининг ҳажвий тахмисига асос бўлган Ҳапалак қишлоғи ҳақидаги газалигина маълум эди. 1950 йилда мумтоз адабиётимизнинг етук билимдонлари Пўлатжон Каюмов ва Асқарали Чархийлар саъй-ҳаракатлари туфайли Кўқонда Махмурнинг қарийб уч ярим минг мисрани ўз ичига олган ўзбек ва форсий тиллардаги шеърий тўплами топилди ҳамда адабиётшунос олим А. Каюмовнинг қатор тадқиқотлари орқали илмий доирага тортилди, кенг жамоатчилик хукмига ҳавола қилинди.

Махмурнинг ҳозирча илмга маълум асарларининг ҳаммаси, беистисно, ўз мазмун ва руҳига кура ҳажвий ва танқидий йўналишдадир.

Мумтоз шеъриятимизнинг разал, маснавий, мухаммаси ва қасида турларида яратилган бу асарлар ижтимоий ҳажвиётнинг Махмур ижодида янада юқори босқичга кўтарилганини исботловчи бадиий ҳужжатлардир. Шоир XIX аср биринчи ярмидаги мавжуд тузумнинг қўпдан-кўп иллатларини, ўша замондаги адолатсизлик, ижтимоий тенгсизлик, зўравонлик ва хукуқсизликни аёвсиз фош этади. «Ҳожатлар чиқарувчи қози даргоҳига муножот» деб номланган мухаммасидаги куйидаги мисралари мавжуд адолатсиз тузумга кучли қаҳр-газабни ифодалайди ва ўша тузумга айбномадек жаранглайди.

Қайси бир зулмунг этай төъод, эй, гардуни дун  
Ким, сенинг бедоду жавринг ҳадди роятдин бурун!..  
Бехунар жоҳилга бердинг беалад дунёю дун.  
Жамъи доноларни қилдинг ҳолини зору забун,  
Зофни аъло қилиб, тўтини нодон айладинг!

Урни келганда айтиб утиш керакки, ўн бир банддан иборат бўлган бу мухаммаснинг олти банди форсча ёзилган. Аммо, бу бандларнинг ҳам бешинчи мисралари ҳамда умумий радифи узбекчадир.

Махмур ҳажвиёти ва танқидий шеърларининг деярли барчаси оддий бечора шахс тилидан ва нуқтаи назаридан мавжуд ижтимоий-иктисодий ҳаёт ва қундалик турмуш ташвишлари тўғрисидаги аччиқ ҳақиқат баёни тарзида яратилган ва худди шу боис халқчил руҳ эгаллаган. Меҳнаткаш омманинг, хусусан, дехқон аҳлининг оч-яланғоч ҳаёти, улкани қуршаган вайронагарчилик ва харобазорга айланган

қишлоқларнинг ачинарли манзараси Махмур ҳажвиётига замин бўлган ва бу манзара «Дар сифати қишлоқи Ҳапалакки, ба маҳдум Махмур таалтуқ ёфта» деб номланган асарида жуда жонли чизилган:

Турфа қишлоқи газаб кардаки, паррандалари,  
Товуқи итгачию ўрдагу ғози — капалак.

Бору йўқ уйларини баъда баён гар қўлсам:  
Бир катақ, икки капа, уч олачуқ, тўрт каталак.

Дема уй, балки, заминкантур, агар кирса киши,  
Ҳар тараф бетига ургайлар аният кўршапалак.

Халқини кўрсанг агар ўласию қоқу хароб,  
Очликдан эгилиб қомати — мисли камалак.

Ажириғ томурини ўғурида майдада туlob,  
Қайнатиб кунда ичар, отуни қўюб сумалак.

Вайронга қишлоқлар ва уларда кун кўрувчи бечора дехкон аҳли мавзуи Махмурнинг бошқа шеърларида ҳам, жумладан, Курама виляоятига бағишланган ҳажман каттагина мухаммасида шундай тандидий руҳда ҳаётий ишланган.

Махмур ҳажвияларининг кўпчилиги ўша замоннинг кўзга кўринган амалдорларининг кирдикорларини, алдамчи-хасисликларини, инсон сифатида тубан феъл-атворларини фош этишга бағишланган. Шоир уларни шахсан жуда яхши таниган, ифлос қўлмишларидан тўла хабардор бўлган ва шу боис ўз ҳажв ўқларини улардаги етакчи нуқсонларга бехато урган. «Хожа Мир Асад ҳажви»да ўта муттаҳам шахснинг муғомбирликлари кулгили воқеа баёнида фош этилса, «Ҳажви Атойи пораҳўр айни савоби акбараст», яъни «Атойи пораҳўрга ҳажв ёзиш улуғ бир савобдир» — мисраси билан бошланувчи асарида пораҳўрлик фош этилган.

«Қози Муҳаммад Ражаб авж сифатлари» деб номланган ҳажвияда шоир такаббурлик билан ўзини покдомон ва билимдон тутувчи, аслида эса ахлоқан тубан ва батамом оми, нуноқ бўлган қозининг ижтимоий қиёфасини чизади:

Аҳаб қозини қоҳили, жоҳиле,  
Бўлуб омийлик илмига комиле,

Аният кўксини чок қўлсанг ҳама.  
Филу гашини пок қўлсанг ҳама.

Адамлур, «алиф» анда кўп излама,  
Бу нархарни қози дебон сизлама!

Махмурнинг ижодий меросида айрим тарихий шахсларнинг табиати ва амалий-ижтимоий фаолиятларини аёвсиз фош этувчи ҳажвий жуфтликлар учрайди. Ҳар жуфтлик нишонга олинган шахсга маснавийда битилган салбий тавсифнома ва шу шахснинг ўз кирдикорларини ўзи фош этиш услубида ёзилган газалдан ташкил топган. Масалан, Махмурнинг ҳажвий қалами остида табиблик дъявосида бўлган Ҳаким Туробий аслида тамоман нодон ва фирибгар шахс эканлигини «ўзи бўйнига» олади, тан беради:

Биҳамдиллоҳ, табиби шаҳри Букроти ҳалойиқман,  
Ажалдин ҳам бани одамни ўлдирмоққа фойикман...

Табиби шаҳр номи ойда бир бемор ўлдурса,  
Вале, ман кунда юз бемор ўлдирмоққа ҳозикман.

Мани бадбаҳт то зарбулмасал бўлдум табибликда,  
Жаҳон ворича акнун кўп ҳақоратларга лойикман!

Бу намуналар Махмурнинг барча ҳажвий усууллардан, хусусан, ўз-ўзини фош этиш санъатидан самарали фойдаланганини равшан кўрсатади.

Махмур қолдирган адабий мерос ҳақида сўз борар экан, шоирнинг «Каримкул Меҳтарнинг сифатлари» ҳажвияси устида алоҳида тухтаб утиш керак. Элликдан ортиқ байтдан ташкил топган бу маснавийнинг асосий қисми енгил юмор билан сугорилган ва ҳар бир ўкувчига илиқ табассум, кулгу ва завқли кайфият уйғотади. Махмур хон буйруғига биноан унинг амалдорларидан Каримкул Меҳтар томонидан ўзига ажратилган отни таърифлаш жараёнида юмористик тасвирининг гўзал лавҳаларини яратади:

...Бир замон менга от деб бердинг,  
Расми Рустамсифот деб бердинг.

Бир қаро эшаки фалакзодани,  
Ҳам самовату ҳам самақзадани.

Ҳам ҳарису ҳам ҳаробу ҳам бадном,  
Икки минг айб ангадур мудом.

Сув ичса ҳам тамогига тикилар,  
Пашша гар қўнса ёлига йиқилар...

Шоир от таърифида ҳалқ оғзаки ижодининг лоф, асқия турларидан ҳам кенг фойдаланиб, ўкувчиларга завқ-шавқ баҳш этувчи мисраларни битади.

Махмур ижодий фаолияти ўзбек адабиётидаги танқидий йұналишнинг, айниқса, ҳажвиёт тараққиётининг навбатдаги юқори босқичи бўлди. Шоирнинг адабий мероси кейинги даврылар ҳажвгуйларига, хусусан, Муқимий ва Нодимларнинг ижодига самарали таъсир қилди.

## ГУЛХАНИЙ

(XVIII аср охри — XIX аср биринчи ярми)

Ўзбек мұмтоз адабиётининг йирик намояндадаридан бири Мұҳаммад Шариф Гулханийнинг ҳәети ва ижодий фаолияти ҳақида тағсил мәълумотларга эга эмасмиз. XVIII асрнинг сүнгі чораги ва XIX асрнинг биринчи ярми Құқон адабий мұхитидә қалам тебратиш, ўзбек бадий насли тараққиётига жиғдий ҳисса күшган Гулханий номи бир қатор тазкира ва тарихий асарларда зикр этилган.

Гулханий ҳақида айрим мәълумотлар Фазлий Наманғонийнинг «Мажмуат уш-шуаро» тазкирасыда учрайди. Манбалардаги мәълумотларга таяниб айтиш мүмкінки, бўлажак ижодкор асли тоғли Коратегиндан Қўқонга келиб оила қурган, таҳминан 1770—80-йиллар атрофига дунёга келган, оғир иқтисодий қайнинчиликларда кун кечирган. Баъзи манбалар унинг Наманған мадрасаларининг бирида мәълум муддат таҳсил олганлигидан дарак беради.

Мұхаммад Шариф бир неча йил ҳаммомда ўт ёқуачи — гўлохлик вазифасыда ишлаган ва шунга ишора тарзидаги Гулханий таҳаллусини қабул этган. Маълум вақт сипоҳийлик (навкарлик) ҳам қилган. Шоир вафоти санаси ҳам мәълум эмас — XIX асрнинг 30—40-йилларида дунёдан ўтган, деб таҳмин қилинади.

Гулханий XIX асрнинг бошларыда шоир сифатидаги давр адабий ҳәётининг фаол иштирокчиларидан бирига айланган эди. Амир Умархон Қўқон хонлиги таҳтига ўтиргач (1811), ўз саройи атрофига истеъоддли қалам аҳлини жалб этганида, улар орасыда Мұхаммад Шариф ҳам бор эди. Ўзи ҳам қобилиятли шоир бўлган хоннинг топшириғига кўра Фазлий Наманғоний тузган «Мажмуат уш-шуаро» тазкирасыда Гулханий асарларига бир неча ўрин ажратилган. Шоирнинг ўзбекча ғазаллари, шунингдек, «Аз чацмаи ман», «Эй тўти», «Бирун» радифли форсий ғазаллари ғоявий-бадиий жиҳатдан ниҳоятда пишиқдир. Уларни ишқий лириканинг етуқ намуналари қаторига киритиш мумкин.

Фазлий тазкирасыда Гулханийнинг кейинчалик Журъат таҳаллусини қабул қилиб, шу таҳаллус билан ҳам қалам тебраттанлигини ёзади. Бизга Журъат таҳаллуси билан битилган «Ангуштам» радифли форсий ғазал етиб келган.

Гулханий истеъоддли шоир бўлган. Аммо миilliй адабиётимиз тарихидан моҳир наср устаси, машҳур «Зарбулмасал»нинг муаллифи сифатидаги фахрли ўрин олган. «Зарбулмасал»нинг муқаддимасыда

қайд этилишича, Гулханий бу асарни ёзишга Амир Умархоннинг тавсиясига кўра киришган. «Зарбулмасал» жилдий ижтимоий мазмунни мажоз йўли билан бадиий ифодаловчи ахлоқий-дидактик ва танқидий-ҳажвий йўналишдаги асадир. Унда ижтимоий ҳаёт муаммолари, жамиятда турли табақа — гуруҳлар ўргасидаги мураккаб муносабатлар, инсонларнинг ўзаро муомалалари, урф-одатлар, халқ маросимлари ҳақида мажозий услубда сўз боради.

Гулханий ижтимоий ҳаётдаги воқеа ва ҳодисаларни, инсонлар табиати ва амалий фаолиятидаги олижаноблик ва пасткашлик, адолат ва зўравонлик, саҳоват ва хасислик, камтарлик ва маҳманик, қаноат ва очқўзлик, хушмуомалалик ва қўпполитик, ҳалимлик ва дагаллик каби фазилат ва салбий белгиларни бадиий маҳорат билан қушлар ва ҳайвонлар тили ва ҳаракатларига, интилиш ва қўлмишларига кўчирди ва улар иштирокидаги ҳаётий лавҳаларда ўз муносабатини билдиради. Албатта, асар билан танишган ҳар бир ўкувчи унда гап қушлар ва ҳайвонлар фаолиятлари ва ўзаро можаролари ҳақида эмас, балки, аслида кишилик жамиятидаги турли табақа — гуруҳлар вакиллари ҳақида бораётганини дарҳол англаб олади. Асар иштирокчиларининг нутқлари халқ мақоллари, матал, ҳикмат ва қолипланган биримма-ибораларидан кенг фойдаланиш асосига курилган. Асар воқеаси қадимги «Фарғона иқлимида» жойлашган «ески бир шаҳристонда» юз беради. У ерда истиқомат қилаётган Япалоқкуш ўз ўғли Кулангир-султонни уйлантириш тарааддудига тушади, шу манзилда яшайдиган Бойўғли ва Бойкушнинг қизи Кунушбонуга совчи қилиб Кўркушни юборади. Баҳс ва тортигувлардан сўнг қиз тарафга бериладиган қалин миқдори минг чордевор деб белгиланади, никоҳ маросимлари ўтказилади. Воқеалар давомида бўлажак қудалар ва уларнинг манфаатларини ифодаловчи иштирокчиларнинг табиатлари, фалсафаси, ички дунёси ва интилишлари босқичма-босқич очила боради.

«Зарбулмасал»да етакчи мазмун билан мантикий мазмун узвий боғланиб кеттан ўндан ортиқ насрый ва назмий масала, қисса ва ҳикоятлар мавжуд. Бу мўъжаз бадиий асарлар, асосан, ахлоқий-таълимий йўналишда бўлиб, ҳалоллик, тўғрилик, олижаноблик, меҳрмуҳаббат, вафо ва садоқат ғояларини олга суради, хасислик, маҳманик, бефаросатлик, жоҳиллик, сотқинлик каби салбий белгиларни қоралайди. Хусусан, «Маймун билан Нажжор» ва «Тошбақа билан Чаён» каби масалалар юксак бадиий маҳорат билан ёзилган.

Зинкр этилган масалларнинг бирида ҳаётий лавҳа орқали «ビルман, үрганмаган ва қўлинг етмайдиган ишга ҳовлиқиб уринма, аввал ҳунарни яхшилаб эгалла, шунда панд емайсан!» деб ўтиг берилса, иккинчисида, ҳаётда дўст танлашда ниҳоятда эҳтиёт бўлишиликка, ёмонга асло яқинлашмасликка даъват этилади. «Зарбулмасал»даги бу каби ахлоқий-таълимий йўналишдаги масаллардан фарқли улароқ «Туя билан Буталоқ» масалида соғ ижтимоий мавзу бадиий интихосига етказилган. Унда эркисиз Туянинг оч ва сувсиз қолган Бутало-

ғининг ёлвориб қилган фифону ноласига берган ғамгин жавоби аниқ әшигилади:

Айди онаси боласига боқиб,  
Кўзларининг ёшлари сувдек оқиб:  
«Кўрки,— бурундуқ кишини кўлида,  
Ул кишининг кўзлари ўз йўлида!  
Менга агар зарра каби ихтиёр  
Бўлса эди — булмас эдим зори бор!»

«Зарбулмасал» ўзбек бадиий насрининг энг етук намуналари қато-рида фахрли ўрин олган. Ранг-баранг тасвирий воситалардан, жумла-дан, мураккаб саждан кенг фойдаланиб ёзилган бу асарнинг тили ниҳоятда ширадор, жозибали бўлиб, асарнинг чин маънода халқчил руҳ эгаллашида жуда катта хизмат қилган.

## МУНИС ХОРАЗМИЙ

(1778—1829)

Амир Авазбий ўғли Шермуҳаммад, адабий таҳаллуси Мунис Хоразмий XVII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг бошларидаги яшаб ижод эттан шоир, тарихнавис олим, таржимон, ҳаттот ва маърифатпарвардир.

Мунис ўзбек адабиёти, умуман маданияти тарихида салмоқли ўринни эгаллайди. У муаррих сифатида ўзининг «Фирдавс ул-иқбол» тарихий асарини ёзди, шоир сифатида девон тузди. Таржимон сифатида тарихий асарларни ўзбек тилига таржима қилди, педагог сифатида «Саводи таълим» номли рисола ёзди. Муниснинг ҳаёти ва ижодини ўрганар эканмиз, аввало унинг адабий ва тарихий асарларига мурожаат қиласиз. У ўзининг «Мунис ул-ушшоқ» девонига ёзилган сўзбошида ва «Фирдавс ул-иқбол» номли тарихий асарида таржимаи ҳолига оид анчагина маълумотлар келтирган.

Мунис 1778 йили Хивада туғилди. «У Хивадаги Қиёт қишлоқлик Авазбий Миробнинг ўелидир»<sup>1</sup>. Унинг ота-боболари хонлар саройида мироблик ишларини бошқариб келганлар.

У ёшлик чоғларидан бошлаб илм олишга қизиқиб, тарих ва адабиётга меҳр қўйди. Дастлабки маълумотни Қиёт қишлоғида олиб, кейинчалик Хива мадрасаларида ўқиди. 1800 йилда отаси вафот этгач, Хива хони Аваз-Иноқ Мунисни Хива саройининг фармонна-

<sup>1</sup> Ҳасан Мурод Муҳаммад Амир ўғли «Лаффасий», Хива шоир ва адабиётчиларнинг таржимаи ҳоллари, ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, қўлёзма асарлар фонди, инв. № 9494, в: 2<sup>2</sup>.

вис котиби қилиб тайинлайди. Мунис замонасининг машхур олим, шоир ва санъаткорлари билан яқин алоқада бўлиб, ўзини илм-фан, маърифатга бағишилади. Ўзидан илгари яшаган шоир ва тарихчиларнинг асарларини иштиёқ билан ўрганди. Бу ҳол Муниснинг қуйидаги шеърида яққол кўзга ташланади:

Волийи мулки тариқат гар Низомийдур манга,  
Манзили маънига Хизри роҳ Жомийдур манга.  
Хотиримга Хисравийдин ҳар замон шўре етиб,  
Банда давроннинг бари ширин қаломидур манга.  
Пир Ансорий сўзидан чошни нутқум топиб,  
Сўзда ҳосил шарбати юҳял Низомийдур манга.  
Хофизи Шероз, Лутфийдин тараққийлар топиб,  
Жилвагоҳ ақли тасаввуфнинг мақомидур манга.  
Юзима Аттор ҳар лаҳза дўкони файз очиб,  
Доим андин атрпарвар жон машомидур манга.  
Файзи Фирдавсий гаҳи кўнглум очиб фирдавсек,  
Гоҳ Хоқоний футуҳининг пасмидур манга.  
Гоҳ таъбим Анварий нури била равшан бўлуб,  
Гоҳ Саъдий жомининг файзи мудомидур манга.  
Топибон ишқи Ироқийдин замирим нашъайи,  
Ҳосил аҳли ишқнинг шўри тамоми дур манга.  
Нусхан таъвид Бедилдин топиб, Файзи сухан,  
Маъни ичра номайи Иқбол номидур манга.  
Қылса ҳосил даҳл бежо сўз аро йўқдир ғамим,  
Ким бу маънида Навоий руҳи ҳомийдур манга.  
Тонг эмас, Мунис, агар бўлсан Киромий қадриким.  
Устози зоҳиру ботин — Киромийдур манга<sup>1</sup>.

Бу ғазалда келтирилган маълумотдан Муниснинг қатор Шарқ мумтоз шоирларининг ижодидан баҳраманд бўлганлиги кўриниб турибди. Мунис ёшлигиданоқ шеър ёзиш билан машғул бўлган ва ўзидан илгари ўтган тарихчиларнинг асарларини зўр ҳавас билан ўрганганди. Шоир биринчи девонини 1804 йилда тузди. 1813 йилда эса барча шеърларини тўплаб «Мунис ул-ушшоқ» деб номланган девон тузди<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Шарқ кўлёзма асарлар фондиди Мунис девонларининг бир неча кўлёзма нусхалари сақланмоқда<sup>3</sup>. Улардан 1330-рақамили кўлёзма Мунис 27 ёшга кирган вақтда 1804—1805 йили шоир таржимиа ҳолидан кўчирилган. Девон охирида қўйидаги тўртлик келтирилган.

<sup>1</sup> Девони Мунис, мазкур фонд, кўлёзма, инв. № 940, в: 6<sup>6</sup>.

<sup>2</sup> Мазкур фонд, кўлёзма инв. № 9494, в: 3<sup>1</sup>.

<sup>3</sup> Мазкур фонд, кўлёзма, инв. № 940, 1330, 1793, 7865, 9356.

Мунисо, тўқмай йигирма етти ёш,  
Ваҳ, йигирма етти узра етти ёш.  
Ёш каби машғуллик қилмоқ недур,  
Ҳар қачонким сұхбатингга етти ёш.

Шоирнинг бу девонидан унинг газаллари, мухаммаслари, мусадаслари, рубойлари ва бошқалар ўрин олган. Девоннинг охирида муаллифнинг «Саводи таълим» номли илмий асари ҳам бор бўлиб, унда хаттотлик қоидалари баён этилган.

Шоир гўзаллик ва муҳаббатни куйлаган бўлса-да, унинг газалларида ўша даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ҳам ўз ифодасини топган. Замонасининг илфор фикрли кишиси сифатида ўзи яшаётган ҳаётда фаол иштирок этди. Мунис тарихнавис олим сифатида Хоразм тарихига оид қимматли «Фирдавс ул-иқбол» номли муҳим тарихий асарини ижод этди. Олим ўз асарини Шарқ тарихчиларининг анъанаасига мувофиқ ҳамда ва наът булимлар билан бошлаган. Сўнгра ўз ҳаёти ва асарининг ёзилиши ҳақида қисқача маълумот бериб, Хоразм тарихини ёзган.

Асар муқаддима, беш боб ва хотимадан иборат.

I бобда Одам Атодан то Нуҳ пайғамбар авлодигача бўлган ҳодисалар баён этилган. II бобда Ёфасдан Қунғирот шўйбасигача бўлган Мўғул ҳукмдорлари даври хусусида фикр юритилган. III бобда Курлос авлодига мансуб подшоҳлар даврида содир бўлган воқеалар тўғрисида ёзилган. IV бобда Элтузорхоннинг ота-боболари ҳаёти тасвиrlанган. V бобда Элтузорхоннинг туғилишидан бу асарнинг ёзилиб тамом бўлишига қадар содир бўлган воқеалар хусусида қалам тебратилган.

Хотима эса олимлар, авлиёлар, амирлар, беклар, шоирлар, хунармандлар ҳақида маълумотларни ўз ичига олади<sup>1</sup>.

Мунис «Фирдавс ул-иқбол» номли асарини ёзив тамомлай олмаган. У қадим замонлардан бошлаб Муҳаммад Раҳимхон I ҳукмронлигининг еттинчи йилигача (1813) бўлган воқеаларни ёзишга ултурган. Унинг бу чала қолган асарини шогирди Огаҳий давом эттирган. Огаҳий бу асарни қандай қилиб давом эттирганлигини қўйидагича баён этади. Элтузорхон хонлик қилган даврда Мунисни чақириб, Хоразм тарихини ёзишни буоради. Мунис ўз асарини Шерғозийхон давригача ёзив етказганда Элтузорхон вафот этади. Ундан сўнг давлат тепасига унинг биродари Муҳаммад Раҳимхон I келади.

Муҳаммад Раҳимхон I Мунисга ўз асарини давом эттиришни буоради. Мунис асарни давом эттиаркан, Муҳаммад Раҳимхон I ҳукмронлигининг еттинчи йилида содир бўлган воқеаларни ёзив тамомлаганда, хон 1819 йили Мунисга Мирхондинг машхур «Равзат

<sup>1</sup> Мунис ва Огаҳий, «Фирдавс ул-иқбол», мазкур фонд, қўлёзма, инв. № 5364/1; в: 56.

ус-сафо» номли тарихий асарини ўзбек тилига таржима қилишни буюради. Мунис бу асарнинг биринчи жилдини ўзбек тилига таржима қилиб, иккинчисини давом эттираётганида Мұхаммад Раҳимхон I вафот этади. Унинг ўрнига ўғли Оллоҳқулихон келади. Бу ҳам Мунисга таржимани давом эттиришни буюради. Бироқ Мунис иккинчи китобни охирига етказаолмай, 1829 йили вафот этади. Оллоҳқулихон тахтта ўтиргандан кейин, 1839—1840 йили Муниснинг шогирди ва унинг тарбиясини олган Огаҳийни чақириб, 1813 йил воқеаларини баён этиш билан узилиб қолган «Фирдавс ул-иқбол» асарини давом эттиришни буюради. Огаҳий 1813 йилдан бошлаб Хоразмда содир бўлган воқеаларни ёза бошлайди.

Тарихнавис олим Муниснинг «Фирдавс ул-иқбол» номли асари узоқ даврни қамраб олган Марказий Осиё, айниқса, Хива хонлиги тарихини ўрганишда қимматли тарихий асардир. Асарда Хоразмнинг қадимий даври билан бир қаторда, Хива хонлигининг 1825 йилгача бўлган сиёсий тарихи муфассал баён этилган, тож-тахт, бойлик учун олиб борилган курашлар ва шунингдек, Хива хонларининг қўшни туркман ва қорақалпоқ халқлари билан бўлган муносабатлари ҳақида ҳам кўплаб маълумотлар келтирилган.

Асарда Хива хонлигининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини ўрганиш буйича ҳам анчагина маълумотлар бор. Хива хонлигининг Бухоро, Кўқон хонликлари, Россия билан олиб борган дипломатик ва савдо-сотиқ муносабатлари, хонликдаги суориш, солик, қурилиш ишлари ўша даврда яшаган олимлар, шоирлар ҳаёти, ижоди қаламга олинган.

Шундай қилиб, Шермуҳаммад Мунис Хоразмий ўз даврининг талантли шоири, атоқли тарихнавис олими, давлат арбоби ва моҳир таржимони бўлган. Унинг асарлари ўзбек халқи маданияти тарихини ўрганишда ажойиб манба бўлиб хизмат қиласди.

## ОГАҲИЙ (1809—1874)

Мұхаммадризо Эрниёзбек ўғли — Огаҳий XIX аср Хоразм адабий мұхитининг йирик сиймоларидан бири бўлиб, Навоийдан кейин энг «кўп ва хўб» шеър айтган шоирлардандир.

Огаҳий 1809 йил 17 декабрда Хива атрофидаги Қиёт қишлоғида (Хозирги Огаҳий номли жамоа хўжалиги) дунёга келган.

Отаси Эрниёзбек вафот этгач, ёш қолган Огаҳийни тоғаси Мунис ўз тарбиясига олди. Мунис атрофига тупланган ижодкорлар бўлгуси шоир Огаҳий ижодига катта таъсир қиласди. Огаҳий дастлабки билимни Мунис Хоразмийдан, кейинчалик Хива мадрасаларида таҳсил олди. 1829 йил Мунис вафот қиласдан кейин Оллоҳқулихон унинг ўрнига Огаҳийни бош мироблик вазифасига тайинлайди. Шоир

хизмат юзасидан Хоразм воҳасининг кўп жойларида булиб, дехқонларни, ҳунармандларни аянчли ҳаётини ўз кўзи билан курди. Бу Оғаҳий ижодига таъсир этмай қолмади.

Оғаҳийдан бой ижодий мерос қолди. У мадрасада ўқиб юрган пайтларида ёқ «Баёзи мутафарриқаи форсий» номли баёз тузди. Бу баёзга Жомий, Навоий, Ҳофиз, Шерозий, Бедил, Фузулий газалларини киритиш билан бир қаторда уларга эргашиб ёзган ўзининг ўн беш газали ва икки мухаммасини қўшди. Оғаҳий устози Мунис бошлаб қўйган, аммо, тамомлай олмаган тарихий «Фирдавс ул-иқбол» асарини ёзив тутагатди. Бундан ташқари Хива хонлиги тарихига оид «Риёз ул-давла», «Жомеъ ул-воқеоти Султоний», «Зубдат ут-таворих», «Гулшани давлат», «Шоҳиди иқбол» номли тарихий асарлар ёзди. Оғаҳий жаҳон маданиятини нодир дурдоналари ҳисобланган Сайдий Шерозийнинг «Гулистон», Низомийнинг «Ҳафт пайкар», Ҳилолийнинг «Шоҳ ва гадо», Кайковуснинг «Қобуснома», Кошифийнинг «Ахлоқи Мұхсиний», Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо» каби бадиий, тарихий, ахлоқий, фалсафий, дидактик асарларини ўзбек тилига таржима қилди.

Оғаҳий 1872 йилда пароканда бўлган бадиий меросини жамлаб «Таъвиз ул-ошиқин» («Ошиқлар тумори») номли девон тузиб қолдирди. Маданиятилизнинг дурдонаси бўлган бу девон ўзбек мумтоз шеъриятининг 22 жанрига оид асарларни ўз ичига қамраб олган.

Оғаҳий ижодида XIX аср Хива хонлигидаги ижтимоий ҳаёт ўз ифодасини топган. Бу даврга келиб, Туркистан Россия томонидан босиб олинганди, ҳалқ икки ёқдан зулм остида қолганди. Оғаҳий бундан қаттиқ қайғуради, ҳалқ хур, озод яшашини орзу қиласди.

Оғаҳий дунёга, инсонга туганмас муҳаббат, ҳаётга чексиз меҳр билан қарайди, ижтимоий жараёнларга қаттиқ қизиқади. Шоир инсонни ҳаёт гўзалликларини, муҳаббат шавқ-завқини тўлиб-тошиб тарнум этади. Мутафаккир ўз асарларига ижтимоий фикрларни маҳорат билан сингдириб юборади. Мисол учун машҳур «Феруз» ашуласидаги қўйидаги сатрларни эслайлик:

Эй шоҳ, қарам айлар чоги тенг тут ёмону яхшини,  
Ким, меҳр нури тенг тушар вайрону обод устина.  
Хоки танинг барбод ўлур, охир жаҳонда неча йил,  
Сайр эт Сулаймондек агар таҳтинг куриб бод устина.

Оғаҳийнинг юксак инсонпарварлик руҳи билан сугорилган гоялари хон ва шоир Ферузнинг сиёсий-маърифий тарбиясига таъсир қиласди. У тарихчи олим сифатида Хива хонларига, йирик тарихий шахсларга бағишилаб қасидалар ёзган. Шоирнинг «Қасидаи насиҳат» деган асари бунга яққол мисол бўлади. Асар Ферузга бағищланган. Оғаҳий ўз насиҳатларида салтанатни бошқаришнинг йўл-йўриқларини кўрсатади, мамлакат ва ҳалқни адолат билан идора этиш йўлларини бел-

гилаб беради. Бу қасида маснавий жанрида ёзилган бўлиб, шоирнинг сиёсий-маърифий қарашларини ёрқин ифода қиласи. Шоир фикрича, ҳар қандай давлат бошлиги ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун барча ижобий фазилатларга эга бўлиши лозим. Подшоҳи ҳимматли, шихоатли, адолатли, гайратли, саховатли, ҳаёли, соғ ниятли, маданиятли, ҳамиятли, камбағалпарвар бўлиши зарур. Ҳукмдор шу фазилатларга эга бўлса, ҳокимияти камол топади, мамлакати фаровон бўлади, деган фикрни илгари суради.

Огаҳий давлатни бошқаришнинг йўлларини ҳам кўрсатиб ўтган. Шоирнинг фикрича, шоҳ шариат аҳкомларига қаттиқ амал қўймоғи даркор. Айш-ишратдан, фитна ва гийбатдан, гафлатдан, ялқовликдан, зулм-разолатдан, чақимчиликдан, молпарастликдан узоқ бўлиши керак. Хива хони Феруз Огаҳийнинг давлатни бошқариш тўғрисидаги маслаҳатларига кулоқ тутган, унинг ҳикматли байтларини мармар тошларга ёздириб арзоналарига қўйдирган, кўп эзгу ишларни амалга оширган.

Бу даврда Хоразм ҳалқи маҳаллий бойлар ва рус босқинчилари зулми остида қолганди. Лекин шунга қарамай хонликда маданий-маърифий ишлар ривож топди. Бунда Огаҳийнинг маърифий ҳиссаси катта бўлди. Огаҳийнинг Ферузга берган сиёсий сабоқлари бугун ҳам ўз қийматини йўқотган эмас.

Мутафаккир шоир жамиятнинг инсонпарварлик имкониятларини оширишнинг барча йўлларидан фойдаланишга ҳаракат қилди, ҳукмдорларни адолатга, раҳм-шафқатга даъват этди. Огаҳий Сайд Муҳаммадхон илтимосига биноан 1857 йилда қасида ёзди.

Бас, энди раиятта қил имод,  
Топай десанг икки жаҳонда мурод.  
Илоҳе, бу қаср ичра қўлғон макон,  
Бу манзилни фаҳм этмагил жовидон.  
Вафосиз дурур даҳр иқболи бил,  
Бақосиз дурур мулк ила моли бил.  
Кўнгил қўймагил мулк бунёдига,  
Ет, албатта, мазлумлар додига!

Қасида кўҳна Арқда хоннинг арзонасидаги мармар устунга ўйиб ёзилди. Шоир ўз қасидасида инсонпарварлик гояларини олға сурди, адолатпарвар, маърифатпарвар давлат раҳбарларини орзу қилди ва хонни шунга даъват этди.

Огаҳий Хива хонлигининг 1813 йилдан 1873 йилгача бўлган тарихини изчиллик билан бой манбалар асосида ёзиб қолдирган. Огаҳийнинг тарихий асарларига академик В. В. Бартольд юқори баҳо берган: «Мунис ва Огаҳий томонидан яратилган адабий ва тарихий асарлар... воқеаларни баён этиш ва уларда келтирилган далилий манбаларнинг

куплиги жиҳатидан бизгача етиб келган Қуқон ва Бухоро хонликла-  
ри тарихи бўйича бўлган ҳамма асарларни ўзидан анча орқада қол-  
диради»<sup>1</sup>.

Огаҳийнинг тарихий асарлари далиллй манбаларнинг бойлиги ва  
ишончли бўлиши билан ажралиб туради. Унинг тарихий асарлари  
қўшни қардош халқларнинг тарихини ўрганишда биринчи манба  
ҳисобланса, таржима асарлари Хоразм ижодкорларини араб, форс-  
тожик адабиётининг ноёб дурданалари билан таништириди, халқнинг  
маънавий савиясини бир погона баландга кўтарди, ўзбек адабиёти  
хазинасини янги асарлар билан бойитди, халқлар ўртасидаги дўстлик  
ва маданий алоқаларни мустаҳкамлади.

## КОМИЛ ХОРАЗМИЙ

(1825—1899)

Комил Хоразмий XIX асрда яшаб ижод этган маърифатпарвар  
шоир, санъаткор, хаттот, давлат арбоби, ўз даври илғор маданияти-  
нинг машҳур вакилларидан биридир. Комил — шоирнинг адабий та-  
халлуси бўлиб, унинг асл номи Паҳлавон Ниёз Муҳаммаддир. Паҳла-  
вон Ниёз Муҳаммад 1825 йилда Хивада, мударрис Абдулла Охун оила-  
сида туғилди. У дастлабки сабоқларни маҳалла масжиди қошидаги  
мактабдан, сўнг ўз отасидан олди. Абдулла Охун ўғлига араб, форс  
тилларини ўргатди ва адабиётта ҳавас уйғотди. Комил маҳалла макта-  
бини тамомлагач, Хива шаҳридаги мадрасалардан бирида таҳсил кўра-  
ди, мумтоз адабиёт вакилларининг ижодини зўр ҳавас билан ўргана-  
ди. Навоийни ўзига устоз билиб, унга тақлидан шеърлар ёза бошлай-  
ди ва тез орада машҳур шоир бўлиб етишади. У мусиқа ва хаттотлик  
санъатини ҳам мадрасада ўқиб юрган даврида ўрганганди.

Комилдаги истеъодони кўрган Хива ҳукмдори Сайд Муҳаммад  
(1856—1865) уни саройга тортади ва у хон саройида хаттот, Муҳам-  
мад Раҳим II — Феруз (1865—1910) даврида эса мирзабоши ва девон-  
бегилик лавозимларида хизмат қиласи.

Комил ўз асарларида анъанавий ишқ-муҳаббат, маърифатпарвар-  
лик, тинч-тотув яшаш гояларини тарғиб қиласи. Аммо шоир ижоди-  
да маърифатпарварлик гоялари етакчи ўринни эгаллади. Бунга шо-  
ирнинг «Камол», «Дар баёни таърифи ва тавсифи Тошканд», «Тил-  
ло соат» каби асарлари яққол мисол бўлади. Комил 1891 йил сен-  
тябр ойида Петербургда бораётуб Тошкентда тўхтаб, «Туркистан ви-  
лоятининг газети» таҳририятининг илтимоси билан «Тошканд» леб  
номланган қасида ёзади. Унинг бу қасидаси ўзбек адабиётида янги  
ижтимоий тараққиётни акс эттирган йирик шеърий асардир.

<sup>1</sup> Бартольд В.В. История культурной жизни Туркистана. Л.— 1927. 113-бет.

Петербург, Москва, Тошкент каби шаҳарларни томоша қилиш, халқ аҳволи билан танишиш шоир қалбидаги ватанпарварлик ҳиссини янада кучайтириди. Ватан тақдиди ва унинг келажаги шоирга тинчлик бермади. Шунинг учун ҳам шоир ўз шеърларидан бирида:

Не суд очилса гул, улса баҳор гурбат аро,  
Менгаки бўлмаса ёру диёр гурбат аро,  
Очилимади чаманистон ҳавомидин кўнглум,  
Кўзимга гул эрур андоқхи, хор гурбат аро.  
Чиқай Ватан садафидин дема луҳар инглиғ,  
Гарчи бўлса сенга зътибор, гурбат аро,—

деб ўз элида, диёрида туриб ўзини гурбатда ҳис қиласи.

Комил биринчи бўлиб ўзбек нота ёзувини ихтиро қилди. Ферузнинг фармони билан «Танбур чизиқлари» деб аталувчи Хоразм нотасини яратди ва «Рост» мақомининг бош қисмини нотага тушириди. Комилнинг «Рост» мақомига боғланган «Мураббай Комил», «Пешрави Феруз» сингари куйлари нотага ёзилгани ҳолда ҳозиргacha сақланмоқда ва хонанда, созандалар томонидан куйланмоқда.

Шоирнинг бу ишини ўғли Мұхаммадрасул Мирзо давом эттириб, Хоразм мақом куйлари учун нота асосида мусиқа яратди. Таникли бастакор Матниёз Юсупов эса беш томлик Хоразм мақомлари китобини нашрдан чиқарди ва кенг укувчилар оммасига тақдим қилди.

Комилнинг маданий-адабий мероси хилма-хил ва бойдир. Уларнинг кўпчилигини анъанавий севги-муҳаббат мавзуси ташкил қиласи. Бу мавзуда кўп асарлар ёзилган бўлса ҳам, шоир унга ўзининг янги шеъру достонлари билан муносиб улуш кўшиди. Хусусан шоирнинг:

Йиглатур ошуқларинг лаъли лабинг хандаси,  
Тубию шамшод эрур сарв қаддинг бандаси,  
Хусну жамол авжининг меҳри дурахшандаси,  
Кўрса меҳр оразинг, бўлғуси шарманласи,  
Сўйла манго эй санам, кимни севар ёрисан?

каби оташин сатрлари кишини беихтиёр мафтун этади, уни ўйлашга, фикрлашга ундейди. Мисол учун: «Йиглатур ошуқларинг лаъли лабинг хандаси?» Ажаб, нима учун ошиқни маъшгуқанинг лабини хандаси йиглатади? Чунки ошиқ севгилисининг васлига етолмайди. У ҳижрон азобида ўрганади. Маъшуқа эса унинг бу аҳволини лабда ханда билан томоша қилиб туради. Маъшуқа жафо қиласа ҳам ошиқ ундан нари кетаолмайди. Негаки, маъшуқа бениҳоя гўзал. Унинг қоматига тубию шамшод банда, гулгун юзидан күёш шарманда. Қаранг, шоир бир неча мисрага қанча маънони жо қилган. Навоий, Мунис, Оғаҳий каби шоирларнинг ижоди Комил учун адабий мактаб бўлди.

У ўз салафлари ижодини чукур ўрганди. Уларнинг асарларида куйланган инсонпарварлик, адолатпарварлик фояларидан ижодий фойдаланди. Шунинг учун шоир ижодида халқчиллик фояси алоҳида ўрин эгаллади. Бу фоя Комил асарларининг мағз-мағзига сингиб кетган.

Комил яшаган даврда Хива хонлиги Рус чоризмининг вассали бўлиб, халқ турмушкини юхиятда аянчли ахволда эди. Зулм ва зўрликларни ўз кўзи билан курган шоир меҳнаткаш халқ ҳаётига ачинди, уни енгиллаштириш чораларини излади. Аммо тополмади. Шунинг учун у хон ва унинг амалдорларини инсоф ва адолатга, меҳр-шафқатга даъват этди:

...Гар олтин қаср эса жоҳинг, улус ҳолига раҳм эттил,  
Сенек неча шаҳаншоҳни ўткарди бу айвон...

Комил ўзбек мумтоз адабиётининг энг яхши анъаналарини давом эттириб, ижодий ривожлантириди. Шунинг учун унинг кўпгина асарларида хукмрон табақаларнинг жоҳилилиги, мунофиқлиги, шафқатсизлиги фош этилган. Бунга шоирнинг «Тамаъ», «Рӯза», «Мullo-имом» каби шеърлари ёрқин мисол бўлади.

Комил форс тилини ҳам яхши биларди. Хива хонлигидаги адолатсизлик, жабр-зулмни, турмуш иллатларини фош қилишда форс тилидан ҳам унумли фойдаланди. Шоирнинг «Алғиёс», «Зи бедоди гардун», «Дод аз дасти чархи дун» матълаи билан бошланадиган газаллари исёнкорлик рухи билан йўғрилган. Комил одамларни зэгулликка даъват этади. Ёмонлик қилишдан, қабоҳатдан нари юришга чақиради. «Ким кимга соҳ қазиса ўзи шу соҳга йиқилади» деган фикрни илгари суради:

Бирорни ёқса киши ёнгай ўзи ҳам ул ўтда,  
Ки шамъ ўртади парвоналарни толди гудоз.

Комил моҳир хаттот эди. У кўпгина бадиий асарларни ва девонларни чиройли қилиб кўчириди. Кўплаб хаттотлар етиштириб чиқарди. Устод Муҳаммад Паноҳ, Худойберган Мухрикон, Шариф Тарро девон, Матёкуб Харрот девонлар шулар жумласидандир. Комил Хоразмий ва унинг шогирдлари томонидан кўчирилган девонлар жаҳоннинг бир қанча мамлакатлари кутубхоналари фондларида кўз қорачигицек сақланмоқда.

Комил Хоразмий хаттот бўлиш билан бирга моҳир таржимон ҳам эди. У XVIII асрда яшаб ўтган Бархўрдор бин Маҳмуд туркман Мумтознинг «Маҳбуб ул-қулуб» асарини таржима қилган. Асар насрый йўлда ёзилган бўлиб, кичик-кичик ҳикоя ва латифаларни ўз ичига олган.

Фахриддин Али Сафийнинг «Латоиф ат-тавойиб» («Турли тоифаларнинг латифалари») асарини таржимаси ҳам Комил Хоразмий

қаламига мансубдир. Китобдан Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа машҳур кишилар ҳақидаги ҳикояя ва латифалар урин олган.

Комил Хоразмий бу асарларни таржима қилиш билан бирга уларга айрим ўзгаришлар ҳам киритган, баъзи ҳикояларни қайта ишлаган, китобнинг услубини ўз давридаги китобхонларнинг дид ва савиясига мослаштирган.

Бир сўз билан айтганда, Комил Хоразмий ўзбек мумтоз адабиётининг энг яҳши анъаналарини давом эттириди ва илғор адабиёт ривожига катта ҳисса қўшди. Ўз халқини маърифатли, диёрини озод, обод, фаровон куришни орзу қилди. Шоирнинг орзулари фақат бизнинг қунларимизда рӯёбга чиқди.

## XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШИДА ТУРКИСТОНДА МАДАНИЙ ЖАРАЁН

*XIX асрнинг иккинчи ярмida Овруто ва Шарқ мамлакатларида рўй берадиган иқтисодий-ижтилоӣ, маданий узгаришлар турли йўллар билан Туркистон ҳаётига ҳам аста-секин кириб келди ва ўзининг айрим аломатларини курсата бошлиди.*

Бу даврга келиб Россия чоризми кўпдан бери мўлжаллаб келган уз мақсадини – Туркистонни босиб олиш ва ўз империяси чегараларини янада жанубга қараб кенгайтиришни тезлик билан амалга оширишга киришиди ва 1860-йиллардан бошлаб Туркистон хонликларига қарши ўз ихтиёридаги барча қуроллардан фойдаланган ҳолда шиддатли ҳужумга ўтди. Хонликлар ва ерли ҳалқнинг кескин кураши, қаршилигига қарамай 1870-йилларга келиб Кўқон хонлиги тугатилди. Бухоро ва Хива хонликлари Россиянинг вассалига айланди: Туркистонда рус мустамлакачилик тузуми ўрнатилди, у рус бош губернатори томонидан бошқарила бошланди. Рус чоризми Туркистонда ўз мустамлакачилик сиёсатини ўтказиш йўлида барча чораларни амалга ошириб, унинг бойликларидан имкони борича кенг фойдаланишга киришиди. Жаҳон ва айниқса, Яқин Шарқ мамлакатларидаги ўзгариш ва Россиянинг янги мустамлакасига оқиб келаётган Овруто маданияти янгиликлари Туркистон маданиятида ерли ҳалқнинг мустамлакачилик сиёсати, камситилишига қарши маърифатчилик ҳаракатини кучайтириб юборди. У асосан, ҳалқни янги маданият, маърифатга чақиришга, миллатни уйғотишга, янгилаётган маънавиятни эгаллашга йўналтирилган эди. Аста-секин маърифатчиликдан жадидчилик усуб чиқди ва у маълум даражада сиёсий масалаларни олға сура бошлиди. Янги таълим-тарбия, янги мактаб, янги маориф, уни бошқариси, маданий тарбибот, ташкилотчилик масалалари асосий ўринга кўтарилди. Янгиликларга асосланган ҳолда рус ва эски феодал маорифидан фарқ қилувчи фикр-гоялар олдинга сурилди, улар ерли матбуот, турли китоблар орқали кенг тарғиб этилди. Бу маданиятидаги мустамлакачиликка қарши курашда ҳалқ онгини ошириш, ўз аҳволини яхшилашга интилишининг кўринишларидан эди.

XIX асрнинг охири – XX аср бошида Туркистон маданияти қатор талантли олим, сайд, шоир, педагог, журналистларни етишишириб чиқарди, улар ҳалқимизнинг умумий маданий ривожланишига жуда катта таъсир кўрсатди.

*Бу даврда Аҳмад Дониши, Бердақ, Феруз, Муқимий, Фурқат, Завқий, Баёний, Аваз Үттар каби олим, шоирлар ўз даврининг муҳим масалалари-ни кўтариб чиқдилар ва халқни илм-фан, маърифатни эгаллашга унгадидилар.*

*Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Фитрат, Айний, Ҳамза каби талант эгалари жадидчилик гояларини олға суршиш ва тарғиб қилиш соҳасида байроқдор бўлиб танилдилар, Туркистоннинг ўз ривожланиши йулини тарғиб этишда жонбозлик курсатдилар.*

## АҲМАД ДОНИШ

(1827—1897)

Аҳмад Дониш ёки Аҳмад Каила деб ном қозонган Аҳмад ибн Мир Носир ибн Юсуф ал-Ханафи ас-Сиддиқий ал-Бухорий Бухоро амирлигида, XIX асрнинг ўрталарида яшаб ижод этган, илфор фикрлари билан ном қозонган шоир, мутафаккир, маърифатпарвардир. У 1827 йилда Бухоро шаҳрида туғилди. Шу ердаги мактаб ва мадрасаларда билим олиб, ўз даврининг илфор олими ва мутафаккири даражасига кўтирилди.

Аҳмад Дониш мадрасада олган билимлар билан кифояланмай, риёзиёт, фалакиёт, адабиёт, мусиқа, меъморчилик, тарих ва фалсафа билан шуғулланди, айниқса, Шарқ шоирлари ва мутафаккирларининг асарларини кўп уқиди ва урганди. Ибн Сино, Умар Хайём, Навоий, Фузулий, Бедил асарлари билан яқиндан танишиб, уларнинг фикрларидан ўз рисолаларида кенг фойдаланишга интилди. Фалсафий, ижтимоий-сиёсий, бадиий масалалар билан бирга табиий фанларни, айниқса, астрономия илмини ўрганишга катта эътибор берди. Ўзининг таъкидлашича, астрономия илмини Мирзо Абдулфаттоҳон мунажжимдан урганади. Дониш юқори малакали хаттот, меъмор ҳам эди. Шунинг учун XIX асрнинг 50-йилларида Бухоро амири Амир Насруллоҳ (1827—1860) саройида хизмат қилди. 1870 йили сарой хизматидан кетди.

Аҳмад Дониш 1857, 1869 ва 1874 йилларда уч марта Бухоро элчилари таркибида Петербургда бўлиб, Оврўпо маданияти, илм-фан соҳасидаги ютуқлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлиши, мутафаккир дунёқарашида катта бурилиш ясади ва ўз таассуротлари таъсирида Бухорода мавжуд тартибларни ислоҳ қилиш лойиҳасини олға сурди. Бу эса Амир Музаффариддин (1860—1885) норозилигига сабабчи бўлади ва амир Аҳмад Донишни Ҳузарга қози этиб жунатди. Дониш амир ўлимидан сўнг Бухорога қайтади ва 1897 йили вафот этади.

Аҳмад Дониш фалсафа, тарих, фалакиёт, риёзиёт, адабиёт, хаттотлик масалаларига бағишлиланган асарлар ёзган.

Узбекистон Республикаси ФА Беруний номли Шарқиунослик институтининг қулёзма фондида Аҳмад Донишнинг 16 та рисоласи ва яна бир қанча шеърлари киритилган тазкиралар, Фаззолий, Жомий асарларидан кўчирган қулёзма нусхалари сақланади, уларнинг купчилиги асл нусха булиб, муаллифнинг ўзи томонидан битилгандир. Масалан, 1877 йилда ёзилган «Мажмуаи ҳикояти Аҳмади Калла» деб номланувчи қулёзмада муаллиф турли тарихий, адабий, фалсафий масалалар ҳақида фикр юритади. У Улугбек даври, Абдураҳмон Жомий таълимоти, шиалар ва сунналарни муросага келтириш масалаларига бағишиланган рисола ҳам ёзган. Рисолада ислом тарихи, ундаги турли йуналишларнинг келиб чиқиши сабаблари, Румий, Фаззолий, Жомий, Бедил каби донишмандларнинг бу масалаларга муносабатлари хусусида баҳс юритилган. Аҳмад Дониш ижтимоий илмлар соҳасида Марказий Осиёнинг ўтмиш тарихи, фани, адабиёти, давлатчилиги, дини каби масалаларига оид ҳамда ўзига хос мазмунга эга бўлган шеърий асарлар яратиш билан бирга табиий илмлар, хусусан, астрономия, космология муаммолари устида ҳам муттасил тадқиқотлар олиб борган ва бу соҳада қатор асарлар ёзиб қолдирган. Аҳмад Дониш ўзининг «Мунозир ал-Кавокиб» («Юлдузларни кузатиш») деган асарида фалакиёт илмига оид муҳим масалани ҳал қилган.

Дониш «Рисолат дар илми курра» («Глобус ҳақида рисола») деб номланган асар ҳам ёзган бўлиб, унда глобуснинг вазифаси, унинг илм учун аҳамияти, ундан амалий фойдаланиш ҳақида гап боради. 12 бобдан иборат бўлган «Изтиғрохи бул ва арзи балат» («Жойларнинг узунилиги ва энини ўлчаш») асарида Аҳмад Дониш жойларнинг ўрнини ўлчаб чиқариш осмон меридианини соатларда белгилаш масалалари ҳақида мухоммадланган.

Унинг ижтимоий-сиёсий қараашлари «Наводир ул-вақое», «Рисолаи мухтасаре аз тарихи салтанати хонадони мангития» каби асарларида ўз аксини топгандир. Сунгти асар қисқача «Рисола» номи билан ҳам юритилиб, Бухоро хонлигидаги Мангит сулолаларининг ҳокимияти тарихига бағишиланган ва Амир Дониёл (1758—1785) ҳокимлигидан Амир Абдуллоҳ (1885—1910) ҳокимлиги давригача бўлган тарихни ўз ичига олади. («История мангитской династии» И.А. Нажифованинг кириш сўзи, изоҳи ва таржимаси. Душанбе, 1967 йил). Аҳмад Донишнинг энг муҳим асари «Наводир ул-вақое»дир. Бу асарда жуда кўп ижтимоий-ахлоқий масалалар хусусида фикр юритилган.

«Наводир ул-вақое» китоби Аҳмад Донишнинг асосий асари ҳисобланиб, унда олим ўзининг турли масалаларга муносабатини ифодала-гандир. Юқорида кўрсатилган ҳар икки асарда Аҳмад Дониш ижтимоий тараққиёттағо бўлиб қолган феодал ижтимоий-сиёсий тузум, тартиб ва муносабатларни танқид остига олади. Ўрга аср фалсафасида кенг тарқалган таваккул назариясини танқид этиб, бундай деб ёzáди: «Агар киши таваккулга ишониб ҳаракат қилмаса, меҳнат қилма-

са ва қийинчиликда, камбағаллик билан ҳаёт кечириш ёки мўлқулликда яшаш қисматда бор экан, деб айтса, ундаи киши хато қилади. Демак, у ақлли эмас<sup>1</sup>. Бухоро хонлигини Оврўло мамлакатлари, хусусан, Россия билан таққослаб, Дониш ўз ватанини иқтисодий, маданий жиҳатдан орқада қолганлигини курсатиб беради ва бу қолоқликдан чиқиш учун ижтимоий-сиёсий тузумда ислоҳотлар қилиш зарурлигини уқтиради.

Донишнинг фикрига кўра, «давлат бир гуруҳ кишилар эҳтиёжларини қондириш учун эмас, ҳалқ манфаатлари учун, мамлакатни обод қилиш учун хизмат қўлмоғи зарур. Биз дунёни гуллаб-яшнатиш учун, дengizлар кезиб урганиш учун, ер ости бойликларини топиш учун, унинг ҳамма қитъалари ва аҳолисини билиш учун туғилғанмиз», — деб ёзган эди Дониш. Бунинг учун ҳукмдор билимдон, маърифатли, одил ва ўз фуқаролари манфаатлари учун хизмат қўлмоғи шарт. У қандай масалани ҳал қўлмасин, энг аввал ўзини фуқаро ўрнида, уларни эса ўз ўрнида тасаввур қўлмоғи лозим. Бу адолатни таъминлашга имкон яратади. «Мамлакатни идора қилишда, — дейди Дониш, — ҳукмдор муҳим давлат муаммоларини ўз атрофидаги маслаҳатчилар билан биргаликда ҳал қилиши керак. Маслаҳатчилар ҳам донишманд ва адолатли кишилар бўлиши керак ва уларнинг фикри билан ҳисоблашиши шарт, чунки кўпчиликнинг ақли, бир кишининг ақлидан ортиқроқдир».

Аҳмад Дониш ўз ватанини қолоқликдан чиқариш йўлларини тинмай излади. «Киши ўз ватанини ҳимоя қўлсагина, ўз ҳалқи билан бирга бўлсагина,— дейди Дониш,— у ҳар доим барҳётдир». У Шарқ мутафаккирлари таълимотини ўрганиш билан бир қаторда Farbda тарқалган ижтимоий-сиёсий таълимотлар билан ҳам қизиқади. Гарчи бу таълимотларни Дониш қабул қўлмаган бўлса-да, унинг буларга нисбатан бўлган муносабати мутафаккирни кенг кўламдаги тадқиқотчи ва ижтимоий-сиёсий орзулари кенгроқ эканлигини кўриш имконини беради.

Аҳмад Донишнинг ижтимоий гоялари ўз даври учун муҳим аҳамиятта эга эди. Дониш мавжуд иқтисодий-сиёсий тузумнинг тараққиётига ров бўлиб қолганлигини кўрсатади ва бу гояни олиб ташлаш йўлларини қидиради.

Аҳмад Дониш меросининг бир қисмигина ўрганилган булиб, бу соҳада рус олимлари ва Ўзбекистон, Тоҷикистонда олиб борилган тадқиқотларни қайд этиб утиш лозим. Дониш асарларининг асл нусхаси — тоҷик тилида, рус ва ўзбек тилларида нашр этилган. Бу қомусий билим эгасининг бой ижодий меросини, табиий-илмий қарашларини ҳар томонлама ўрганиш ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

<sup>1</sup> Аҳмад Дониш асаридан келтирилган барча парчалар И.М. Муминовнинг «Ўзбекистонда XIX аср охирида XX аср бошларида ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг ривожланиш тафхидан» китобидан олинди. Муминов И.М. Танланган асарлар. Биринчи том, Тошкент, 1969.

## БЕРДАҚ

(1827—1900)

Бердақ қорақалпоқ халқынинг машхур демократ шоиридир. У XIX асрда яшаб ижод этган. Шоирнинг асл исми Бердимурод Қарғабой ўғли булиб, Бердақ унинг тахаллусидир. Мутафаккир туғрисида маълумотлар кам сақланиб қолган. Унинг таржимаи ҳоли ва ижодига оид маълумотларни, асосан, ўзининг асарларида учратиш мумкин. У Орол дengизининг жанубида жойлашган Мўйноқ туманининг Оққалъя деган жойида дунёга келган. Бердақ ўн ёшлигига ёқ отаси Қарғабой Буронбой ўғли ва онасидан айрилгач, амакиси Кучқорбойнинг қулида тарбия кўра бошлайди.

Бердақ ўн ёшидан овул мактабига, мактабни битиргандан сўнг ўз билимини янада чуқурлаштириш мақсадида ўша даврда йирик илм масканни ҳисобланган Қорақум эшон мадрасасида таҳсил олди.

У ёшлигидан бошлаб шеър ёзишни машқ қила бошлади. Халқ кўшиқлари, турли афсоналар, эртаклар, мақол ва маталлар, достонлар билан танишиш, машхур шоирларнинг шеърларидан баҳраманд бўлиш мутафаккир бадиий ижодини камолга етиб, шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Шундай қилиб, Бердақ аста-секин машхур шоир ва халққа танилган баҳшига айлана борди. Энг муҳими, шеърларига ўзи куй басталаб, куйлай бошлади.

Бердақ кўп шаҳарларга саёҳат қилди. Марказий Осиёнинг йирик шаҳарларида бўлди. Урганч ва Бухорони зиёрат қилиб, қадимий ёдгорликлар билан танишиди. Бердақ Алишер Навоий, Фузулий ва Махтумкули ижодларини чукур ўрганиб, шеърларини мутола қилди. Замондош шоирлар билан мусоҳиб бўлди. Бердақ шеърларининг аксарияти камбағал, бева-бечораларнинг аянчли ҳаёти, уларнинг оғир меҳнати, бой-зодагонларнинг уларга нисбатан қылган шафқатсизлиги, зўровонлиги ваadolatsizligiga бағищланган. Унинг шеърларида инсонпарварлик, тенглик, сахийлик, адолат, ватанпарварлик, меҳр-шафқат, қаҳрамонлик ва мардлик, мустақиллик, миллий озодлик ва ҳақиқат учун кураш, меҳр-муҳаббат каби умуминсоний ва миллий қадриятлар ўз аксини топган.

Бердақнинг шеър ва достонлари халқ оммасининг турмушини холосона ва ҳаққоний тасвирлаб бериш билан ажралиб туради. Айниқса, Хива хонлиги ва Чор Россияси хукмронлиги даврида оддий халққа нисбатан ўтказилган зулм-зўрликлар шоирнинг бир қатор шеърларида очиқ тасвирлаб берилган. Шунинг учун у ўз замонасидағиadolatsizlikdan, хон гумашталаридан, солиқ йиғувчилардан, миробларнинг ўзбошимчалигидан, золимлигидан нолийди, инсон қанча меҳнат қилмасин, муҳтоҗликтан чиқаолмаслигидан зорланади:

Чаққон одим ташлаб, меңнат құлмасант,  
Күн күрмөқлик қийин бұлды бу замон.  
Мақсадингга үйлаб-үйлаб етмасант,  
Қийин бұлды күн күрмөқлик бу замон.

Бердақ үзининг «Солиқ», «Бұлған эмас», «Бу йил» каби шеърларыда хон ва бекларнинг олиб бораётган сиёсатини қоралайди, уларнинг меңнаткаш халққа үтказаётган зулмини, шафқатсизлигини тасвирлайди. Бердақ инсонни юксакликка күтаради, халқни катта күч эканлинини таъкилаб, ҳукмрон синф вакилларини меңнаткаш халқни хурмат қилишга, уларга ёрдам беришга чақиради. Шоир үзини халқнинг ажралмас бир қисми, деб тасаввур қиласы.

Сұзим ұлмас, доим тирик қоламан,  
Халқым борку, ёвдан үчим оламан...

Бердақ үзи ящаётган тузумни, унинг тартибларини танқид остига олади. Шоирнинг фикрича, мавжуд сиёсий тузум меңнаткаш халқни ҳақ-хукуқларини ва манфаатларини ҳимоя қила олмайди. Бундай тузумда фақат адолатсизлик, ҳақсизлик, таъмагирлик, үзбошимчалик ва бошқа инсонга хилоф иллатлар ҳукм суради. Шоир золимлардан зорланиб бундай дейди:

Золимлар тингламас фәқирнинг зорин,  
Улар үйлар үз фойдасин, үз қорнин,  
Хеч қачон золимлар құлдаги борин,  
Эп құрмаслар, бор бұлса-да, халқ учун.

Бердақ үзининг ижтимоий-сиёсий масалаларга бағишенған асарларыда, Шарқнинг бошқа мутафаккирлари каби жамиятни одил ва маърифатли подшоқ бошқариши лозим, деган фикрга келади. У үз давридаги адолатсиз ва золим хон давлатни бошқаришга яроқсиз, деб ҳисоблайди.

Шоирнинг «Омонгелди», «Халқ учун», «Айdosбий», «Яхшироқ», «Бұлған эмас», «Ерназарбий» асарларыда қорақалпоқ халқнинг хонлар зулмігі қарши қаҳрамонона қураши, миллий-озодлик ҳаракати акс эттирилген.

Бердақ инсон үз фаолиятида, хатті-харакатида, мақсадига эришишида әркін эканлигини ёзади. Масалан, у «Ахмоқ подшо» достонида айрим бойлар ва амалдорларнинг жабр-зулми охирги нұқтасига бориб тақалғандан сүңг сабр-тоқати тугаган халқ үз ихтиёри билан уларға қарши бөш күтаради, дейди.

Бердақ ижодий меросида ахлоқ, хулқ-одоб, нафосат ва гүзіллік масалалари мұхим үринни згаллайды. Унинг шеърларыда миллий ва умуминсоний қадриятлар, ватанпарварлық, халқлар дүстлігі, оддий

## БЕРДАҚ

(1827—1900)

Бердақ қорақалпоқ халқининг машхур демократ шоиридир. У XIX асрда яшаб ижод этган. Шоирнинг асл исми Бердимурод Қарғабой ўғли бўлиб, Бердақ унинг таҳаллусидир. Мутафаккир тўғрисида маълумотлар кам сақланиб қолган. Унинг таржими ҳоли ва ижодига оид маълумотларни, асосан, ўзининг асарларида учратиш мумкин. У Орол дengизининг жанубида жойлашган Мўйноқ туманининг Оққалъа деган жойида дунёга келган. Бердақ ўн ёшлигидәёқ отаси Қарғабой Бўронбой ўғли ва онасидан айрилгач, амакиси Кўчкорбойнинг қўлида тарбия кўра бошлайди.

Бердақ ўн ёшидан овул мактабига, мактабни битиргандан сўнг ўз билимини янада чукурлаштириш мақсадида ўша даврда йирик илм маскани ҳисобланган Қоракум эшон мадрасасида таҳсил олди.

У ёшлигидан бошлаб шеър ёзишни машқ қила бошлади. Халқ қўшиқлари, турли афсоналар, эртаклар, мақол ва маталлар, достонлар билан танишиш, машхур шоирларнинг шеърларидан баҳраманд бўлиш мутафаккир бадиий ижодини камолга етиб, шакланишида муҳим аҳамият касб этади. Шундай қилиб, Бердақ аста-секин машхур шоир ва халқа танилган баҳшига айлана борди. Энг муҳими, шеърларига ўзи куй басталаб, куйлай бошлади.

Бердақ кўп шаҳарларга саёҳат қилди. Марқазий Осиёning йирик шаҳарларида бўлди. Урганч ва Бухорони зиёрат қилиб, қадимий ёдгорликлар билан танишди. Бердақ Алишер Навоий, Фузулий ва Махтумкули ижодларини чуқур ўрганиб, шеърларини мутолаа қилди. Замондош шоирлар билан мусоҳиб бўлди. Бердақ шеърларининг аксарияти камбағал, бева-бечораларнинг аянчли ҳёти, уларнинг оғир меҳнати, бой-зодагонларнинг уларга нисбатан қўлган шафқатсизлиги, зўровонлиги ва адолатсизлигига бағищланган. Унинг шеърларида инсонпарварлик, тенглик, саҳиийлик, адолат, ватанпарварлик, меҳр-шафқат, қаҳрамонлик ва мардлик, мустақиллик, миллий озодлик ва ҳақиқат учун кураш, меҳр-муҳаббат каби умуминсоний ва миллий қадриятлар ўз аксини топган.

Бердақнинг шеър ва достонлари халқ оммасининг турмушини холисона ва ҳаққоний тасвирлаб бериш билан ажralиб туради. Айниқса, Хива ҳонлиги ва Чор Россияси ҳукмронлиги даврида оддий халққа нисбатан ўтказилган зулм-зўрликлар шоирнинг бир қатор шеърларида очик тасвирлаб берилган. Шунинг учун у ўз замонасидағи адолатсизликдан, ҳон гумашталаридан, солиқ йигувчилардан, миробларнинг ўзбошимчалигидан, золимлигидан нолийди, инсон қанча меҳнат қиласин, мухтоҷликтан чиқаолмаслигидан зорланади:

Чақдан одим ташлаб, меңнат құлмасаң,  
Күн күрмөқлик қийин бұлди бу замон.  
Мақсадыннан үйлаб-үйлаб етмасаңт,  
Қийин бұлди күн күрмөқлик бу замон.

Бердақ ўзининг «Солик», «Бўлган эмас», «Бу йил» каби шеърларида хон ва бекларнинг олиб бораётган сиёсатини қоралайды, уларнинг меңнаткаш халқа ўтказаётган зулмини, шафқатсызлигини тасвиirlайди. Бердақ инсонни юксакликка кўтаради, халқни катта куч эканлинини таъкидлаб, ҳукмрон синф вакилларини меңнаткаш халқни хурмат қилишга, уларга ёрдам беришга чакиради. Шоир ўзини халқнинг ажralmas бир қисми, деб тасаввур қилади.

Сўзим ўлмас, доим тирик қоламан,  
Халқим борку, ёвдан ўчим оламан...

Бердақ ўзи яшаётган тузумни, унинг тартибларини танқид остига олади. Шоирнинг фикрича, мавжуд сиёсий тузум меңнаткаш халқни ҳақ-хукуқларини ва манфаатларини ҳимоя қила олмайды. Бундай тузумда фақат адолатсизлик, ҳақсизлик, таъмагирлик, узбошимчалик ва бошқа инсонга хилоф иллатлар ҳукм суради. Шоир золимлардан зорланиб бундай дейди:

Золимлар тингламас фақирнинг зорин,  
Улар үйлар ўз фойдасин, ўз қорнин,  
Ҳеч қачон золимлар кўлдаги борин,  
Эп кўрмаслар, бор бўлса-да, халқ учун.

Бердақ ўзининг ижтимоий-сиёсий масалаларга бағишиланган асарларида, Шарқнинг бошқа мутафаккирлари каби жамиятни одил ва маърифатли подшоҳ бошқариши лозим, деган фикрга келади. У ўз давридаги адолатсиз ва золим хон давлатни бошқаришга яроқсиз, деб ҳисоблайди.

Шоирнинг «Омонгелди», «Халқ учун», «Айдосбий», «Яхшироқ», «Бўлган эмас», «Ерназарбий» асарларида қорақалпоқ халқининг хонлар зулмига қарши қаҳрамонона кураши, миллий-озодлик ҳаракати акс эттирилган.

Бердақ инсон ўз фаолиятида, хатти-ҳаракатида, мақсадига эришишида эркин эканлигини ёзади. Масалан, у «Ахмоқ подшо» достонида айрим бойлар ва амалдорларнинг жабр-зулми охирги нұқтасига бориб тақалғандан сўнг сабр-тоқати тугаган халқ ўз ихтиёри билан уларга қарши бош кўтаради, дейди.

Бердақ ижодий меросида ахлоқ, хулқ-одоб, нафосат ва гўзаллик масалалари мухим ўринни эгаллайди. Унинг шеърларида миллий ва умуминсоний қадрияtlар, ватанпарварлик, халқлар дўстлиги, оддий

ахлоқ қоңдалари тұғрисида қимматли фикрлар учрайди. Шоирнинг айтишига қараганда, баъзи мулла ва эшонлар халқ олдидә ўзларини ҳалол ва пок, адолатпарвар этиб күрсатадилар. Амалда эса бунинг аксины күрамиз. Шоир уларнинг мунофиқлигини фош этиб ташлайди.

Бердақ ўзининг ахлоқий қараашларыда Шарқнинг Энг яхши анъаналярини давом эттири. «Изладим», «Халқ учун», «Яхшироқ», «Мен-га керак» каби шеърларыда кишиларнинг ҳалол меҳнатини улуғлайди. Унингча, ҳар бир одамнинг асосий бурчи халққа ва унинг фаровонлиги йўлида хизмат қилишдир. Бердақнинг ахлоқий қараашларининг яна бир мұхим томони — кишиларни ҳурмат қилиш, айниқса, қарилар, заиф ва ногиронлар, камбағал ва бева-бечораларни иззат нафсига тегмаслик, уларга иложи борича ёрдам курсатишдир. Бердақ худди Навоий каби одамларни ахлоқ-одобига қараб, уларни иккига: яхши ва ёмонга бўлади. Яхши одам деганда, у бутун инсоний фазилатларни ўзида тўплаган доно, ақлли, билимдон, ўзгаларга ёрдам берувчи, феъл-автори гўзал кишиларни кўз олдига келтиради. Емон одам эса, Бердақнинг назаридаги, халқнинг оғатидир, у халқни ҳам, оға-инини ҳам қадрига етмайди. Умуман олганда, шоир ахлоқий қараашларининг марказида инсонийлик туради.

Бердақ кўп шеърларыда болаларни тарбиялаш, катталарни ҳурмат қилиш, ёш авлодга ватанпарварлик, ўз халқига муҳаббат, халқлар ўртасида дўстлик ва биродарлик ғояларини сингдиришга интилди.

Бердақ қорақалпоқ халқининг машхур шоири, асл фарзандидир. Қорақалпоғистондаги кўпгина мактаблар, кўчалар, кинотеатрлар, кутубхоналар шоирнинг номига кўйилган. Шунингдек, Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофоти таъсис этилган. Бу мукофот бадиий адабиёт, санъат ва меймормонлик соҳасидаги энг яхши ишларга берилади.

Бердақнинг юксак инсонпарварлик руҳи билан сугорилган адабий, ижтимоий-сиёсий ва фалсафий ғоялари ҳозирги мустақиллик шароитида ҳам ўз тарбиявий аҳамиятини сақлаб келмоқда.

## ЧЎҚОН ВАЛИХОНОВ

(1835—1865)

Чўқон Чингиз ўғли Валихоновнинг асл исми — Муҳаммад Ҳанавия бўлиб, қозоқ халқининг буюк олимни, демократ-маърифатпарвари, тарихчиси, этнографи, фольклоршунос, сайёҳ ва жуғрофидир.

Чўқон Валихонов 1835 йилла Қозогистоннинг ҳозирги Кустоной вилоятида Кўчмурин деган жойда туғилган. У Абилойхоннинг эвараси Чўқон илк бор Кўчмуриндаги қозоқ мактабида ўқиб, арабча хат танидан сўнг, «хон боласи еттита тил билиши керак» деган гап билан Шарқ тилларини, шу жумладан, араб, чигитой, шунингдек, Марказий Осиё халқлари тилларини ҳам мукаммал ўрганди.

1847 йили 12 яшар Чүқонни отаси Омскдаги кадет корпусига ўқишига беради. Үнда ағыл бақолар билан ўқиган Чүқон ўз дүстлари орасида обрү-эътиборга лойиқ булиб вояга ета бошлайди. Кадет корпусида Г.Н. Потанин билан биргә ўқыйди, улар самимий дүст бұладилар. Чүқон үкіб юрган вақтида Гүктамишнинг «Хон ёрлигини» чукур ўрганди. Бу Чүқон Валихоновнинг илмий изланишидаги илк қадами эди. Шундай қилиб, 14—15 ёшли Чүқонга кадет корпус ўқитувчилари меҳр билан ёндошиб, унга келажакдаги буюк олим деб қарай бошлайдилар. Шу пайтларда у тарих, жуғрофия фанларига алоҳида эътибор берип, қунт билан ўқиб-ўрганди.

Чүқон 1853 йили 18 ёшида Омскдаги кадет корпусини, яъни ҳарбий ўкув юртини тамомлагач, Сибирь казак-рус 6-чи отлиқ аскар полкининг зобити бўлиб ишга ўтади. 1861—1862 йиллари Санкт-Петербург университетининг тарих-филология факультетида маъruzалар тинглаб, илмий савиясини ошириб боради.

Фарбий Сибирь генерал-губернаторлигига хизмат қилган Чүқон Валихонов, Хитой ва Марказий Осиёга уюштирилган илмий-текшириш экспедицияларида иштирок этади. 1858—1859 йилларда Кошғарга саёҳат қиласи, 1855 йили Омсқдан Семипалатинска, шунингдек, Аякўз, Қопал орқали қирғиз Олатоғларигача бўлган ерлар билан танишади. Қайтишида, Жонғор орқали Олакўл, Тарбоғатойга саёҳат қиласи. Сўнг Марказий Қозогистон — Қорғорали, Бояновул, Кўкчатор орқали юриб, кузда Омскка қайтади. Мана шу сафарларида у қозоқ, қирғиз оғзаки ижод дурданаларини ёзиб олиб, тарихий ва этнографик материаллар тўплай бошлайди ва илмий изланишлар олиб боришга киришади.

Чүқон Валихонов 1860—1861 йиллари Санкт-Петербургда яшаган пайтларида рус демократлари, олимлари билан яқиндан алоқа боғлаб, Фанлар академияси ва Рус жуғрофия жамияти ишларида фаол қатнашиб, Осиё харитасини тузишда яқиндан ёрдам беради. Тарих, жуғрофия, сиёсий иқтисод, этнография, археология, фольклоршунослик сожаларида илмий асарлар яратади. Бу ўринда унинг «Жунғария тарихи», «Кошғар сафари кундалигидан», «Қирғизлар», «Хон Абилой», «Хитой империясининг фарбий ўлкаси ва Фулжа шаҳри», «Кўқитой хонниң оши», «Дала мусулмонлиги», «Қозоқлар ҳақида ёзмалар», «Суд реформаси ҳақида», «Қозоқ шахараси» каби асарлари Марказий Осиё, Шарқий Туркестон, Фарбий Хитой, қозоқ, қирғиз, уйғур каби халқларнинг этнографияси, турмуши, маданиятини ўрганишда мухим аҳамиятга эгадир.

Бу асарлар фақат далыл-ащёлари билан эмас, чукур умумлаштирилган илмий холосалары билан ҳам алоҳида эътиборга сазовордир. Уларда мазкур улкаларининг жуғрофий, табиий, ижтимоий-маънавий ўтмиши буйича ниҳоятда қимматли материаллар бор.

Чүқон Валихонов ўша саёчат жараёнида халқ оғзаки дурдоналарини, шу жумладан, эртак ва афсоналарни, достонларни, халқ құшиқларини ёзиб олган зди. Кейинчалик «Күзи Күрпеш-Баян сұлу» достонини рус тилига таржима қилиб, И.Н. Березин тарафидан яратылған Хрестоматияға кирилган.

Чүқон халқ оғзаки ижодини чукур илмий ўрганиб, «Қозоқнинг халқ достонларининг турлари ҳақида», «Үрга юз қозоқтарининг афсона-эртаклар түгристі», «XVIII аср ботирлари ҳақида тарихий афсоналар» каби илмий тадқиқотларини яратди. У қозоқ халқининг ботирлари ҳақидағы эпик асарларнинг ҳиндударман эпостарига үшашлигини бириңчи бұлиб айттан олимдир. «Ер күкча» достони XIV—XVI асрда яратылған бұлиб, Ер Күкча паҳлавон тарихий шахс эканлигини ишботлаб берди.

Кирғиз халқ достони «Манас»нинг күп қисмини ёзиб олган, рус тилига ўтирган ва чукур ўрганған зди. Бу асарни «Илиада», «Одиссея» асарлари билан бир қаторға қойиб, юксак баҳо берган ҳам Чүқон Валихонов зди.

У Ұғизхон замонларидан буён ривожланиб келаёттан қозоқ фольклорини атрофлича тадқиқ этиб, Үринбай, Чұжа, Аристонбай, Кампирбай, Жоноқ каби оқынларнинг ижодини юкори баҳолади.

У қозоқ адабиети тарихида бириңчи бұлиб, қозоқ шеър қурилишини илмий ўрганди, қозоқ шеъриятининг үзига хос хусусиятларини очиб берди. Чүқон Валихонов үзининг «Қозоқ халқ поэзиясининг турлари ҳақида» деган илмий-назарий мақоласида қозоқ шеъриятини «Жыр», «Үлан», «Қора үлан», «Қайым үлан», «Йұлов үлан» турларга бұлиб илмий талқин этди.

Чүқон Валихоновнинг мусаввирилек фаолияти ҳам қозоқ тасвирий санъат тарихида алоҳида ўрин әгаллайди. Үндан бизгача 150 га яқын ранг-баранг тасвирий санъат асарлари етиб келған. У яраттан расмлар XIX асрнинг 60-жылларининг бошларыда «Всемирная иллюстрация», «Искра», «Русский художественный лист» каби журналлар ҳамда Рус жуғрофия жамиятининг «Хабарномасида» эълон этилған.

Чүқон Валихонов подшоҳ Россияси тузумини, мустамлакачилик зулмини кескин танқид қилди, рус маданиятини тарғиб қилди, қозоқ халқини күчмансилиқдан үтрок ҳолатта үтишга даъват этди, маърифатли бўлишга чақириди. Д.И. Менделеев, П.П. Семенов-Тяншанский, Г.Н. Потанин каби рус олимлари билан ижодий мулоқотда булди. В.Г. Белинский, Н.Г. Чернишевский ижодлари таъсири остида қозоқ ижтимоий-фалсафий фикрида бириңчи бұлиб реалистик аньваналарни илгари сурди. 1860 йили Рус жуғрофия жамиятига аъзо бўлган Чүқон Валихонов рус мустамлакачилиги туфайли бўлаётган адолатсизликларни ҳам секин-аста тушунна бошлади.

Чүқон Валихонов фақат қозоқ халқи тарихидагина эмас, Марказий Осиё халқлари маданий ҳаётида ижтимоий тафаккур таракқиети

тариҳида алоҳида ўрин тутган улкан олимдир. Унинг бой ва ранг баранг илмий тадқиқотлари Туркистон халқларининг муштарак маданий-маънавий мулкидир.

## АБАЙ

(1845—1904)

Абай — Иброҳим Кўнонбоеv — XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб, ижод этган қозоқ шеъриятининг машъали, бастакор, файласуф ва қозоқ ёзма адабиётининг асосчиси, маърифатпарвар шоиридир. У 1845 йилнинг 8 августида Семипалатинск вилоятига қарашли (ҳозирги Абай тумани) Чингизтоғ бовуридаги Қашқабулоқ маконида дунёга келган. Отаси Қўнонбой Ўсконбой ўғли қозоқ урувлари ичидаги энг бой, бадавлат кишилардан бўлиб, Абайнинг ўқитишга катта аҳамият берди. Абай мадрасада тўрт йил гаълим олди. Араб, форс тилларини ўрганди. Марказий Осиё алломаларини, хусусан, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, Навоий, Бобур, Нодира асарларини мутолаа қилди. Улардан таъсирланиб «Фузулий, Шамсий, Сайқалий» номли шеърий асарини яратди. Унда Шарқ алломаларини ўзига устоз деб билганлигини тан олади:

Фузулий, Шамсий, Сайқалий,  
Навоий, Саъдий, Фирдавсий,  
Хўжа Ҳофиз — бу ҳаммаси,  
Мадад бер, ё шуаро фариёд —

дейди.

Шунингдек, шоирнинг 1855—1881 йиллар давомида ёзган «Юзи равшан», «Атифбо», «Фузулий, Шамсий, Сайқалий» каби ва бошқа шеърлари Шарқ алломаларига эргашиб ёзган ижод намуналари эди. Шунинг учун академик ёзувчи Мухтор Аvezov «...унга тиллари тушунарли бўлганликдан Навоий, Фузулий асарлари кўп таъсир этган. Айниқса, Абай Алишер Навоийни ўзига «энг яқин устоз» деб билади ва асарларидан ўrnak олади...»

Абай Аҳмад Ризо мадрасасида узоқ таҳсил кўролмади. Отаси уни мадрасадан чиқариб олиб, эл бошқариш ишларига жалб этади. Лекин Абай қаламни ташлаб қўймади. Эл бошқариш билан бирга бадиий ижод билан қаттиқ шуғулланди, ўз билимини тинмай ошириб борди. Шоир учун, айниқса, 1886—1889—1895 йиллар сермаҳсул, қизғин ижодий давр бўлди. Бу даврда қозоқ урувларининг ўзаро ички низолари авж олганди. Абай ўз асарларида уларни дўстликка, иноқликка, биродарликка ундали, илм-маърифат олишга даъват этди. Бунга шоирниң «Менинг элим — қозогим», «Адашганинг олди йўқ», «Илм топмай мақтанма», «Ёшлиқда илм деб ўйладим», «Бойлар юрап

молин ардоқлаб», «Интернатда үқийди» (1886) каби асарлари ёр-кин мисол бўлади.

Абай ўша даврларда Семипалатинска сургун қилинган рус демократлари И.И. Долгополов, Е. П. Михаэлис ҳамда В.Г. Белинский, Чернишевский, Добролюбов, Салтиков-Шчедрин, Л. Толстой, А.С. Пушкин, М.Ю. Лермонтов, И.А. Крилов асарларни ўқиб пухта ўрганди. Баъзиларини қозоқ тилига таржима қилди. Уларнинг асарлари орқали рус, жаҳон адабиёти намояндалари асарлари билан яқиндан танишиди, таржималар қилди, насрой асарлар ёзди.

Абай ижодининг муҳим қирраларидан бири — ёш шоирларни тарбиялаш бўлди. Ёшларга ҳомийлик қилди. Уларга мавзулар бериб, достонлар ёздириди. Бу ўринда ўғли Мағавияяга (1869—1904) «Медғат Қосим», «Оқилбойга (1863—1904) «Қиссан Юсуф» каби достонлар ёзишга даъват этилганлигининг ўзи кифоядир.

Абайдан 300 га яқин шеърий асар, «Искандар», «Масъуд», «Азим ҳикояси», «Вадим» каби достонлар етиб келган. Унинг асарларидан халқни илм-маърифатга, инсонийликка, ҳалолликка, севги-садоқатга, муҳаббатга даъват этиш ғоялари асосий ўрин эгаллаган. Бу ўринда шоирнинг «Эй муҳаббат, эй дўстлик», «Йигитлар», «Уйин арzon, кулги қиммат», «Кўзимнинг қораси», «Қиз сўзи», «Йигит сўзи», «Ошик сўзи — тилсиз сўз» каби асарларини кўрсатиб ўтиш керак. Абайнинг Пушкиннинг «Евгений Онегин» асари асосида битган «Татьянанинг қирдаги қўшиғи» деган туркум шеърлари қозоқ адабиётининг энг яхши намуналаридан бири бўлиб қолди.

Абай шеъриятида муҳаббатсиз, дўстликсиз ҳаёт бўлмайди, деган ғоя илгари сурилган. Абай ўз давридаги золим бойларни, феодалларни меҳр-муруватли бўлишги чорлайди, эзгулик ва адолатпарварликни тўлиб-тошиб куйлади. Абайгача қозоқ шеъриятида икки хил улан ўлчовлари мавжуд эди. У ҳам бўлса «Қора ўлан» билан «Жыр» дир. Абай эса рус ва жаҳон шеъриятини чукур ўрганиб, ўланлар вазнини ўн еттитага етказди. Бу борада шоирнинг «Саккиз аёқ» шеъри билан 16 тармоқли «Сен мени нетасан?» асарини эслаш лозимдир.

Абайнинг бастакорлик фаолиятида «Саккиз аёқ», «Айтдим салом, қаламқош», «Мен кўрдим баланд қайин қулашин», «Желсиз тунда ёриқ ой», «Нечаро, қайтдим сездирмай» каби асарлари қозоқ халқи мусиқа тарихида алоҳида ўрин эгаллайди.

Абай уч манбадан озиқ олиб, маънавий камолотга етди. Булар — қозоқ халқ оғзаки ижодиёти, Шарқ шеърияти ва ниҳоят рус, Оврӯпо адабиёти намуналари. Бу уч манба Абайнин буюк шоир этиштириди, оламга танитди. Асарларини элларга манзур қилди. Абайнинг насрой асарлари, шеъру достонлари ўзбек, татар, қирғиз, қорақалпок, турк, мўғул, чин, чех тилларига таржима қилинган ва мазкур халқларнинг маънавий мулкига айланниб қолган.

Шоир асарлари биринчи марта Санкт-Петербургда «Қозоқ шоири Иброҳим Кунонбай ўғлиниң шеърлари» деган ном билан чоп этилган. Мәрифатпарвар адебнинг насрий асарлари 1918 йилда Семипалатинскда, 1922 йилда «Танланган шеърлари» Тошкентда нашр қилинган.

Мұхтасар қилиб айттанды, Абай қозоқ адабиети ва қозоқ тилига ассоқ солди. Шоирнинг шеъру достонлари, насрий асарлари, таржималари қозоқ халқынинг миллий-мәннавий ифтихори бўлиб қолди. Абай ижоди туркий тилларда сўзлашувчи халқларнинг умумий мәннавий мулкидир. Абай халқларни дўстлик ва биродарликка, ҳамжиҳатликка чақирди. Тинчлик ва осойишталиктини, меҳр-муҳаббатни улуғлади. Шоир орзулари бизнинг кунларимизда рӯёбга чиқди.

## МУҲАММАД РАҲИМХОН II – ФЕРУЗ

(1844–1910)

Феруз XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларидаги ўзбек адабиетида ўзига муносиб ўринга эга бўлган алломалардан биридир. У шоир, мусиқашунос, давлат арбоби ва ҳукмдор эди. Феруз, яъни Муҳаммад Раҳим 1844 йилда Хивада, Сайд Муҳаммад оиласида таваллуд топди. У бошлиғич маълумотини хусусий муаллимдан олади, бироз муддат мадрасада таҳсил куради, давлат, ҳукуқ илмини эса унга замонасининг буюк ҳукуқшунос олимлари ўргатадилар.

Оғаҳий Муҳаммад Раҳимга устодлик қилди, унга шеърият сирларини ўргатди, тарихдан, таржима илмидан сабоқ берди. Ал-Хоразмий, Беруний, Маҳмуд Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд каби буюк алломалар ҳақида дастлаб Оғаҳийдан дарс эшилди. Кейинчалик эса уларнинг ижодий меросларини тўплашга киришиб, Паҳлавон Маҳмуд рубоийларидан бир китоб тартиб этди.

Муҳаммад Раҳим 1863 йилда отаси Сайд Муҳаммадхон вафот этгандан кейин, унинг ўрнига Хива хонлиги таҳтига ўтиради. Бу воқеага бағишлиб шуаро ва фузалолар тарих ва қасидалар битдилар, маснавийлар яратдилар. Оғаҳий томонидан битилган тарих ва ёзилган қасида алоҳида аҳамият касб этди.

Оғаҳийнинг Ферузга бағишилаган қасидасида, унга отанинг ўз ўғлига, устоднинг шогирдига берган насиҳатлари, тилак ва истаклари, адолатпарварлик ва халқларварлик ниятлари ифодаланган. Оғаҳийнинг ушбу қасидаси йирик панд-насиҳат ҳақидаги асар бўлиб, мамлакатни бошқариша Феруз фаолиятида унга берилган йўл-йўрик ҳам эди. Феруз бу вақтда эндиғина ўн тўқиз баҳорни кўрган йигит бўлиб, ўн йилча мустақил равишда хонлик қилди. Аммо Россия империясининг Хива хонлигини босиб олиши натижасида, қолган даврда унинг вассали сифатида давлатни бошқарди.

Мұхаммад Раҳим ёшлигидан адабиётта ҳавас қўйди. Алишер Навоий, Мунис, Оғаҳий, Комил сингари шоирларнинг асарларини кунт билан үрганиб, уларга эргашиб шеърлар ёзди, ёзган шеърлари га «Феруз» (ғолиб, баҳти, саодатли) деб таҳаллус қўйди. Айниқса, узига қадар ўтган Шарқ адабиёти вакилларини устод деб билди.

Оғаҳий билан Феруз ўргасида шогирд ва устодлик муносабатлари мустаҳкам эди. Ҳатто Оғаҳий ўз шогирди Ферузга ота-ўғилдек муносабатда бўладики, бу албатта, Феруз фаолиятига таъсир этмай қолмади. Феруз билан бир даврда яшаб ижод қилган олиму шоирлар, унинг фуқаропарвар, адолатли ва раҳмдил шоҳлардан бири сифатида талқин этадилар.

Феруз саройига шоир, тарихнавис, олиму фузало, таржимону хатtot, табибу созандва шунга ўхшаш замонасининг маданият арбобларини тўплади. Фан-маданият ривожига катта аҳамият берди. У ўз атрофига шоиру созандаларни тўплаб, ҳар ҳафтада ғазалхонлик, шеърхонлик кечалари ташкил қилган. Бу ҳақда Баёний бундай ёзган: «Хон ҳазратлари ҳафтада икки кун: жума ва душанба оқшомларида уламо била суҳбат тузиб, китобхонлик этдурур эрдилар». Ферузнинг ўзи ҳам шеър ёзган, ашула айтган ва мусиқа басталаган. Буни унинг УЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Москва, Санкт-Петербург шаҳарлари ҳамда Британия, Франция, Туркия каби мамлакатларнинг кутубхоналарида сақланаётган «Ғазалиёти Феруз», «Баёзи Феруз», «Девони Феруз» асарлари ҳам тасдиқлайди.

Феруз шеърияти қўлёзма девон ва тошбосма баёзларда бизгача тўлиқ етиб келган дейиш мумкин. Беруний номли Шарқшунослик институтида шоирнинг ўнга яқин ғазал мажмуалари мавжуд. Бундан ташқари унинг шеърлари ўша вақтда Хоразмда тузилган турли хил баёз, мажмуалардан ҳам ўрин олган.

Феруз ижодига назар ташлар эканмиз, унда шоир ғазалиётининг жуда кўл қисми ишқ-муҳаббат мавзуига бағишиланганligининг гувоҳи буламиз.

Ишқ элин шоҳиман, vale ошиқининг қаторида,  
Ушбу ҳазининг ул пари кўзига илмади нетай.

Шоир инсоннинг инсонга бўлган муҳаббатини улуғлади ва унга ҳар бир инсоннинг энг муҳим фазилатларидан бири деб қаради. Инсон ва ҳаётни, севги ва садоқатни ўз ижодининг асоси қилиб олган Феруз севгини садоқатсиз, меҳрни оқибатсиз тасаввур қила олмайди. Булар шоир лирикасининг етакчи foявий асосини ташкил қиласиди. Унинг қўпчилик ғазаллари ўз замонасида созандалар ва гўяндалар томонидан куйга солиб куйланиб келинди. Улар бугунги кунда ҳам мусиқашунос-ларимизнинг диққатини ўзига тортмоқда.

Феруз ижод аҳлига ғамхўрлик қилди, уларга маош тайинлади, китобларини босиб чиқариш учун қулидан келган барча ишларни амалга ошириди. Шоирларнинг асарларидан иборат ҳар хил тазкиралар, баёзлар туздирди. «Ҳафт шуаро», «Баёзи ғазалиёт», «Баёзи мұхаммасат», «Баёзи мұсалдасат» каби түпламлар шулар жумласидандир. Ферузнинг ташаббуси билан истеъодли шоир Аҳмаджон Табибий «Мажмуат уш-шуаройи Ферузшохий», «Мұхаммасат уш-шуаройи Ферузшохий» тазкираларини тузди. Бу мажмуалар Феруз ҳукмронлиги даврида яратилган бўлиб, ўша давр адабий ҳаракатини ўрганишда қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Феруз хонлик қилган даврда, Хива давлатининг бироз марказлашуви натижасида илм-фан, маданият ва адабиёт ривожланди. Феруз ташаббуси билан Хива шаҳрида тошбосма ташкил этилиб, хон фармони билан Алишер Навоийнинг «Чор девон», «Ҳамса» сингари асарлари илк бор чоп этилди. Мунис, Оғаҳий, Комил, Баёнчй, Мирзо, Аваз Утар, Девоний, Ниёзий, Чокар сингари шоирларнинг асарлари кўплаб нусхада босилиб чиқди. Хоразм шоирларининг асарларидан ташкил топган баёз, тазкира ва бошқа ҳалқлар адабиётидан қилинган таржима асарлар ҳам шу матбаада нашр қилинди. Феруз таржима қилиниши керак бўлган асарларнинг рўйхатини туздирib, турли таржимонларни бу ишга жалб этган. Натижада ўша даврда «Хоразм таржима» мактаби вужудга келди. Бу давр таржимонлари томонидан ўзбек тилига ўтирилган қатор тарихий, бадиий, илмий-фалсафий асарлар маданиятимизнинг нодир дурдоналари бўлиб қолди.

Феруз таржимонлик, хаттотлик, китобот ишлари, тазкира, мажмуя ва баёзлар яратиш бўйича ҳам бир мунча ишларни амалга ошириди. Тарих, тиббиёт, бадиий адабиёт ва мусиқага доир кўплаб қўлёзма манбалар қайта тикланди ҳамда янгидан-янги асарлар вужудга келди.

Бу улкан меросни ҳалққа етказиш ва уни китобот қилишда Хоразм каллиграфларининг хизматлари ниҳоятда каттадир. Улар ўзларига хос услубда содда ва аниқ қилиб, насх, сулс,райхоний сингари араб хати шаклидан фойдаланиб юзлаб қўлёзма асарларга сайқал бердилар. Хоразмда бу даврда кучирилган қўлёзмаларнинг кўпчилик қисми адабиётта оид булиб, улар ўтмиш ва замондош шоирларнинг девон, баёзлари ҳамда турли хил мажмуа, тазкираларидан иборат эди. Буларнинг барчаси Феруз фармони асосида амалга оширилди. Мұҳаммад Раҳимсоний — Феруз хонлик қилган даврда шу тариқа меморчилик, мусиқа, хаттотлик, наққошлиқ каби бир қатор санъат турлари ривожланди. Бу даврда фотография ва кино санъати вужудга келди. Турмушга гармон, граммафон, электр сингари янгиликлар кириб келди.

Феруз мусиқашунос сифатида шоир ва бастакор Паҳлавон Ниёз Мирзобоши Комилни Хоразм шашмақомини танбурга мослаб нота ёзишга ундали. Комил «Хоразм танбур нотаси» деб юритиладиган «Танбур чизиги»ни яратди. Комилдан кейин эса бу ишни унинг угли Мир-

зо Феруз талаби асосида Хоразм шашмақомини етти мақомда танбурга мослаб нота ёзди. Ферузнинг ўзи ҳам бир қанча шеърларга мусиқа басталаган. Шоир Комилнинг ташвиқи билан бутун шашмақом куйларини мукаммал ўрганган, «Наво», «Сегоҳ» ва «Дугоҳ» мақомларига боғлаб куйлар яратган эди. Бу куйлар Хоразм мусиқачи-лари орасида машҳурдир.

Мұхаммад Раҳим соний даврида хонликда жуда күп қурилишлар амалга оширилди, мадраса, масжид, боғлар барпо этилди.

У 1871 йилда Күхна Арк қаршисида ўз номига мадраса қурдирди. Бу мадраса XIX аср меморчилигидаги энг нодир ёдгорликлардан бири бўлиб, икки қаватли қилиб барпо этилган. Унда муллаваччаларнинг ўқиши учун ёзги ва қишки масжид, дарсхона ва кутубхоналар ҳамда уларнинг ящаzlари учун 76 ҳужра мавжуд эди. Ферузнинг бевосита раҳбарлиги ва ташабbusи билан йигирмадан ортиқ мадраса, масжид, минора, хонақолар қад ростлади.

Феруз ерларни сув билан таъминлаш, боғ-роғлар барпо қилиш ишига ҳам алоҳида аҳамият берди. Унинг бўйруғига мувофиқ Кўнғирот тумани сарҳадида катта ариқ бунёд этилди. Халқ ушбу ариқнинг қурилишига Мұхаммад Раҳим соний раҳбарлик қилганлиги учун ариқни унинг номи билан Хон ариғи деб атади. Калта минор, Амиробод, Сарибий каби ариқларнинг қазилиши ва қайта тикланиши ҳам Феруз номи билан боғлиқдир. Феруз Ангарик, Тозабоғ, Боги шамол ва бошқа канал ҳамда боғларнинг қурилишига ҳам раҳбарлик қилди.

Шу билан бирга 47 йилу саккиз ой-ю, 20 кун Хоразмда ҳукмронлик қилганлигининг ўзи ҳам унинг адолатпарвар ҳукмдор, халқпарвар шоир, буюк маърифатпарвар шахс бўлганлигидан далолат беради.

Давлат арбоби, истеъодди шоир, зукко мусиқашунос ва созанди, илм-фан ҳомийси бўлган Мұхаммад Раҳим соний — Феруз умрининг охирида чап томони бутунлай шол бўлиб, фалаж касалига учрайди.

Баёний Мұхаммад Раҳим соний жанозасида қатнашади ва ўз кўзи билан кўрганларини, Ферузнинг тобути ўзи қурдирган мадрасага кўйи-либ, ўша ерда жаноза ўқилганлигини, Исфандиёр бошлиқ барча ула-мо, фузало ва аркони давлатнинг ҳозир бўлганлигини ҳикоя қилади.

Умуман, Феруз халқимиз тилида, дилида ўзининг қилган яхши ва эзгу ишлари, ёзган шеърлари ва басталаган куйлари, қурдирган имо-ратлари билан абадий қолди.

## САТТОРХОН АБДУЛҒАФФОРОВ

(1843—1901)

Сатторхон Абдулғаффоров Марказий Осиёда ижтимоий тафаккурнинг ривожлантириш тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Сатторхон 1843 йили Чимкент шаҳрида, йирик мударрис оиласида туғилган. 1862 йили Тошкентда «Шукурхон» мадрасасини битириб, 1864 йилгача Чимкент

шахрида муфтийлик, 1873 йили Чимкентда очилган биринчи рус-тузем мактабида ўқитувчи бўлиб ишлайди. Мана шу вақтдан бошлаб умрининг охиригача Сатторхон илм-фан, дунёвий билимнинг толмас тарғиботчиси бўлиб қолди.

Сатторхон Чимкентда икки йил ўқитувчилик қилгач, 1876 йил апрел ойида Кўқон шахрига қози қилиб тайинланади. Ўша йили июл ойида Сатторхон Жўрабек, Шермуҳаммад ва Абдулла Ниёзовлар билан бирга Санкт-Петербургда Шарқшунослар Халқаро съездиде иштирок этиб, олимлар ва халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ҳақида гапирди.

Санкт-Петербургдан қайтгач, Сатторхон қозилик вазифасини давом эттириди ва ўз лавозимидан маърифатпарварлик гояларини рўёбга чиқариши йўлида фойдаланди, дунёвий билимларни тинмай тарғиб қилди. Сатторхон 1879 йилда Кўқон шаҳар билим юртининг фахрий назоратчиши қилиб тасдиқланди. Бу лавозимда ҳам Сатторхон ўз бурчини шараф билан бажарди. «Мен,— деб ёзган эди Сатторхон,— ҳар вақтда мусулмонларни ўз фойдамиз учун рус тилини ўрганмоқлиги зарур эканлигини баён қилур эдим»<sup>1</sup>.

Сатторхон 1881 йилда Тошкентта қайтиб келди. 1883 йилда «Туркестон вилоятининг газети»га таржимон бўлиб ишга кирди ва шу даврда Оврўпо маданияти ва дунёвий билимларини тарғибот қилувчи бир қанча мақолалар ёзди. Сатторхон 1884 йилдан 1889 йилгacha Тошкент ўқитувчилар семинариясида ўзбек ва форс тилларидан дарс берди ва ўзининг маърифатпарварлик фаолиятини тинмай давом эттириди. 1889 йил декабр ойида бўлиб ўтган Туркестон ўлкаси шаҳарларининг ўқитувчилари съездиде ишида фаол иштирок этиб, маҳаллий ёшларни янги мактабларга жалб қилиш, бу йўлдаги барча тўсиқларни тугатиш чоралари ҳақида гапирди. У чоризм маъмурларининг айrim тадбирларини хато деб билиб, уларни танқид қилди.

1889 йилда Сатторхон Сирдарё вилоят Солиқ комиссиясида таржимонлик қилди. Бу комиссия 1893 йилда тугатилгач, Сатторхон Чимкент шахрига қайтиб, у ерда 1899 йилгacha қозилик лавозимида ишлади. 1899 йилда Тошкентта қайтиб келиб, ўзининг вафотига қадар (1901) шу ерда яшади.

Сатторхоннинг ҳаёт йўли мураккаб йул эди. Бу йўлда у айrim масалаларда иккиланди ҳам, лекин илм-фанни, Шарқ маданияти ютуқларини, Оврўпо маданиятини тарғиб қилишда, мамлакатни қолоқликдан чиқариш зарурлигини уқтиришда ҳеч вақт иккиланмади ва умрининг охиригача бу фикрга содик бўлиб қолди. Сатторхон ўзининг маърифатпарварлик фаолиятини Фурқат, Муқимий, Завқийлар билан

<sup>1</sup> «Туркестон вилоятининг газети», 1890 йил, 32-сон.

ҳамкорликда олиб борди. Маърифатпарварнинг ижтимоий қарашлари унинг «Мусулмон эшонлар», «Россия истилосига қадар Кўқон хонлигининг ички аҳволи ҳақида қисқача очерк» номли рисолала-рида, кўлгина мақола ва нутқларида ўз аксини топган.

Сатторхон жамият тараққиётини илм-фанда, ҳалққа маърифат тарқатишида деб билди. Унинг фикрича, ақлга мувофиқ ҳар қандай жамиятнинг фаровон яшаши учун билим бўлмоғи зарур. Инсон нима? У нима учун яратилган ва қаерга боради? Унинг баҳти нимада? «Бу саволларнинг калити,— дейди Сатторхон,— билимдадир».

Сатторхон илм-фанинг кишилик жамияти тараққиётини таъминловчи асосий воситалардан бири эканлигини таъкидлаш билан бирга, уни турли миллат ва динга мансуб бўлган ҳалқларни бир-бирига яқинлаштирувчи куч деб қарайди. Мана шу фикрга қатъий амал қилган ҳолда Сатторхон ўз ҳалқининг бошқа ҳалқлар, жумладан, Оврўпо ҳалқлари билан яқиндан алоқага киришиши зарурлигини уқтиради. «Шу туфайли биз умуминсоний ҳаёт ва илмий тараққиёт иштирокчилари бўлишимиз мумкин», дейди у.

Сатторхон ўз ватандошларини маърифатга, бошқа тилларни, жумладан, рус тилини ўрганишга чақиради. У ўз фикрлари таъсирини кучайтириш ва исботлаш учун ислом дини, шариат қонун-қоидаларидан, ўзининг кент билимларидан моҳирлик билан фойдаланади.

Сатторхон маҳаллий болаларни мусулмон мактаблари билан бир қаторда рус-тузем мактабларига жалб қилиш зарурлиги ва бу йўлда амалий чоралар кўриш кераклигини уқтиради. «Энг аввал,— дейди Сатторхон,— бу мактабларга нисбатан кишиларда ишонч ҳосил қилиш зарур. Бу йўлда тўсик бўлиб турган сабаблардан бири шуки, бу мактабларда мусулмонлар манфаатларини ҳимоя қиласиган ва ўз иштироки билан мусулмон ёшлигини тарбия қилишда уларни зўрлик билан руслаштиришга қаратилган мақсад йўқлигига кафил бўладиган, уларни диний эътиқодларига зарар етказмаслигини буйнига оладиган кишиларнинг йўқлигидир. Шунинг учун рус мактабларига мусулмон муалими киритилиб, унга ерликларнинг болаларини маҳаллий тилга ургатиш ва мусулмон динидан бошлангич таълим бериш вазифаси юклатилса, маҳаллий аҳолининг рус мактабларига нисбатан ишончсизлиги тутатилган бўлур эди». Кўриниб турибдики, Сатторхон чор маъмурларининг «руслаштириш» сиёсатини сезган ва бу сиёсатга қарши норозилик билдирган.

Сатторхон ҳалқ тақдирига ачинди, уни жаҳолат ва зулмат дунёсидан чиқариш ҳақида қайғурди, жамиятдаги адолатсизликларга нафрат билан қаради ва ўзбек ҳалқининг тараққиёт, мустақиллик учун олиб борган курашига ўз ҳиссасини қўшди.

## МУҚИМИЙ

(1850—1903)

Мұхаммад Аминхұжа — Муқимий лирик шоир ва забардаст ҳажвичи сифатида XIX асрнинг сүнгти чораги ва XX аср бошларидаги ўзбек миллий адабиётининг энг йирик намояндлари қаторида донг таратди. Марказий Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон чор Россиясининг мустамлакасига айлантирилган шароитда қалам төбраттан Мұхаммад Аминхұжа ижоди чин маънода халқчиллір. У эзилган меҳнаткаш омма, бечора косибу ҳунармандлар ва хонавайрон қишлоқ деҳқонларининг оташин күйчиси бўлиб майдонга чиқди. Мустамлака тузумидаги адолатсизлик ва зуравонликни, жорий тартиб-қоидаларни халқона услубда аёвсиз қоралаган шоир ўлкамиз истиқболига ишонч билан қарди. Унинг асарларида инсоний ишқ-муҳаббат улуғланди, иймон-эътиқод, ҳалоллик, сахийлик, покдомонлик, элпарварлик, дўстлик, она табиат гўзалликларидан завқланиш, висол онларининг лаззатлари ва ҳижрон азоб-укубатлари ишонарли лавҳаларда жуда таъсирчан ифодаланди.

Мұхаммад Аминхұжа Кўқоннинг Бегвачча маҳалласида 1850 йилда Мирзахұжа Мирфозил ўели оиласида туғилган. Новвойлик билан оила төбратувчи Мирзахұжа фарзандининг хат-савод чиқаришига жиддий эътибор берган бўлса, шеъриятга иштиёқ ва қобилиягининг шаклланишида онаси Ойшабибининг ўрни бениҳоят каттадир. Туғма истеъод соҳибаси бўлган бу аёл жуда куплаб эртак-қўшиқларни ёд билган, таъсирчан ва ифодали сўзлаб бериш қобилияти билан тингловчиларни мафтун этган. Онадаги бу фазилат, шубҳасиз, гўдак Мұхаммад Аминхўжага ҳам ижобий таъсир кўрсатган.

Маҳалла мактаби ва «Ҳоким ойим» мадрасасида таълим олгач, Муқимий 1872—73 йилларда Бухорога бориб, «Меҳтар ойим» мадрасасида таҳсилни давом эттиради. 1876 йилда уни битириб Кўқонга қайтади, оила қуради.

Хатми мадраса қилган Муқимий аввалига Кўқон ер ўлчаш маҳкамасида миразалик қиларкан, ўз вазифасига кўра, Кўқон ва унинг атрофидаги қишлоқларга тез-тез чиқиб, деҳқонларнинг турмуш шароитлари, қишлоқларнинг аянчли аҳволи билан яқиндан танишиш имконига эга бўлди. Лекин маҳкамада узоқ ишлай олмади. Аммо бу муддатнинг узи ҳам шоир ҳаёти ва дунёқарашида сезиларли из қолдирди. Мавжуд мустамлака тузумга, жорий тартиб-қоидаларга кескин салбий муносабат ва танқидий баҳонинг шаклланишига жиддий туртки бўлди.

«Дар мардуми Оқжар батариқи мухаммас» асаридан маълум бўлишича, Муқимий 1870 йилнинг охиirlарида Кўқоннинг гарби-шимолидаги Сирдарё ёқасида жойлашган Оқжар паромида паттачи бўлиб ишлаган. Бу янги вазифа ҳам шоирга меҳнаткаш омма вакиллари,

қишлоқ дәхқонларининг турмуш шароитлари билан бевосита танишиш имконини берди.

Каттиқұл, муттаҳам паром хұжайнлари билан келиша олмаган Мұқимий 80-йиллар бошларыда Құқонга қайтади. Оилавий ҳаётда ҳам фароғат топмаган шоир, ҳөвлени ташлаб, ўша Бегвачча маҳалласидағи Ҳазрат мадрасаси ҳужрасында күчиб чиқади ва умрининг охирига қадар муҳтоҗликда, ўз таъбири билан айттанды, ўша «хұжраи тант заңда бекаслық ва гариблик чирогини ёқиб» умр үтказды.

Шу вақтдан бошлаб Мұқимий бутун вақтини ижодий иш, шахсий муттолаага бағишилади, ҳұсніхат ва котиблик билан шуғулланды. Зоқиржон Фурқат гувоҳлигига күра, бу йилларда Құқонда муттасил равищда ҳаракат қылған адабий йиғин-анжуман ишларында Мұқимий йирик ижодкорлар Мұхтар, Завкий, Нисбатийлар қаторида фаол қатнашади, давр адабий ҳаракатында етакчилік қылади. Доимий мөддий етишмовчилік, яшаш шароитининг ниҳоятда оғирлиги шоир соғлигига путур етказади, у оғир дардларга чалинади. Шоир меросида даврдан, машаққатли турмушдан, оғир тақдирү забун толедан шикоят, мунису ҳамдард йүқлигидан нолиш оқанғлари кенг ўрин тута бошлади.

Шоирнинг илғор дүнёқараши, фаровон ҳаёт ва озод жамият, инсоғ ва адолат, барқамол инсон ва инсонийлик, иймон-эътиқод ва эрк ҳақидағи орзу-интилишлари билан мустамлака шароити, мавжуд адолатсиз тузум, зўравонлик хукмрон бўлган замона ўртасидаги жiddий зиддият, бир сўз билан айттанды, юксак идеал билан разил борлиқ ўртасидаги номутаносиблик Мұқимий ижодида воқеликка нисбатан кескин танқидий муносабатнинг узил-кесил шаклланишига олиб келди.

XIX асрнинг 90-йилларига келиб шоир давр адабиётидаги кучли танқидий-сатирик йўналишнинг етакчисига айланди. Ҳаётни, борлиқни ҳаққоний тасвирлашни ижодда асосий мезон деб қабул қылған шоир, айни замонда, қалам аҳлини ҳалқчил мавзуларни топишга, омма дили ва интилишига мос — «халқ толиб» асарлар яратишга даъват этади. Бу мезон ва даъват қуйидаги мисраларда ўз ифодасини топган:

...Гар қилич бошимга ҳам келса дегайман ростин!  
...Шеърингизга ҳалқ толиб ўлсалар сұнгра үкун!

Мұқимий 1887—88 йилларда биринчи, 1892 йил бошларыда эса иккинчи маротаба ота шаҳри Тошкентга сафар қилиб, бу ердаги ижод аҳли билан ижодий учрашув — суҳбатлар қурди, шаҳар ижтимоий ва маданий ҳаётіда юз берган ўзгаришлар билан танищи. Иккинчи сафари вақтида «Туркистон вилоятининг газети» мұхаррири Н.П. Остромов билан учрашган. Шу газета саҳифаларыда 1891 йил октябр ойида шоирнинг бир неча шеърлари машхур ҳофиз Макайлик тилицан ёзиб

олиниб эълон қилингани эди (Кейинчалик, 1903 ва 1907 йилларда ҳам гезата Муқимийнинг бир қатор ишқий ва ҳажвий руҳдаги асарларини эълон қилган). Шоирнинг Фарғона водийси шаҳарларига, Кўқон атрофидаги қишлоқларга ҳам бир неча бор саёҳатлар уюштиргани унинг қатор асарларида ўз изини қолдирган.

XIX аср охири ва XX аср бошларига келиб шоирнинг саломатлиги ёмонлаша борди. Жиянига йўллаган мактубларида, беш-олти ойлаб бетоб ётганлигини билдириб, «неча муддатлар бўладурким, назм айтурға табиат лоҳаси эрдим», деб ёзади. Шундай бўлса-да, Муқими умрининг охирига қадар қаламини қўймаган.

«Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида 1903 йилнинг январ ва апрелида босилган «Хўқандлик бир бойнинг шаънига Муқими шоирнинг айтқон шеъридур» (15 январ) ва даҳшатли Андижон зилзиласи муносабати билан ёзилган шеър-тариҳи (22 апрел) шоирнинг ижтимоий мавзудаги сунгти йирик асарлари жумласига киради.

Эй табиб, айланма, дардим бедаволардин бири,  
Ранги зардим, кўру кўрма, каҳраболардин бири —

мисралари билан бошланувчи мухаммасда эса шоир ҳаётининг сўнгти дамларидаги руҳий кайфияти таъсирчан ифодасини топган. Келтирилган мисраларда шоирнинг сариқ касалнига гирифткор булганлигига ишора бор. Худди шу дарди 1903 йил 25 майда уни бу оламдан олиб кетади.

Муқими қолдирган адабий мероснинг катта бир қисмини жозибадор ғазаллар, жўшқин ва шўх мураббалар, дилкаш мухаммаслар ташкил этади. Шоир лирикасининг ҳам ғоявий, ҳам бадий камолотта эришувида ҳалқ оғзаки ижоди билан бир қаторда кўп асрлик шеъриятимизнинг, хусусан, Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб, Амирий каби шоирларнинг ижоди самарали таъсир қилди. Муқими ўз лирикасида чин севгини, садоқат ва вафодорликни, инсонни кўркамлаштирувчи, уни маънавий гўзал этувчи фазилатларни улуғлари, бевафолик, субутсизлик, инсон шаънига дод туширувчи хислатларни қоралади.

Муқими ғазал, мураббаъ ва мухаммасларининг етакчи образи — лирик қаҳрамон, аввало, бурч, вафо ва садоқат ҳақидаги илғор тушунчаларга эга бўлган соғдил, маънавий баркамол ва руҳан бой шахс сифатида гавдаланади. У шоирга замондош, аниқ тарихий шахс, мустамлака зулми ва зўравонлик ҳукмронлик бўлган давр фарзанди, меҳнаткаш ҳалқ вакили, унинг на молу дунёси, на амалу мансаби бор. У рақибу ағъёрлар тазиёнини, фалак жабрини, чарх зўравонлигини ўзида доимо ҳис этиб, руҳан азобланади.

Муқими лирикасидаги шикоят, норозилик, ҳаётдан безиш ва таркидунёчилик даъвати эмас, балки моҳият-эътибори билан ҳаёт-севарлиқдан, фаровон турмуш ва баҳтли замона ҳақидаги орзу-умидларидан келиб чиқкан. Худди шунинг учун ҳам шоир ҳаёт лаззатла-

ридан, дўсту улфат сұхбатларидан, севги ва висол онларидан баҳрамандликка чақиради, она табиат гузалликларидан, баҳор нашида-сидан завқланишга ундейди. Бу фазилат шоирнинг:

Эй яхшилар, келайлик, бир жойға йигилайлик!  
Уйнайлик, куйлайлик, омон бўлайлик!

ва

Навбаҳор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,  
Сұхбат айлайлик келинглар, жўралар, уртоғлар!

байтлари билан бошланадиган машхур ғазалларида тўла намоён бўлган.

Муқимий адабиётимиз тарихидаги энг кўп мураббаба ёзган шоирлардан бири бўлиб, бу қадими турнинг ривожига жиддий таъсир курсатди. Шоирнинг мураббаларининг барчаси ишқ-муҳабbat мавзуида. Халқ қўшиқлари руҳида ва уйноқ вазнларда яратилган мураббалар ниҳоятда самимий, шух ва жўшқин янграб, уқувчиларни ўзига ром этади. «Эй чехраси табоним», «Бир сурмадинг, эй дилрабо, на булди?», «Эмди сендеқ, жоно, жонон қайдадур!», «Токим, жоно, жилва бунёд айладинг» мисралари билан бошланувчи мураббалар ўша яратилган йилларида ёки физилар ижросида Муқимийга катта шуҳрат келтирган.

Шоир бир неча унлаб мухаммаслар ҳам яратган, улар орасида ўз мазмуни ва руҳига кўра соғ ижтимоий ва сатирик йўналишдагилари учраса ҳам, кўпчилиги ишқ-муҳабbat мавзуидадир. Шоир меросида Навоий, Жомий, Фузулий, Амирий ғазалларига, шунингдек, Фурқат, Завқий, Нодим каби замондошлари ҳамда ўз ғазалларига тахмислари ҳам анча-мунча.

Муқимий лирик шоир сифатида қанчалик машхур бўлган бўлса, кучли сатирик сифатида ҳам халқ орасида шунчалик катта шуҳрат қозонган. Шоир бу тур асарлари учун мавзу ва тимсолларни ўша ҳаётдан олиб, ўзига яхши таниш воқеа-ҳодисаларни танқидий таҳдил этди, ўша давр руҳидан озиқланди. Машхур «Танобчилар» сатирасининг яратилишида Навоий меросидан баҳраманд булган. Ниҳоятда ўткир «Ҳапалак қишлоғи ҳақида» ҳажвий мухаммаси эса Махмурнинг ғазалига тахмисдир. Лекин, Муқимий ҳажвиётни учун «хом ашёни», аввало чоризм ўрнатган мустамлакачилик тартиби, хукмрон адолатсизлик ва зуравонлик, инсон ҳақ-хуқуқининг топталиши, чор ва маҳаллий амалдорларнинг ўзбошимчалиги ва шафқатсизлиги, алдамчилик ва ахлоқий тубанликлар берди. Мехнаткаш омма, хунармандларнинг оғир иқтисодий ахволи, мустамлака зулми остидаги шаҳар-қишлоқларнинг вайронага айланиши, ночор шахс тақдиди Муқимий ҳажвиётидаги етакчи уринни эгаллайди.

Шоир узбек адабиёти тарихидаги ижтимоий-сиёсий ҳажвиётнинг асосчиларидан бири бўлиб майдонга чиқди. Унинг қатор ҳажвияларини шу-

Йұналишнинг етук намуналари сирасига қойиш мүмкін. «Танобчилар», «Воқеан күр Ашурбай ҳожи», «Московчи бой» каби ҳажвияларида мустамлака тузуми учун хос бўлган ҳаётий мавзулар — жамиятдаги ижтимоий тенгизлиқ, табақаланиш, ҳукмрон адолатсизлик каби жуда жиддий масалалар таҳлил этилдики, бу Мұқимий ҳажвиятнинг сиёсий йұналиши ва ғоявий камолотидан гувоҳлик беради. Бу жиҳатдан Ашурбай Ҳожининг оғир жинояти ҳақидаги ҳажвиядан шоирнинг жиддий сиёсий умумлаштирувчи хулоласи дикқатта сазовор:

Ҳақорат қилинган кишилар қолиб,  
Толиб бой сұзи мунда зўр эътибор.  
Қачон камбағалнинг сұзи ўтар?  
Агар бўлса ақчанг — сўзинг зулфиқор.

Бу кескин мисралар ҳукмрон адолатсиз тузумга берилган қатый айнома каби жаранглайди.

Жабрланувчи оддий деҳқон тилидан ёзилган «Танобчилар» ҳажвиясида эса мавжуд тузумдаги ижтимоий адолатсизлик, чор маъмурлар ва маҳаллий амалдорларнинг ўзбошимчаликлари ва зуравонликлари, мустамлака шароитида солиқ солиш ва ундириб олиш каби ҳаётий лавҳаларда тарихан ҳаққоний тасвирланган.

Буржуа сайлов системасининг фош этилиши каби соф ижтимоий-сиёсий мавзуни ҳам Мұқимий биринчи бўлиб адабиётимиз тарихига олиб кирди. Бугина эмас, масаланинг мохиятини чукур англаған шоир унинг биринчи ҳажвий таҳлилини берди, мустамлакачи чор маъмурлари назорати остида утадиган «сайлов»ларнинг батамом қалбаки эканлигини очиб ташлади. Мұқимийнинг «Сайлов» ҳажвияси адабиётимизда бу мавзунинг кейинчалик янада чукур ва кескин танқидий руҳда ишланишига мустаҳкам замин бўлди.

Шоир меросидаги «Вексель», «Дар мазаммати замона», «Уруғ», «Ляхтин», «Доддохим», «Асрорқул», «Тўй» каби ҳажвиялар муаллифнинг замонадаги жиддий ижтимоий мавзуларни танқидий руҳда таҳлил этиш масаласига катта эътибор берганлигини тасдиқлайди.

XIX аср охирлари ва XX аср бошлари миллий адабиётимизда юмористик йұналишнинг ривожланишида ҳам Мұқимийнинг ижодий фолияти ва татьсири жуда катта бўлди. Шоир қўлида кулги қўпол қаҳқаҳа ёки шунчаки хушчақчақлик, бачканы мутойиба эмас, балки, ҳаётдаги қолоқ, тараққиётга тўсиқ ғовларни, шахслар онги ва табиатидаги ожизлик ва салбий белгиларни, хунук феъл-автор ва ўринсиз хатти-ҳараларни қоралаш, танбех бериш, огоҳлантириш вазифасини ўтаган.

Мұқимийнинг турт қисмдан иборат «Саёжатнома» асари муаллифнинг сафар ҳисоботи ёки тор шахсий кечинмалари мажмуаси бўлиб қолмаган, аксинча, у уша мустамлака тузуми ва ижтимоий ҳаётнинг қатор мұхим муаммоларини танқидий назар билан таҳлил этувчи бадий асарлариди.

Халқчил шоир ўша мустамлака тузум устидан: «Дунё қурулғон дөр экан!» — дея кескин ҳукм чиқарди. Бу билан бирга муаллифнинг ватанпарварлик түйгүлари, она юртига садоқат ва ифтихор ҳислари аниқ сезилиб туради.

## ФУРҚАТ (1859—1909)

XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги ўзбек халқчил адабиётининг йирик намояндаси, маърифатпарвар, лирик шоир, оташин публицист Зокиржон Фурқат Құқон шаҳрида, Мулло Холмуҳаммад оиласида дунёга келган. Бұлажак шоирнинг отаси замонасасининг илғор фикрли вакилларидан бири сифатида турли билимлардан яхшигина хабардор бўлган. Мулло Холмуҳаммад хусусан бадиий адабиёт мухлиси булиб, узи ҳам шеърий иқтидор соҳиби эди. Зокиржон маҳалласидаги мактабда таҳсил қуради, айни замонда отаси ёрдамида мустақил мутолаа орқали ўзбек ва форс адабиётининг буюк намояндалари меросини, айниқса, Алишер Навоий ижодини чукур урганади, форсий тилни мукаммал узлаштиради. Ёш Зокиржон Навоий асарларини шу даражада берилиб мутолаа қиласиди, ўзининг гувоҳлигига кура, буюк шоир ҳатто унинг тушига ҳам киради ва сұхбат асносида шеъриятдан имтиҳон қилиб, ижодий иш учун «оқ фотиҳа» беради. Шу йусин у Навоий дуосидан руҳланиб болалик йиллардаёт қулига қалам олади ва умрининг охиригача ижод билан шуғулланади. Зокиржон узи ёзган таржима ҳолида қайд этганидек, түқиз ёшидаёт қозоз саҳи-фасига қуйидаги мисраларни битиб, муаллимининг олқишлирига са-зорор бўлган:

Менинг мактаб аро булдуру муродим,  
Хатимдек чиқса имлою саводим.

Хушнавис котиблар ва мударрислардан хаттотлик санъати ва араб тилидан сабоқлар олган Зокиржон 1873 йилда мадрасага киради. 1875—76 йилларда Құқон хонлигига юз берган қонли, сиёсий воқеалар мұносабати билан мадраса ёпилгач, яна мустақил мутолаа ва ижодий иш билан шуғулланади. Янги Марғилонда савдо ишларини йўлга қўйган тогасининг қистовига кура, у ерга бориб ёрдамлашади, кейинчалик узи ҳам «чой ва дигар ашёлар савдосига дукон» очади, самоварчилик, мирзолик қиласиди. Бундай ижтимоий фаолият оддий халқ вакиллари ҳаёти ва орзу-интилишлари билан бевосита танишиш, мустамлака тузуми иллатларини чуқурроқ ҳис этиш имкониятини беради.

Зокиржон Янги Марғилонда ижодкор сифатида тұла шаклланди, ўз газалларига «Фурқат» — «айрилиқ» тахаллусини қўйиб, шуҳрат қозона бошлади. Мустамлакачи чор маъмурияти жойлашган худди

шу ерда у илк бор оврупача ҳаёт тарзи, замонавий фан-техника янгиликлари билан танишади.

Саксонинчи йиллар бошларида Кўқонга қайтиб, оила куради ва асосан ижодий иш билан шугулланади. Муқимий ва Мухъян етакчи бўлган Завқий, Нодим, Нисбат, Муҳаййир каби ижодкорлар билан бевосита мулоқотга киришади, улар мунтазам равишда уюштирадиган адабий мажлисларнинг, шеърият кечаларининг фаол иштирокчиларидан бирига айланади. Бу йирик қалам соҳиблари ижодида кейинчалик камол топган ғоявий ва адабий бирлик, улар дунёқарашидаги умумийлик худди шу адабий анжуманларда шаклана борган.

Фурқатнинг Кўқондаги ижоди тур ва мавзу, мазмун ва шакл ранг-баранглиги жиҳатидан ҳам, сермаҳсулиги жиҳатидан ҳам диққатга сазовор. У мумтоз шеъриятимиз анъаналари руҳида кўплаб ишқий ғазаллар, мухаммаслар, Навоий асарларига гузал назира ва тақлидлар яратди, чуқур ҳалқчиллик ва замонавийлик унинг шеърларида тобора кенг ўрин эгаллай бошлади. Унинг «Бўлди» радифли мухаммасида мавжуд мустамлака тузумининг иллатлари, тобора кенг қулоч отаётган капиталистик муносабатларнинг салбий оқибатлари бадиий ифодасини топган.

Кўкон хонлигининг узил-кесил тутатилиб, батамом мустамлакага айлантирилиши воқеаси билан боғлиқ «Демиш хон бир қуниким, давру давронлар қаён қолди?» мисраси билан бошланувчи мухаммаси ҳам Фурқатнинг шу давр ижодининг маҳсулидир. Тожу тахтдан, шаъну шавкат ва аъёнларидан маҳрум бўлган Худоёрхон номидан битилган бу асар ҳам шоир ижодида замонавий ижтимоий мавзунинг кенг ўрнини исботловчи далиллардандир.

Ўзининг гувоҳлик беришича, Фурқат худди шу йилларда «Ҳамомми хаёл» рисоласини яратиб, «Чор дарвеш» ҳикоятини форсчадан таржима қиласди. «Нух манзар» номли шеърий китоб яратади.

«Булардин бўлак ҳар хил ғазалиётим Фаргона музофотиға (яъни, ён-атроф қишлоқ-шаҳарларига) ва дигар мамлакатларга мунташир (маҳчур) бўлди», деб ёзди шоирнинг ўзи табиий гурур билан. Худди шу йилларда шоир илк бор шеърларини туплаб мажмуа ҳолига ҳам келтирган. Афсуски, шоирнинг ўзи қайд этган рисола, манзума ва таржималари каби бу мажмуа ҳам шу кунга қадар топилган эмас.

Фурқат тахминан 1886—87 йилларда Марғилонга бориб, асосан шеърият билан банд бўлди, шаҳарнинг зиёлилари Хўжажон Рожий, Муҳаммад Умар Умидий — Ҳавоий, Мулла Тошболту Ройиқ каби ижодкорлар билан танишиб, адабий сұхбатлар қурди. Шу ерда у илк бор газета билан танишиб, унинг «Тошкент шаҳрида босма бўлғон»-лигини билади.

Фурқат 1889 йили аввалида үлканинг бош шаҳри Тошкент сафарига чиқиб, Кўқон орқали Хўжандга келади. Бу қадимий маданий шаҳарда Тошхўжа Асирий бошлиқ маҳаллий ижодкорлар, адабиёт мух-

лислари билан қатор учрашувлар, мушоиралар уюштирган Фурқат, айни замонда шаҳар аҳолисининг яшаш шароити, кундалик ҳаёти, расм-русумлари билан яқиндан танишади.

1889 йилнинг июни ўрталарида (ҳижрий 1306 йил шаввол ойи) Фурқат Тошкентга келиб, Кўкалдош мадрасаси ҳужраларидан бирига жойлашади. Одатига кўра, бу ерда ҳам маҳаллий зиёлилар билан тез мулоқотга киришади, адабий ҳаётда кўринарли мавқега кутарила боради.

Фурқат ғазал ва мухаммасларида ижтимоий оҳанглар ҳам кўринарли ўрин тутади. Мустамлака тузумининг иллатларини қоралаш, жорий адолатсизлик ва зўравонликдан, ҳукуқсизлик ва ноҷор ҳаётдан, ноёнларнинг замонада эътибор топиб, дононларнинг, ҳалол кишиларнинг хор-зор этилишидан норозилик бадиий бўёқларда қатъий жаранглайди:

Чархи қажрафторнинг бир шевасидан доғмен,  
Айшни нодон суруб, кулфатни доно тортадур.  
Сариф олтун касрати кўнгулни айлайдур қаро,  
Чунки сафро бўлса голиб, ўзга савдо тортадур.

Машхур «Сайдинг кўявер, сайёд» мусаддасида эса Фурқат чор босқинчилари мустамлакасига айланган ўлгадаги ҳукмрон зўравонликка қарши Инсон шарафи ва фурурини улуғлайди. Бутун мусаддас мисралари заминида инсонларвар ва эркесвар шоирнинг зулм ўтказувчиларга қарши қатъий норозилик овози жаранглаб туради.

Фурқат ҳаётининг Тошкент даври унинг дунёқарashi такомилида катта аҳамият касб этди. Чор мустамлакачилик маъмуриятининг марказига айлантирилган Тошкентда шоир кундан-кунга кириб келаётган оврӯпоча ҳаёт тарзи билан бевосита танишиш имкониятига эга булди. Янги тарихий шароитда моддий-маданий ҳаёт ва ижтимоий онгда юз берган сезиларли ўзгаришларни мушоҳада этиш, яқин утган давр билан таққослаш натижасида Фурқат дунёқарashiда жиддий сифат ўзгариши юз беради. Энг муҳими шундаки, бу ҳол унинг ижодида ўз бадиий ифодасини топди — маърифатпарварлик, оврӯпоча илм-маданият, фан-техникага хайриҳоҳлик шоир асрларининг ғоявий моҳиятига айланба борди. Бу эса Фурқатнинг кўп асрлик адабиётимизга янги мавзулар, янги ғоявий оҳанглар олиб киришига, чин маънода новатор ижодкор сифатида қалам тебратишига замин булди. Эндиликда Фурқат замонавий маориф ва маданиятнинг янгича қараш, фикрлаш ва янгича ҳаёт кечиришнинг жонкуяр тарғиботчисига айланди. Шу тарика ижодий, илмий ва ижтимоий фаолиятининг энг қизғин, жанговар ва энг мазмундор босқичи бошланди. Шоир ниҳоят фаоллашди, илғор ғояларнинг тарғиботида газетадан унумли фойдаланиш мумкинлигини яхши тушунди ва тез орада «Туркистон вилоятининг газети» хайъатига расман ишга жойлашди.

1890 йилнинг май, июл ва сентябр ойларида «Илм хосияти», «Акт мажлиси хусусида», «Тошкент шаҳрида бўлғон нағма базми хусусида», шунингдек, уч қисмдан иборат «Виставка хусусида» каби давр адабиётидаги маърифатпарварлик йўналишининг етук намуналари дарражасида бўлган асарлари шу газета саҳифаларида дунё юзини кўрди.

Бу туркум асарларида Фурқат янгилик ва тараққиётнинг, илм-фан ва оврупача маориф-маданиятнинг оташин жарчиси сифатида намоён бўлади, ўз ватандошларини замонавий билимларни пухта эгалашга ва илғор ҳалқлар қаторидан ўрин олишга даъват этади. Шоир битган мисралар ниҳоятда жушқин ва таъсирчан, улардаги хитоб, ҳайқириқ ҳар бир ўкувчи дилига кўчиб, уни бефарқ қолдирмайди:

Жаҳон басту күшоди — илм бирла!  
Надур дилни муроди — илм бирла!  
Кўнгулларни сурури — илмданур!  
Кўрар кўзларни нури — илмданур!  
Керак ҳар илмдан бўлмак хабардор!  
Бўлур ҳар қайси ўз вақтида даркор!

Фурқат худди шу йилларда яратилган «Шоир аҳволи ва шеър муబаласи хусусида» деб номланган асарида ижодкор ва бадиий адабиёт муаммоларини қalamга олади.

Зокиржон Фурқат ҳақли равишда ўзбек публицистикасининг асосчиларидан бири ҳисобланади. Унинг оташин публицист сифатидаги фаолияти 1890 йилдан бошланади. «Туркистон вилоятининг газети» ходими сифатида у бир йилдан кўпроқ вақт давомида Сатторхон каби илғор маърифатпарварлар билан ҳамкорликда газетани тайёрлашда бевосита қатнашиб, газета саҳифаларида ўз мақолларини эълон қиласди. Жумладан, газета 1891 йилнинг январ-июн сонларида «Хўқандлик шоир Зокиржон Фурқатнинг аҳволоти. Ўзи ёзғони» номли каттагина насрый асарини нашр эта бошлади. Шоир дунёқараши ва ижтимоий-ижодий фаолиятини белгилашда фавқулодда аҳамиятга эга бўлган бу асар, айни замонда, эндиғина шакланаётган ўзбек публицистикасининг ёрқин намунаси сифатида ҳам катта қимматга эгадир.

Фурқатнинг Тошкентдаги фаолияти узоққа чўзилмади. У 1891 йил майида Самарқандга жўнайди, шаҳар фозилларидан Мирзо Бухорий ҳовлисида яшаб, қадимий обидалар билан танишади, газетага хабарлар йўллайди. Сўнгра Бухорога утади. Июл ойи охирларида эса чет эл саёҳатига чиқиб, Марв-Ашҳобод-Боку-Ботуми орқали ноябр ойида Истамбулга боради. Шу тариқа шоир ҳаёти, дунёқараши ва ижодида чукур из қолдирган ватанжудолик бошланади. Истамбулдан Тошкентга йўллаган машҳур «Сабоба хитоб» шеърий мактуби Ватан иштиёки, соғинчи, айрилиқ азоблари ва ёлризлик оҳанглари шоир ижодида эндиликда олдинги ўринга кўтарилганини кўрсатади. Фурқат Истам-

булдан Булғория ва Юнонистонга қисқа муддатли саёҳат уюштириб, Болқон ярим оролининг қатор шаҳарларида бўлади. Шу кезларда яратилган «Румолик қиз ҳикояти» («Юнон мулкида бир афсона»)да ватанини қўмсаши, унга талпиниш мавзуи романтик-саргузашт бўёқларида жуда таъсиранч ифодаланган.

Фурқат 1892 йил мартаиди Истамбулдан Ўрта ер денгизи орқали Арабистонга утиб, Маккада ҳаж зиёратини бажо айлаб, Жилда, Мадина шаҳарларида бўлди. Худди шу зиёрат муносабати билан унинг «Ҳажнома» асари майдонга келади. Макка зиёратини тутатгач, Фурқат Бомбайга келиб, Ҳиндистоннинг қатор қишлоқ-шаҳарларига саёҳатлар уюштиради. Шоирнинг бу даврда яратган барча асарларида насрой ва назмий мактубларида она юрт соғинчи ва ватанпарварлик гоялари етакчилик қилди. Бу жиҳатдан, айниқса, «Адашғанман» радифли лирик шеърлар туркуми алоҳида ажralиб туради. Ҳатто, шу йилларда битилган «Кашмирда», «Булбул» деб юритилувчи «соғ» лирик фазалларида ҳам Ватанини қўмсаши мавзуи кўзга аниқ-равшан ташланади. Фурқат 1893 йили мартаиди Кашмир-Тибет орқали уйғур үлкасига келади. Ёркентда тургун бўлиб қолади.

Фурқат доимо Ватанга қайтиш умиди билан яшадики, бу интилиш унинг қатор бадиий асарларида, хат-хабарларида ҳам у ёки бу даражада ўз ифодасини топган. «Ватанинг иштиёқини торгарам гурбат фами бирлан», деб ёзган шоир умрининг сўнгги кунларига қадар ўз юргига қайтиш илинжида яшади, шу боис унинг фуқаролигидан чиқмади.

Фурқат Ёркентда доривор ўсимликлар билан савдо қилувчи кичик дўкон очади. Асосан эса ижодий иш ва хаттотлик билан шуғулланади. Шоирнинг ўз маълумотларига кўра, чет эл саёҳатига чиққани ҳамоноқ ёзишга киришган «Саёҳатнома» асари устида кўп ишлаган. Аммо ҳажман каттагина деб тахмин этилувчи бу асар ҳанузгача топилмаган. Фурқат Ёркентда кўплаб лирик фазал ва мухаммаслар қаторида ижтимоий-сиёсий мавзуларда ҳам қатор маснавийлар яратди. «Масарратнома», «Қасида» асарлари, шунингдек, рус-япон уруши муносабати билан ёзган маснавийси худди шу туркум жумласига киради.

Шоир она юрти билан, Фарғона ва Тошкентдаги ёру дўстлари билан алоқани канда қилмади. Завқий, Тошболту каби ижодкор дўстларига шеърий мактублар, «Туркистон вилоятининг газети»га хат ва мақола-хабарлар юбориб турди. У худди шу йилларда миллий адабиётимизда памфлет ва фельетон каби жанговар турларнинг ilk намуналарини яратиб, газета саҳифаларида эълон этди. Фурқатнинг адабиётимиз тарихида икки тиллик ижодкор сифатига ҳам ўз ўрни бор. Унинг форсий тилда битилган ишқий ва ижтимоий мазмундаги кўплаб фазаллари ўзининг юксак бадиийлиги билан уқувчилар дилидан мустаҳкам урин олган.

Мазмунан ҳаётий ва бадиий баркамол лирикаси, маърифатпарварлик йўналишидаги етук асарлари билан, жозибали насли ва жан-

говар публицистикаси билан XIX аср охири ва XX аср бошларидаги миллий адабиётимиз ривожига улкан ҳисса құшган Зокиржон Фурқат 1909 йылда оғир касаллукдан сұнг вафот этди. Унинг жасади Еркентнинг Донгдор маҳалласидаги қабристонга қойилған.

## ЗАВҚИЙ

(1853—1921)

Завқий — XIX аср иккінчи ярми ва XX асрнинг бириңчи чорагида яшаб ижод этган йирик ижодкорлардан бири. Завқий тахаллуси билан шұхрат қозонған Убайдулло Құқон шаҳрида Уста Солиқ махсуздә оиласида туғилды. Ёшлиғиданоқ Уста Солиқ унинг тарбиясига жиғдий аҳамият беради, моддий қийинчиликларга қарамай аввал маҳаллий мактабда, сұнг Мадрасаи Олий ва Мадрасаи Чалпакда үқитади.

Мадраса таълими ва шахсий тинимсиз мутолаа Убайдулло истеъоддининг камол топишида, форс ва араб тилларини әгаллашида, Шарқ адабиётининг буюк намояндайлари ижодий меросларини чуқур үрганишида мустаҳкам замин булади. Мадрасада ўқиб юрган даврида бириңчи шеърий машқуларини ёзған Завқий тез орада Құқон адабий мұхитининг Мұқимий, Мұхәйи, Фурқат каби илғор шоирлари даврасига келиб қүшилди, улар билан мустаҳкам ижодий ҳамкорлық үрнатди.

Завқий то умрининг охирiga қадар махсидүзлик ҳунарини ташлады. Аввалита мадраса ҳужраларидан бирида, кейинчалик базор распасида очған кичик дуконида косибчилик билан ота-онасига қарашди, үз оиласини тебратди. Бу ҳунар айни замонда Завқийнинг меңнаткаш халқ билан доимо ҳамнафас яшаб, оддий кишиларнинг турмуш шароити ва орзу-интилишларидан бевосита хабардор булишида жуда күл келған.

Завқий XIX асрнинг 70—80-йилларидә қалқыл шоир сифатида узил-кесил шаклланиб, давр адабий ҳәётида куринарлы ўрин әгаллади, шеърият мұхлислари орасида шұхрат топди. Үз ижодий фаолиятини ишқий ғазал, мұхаммаслар ёзишдан бошлаган Завқий тез орада ижтимоий мавзуларда, даврнинг долзарб муаммоларига диққатини қаратди, меңнаткаш халқ ҳәётидан, шаҳар ва қишлоқнинг эзилған табақаси турмушидан лавҳаларни бадий таҳлил этишга киришди. Мұстамлака воқелигига ва ижтимоий ҳәётдеги салбий ҳодисаларға танқидий баҳо-ёндошув, шахслар фаолияти ва табиатидаги ярамаслик, пасткашлик, нопоклик, фирибгарлик каби белгиларига ҳажвий мұносабат шоир асарларининг етакчи ғоявий мазмуни даражасига кутарылды. Давр миллий адабиётимизда Мұқимий бөш бүлған ҳажвий йұналишнинг кенг тараққий толишида күплаб ҳажвий асарлар ёзған Завқийнинг хизматлари жуда катта бўлди.

Шоирнинг ижтимоий мавзудаги ва ҳажвий руҳдаги қатор асарларида чор мустамлакасига айлантирилган улка ҳәётининг энг долзарб муаммолари, жумладан, мавжуд жамиятдаги инсоний ҳақ-хўкуқ ва моддий бойликларга эгалик жиҳатидан кескин табақаланиш мавжудлиги ҳамда унинг оқибатлари ҳақида жилдий мулҳозалар, қатъий хуласалар баён этиладики, бундай асарлар давр адабиётимизда янгилик бўлди.

«Замона кимники» деб юритилувчи мухаммасида Завқий илғор ижтимоий-сиёсий қараашларини бадиий юксак мисраларда ниҳоятда таъсирчан ва кескин баён этади. Чор мустамлакаси маъмурияти ва маҳалий зуровонлар ҳукмрон бўлган мавжуд тузумда шоирнинг қатъий фикрича:

...Давлату иззу шарафлар марди болунёни!  
...Бу замона гарч кавуш кийган силлиқ саллоники!  
...Давру даврон ҳама жойда ҳокиму мирзоники!

Худди шу мухаммасда шоир «Хоҳ косиб, хоҳ дехқон қайга борса бағри қон!», «Бекасу бечора сузига киши бермас жавоб. Шу сабабдан беваю бечоралар бағри кабоб!» дея жамиятдаги эзилган табақанинг аянчи ҳәётини ҳаққоний тасвиirlайди.

Мустамлака этилган жамиятдаги ҳукмрон адолатсизликни ҳаққоний тасвиirlаш мавзуси Завқийнинг яна бир қатор шеърларида ҳам («Каждор замона», «Ажаб замона», «Абдураҳмон шайтон» ва бошқа) худди шундай ҳалқчил руҳда таҳлил этилган.

Завқийнинг «Мунча кўп» радифли ҳамда «Ажаб замонадур, аҳбоб, бош қотиб қолди» мисраси билан бошланувчи мухаммаслари XIX аср бошлари шеъриятимиздаги энг ўткир ижтимоий асарлар жумласига киради.

Замонасидаги адолатсизлик, ҳукуқсизлик, машаққатли ҳаёт ҳалқчил шоир қалбини ларзага солади, хусусан, меҳнат аҳлининг чексиз азоб-укубатта, кулфат-хорликка маҳкум этилганлигидан қатъий норозилик тифдай ўткир мисралардан ўқувчи онгига кўчади, унда ҳам ўша тузумга нисбатан нафрат, ўша ночор оммага нисбатан ачиниш ва хайриҳоҳлик туйғуларини шакллантиради.

Таъкидлаш лозимки, «Мунча кўп» радифли мухаммасида савол оҳангидан кўра қатъий тасдиқ, хитоб оҳангига устивор:

Золим фалак бисотила озор мунча кўп!  
Инсон шарафли номида хор мунча кўп!  
Ҳар кўчаларда қашшоқ ила зор мунча кўп!  
Тархи жаҳон биносида балкор мунча кўп!  
Ҳўқанд аро балога гирифтор мунча кўп!

Завқий ижодий меросида қишлоқлар ҳолати, дехқон аҳли ҳаёти мавзуи ҳам катта ўрин тутади. Бу асло бежиз эмас. Гап шундаки, Зав-

қий Фарғона водийси буйлаб якка узи, баъзан эса Муқимий билан ҳамроҳликда бир неча бор саёҳатлар уюштиради. Бундай сафарлар қишлоқнинг аҳволи, дехқон аҳли турмуши билан, уларнинг оғир меҳнатлари ва ночор кун кечиришлари билан яқиндан танишиш имкониятини берган. Бу таассуротлар эса Завқийнинг қатор асарларида ўзининг бадиий ифодасини топган.

Бу туркумда «қишу ёз, кечаю кундуз меҳнатда куйиб ишлаётган», «фамили куюқ кулчасини ҳам умрида тўйиб емаган», «ориқ, ранги сарик, қорни очликдан шишган» дехқонларнинг аянчли турмушлари уларга тўла хайриҳоҳлик, ҳамдардлик руҳида кучли ачиниш билан тасвирланган. «Янгиқурғон қишлоғи», «Сув жанжали», «Шоҳимардон саёҳати» шеърлари шу туркумга киради.

1898 йилда уюштирилган ана шундай саёҳати чогида Завқий Андижон қузғолонини бостириш баҳонасида чор маъмуриятининг бутун ҳалқ бошига балолар келтириб, аёвсиз жазо чораларини кўрганига, қанчадан-қанча кишиларни дорга осиб, таъқиб-тазийкини кучайтирганига, кўплаб қишлоқларни тўпга тутиб ер билан яксон қилганига жонли гувоҳ бўлди. Худди шу таассуротнинг бадиий меваси сифатида «Эшон» радиофли шеър майдонга келди.

Шоҳир бу ҳалқ қўзғолонининг асл моҳиятини, унинг асосий мақсадини тўғри тушуна олмади. Самимий куюнч билан «Қанча одам ўлдилар, куп ҳалқ бўлдилар асир!» деб ёзган Завқийни биринчи галда мустамлака маъмурияти кўрган жазо тадбирлари оқибатида оддий ҳалқ аҳволининг янада оғир бўлганлиги, қишлоқ-شاҳарларнинг эса хонавайрон этилгани («Хонавайрон бўлди бир минг манзилу маъво!») ларзага солади. Таассуфки, Завқий буларнинг ҳаммасига ҳалқ қўзғолонининг раҳбарини айблор деб билади.

Шу муносабат билан Завқий таржимаи ҳоли ва ижодининг ҳали тўла ўрганилмаган сахифалари ҳам оз эмаслигини айтиб утиш уринли. Катта ижод йўлини босиб утган шоирнинг адабий мероси афсуски, то ҳануз тўла аниқланиб тўпланмаган. Унинг ўз асарларини девон ҳолига келтиргани тўғрисида оғзаки маълумотлар учрайди, аммо бу девон илмга маълум эмас. Жиддий ижтимоий-сиёсий воқеалар силсиласи юз берган мураккаб даврда яшаб ижод этган шоирнинг дунёқарашида ва унга тўла мувофиқ ҳолда ижодий меросида эса зиддиятли ўринлар оз эмас.

1900 йил аввалида Завқий ҳаж сафарига отланган тогаси Муҳаммад Сиддиққа ҳамроҳ бўлиб қатор мамлакатларни босиб, Макка ва Мадинани зиёрат қиласди. Унинг таассуроти «Хужжожи Макка аҳлига чуну чаро деманг» мисраси билан бошланувчи шеърида ўз бадиий ифодасини топган. Завқийнинг асримиз бошларига яратган ижтимоий йуналишлари асарлари жумласидан «Воқеаи қози сайлов» деб номланган ҳажман каттагина маснавийси алоҳида дикъатга сазовор. Ҳалқи шоир мустамлака маъмуриятининг қаттиқ назорати остида ўткази-

ладиган қалбаки «сайлов»ларнинг пуч моҳиятини, ундаги пораҳурлик ва ҳийла-найрангларни, шунингдек, (сайланувчи) шахсларнинг жирканч башараларини, ифлос қилмишларини ўкувчи кузи олдида ишонарли фош этади.

Қаҳатлик бўлди бу Фарғонамида,  
Толилмас парча нон вайронамида —

байти билан бошланувчи маснавийда эса Биринчи Жаҳон уруши туфайли мустамлакалардаги оғир ҳаёт янада аянчли бир ҳолга келгани, очлик ва вабо касалининг меҳнаткаш омма бошига янги-янги кулфатлар солгани ҳаққоний бўёкларда тасвирланган. Бу асар ҳалқ ҳаракатлари каби ижтимоий-сиёсий мавзунинг тула ҳалқчил руҳда ёритиш бобида Завқий катта ютуқларга эришганини исботловчи ҳужжатdir. Шоир дунёқарашидаги бундай ғояларнинг қатъий шаклланишида асримиз бошларида миллӣ озодлик ғояларини, илм-маърифат тарғиботини байроқ қилиб кутарган жадидчилик ҳаракатининг таъсири бекёёсdir. Жадидчилик ғояларини тӯла қабул қилган шоир ўз амалий-ижтимоий фаолияти билан ҳам илм-маърифатни, янги усулдаги мактаб-маорифни тарғиб қилди, фан-техникани эгаллашга, замона билан ҳамқадам булишга даъват этди. Бу жиҳатдан шоирнинг «Фурсат фанимат, аҳбоб, миллатга кўз очайлик» мисраси билан бошланувчи мухаммаси алоҳида дикқатга сазовор.

1916 йилда ёзилган деб таҳмин этилган «Ажаб эрмас» радибли мухаммас, фақат Завқий ижодида эмас, балки XX аср бошларидағи бутун ўзбек ижтимоий-сиёсий шеъриятида катта ҳодиса булди. Бунда шоир мустамлака асорати остида эзилаётган она юртнинг кулфатли кунлари унут бўлиши ҳақида сўз очади, оғир иқтисодий ҳаёт кечираётган ҳалқнинг баҳтли тақдирни ҳақида, бўлажак катта ижтимоий ўзгаришлар хусусида башорат қиласи.

Ўтиб бир қарн акроним жаҳон обод кўргайсиз!  
Жаҳон аҳлини золим зулмидан озод кўргайсиз!  
Гирифттори алам эрмас — ҳаммани шод кўргайсиз!

Убайдулло Завқий адабиётимиз тарихидан фақат ижтимоий-сиёсий ва ҳажвий шеърлар муаллифи сифатидагина эмас, балки, айни замонда, истеъододли юморист ва нозикдид лирик ижодкор сифатида ҳам ўрин олган. Унинг турмуш икир-чикирлари, кундалик ҳаётда учровчи носозликлар ва кишилар табиатидаги салбий одатлар устидан беғараз кулги, енгил масхара кўзғовчи, илиқ табассум ва ширин ҳазил билан қоришиқ «Таърифи калиш», «Отим», «Фонус», «Сиги-рим», «Пашшалар» каби юморлари ўкувчиларда яхши кайфият, қувноқлик уйғотади, айни замонда зийракликка ундейди.

Завқий яратган ишқий ғазал ва мухаммасларнинг кўпчилиги эса ўша даврдаёқ ҳофизлар ижросида ҳалқ кушиқлари қаторида катта шуҳ-

рат тутган. Хусусан, «Юзунгни кўрсатиб аввал ўзингта бандалар қилдинг», «Ёр келур замона йўқ, келмаса-келмасин, нетай?», «Кулбам аро, эй маҳлиқо, бир йўл хиром айлаб келинг» мисралари билан бошланувчи асарлари хаёт шавқи ва гўзаликларидан баҳрамандликка унайди, севги-садоқатни улуғлайди, инсоний ҳис-туйгуларни, нозик кечинмаларни ниҳоятда таъсиричан тарзда равшан ифодалайди.

«Фарғона адабий муҳитида камол топган Муқимий, Фурқат, Завқий... каби улуг маърифатчиларнинг миллатимиз маънавий ҳазина-сига қўшган ҳиссалари ҳам бекёёсдир» (Ислом Каримов).

## БАЁНИЙ

(1859—1923)

Муҳаммад Юсуф — адабий таҳаллуси Баёний XIX аср II ярми ва XX аср бошларида Хоразмда яшаб ижод этган замонасиининг забардаст тарихнавис олими, ажойиб шоир ва моҳир таржимон бўлган. Баёний тарихнавис олим сифатида «Шажарайи Хоразмшохий» ва «Хоразм тарихи» номли тарихий асарларини ёзди, қатор тарихий асарларни арабча ва форсчадан ўзбек тилига таржима қилди, шоир сифатида эса мукаммал девон тузди.

У Хивада ҳонлик қилган Элтузархон (1804—1806) авлодидандир. Унинг отаси Бобоҷонбек Оллоберди Тўранинг ўғли бўлиб, Элтузархоннинг набираси эди. Баёний 1859 йилда Хивада дунёга келади ва ёшлигидан бошлаб илм, адабиётта, шеъриятта қизиқади. Баёний ўз замонасиининг атоқли ҳаттотларидан ва мусиқашуносларидан бири ҳам бўлган. У сулс, қуфий, раҳоний, шикаста ва бошқа хил ҳатларни яхши билган ва ўз замонасиининг истеъодли шоири, тарихнавис олими бўлиб етишган. Баёнийнинг юксак маҳорати ҳақида Табибий бундай деб ёзди:

«Баёнийки бор шоири хуш баён,  
Сўз ичра қилур дурри гавҳар аён.  
Бу ҳам асли бу ҳонадондин эрур,  
Сўзи руҳи эл жисмига жон эрур.  
Муҳаммад Юсуфбек номи аниңг,  
Хусул айламак или коми аниңг»<sup>1</sup>.

Баёний ўзидан бой ёзма мерос қолдирди. Баёнийнинг мазмундор ва ажойиб ғазалларини ўз ичига олган девонининг бир неча нусхаси кўлёзма ҳолида сақланмоқда<sup>2</sup>. Бу девонлардан унинг ғазаллари, муҳаммаслари, рубойлари, қасидалари ўрин олган.

<sup>1</sup> Аҳмаджон Табибий. Мажмуат уш-шуаро. Мазкур қўлёзма асарлар фонди, инв № 1152, варақ: 3 б.

<sup>2</sup> Девони Баёний, ЎзРФА Абу Раҳон Беруний номли Шарқшунослик институти қўлёзма асарлар фонди, инв № 1120, 7106, 6666/VI.

Баёнийнинг шеърий асарлари XIX аср II ярми ва XX аср бошлари ўзбек адабиётини, шунингдек, шоирнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда катта аҳамиятга эгадир. Шоир шеъриятида асосий үринни лирика эгаллайди. У замонасининг илғор фикрли кишиси сифатида қайноқ ҳаёт ичида яшади ва унинг ижодида уша даврдаги ижтимоий ҳаёт ўз ифодасини топди.

Муаррихнинг «Шажарайи Хоразмшоҳий» рисоласида Абдулғозий-хон (Мунис ва Оғаҳий қаламга олган) даври ва Хива ҳонлигига 1873 йилдан 1914 йилгача содир бўлган тарихий воқеалар тасвирланган. Мазкур рисола юқорида номлари зикр этилган муаллифлар асарларининг хуносаси ва давоми ҳисобланади. Мунис ва Оғаҳийнинг асарлари ҳашамдор, қийин тил билан ёзилган. Уларда арабча ва форсча сўзлар ва оғир иборалар кўп учрайди. Баёний ана шу қийинчилликларни бартараф қилиш мақсадида Мунис ва Оғаҳий асарларини бир жилдга тўплаб, қисқартириб, содда тил билан қайта ёзивчиқсан. Бу тўғрида муаллиф асар сўзбошисида бундай деб ёзди: «Мен Мұҳаммад Юсуф ал-мутахаллис бил-Баёний ибни Бобожонбек, бу тариқа арз қиласман. 1329/1911 йил жумод ул-аввал ойининг йигирма иккисида бу асарни ёзишга бошладим. Бу ишни Асфандиёрхон менга Толибхўжа ибни Аваζберди орқали буюрди».

Мунис Элтузархоннинг фармонига мувофиқ «Фирдавс ул-иқбол» номли асарини ёзган. Мунис бу асарни тамомлай олмай 1244/1829 йили вафот этади. Оллоҳкулихон Оғаҳийга бу чала қолган асарни ёзив тамом этишни буоради. Оғаҳий бу асарни ёзив тамомлайди. Сўнгра Оғаҳий XIX асрда Хоразмда ҳонлик қилган ҳонларнинг ҳар бирига атаб, алоҳида-алоҳида бир неча асар ёзган.

Муаллиф ўз асарининг охирида қуйидаги маълумотларни келтирди: «Мен, Мұҳаммад Юсуф Баёний бу китобни («Шажарайи Хоразмшоҳий».— К. М.) ёзив тамом этдим. Кейинчалик Асфандиёрхон вақтида содир бўлган тарихий воқеаларни ёзив, бу китобимга қўшаман».

Хоразмда тасниф этилган Баёнийнинг мазкур тарихий асари, Хоразм, айниқса, Хива ҳонлиги тарихини ўрганишда аниқ маълумот берувчи асосий манба булиб хизмат қиласди. Баёнийнинг бу тарихий асарида Хива ҳонлигининг сиёсий тарихи жуда муфассал баён этилган. Хива ҳонлигининг сиёсий ҳаётида рўй берган катта воқеалардан бири Хива ҳонлигининг Чор Россияси томонидан босиб олиниши эди. Бу воқеа Хоразмда Мұҳаммад Раҳимхон II хукмронлиги даврида содир бўлган. Мұҳаммад Юсуф Баёний ўзининг «Шажарайи Хоразмшоҳий» асарида бу масалага жуда муфассал тухтаб ўтган ва бу борада қимматли маълумотларни келтирган.

Айниқса, шаҳарларни мудофаа қилишда олиб борилган ишлар, кўрсатилган қаршиликларга қарамай, Хива ҳонлигига қарашли шаҳарларнинг Чор Россияси қўшини томонидан бирин-кетин босиб

олиниши ва Чор генералларининг бу ерда олиб борган шафқатсиз сиёсати, чоризм аскарлари томонидан аҳолининг, аёллар ва болаларнинг бегуноҳ қирғин қилиниши, обод жойларнинг харобага айлантирилиши ҳаққоний тасвирлаб берилган.

Хонликнинг иқтисодий ҳётида ер эгалиги ва солиқ масаласи асосий масалалардан эди. Бу масалалар бўйича ҳам мазкур асарда анча маълумотлар келтирилган. Шунингдек, хонликда олиб борилган курилиш ишлари ва турли мансаблар, уларга кимларнинг тайин этилганлиги ва бошқа қатор масалалар шулар жумласидандир.

Хива хонлигига Мұхаммад Раҳимхон II даврида меморлик бўйича ҳам анча ишлар амалга оширилган. Мадрасалар, масжидлар, миноралар, боғлар, кўприклар қурилган. Асарда бу биноларнинг қачон қурилганлиги ҳам курсатиб утилган. «Шажарайи Хоразмшоҳий»да Баёний томонидан келтирилган бир-икки мисолни олиб кўрайлик.

Баёнийнинг ёзишича: «Маълум бўлсинким, хон ҳазратлари (Мұхаммад Раҳимхон II.— К. М.) багоят мушфиқи фуқаро ва бағоят хайр дўст киши эрдилар. Кўп мадрасалар ва масжидлар бино қилдилар. Кўп мадрасаларнинг биноларига сабаб буладилар. Андоғким, Мұхаммад Мурод девонбеги бир мадраса бино қилди. Юсуф маҳрамга буюриб бир мадраса бино қилдилар. Қадам ясавулбоши бир мадраса бино қилди. Иброҳимхожа бир мадраса бино қилди. Юсуф Ясавулбоши бир мадраса бино қилди. Ҳусайн Мұхаммадбой бир мадраса бино қилди. Дуст Аълам бир мадраса бино қилди. Қозий ул-куззот — қози Мұхаммад Салим бир мадраса бино қилди. Исломхожа бир минорали мадраса бино қилди. Бу биноларнинг ҳаммаси ул ҳазратнинг (Мұхаммад Раҳимхон II.— К. М.) тарғиботлари била бўлди. Яна Нуриллабек отлиғ ҳовлиларининг атрофида кўп беватанларни ватанлик этдилар. Яна Тозабоғ атрофида ҳам кўп беватанларни ватанли этдилар. Тўрт олий масжид бино қилдириб, Тозабоғда ватан тутган беватанлар, тўрт масжид қавми бўлдилар. Яна Янги қальъада, Нуриллабек ҳовли ва боғларининг шарқи ўшимоли тарафида кўп беватанларни ватанли этдилар. Бир олий масжид бино қилдириб, ул ерни Султонобод исми бирла мавсум этдилар. Кўп ерларни обод этдилар. Кўп масжидлар, мадрасалар ва қориҳоналар бино бўлиб, кўп ерлар обод бўлди»<sup>1</sup>.

Баёнийнинг мазкур тарихий асарида шу даврда Хива хонлигига адабий мұхит, шоирлар ва олимлар, Мұхаммад Раҳимхон II — Ферузнинг ажойиб шоир ва маърифатли ҳукмдор бўлганлиги ҳақида ҳам анчагина маълумотлар келтирилган. 1326/1908 йили Аҳмаджон Табиий томонидан шу даврда яшаган шоирларнинг тазкираси тузилди. Бу ҳақда Баёний қўйидаги маълумотни келтиради: «Хон ҳаз-

<sup>1</sup> Шу асар, инв № 9596, варак; 497°.

ратлари шеърга кўп завқ пайдо қилиб эрдилар. Узлари ҳам бурундан Феруз таҳаллуси билан мутахаллис бўлуб, шеър айтур эрдилар...»

Юқоридаги фикримизнинг тасдиқи сифатида, Баёний томонидан келтирилган ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётга оид бир-икки мисолни қайд этиб ўтдик. Бундай миссолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Баёнийнинг бу қимматли тарихий асари, олимларимиз, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиклари Я. Гуломов, М. Йўлдошев кабилар томонидан ўрганилган ва бир қисми нашр этилган.

Баёнийнинг иккинчи тарихий асари «Хоразм тарихи» номи билан аталади. Бу асарнинг ilk боблари маъно жиҳатидан «Шажарайи Хоразмшохий» асарига ўхшаб кетади. Лекин ёзилиш услуби билан ундан фарқ қиласди. Муқаддимада кўрсатишича, Баёний ўз асарини кўтчилик баҳра олсин учун содда тил билан ёзган. Афсуски, 15 бобдан иборат бу асарнинг фақат 8 бобигина сақланган. Колган боблари йўқ. Унинг ягона нусхаси ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзма асарлар хазинасида сақланмоқда.

Баёний бу асарларни ёзиш билан бир қаторда, кўпгина тарихий асарларни ўзбек тилига таржима қилган. У Мавлоно Дарвеш Аҳмад томонидан араб тилида ёзилган умумий тарихга оид «Саҳойиф ул-ахбор» номли катта асарни ўзбек тилига ўтирган. Баёний шунингдек, Биноийнинг «Шайбонийнома»<sup>1</sup>, Жарир ат-Табарийнинг «Тарихи Табарий» номли асарларини таржима қилган.

Баёний бошқа таржимонлар томонидан таржима қилинган асарларни таҳрир ҳам қилган. Атоулла ибн Фазлулла Хусайниний томонидан ёзилган «Равзат ул-аҳбоб» номли асарнинг II қисмининг ўзбекчага ўтирилган таржимасини таҳрир қилган.

Бир сўз билан айтганда, Мұхаммад Юсуф Баёний ўз замонаси нинг талантли шоири, атоқли тарихнавис олими ва моҳир таржимонидир. У ўзбек маданияти тарихида ўзига хос фахрли ўринни згаллайди. Олим ва шоир томонидан яратилган адабий, тарихий асарлар ўзбек халқи маданияти тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қиласди.

## МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ

(1875—1919)

Маҳмудхўжа Беҳбудий XX аср бўсағасидаги Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаракатининг энг йирик намояндаси, янги давр ўзбек маданиятининг асосчисидир. Туркистон жадидларининг тан олинган раҳнамоси, мустақил жумхурият ғоясининг яловбардори, янги мактаб

<sup>1</sup> Биноий, Шайбонийнома. Мазкур қўлёзма асарлар фондси, инв. № 3422, варақ 53<sup>а</sup>.

ғоясининг назариётчиси ва амалиётчиси, узбек драматургиясини бошлаб берган биринчи драматург, театрчи, ношир, журналист. У тарихимизнинг ғоят оғир ва мураккаб бир даврида яшади. XVI асрдан бошланган инқизороз ва турғунлик, ўзаро жанжал, маҳаллий уруғчилик низолари миллатни ҳолдан тойдирган, имкондан фойдаланиб улкани забт этган Россия зур бериб, уни тутқунликда сақлашта уринарди. Мана шундай бир шароитда Ватанини бутунлай йўқ бўлиш хавфидан сақлаб қолиш, авлодларни эрк ва озодлик, мустақиллик руҳида тарбиялаш, маърифат ва тараққиётга бошлаш жадидлар номи билан тарихга кирган Беҳбудий бошлиқ фидойилар зиммасига тушди.

Туркистонда «Усули жадид», «Усули савтия» номлари билан шуҳрат топган янги мактабни шулар ташкил қилиб, шулар биринчи бўлиб замонавий мактаб ғоясини илгари сурдилар. Улар ўз ҳисобларидан мактаблар очиб, ёш авлодни истиқлолга тайёрладилар, шеър ва мақолалар, саҳна асарлари орқали миллий онгни шакллантиришга, миллий гуур ва ифтихор туйғуларини сингдиришга уриндилар. Россия қонунлари имкон берган даражада Туркистон мусулмонларининг шаъну шавкатини ҳимоя қилдилар, инқилоб йилларида эса мустақиллик байроғини баланд кўтардилар.

Маҳмудхўжа Беҳбудий мана шу Туркистон жадидчилик ҳаракатининг асосчиси, бошлаб берувчиси эди. У 1875 йилнинг 19 январида Самарқанд яқинидаги Бахшитепа қишлоғида, руҳоний оиласида дунёга келган. Отаси Беҳбудхўжа Солиҳхўжа ўғли туркистонлик, Аҳмад Яссавийнинг авлодларидан, она томонидан бобоси Ниёзхўжа урганчлик бўлиб, амир Шоҳмурод замонида (1785—1800) Самарқандга келиб қолган. 1894 йилда отаси, имом-хатиблик билан шугулланиб келган Беҳбудхўжа вафот этади. Ёш Маҳмудхўжа тоғаси қози Муҳаммад Сиддиқ тарбияси ва қарамоғида усив вояга етади. Араб сарфу наҳвини кичик тоғаси Мулла Одилдан ўрганади. 18 ёшида қозиҳонада мирзолик қила бошлайди. Ўз устида қунт билан ишлаб, шариатнинг юксак мақомлари — қози, муфти даражасигача кутарилади. Ёш Маҳмудхўжа дунёқарашининг шаклланишида Россия жадидчилик ҳаракатининг асосчиси Исмоилбек Гаспринскийнинг хизмати катта бўлган. У 1892 йилда Туркистондаги мактабларни ислоҳ қилиш, «усули савтия»ни жорий этиш таклифи билан генерал-губернатор Н. О. Розенбахга мурожаат этади. Жавоб олмагач, 1893 йилда ўзи Тошкентга келади. Самарқанд, Бухорода булиб, маҳаллий халқ билан гаплашиб, дастлабки янги усул мактабларини очишга муваффақ бўлади. Беҳбудий ўз хотираларида устози билан учрашувларини ихлос ва муҳаббат билан тилга олади.

1899—1900 йилларда Беҳбудий ҳаж сафарига боради. Дунё кўриш иззиз кетмайди. Сафар янги мактаб ҳақидаги қарашларини мустаҳкамлайди. Унинг ташаббус ва файрати билан 1903 йилда Самарқанд атрофидаги Ҳалвойи (С. Сиддиқий), Ражабамин (А. Шакурий) қиши-

лоқларида янги мактаблар ташкил топди. Адид бу мактаблар учун дарсликлар тузишга киришади. Кетма-кет «Рисолаи асбоби савод» (1904), «Рисолаи жуғрофияи умроний» (1905), «Рисолаи жуғрофияи Русий» (1905), «Китобат ул-атфол» (1908), «Амалиёти ислом» (1908), «Тарихи ислом» (1909) каби китоблари пайдо бўлади.

1903—1904 йилларда Москва, Петербургга боради, 1907 йилда Қозон, Уфа, Нижний Новгородда бўлади. Булар саёҳат эмас, хизмат сафари эди. Масалан: Нижний Новгородда 1907 йилнинг 23 августида Россия мусулмонларининг турмуш ва маданияти муаммоларига бағишлиган қурултойи чакирилади. Беҳбудий туркистонликлар гурухини бошқаради ва катта нутқ сўзлайди.

Маърифат учун биргина мактаб кифоя қилмайди. Замон ва дунё воқеалари билан танишиб бормоқ керак. Миллат ва Ватанинг ақволидан, кундалик ҳаётидан огоҳ бўлмоқ лозим. Миллат учун ойна керак, токи ундан ўз қабоҳатини ҳам, малоҳатини ҳам кўра олсин.

Мана шу эҳтиёж ва зарурат Беҳбудийни театр ва матбуотга бошлади. «Падаркуш» драмаси шу тариқа майдонга келди. Бироқ унинг дунё кўриши осон кечмади. «Падаркуш» драмаси 1913 йилдагина босилиб чиқади. Китоб жилдига «Бородино жангни Россиянинг француслар босқинидан халос бўлишининг юбилей санасига бағишиланади» деган ёзув билан Тифлис цензурасидан рухсат олинади. Босилиб чиққандан кейин ҳам саҳнага кўйиш учун яқин бир йил вақт кетади.

«Падаркуш»— ўзбек драматургиясининг ҳамма яқдил эътироф этган биринчи намунасиdir. Мутахассислар уни ҳам жанр, ҳам мазмунга кўра янги ўзбек адабиётини бошлаб берган бир асар сифатида баҳолайдилар. Муаллиф «Миллий фожиа» атаган 3 парда 4 манзарали бу драма ҳажман ихчам, мазмунан ниҳоятда содда ва жўн эди. Үқимаган боланинг бузуқ йўлларга кириб ўз отасини ўлдиргани, нодонлик ва жаҳолат ҳақида эди.

«Падаркуш» дастлаб Самарқандда 1914 йилнинг 15 январида саҳнага кўйилди. Спектакл ўз машнатига ўралиб, дунёни унугтан миллатдошларга чақмоқдек таъсир этди. У Тошкентда 1914 йилнинг 27 февралида кўйилди.

Авлонийнинг «Турон» труппаси Колизей (Хозирги савдо биржаси биноси)да ўз фаолиятини мана шу «Падаркуш» билан бошланган эди. Спектакл бошланиш олдидан Мунавварқори театрнинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳақида нутқ сўзлайди. Бош ролни А. Авлонийнинг ўзи ижро этади. Маҳаллий матбуот бу кунни «тарихий кун» деб ёzádi. «Турон» труппаси 1914—1916 йилларда бу спектакл билан бутун Фаргона воийисини айланиб чиқди. Туркистонни жунбушга келтирган қирғинбарот инқилоб йилларида ҳам саҳнадан тушмади. Бу бир томондан миллатни маърифат ва тараққиёт сари ундашда катта аҳамиятга эга бўлса, иккинчи томондан, профессионал ўзбек театри ва драмачилигининг майдонга келиши ҳамда тараққиётида муҳим хизмат қилди.

Бу асарнинг ўз даврида адабий ҳаракатчиликка етказган таъсири ҳақида қайдлар куп. Бунинг шоҳиди сифатида Абдулла Қодирийнинг: «Падаркүш» пьесаси таъсирида «Бахтсиз күёв» деган театр китобини ёзиб юборганимни ўзим ҳам пайқамай қолдим», деган эътирофини эслаш кифоя. 1916 йилда Тошкентга келиб Колизейда «Туркистонда янги адабиёт майдонга келди. Бу мен учун куттилган ҳол эди... Янги адабиётнинг маркази — Самарқанд... Ёш қаламкашларнинг бош илхомчиси самарқандлик муфти Маҳмудхужа Беҳбудийдир».

1913 йилдан Беҳбудий матбуот ишлари билан шуғулланди. Апрелдан «Самарқанд» газетасини чиқара бошлади. Газета туркий ва форсий тилларда, ҳафтада икки марта, дастлаб икки, сўнг тўрт саҳифада чоп этилган. 45-сони чиқиб, моддий таңқислик туфайли тўхтаган. Сўнг Беҳбудий шу йилнинг 30 августидан «Ойна» журналини чиқара бошлайди. «Ҳафталик, суратлик бу мажалла, асосан, узбек тилида бўлиб, унда ихчам форсий шеър, мақолалар, русча эълонлар ҳам бериб борилади... Кавказ, Татаристон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Туркиягача тарқалар эди... Жадидларнинг севикли журналлари эди...» деб ёзган эди Зиё Саид.

Беҳбудий шу йиллари нашр ишлари билан қизгин шуғулланди. А. В. Пясковский уни ўз босмахонасида Фитратнинг «Баёноти сайёхи ҳинди» асарини 1913 йилда русчага таржима қилдириб, нашр этганини хабар беради...

1914 йилнинг 29 майида Беҳбудий иккинчи бор араб мамлакатларига саёҳатта отланади. Поездга утириб Байрамали орқали Ашхободга утади. Красноводскдан пароход билан Бокуга боради. 2 июня Минаралние води-Кисловодск-Пятигорск, Железноводск-Ростов-Одессани кезиб, 8 июня Истамбулга кириб келади. Кичик саёҳатдан сўнг Истамбулга қайтиб, 21 июня сув йўли билан Кудлусга йўл олади. Байрут, Ёфа, Ҳалил ар-Рахмон, Порт Саид шаҳарларини томоша қилади... Саёҳат хотиралари ҳар жиҳатдан гоят муҳим булиб, Беҳбудий уларни ўз журнали «Ойна»нинг 1914 йил сонларида «Хотиралар» номи остида пешма-пеш бериб боради. Бу «Хотиралар» ҳам маърифий, ҳам адабий-эстетик жиҳатдан ниҳоятда муҳим. У адабиётимиздаги анъанавий тарихий-мемуар жанрининг XX аср бошидаги ўзига хос намунасидир.

«Ойна» журнали маърифат ва маданият тарқатища жуда катта хизмат қилди. Унда миллат ва унинг ҳақ-хукуқи, тарихи, тил-адабиёт масалалари, дунё аҳволига доир қизиқарли мақолалар, баҳслар бериб борилган. Айниқса, тил масаласи муҳаррирнинг ҳамиша дикқат марказида турди. Беҳбудий миллатнинг тараққийси учун бир неча тил билишни шарт ҳисобларди. Журналнинг 1913 йил 13 август биринчи-нишона сонидаёқ «Икки эмас, тўрт тил лозим» деган мақола билан чиқкан эди.

Беҳбудий адабий танқидга катта эътибор берди. Навоийдан кейинги бир неча асрлик сукунатдан сўнг бу соҳанинг хусусиятларини таъкидлаб, адабиётда тенгхуқуқлилик масаласини уртага кўйди. Мақола «Танқид сараламоқдур» (1914 й. 27-сон) деб номланган эди. Адибнинг барча тарихий-илмий мавзудаги мақолалари ўтмишга камоли эҳтиром ва эътиқод билан ёзилган.

Беҳбудий миллат ўзини англагандагина ижтимоий-сиёсий масалаларни бошқалар билан тенг муҳокама эта олади, деган фикрда бўлди. Шунинг учун ҳам тарихга алоҳида эътибор берди.

Умуман Беҳбудийнинг публицист сифатида фаолияти алиб искеътъоддининг жуда ёрқин бир қиррасини ташкил этади. У ўз умри давомида юзлаб мақолалар ёзди. Ўзининг Миллат ва Ватан, жамият ва аҳлоқ ҳақидаги фикрларини кўпроқ мақола ва чиқишиларида ифода этди. Баъзилар унинг мақолалари 200, бошқалар 300 деб белгилайдилар. Унинг барча мақолалари аниқлаб чиқилмаган. Муҳими шундаки, у XX аср бошидаги Туркистоннинг йирик сиёсий арбоби эди. Унинг Миллат ва Ватан тақдирни ҳақидаги барча қарашлари, аввал, мана шу мақолаларида акс этган эди. Бу жиҳатдан, унинг 1906 йил 10 октябрда «Хуршид» (6-сон) газетасида босилган «Хайрул умури авсотухо» («Ишларнинг яхшиси уртачасидур») мақоласи диққатга сазовордир. Бу мақола узоқ йиллар Совет тарих фани нуқтаси назаридан баҳоланиб, Беҳбудийни қоралаш учун нишон бўлиб келди. Гап шундаки, Беҳбудий ўша 1906 йилдаёқ социалистик таълимотни ва уни Россияда амалга оширишга бел боғлаган Ленин партиясини кескин рад этган эди. У ҳам устози И. Гаспринский каби социализмни зўравонлик ҳисоблайди, социал тенгликни адолатсизлик деб билади. Шахс манфаатдорлигида, миллат равнақида тараққиётнинг буюк омилини кўрдики, худди шу эътиқод уни Туркистоннинг мустақиллиги учун курашга етаклади.

1917 йилнинг 16—23 апрелида Беҳбудий Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон мусулмонларининг 150 вакили иштирок этган курултойида ҳаяжонли нутқ сўзлади. Миллатни ўзаро ихтилофлардан воз кечишига, буюк мақсад йўлида бирлашишга, иттифоқ булишга чақириди. Худди шу ихтилофимиз сабабли «мустамлакот қоидаси или бизни идора этурлар» деб очиқ айтди.

Шу йилнинг 26 ноябрида Кўқонда ўлка мусулмонларининг IV фавқулодда қурултойи иш бошлади. 27 ноябряга утар кечаси «Туркистон мухторияти» зълон қилинди. Бу мустамлакадан мустақиллик томон кўйилган жiddий ва жасоратли қадам эди. Унинг маънавий отаси, шуҳбасиз, Беҳбудий эди. Бироқ у Советлар томонидан хоинона бостирилди. 19—20 феврал кунлари шаҳар тўпга тутилди. Минглаб туркистонлик ўлдирилди, юздан ортиқ қишлоққа ўт кўйилди.

Беҳбудий изтироб билан Самарқандга қайтади. У ерда тура олмай, Тошкентга келади. Туркистон рус совет ҳукумати раҳбарлари

билан музокара олиб боришга уринади. Табиийки, музокаралар на-  
тижа бермайди. Миллатни, миллий тараққиётни инкор этган шўро-  
лар йули алдов ва зўравонликка асосланганини биларди. Шунинг  
учун ҳам уни 1906 йилдаёқ ақл ва шариатта зид деб эълон қилган  
эди.

Орзулари чил-чил бўлган Беҳбудий 1919 йилнинг баҳорида, 25  
мартда паришон ҳолда йўлга чиқади ва Шаҳрисабзда қўлга олиниб,  
тахминан икки ой ўтгач, Қаршига келтириб зинданга ташланди. Бир  
неча кундан сўнг Қарши беги Тоғайбекнинг буйруги билан зиндан  
яқинидаги «подшолик чорбоги»да ўлдирилган. Унинг қатли ҳақида-  
ги хабар ўша пайтдаги пойтахтимиз Самарқандга роса бир йилдан  
кейин маълум бўлди. 1920 йилнинг апрелида бутун Туркистон мотам  
тутди.

Қарши шаҳри 11 йил Беҳбудий номи билан юритилди. Алиб но-  
мининг абадийлаштирилиши шунчаки бир ниқоб эди, асл моҳият  
эса ҳалқдан сир сақланди. Қарши шаҳрига унинг номи қўйилган ўша  
1926 йилдаёқ жадидчиликни аксилинқилобий, аксишўравий ҳара-  
кат сифатида қоралаш кампанияси бошлаб юборилган эди.

Бугун Беҳбудий кабилар муқаддас тутган юрт озод ва мустақил  
бўлди. Улар жон фидо этган истикъол авлодларига насиб этди. Мил-  
лат ва Ватан мустақиллиги йўлида фидо бўлганлар эса шу Миллат ва  
Ватан умри қадар боқийдирлар.

## МУНАВVARҚORI ABDURASHIDXONOV

(1878—1931)

«Мунаввар»— нур олган, нурли дегани. Туркияда ҳозир ҳам бу  
сўзни зиёли ўрнида қуллайдилар. «Қори» деб Куръонни маромига  
етказиб ўқийдиганни айтганлар. У Тошкентнинг маърифатли бир хо-  
надонида туғилиб, исмига муносиб бўлиб ўсади. Ҳужжатлардан унинг  
Шайхонтохур даҳа, Дархон маҳалласида туғилиб ўсгани маълум бўлди.  
Отаси Абдурашидхон мударрис, онаси Хосиятхон отин бўлган. Му-  
наввар онаси қўлида савод чиқарган. Дастлаб Тошкентда Юнусхон  
мадрасасида, сўнг Бухорода ўқиган. XIX асрнинг 90- йиллари охир-  
ларида жадидларга қушилиб, 1901 йилда Тошкентда биринчилардан  
бўлиб «усули жадид» мактабини очади. Бу мактаб учун «Адиби ав-  
вал», «Адиби соний» каби алифбо ва хрестоматиялар, «Тавжид ал-  
Куръон» («Куръон қироати»), «Ер юзи» («География») сингари  
қўлланмалар тузиб, нашр этади. Бу дарсликлар 1901—1917 йиллар  
оралиғида энг ками 2—3, кўпичи 9—10 мартағача алоҳида-алоҳида ҳолда  
нашр этилган.

Мунавварқори ва унинг мактаби юксак нуфузга эга эди. Масалан,  
шундай бир далилни келтириш мумкин. «Ойна» журналининг 1914  
йил сонларидан бирида Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг Туркистонда олий

миллий таълим истиқболи ҳақида берган муштаријларнинг саволи-га жавоби босилган. Беҳбудий унда Тошкентда Мунавварқорининг мактабини мана шундай олий таҳсилга замин була олиши мумкинлигини айтган эди.

Ўзбек матбуотининг майдонга келишида Мунавварқорининг хизматлари катта булди. У ўзбек матбуотининг дастлабки намунаси — 1906 йилда чиқсан «Тараққий» газетасининг ташкилотчиларидан ва муаллифларидан эди. Ўша йили Мунавварқорининг ўзи «Хуршид» газетасини чиқарди. Газетанинг фаол муаллифларидан бири Худоёрхоннинг ўсли Фансуруллобек эди. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг иштирокион (социалистик) партиясини кескин рад этган машхур «Хайрул умури авсотухо» мақоласи мана шу газетада (1906, №6) босилган эди. Сўнг Мунавварқори «Садойи Туркистан» (1914—15)ни майдонга чиқаришда жонбозлик кўрсатди. 1917 йилнинг мартағида эса ўзи муҳарриклигида «Нажот» газетасини чиқарди. Шу йилнинг июнида эса Тошкентда Аҳмад Заки Валидий томонидан «Кенгаш» журнали чиқди. Кўп ўтмай, унинг муҳаррилигини Мунавварқори олиб бора бошлади.

Умуман ўзбек матбуотининг майдонга келишини ҳам, тарихий тараққиётини ҳам Мунавварқорисиз, унинг юзлаб эҳтиросли мақолаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мунавварқори XX аср бошида ги ижтимоий-сиёсий ҳаракатнинг, миллий озодлик кутарилишининг энг эътиборли намояндларидандир. Абдулла Авлоний таржимаи ҳолидан маълум бўлишича, 1901 йиллардан бошлаб, Тошкентда маҳаллий ёшлардан «Жадидлар тұдаси» ташкил топган эди. 1914—15 йилларда «Садойи Туркистан» да муҳаррирлик қылган, 1909 йилда Лев Толстой билан хат ёзишган адвокат Убайдулла Асатиллахўжаев, шоир Абдулла Авлоний, Низомиддин Хўжаев кабилар бу гуруҳнинг фаоллари булиб танилдилар. Авлоний унга 1904 йилда аъзо булганини маълум қиласди. Мунавварқори шунинг асосчиларидан эди. 1909 йилда у бошқа маърифатпарвар жадидлар билан бирга «Жамияти хайрия» тузади. 1913 йилда «Турон» жамиятини таъсис этади. «Мактаб», «Нашриёт» каби ширкатлар очади. Жамиятнинг мақсади ерли мусулмон аҳолиси орасида маориф-маданиятга рағбат уйғотиш, уларга моддий-маънавий ёрдам бериш, улар учун саҳна асарлари тайёрлаш ва кўрсатиш эди. Мунавварқори ёшларни ривожланган мамлакатларда үқитиш, шу орқали Миллат ва Ватанини фарзандларга танитиш, дунёни англатиш ишларига алоҳида эътибор берди. 1908 йилдан 1923 йилга қадар унинг файрат ва ташабbusи билан юздан ортиқ туркистанлик чет элда үқиб келди. 1920—23 йилларда бу ташабbusни Бухорода Фитрат ва Файзулла Хўжаев қуллаб-куvvatlab чиқдилар. Маълумотларга қараганда, биргина 1922 йилда Олмонияда үқиётгандарнинг сони 60 га етган. Шулардан тўрттаси (Жаббор Саттор, Саидали Хўжаев, Аҳмад Шукурий, Вали Қаюмхон) тошкентлик эди.

Мунавварқори гарчи театр асари ёзмаган бўлса-да, Туркистандаги театрчилик ишларининг йўлга қўйилишида Абдулла Авлоний ёнида

турди. 1913 йилда тузилган «Турон» жамияти низомида театрчилек ишлари алоҳида таъкидлангани, унинг заминида «Театр» ҳаваскорлари труппаси ташкил топгани бежиз эмас. 1914 йилнинг 27 февралидаги Тошкентдаги «Колизей» (ҳозирги Савдо биржаси биноси)да мана шу труппа томонидан «Падаркуш» драмаси биринчи маротаба саҳнага кўйилади. Томоша олдидан Мунавварқори театр ва унинг аҳамияти ҳақида нутқ сўзлайди. Матбуот бу кунни «Тарихий кун» деб эълон қиласи. Шоир Тавалло эса шу муносабат билан шеър ёзди. Унда шундай сатрлар бор эди:

Чўх мунааввар этти оламни Мунаавварқоримиз,  
Курдимиз равшанлигидин феълимиз, авторимиз.  
Ибрат олинг ёшлар, деб тўқди кўздин ёшлар,  
Нутқида таҳрир эдуб, бизларни йўқу боримиз.  
Чун кўнгулдан биз эшилдуқ, чин-ачиг айтган сўзи,  
Шунча билъатларни билдук, вой, биз икрормиз.

Мунавварқори адид сифатида ҳам маълум эътибор ва нуфузга эга эди. Ҳусусан, унинг «Адиби аввал», «Адиби соний» китоблари дарслек-мажмуя йўсинида ёзилган бўлиб, кўплаб шеърий ва насрый ҳикояларни ўз ичига олган. Ҳар бирининг сўнгида «ҳисса» — холоса чиқарилган. Улар мавзуига кўра ҳар хил. Кўпчилиги тарихий мавзуда. Йўл-Йўналишига кўра ибратомуз пандлардан ташкил топган. Тили содда, ўқилиши қизиқарли. Масалан: «Адиби соний»даги илк ҳикоялардан бири «Искандар ила Арасту» деб номланган. «Утган замонда Искандари Румий деган бир подшоҳ бор эди, — деб бошланади ҳикоя.— Онинг Арасту отлиғ бир олим ва доно отаси бор эди. Искандар Аастуни ўз ёнига бош вазир қилуб, барча мамлакат ишларини топшурмиш эди. Бир иш қилса, шунинг маслаҳати ила қилур эди. Эшикдан келса, ўрнидан туруб, жой берур эди. Узининг отасидан ортуқ иззат ва ҳурмат қилурди. Бир кун вазирлардан бири Искандардан сўради, «На учун Аастуни отангиздан ортуқ иззат қилурсиз?»

Искандар айтди:

«Отам гўёки мени осмондан ерга тушурди. Аммо устозим Арасту мени ердан осмонга кўтарди. Яъни отам мени дунёга келмоғимга сабаб бўлди. Устозим илму адаб ўргатуб, мартаба ва иззатимни ортмоғига сабаб бўлди. Шунинг учун устозимни отамдан ортуқ иззат қилурман».

Бу ҳикоядан ҳисса надур? Болаларнинг ўзлари топсунлар».

Ҳикоялар орасида XX аср бошидаги тарихий воқеалар, ижтимоий-маиший турмуш манзаралари ҳақида ёзилганлари ҳам анчагина. Маълум бўлганидек, Мунавварқори бадиий адабиёт билан яқиндан шугулланган зиёлиларимиздан эди.

У тилшуносликка оид асарлар ёзди. Унинг 1925 йилда эълон қилган Қаюм Рамазон ва Шорасул Зуннун билан ҳамкорликдаги уч-

булимлик «Узбекча тил сабоқлиғи» китоби шу йўлдаги жилдий ишлардан бўлди. Муаллифлар туркча тилшунослик атамалари эндинига шакланаётган бир пайтда шундай мураккаб ишни амалга оширган эдилар.

Лекин Мунавварқори миллат тарихида биринчи навбатда жамоат ва сиёсий арбоб сифатида қолди. У XIX асрнинг 90- йиллари охиридан умрининг сунгигача Миллат ва Ватан равнақи, озодлиги йўлида кураш олиб борди. Унинг бутун ижоди ва фаолияти мана шу икки масала атрофида кечди. Айниқса, унинг 1917- йиллардаги фаолияти қизғин бўлди. У 1917 йил феврал воқеаларидан кўп ўтмай, ўша йилнинг мартаидәк «Шуройи исломия» жамиятини тузди. Миллий, диний заминга суюнган, шариатга асосланган мустақил Туркистон ҳукуматини тушибоясини илгари сурди. «Шуройи исломия»нинг 16—23 апрелда Тошкентда бўлиб ўтган биринчи қурултойида «Туркистон мусулмон депутатларининг Марказий Шўроси» тузилиб, Мунавварқори раис бўлиб сайданди. «Марказий Шуро»да Маҳмудхўжа Бехбудий, Мустафо Чўқаев каби таниқли маърифат ва сиёсат кишилари бор эди.

1917 йилнинг ёзига келиб большевиклар фаоллашдилар. Улар маҳалий зиёлиларнинг бир қисмини, айрим камбағал тоифаларни ўз изларидан эргаштиришга муваффақ бўлдилар. Мунавварқори бундан қаттиқ ташвишга тушди. Октябр тўнташарини ташвиш ва саросима билан кутиб олди. Қўқон (Туркистон) мухториятининг қизғин тарафдорларидан бўлди. Мухторият хоинона бостирилгандан кейин халқни ўйғотиш, кўзини очиш йўлларини қидирди. 1918 йилнинг баҳорида Туркистон халқ дорилғунунининг мусулмон бўлимини тузди. Шу йилнинг майдидан декабрига қадар ушбу мусулмон халқ университетининг ректори вазифасини бажарди, тил билимидан дарс берди, улкан ташкилий ишлар олиб борди. Туркистондаги замонавий олий таълимнинг майдонга келишида узининг муносаби ҳиссасини қўшди. 1919 йилда «Туркистон комиссияси» тузилиб, Москва назоратни кўлга ола бошлигач, Мунавварқори ишдан бўшатилди. 1920 йилда Бухорода халқ жумхурияти ўрнатилгач, уни Бухорога чақириб оладилар. Бухорода амир ҳокимияти ағдарилганда у Бокуда Шарқ халқлари қурултойида эди. Бокудан қайтгач, Бухоро халқ маорифига ишга юборилади. Лекин тўрт ой утар-утмас, 1921 йилнинг 20 марта Ташкентга чақирилиб, икки ойча ишлагандан сўнг, қамоқقا олинади. Тугри, у 1917 йилнинг октябридан кейин узининг шуроларга қарши курашини яширин равища давом эттирган. Буни унинг қўлёзма ҳолида қолган хотиралари очиқ-ойдин кўрсатади. Жумладан, Октябр арафасида «Итиҳод ва тараққий» жамиятида қатнашгани, жамият совет даврида ҳам фаолият курсатгани маълум булади... Бироқ кўп ўтмай Мунавварқори қамоқдан чиқарилади ва яна ўқитувчилик қила бошлайди.

1920- йилнинг урталаридан жадидчilikка муносабат ўзгаргач, Мунавварқорига ҳам хужум бошланади. Шунга қарамасдан у ўз йули-

дан қайтмайди. 1917 йилги Тошкент округ маданиятчиларининг қурутойида жадидчиликни ҳимоя қилиб чиқади. Иккинчи маротаба Мунавварқорини 1929 йилда қамоққа олдилар. Унга миллатчилик айби қўйилди ва 1931 йилда ҳалқ душмани сифатида отиб ташланди.

Мунавварқорининг қатл қилиниши Сталин қатағонининг биринчи тўлқинини бошлаб берган эди.

Узбекистон Жумхуриятининг собиқ ДҲҚ — ҳозирги Миллий Хавфсизлик хизмати архивида Мунавварқорининг «миллатчилик» фолијатига оид юзлаб тўқиб чиқарилган гувоҳликлар, айловлар сақланиб келади. Мунавварқори узоқ йиллар давомида душман сифатида қораланиб келинди. Унинг тарихимиз, маданиятимиз ривожидаги хизматларини ўрганиш ва тақдирлаш ишларининг ҳаммаси оддинда турибди.

## АБДУЛЛА АВЛОНИЙ

(1878—1934)

XIX аср охири — XX аср бошидаги ўзбек миллий маданиятининг машхур вакилларидан бири — маърифатпарвар шоир, драматург, журналист, олим, давлат ва жамоат арбоби Абдулла Авлонийдир. У 1878 йилнинг 12 июлида Тошкентнинг Мерганча маҳалласида, түкувчи Миравлон ака оиласида дунёга келди. Болалиги Миробод маҳалласининг эгри-буғри кўчаларида, кўпчилик қисми руслар ташкил қилган темир йўл ишчилари болалари орасида кечди. Уқчидаги эски мактабда, сўнг мадрасада ўқиди (1885—1886). Мустақил мутолаа билан шуғулланди. Араб, форс, рус тилларини ўрганди. Оренбург, Коzon, Тифлисда чиқиб турган газета-журналларни кузатиб борди. Қисқа муддат ичida у маърифатпарвар сифатида танилди ва ўлгадаги ижтимоий-маданий ҳаракатчиликнинг фаол намояндаларидан бирига айланди.

XX аср бошларида Туркистон маданий ҳаётида юз берган энг муҳим ўзгаришлардан бири мактаб-ўкув ишларида ўзгариш бўлди. Авлоний бу даврда жадидчилик ҳаракатига қўшилиб, Тошкентдаги жадидларнинг фаол иштирокчиларидан бири бўлиб танилди. Авлоний 1904 йилда Мирободда, сўнгроқ Дегрезликда (1903—14) худди шундай янги усулда, янгича мактаб очиб, дарс берди ва дарсликлар ёзди.

1909 йилда мактаб-маориф ишларига ёрдам берувчи «Жамияти хайрия» очиб, етим болаларни ўқитди. «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» номли турт қисмдан иборат шеърий тўпламишининг биринчи жузъини нашр қылдирди. Мунавварқори, Муҳаммаджон Подшохўжаев, Тавалло, Рустамбек Юсуфбеков, Низомиддин Хўжаев, Шокиржон Раҳимий каби таракқийчилар билан шерикликда «Нашриёт» (1914), «Мактаб» (1916) ширкатларини тузди. «Тараққий», «Шуҳрат» (1907), «Осиё» (1908), «Гурон» (1917) газеталарини чиқарди. 1918 йилда

Туркистон Шуролар ҳукуматининг биринчи газетаси «Иштироқиуюн»нинг ташкилотчиларидан ва унинг биринчи мұхаррирларидан бўлди. У совет даврида турли масъулиятли лавозимларда хизмат қилди, қайси вазифада ишламасин илм-маърифат тарқатиш, таълим-тарбия масалалари билан шугулланиб келди, билим юргларида, олий мактабларда ўқитувчилик қилди. 1930—34 йилларда Ўрта Осиё давлат университетида (ҳозирги УзМУ) кафедрани бошқарди.

Авлоний 1927 йилда «Меҳнат Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлди.

Авлоний 30 йилдан ортиқроқ ижод қилди. 1916 йилги мардикорлик воқеаларининг, сўнг инқилобий талотумлару миллий-озодлик курашларининг гувоҳи бўлди. Ўтган давр ичida, ўзи таъкидлаганидек, «ўнлаб шеър ва мактаб китоблари, тўрт театр китоби» қолдирди. Унинг маданиятимиз тарихидаги ўрни ҳақида гап кетганда, икки жиҳатини алоҳида таъкидлаш зарур: педагогик фаолияти ва алабийбадий ижоди. Унинг педагогик фаолияти, таълим-тарбия ҳақидағи фикрлари XX асрнинг бошларида янги босқичга кўтарилган маърифатчиликнинг хусусиятларини белгилашда муҳим манбалардандир.

Авлоний мактаби гуманистик ва эркин тарбия асосига курилган, дунёвий ва иллюр илм-фанни болаларга ўргатишни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйган, ёшларни мамлакатнинг ижтимоий-сийёсий ҳаётига аралаша олиш қобилиятига эга бўлишини таъминлайдиган ҳақиқий ҳалқ мактаби бўлди. Адиб бу мактаблар учун дарсликлар тузди. Унинг аввалги синф шогирдлари учун «Биринчи муаллим» (1911) Октябр ўзгаришигача 4 марта, «Алифбедан сўнгги ўқув китоби»—«Иккинчи муаллим» (1912) 3 марта қайта нашр этилган. Ахлоқий-дидактик мазмундаги «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» дарслиги (1913) XX аср бошлари ижтимоий-педагогик фикр тараққиетида алоҳида ўрин эгаллади. Унда тарбия ва ахлоқ масалалари биринчи маротаба XX асрнинг талаб ва эҳтиёжлари нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Авлоний хулқларни анъанавий яхши ва ёмонга ажратар экан, мулоҳазаларини Гиппократ, Платон, Аристотель, Саъдий Шерозий, Бедил фикрлари билан далиллаган ҳолда замонавийликни асосий мезон қилиб олди. Адиб Ватан мұхаббатини, унинг учун қурашмоқни энг яхши инсоний хулқлардан ҳисоблади. Ватан — бу ҳар бир кишининг туғилиб ўсан шаҳар ва мамлакати. Уни қадрламоқ, севмоқ, яшартмоқ керак. Шоир Ватан ва унга мұхаббат деганда шуни тушунган эди. Тилга, маданиятга мұхаббат эса, ҳар бир кишининг ўз ҳалқига бўлган мұхаббатидир: «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурғон ойинаи ҳаётин тил ва адабиётидир. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмаклур».

Авлоний Ҳижрон, Набил, Индамас, Шұҳрат, Тангриқули, Сурайё, Шапалоқ, Чол, Аб, Чегабой, Абдулҳақ тахаллуслари билан шеър, ҳикоялар ва мақолалар ёзган. Шуни айтиш керакки, Авлоний анча мураккаб ҳаёт ва ижод йўлини босиб утди. У адабиётга ғоявий

курашлар ғоят кескинлашган бир даврда кириб келди. Ҳеч иккилан-масдан маърифат ва тараққиёт учун курашишини маслак этиб қабул қилди. Шоир шеърияти билан танишар эканмиз, қизиқ бир ҳолга дуч келамиз. Үнда бирорта ишқий шеър йўқ. У ижтимоий муаммоларни, эл-юрга ғамини муҳимроқ билади. Ҳалқ ва Ватан баҳтсизлиги олдидаги ҳар қандай муҳаббатни рад этади. Ўз она-диёрини бамисоли «ёр каби севади». Бутун меҳрини шунга бағишлади. Асримиз бошлари Туркистон тақдирида ғоят масъулиятли бўлган, унинг ҳаёт-мамот масаласи ҳал қилинаётган бир пайт эди. Буни Авлоний даврнинг пешқадам зиёлиси, йирик маърифатпарвар, жадидлар таълимотининг фаол тарафдори сифатида тезда илғаб олди.

Дастлабки поэтик асарлари «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» (I, II, III, IV жузлар), «Мактаб гулистони» (1916), «Мардикорлар ашуласи» (1917) китобларида ва «Сабзавор» тазкираси (1914) ҳамда вақтли матбуот саҳифаларида чоп этилган асарлариdir. Уларда илм-маърифат тарғиб қилинган, жаҳолат ва нодонлик, эски тузумнинг ижтимоий-ахлоқий асослари қораланган, озод ва баҳтиёр замон ҳақида фикр юритилган. Шу жиҳатдан Авлонийнинг бу даврдаги шеърлари Ҳамза, Анбар отин поэзиясига оҳангдошлир. Авлоний бармоқ вазнини адабиётда кенг қуллаган. Миллий куйларга мослаб шеърлар ёзган ва поэзиянинг имкониятларини бойитган.

Авлонийнинг адабиёт олдидаги муҳим хизматларидан бири шу булдики, у мардикорлик шеърияти деб аталган янги адабий ҳодисанинг яратувчиларидан бўлди. 1916 йилги мардикорлик воқеаларини ифодаловчи «Бир мардикорнинг отаси ўғлига айтган сўzlari», «Онасининг ўғлига айтган сўzlari», «Афсус» каби шеърлар ёзди. Она юртдан узоқ шимолнинг қорли-музли ерларига, Фронт орқасидаги қора хизматта олиб кетилган мардикорларнинг хайрлашув манзараларини, ҳақсизликни ёритди. Бу шеърларнинг оҳанг ва услуби ҳалқ қушиқларига ғоят яқин бўлиб, улар ҳалқимизнинг миллий уйғонишида муҳим ўрин тутди.

Авлоний 1917 йил феврал инқилобини хурсандчилик билан кутиб олди («Кутулдик», «Ётма» шеърлари). Октябрга бағишилаб «Хуррият марши» (1919), «Ишчилар қулогига» каби шеърлар ёзди, янги социалистик тузумни улуғлади. Лекин кўп ўтмай, рус Шуро тузуми эски Чор тузумининг олдингидан баттарроқ шакли эканлигини, Шуро сиёсати риёкорлик асосига қурилганлигини англай бошлади. Жумладан, тантанавор ваъда қилинган эркинликнинг берилмаганлиги шоир ижодидаги гамгин-тушкун оҳангларнинг пайдо бўлишига олиб келди («Ҳафталик соатда» 1919). Шуларга қарамасдан Авлоний турли мазуларда шеърлар ёзди. 1919—1920 йилги Афғонистон сафарига доир «Афғон саёҳати» кундаликлари эса мамлакатимизнинг ён кўшнимиз билан ўзаро дустлик, тутувлик алоқаларининг ўрнатилиши тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Авлоний ўзбек театрининг асосчиларидан эди. У 1913 йилда «Туркистон» театр трулпасини тузди. «Туркистон» ўзининг қатъий Низомини ҳам эълон қилди. Унинг ташкилотчиси ҳам, гоявий-бадиий раҳбари ҳам Авлонийдир. Труппа «Заҳарли ҳаёт» (Ҳамза), «Бахтсиз куёв» (А. Қодирий) каби XX аср бошлари узбек драматургиясининг энг яхши намуналарини саҳнадаштирган, театр озарбайжон драматурглари асарлари («Бадбаҳт келин», «Хур-хур», «Жаҳолат», «Уликлар», «Жой ижарага олган киши», «Ман ўлмишам», «Лайли ва Мажнун», «Асли ва Қарам») ни ўзбекчага таржима қилиб саҳнага қўйган. Авлонийнинг узи Маллу («Лайли ва Мажнун»), Файзибой («Бахтсиз куёв»), Алибой («Тўй»), Бой («Падаркуш») ролларини ижро этган.

Авлоний «Адвокатлик осонми?» (1914), «Пинак» (1915) комедиялари, 1914—17 йилларда ёзган «Биз ва Сиз», «Португалия инқилоби», «Икки севги» каби фожеавий асарлари билан узбек драматургиясининг майдонга келиши ва театрчиликнинг халқ орасига томир отишига муҳим ҳисса қушди. Адвокат Давронбек орқали Туркистондаги хукуқсизлик, дунёдан хабарсизликни фош этди. «Адвокатлик осонми?» деган асарида бир қатор кўкнори ва қиморбозлар образини яратиб, маънавий турмушнинг тубан бир ҳолга келиб қолганлигини кўрсатди. Монархияга қарши кураш байроби остида кечган 1910 йилги Португалия инқилоби, 1909 йили Туркияда юз берган «Ёш турклар» инқилоби («Икки севги») ҳақида ёзил, адабиётимизда мавзувағоялар кўламини кенгайтирди. «Биз ва Сиз» да эса XX аср бошидаги Туркистоннинг эскилиқ ва янгилик борасидаги курашини аниқтақдирлар мисолида ёритиб берди.

Авлоний асосий ижодий фаолиятининг энг сермаҳсул йиллари 1917 йилдаги Октябр тўнтишига қадар бўлган даврга тўғри келади.

Авлоний ижоди 1960- йилларнинг охиридан урганила бошланди. Ҳозирда унинг турли жанрлардаги асарларидан намуналар алоҳида китоблар ҳолида чоп этилган.

## АВАЗ ҮТАР

(1884—1919)

Аваз Үтар ўғли 1884 йилнинг август ойида Хива шаҳрида, сартарош оиласида дунёга келди. Шоирнинг отаси Полвонниёз Үтар Гадойниёз ўғли халқ орасида «уста» номини олган, замонасиининг машҳур шоир ва санъаткорларидан Огаҳий, Комил, Баёний кабилар билан қалин дўст бўлиб, саройда сартарошлиқ қилган.

Аваз дастлаб мактабда, кейин эса Мадамин Иноқ мадрасасида таҳсил олади. Авазнинг адабиётга ҳаваси жуда эрта ўйғониб, мадрасада ўқиб юрган даврида ёқ Шарқ адабиёти мумтоз вакилларидан Хоғиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Лутфий, Алишер Навоийларнинг ижоди билан яқиндан танишди ва уларга эргашиб машқий

шеърлар ёза бошлади. У тез орада халқ ўртасида танилиб, шеърлари созанда ва хонандалар томонидан куйга солиниб қушиқ қилиб айттиди.

Шоирнинг устозлари Баёний, Табибий, замондоши Жуманиёз Хивақий, дўсти Ҳасанмурод Қори — Лаффасий ва бошқалар унинг истеъдодига юксак баҳо берганлар. Ёш шоир Аваз Ўтар ҳақидаги бу хилдаги маълумотлар Хива хони Муҳаммад Раҳим соний — Феруз қулогига етиб боради ва Авазни саройга чақиририб, Табибийга шогирд қилиб топширади. Табибий жуда кўп илм аҳлига гамхўрлик қилганидек, Авазга ҳам ахлоқ, илм ва шеърият бобида кўп нарса ўргатади. Шунинг учун шоир турли даврларда ёзилган шеърларида Табибийни ўзига устоз билиб, зўр хурмат билан тилга олади.

Не ғам эмди, Аваз, назм илмида бўлсанг Табибийлек,  
Ки дерлар, кўрган эл назмингни устодингга салломон<sup>1</sup>.

Аваз камолотга етган бир пайтда сил касалига чалинади ва даволаниш учун Кавказга (1905—1906) боради. Аваз Ўтар Кавказга бораётуб Бокуда бир оз муддат тўхтайди. Бокуда шоир озарбайжон демократлари билан учрашиб дўстлашади ва улар билан кейин ҳам ижодий алоқада бўлади. Кавказ сафари Аваз ижодида алоҳида аҳамиятга эга бўлди. У сафар давомида Россия ва Кавказ халқлари ҳаёти, маданияти, адабиёти ва бошқалар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди, озарбайжон халқининг илм-фан, маданият янгиликлари билан қизиқди, рус, озарбайжон, татар тилларида чиқадиган газеталарни мунтазам равишда кузатиб борди. Тошкент ва Сармарқандда чоп этилган матбуот билан бевосита алоқа боғлаб, ёзган газалларидан баязиларини уларда нашр ҳам эттирди.

Шоир ижоди жуда ҳам ранг-баранг, қамрови ниҳоятда кенг. У мумтоз адабиётимиздаги фазал, мухаммас, мустазод, мусамман, мурраббаъ, муламмаъ, таржеъбанд, соқийнома, рубойй, қитъа, фард каби турларида ижод қилди. Аваз Ўтар ниҳоятда қисқа умр қўрди. У 1919 йилда 36 ёшда вафот этди. Унинг бу қисқа умри ҳам машақватлар, фожеалар билан ўтди.

Аваз Ўтардан бизга бой поэтик мерос қолди. У ҳаётлик вақтидаёқ шеърларини бир жойга жамлаб девон тартиб қилди ва уни «Саодат ул-иқбол» («Бахтили иқбол») деб номлади. Шоир тузган девонини 1908 йилда хаттот мулла Болтаниёз Курбонниёз ўғлига бериб кўчиртирган. Шоирнинг бу девони ЎзРФА Абу Райхон Беруний номли Шарқшунослик институтининг кўлёзмалар фондида сақланмоқда. Бундан кейин ҳам Авазнинг шеърлари тўпланиб, улар девон ҳолига келтирилган. Унинг газаллари Хивада литография усулида ҳам ўзи ҳаёт вақтидаёқ чоп этилган эди. Аваз ижодидан намуналар Хоразмда

<sup>1</sup> ЎзРФА ШИ, қўлёзма, инв. № 7102, 8-саҳифа.

кучирилган турли хил баёз ва тазкиралардан муносаб урин олди. Шоирнинг асарлари «Ойна», «Вақт», «Мулло Насриддин» каби вақтли матбуот саҳифаларида чоп этилган. Инсон ва ҳётни, севги ва садоқатни ўз ижодининг асоси қилиб олган Аваз севгини садоқатсиз, меҳрни оқибатсиз тасаввур қилолмайди. Бу эса шоир лирикасининг етакчи гоявий асосини ташкил қиласди. Аваз Ўтарнинг Фузулий, Мунис, Огаҳий, Комил, Феруз ва бошқа шоирларнинг ғазалларига боғланган тахмислари ҳақида ҳам шу хилдаги фикрларни айтиш мумкин. Шоир озарбайжон адабиётининг буюк сиймоси Мұхаммад Фузулийнинг хур муҳаббат ва шахс эркинлиги масаласига бағищланган «Ёзмишлар» радифли ғазалига гузал мухаммас боғлади. Мухаммасда шоир инсонларнинг баҳтли бўлишлари ижтимоий тузум билан ҳам мустаҳкам боғлиқ деган холосага келади.

Маърифатпарварлик гояларини кенг тарғиб этиш Аваз Ўтар ижодига хос хусусиятлардан биридир. Бу унинг «Тил», «Мактаб», «Халқ», «Фидойи халқим», «Топар экан қачон?» деган шеърларида яққол кўринади:

Ҳар тилни билув энди бани одама жондур,  
Тил воситайи робитайи олами ёндур.  
Ғайри тилни саъӣ қилинг билгали ёшлар,  
Ким илму хунарлар биланки ондин аёndур.  
Лозим сиза ҳар тилни билув она тилидек,  
Билмакса они гайрат этинг фойдали кондур.

Бу ғазал бугун ёзилгандек, давр кун тартибиға қўйган буюк ишлар ҳақида фикр юритаётгандек бизга хизмат қиласди.

Аваз Ўтарнинг ҳажвий асарларида эса Чор чиновниклари ва маҳаллий амалдорлар, давлат орттириш йулида алдамчилик, риёкорлик қилувчи бойлар, судхўрлар ва шуларга ухшаш разил шахсларнинг қилмишлари фош этилган.

Аваз Ўтар бир қатор асарларида ижтимоий тенгсизликни ва унинг кескинлашиб бораёттанилигини ҳаққоний тасвиirlab, фалакни «гаддор», замонани эса «каж» деб атайди. Шоир ижтимоий руҳдаги шеърларида ўзининг озодлик, баҳтли ҳёт ҳақидаги қарашларини баён қилган. «Хуррият», «Сипоҳийларга», «Халқ», «Топар экан қачон?» «Фидойи халқим», «Уламоларга» каби қатор асарларида Аваз Ўтарнинг келажак хусусидаги фикрлари ўз аксини топган.

Аваз Ўтарнинг ижтимоий шеърияти замирида зулм ва зўравонлик ҳисобига тўпланган бойликларга нафрат, икки томонлама зулм остида қолган меҳнаткаш халқ ҳётига ачиниш туйғуси ётади. Шоир уша жамиятда яшаб турган кишилар ўртасидаги тафовутларни, қарама-қаршиликларни рўй-рост очиб ташлайди.

Чор Россиясининг Биринчи Жаҳон урушига қўшилиши хоразмликлар бошига ҳам янгидан-янги кулфатларни ёғдирди. Меҳнаткаш

халқ ақволи баттар оғирлашди, солиқларнинг күплигидан халқнинг тинкаси қуриди. Аваз Ўтар оч-яланғоч ақволга тушиб қолган халқ ҳаётини күриб қаттиқ ачинади:

Йўқ жаҳон мулкида биздек ожизу бечора халқ,  
Зулм тиги бирла бўлған бағри юз минғ пора халқ...  
Эй, Аваз, бўлмас шунингдек барҳо оввора халқ.

Аваз Ўтар ўз ижодининг дастабки даврларида халқнинг азоб-уқубатда ящаганинги куриб зорланган ва озодликка чиқиш йулларини тушуниб етмаган бўлса, энди икки томонлама зулм ва қолоқликдан кутулиш мумкин эканлигини англади. Унинг ижодида озодлик, эркин-фаровон ҳаёт ҳақидаги фикрлар биринчи ўринга чиқди. Хивада 1917 йил апрел ойида халқ озодлик учун чоризм сиёсатига қарши курашга отланди. Аваз Ўтар бу воқеаларга бағишлиб ўзининг «Хуррият» шеърини ёзди:

Сиёсат маҳв бўлди, яшасун оламда хуррият,  
Бори эл эттифоқ ила жаҳонни айласун жаннат...

Шоир шеърда хуррият натижасида халқ бошига тушган кулфатни, адолатсизликни куйиниб куйлади. Исфандиёрхон хуррият натижасида «садик фуқароларима идораи машрутия бердим. Олар ўзлари тилаганча мамлакатни идора қилсун, ҳам фуқароларнинг маслаҳати билан сайлов қилиб ҳукумат ишларини халқ тилаган одил одамларни тайин қилисунлар» деб фармон чиқаради. Лекин чоризм бунга қарши генерал Мирбадалов қўшиниларини Хивага юборди ва улар Идораи мушрутага сайланган вакилларни маҳв қилдилар, қўзғолон кўтарган халқдан қаттиқ ўч олдилар. Бунда Аваз халқ манфаатларини ҳимоя қилиб шеърлар ёзди. Элнинг орзу-умидларини ҳамма нарсадан юқори куйди. Халқ саодати учун курашишни баҳт ва эзгулик деб билди. Бу ээгу иш учун жонини қурбон қилишга ҳам тайёр эди:

Фидойи халқим ўлсун танда жоним,  
Бўлуб қурбон анга руҳи равоним.  
Гар ўлсам дарбадар мазлумлар учун,  
Булдуру мақсади ҳалби нотавоним.  
Мани солса фано йўлига даврон,  
Юрур устимдан авлоди замоним.  
На яхши йўлаким маъқулу манзур,  
Аваз, халқим учун тўкулса қоним.

Аваз Ўтар ўзининг бутун ижодий кучини халқига хизмат қилишга бағишлиди. Шоир баҳт-саодат, озодлик ҳақида ёниб куйлади. Шу боисдан бўлса керак, ўзининг девонига рамзий маънода «Саодат ул-иқбол» деб ном куйди. У вафотидан сал илгари ёзган шеърларидан бирида:

Хуш ул күнглум, келар бир кун баҳт боғидаги ратьно,  
Кўкарғай мавж уруб, қирларда лола бўлгуси пайдо.  
Мани ёд этгай авлодим, мазоримни Ураб гулдин,  
Ишончим шундадир бўлгай мазарим бир зиёратгоҳ.  
Қабиҳ онларда эркин куйладим, дустлар, биродарлар,  
Эзилган элга, бўлгай бу замон иқбол ёруқ даргоҳ.  
Аваз, ўлган билан жисминг, қолурки ўчмагай номинг,  
Ва кому истагинга ғов бўлолмас бўлса-да Доро!

— деб ёзганида тамоман ҳақ гапни айтган эди. Шоирнинг бу истаги ва ёниқ орзулари бизнинг давримизда руёбга чиқди. Ҳозир Аваз ўтар узининг иккинчи умрини яшамоқда. Унинг номига мактаб, муассаса, жамоа ва давлат хўжаликлари, куча ва хиёбонлар қўйилган. Шоир юбилейлари ўтказилиб, китоблари қайта-қайта нашр этилмоқда, газаллари созандга ва гуяндалар томонидан ашула қилиб айтилмоқда, адабий мероси олимларимиз томонидан ўрганилмоқда, ижоди мактаб ва олий ўкув юртларида ўқитилмоқда.

## ФИТРАТ

(1884—1938)

Фитрат XX аср ўзбек адабиёти, фани ва маданиятининг йирик вакили, қомусий билимга эга олим, адабиёт назариячиси, ўткир тилшунос, бетакрор драматург ва шоир, жанговар публицист, ношир ва журналист, талантли давлат ва жамоат арбоби.

Абдурауф Фитрат ўз таржимаи ҳолида ёзишича, 1884 йилда Бухорода туғилган (С. Айний уни 1886 йилда дунёга келган дейди, ҳозирги дарсликлар ва илмий тадқиқотларда ҳам шу санани такрорлашади). Фитрат — Абдурауфнинг тахаллуси бўлиб, «түфма истеъдод» маъносини беради. Отаси Абдураҳимбой савдо билан шуғулланганни боис чет элларга чиқар, дунё ахволидан боҳабар, уқимишли ва таникли одам эди. Фитрат оиласининг тұнғич фарзанди бўлиб, бошлангич тарбияни диний мактабда, сўнг машҳур «Мирараб» мадрасасида олган. Форс ва ўзбек тилларининг мукаммал билимдони бўлмиш Фитрат араб тилини ҳам чуқур эгаллаб, шаҳарда юз бераётган ижтимоий-сиёсий воқеаларга, айниқса, жадидчилик ҳаракатларига қизиқиб қарди. Узининг айтишича, аввал жадидлар ҳаракатига қаршилик қилди, кейин унинг моҳиятини англаб етгач, бу ҳаракатга қўшилди, ҳатто ашаддий тарғиботчиларидан бирига айланди. Жадидлар маслаҳати ва ёрдами билан бир гурӯҳ ёшлар, жумладан, Фитрат Истамбулга ўқишига юборилади. У 1909—1913 йилларда Туркияда таҳсил олди. Туркиядаги ҳаёти Фитратнинг дунёқараши, сиёсий онги ва адабий дидини ўзгартириб, устириб юборди. Туркистон халқи ҳаётига Туркиядаги ўзгаришлар (бу пайтда у ерда «Ёш турклар инқилоби» воқеаси бўлган эди) ва илғор мамлакатлар нуқтаи назаридан қарай бошлади: диний

хурофтларни кескин танқид қилишга, ҳатто динни, мактаб-маорифни ва Туркистондаги идора усулини ислоҳ этиш ғояси билан нафас олди. Фитрат 1909 йилда Истамбулда «Ҳиндистонда бир фарангি ила бухороли бир мударриснинг бир неча масалалар ҳамда усули жадида хусусида қилган мунозарааси» китоби босилиб чиқди. Амир асарни Бухорода босилишига руҳсат бермагач, Истамбулда нашр эттирган эди. Асар форсча ёзилган, уни Ҳожи Муин узбекчага айлантириди ва «Туркистон вилоятининг газети»да бостириди (1911 й.). 1913 йилда эса асар алоҳида китоб ҳолида чиқди, унга Беҳбудий кириш сузи ёзди. «Ҳибис қилиш, үлдириш, сангсор қилиш кундаги одатлардан эди,— деб ёzáди Фитрат,— у замонларда китоб ёзишнинг ўзи «коғир»лик эди. Мен шу вакълларда биринчи асарни ёздим. Бухоронинг идора усулини, таълим-тарбия усулини, бир куй расмий идораларни танқид қилдим. Бу китоб Бухорода тарқалар эди. Унинг ноширлари бўлғон Бухоро жадидларини таҳдикага туширмаслик учун амирга қаратиб бир сўзбоши ёздин ва шунинг билан гўё, танқиднинг унга эмас, маъмурларига оид бўлғонини кўрсатдим».

Китоб Бухорода ижтимоий онгнинг жонланишига катта туртки бўлди, ҳатто ҳукумат томонидан таъқиб қилинаётган жадид мактабларининг кўплаб очилишига, мактаб-таълим ишларининг жонланишига ёрдам берди. Ахир ундаги «Ислом мамлакатлари нега вайронава ҳаробазор қолиши керак. Бунинг сабаби нимада?», «Бу бечораларнинг нега ейишга нони йўқ?» каби жиддий савол ва мулоҳазалар халқ онгига таъсир этмасдан иложи йўқ эди.

Фитрат адабиётнинг ҳамма жанрларида қалам тебратди ва ўз орзу-армонлари, эзгу тилакларини тарғиб эта бошлади. 1910 йилда Истамбулда форс тилида «Сайҳа» («Бонг») деган шеърлар тўпламини бостириди. «Ҳинд сайёхининг қиссаси»ни ҳам форсчада ёзди ва 1912 йилда Истамбулда нашр эттириди.

Фитрат Туркиядан қайтгач, Бухоро, Самарқанддаги қизғин адабий жараён, маданий, маориф ишларига ва сиёсий ҳаракатларга фаол аралашиб кетди. Жадидчиларнинг бир гурухи маориф-маърифат орқали халқ аҳволини яхшилашга интилишса, иккинчи гуруҳи давлат тизимини ислоҳ этиш, қайта қуриш орқалигини халқ ва юрг аҳволини ўнглаш мумкин, деган сиёсий йўлдан юришга интилди. Шу мақсадда 1917 йил феврал инқилобидан кейин ёш бухороликларнинг инқилобий партияси тузилди. Марказий Кўмита аъзолари орасида Фитрат саркотиб сифатида ва Файзулла Хўжаев аъзо сифатида иштирок этилди. Партия Амирни ислоҳга даъват этди ва у қоғозда кўп хайрли ишлар қилишга ватъда берди, амалда ўз билганидан қолмади. Фитрат матбуот орқали ҳам ўз ғояларини тарғиб этишга интилди. Самарқандда 1917 йил апрелидан «Ҳуррият» газетаси чиқа бошлаган эди, аввал унга Мардонкул Шоҳмуҳаммадзода, кейин 27—28-сонларига Фитрат муҳаррирлик қилди. 1917 йил Октябр тўнтариши муносабати билан шу «Ҳуррият» газетасида Фитратнинг «Ру-

сияда янги бало бош кутарди — большевик балоси!», деган қайди босилди (ўша газетанинг 1917 йил 49-сонида).

Туркистон мухторияти тузилганда (1917 й. ноябр) Фитрат Самарқандда эди. Шу ердан унга вакил-аъзо қилиб сайланди. Ўзининг «Хуррият» газетасида бу воқеани юракдан қувватлаб мақола эълон қилди: «Эллик йилдан бери эзилдик, таҳқир этилдик. Қўлимиз боғланди, тилимиз кесилди. Оғзимиз қопланди. Еримиз босилди. Молимиз таланди, шарафимиз емрулди. Номусимиз фасб қилинди, инсонлигимиз оёқлар остига олинди. Тўзимли турдик. Сабр этдик. Кучга таянган ҳар буйруққа бўйсундик. Бутун борлиғимизни қулдан бердик. Ёлғиз бир фикрни бермадук, ёшунтирудук, имонларимизга ўраб сақладук. Бу — Туркистон мухторияти.

Маҳкамама эшикларидан йиғлаб қайтганда, ёруқсиз турмаларда ётганда, йиртқич жандарманинг тепкиси билан йигилғонда, юртларимиз ёндурулғонда, диндошларимиз осулғонда онгимиз йўқолди. Миямиз бузулди. Кузимиз ёғудусиз қолди. Бирор нарсани кўролмадик. Шул чоғда тушкун руҳимизни кўтартмак учун, шул қоп-қора дунёнинг узоқ бир еридин ойдин бир юлдуз ялқиллаб турар эди. Бирор нарсага утмаган кўзимиз шуни кўтарар эди. Ул нима эди? Туркистон мухторияти!» («Хуррият», 1917, 5 декабр).

Фитрат 1921 йилда Бухорога келиб давлат ишларида фаол иштирок этди. Бир қанча масъул вазифаларда ишлаб, Бухоронинг ривожи учун қулидан келган ёрдамини берди. Аммо Ф. Ҳўжаев бошчилигидаги Бухоро хукумати раҳбарларининг миллатнинг тараққиёті учун олиб бораётган кенг кўламдаги яхши ишлари Москвага ёқмади. Москва Бухоро хукуматининг таркиби бой, садогарлардан иборат бўлиб қолган, деган айбни қўйиб, хукумат аъзолигидан беш кишини, жумладан Фитратни ҳам чақиради (1923 йил 12 июн Пленуми). Фитрат Москвага кетишга мажбур бўлади. У ерда Шарқ тиллари институтида илмий ходим бўлиб ишлади (1923—1924). Шу йиллар унга профессорлик унвони берилди.

Фитрат Москвадан қайтиб келгач, Бухоро, Самарқанд, Тошкент университетларида дарс берди. Ўзбекистон Давлат илмий-тадқиқот институтида, тил ва адабиёт институтида, Ўзбекистон Фанлар кўмитасида ишлади. Бу йиллари у шеърлар, пьесалар билан бирга ниҳоятда кўп ва теран илмий асарлар ёзди. Аммо Фитратнинг миллатпарварлиги большевиклар ва Шўро хукумати раҳбарларига ёқмас эди. Уни А. Қодирий, Чўлпон, Боту, У. Носирлар билан биргаликда миллатчиликда айблаш тобора авж олди. Фитрат «Мен ўзбек миллатчиси бўлган замонларда (миллатпарвари демоқчи.—С. М.) ҳар вақт Шўро хукуматига коммунистик фирмасига хайриҳоҳ бўлиб турдим», деб ёзган эди. Афсуски ҳалқ идеали ва баҳт-саодати, ҳақиқат, адолат, маориф, фан, маданият ва миллат тақдиди учун туну кун меҳнат қилган бу улуғ зотни шу партия, шу Шуролар хукумати аксилин-қилобчи, миллатчи, «халқ душмани» деб айблади, 1937 йил апрел-

да ҳибсга олди ва 1938 йил 4 октябрда А. Қодирий, Чуллонлар билан бергра ваҳшийларча отиб ташлади. Уларни отиш ҳақидаги ҳукм бир кун кейин, яъни 1938 йил 5 октябрда чиққан. 1957 йилда собиқ Иттифоқ Олий судининг ҳарбий коллегияси 1938 йил 5 октябрдаги ҳукмни бекор қилди ва Фитратни айбсиз деб топди.

Фитрат кўпқиррали ва сермаҳсул ижодкордир. Бу — унинг оз ва соз лирикаси, кўпқиррали драматургияси, жанговар публицистикаси ва катта ҳажмдаги чукур илмий-тадқиқотлари. Унинг ижодий ишлари ва ижтимоий фаолияти ҳалқни жаҳолат, турғунлик, ғафлатдан уйғотиш, илм-маърифатга чорлаш, эркин, озод, баҳт-саодатли ҳаётга, биринчи навбатда миллий мустақилликка чорлашга қаратилган эди. У узбекнинг узлигини таниши, ота-боболари каби улуғвор қашфиётлар қилишга, бирлашган, кучли, қудратли давлат тузишга ва дунёнинг илғор маданий мамлакатларига етиб олишга чақирди. Бутун ижодининг моҳияти ҳалқнинг қалб кузини очишга ва меҳнат, яратиш, ўқиши-униш, курашга даъватдан иборатдир. У илк туплами «Сайҳа»нинг кучи Файзула Ҳўжаев таъкидлаганидек, «Бухоро мустақиллиги ғояси ёрқин миллий шаклда биринчи бор ифодалаб берилишида эди». Шу туфайли бу тупламнинг Бухорода босилишига амир Олимхон қаршилик қиласи. Туплам Ватанга муҳаббат, ҳалқнинг ғам-ғуссанига ачиниш ва зулмдан кутулишга ундаш туйғуси билан йўғилган:

Ҳам моҳи мангу осойиши, иззу шарафи ман,

Ҳам Каъбаи ман, қиблай ман, чамани ман.

(У — менинг осмондаги осойишта ойим, иззатим, шарафим,

У — менинг Каъбам, саждагоҳим, жону танимдир).

Фитратнинг «Учқун» деган тўпламининг чиққанлиги туғрисида хабар босилган (1923 йил), лекин у топилмаган. Республика матбуотида ва «Ўзбек ёш шоирлари» тупламида (1922 йил), бошқа манбаларда унинг талайгина шеърлари босилган. Гарчанд Фитрат форс, араб тилларини яхши билса-да, уз шеърларида иложи борича уларни ишлатмасликка ва содда узбек тилида ёзишга интилди. Унинг устига Фитрат уз бадиий ижоди ва илмий мақолалари орқали бармоқ вазнининг қулийлиги ва кенг имкониятларини тарғиб қиласи. «Бир оз кул!», «Ишқимнинг тарихи», «Яна ёндим...», «Қор» каби шеърлари соддалиги ва туйғу, кечинмаларни ҳаққоний ифодалаб бериши билан жозибалидир. «Ўқитувчилар юргита» шеърида элни маърифат, ҳақиқат йўлига йўналтириш ва жаҳолатга қарши курашга даъват этади:

Орқадошлар, тўпланайлик жаҳлнинг уйин йиққали,

Эл кузин олғон қоронғу пардаларни йиртқали.

Фитратнинг «Шарқ» шеърида Шарқни, юртни талаган, оёқости қиласи, эркию бойлигини ўғирлаган босқинчиларга чексиз нафрati очиқ айтилади.

Фитратнинг машҳур шеърларидан бири «Миррих юлдузига» деб номланади. Бу шеър унинг бошига кўп кулфатлар солди, уни миллатчи деб айблашда яна бир қушимча дастак булиб хизмат қилди. Шеърда Фитрат юлдуз баҳонасида Аллоҳга мурожаат этиб, большевикларнинг, босқинчи рус аскарларининг ваҳшийликларини фош этади ва юртдошларини уларга қарши озодлик курашига даъват этади:

Борми сенда бизим каби инсонлар,  
Икки юзли ишбузарлар, шайтонлар,  
Ўртоқ қонин қонмай ичган зулуклар;  
Қардош этин қўймай еган қоплонлар?  
Борми сенда ўксуз йўқсулнинг қонин  
Гурунглашиб, чоғир каби ичканлар?  
Борми сенда бутун дунё тузугин  
Ўз қопчиғин тўлдиргани бузганлар?  
Борми сенда бир ўлкани ёндириб,  
Ўз қозонин қайнатгувчи ҳоқонлар?  
Борми сенда қорин, курсоқ йўлида  
Элни, юртни, борин-йўгин сотқонлар?

Шу мисолларнинг ўзиёқ Фитрат шеъриятининг миллий уйғониш ва инқилобий руҳдаги ҳаққоний, мардана йұналишда эканлигидан далолат беради. Фитратнинг «Сайёҳ ҳинді» («Ҳинд сайдёнининг қисаси») насрый асари 1912 йилда босилди. Асарда жаҳон халқлари, илғор мамлакатлар фуқароси кўзи билан Бухоро, умуман Туркистоннинг давлат тузумига, тартиб-қоидасига, маорифига назар ташлаб, улардаги ибратли жиҳатларни кўллаб-кувватлаб, иллатларини эса беаёв фош этади. Асарни Бухорони, умуман Туркистонни эрк йўлига олиб чиқиши дастури дейиш мумкин. «Умаро» бобида Фитрат амалдорлар «хукмронлик отига миниб, бечораю бадбаҳт халқнинг мол, жон, арз, номус ва шарафини шафқатсизларча поймол этдилар», «Ҳаммага маълумки, ҳар бир миллатнинг тараққиёти учун илм асосий сабабдир», дейди.

Фитрат тижорат ва бой булишни тарғиб этади, аммо бойликка сажда қилиш, иймон-эътиқодни, инсофни йуқотиши қоралайди. Асарда халқни бирлашишга, завод-фабрикалар куришга, тижоратни ривожлантиришга чақиради.

Бу кучирмани келтиришимизнинг боиси яна шундаки, Фитрат 1920 йилда «Чин севиши» ва ундан уч йил кейин «Ҳинд ихтилочлари» фожиасини ёзади. Бунда инглиз босқинчиларидан Ҳиндистонни озод қилишга киришган ёшларнинг жасорати курсатилади. Бу гоя «Чин севиши»да ҳам бор эди. «Чин севиши» Фитратнинг сиёсий-фалсафий йұналишдаги кучли асаридир. Фитрат тасаввуф, нақшбандлик, яссавийчilik туғрисида рисола, мақолалар ёзган. «Чин севиши»да буларнинг таъсири сезилади. Фитрат Оврупонинг давлат тузуми, фан-тех-

ника соҳасидаги барча ютуқларини урганиш, узлаштириш тарафдори. Аммо у ерда меҳр-шафқатлиликни бир чеккага суриб, бутун чоралар билан фойда кетидан қувишни, пул, олтинга сажда қилишни қаттиқ танқид қиласди. Асардаги жуда күп ўринлар қизил империяга ҳам қаратадайтилган тигли сұзлар эди: «Куръонни ҳайвон тепкисидан күтқаришдек буюқ», «чучқани масжиддан ҳайдаш» каби әзгу иш лозим, «улар таловидан қутулмоқ учун бирлашмоқ» керак ва «Масжидда номоз учун йиғилғанлар — сиёсий йигин ясағон бўлиб, тўпга боғланар, эр билан хотин ўзаро кўпроқ гапирганда ҳукуматга қарши бўлиб, дорга осилар. Бу кун, устидангина шу ўлкага қараганда йиқилғон шаҳарлар, ёндирилган қишлоқлар, таланган уйлар, кесилгон бошлар, осилғон гавдалар, тўкилған қонлардан бошқа бир нарса кўрмаймиз...» Фитрат пьесаси ҳатто «Йиртқичлардан элимизни қутқарамиз!» деган нидо билан тугайди. Фитратнинг «Абулфайзхон» (1924 й.) трагедияси гарчанд XVIII асрда яшаган Аштархонийлар сулоласининг сунгти вакили Абулфайзхон ҳаёти ҳақида ҳикоя қылса-да, аслида ўша «босмачилик» даври — халқ озодлиги кураши даврига ҳамоҳанг эди. Фитрат зулм, адолатсизлик, зўравонлик мамлакат ва халқни хароб қиласди, адолатсиз шоҳнинг қисмати ҳам фожиа билан тугайди, «подшолик қон билан сугориладиган бир ёғочдир!» дейди.

Фитрат «Арслон» ва яна бир нечта пьесалар ёзган, афсуски уларнинг кўпчилиги ўз вақтида босилмай йўқолиб кетган. У диний мавзуда илмий рисола, пьесалар, ҳикоялар ёзди. «Қиёмат» (1924 й.), «Шайтоннинг тангрига исёни» (1924 й.), «Рўзалар» «Мельрож», «Зайнабнинг иймони», «Оқ мозор», «Қийшиқ эшон», «Зайд ва Зайнаб» каби асарлари шулар жумласидандир.

Фитрат зўр адабиётшунос, кучли назариячи ва ўткир тишлиунос эди. Унинг «Ўзбек тили грамматикаси» («Сарф», «Наҳв», 1924—30 йилларда олти маротаба нашр этилди), «Тожик тили грамматикаси» (1930 й.) ва тил ҳақидаги ўнлаб мақолалари улкан, олимлигидан гувоҳдир. «Адабиёт қоидалари», «Аруз ҳақида» китоблари ҳозир ҳам илмий-назарий қимматини йўқотмаган. Фитратнинг «Эски ўзбек адабиёти намуналари», «XVI асрдан сунгги ўзбек адабиётига умумий бир қараш», «Чигатой адабиёти» каби йирик тадқиқотлари ва Умар Хайём, Фирдавсий, Яссавий, Навоий, Муҳаммад Солиҳ, Бедил, Машраб, Турди, Фурқат, Муқимий, Нодира тўғрисидаги китоб ва мақолалари шу давр ўзбек адабиётшунослигига бир воқеа, бир давр бўлиб тарихга кирди. Унинг ўзбек мусиқаси тарихи, шахмат тўғрисидаги мақола, китоблари қомусий илм эгаси эканлигини тасдиқлайди. «Тилимиз» мақоласида битта «бил» ўзагидан 98 та сўз ясаш мумкинлигини ва ўзбек тилининг сўз бойлиги форс, араб тилларига нисбатан кўпроқ эканлигини исботлаб, лекин ҳозир ўз мавқеига эга эмаслигини, «энг баҳтсизлигини» таъкидлайди. Фитрат улуғ, бетакор ижодкор эди.

## САДРИДДИН АЙНИЙ

(1878—1954)

XIX асрнинг сўнгти чорагида туғилиб, XX асрнинг ургаларига қадар яшаб ижод этган Садриддин Айний узбек ва тожик адабиётлари тараккиётiga муайян ҳисса қушган зуллисонайн ёзувчидир. У мансуб бўлган ёзувчилар авлоди халқ ва жамият ҳаётидан узоқлашиб қолган мумтоз Шарқ адабиётiga янги тўлқин беришга, уни янги тарихий даврнинг фоялари билан бойитишга интилди. Шу маънода Садриддин Айний ва унинг қаламкаш биродарлари XX асрнинг 10- йилларида янги типлаги ўзбек ва тожик адабиётiga пойдевор кўйдилар.

Садриддин Айний 1878 йили Бухоро вилоятининг Фиждуон туманига қарашли Соктаре қишлоғида туғилди. Ўн бир ёшида ота ва онасидан етим қолди. Маърифатпарвар отаси кўлида дастлабки таълимни олган Садриддин Айний 1890—1899 йилларда Бухородаги мадрасаларда таҳсил кўриб, ўз даврига яраша пухта билим эгаллади. Калькутта, Богчасарой, Уфа, Оренбург, Қозон сингари шаҳарларда нашр этилган газета ва журнallар билан танишиш, айниқса, Фитратнинг Туркияда босилиб, Бухорога яширин равишда юборилган — «Мунозара», «Сайёҳ ҳинди» сингари асарларини мутолаа этиш бўлажак ёзувчининг дунёқарашида инқилобий ўзгаришларни вужудга келтирди. У амирлик тузумининг чириганини, мамлакатни бошқариш усулини янгилаш, демократик ислоҳотлар ўтказиш ва халқ оммасини маърифатлаштириш зарурлигини сезди. Садриддин Айний ана шу тарзда ёш бухороликлар ҳаракатига келиб қўшилди ва ўзбек жадид адабиётининг ёрқин намояндадаридан бирига айланди.

Садриддин Айний ўсмирилик йилларида турмуш тебратиш учун жисмоний меҳнат билан кўпроқ шуғулланган булса, ижтимоий онгида рўй берган ўзгаришлар туфайли кейинчалик ақлий меҳнат ёрдами билан кун кечира бошлайди. Чунончи, у татар мактабида таржимон бўлиб хизмат этади. Шу аснода муайян малака ҳосил қилган Садриддин Айний дўсти Мирза Абдулвоҳид билан бирга унинг ҳовлисида мактаб очиб, 1909 йилда «Газҳиб ус-сибиён» («Болалар тарбияси») деган ўқиши китобини яратади. Ёш муаллимнинг бу дастлабки педагогик ишлари ўша давр учун катта воқеа бўлгани сабабли қаттиқ қаршиликка учрайди.

«Имтиҳонлар бошланган паллада,— деб ёзади у таржимаи ҳолида,— катта муллалар иғво бошлаб, болаларни кофир қиласи, деб бизнинг мактабимизга қарши чиқдилар, улар амирга мурожаат қилиб, мактабимизни ёптиридилар ва амирга қарашли булган кишилар бу билан ҳам қаноатланмай, Мирза Абдулвоҳидни оломон қилиб ўлдирмоқчи бўлдилар. Улар Бухородан қочиб кетдилар, мен бир мунча вақт яшириниб юрдим». Бундай таъқиблар узоқ давом этди. 1917 йил Феврал инқилобидан сўнг эса Садриддин Айний фаол ижтимоий

ҳаракатдан узоқлашганига қарамай амир томонидан етмиш беш та-  
еқлик жазога ҳукм қилинади.

Садриддиннинг балийи ижодга қызиқиши талабалик йилларида бош-  
ланган. У дастлаб, Сифлий (Паст), Мұхтожий ва Жунуний (Телба), ўн  
саккиз ёшида эса «Айний» таҳаллуси билан ижод қила бошлади.

Адабнинг 1917 йилга қадар яратган асарлари у қадар күп эмас. Гар-  
чанд инқиlobга қадар бўлган даврда «Ойна», «Улуғ Туркистон», «Ал-  
ислоҳ», «Хуррият» «Садои Туркистон», «Тараққий» сингари газета ва  
журналларда ўз шеърлари ва мақолалари билан ёш ижодкор сифатида  
қатнашса-да, вақт ўтиши билан жiddий ҳаётий мавзуларга кўл уриш-  
га, даврнинг қон томирини топишга интилади. Чунончи, 1896—1904  
йилларда «Гули сурх», «Базм» сингари катта мазмундан холи шеърлар-  
ни ёзган бўлса, кейинчалик яратган «Ёшлирга мурожаат», «Ҳасрат»,  
«На улди, ё раб!», «Мозий ва ҳол», «Ерни яна сотманг» сингари шеър-  
ларида жадид адабиётининг нафаси уфуриб туради. «Устоз Исмоилбек  
жаноблари» деган марсияда эса Садриддин Айний жадидчилик ҳарака-  
тининг отаси Исмоил Гаслирали вафоти муносабати билан мусулмон  
Шарқи ўзининг буюк раҳнамоларидан маҳрум бўлганини айтади.

Садриддин Айний 1917 йилга қадар кечган ижодида, бошқа жа-  
дидлар сингари мақоланавислик (публицистика) билан ҳам самара-  
ли шуғулланди. Унинг «Ойна» журналида чоп этилган «Ҳар бир мил-  
лат ўз тили или фахр этар» деган мақоласи муаллифнинг 1915 йил-  
даёқ Туркистон халқлари уртасида ўзбек тилининг мавқенини кута-  
риш вазифасини ўз олдига қўйганини намойиш этди. У шу даврда  
назарий ҳарактердаги ишлар билан банд булиб қолмай, форс-тожик  
тилида «Бухорий шариф», ўзбек тилида «Турон» газеталарини нашр  
этишнинг ташаббускорларидан бири бўлди.

«Ушбу икки газета,— деб ёзган эди Садриддин Айний,— Италия  
ва Болқон муҳорабаси асносида нашр бўлғонларидан ҳар бир нарса-  
дан хабарсиз Бухоро аҳолисини тарихдан, сиёсатдан, жуғрофиядан,  
Оврупонинг умумий аҳволидан, мусулмонларнинг ҳалокат чуқурига  
тушаётганларидан хабардор қилдилар. Ёшлирга адабиёт, қалам  
ва ўқимоқ фикрлари тушди. Оталар эсларига бола тарбияси ва ўқит-  
моқ ҳоллари келди».

Садриддин Айнийнинг дастлабки ижодий фаолияти тўғрисида сўз  
борар экан, 1909—1910 йилларда тузилган «Тарбияи атфол» («Бола-  
лар тарбияси») жамиятини четлаб ўтиш мумкин эмас. Садриддин  
Айний иштирокида тузилган бу жамият ўз олдига, биринчидан, кенг  
халқ оммаси орасида маориф ва турли адабиётларни тарқатиш, ик-  
кинчидан, исрофгарчиликка, майшатпарастликка ва бошқа ножӯя  
урф-одатларга қарши кураш, учинчидан эса, ҳукуматга қарши кенг  
ташвиқот ишларини олиб бориш вазифасини қўйган. Агар 1909 йили  
Фитрат Туркияга шу жамият ёрдами билан таҳсил олиш учун юбо-  
рилганлигини эсласак, унинг 1910- йиллар ҳаётидаги катта роли янада  
оидинлашади.

Хуллас, Садриддин Айний бу даврдаги ижоди ва ташкилотчилик фаолияти билан ўзбек жадидчиллик ҳаракати ва жадид адабиётининг шаклланишида муҳим аҳамиятга молик ишларни амалга ошириди. Унинг бу борадаги хизматлари ижодий фаолиятининг мунааввар саҳифаларидан бирини ташкил этади.

## ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИҶИЙ

(1889—1929)

Ҳамза XX аср узбек адабиётига тамал тошини қўйғанлардан бири, XIX аср охири — XX аср бошидаги ўзбек маданиятининг энг йирик намояндаларидан, фаол маърифатпарвар шоир, ўқитувчи, жамоат арбобидир. У шеъриятни ҳаётга ва ҳалққа яқинлаштириш, ҳозирги замон насрини ўзбек адабиётида қарор топдириш, айниқса, драма, комедия, трагедия яратиш бобида ва театр санъатини ривожлантиришда улкан изланишлар ва кашфиётлар қўлган санъаткор. Ҳамза бастакор, режиссёр, журналист, педагог ва дарслеклар муаллифи сифатида ҳам маълум. Ҳамзанинг «Миллий ашуалалар учун миллий шеърлар мажмуаси» (1915—1917), «Захарли ҳаёт» (1916), «Паранжи сирлари»дан бир лавҳа ёки яллачилар иши» (1927), «Майсарапнинг иши» (1926) каби драматик асарлари ўзбек адабиётида янги ҳодисадир.

Ҳамза 1889 йилда Кўқонда, табиб оиласида туғилди. Отаси маърифатли, илғор зиёли эди. Ҳамза эски мактабда, рус-тузем мактабида ва мадрасада ўқиди, форс, араб ва рус тилларини ўрганди. Шу билан бирга Фузулий, Навоий, Ҳофиз каби машҳур Шарқ шоирлари, Фурқат, Муқимий асарларини мустақил мутолаа қилди, улардан ўрганди, илҳомланди ва улар таъсирида 1905 йилдан бошлаб «Ниҳон» таҳлаллуси билан шеърлар ёза бошлади, 25 ёшидаёк «Девон» тузди. Унда Шарқ шеъриятига хос муҳаббат, диний тематика билан бирга маърифатга чақириш муҳим урин эгаллайди. Ҳамза ўзининг педагогик фаолиятини 1910 йилда Тошкентнинг Қашқар маҳалласида, 1911 йилда Кўқонда, 1914 йилда Марғилонда ва яна Кўқонда мактаблар очиб, болаларни ўқитишдан бошлади. Ҳамза бу мактабларда дарс берибина қолмасдан, айни чоқда «Енгил адабиёт», «Ўқиш китоби», «Қироат китоби» (1914—1915) каби дарслеклар ҳам ёзди. У бир шаҳарда усули савтия мактабини очиб қувғин қилинса, иккинчи шаҳарда яна шундай жадид мактабини ташкил қилди, кўпроқ камбағал болаларини ва камбағалларни ўқитишга интилди. Ҳамзанинг маориф-ўқитиш ишларидаги ютуғи шунда бўлдики, исломни усули савтия билан боғлай олди — Қуръон ва Ҳадисларни фаол ёрдамга тортиб, ҳалқни илм-маърифатга, янгиликка даъват этди.

1913—1914- йилларда Ҳамза чет элларда — Афғонистон, Хиндистон, Сурия, Туркия мамлакатларида, Маккада бўлди, у мамлакатлар ҳаётида рўй берётган ўзгаришлар билан танишиди. 1915—1917-

йиллар давомида Ҳамза қатор асарлар яратиб, унда халқ ҳаёти, орзу-интилишларини ифодалади, ўзининг инсонпарварлик ғояларини халқ тили билан содда ва равон услугуда баён этди, оммани илм-маърифатга чақирди, билдъатни қоралади. Унинг «Янги саодат» повести, «Гул» туркумидаги тұпламлари («Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуасы») шу даврларда ёзилгандыр. Маърифатпарварлик ғояларини оммалаштиришда театрдан ҳам унумли фойдаланды. 1915—1916-йилларда «Ферузахоним», «Илм ҳидояти», «Лошман фожиаси» каби қатор драма ва комедиялар ёзіб, баъзиларини ўзи тузган «Хаваскор труппа»сида сақналаштириды.

Ҳамзанинг 1917 йилга қадар бұлған фаолияти ва ижоди ўз даври маданий-маънавий ҳаёти, маърифатчилик ва жадидчилик таъсирида шаклланиб, унинг фаол иштирокчиси бұлғанлығи, мустамлака зулмуга қарши халқ орасыда маърифат тарқатып йўлида тинимсиз кураш олиб борганлигини кўрсатади. У жадидларга эргашди ва жадидчиликнинг илғор вакилларидан бирига айланди. Жадидлар отаси Исмоил Гаспирали вафот этганда Ҳамза марсия ёзіб, «Дод қыл даври фалакдин, ботди хуршиди жаҳон», дейди. Мунавварқорини «муҳтарам устози олий», «маънавий ота», деб атади. Ҳамза бир мақоласида бундай деб ёзды: «Агар бу аҳволда яшайверсак, бир муддатдан сўнг бу билдъатлар орасыда бир миллат туғулуб, бутун ислом фақат исми бор, жисми йўқ бир ҳолга келиб қолур. Ўзимизнинг бадъатларга мубтало бўлғонимиз етар, ўзимиздан кейинги авлодларимизнинг хуршид саодатларин заволға еткурмайлик ва ҳозирдан бу дардларнинг давосига киришуб, чорасини излайлук... Бунинг каби билдъат ва мажусият одатларини йўқ қилмак учун ёлғиз икки калима сўзни яхши тушунмак лозим: ўқимоқ ва ўқимоқ». Яна бошқа бир мақоласида у «ўкув-ўқитув усулларини замонга мувофиқ таҳсил қымлоқ чораларини ахтармоқ лозим» лигини ўқтиради. Ҳамза дарсликлар ёзіб, янги услубдаги мактаб очиб, журналлар чиқариб жадидчиликни тарғиб қилиш билан чекланмади, балки айни чоқда ўзининг бадиий асарларида жадидчилик рухини кенг, дадил ва теран ифодалади. Маълумки, жадидчиликка рус мустамлакачилари ҳам, бойлар ва мутаасиб руҳонийлар ҳам қарши турган. Шунинг учун Ҳамза ўз асарларида ана шуларга қарши кураш олиб борди. «Захарли ҳаёт» драмасида Марямхон «Шариатда жабр ҳаром!», «Шариатда адолат бор!», «Исломият ўлмайди», дейди. Ҳамза «пора олиб, диндан кечиб» халқни алдаганларни «миллат ҳисси йўқ экан» деб таъкидлайди.

Ҳамза ўз асарларida ҳуррият, баҳт-саодатга бирлашиш, ўқишурганиш, меҳнат ва кураш орқали эришиш мумкинлигини таъкидлаб: «Бирлашсун эмди бошимиз, маслакда қарши ёшимиз», «Бирлашинг, Туркистан!», «Қўл ушлашинг, бирлашинг эмди, Туркистан!», «Ҳақ йўлида жон берсак, булсак миллат қурбони», дейди. 1917 йили урталарида ёзган «У ён Ватан» шеърида Ҳамза «Эй Ислом эли! Бу кун миллатта ўлсун ҳарна ҳимматимиз!», «Битди истибод! Етсун ҳуррият! Битсун назорат, куллик, асорат!» деб ҳайқирди. «Туркистан

мухториятина» шеърида «Тўрт юз йиллик Романов битгач давлати кўтарили асорат, хўрлик иллати», «Бир санжоқда тўплансин ислом давлати», деб куйлайди.

Ҳамза шеърияти, хусусан, унинг «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси» унинг ижодидагина эмас, балки умуман XIX аср охири — XX аср бошидаги узбек шеъриятида олга ташланган катта бир қадамдир. Ҳамза бу реалистик туркумда Туркистон ҳалқининг ҳаққоний аҳволини, уз сўзи билан айтганда «Туркистон қиссасини» курсатиб беради. Тупламдаги шеърларни содда тилда ва ҳалқ қўшиқлари пардасида, йусини, йули ва оҳангиди ёзди, ҳар бир шеър бошида ҳалқ орасида машҳур бўлган бирор ашулани курсатиб, ундан парча келтириб ўтади. Унинг «Янги саодат» повести ҳам янгича проза асарлари яратиш соҳасида кўйилган муҳим қадамдир. Унда ҳам маърифат, эркин-баҳтли ҳаётга интилиш руҳи етакчилик қиласи. Асарнинг сўнгига шундай сўзларни ўқиймиз: «Худо золим эмас, бирорвга беруб, бирорвга бермай кўймас. Худойи таборак ва таоло саодат илмда, разолат жаҳлда, ҳар бир иш банданинг ўз ҳаракатига мувофиқ, деб қаломида такрор хабар бергани бор».

Ҳамза драмалари ўзбек адабиётига янгилик бўлиб кирди. «Захарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» асари росмана фожиа, яъни трагедиядир. У «Истибодд қурбонлари» («Лошмон фожиалари» трилогиясининг учинчи қисми, қолганлари топилганича йўқ) асарида истибодд тўғрисида сўзлаб, рус чиновникларини қаҳр-ғазаб билан фош этади ва айтиш мумкинки, бу давр ўзбек адабиётида рус чоризмини Ҳамзадек фош қилган ёзувчи бўлмаса керак.

Ўзбек адабиётида ҳақиқий маънодаги комедия жанрининг туғилиши ва ривожи ҳам Ҳамза номи билан боғлиқ. Ҳамза «Майсаранинг иши» («Бурунги қозилар ёки Майсаранинг иши») асари билан ўзбек адабиётида комедия жанрига асос солди. Ҳамза комедиялари, энг аввало, ўзбек ҳалқ ижоди — ҳалқ қутироқ театри, асқиячилик ва Насриддин Афанди латифалари, шунингдек, ҳалқнинг ҳазил-ҳажвий эртаклари заминида туғилди. Шунинг учун комедияларида ҳалқ ижоди анъаналарининг салмоғи катта.

Ҳамза ўз даврида мактаб-маориф соҳасида ишлади, драмтруппалар тузди. У түгри сўзлиги, ҳақиқатгўйлиги ва муросасизлиги туфайли бирор ерда муҳим ишлай олмади. Бухоро, Тошкент, Фарғона, Ҳўжайли, Аввал қишлоғида — юрт бўйлаб кўчиб юрди. 1929 йили 18 марта Шоҳимардонда фожиали ўлим уни ҳаётдан олиб кетди.

Ҳамзанинг маърифатчилик фаолияти Туркистонда XX асрнинг бошидаги умумий маънавий ўзгаришлар, илғор педагогик ва ижтимоий-фалсафий фикрлар, жадидчилик ҳаракати ривожига муҳим таъсир кўрсатди. У ўз ижоди билан ўзбек миллий адабиётининг тараққиётида, ундаги реалистик йўналишнинг борган сари ривож топишида катта аҳамиятга эга бўлди. Ўз ҳалқи, ватанининг фаронлиги, маънавий ривожи йўлида чарчамай, ниҳоятда фойдали ишларни амалга ошириди.

## ХУЛОСА

(Сүнгсўз ўрнида)

*Икки дарё — Сирдарё ва Амударё оралигидаги ўлка жуғрофий-табиий хусусиятлари жиҳатидан инсон жамоасининг ривожи учун энг қулай бўлган мақонлардандир. Серсув водийлари, кўм-кўж қирбагирлари, дарахтзорлари, ероссти бойликлари одамларнинг яшами, дехқончилик, чорвачилик, ҳунармандчиликнинг ривожи учун табиий имкониятларни вужудга келтиргандир. Шу сабабдан ҳам Мовароуннахр, Туркистон, Марказий Осиё каби номлар билан юритилувчи бу маконда иқтисодий-ижтимоий ривожланиши, маданият тараққийси, давлатчиликнинг шаклланиб, кучайиб бориши милоддан олдинги бир неча асрлар аввал бошланганлиги илм-фандада аллақачонлар исботлангандир. Унинг бойликлари милоддан аввал ҳам, бизнинг милоднинг 2000 йиллик тарихи давомида ҳам ташқи душманларни ўзига тортиб, жалб этиб келган.*

*Масалан, Эрон шоҳлари Аҳмонийлар мил. аввал VI—IV асрлар давомида бу ўлка ҳалқлари — Турон билан узлуксиз жанглар олиб бориб, уларни ўз тасаруфларига қаратгандар. Милоддан аввал IV асрларда қадимги Юнонистон императори Александр Македонский — Македонияли Искандар юртимизнинг довругини эшишиб, араб, Эрон ўлкаларидан ўтиб, ҳозирги Ҳужанд шаҳригача босиб келган. Лекин бу жангларга, тўқнашувларга қарамай ерли ҳалқнинг маданияти аста-секин ривожланиб, ўз намуналари билан дунёга юз тута борган. Шунингдек, ерли ҳалқ давлатчилиги ҳам шаклланиб, маданий ривожланишининг сиёсий-ижтимоий асосларини мустаҳкамлаб борди.*

*Олимларнинг таъкидлашича, энг йирик қадимги динлардан бўлмиш зардуштийлик шу Марказий Осиё — хусусан, Ҳоразм ўлкасида шаклланган. Унинг асосий қоидалари ифодаланган китоб «Авесто» ҳам шу ерда вужудга келган. Марказий Осиёдаги давлатчилик тарихи ҳам эрамиздан аввалги Ҳоразм подшоҳлигидан бошланади. Эрадан аввал VIII—VII асрларда «Катта Ҳоразм», «Бақтрия подшоҳлиги» каби давлатларнинг мавжуд бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Амударё қирғоқларида ёйлиб ётган турли катта-кичик қўргонларнинг қолдиклари, улардан топилаётган турли орхеологик ашёлар — бу ерлардаги қадимги шаҳарлар ва уларда ривожланган маданият ҳақида гувоҳлик беради. Қадимги маданиятимиз тарихини ўрганиш асосан археологик қазишмалар билан боғлиқдир. Ёзма адабиёт деярли етиб келимаган. «Авесто»дан терига ёзилиб қолинган айрим парчалар, ҳоразм, сўғд ёзувларининг айрим намуналари гина бизга маълум. Милоднинг бошларида бу ерларда Чагониён, Сўғдиёна, Марғиёна, Парканга, Бақтрия, Ҳоразм каби ўлкалар мавжуд бўлган, уларда дех-*

қончилик, савдо-сотиқ кенг ривож топган. Бу даврда Farb билан Шарқни — Узоқ Шарқ мамлакатлари билан Ўрта ер дengизини боғловочи буюк савдо йүли — «Ипак йўли» ривожланниб, маданий бойликларни алмашув маданий тараққиёт ишида муҳим аҳамият касб этган.

Хуллас, халқимизнинг милодий VII асрга қадар бўлган маданияти тарихи асосан археологик қазишжалар ёрдамида аниқланishi мумкин.

VII асрларда Саудия Арабистонида сунгги дунёвий дин — ислом дини вужудга келиб, у арабларнинг бирлашуви ва ягона давлат — араб халифалигининг шаклланишида ҳам асосий аҳамиятга эга бўлди. Халифалик ислом байроғи остида аста-секин бошқа ўлкаларни босиб олабошлиди, ўзига қаратилган ерларда ислом динини изчилик ва қатъийлик билан жорий қилаборди. VIII аср бошларида Кутайба ибн Муслим бошчилигидаги араб қўшинлари Эрон ва Хурисондан сунг икки дарё оралиги — Мовароуннаҳри забт этишга киришиди. Бу ерда зардуштийлик ва бошқа динлар сиқиб чиқарилиб, ислом дини, унинг муқаддас китоби «Куръон» қоидалари ва у билан бирга араб ёзуви ҳамда араб тили ӯрнатила борди. Ислом аста-секин маданият ва маънавиятнинг барча соҳаларидан устунликка интилди. Араблар бу йўлда ерли халқнинг маданий бойликлари, маънавият намуналарини, динлари, ёзувлари, урф-одатларини бутунлай ўқотиб юборишга ҳаракат қилдилар.

Араб босқинчилигига қарши кўтарилиган халқ қўзғолонлари шафқатсиз бостирildi. Мовароуннаҳр, Марказий Осиё Араб халифалиги таркибига киритилди. Бу Марказий Осиё маданияти тарихида янги давр, янги саҳифанинг шаклланишига олиб келди, маданиятнинг энг муҳим қисмлари бўлмиш дин, ёзув, шим ва сиёсатнинг ўзгариши маданият, маънавиятнинг умумий йўналишига ҳал этувчи таъсир кўрсатди.

IX асрлардан бошлаб Мовароуннаҳрда араб ёзувида ёдгорликлар вужудга келабошлиди. Араблар истилосидан, янни VIII асрдан то XX аср бошларигача Мовароуннаҳр, жумладан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ислом дини ва араб ёзувига асосланган маданий-маънавий ривожланиш ҳукм сурди.

Бу маданиятни турт даврга бўлиш мумкин:

1) IX—XII асрлардаги маданий юксалиш; 2) XIV—XV аср — Темур ва Темурийлар даври маданий кўтарилиши; 3) XVI асрдан то XIX асрнинг биринчи ярмigача бўлган маданият ва 4) XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошларида рус мустамлакачилиги даврида маданий ҳаёт.

Биринчи давр сиёсий жиҳатдан араб истилосига қарши узоқ йиллик кураш натижасида Марказий Осиё ерларида мустақил давлатларнинг вужудга келиши билан характерланади.

IX асрнинг бошларидан бошлаб халифа Маъмун Мовароуннаҳр ва Хурисонда араб халифалигининг ҳукмдори булиб турган вақтда шаҳар ва ўлкаларга исломга, халифаликка содиқ ерли халқ зодагонларидан ҳокимлар тайинлай бошлаган эди. Шулардан Сомонийлар IX асрнинг охирига келиб ўзларини халифатдан мустақил деб эълон этдилар. Лекин турли сулолаларнинг ҳукмронлигига асосланган ерли давлатларнинг вужудга келиши бу сулолалар ўртасидаги кескин курашлар, аёвсиз жанглар жараённida амалга ошиди. IX—XIII асрнинг 20-чи йилларига қадар Марказий Осиёда Сомонийлар, Қорахонийлар, Маъму-

нилар, *Ғазнавийлар*, *Салжуқийлар*, *Хоразмшоҳлар* ҳукмронлик қилганини кўрамиз. XII асрга келиб Марказий Осиёда, умуман, Ўрта Шарқда катта ҳудудни ўзига қаратган *Хоразмшоҳлар* империяси ҳукмронлик қилди. Лекин бу мустақил давлат 1220 йилдаги Чингизхон бошлиқ мўғул ҳужуми натижасида тугатилди.

Иқтисодий жиҳатдан бу давр муносабатлари, турли Шарқ ўлкалари, хусусан, Яқин ва Ўрта Шарқ, Ўрта ер дengизи бўйи давлатлари билан савдо алоқаларининг кучайиши, давлатчиликдаги бошқариш усулларининг кенгайиши билан характерланади.

Маданий-маънавий жиҳатдан бу даврда ислом Марказий Осиёда уз мавқени мустаҳкамлаб, маънавий ҳаётнинг турли соҳаларига кириб бориши билан жуҳимдир. Шу билан бирга халифаликка кирган ҳалқларнинг, айниқса, арабчага таржима этилган қадимги юнон илмий-фалсафий меросининг таъсирида ислом доирасида турли оқимлар, фикрлар, талқинларнинг маълум жиҳатдан хурфиксриликининг юзага келиши ва уларнинг Марказий Осиё шаҳарларида ҳам тарқалишини кўрамиз.

Маълумки, IX асрнинг бошларида халифа Маъмун даврида (813—838) халифаликнинг маркази Багдодда илм-фан, маданият тез суръатлар билан ривож топди, қадимги юнон илмлари кенг миқёсда ўрганилиб, юнон олимларининг асрлари кўплаб таржима этилди, айниқса, табиий фанлар, фалсафа илмлари соҳасида катта ютуқлар кўлга киритилди. Илм-фанинг таъсири остида исломда турли оқимлар, талқинлар кучайди, хусусан, тафаккурни табиий илм ва дунёвий фалсафага йўлловчи мутазилия давлат мафкураси даражасига кўтарилиди. Бу давр Farb шарқшунослик адабиётидаги «араб Ренессанси» сифатида уз талқинини топди. X асрлардан бошлаб халифаликда диний илмлар, анъанаий оқимлар кучайди.

X—XII асрларга келиб Марказий Осиёда мустақил давлатларнинг устунликка эришуви, халифалик таъсиридан қутлиши бу ерда илмий-маданий ривожланиш, турли ноанъанавий исломий оқимлар — исмоилия, мутазилия, картмалор ҳаракатлари, тасаввuf кабиларнинг ҳам ёйилишига имкон яратди.

Илмий-маданий юксалиш Багдоддан Мовароуннаҳр, Хурсон ерларига кўчди, бу давр турли илм, адабиёт соҳасида буюк сиймоларни етишитирди. Бу маданий тўлқин Мовароуннаҳрни бутун ислом дунёсида илмий-маданий Марказ сифатида ном қозонишига олиб келди. Бу даврни Марказий Осиё Уйғониши даври — Ренессанси деб, аниқроғи, бу Ренессанснинг илк даври деб атамоқ мумкин. Бу давр маданият ютуқлари Farbий Оврўпо мамлакатлари маданияти ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. У ердаги XV—XVI аср Ренессанси, маданий юксалишида муҳим омиллардан бўлди.

1220 йилда бу маданий Уйғониши — Ренессанс бирдан узилиб қолди, мўғуллар ҳужуми 2—3 йил орасида бутун Мовароуннаҳр ва Хурсонни вайронага айлантирди, шаҳарлар, сув иншоотлари барбод этилди, олимфозиллар ўлдирildi, қолганлари турли ўлкаларга тарқаб кетдилар.

XIV асрнинг иккинчи ярмидан Мовароуннаҳрда мўғулларга қарши курашнинг кескин ҳаракати мустақил давлат яратишга бўлган интилишнинг авж олишига олиб келди. Ниҳоят, Амир Темур бошлиқ ҳаракат мўғуллар устидан галаба қозониб, Мовароуннаҳрда Марказлашган давлат вуҷудга келди.

*XIV* аср охирى, айниңса *XV* аср маданиятин соҳасида Марказий Осиёда — Ренессанс даврининг иккинчи, энг авжга чиққан даврини ташкил этди. Бу даврни Марказий Осиё маданиятин тарихида янги мустақил — иккинчи давр сифатида талқин этиш лозим. Табиий ва исломий илмлар, санъат, адабиёт бу даврда бутун мусулмон Шарқи учун машхур бўлган натижаларга эришиди. Унинг довруғи Ўрта аср Оврупосида ҳам кенг тарқалди.

Сиёсий жиҳатдан бу маданий юксалиши мустақил ва ягона Амир Темур давлати асосида шаклланди. Амир Темур Мовароуннаҳр ва Хурросонга қўшни ўлкаларни ҳам қаратиб, ўз юртининг осойишталиги ва равнақи учун имкон яратди, бошқа давлатлар билан дипломатик алоқаларни кучайтириди, давлатчиликни, давлат бошқарувини мустақамлади.

Иқтисодий жиҳатдан Темур ва Темурийлар институтларининг изжобий томонларини ривожлантиришга, руҳонийлар, дин, тасаввуф вакилларидан сиёсий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш ишида фойдаланишга интилдилар. Савдо-сотик, ҳунармандчилек ривожланди, бозорларга, бошқа мамлакатлар билан мол алмашувга эътибор кучайди. Бу масалалар «Темур тузуклари»да ўз ифодасини топгандир.

Маданий-маънавий жиҳатдан ислом, унинг қонун-қоидаларидан, арбобларидан тинчликни сақлаш, давлат фаровонлигини ошириши ишида фойдаланиш, уларнинг бирлаштирувчи кучига асосланиб иш олиб боришга эътибор берилди. Тасаввуф, айниңса, унинг Мовароуннаҳрда шаклланган йўналиши — Нақшбандия маънавий жиҳатдан эркин ақлий меҳнатни таъминлашда муҳим гоявий асос бўлиб хизмат қилди.

Туркий — ўзбек тилининг мавқеи кучайди, бадиий, табиий-илмий асарлар форс ва ўзбек тилларида яратилди. Бу даврда ободончилик ривожланди: мадрасалар, йўллар, турли иншоотлар кўплаб барпо этилди. Илмнинг турли соҳаларида катта ютуқлар қўлга киритилди. Бу даврда Марказий Осиё — Мовароуннаҳр ва Хурросон дунёнинг энг ривожланган ўлкаси сифатида машҳур бўлди.

Бу даврдаги илмий-маданий ютуқлар алдинги *IX—XII* асрларда эришилган маданий бойликлар асосида тез суръат билан амалга оширилиб, уларни изходий ўзлаштириш, ривожлантириш натижасида юз берди.

Тасаввуф соҳасида бу ворислик *XII* асрларда аста-секин вужудга келабошлилаган нақшбандиянинг *XV* асрга келиб кенг ривожи, маънавий эркинлик, маданий юксалишда ҳал этувчи етакчи аҳамият касб этиши, унга гоявий асос бўлиб қолишида ўз ифодасини топди.

Шунинг учун бу давр Марказий Осиёда *X* асрда бошланган ва кескин равишда узилиб қолган Маданий Ўйғониши — Ренессанснинг чўққиси, якунловчи босқичидир.

Марказий Осиё маданиятининг учинчи даври — бу ерда Темурийлар давлатининг мағлубияти, 1405 йилда Ҳусайн Бойқаронинг мағлубиятидан сўнг давлатнинг парчаланиб кетиши, демак, алдинги маданий юксалишининг инқирозга юз тута боришидан бошланди. Олим-фозиллар турли ўлкаларга тарқаб кетдилар, қурилишлар тўхтаб, маданият бинолари ҳаробаларга айланба борди, ўзаро низолар, ҳокимият учун кураш кучайди.

Темурийзода Мирзо Бобурнинг *XVI* аср бошларида ўз юртидаги муваффакиятсиз ҳаракатларидан сўнг Ҳиндистонда темурий давлатини барпо этиб,

унинг авлодлари даврида Марказий осиёлик олим-фозил, шоир, рассомларнинг кўплари у ерда паноҳ топдилар. Марказий Осиё маданияти Ҳиндистон ерида ривож топди, сўнгроқ аста-секин ҳинд маданияти билан қоришиб, унга катта таъсир кўрсатди.

Мовароуннахрда ҳокимият учун узоқ ишллик урушлар, ички низолар кучай-иб кетди. Сиёсий тушкунлик авж олди, бу мамлакат иқтисодига, зарар ет-каэди, ташки олам, ўзга мамлакатлар билан ҳам алоқалар сусайиб кетди. Ва ниҳоят, XVI асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннахр ҳудудида мустақил давлатлар — Бухоро ҳонлиги ҳамда Хива ҳонликлари шаклланни тиклай бошлади. XVII асрнинг охирида узоқ урушлардан сўнг мустақил Қўқон ҳонлиги ташкил топди. Лекин бу давлатлар ўртасида таъсир доираси учун ҳар доим урушлар, низолар давом этиб турди. Умуман XVI—XIX асрнинг биринчи ярми, сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётда, халқаро муносабатларда олдинги ютуқларни йўқотиш, кўп соҳаларда ортга кетиши билан тарихда маълумдир.

Сиёсий ҳаётда ҳам ўзаро урушлар низолар, хунармандчилик, дехқончилик, савдо-сотиқ ишларига катта зарар келтирилди, ташки савдо алоқалар сусайди.

Иқтисодий ҳаётда ҳам ўзаро урушлар низолар, хунармандчилик, дехқончилик, савдо-сотиқ ишларига катта зарар келтирилди, ташки савдо алоқалар сусайди.

Маданий ҳаётда анъанавий ислом, ақидапарастликнинг таъсири кучайди, маориф, маърифат соҳасида ҳам асосан диний таълимотлар устунликни эгаллай бошлади, олдинги маънавий ютуқларнинг таъсири камайди, диний илмлар етакчи ўринга чиқди. Лекин шунга қарамай маданий ҳаётда қатор ижобий натижалар юз берганини ҳам кўрамиз. Ҳусусан, адабиёт, тарихий илмлар, санъатнинг айрим турлари соҳасида йирик адаб, шахслар етишиб чиқди. Тасаввuf ҳам ўзининг олдинги аҳамиятини ўзгартириб, ижтимоий ролини йўқота борди. Ўзбек тилининг мавқеи кучайиб, у адабиётда борган сари кенг ўрин эгаллаганини кўрамиз. Форс ва ўзбек тиллари адабий тил сифатида кенг фойдаланила бошланди. XIX асрнинг биринчи ярмида ҳар уч ҳонликда маданият, ҳусусан, адабиёт ва тарихнавислик соҳасида муҳим жонланши вужудга келди.

Туркистон маданиятининг туртминчя даври — XIX асрнинг 60-йиларида бу ерда Россия ҳукмронлигининг ўрнатилиши билан бошланди. Россия Туркистонни қурол, қақшатқич уруш ёрдамида босиб олди. Қўқон ҳонлиги тугатилди. Бухоро амирлиги ва Хива ҳонлиги Россиянинг вассалига айланниб қолди. Туркистонда тўлигича мустамлакачилик сиёсати ўрнатилиб, иқтисод, маданият ҳам шунга буйсундирildi. Лекин бошқа Шарқ мамлакатларида бўлиб ўтаётган маърифатпарварлик ва мустамлакачиликка қарши ҳаракатлар таъсирида Туркистонда ҳам ҳукмрон рус мустамлакачилари хоҳишига зид ҳолда маърифатчилик ҳаракати ривож топди, аста-секин ундан маърифий масалалар билан бирга сиёсий масалаларни ҳам олға сура бошлаган жадидчилик ҳаракати келиб чиқди. Туркистон губернияси, Бухоро амирлиги, Хива ҳонлигидаги жадидчилар ҳаракати кучайиб, мавжуд тузум учун хавфли кучга айланниб борди.

Мавжуд сиёсий, иқтисодий ва маданий тузум 1917 йил феврал воқеаси, сўнг Октябр инқилоби натижасида тугатилиб, тамоман бошқа — социалистик йўналишга буриб юборилди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви сиёсий-иқтисодий, маданий соҳаларда тамоман янги давр бошлаб берди. Халқимизнинг 10 асрлик маданияти тарихини кузатиш мустақиллик маданияти, маънавиятини шакллантиришда тарихдан кўп сабоқлар олиш мумкинлигини ва бу сабоқлар келажак учун шубҳасиз фойдали эканлигини кўрсатади.

— Авваламбор, ҳақиқий маънавий юксалиш, маданий тараққиёт учун халқимиз мустақил давлатга эга бўлиши, қарамлик сиқувидан озод бўлиши зарурдир. Қарам бўлиб яшаган халқ маънавий эркинликка, тараққиётга зриша олмайди, у ўзлигидан, ўз руҳий қудратидан маҳрум бўлади.

Ҳозирда мустақилликка эришган Ўзбекистон ўз миллий маданиятини юқсак даражада ривожлантиришининг энг муҳим шартини, омилини қўлга киритди ва бу мустақиллик йўлида иккапланмай ҳадам ташлаб, шиддат билан бормоқда.

— Мустақилликка эришув зарур сиёсий, иқтисодий муаммоларни ечишин талаб этади, лекин маданий-маънавий ривожланишисиз сиёсий-иқтисодий тараққиёт умумий ижтимоий масалаларни ечишига, сўнгги мақсад — етук инсон ва жамоани яратишга охизидир. Шунинг учун маданий-маънавий масалаларга ҳокимият, давлатнинг маҳсус ёътибор бериши, уларни ҳал этиши, маданий юксалиш учун, маънавий ривожланиши учун, маънавий қадрияtlарни кучайтириш, уларни яратиш ва яратувчиларга кенг икониятлар қидирмоғи талаб этилади. Ҳозирги Ўзбекистонда бу йўналишда ҳам муҳим ишлар амала оширилмоқда.

— Ҳар бир халқ маданиятининг асослари, ўзига хослиги, хусусиятлари, унинг тарихи, ривожи давомида шаклланниб, «тахланиб» боради ва уларнинг мажмуи ушбу маданиятининг миллийлигини белгилайди. Шунинг учун халқимиз маданиятининг ўзига хос томонлари, мазмунини билиш, унинг тарихини, ўтмишдаги ривожланиш даврларини ўрганишни талаб этади. Ҳозирги тарихни билиш, уни объектив ёритишга бўлган талабнинг кучайшиши миллий маданиятимизнинг тўлиқ мазмунини, тарихини, ютуқларини ўрганишга ҳам бевосита оиддир. Бу — миллий маданиятимизнинг жаҳон маданияти тарихидаги роли ва ўрнини аниқлаш учун ҳам зарурдир.

— Маънавий маданият, маънавият ютуқлари аксари маданий юксалиш жарафёнида вузудга келуечи ва уни ифодаловчи олим-фозил, донишманд, адаб, дин арбоблари ва улар фаолияти, ёзиг қолдирган мероси кабиларда акс этиб, муҳрланиб қолади. Албатта турли анъаналар, археологик ёдгорликлар, буюмлар ва бошқаларда ҳам халқ маънавияти ютуқлари ифодаланади, лекин ёзма адабиёт, қўлламалар бу жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эгаидир. Шунинг учун ўтмишдаги буюк сиймолар, алломалар, адабларнинг фаолияти, асарларини ўрганиш, уларни ҳозирда нашр этиш, тарғиб қилиш, юбилейларини ўтказиш, маданият тарихини — маънавий бойлигимизни чўқур билиш ишида ниҳоятда муҳимдир.

— Алломалар, сиймолар мероси Марказий Осиёда ўтмишда илм-фан, маданиятнинг барча соҳалари, тармоқлари ривожлангани, уларнинг ижодлари кўпқиррали бўлганилиги, фаолиятида илм-фан билан бир қаторда дин, ахлоқ,

инсоннинг маънавий дунёси, жамоанинг ҳамжиҳатлиги, уни одилона бошқа-риш, саодати масалалари мұхим ўрин тутғанлигидан далолат беради.

— Уларнинг мероси ва маданият тарихи яна илм-фан ва диний қоидалар-нинг бир бутунлигини ташкил этиб, умумий маънавият ривожи учун хизмат қила олишини, фойдалы бўлишини исботлайди. Фан ва дин ҳалқ маданияти-нинг турли соҳалари, қисмлари бўлиб, ягона мақсадга қаратилган ҳолда бир-бирини тўлдириши, ҳалқни шу ягона мақсадга йўналтиришга хизмат қилиши мумкин. Диний таассубнинг илм-фан ҳисобига кучави ижтимоий ривожла-нишга, маданиятнинг кучайишига зарар келтиришини маълум тарихий давр-ларда юз берган жараёнлар ўзида ифодалайди.

— Маданий ривожланишда миллий маънавий бойликни бошқа ҳалқлар, мам-лакатлар маданияти ютуқларидан баҳраманд бўлиш, маданий алоқаларни кучайтириш, миллий қобигѓа ўралиб, умумий ҳалқаро алоқалар тизмасидан четда ажралиб қолмаслик, миллий маданиятнинг умумжаҳон маданият ютуқ-лари билан доимо бойиб боришида ниҳоятда катта роль ўйнайди.

Бу айниқса, ҳозирда жаҳон мамлакатларининг умумийлик, ҳамжиҳатлик-ка интилиши ортиб бораётган бир шароитда мұхим аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан ҳулоса чиқарган ҳолда, ҳозирда ёшларда мустақиллик маънавиятини тарбиялаш барча тарихий-маданий бойликларнинг асосий то-монларини ўрганиш, миллий маданиятимиз ривожи, даврлари, тараққиёт қону-ниятлари, маънавий бойликларни яратган йирик сиймолар, донишманд адаб-ларнинг меросини ўзлаштириш, бошқа ривожланган мамлакат маданияти ютуқларини ўрганиш, уларга ҳурмат-иззатда бўлишини, бу масалалар бўйича кенг таълим, ўқув-ўқитув ишларини олиб бориши талаб этади. Бу мустақил-лик шароитида ёш авлодни миллий-маданий бойликларини яхши билган, мил-лий гурур, ватанпарварлик ҳисси билан йўргилган, дунё маданий ривожланиш даражасидан хабардор бўлиб етишувида етакчи омил бўлиб хизмат қиласди.

---

## МУНДАРИЖА

<b>Муқаддима</b>	3
<b>Марказий Осиёда IX—XX аср бошида маданият ривожи тарихидан —</b>	
академик <i>М. М. Хайруллаев</i>	5
<b>IX—XII асрларда Мовароуннахр ва Хуросонда маданий юксалиш —</b>	
академик <i>М. М. Хайруллаев</i>	37
Мусо ал-Хоразмий — т.ф.д. <i>А. Аҳмедов</i>	38
Аҳмад ал-Фарғоний — т.ф.д. <i>А. Аҳмедов</i>	46
Аҳмад ал-Марвазий — т.ф.н. <i>Б. Абдуҳалимов</i>	51
Яхъё ибн Абу Мансур — т.ф.н. <i>Б. Абдуҳалимов</i>	54
Аҳмад ас-Саражсий — т.ф.н. <i>Б. Абдуҳалимов</i>	56
Аббос ал-Жавҳарий — т.ф.н. <i>Б. Абдуҳалимов</i>	59
Абдуллоҳ ибн Амажур ат-Туркӣ — т.ф.н. <i>Б. Абдуҳалимов</i>	60
Аҳмад ас-Сағоний — т.ф.н. <i>Б. Абдуҳалимов</i>	62
Ином ал-Бухорий — фил. ф.н. <i>У. Уватов</i>	64
Абу Исо Мұхаммад ат-Термизий — фил. ф.н. <i>У. Уватов</i>	68
Абу Наср Форобий — <i>М. М. Хайруллаев</i>	71
Абу Бакр Наршахий — т.ф.д. <i>А. Уринбоев</i>	81
Қафвол аш-Шоший — ф.ф.д. <i>А. Ирисов</i>	84
Абу Мансур ал-Мотуридий — илмий ходим <i>Ш. Ю. Зиётов</i>	87
Абу Бакр ал-Хоразмий — илмий ходим <i>И. Элмуродов</i>	89
Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий — фалс. ф.д. <i>О. М. Баҳодиров</i>	92
Абу Али ибн Сино — <i>М. М. Хайруллаев</i>	96
Абу Райҳон Беруний — фалс. ф.д. <i>А. Шарипов</i>	104
Абу Абдуллоҳ Рудакий — фалс. ф.д. <i>М. Б. Баратов</i>	110
Носир Ҳисрав — фалс. ф.д. <i>М. Болтаев</i>	112
Юсуф Ҳос Ҳожиб — фил. ф.д. <i>М. И момназаров</i>	118
Маҳмуд Кошғарий — фил. ф.д. <i>М. И момназаров</i>	124
Абу ал-Муъян ан-Насафий — фил. ф.н. <i>У. Уватов</i>	130
Маҳмуд аз-Замахшарий — фил. ф.н. <i>У. Уватов</i>	132
Исмоил Журжоний — фалс. ф.н. <i>М. Қодиров</i>	137
Маҳмуд Чагманий — фалс. ф.н. <i>М. Қодиров</i>	141
Бурҳонуддин ал-Марғиноний — илмий ходим <i>О. Қориев</i>	144
Аҳмад Яссавий — фил. ф.д. <i>О. Усмонов</i>	147
Адиг Аҳмад Юғнакий — фил. ф.д. <i>М. И момназаров</i>	150
Нажмиддин Кубро — фалс. ф.д. <i>М. Қодиров</i>	153
<b>XIV асрнинг иккичи ярми — XV асрларда маданий юксалиш —</b>	
академик <i>М. М. Хайруллаев</i>	160
Амир Темур	161
Баҳоуддин Нақшбанд — фил. ф.д. <i>О. Усмонов</i>	167
Шоҳруҳ Мирзо — т.ф.д. <i>Т. Файзиев</i>	169
Мирзо Улуғбек — т.ф.д. <i>А. Аҳмедов</i>	172
Тафтазоний — фалс. ф.н. <i>М. Қодиров</i>	180
Журжоний — фалс. ф.н. <i>М. Қодиров</i>	183
Қозизода Румий — т.ф.д. <i>А. Аҳмедов</i>	186
Ғиёссидин ал-Коший — т.ф.н. <i>Д. Юсупова</i>	190
Али Кушчи — т.ф.д. <i>А. Аҳмедов</i>	193
Яъкуб Чархий — <i>М. Ҳасанов</i> , т.ф.н. <i>О. Бўриев</i>	198
Хожа Мұхаммад Порсо — т.ф.н. <i>О. Бўриев</i> , <i>М. Ҳасанов</i>	200

Хожа Ахрор — т.ф.д. А. Уринбоев	204
Саккокий — т.ф.н. Қ. Муниров	208
Лутфий — фил. ф.д. С. Эркинов	211
Абдураҳмон Жомий — фил. ф.д. А. Ҳайитметов	217
Алишер Навоий — фил. ф.д. М. Имомназаров	225
Косими Анвар — фалс. ф.д. Ҳ. Алиқулов	231
Давлатшоҳ Самарқандий — т.ф.н. Д. Юсупова	233
Ҳусайн Бойқаро — т.ф.д. Т. Файзиеv	236
Жалолиддин Давоний — фалс. ф.д. Ҳ. Алиқулов	238
Ҳусайн Воиз Кошифий — фалс. ф.н. Р. Ж. Маҳмудов	241
Камолиддин Беҳзод — фил. ф.д. О. Усмонов	245
Фасиҳ Ҳавоғий — т.ф.н. Д. Юсупова	249
Низомиддин Шомий — т.ф.д. А. Уринбоев	252
Шарафиддин Али Яздий — т.ф.д. А. Уринбоев	255
Абдураззоқ Самарқандий — т.ф.д. А. Уринбоев	259
Мирхонд — т.ф.н. Д. Юсупова	262
Хондамир — т.ф.н. Д. Юсупова	264
<b>Заҳириддин Мұхаммад Бобур — академик С. Азимжанова,</b> т.ф.н. Д. Валиева	268
<b>Түркистонда XVI—XIX асрнинг биринчи ярмида маданий ҳаёт —</b> академик М. М. Ҳайруллаев	273
Махдуми Аъзам — т.ф.н. Б. Бобожонов	274
Мұхаммад Шайбонийхон — т.ф.д. Р. Г. Мукминова	279
Подшохжа — фал. ф.д. Алиқулов, ф.ф.н. С. Гозиев	281
Мирзо Мұхаммад Ҳайдар Дағлолт — т.ф.д. А. Уринбоев	284
Ҷусуп Қорабогий — фал. ф.д. М. Нуриддинов	289
Абулғозийхон — т.ф.н. Қ. Муниров	291
Мұхаммад Шариф Бухорий — фал. ф.д. М. Нуриддинов	294
Турди Фарогий — ф.ф.д. А. Ҳайитметов	297
Бобораҳим Машраб — ф.ф.д. А. Абдуғафуров	301
Суфий Оллоёр — ф.ф.н. И. Сувонқулов, фалс. ф.н. М. Қодиров	308
Махтумқули — ф.ф.д. С. Эркинов	310
Увайсий — ф.ф.д. М. Қодирова	314
Нодира — ф.ф.д. М. Қодирова	316
Махмур — ф.ф.д. А. Абдуғафуров	322
Гулханий — ф.ф.д. А. Абдуғафуров	326
Мунис Ҳоразмий — т.ф.н. Қ. Муниров	328
Оғаҳий — фалс. ф.н. М. Сафарбоев	331
Комил Ҳоразмий — Ф. Қобулов	334
<b>XIX асрнинг иккичи ярми — XX аср бошида Түркистонда маданий жараён —</b> академик М. М. Ҳайруллаев	338
Аҳмад Дониш — фалс. ф.д. Воҳидов, М. Ҳайруллаев	339
Бердақ — фалс. ф.д. Ҳ. Алиқулов, фалс. ф.н. У. Ҳудойбергенова	342
Чуқон Валихонов — ф.ф.н. Қ. Сейданов	344
Абай — т.ф.н. Қ. Сейданов	347
Мұхаммад Раҳимхон II—Феруз — проф. Н. Қобулов	349
Сатторхон Абдулғафуров — фале. ф.д. Ҳ. Воҳидов	352
Муқимий — ф.ф.д. А. Абдуғафуров	355
Фурқат — ф.ф.д. А. Абдуғафуров	360
Завқий — ф.ф.д. А. Абдуғафуров	365
Баёний — т.ф.н. Қ. Муниров	369
Маҳмудхужа Беҳбудий — ф.ф.д. Б. Қосимов	372
Мунавварқори Абдурашидхонов — ф.ф.д. Б. Қосимов	377
Абдулла Авлоний — ф.ф.д. Б. Қосимов	381
Аваз Утар — проф. Н. Қобулов	384
Фитрат — академик С. Мамажонов	388
Садриддин Айний — ф.ф.д. Н. Каримов	394
Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий — академик С. Мамажонов	396
Хулоса — академик М. М. Ҳайруллаев	399

**АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ  
ХАЛҚ МЕРОСИ НАШРИЁТИ:**

Директор *Дилбар ИКРОМОВА*

Бош мұхаррир *Илхом ЗОЙИРОВ*

Ишлаб чиқарыш булими мудири *Темурпұлат ХОДЖАЕВ*

**Илмий-оммабол жанр**

**МАҢНАВИЯТ ЙОЛДУЗЛАРИ**

*Ўзбек тилида*

Мұхаррир *Илхом Зойир*  
Бадий мұхаррир *Темур Сағдулла*  
Тех. мұхаррир *Валентин Веремеюк*  
Мусаҳид *Змёда Латифхон қызы*

**ИБ № 289**

Теришга берилді 10.01.2001 й. Босишига рұхсат этилди 15.05.2001 й. Бичими 60×90<sup>16</sup>.  
Босмахона қоғози. Шартлы босма табоги 25,5. Нашр босма табоги 24,0. Адади 10000  
нұсқада. Баҳоси шартнома асосида. Буюртма № К-8518.

А. Қодирий номидаги халқ мероси нашириёти. Тошкент — 129,  
Навоий күчаси, 30-үй. Нашр рақами № 2.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кумитасининг Ижарадаги Тошкент  
матбаа корхонасında босилди. Тошкент — 129, Навоий күчаси, 30-үй.

